

В. Г. БЕЛИНСКИЙ



ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1955

Тузучи:  
*Р. Абдурахмонов*

\*

Редактор  
*С. Муҳамедов*

### НАШРИЕТ ДАН

Ўзбекистон ССР Давлат Нашриёти улуғ рус танқидчиси ва революцион демократи Виссарйон Григорьевич Белинскийнинг бир томлик сайланма асарини таржима қилиб чиқарди. Бу бир томликка кирган мақолалар В. Г. Белинскийнинг вафотига юз йил тўлиши муносабати блан Давлат бадий адабиёт нашриёти томонидан 1948 йилда чиқарилган унинг уч томлик асарлар тўпламидан танлаб олинди.

Мақолаларни танлаб олишда тутилган асос шундан иборатки, биринчидан, улуғ танқидчининг ҳаёти ва ижодий фаолиятининг турли даврларига оид асарлари блан китобхонларимизни таништириш ва, иккинчидан, унинг мақолаларида сўз юритилган ёзувчиларнинг асарларидан ўзбек тилига таржима қилинганлиги назарда тутилди (масалан: М. Лермонтов «Замонамиз қаҳрамони», А. Пушкин «Евгений Онегин» ва ҳоказо).

Бир томликка киритилган асарлар уларнинг ёзилган вақтига қараб хронологик тартибда жойлаштирилди.

Китобхонларимиз бу бир томликнинг мундарижаси ва таржимасининг сифати ҳақида ўзларининг қимматли фикрларини билдириб, бундан кейин бу соҳада олиб борадиган ишимизга ёрдам кўрсатарлар, деган умиддамиз.





## ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ М. ЛЕРМОНТОВ АСАРЛАРИ

*Санктпетербург, 1840*

*Икки қисм*

Адабиётимизнинг алоҳида хусусияти шуки, унинг кўринишлари жуда хилма-хил бўлиб, бир-бирига сра ўхшамайди. Европа адабиётининг ҳарқандайини олиб қараманг, биттасида ҳам энг улуғ ижодиётлардан то энг қабиҳ асарларгача орада узулиш борлигини кўрмайсиз: улуғ ижодиётлар блан қабиҳ асарлар зинапоя каби поғона-поғона бўлиб, қабиҳ асарлардан юқорига, улуғ ижодиётга қараб ўсишини ҳам, улуғ ижодиётдан пастга, қабиҳ асарлар томон таназзулга кетишини ҳам кўриш мумкин. Доҳиёна бадий асарлар ёнида ўткир сан'аткор талантларининг кўпгина ижодларини кўрасиз; булардан кейин жуда яхши, ундан сўнг диққатга лойиқ, сўнгра тузуккина ва ҳоказо беллетристтик асарлар бениҳоя тизилишиб кетади; сўнгра расман асарларга дуч келасиз, уларни бирдан эмас, балки аста-секин, батартиб суратда кўрасиз. Четэл бадий адабиётининг энг оддий асарларида ҳам бир қадар ўқимишлик, жамиятдан хабардорлик, ёки, ҳеч бўлмаганда, авторларнинг саводлилиги аломатлари кўриниб туради. Шунинг учун ҳам Европанинг ҳамма адабиётлари жуда серсамара ва сермаҳсул бўлиб, ўз ўқучиларига етарлича ма'навий завқ бермасдан қолмайди. Бадий ижодиёти жиҳатидан энг суюқ ва энг

бемаза бўлган француз адабиёти беллетристик асарларнинг кўплиги жиҳатидан бошқалардан бойроқ бўлиб, шу туйғули Европадаги китобхонларни танҳо ўзига қаратиб келмоқдадир. Бунинг аксига, бизнинг ёш адабиётимиз кўпгина улуғ бадий ижодиётлар яратгани учун фахрланишга ҳақлидир; лекин бизнинг адабиётимизда беллетристик асарлар жуда ҳам кам бўлиб, булар сон жиҳатидан бадий асарлардан анча ўтиб кетмоғи керак эди, албатта<sup>1</sup>. Екатерина даврида адабиётимизда Державин бор эди, холос, унга лоақал оз-моз яқинлашадиган бошқа ҳечким йўқ эди; унутилаётган Фонвизин ва унутилиб кетган Хемницер блан Богданович ўша замоннинг кўзга кўринган бирдан-бир беллетристлари эдилар. Крилов, Жуковский ва Батюшковлар Александр I замонидаги улуғ шоирлар эди; Капнист, Карамзин (унинг тарихчилиги ҳақида сўзламаймиз), Дмитриев, Озеров ва яна бирнечагина киши ўша замонда ажаб яхши беллетристик асарлар ёзиб, бу хил асарларнинг кўпайишига кўмаклашдилар. Ҳозирги асрнинг йигирманчи йилларидан бошлаб ўттизинчи йилларигача адабиётимиз жонланиб кетди; Крилов блан Жуковский шоирлик майдонида ҳали ҳам жавлон уриб юрган вақтда, биринчи улуғ рус халқ шоири, катта сан'аткор Пушкин пайдо бўлди; бир қадар кўзга кўринган таланти кишилар тўдаси унга ҳамроҳ бўлиб, унинг атрофида юрар эдилар ва Пушкинга асрдош бўлиш уларнинг шубҳасиз талантини унча ҳам бўртдириб кўрсатмас эди. Аммо Пушкин даврида (илгариги ва кейинги даврларга нисбатан) ажаб яхши беллетристикага таланти кишилар фоятда кўп бўлиб, булардан ба'зилари ўз асарларида поэзия даражасигача кўтарилдилар ва ба'зиларининг асарлари, гарчи ҳозир ўқилмаса-да, ўз вақтида халойиқ орасида катта э'тибор қозонган эди, булар кўпинча журнал ва альманахларда босиладиган майда асарлар ёзиб, халойиқнинг э'тиборини ўзларига қаттиқ жалб қилган эдилар. Қирқинчи йилларнинг бошларида роман ва драма асарлари ёзиш ҳаракати авж олиб кетди ва бу ҳаракат мисли кўрилмаган ёрқин умид бағишлаган эди: «Юрий Милославский»

катта умид бағишлаган эди. «Торквато Тассо» ҳам катта умид бағишлаган эди...<sup>2</sup> ва кўпгина бошқа асарлар ҳам катта умид бағишлаган эдилар; фақат эндиликда уларнинг бугунлай заиф асарлар эканлиги билинди... Лекин ана шу умид ва умидсизлик даврида ҳам бир буюк ижодий талантнинг порлоқ юлдузи ярқираб турган эди — биз Гоголь ҳақида сўзлаяпмиз. Таассуфки, Пушкин вафотидан кейин у ҳечбир асар бостириб чиқармаяпти; унинг сўнгги асарларини рус жамоати 1836 йилда чиққан «Современник» журналида ўқиган эди; ҳар ҳолда унинг янги асарлар ёзганлиги тўғрисида овозалар тўхтовсиз эшитилмоқда...<sup>3</sup> Ўттизинчи йил адабиётимиз учун маш'ум йил бўлди: журналлар бирин-кетин ёпилабошлади, альманахлар ўқучиларни зериктириб ме'дасига теккандан кейин чиқмай қолди, шунинг учун 1834 йилда «Ўқиш кутубхонаси» журнали деярлик ҳамма машҳур ва номашҳур шоирлар ва адибларнинг асарларини ўз саҳифаларида босиб чиқарабошлади, мазкур журнал бу иши бланшоир ва адибларнинг фаолияти сусайиб, торайиб қолганлигини ва рус адабиётининг камбағаллигини кўрсатмоқ учун жўрттага шундай қилаётганга ўхшаб кўринар эди... Броқ, бу масалалар ҳақида биз тез кунларда ёзадиган алоҳида мақоламизда сўзлаймиз;<sup>4</sup> ҳозирча асосий фикримизни тўппа-тўғри айтаемизки, рус адабиётининг алоҳида хусусияти — кучли ва ҳатто улуғ сан'аткор талантларнинг бирданига порлаб кўриниб қолишидир ва, ба'зи ҳолларни истисно қилганда, китобхонларнинг «китоб кўп-у, ўқийдиган нарсаси йўқ...» деб доимо гапириб юришидир. Мазмун ва ма'нодан бўмбўш бўлиб қолган муҳитда бирдан майдонга чиққан кучли сан'аткор талантлар жумласига жаноб Лермонтов киради.

1834 йилда чиққан «Ўқиш кутубхонаси»да Пушкин ва Жуковскийнинг бирнечта (жуда озгина) шеърлари босилган эди; сўнгра, «Современник» журнали рус поэзиясининг макони бўлиб қолди; бу журналда ноширнинг ўзи томонидан ёзилган шеърлардан бўлак Жуковский ва яна бирнечагина кишининг шеърлари ҳам босилиб чиқди; унда бирнеча жуда яхши белле-

тристик асарлар ва танқидий мақолалардан бошқа, Пушкиннинг «Капитан қизи», Гогольнинг «Бурун», «Қоляска», «Ишлик кишининг эрталабки машғулоти» деган ҳикоялари ва комедияларидан айрим кўринишлар ҳам босилган эди. Бу ярим журнал ва ярим альманахни фақат бир йилгина Пушкин нашр қилган бўлса ҳам, унинг вафотидан кейин қолган асарлари журналда узоқ вақтгача босилиб турди, «Современник», «Ўқиш кутубхонаси» чиқабошлагандан кейин анча вақтгача вақтли матбуотдан четда қолган поэзиянинг бирдан-бир макони бўлиб келди. 1835 йилда Кольцовнинг шеърлари кичкина китобча бўлиб чиқди. Шундан кейин у ўзининг лирик шеърларини турли журналларда ҳозиргача муттасил бостириб келмоқда<sup>5</sup>. Кольцов ўз асарларининг қиммати баланд ва мазмуни яхши бўлганидан эмас, балки ўз-ўзидан ўрганиб етишган шоир, мол жаллобдан чиққан шоир бўлганидан умумнинг диққатини ўзига тортди. Ҳозиргача ҳам уни шахсий ҳолатларини ҳисобга олмаган ҳолда шоир деб билмайдилар ва шоир деб баҳо бермайдилар, фақат бирнеча кишигина унинг таланти, пойдор, жуда кенг ва жуда кучли эканлигини фаҳмлайди ҳамда уни вақтли адабиётда рўй берган ўткинчи (гарчи шоён диққат ҳодиса бўлсада) бир ҳодиса деб эмас, балки юксак сан'атнинг ҳақиқий жонбози ва мухлиси деб билади. Кольцовнинг дастлабки шеърлари нашр бўлиб чиқиши блан бир вақтда жаноб Бенедиктов ҳам ўз шеърлари блан майдонга чиқди. Унинг шеърлари адабиётимизни бойитишдан кўра, халойиқ орасида кўпроқ шов-шув кўзғотиб юборди. Жаноб Бенедиктов шеърлари шоён диққат, мароқли ва жуда ибратли бир ҳодисадир; унинг шеърлари сан'атнинг сири-асорини салбий томондан изоҳлайди ва шу блан бирга сан'атини юзаки жилвадор қилиб кўз қамаштиручи ҳарбир юзаки талант, я'ни илҳомдан қайнаб чиқадиган эмас, балки бир зумгина ловиллаб ёнучи аланга каби талант майдонга қандай шов-шув блан чиққан бўлса, майдондан шундай секингина ва сезилмасдан ғойиб бўлади деган ҳақиқатни тасдиқлайди. Ғалати бир тасодифий ҳол рўй бериши натижасида жаноб



Красовнинг ше'рлари «Уқиш кутубхонаси»га кириб қолди ва унда жаноб Бернет номи блан ҳам ше'рлар пайдо бўлди, бу вақтгача ўз асарларини фақат Москва нашрларида бостириб келган жаноб Красов энди ҳаммага ма'лум ва машҳур бўлиб кетди.<sup>6</sup> Дарҳақиқат унинг лирик асарлари, гарчи чуқур ҳиссиёт блан маса-да, кўпинча оташин ҳиссиёт блан, ба'зан эса сан'аткорона бир шаклда ёзилганлиги алоҳида кўри-ниб туради. Жаноб Красовдан кейин — Ө — имзоси<sup>7</sup> блан ёзилган ше'рлар диққатга сазовордир; бу ше'р-лар қайғу-ҳасрат, оху-воҳ, дард-алам ҳиссиёти блан қандайдир ҳаммаси бир тарзда, бир мақомда ёзилган-лиги блан фарқ қилади ва шу блан бирга бу ше'рлар-да кўпинча тавба қилиш ва тақдирга тан бериш ғояси доимо устун бўлиб, улар чиройлик, ба'зан кишини маф-тун қиладиган шоирона образларда ифодаланади. Бу ше'рларда ифода қилинадиган руҳий ҳолатнинг нима-лигини билучи кишилар бу ше'рлардан ҳечбир вақт та'сирланмасдан қолаолмайдилар; худди шундай руҳий ҳолатда бўлган кишилар, табиий, бу ше'рлар-нинг қадр-қимматини жуда ҳам ошириб юборадилар; бундай қайғу-ҳасратларнинг нималигини билмайдиган ёки руҳий ҳолати нормал бўлган кишилар эса бу ше'р-ларга ҳаққоният юзасидан баҳо бераолмайдилар: шоирларнинг та'сири ва қисмати ана шундан иборат бўлиб, улар ўз ижодиётларида ҳаммага умумиятга ма'лум бўлган нарсаларни ўз шахсиятлари блан ғоят-да пардалаб қўядилар. Ҳарҳолда, — Ө — ше'рлари ўз замондоши бўлган адабиётда рўй бераётган ажойиб ҳодисалар жумласига киради ва уларнинг тарихий аҳамияти борлигига ҳечқандай шак-шубҳа йўқ.<sup>8</sup>

Жуда кўп асарлар ёзган ва «Уқиш кутубхонаси» томонидан кўкларга кўтариб мақталган шоир жаноб Кукольник ҳақида ҳечнима демаслигимиз кўп киши-ларга балки ғалати туюлар. Биз у кишининг ютуқла-ри бор эканлигини биламиз, у кишининг ютуқлари борлигига шубҳа йўқ, лекин бу ютуқлар ҳақида гапи-риладиган бирор бир янги гап ҳам йўқ. Чиройлик қилиб ёзилган икки, учта монолог драма бўлаолмага-ни каби, асардаги бир-икки дуруст ше'рий парчалар

ҳечнарсга арзимайдиган бутун бир ижодни яхши қилиб қўймайди. 3000 ше'рдан иборат бир драмада ўттизтача ёки, боринги, элликтача яхши лирик ше'рлар бўлса-ю, лекин унда воқиялар, характерлар ва ҳақиқат кўринмаса, бу драма ҳам жуда зериктирадиган ва тинкага тегадиган бир нарса бўлади. Бирон киши ниҳоятда кўп драма ёзган бўлсада, лекин уларнинг ҳаммаси бир-бирига айнан ўхшаш бўлса, бундай драмалар блан ҳам фазилат орттириш ва ном чиқариш мумкин эмас. Талант ҳақида бир сўз ҳам айтмаймиз, талант бўлса бўлаберсин; аммо гап талантнинг қандай даражада бўлишида! Агар талант ўзинтилган мақсади ва бошлаган ташаббуси даражасида туришга ожизлик қилар экан, сиз ундан мева кутиб турган чоғингизда, у фақат самарасиз гул ҳосил қилиб беради, холос. Бизни бадғараз деб гумон қилмасликлари учун яна жаноб Бернет ҳақида сўзлашга тўғри келади шекилли; унинг кўп ше'рларида ба'зиба'зида поэзиянинг учқунлари йилтираб қоларди; лекин бу ше'рларнинг хоҳ каттаси, хоҳ кичкинаси бўлсин, биттаси ҳам бир бутун ва тугалланган ижод эмас эди. Бунинг устига жаноб Бернетнинг таланти ҳам юқоридан пастга тушиб бормоқда, шунинг учун унинг охириги ёзган ше'рлари аввалгиларига қараганда тобора заифлашиб бормоқда; бинобарин, энди унинг аввалги ше'рларини ҳам тилга олмай қўйдилар. Балки биз, таланти ҳар замонда бир учқунланиб қўядиган бирқанча шоирлар ҳақида сўзламай ўтгандирмиз; аммо сони кўп бўлган, бир лаҳзагина гуллайдиган бир йиллик оддий ўсимликлар ҳақида сўзлаб туришнинг ҳожати борми! Гарчи бу ўсимликлар қуруқ ўт бўлмай, гул бўлганда ҳам, улар ҳақида сўзлаб туришнинг ҳожати борми? Йўқ.

Ўлганлар қабрда тинч ётаберсин.

Тириклар ҳаёт наш'асин сурсин.

Шунинг учун ҳам *тирикларга* мурожаат қилайлик. Лекин тириклар орасида ёлғиз Кольцов ўлимдан кўрқмайдиган ҳаётдан дарак бермоқда, чунки унинг поэзияси фақат ҳозирги замонга хос муҳим ҳодиса бўл-

май, тенги бўлмаган жуда ажойиб ҳодисадир. У блан барабар ва ундан кейин пайдо бўлган шоирларнинг ҳечбирини у блан бир қаторга қўйиш мумкин эмас, шунинг учун у, бошқа ҳамма шоирлардан йироқроқда кенг бир доирани узоқ вақтгача эгаллаб турди, лекин бирдан поэзиямиз уфқида янги бир ёрқин нур пайдо бўлдию, шу ондаёқ унинг энг порлоқ юлдуз эканлиги ма'лум бўлиб қолди. Биз Лермонтов ҳақида сўзлаётимиз. Шу вақтгача ма'лум бўлмаган Лермонтов 1838 йилда «Рус инвалиди» журнаliga қўшиб чиқарилган «адабий қўшимчалар»да «Шоҳ Иван Васильевич, навжувон ясаул ва азамат савдогар Калашников ҳақида қисса»<sup>10</sup> деган поэмасини бостириб чиқарди; 1839 йилдан бошлаб эса доимо «Отечественные записки»да асарларини бостириб келмоқда. Унинг поэмаси бадий жиҳатдан жуда юксак бўлишига, бутунлай янги ва алоҳида хусусияти борлигига қарамай, бутун халойиқнинг айрим э'тиборини ўзига жалб қилаолмади; бу поэманинг қадр-қимматини фақат бир-неча киши пайқади, холос. Лекин унинг майда асарларининг ҳарбири умум халойиқнинг завқини қўзғотиб қойил қолдириб келди. Бу майда асарлар ҳаммага бутунлай янги, ўзига алоҳида хусусиятга эга асарлар бўлиб кўринади; зўр илҳом тўлқини, ҳиссиётнинг чуқур ва кучли бўлганлиги, фантазиянинг чиройлик сурат блан безалганлиги, турмушнинг акси тўла кўрииб турганлиги ва фикрнинг бадий бир шаклда жуда ўткир ифода этилганлиги ҳаммани ҳайратда қолдирган эди. Ўшатишларни ҳозирча бир четга қўйиб туриб, фақат шунини айтаемизки, Кольцов ше'рларининг фикри чуқур, ифодаси ўткир, мазмуни хилма-хил бўлиб, бу жиҳатдан унга бирор кишининг рақобатидан кўрқиб лозим бўлмаса-да, лекин унинг ше'рларининг шакли, бадийлигидан қат'и назар, ҳамиша бир тарзда ва ҳамиша бир мақомда оддий ва расманадир. Кольцов фақат *халқ* шоири эмас; у бундан юқорироқ туради, чунки унинг *қўшиқлари* ҳарбир оддий кишига тушунарлик бўлса ҳам, лекин ҳечбир оддий киши *фикрларининг* тагига етаолмайди; шу блан бирга уни миллий шоир деб ҳам бўлмайди, чунки унинг кучли таланти

халқдаги жозибали соддалик доирасидан чиқаолмайди. Бу оддий киши тилида сўзловчи заковатли одамининг юрагида фақат илм ва ма'рифат соясида онги очилган кишиларга хос масалалар туғилади ва бу ма'нодор масалаларни халқ поэзияси шаклида ифода қилиб беради. Шу сабабдан унинг ше'рларини бошқа ҳечқандай тилга таржима қилиб бўлмайди; унинг ше'рларини фақат ўз юртида, ўз ватандошлари тушундилар, холос. «Шоҳ Иван Васильевич, навжувон ясаул ва азамат савдогар Калашников ҳақида қисса» сида Лермонтов рус турмушида бевосита юз берган ҳодисани ёлғиз ўзига хос халқча ше'рий шаклда ифода қилабилишини кўрсатади, ҳолбуки унинг рус руҳида ёзилган бошқа асарлари жаҳонда умумий бўлган бир шаклда, я'ни табиий ҳолатдан бадий ҳолатга кўчган поэзияга хос бўлган бир шаклда юзага чиқмоқдадир ва бу шакл ўз миллийлигини сақлаган ҳолда, ҳарқандай замон ва ҳарқандай мамлакат учун тушунарлидир\*.

«Отечественные записки»нинг 1839 йилда чиққан дастлабки икки сонидан бир-икки ше'р халойиқнинг диққатини Лермонтовга қаратган, ва унга катта умид блан шоирлик номини бердирган бир вақтда, Лермонтов прозада «Бэла» повестини ёзиб чиқди.<sup>12</sup> Бу ҳол ҳаммага хуш келиши блан бирга ҳаммани ҳайратда қолдирди, ёш талантнинг кучини яна ҳам намоён қилди, ҳамда унинг ижоди хилма-хил ва ҳар-тарафлама эканлигини кўрсатди. Лермонтов ўз ше'рларида қандай ижодкор бўлиб кўринган бўлса, повестьда ҳам шундай ижодкор бўлиб кўринди. Бу повесть шу хил адабиётни ғоят яхши кўрадиган халойиқни қизиқтириш истагидан ва бошқалар қилаётган ишга суриштирмай-нетмай тақлид қилишдан бун'ёдга келмади, балки унинг ше'рлари пайдо бўлган манба'дан, я'ни илҳомдан бўлақ ҳарқандай ҳавас ва истакларга ёт бўлган асл ижодкорлик табиатидан бун'ёдга келди.

---

\* Лермонтов ше'рлари яқин кунларда алоҳида китобча бўлиб чиқуви сабабли, биз вақти келганда улар ҳақида айрим мақола ёзиб муфассалроқ сўзлаймиз.

Ҳозирги замон турмушига хос лирик поэзия блан повесть бир талантда қўшилиб мужассам бўлди. Поэзиянинг бир-бирига сра қовушмайдиган хилларининг бу равишда қўшилиши ҳозирги замонимизда тез-тез учраб туради. Шиллер блан Гётеда, гарчи лирика элементлари ҳамиша устун ва асосий ўрин эгаллаб келган бўлсада, улар лириканавис, романнавис ва драматург ҳам эдилар. «Фауст» драма шаклида ёзилган лирик асардир. Ҳозирги замон поэзияси асос э'тиборила роман ва драматир; лекин лирикачилик ҳарҳолда поэзиянинг умумий таркибий қисми бўлиб қолади, чунки лирикачилик инсон руҳининг умумий таркибий қисмидир. Ҳарбир халқнинг ижоди лирикачиликдан бошлангани каби, ҳарбир шоирнинг ижоди ҳам лирикачиликдан бошланади. Вальтер Скоттнинг ўзи ҳам аввал лирик поэмалар ёзиб, сўнгра романнависликка ўтган. Фақат Шимолий Америка Штатларининг адабиёти Купер романидан бошланган, лекин бу ҳодиса рўй берган жамиятнинг ўзи қандай ғалати бўлса, бу ҳодиса ҳам шундай ғалати бир ҳолдир. Эҳтимол Шимолий Америка адабиёти инглиз адабиётининг давоми бўлганлиги сабабли бундай ҳодиса юз бергандир.<sup>13</sup> Бизнинг адабиётимизнинг ўзи ҳам тамоман алоҳида бир ҳодисадан иборат: ҳозирги вақтда биз Фарбда бирин-кетин тараққий қилиб келган моментларнинг ҳаммасини бирданига бошдан кечирмоқдамиз. Бизнинг поэзиямиз фақат Пушкинга қадар асосан лирикадан иборат эди. Пушкин лирикачилик блан узоқ шуғулланиб турмасдан, тез орада поэмага ўтди, поэмалар эса драмага кўчди. Уз замонаси руҳини талқин қилишга тамомила боғлиқ бўлган Пушкин романнависликка ҳам қўл чўзди: «Современник»нинг 1837 йилги сониди унинг «Буюк Пётрнинг ҳабаши» деган ва ёзиб тамом қилинмаган романидан олти боб, еттинчи бобнинг боши ҳам босилиб чиқди. Булардан тўртинчи боби даставвал 1829 йилда чиққан «Шимол гуллари»да босилган эди. Пушкин повестьларни бевақт тугаган умрининг охириги йилларида ёзабошлаган эди. Броқ, унга лойиқ бўлган ҳақиқий тур лирикачилик, ше'р блан ёзилган повесть (поэма) ва драматир, унинг

прозада тажриба қилиб кўрган асарлари ше'рий асарларига сра барабар бўлаолмайди. Унинг энг яхши повести бўлган «Капитан қизи» жуда ажойиб асар бўлишга қарамай, унинг поэма ва драмаларига асло тенглашаолмайди.<sup>14</sup> Бу асар жуда нари борганда, шоирлик ва ҳатто сан'аткорликнинг жуз'ий томонларидан ҳосил бўлган ажойиб беллетристик асардир, холос. Унинг бошқа повестьлари, айниқса «Белкин қиссаси» фақат беллетристика жумласига киради. Аллақачон бошланган романнинг тамом бўлмай қолганининг сабаби ҳам балки шудир. Лермонтов ше'рда қандай моҳир бўлса, прозада ҳам шундай моҳирдир, шунинг учун унинг сан'аткорлик фаолияти тез ўсабориши блан, у албатта драманависликкача бориб етишига имонимиз комилдир.<sup>15</sup> Бизнинг бу фикримиз беасос эмас: биз бу фикрни Лермонтов повестьларида очик кўриниб турган драмага хос ҳаракатларнинг мукамаллигига, шунингдек поэзиянинг ҳамма шакллари бир шахсда қўшилиб мужассам бўлмоғи учун жуда қулай бўлган ҳозирги замон руҳига суяниб айтаётирмиз. Бу сўнгги ҳол жуда муҳим, чунки ҳарбир халқ сан'атининг ҳам ўз тарихий тараққиёти бўлиб, шоирнинг қандай характерда бўлишини ва қайси хилда фаолият кўрсатишини шу тарихий тараққиёт белгилаб беради. Агар Пушкин кейинроқ пайдо бўлиб, ўзи сингари бир ўтмишдошга эга бўлганида, балки, у ҳам, улуғ лирик ва драматург бўлгани каби, улуғ романнавис ҳам бўлар эди.

«Бэла» алоҳида ва тугал бир повесть бўлиши блан бирга кейинроқ «Отечественные записки»да босилиб чиққан «Фаталист» ва «Тамань» сингари катта асардан ажратиб олинган бир парча эди. Энди бу асарлар «Максим Максимич», «Печорин журналига сўзбоши» ва «Княжна Мери» деган асарлар блан бирга қўшилиб «Замонамиз қаҳрамони» деган умумий бир ном блан майдонга чиқди. Бу умумий ном авторнинг ўзича хаёлига келган бир нарса эмас; шунингдек, асарнинг номига қараб, бу икки китобчадаги повестьлар автор мажбуран ҳикоячи қилиб қўйган бирор кишининг ҳикояларидир, деб ўйланмаслиги керак. Повестьларнинг

ҳаммасида бир фикр бўлиб, бу фикр бир шахсда ифода қилинган ва барча ҳикояларнинг қаҳрамони ҳам шу шахснинг ўзидир. «Бэла»да бу қаҳрамон қандайдир сирли бир шахсдир. Бу повестьнинг қаҳрамони бўлмиш қиз бутун вужуди блан кўз олдингизда туради-ю, лекин қаҳрамоннинг ўзи, гўё сир сақламоқ учун, сохта ном блан кўрсатилгандай бўлиб кўринади. Унинг «Бэла» хусусидаги гапларидан сиз яна қандайдир афсунли, сирли ва қайғили бир повесть борлигини беихтиёр пайқаб оласиз. Дарвоқи' автор «Бэла» ҳикоясини сўзлаб берган Максим Максимич блан учрашиши бланоқ бу қаҳрамонни сизга кўрсатади. Аммо бу блан сиздаги иштиёқ босилмайди, балки яна кўпроқ кучаяди ва «Бэла» қиссаси сиз учун ҳали ҳам муаммо бўлиб қолаберади. Ниҳоят, автор Печорин журнаlinesи қўлга олади ва унга ёзган сўзбошида автор романнинг идеясига ишора қилиб ўтади ва бу ишора сизнинг тоқатингизни яна тоқ қилиб, романнинг қаҳрамонини тезроқ билишга қизиқтиради. Ниҳоят даражада шойрона ёзилган «Тамань» ҳикоясида романнинг қаҳрамони ўз бошидан кечирган воқиаларни сўзлайди, лекин бу блан сирнинг афсуни яна кучаяди-ю, лекин муаммо ечилмай қолади. Ниҳоят, «Княжна Мери»ни ўқиганингизда туман тарқалиб, муаммо ечилади; романнинг оғир бир ҳиссиёт каби бутун вужудингизни бир зумда қамраб олган асосий идеяси сизга маҳкам ёпишиб олади ва сиздан сра ажралмайди. Правардида сиз «Фаталист»ни ўқийсиз, гарчи бу ҳикояда Печорин қаҳрамон бўлиб эмас, балки ўзи кўрган воқиани ҳикоя қилучи киши бўлса-да, гарчи унда «замонамиз қаҳрамони»нинг суратини яна кучайтирадиган бирон янги хосият кўрмасангиз-да, аммо шуниси ғалатик, сиз унинг ҳолига яна кўпроқ тушунасиз, унинг тўғрисида яна кўпроқ ўйлайсиз ва сизнинг ҳиссиётингиз ҳам тобора қайғилироқ ва оғирроқ бўлаборади.

Романни ўқиганингизда ҳосил бўлган бу тўлиқ таассуротда сизни ҳаяжонга келтирган турли-туман ҳис ва туйғулар ягона ва умумий бир ҳисга қўшилиб кетади ва унда ҳарқайсиси алоҳида равишда жуда баркамол ва диққатга сазовор бўлган шахсларнинг ҳаммаси

бир шахс атрофига тўпланиб, бир гуруҳни ташкил этади ва бу гуруҳ марказида ўша бир шахснинг ўзи туради, унинг атрофига тўпланган шахслар сиз блан бирга унга назар соларкан, бирови муҳаббат блан, бирови нафрат блан қарайди. Хўш, бундай тўлиқ таассурот ҳосил бўлишининг сабаби нима? Бунинг сабаби романда ифода қилинган фикрнинг бирлигидир, айрим-айрим қисмларнинг бундай уйғунлашиб ва мослашиб бир бутунга қўшилиши, ҳамма шахслар ўйнайдиган рольларнинг бу тариқа ўзига мувофиқ қилиб пухта тақсим этилиши ва ниҳоят бир бутун нарсанинг бундай тугал, тўлиқ ва *биқиқлиги* ана шу фикрдан ҳосил бўлган.

Харбир бадий асарнинг моҳияти шундаки, ундаги ҳодиса мавжуд имкониятдан мавжуд ҳақиқатга узвий равишда боғланиб боради. Кўз илғамас майда бир дона каби, сан'аткорнинг кўнглига бир фикр тушади-ю ана шу баракатли ва серҳосил заминдан гуркираб чиқиб, барқ уриб ўсабошлайди-да, гўзаллиги ва ҳаёти мукаммал бир шакл ва образларга киради; сўнгра бутунлай алоҳида, яхлит ва ўзига биқиқ бир олам бўлиб майдонга чиқади, бу оламда айрим-айрим қисмларнинг ҳаммаси бир бутунга мос бўлиб тушади ҳамда харбир қисм ўзига мустақил бўлган ўз-ўзида биқинган бир образ бўлгани ҳолда, айни замонда бир бутун нарсанинг зарурий қисми бўлиб ҳам яшайди ва тўлиқ таассурот ҳосил қилишга ёрдам беради. Худди шунингдек тирик инсон ҳам ўзига алоҳида ва ўз-ўзида биқинган бир оламдир: унинг *организми* сон-саноксиз жуда кўп *органлардан* таркиб топган бўлиб, бу органларнинг ҳарқайсиси ажойиб равишда бир бутун, тугал ва алоҳида бўлгани ҳолда, жонли организмнинг жонли бир бўлагидир ва бу органларнинг *ҳаммаси бир организмни*, битта яхлит вужудни, *индивидуумни* ташкил этади. Табиат яратган харбир нарсада, унинг энг қуйи жисми бўлган ма'дандан тортиб то энг юқори жисми бўлган инсонгача, ҳаммаси мукаммал бўлиб, етишмайдиган ва ортиқчалик қиладиган ҳечбир нарса йўқдир; балки харбир муча, харбир томир, ҳатто оддий кўз блан кўриб бўлмайдиган қилдек нарса ҳам



зарур бўлиб, жой-жойида туради. Демак, сан'ат ижодиётида ҳам мукамал бўлмаган, етишмайдиган ва ортиқчалик қиладиган ҳечнарсга бўлмаслиги керак; балки ҳарбир хусусият, ҳарбир образ зарурий бўлмоғи керак ва ўз жойида турмоғи керак. Табиатда жисм камолатига етаолмаганлиги орқасида чала ва чўлтоқ бўлиб яратилган нарсалар бор. Бу чўлтоқ жисмлар, чала бўлишларига қарамай яшаб турар эканлар, демак камолатга етмаган органлар организмнинг энг муҳим қисмларини ташкил этмаган бўлади ёки бу органларнинг кемтиклиги бутун организм учун аҳамиятсиз бир нарсга бўлади. Шунингдек бадий асарларда ҳам кемтик ўринлар бўлиши мумкин; лекин бу етишмовчиликларнинг сабаби бу асарлардаги ҳодисаларнинг тамомила тўғри бир жараён блан боришида, я'ни сан'аткорнинг шахсий иродаси ва идроки кам ёки зиёд иштирок қилганлигида, ёйинки сан'аткор асарнинг идеясини ўз кўнглида етарли равишда пишитиб олмаганлигида ва бу идеянинг муайян ва тугал образлар шаклига киришга йўл қўймаганлигида эмасдир. Бинобарин, бу асарлар шу хил камчиликлари туфайли ўзининг бадий аҳамияти ва қийматини йўқотмайди. Лекин табиат яратган жисмларда органларнинг жуда нотўғри ўсганлиги орқасида майиб-майриқ вужудлар ҳосил бўлиб, улар туғилган ҳамона ўлгани каби, сан'ат соҳасида ҳам дун'ёга келмасданоқ барҳам топдиган асарлар бор. Шунинг учун сан'атнинг ба'зи асарларини пайт ва шароитга мувофиқ қилиб янгидан тузиш ҳам, мослаштириш ҳам мумкин бўлади, бундай асарлар ҳақида эса, уларда гўзаллик ҳам, камчилик ҳам бор дейилади. Аммо асил бадий асарларда гўзаллик ҳам, камчилик ҳам бўлмайди. Бу асарларнинг мукамаллигига муяссар бўлган киши уларда *ёлғуз* нафосат ва гўзалликни кўради. Фақат нафосатга ҳисси ва диди бўлмаган, бадий асарнинг тугал ва мукамаллигини тўла пайқайолмасдан асарнинг айрим-айрим бўлаклари блан овора бўлиб боши айланиб қолган калтафаҳм кишигина асарда гўзаллик ва камчилик кўриши ва ўзининг онги пастлигини асарга тўнкаб қўйиши мумкин.

Ҳақиқатда бўлган ҳарбир нарса ҳаётдаги умумий руҳнинг жуз'ий ҳодисада айрим равишда кўринишидир, ҳарбир қисм ўзида руҳ борлигидан далолат беради: жисм бор жойда ҳаёт бор, ҳаёт бор жойда руҳ бор. Шунинг учун ма'дан ва ўсимликдан тортиб то одамзодгача табиат яратган нарсаларнинг ҳарбири ҳаётдаги умумий руҳнинг ҳаётнинг жуз'иятида айрим ҳолда кўринган шакли бўлгани каби, сан'атнинг ижод қилган ҳарбир асари ҳам умумий олам идеясининг ўз-ўзида биқиниб жуз'ий образ шаклига кирган айрим бир кўринишидир. Жисм шундай бир процесснинг моҳиятидирки, ҳаракатда бўлган ва азалдан бор бўлган нарсаларнинг ҳаммаси, бинобарин, табиат ва сан'ат яратган нарсаларнинг ҳаммаси, шу жараён орқали зоҳир бўлади. Табиат яратган нарсаларнинг ҳам ва сан'ат яратган нарсаларнинг ҳам бундай бутун, мукамал ва тугал, хуллас ўз-ўзида биқиқ олам бўлишининг сабаби ҳам шудир.

Ниҳоят биздан хўш, «биқиқлик» нима, деб сўрашлари мумкин. Бунга жавобан шуни айтамикки, бу нарса нақадар содда бўлса, шу қадар чигал ҳамдир ва бу саволга қаноатланарлик жавоб бермоқ нақадар осон бўлса, шу қадар қийин ҳамдир. Руҳ нима? Ҳақиқат нима? Ҳаёт нима? Шу тариқа саволлар тез-тез ўртага ташланиб, уларга тез-тез жавоб бериб турилади! Одамзоднинг бутун ҳаёти ҳал қилишни тақоза қилучи худди шундай масалаларга ўхшайди. Хўш, кўпми кишига муаммо ешилиб ва сўз топиб берилди? Бўлмаса бунинг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, ҳамма масалалар *сўз блан* ўртага ташланади-ю, *сўз блан* ҳал қилинади, сўз эса ё фикрдан ёки қуруқ товушдан иборат бўлади: кимки ўз вужудида, ўз ичида, ўз руҳининг муқаддас асрорхонасида бу хил масалаларни ҳал қилиш имкониятини, я'ни *ҳақиқатни пайқаш, сезиш, ҳис қилиш, кўнгилда мушоҳида қилиш, кўнгилда равшан кўриш деб, туғма идеялар* ва ҳоказолар деб аталадиган имкониятни сақлаб юрган бўлса, бундай киши учун сўз — фикрдан иборат бўлиб, у бу сўзни эшитиши блан ундаги ма'нони тушуниб олади. Бундай *серфаҳмликнинг* сабаби билучининг билинучи блан яқинлигида

ёки, дурустроқ та'бир блан айтганда, бараварлигида-дир. Лекин бу бараварликнинг ўзи ҳам кўпроқ тараққий қилишни тақоза этади: йўқса, *фаҳму фаросат* ўтмасланиб, саволлар жавобсиз қолади. Лекин кимки билиши лозим бўлган нарсалар блан бундай бараварликка эга бўлмаса, ундай киши учун сўз — қуруқ товушдир; унинг қулоғи сўзни эшити-тади-ю, лекин бу сўз унинг ақл-идрокига та'сир қилмайди. Ана шунинг учун биз боя айтган саволлар нақадар содда бўлса, шу қадар чигал ҳамдир ва уларга жавоб бериш нақадар осон бўлса, шу қадар қийин ҳамдир... Броқ бу ўринда биз ўқучиларга табиат ва сан'атда *биқиқлик* деб атайдиганимиз нарсанинг идея-сини англатишга ҳаракат қиламиз. Гуллаб турган ўсимликка назар солсангиз, бу ўсимликнинг муайян бир шакли борлигини ва бу шакли блан у, табиатнинг бошқа оламларидаги мавжудотлардангина фарқ қилиб қолмай, балки ўзи блан бир жинс ва бир навдан бўлган ўзгача турли ўсимликлардан ҳам фарқ қилишини кўрасиз; унинг барглари мутаносиб равишда жуда тенг ва текис тизилган бўлиб, ҳарқайсиси жуда катта усталик блан, ниҳоят даражада мукамал тарзда энг майда-чуйдаларигача нақшин қилиб безатилган... гулига қаранг, гулига; қандай чиройлик ва гўзал! Ундаги ипакдай майин толача, гуногун ранглар! Ўртасидаги попуқдек чиройлик ва тиниқ тўзғичоқ!.. Бурқиб турган мушк-анбар ҳидини айтмайсизми!.. Хўш, ундаги бор нарсаларнинг ҳаммаси шуларгина холосми? Йўқ, йўқ! Бу фақат унинг ички мазмунининг ифодаси бўлган ташқи формаси, холос: бу ажойиб гуногун ранглар ўсимликнинг ичида пайдо бўлган; думоққа атр ҳидини беручи бу хушбўйлик унинг сочган мушк-анбаридир... Унинг танаси ичида бутун бир янги олам бор: унда унинг ўзи ясаган ҳаёт лабораторияси бор, унда ҳайрон қоларлик даражада жуда тўғри ясалган энг нозик томирчалар орқали ҳаёт шарбати оқади, кўз илғамайдиган руҳ зарралари сирқиб туради... Хўш, бу ҳодисанинг ибтидоси ва сабаби қаерда? Унинг ўзида: унинг ибтидоси ўсимлик ҳали бўлмаган ва фақатгина уруғ донаси бўлган вақтдаёқ бор эди.

Ана шу уруғ донасида илдиз ҳам, тана ҳам, чиройлик барглар ҳам ва барқ уриб очилган хушбўй гул ҳам бор эди! Қаранг-а, бу гулда ўзига кераклик нарсаларнинг ҳаммаси: ҳаёт ҳам, ҳаёт манбаи ҳам, ҳодиса ҳам, ҳодисанинг сабаби ҳам, ўсиш қобилияти ҳам, ўсишнинг ҳамма қуроллари, органлари ва томирлари ҳам бор: хўш, буларнинг ибтидоси ёки интиҳосини сиз қаерда деб биласиз? Кўрасизки, бу ўсимлик ўзича ўзи тўлиқ ва мукамал бўлиб, унинг ҳечқандай камчил жойи ҳам ва ҳечқандай ортиқ жойи ҳам йўқ; у тирик индивидуал бир нарсадир; хўш, унинг ҳаётининг пружинаси, унинг индивидуаллигининг ибтидоий нуқтаси қаерда? Қаерда? Улар унинг ўзида *биқинган*, шу сабабли бу ўсимлик тамоман мукамал, тугал, хулласки, *ўзи ўзида* биқинган органик мавжудотдир. Лекин ўсимлик ер блан боғлиқ бўлиб, энг аввал ердан ўсиб чиқади ва ердан озиқ олади; бу озиқ унинг ўсиши ва яшаб туриши учун унга модда беради. Жон-жониворларга бир назар солинг: уларга ўзлигича ҳаракат қилиш қобилияти берилган, уларнинг мазмуни ўзидадир; тупроқ ичида ва тупроқ устида ўсадиган ўсимликлар ҳам жон-жонивордир, ичидан ўстириб чиқарадиган ва ўз устида ўстирадиган тупроқ ҳам жон-жонивордир. Сиртдан қарасак, жониворнинг зуҳурини кўрамиз; организмнинг ичини очиб қарасак, зуҳурот манбаини кўрамиз: унда суяклар қуруқ томирлар блан боғланган; мучаларнинг бўғимларига махсус безларда тайёрланучи шира суркалган; мускуллар сингирлар блан тўқилган.. Лекин сиз ундаги нарсаларнинг ҳаммасини кўраолмайсиз: миллион мартаба катта қилиб кўрсатадиган микроскоп блан қарасангиз бу жисмдаги нарсаларнинг сон-саногі йўқлигини кўриб ҳайрат ва таажжубда қоласиз. Мингларча йил умр кўрганнингизда ҳам табиатнинг азалий кучлари мавж уриб турган бу қилдан ингичка толачаларни санаб битиролмайсиз; ундаги ҳарбир толача, ҳарбир томир жисмнинг мукамаллиги учун зарур бўлиб, буларнинг биронтасини олиб ташласангиз, ёки ўрнига бошқасини қўйсангиз мукамал форма бузилади; энг майда органлар орасида кўз илғамас атом жойлашадиган бўшлик йўқдир; ичдаги

нарсаларнинг ҳаммаси сиртқи форма блан жуда зич ва чамбарчас боғланган бўлиб, улар бир-бирини ўз бағрига биқиб олади; бутун жисм эса ўз ичида биқинган мавжудотдир... Инсон бу жиҳатдан беқиёс даражада юқори турган ва жуда ҳайратда қолдирадиган бир манзарадир: бутун табиат блан ва табиат ҳаётининг сирлари блан маҳкам боғлиқ бўлган инсон ўзидан ташқаридаги нарсаларнинг ҳаммасини ўз ақлининг қонунлари деб билади ва улуғ хот унда *фақат* ўз жисмини топиб олади ҳамда ўзига назар солмоқ ва ўзининг нималигини билмоқ учун унда ўзидан-ўзини ажратиб олади. *Умумий ва баравар* нарса унда *жуз'ий ва алоҳида* нарса бўлиб қолади; шу *жуз'ийлик* ва *алоҳидалик* орқали ўзининг *умумий бирлигини* пайқаб, яна ўша умумийликнинг ўзига қайтмоқ учун шундай қилинади. Умумиятнинг *жуз'ий ҳодисасидаги алоҳидалик* ва *биқиқлик* қонуни оламдаги ҳаётнинг асосий қонунидир!.. Бу қонун табиатда қандай тўла ҳукмрон бўлиб кўринса, сан'атда ҳам шундай тўла ҳукмрон бўлиб кўринади: сан'ат сирларини топиш учун алоҳидалик қонунининг сирларини пайқамоқ лозим. Ижодий фикр сан'аткорнинг кўнглига тушгач тўлиқ, мукамал, тугал, алоҳида ва ўзида биқиқ бадий асар бўлиб ташкил *топади*. Бутун диққатингизни «ташкил топади» деган сўзга қаратинг; бунинг ма'носи фақат узвий нарсагина ўз замиридан ривож топади ва фақат ўз замиридан ривож топган нарсагина айрим-айрим қисмлари мутаносиб равишда бирга қўшилган ва умумий бир нарсага бўйсундирилган мукамал ва алоҳида шаклдан иборат бўлади демакдир. Масалан, Вальтер Скоттнинг бир-бирига сра ўхшамайдиган кўп шахслар иштирок қилган, ғоят турли-туман ҳодисалар, можаролар ва воқиалар бир-бирига чирмашиб кетган романи бу жуда рангбаранг характерлар ва воқиалар блан сизни адаштириб, гангитиб қўймайди, балки битта *умумий* таассуроти блан сизни қойил қолдиради ва сизнинг кўз олдингизга битта яхлит манзарани келтириб қўяди. Шу сабабга кўра, романдаги ҳарбир шахс сизга ўз-ўзича яшагандек бўлиб кўринади; сиз бу шахснинг бутун вужудини, унинг

алоҳида хусусиятларини кўз олдингизга келтирасиз ва уни ҳечқачон унутмайсиз. Бордию унутиб қўйсангиз, романни ҳатто йигирма йилдан кейин ҳам қайтадан ўқиганингизда бу шахснинг таниш эканлигини ва уни қаердадир кўрганлигингизни дарров пайқаб оласиз. Романнинг *мукамаллиги* унинг асл хусусияти бўлиб, унинг алоҳидалик хислати унинг *қандайдир бир нарса* *сидирки*, буни ифода қилмоқ учун сўз топилмайди; унинг бу хусусиятлари ундаги айрим сўзларга қараганда кўпроқ хотирингизда қолади, чунончи ҳамма романлардаги шахслар ва уларнинг мазмуни ҳам аллақачон сизнинг хотирингиздан чиқиб кетган бўлсада, лекин «Ламермурли келин», «Ивангое», «Шотландия пуританлари» ва шу каби бутунлай турли тушунчалардан иборат бўлган сўзлар сизнингча ҳаммиша бирга қўшилиб туради... ҳарбир романнинг *ўзига алоҳида бирлиги* сизга қандайдир хира бир шарпа каби, энг баланд чўққидан аранг эшитилган музика садоси каби, думоғингизга сал тегиб ўтиб кетган хушбўй ҳид каби, туман ичида кўринган нарса каби туюлади.

Биз юқорида айтган сўзларнинг ҳаммасини жаноб Лермонтов романига нисбатан бериш жуда осон. Бунинг учун биз романнинг ўқучиларга аллақачон маълум бўлган мазмунини, асосий фикрнинг қандай кенгайиб борганлигини кўздан кечирмоғимиз лозим.

Роман авторнинг Тифлистан чиқиб Қойшаур водисидан ўтиб бораётганини тасвирлаш блан бошланади. У кишини зериктирадиган икир-чикирларни батафсил ёзиб турмасдан, водининг манзараси блан бизни таништиради. Унинг тасвиrotи нақадар қисқа бўлса, шу қадар ўткирдир. Айниқса бу тасвирот худди йўл-йўлакай ёзиб борилганга ўхшайди. Унинг аравасини олти ҳўкиз ва бирнеча осетин тортиб тоққа чиқараётганида аравасининг орқасидан яна бир арава келаётганини, бу аравани тўрт ҳўкиз тортаётганини, кетидан эса, кичкина трубкасини тутатиб эгаси келаётганини кўриб қолади. Бу, эллик ёшлар чамасидаги бир офицер экан; унинг юзи буғдой ранг бўлиб, бемаҳал оқарган мўйловлари тетик юриши ва бардам кўринишига мос келмас экан. Автор унга яқинлашиб салом

берган; у оғиздан бурқситиб тутун чиқариб саломга бош эгиб依лик олган.

— Икковимиз ҳамроҳмиз, шекилли?

У киши индамасдан, яна бош эгди.

— Ставропольга бораётган бўлсангиз керак?

— Ҳа, шундай... давлатга қарашли нарсалар блан.

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, сизнинг шундай оғир аравангизни нега тўртта хўкиз бемалол тортиб бораяпти-ю, менинг бўш аравамни олтига хўкиз шунча осетинлар ёрдами блан ҳам зўрға жилдираяпти?

У қувлик блан кулумсиради-да, ма'нодор қилиб қаради.

— Қавказга яқинда келгансиз, дейман?

— Бир йилча бўлди,— дедим.

У яна кулумсиради.

— Хўш, нима қилди?

— Ҳа, шундай. Бу оснелилар ўлгундай шайтон бўлишади.

Булар қийқириқлари блан хўкизларга ёрдам беришяпти деб ўйлаётгандирсиз? Уларнинг нима деб қийқираётганликларини ким билсин? Лекин хўкизлари тушунади; йигирматасини қаторига қўшинг, агар эгалари ўз тилида қийқирса борми, хўкизлар қимирламай туришаверади... Утакетган бузук одамлар! Буларни нима ҳам қилаоласиз? Йўловчиларнинг пулини шилиб олишни яхши кўришади... Бу муттаҳамларни ёмон ўргатиб қўйганлар! Қараб туринг, ҳали сиздан арақ пули ҳам сўрашади. Ҳе, мен буларни биламан, мени алдашолмайди.

— Сиз бу ерда кўпдан бери хизмат қиласизми?

— Ҳа, Алексей Петрович даврида ҳам шу ерда хизмат қилар эдим,— деди у қаддини ростлаб,— у линияга келганда мен подпоручик эдим,— деб қўшиб қўйди у,— тоғлиларга қарши иш кўрсатганим учун унинг ҳузурида икки бор мартабам оширилди.

— Ҳозир-чи?..

— Ҳозир учинчи линия батальони ҳисобидаман. Сўраганинг айби йўқ: ўзингиз-чи?

Мен айтдим\*.

Автор ўз романининг энг мароқли шахсларидан бири бўлмиш *Максим Максимич* блан, я'ни Қавказда

\* Кўчирилган парчалар П. Қодиров таржимасидан олинди. М. Ю. Лермонтов, «Бэла», Уздавнашр, 1952. *Тарж.*

кўп хизмат қилиб кўп хавф-хатарларни, меҳнат ва машаққатларни, ҳарб-зарбларни кўриб чиниққан, қилиқлари содда ва қўпол бўлгани каби юзлари қуёшда қорайиб жиддий қиёфага кирган, лекин ажойиб ҳислат ва олижаноб қалб соҳиби бўлган бир тип блан шу тариқа танишади. Бу соф рус типи бўлиб, юксак бадий тарзда яратилиши жиҳатидан Вальтер Скотт ва Купер романларидаги характерларнинг энг яхшиларини хотирга солса-да, аммо янгилиги, хусусияти ва соф рус руҳида бўлганлиги жиҳатидан мазкур характерларнинг ҳечбирига ўхшамайди. Шоирнинг сан'аткорлиги шундай бўлмоғи керакки, табиат берган характер замона зайли блан ўзи дуч келган шароитда тўла гавдаланиб кўринсин ва шоир ана шу вазифани ривожига етказсин. Максим Максимичга табиат инсонлик ҳислати блан инсонлик қалбини берган, аммо бу ҳислат ва бу қалб махсус бир қолипга қуйилганки, кўп йиллар давомида қилинган оғир ва машаққатли хизматлар, қонли жангу-жадаллар, қўл остидаги солдатлардан ва ул-бул айирбошлаш учун келиб кетадиган черкаслардан бошқа одамзод уруғи кўринмайдиган бир жойда, тоғликдаги баланд-баланд қўрғонларда бир мақомда кечирилган ҳаёт ҳам шундан далолат беради. Унинг бу ҳислатлари «отасига ла'нат» деган қўпол ибораларда ва «минг тўп отилди» дея тинмай такрорланадиган ҳарбийча хитобларда, арақ ичиш ва тамаки чекишларда эмас, балки муҳитдаги нарсаларга ўз малакасида ва турмуш тарзидан ҳосил бўлган назари блан қарашида ва муҳитдаги нарсаларга қарашининг ҳамда одатининг муқаррар натижаси бўлган шу тарздаги ҳаракат ва сўзларида намоён бўлади. Максим Максимичнинг онг-билим доираси жуда тор, лекин билим доирасининг бундай тор бўлишининг сабаби унинг табиатига эмас, балки тушунчасига боғлиқдир. Унинг назарича «яшамоқ» — «хизмат қилмоқ» демакдир ва бу хизматни ҳам албатта Қавказда қилмоқ керак; «осиёлилар» унинг азалий душманларидир; «осиёлилар»нинг айёрлигини у тажрибада кўриб билган, уларнинг энг катта ботирлиги талаш, жуда дов'юраклик блан йўлбосарлик, қароқчи-



лик қилишдир, ўзи уларга алданмайди ва борди-ю улар бирорта янги келган кишини алдаб қўйгудай бўлсалар ва ундан арақ пули ундириб олсалар унга ўлгудай алам қилади. Аммо лекин бунинг боиси мутлақо унинг хасис бўлганлигидан эмас, йўқ, асло бундай эмас! У фақат камбағалдир. Бунинг устига у, пулнинг ҳам қадрига етмайди; лекин муттаҳам «осиёелилар» софдил кишиларни алдасалар сра чидаб тураолмайди. Унинг ҳаётда билган ва тушунган ёки тез-тез тилга олиб гапирадиган нарсалари деярлик фақат шулардан иборат. Аммо унинг характери тўғрисида дарров хулоса чиқариб қўяқолмасдан, у блан яхшироқ танишинг, ана шунда сиз, биринчи қарашда дағал ва бешуур бўлиб кўринган бу одамнинг тош бағрида илиқ, меҳрибон, олижаноб ва нозик бир қалб тепиб турганини пайқайсиз; ана шунда сиз бу одам қандайдир бир туйғу блан инсонга хос ҳамма фазилатларни тушунабилишини ва бу фазилатларга жазман хирс қўйганлигини пайқайсиз; унинг онги қандайлигидан қатъи назар, юрагида муҳаббат ва раҳмшафқат жўш уриб турганини сезасиз-да, шундан кейин ҳаракатлари содда, мулойим ва қўпол, сўзлари эса, лўнда ва бурро бўлган Максим Максимични чин юракдан севасиз.

Кўпни кўрган штабс-капитаннинг сўзи тўғри чиқарди: осетинлар янги келган тажрибасиз офицерни дув ўраб олишиб, арақ пули талаб қилабошлайдилар. Лекин Максим Максимич уларга ўшқириб, бир дўқ қилиши блан ҳаммалари қочиб кетади. «Шунақа ҳам халқ бўладими?» дейди у. «Ахир, русча ноннинг отини билишмайди-ю, «офицер арақ пули бер!» дейишни ўрганиб олишипти... менингча, татарлар тузукроқ, улар лоақал ичишмайди-ку».

Ниҳоят, йўловчиларимиз бекатга бориб етадилар ва бир кулбага кирадилар; кулбанинг биринчи хонаси сигир ва қўйларга тўла бўлиб, иккинчи хонасида одамлар ўртада гулхан ёқиб ўтиришган. Туйнукдан шамол қайтариб ураётган тутун атрофни ўраб олган. Йўловчиларимиз трубкаларини туташтириб, чойнакнинг хушёқим вишиллашига тикилишиб қолганлар.

Бизга алланечук серрайишиб, индамай қараб турган ирkit  
уй эгаларини штабс-капитанга кўрсатиб:

— Аянч одамлар! — дедим.

— Утакетган нуноқ одамлар!—деб жавоб берди у.— Ишонасизми? Қўлларидан ҳечнарсга келмайди, билим олишга срауқувлари йўқ! Бизнинг кабардинлар ёки чеченлар, гарчи йўлтўсар, ялангоёқ бўлишса ҳам, лекин ботир одамлар, буларда эса қуролга ҳам ҳавсала йўқ: биронтасида дурустроқ ханжар кўрмайсиз. *Осетин деганларича бор экан!*

— Сиз чеченларда кўп бўлганмисиз?

— Ҳа, ўн йилча бир крепостьда рота блан турдим. Каменный Брод деган жойда, биларсиз?

— Эшитганим бор.

— Э, отахон, бу каллакесарлар роса жонимизга тегишган; ҳозирку, худога шукур, анча ювош бўлиб қолишди, лекин илгарилари кўтармадан юз қадам нари бордингми, албатта пойлаб ётган бирорта пахлоқ иблисга дуч келардинг: сал ғафлатда қолсанг борми, бир зумда ё бўғзингга арқон тушарди, ё энсангдан ўқ ердинг. *Бало эдилар!*

— Ўзингиз ҳам кўп воқиаларни бошдан кечиргандирсиз-а?— дедим тобора қизиқишим ортиб.

— Бўлмасамчи! Кечирганман...

Шундай деб у чап мўйловини бурайбошлади ва бошини солинтириб, ўйга толди.

Мана, Максим Максимичнинг бутун сиймоси, унинг нарсаларга қандай қараши ва ўз хусусиятига яраша ишлатадиган сўзлари сизга очиқ намоён бўлиб турипти! Ҳали-ку, сиз уни яхшилаб кўриб, у блан яхшилаб танишиб олганингиз йўқ; аммо кўз олдингизда турган киши, авторнинг ҳикоясидаги воқиаларни бир-бирига боғламоқ ёки унинг ҳикоясининг мурдигардонини бураб турмоқ учун чор-ночор ва мажбуран кўрсатилган эмас, балки ҳақиқий шахс, оригинал характер, жонли одамдир! Чин сан'аткорлар ўз идеалларини ана шу тариқа юзага чиқаздилар: икки-уч хусусият кўрсатилдим, дарҳол кўз олдингизда жонли киши каби, ўз хулқи-табиати блан айнан бир сиймо намоён бўладики, уни сиз ҳечқачон унутмайсиз... «Шундай деб у чап мўйловини бурай-

бошлади ва бошини солинтириб, ўйга толди»; бу озгина оддий сўзларда жуда кўп ма'но бор, бу оддийгина сўзлар Максим Максимич қиёфасини жуда равшан қилиб кўрсатади ва ўз замирида ҳали кўп гаплар борлигидан дарак бериб, ўқучини яна кўпроқ қизиқтиради!..

Максим Максимич узатилган чойни олиб, бир хўплади-да, ўзича гапираётгандек «ҳа, қизиқ ишлар бўлади!» деди. Лекин биз авторнинг ўз сўзлари блан яна бироз гапирайлик:

Унинг бу хитоби менга зўр умид бағишлади. Биламан, кекса кавказлилар суҳбатлашишни, кўрган-билганларини ҳикоя қилишни яхши кўришади; улар бунга камдан-кам муяссар бўлишади, чунки ба'зиси бирорта чекка жойда беш йиллаб рота блан қолиб кетади-ю, шу беш йил давомида бирор киши унга *саломалайкум* ҳам демайди (чунки фельдфебель *саломатлик тилайман дейди*). Лекин ҳикоя қиладиган парса озмунча эмас: ҳамма томонда ёввойи, қизиқ одамлар; ҳар куни хавфи-хатар, жуда ажойиб ҳодисалар бўлиб туради, мана шунда бизникиларнинг бу ҳақда камдан-кам ёзишларини кўриб, беихтиёр афсусланасан.

Мен суҳбатдошимга:

— Чойингизга бироз ром солайми? Тифлистан оқ ром олган эдим, ўшандан бор; ҳаво ҳам совуқ,— дедим.

— Йўғ-э, қуллуқ, ичмайман.

— Нега?

— Шундай. Ичмайман деб қасам ичганман. Подпоручик эканимда, бир кун десангиз, улфатчилик қилиб ўтирган эдик, кечаси тревога бўлиб қолди; кайфимиз тароқлигича саф олдига чиқдик, буни Алексей Петрович билиб қолиб хўп адабимизни берди: шундай ғазабландики, худо кўрсатмасин! судга беришига сал қолди. Шуниси ҳам дуруст, бўлмаса ба'зида йил ўн икки ой биронта одамни кўрмай юрасиз, бунинг устига араққа берилсангиз борми — тамом бўлдим деяверинг.

Буни эшитиб, умидим узилаёзди.

— Мана, черкесларни олинг,— деб давом этди у: — тўйда ёки азада бир бўзага тўйиб олишдими — тамом, пичоқлашиш бошланади. Бир марта мен зўрға жон сақлаб қолганман, тагин қаерда денг: бизга тоби' князьникида, меҳмонда.

— Бу ҳодиса қандай юз берди?

Бэланинг шоирона саргузашти ана шундай бошла-  
нади. Максим Максимич бу воқиани ўзича айтиб, ўз  
тили блан ҳикоя қилиб берган; лекин бу блан  
воқиага ҳечқандай нуқсон етмаган, балки ниҳоятда  
чиройлик бўлиб чиққан. Боёқиш Максим Максимич,  
ўзи пайқамасдан шоир бўлиб қолган, чунки унинг  
ҳарбир сўзида, ҳарбир ифодасида олам-олам поэзия  
бор. Бунда нимага кўпроқ ҳайрон қолиш кераклигини  
билмай қолдик: ё шоир, Максим Максимичнинг ўзи  
айтиб берган ҳикояга унинг ўзини фақат гувоҳ қил-  
моқчи бўлиб, унинг шахсиятини бу воқиага жуда  
маҳкам боғлаганига ва натижада Максим Максимич  
бу воқианинг гўё қаҳрамонидай бўлиб чиққанига  
ҳайрон қолиш керами; ёинки шоир воқиага Мак-  
сим Максимич кўзи блан бу қадар шоирона, бу қадар  
чуқур қараб, бу воқиани оддий ва дағал тил блан,  
аммо ҳамиша тасвирини келтириб, ҳамиша чуқур  
таъсир қиладиган ва ҳатто кулгили ўринларида ҳам  
кишини ҳаяжонга соладиган тарзда ҳикоя қилиб  
беришда моҳирлик кўрсатганига ҳайрон қолиш  
керами?..

Максим Максимич Терекнинг у томонидаги кре-  
постьда турган вақтида унинг крепостида туриш учун  
юборилган бир офицер иттифоқо унинг ҳузурига  
келган.

— Оти... Григорий Александрович *Печорин* эди. Жуда қойил  
йигит эди, гапимга ишонаверинг; фақат бироз ғалатиноқ эди.  
Масалан, десангиз, ёмғир ёғиб, совуқ бўлиб турса ҳам у кун  
бўйи овда юради; ҳамма совқотади, чарчайди — у бўлса писанд  
қилмайди. Лекин бошқа вақтда қарасангиз, уйда ўтиради-ю, сал  
шамол эсса, шамолладим деб ишонтиради; дарча эшиги тақил-  
ласа ҳам чўчиб тушади ва оппоқ оқариб кетади; аммо ёввойи  
чўчка блан яккама-якка олишганини ўзим кўрганман; ба'зида  
соатлаб, бир оғиз гапиртираолмайсиз, лекин бир гапга тушса  
борми, кулдиравериб ичкаларингизни узади... Шундай, кўп ғала-  
ти одам эди, анча бой ҳам эди чамамда: бирам хилма-хил қим-  
матбаҳо нарсалари бор эдики!..

Мен яна ундан:

— У сиз блан бирга узоқ турдими? — деб сўрадим.

— Ҳа, бир йилча турди. Лекин бир йил бўлса ҳам ҳеч эсимдан чиқмайди; бошимга кўп ташвишларни солди, у ташвиш блан эсга олинмағур! Ахир ўзи туғилишидан пешонасига ҳархил гаройиботлар ёзилган одамлар бўлади-ку!

Унга чой қуятуриб, жуда қизиқсинган одамдай:

— Гаройиботлар дейсизми?— дедим.

— Ҳа, мана, мен сизга айтиб берай.

Крепостьдан бирозгина нарида беозор бир князь яшаган. Унинг ўн беш яшар чамасидаги ўғли крепостьга бориб турадиган бўлган. Печорин блан Максим Максимич уни яхши кўриб, эркалатиб юрганлар. У, черкеснинг ғирт ўзи экан. Бош кесар ва *жуда абжир бўлиб, қўлидан ҳечнарсга қочиб қутулмас экан*; Максим Максимичнинг айтишича: у от чопиб кетаётиб ердан шапкани илиб олар ва милтиқни қойиб қилиб отар экан, аммо пулга ўлгидай ўч экан. Агар ғашига тегиб қолинса, кўзлари қонга тўлиб, қўли дарҳол ханжарига югурар экан. Максим Максимич унга: «Ҳай, Азамат, бошинг балога қолади, ёмон будет твоя бошка!» дер экан.

Бир кун кекса князь крепостьга келиб, Максим Максимич блан Печоринни қизининг тўйига айтиб кетган. Улар овулга борганларида, улардан юзларини бекитган хотинлар Печоринга чиройлик кўринмаган. «Шошманг ҳали!— дедим мен кулиб (Максим Максимич шундай деган), менинг фикрим бошқа эди».

Максим Максимич ҳикоясининг шу еридан ёввойи черкесларнинг хулқи-одатларини жуда аниқ билиб олиш мумкин. Ҳолбуки Максим Максимич уларнинг бу хулқ-одатларини тўла тасвирлаб бермаган. Князьнинг ўн олти яшар чамали сўлимгина кичик қизи Печоринни иззатли меҳмон деб, унга ёндашган ва унга лапар айтабошлаган.

— Нималар деб куйлаганини эслайолмайсизми?

— Ҳа, тахминан шундай деб айтди: «Бизнинг қадди расо йигитларимиз бор, уларнинг чакмонларига ҳам кумуш безаклар қадалган, аммо ёш рус офицерининг қадди-қомати уларникидан ҳам келишган, унинг уқалари олтидан. У бизникилар орасида

чинордай; лекин у бизнинг боғимизда ўсмайди ҳам гулламайди ҳам».

Печорин ўрнидан туриб та'зим қилган, қўлини пешонаси ва кўксига қўйган; Максим Максимич эса Печориннинг жавобини қизга таржима қилиб берган, чунки у, *уларнинг тилини* яхши билган. У, Печоринга! Хўш, қалай экан? деган.— Жуда гўзал! Оти нима экан?— «Бэла».

«Чиндан ҳам гўзал эди (дейди Максим Максимич), бўйи узундан, ўзи нозикдан келган, кўзлари эса тоғ кийигиники сингари қопқора, қараганда юракларни жизиллатади». Оғир ўйга чўмган Печорин кўзларини ундан узмаган, лекин яна бошқа бир киши ҳам қизга тикилган. Меҳмонлар орасида черкес Казбич ҳам бўлган. У, шароитга қараб, гоҳ эллашиб, гоҳ уришиб юрадиган бир одам бўлган; гарчи бирон шўхлиги сезилмаган бўлса ҳам, ҳарҳолда катта гумон остида юрган. Лекин биз бу шахснинг афти-ангорини Максим Максимич сўзлари блан тўла тасвирлаб беришни зарур топамиз. «Одамларнинг сўзларига қараганда у абреклар блан Кубань томонларига боришни яхши кўрар эмиш; ростдан ҳам афти-ангори худди қароқчининг ўзи: гавдаси кичкина, қотма, елкалари кенг... Эҳ, унинг чаққонлигини айтмайсизми, шайтон ҳам унинг олдида ип эшолмайди! Бешбел камзули ҳамавақт йиртиқ, минг еридан ямоқ бўлса ҳам, лекин қуроли кумушбанд. Отининг бўлса бутун Кабардага донғи кетган,— ҳақиқатан ҳам, дунёда ундан яхши от йўқдир. Бутун чавандозларнинг кўзлари куйиши ҳам бежиз эмас эди, шунинг учун ҳам уни бирнеча бор ўғирламоқчи бўлганлар, лекин уддасидан чиқолмаганлар. У от ҳали-ҳали кўз ўнгимда; кўзи чарос сингари қора, оёқлари тор сингари нозик. Кўзлари эса Бэланикидан қолишмайди; кучи-чи, эҳҳа! 50 чақиримга чопсанг ҳам писанд қилмайди! Ўзи ҳам шундай ўрганган эдики, эгасига бир вафоли ит каби эргашиб юрар, ҳатто уни овозидан ҳам танир эди! Казбич ҳечвақт уни боғламасди; асл ўғри оти эди!..»

Шу кеча Қазбич ҳар вақтдагидан кўра хафароқ бўлган ва Максим Максимич унинг бешбел камзули ичидан совут ҳам кийиб олганини сезиб, бунинг бир балоси бор, деб ўйлаган. Уй ичи жуда исиб кетганидан, Максим Максимич бироз шабадалаш учун ташқарига чиққан ва бирдан отларга қараб қўйиш эсига тушган. Шу чоқ у девор орқасидан икки кишининг гапиришаётганини эшитиб қолган ва нима гап эканлигига қулоқ солган. Азамат кўпдан бери ҳаваси келиб юрган Қазбич отини ҳадеб мақтаётган экан, Қазбич бўлса, бу мақтовдан талтайиб кетиб, отини та'рифлаб, ўзини бирнеча мартаба ўлимдан қутқазганини айтган. Повестьнинг бу ўрни ўқучини черкеслар қабиласи блан таништиради; черкес халқининг иккита яққол типи бўлган Азамат блан Қазбичнинг характерлари бу повестьда зўр бадий маҳорат блан тасвирлаб берилган. «Агар менинг минг биядан иборат йилқим бўлса, ҳаммасини бериб Қоракўзингни олар эдим» дейди Азамат. Қазбич бепарволик блан: «Йўқ, хоҳламайман» деб жавоб беради. Азамат унга ялинади, отасининг милтигини ёки қиличини ўғирлаб беришни ва'да қилади, қилич шундай ўткирки, қўлни тегизсанг ўзи баданингга кириб кетади, дейди, совутичи совути... Унинг сўзларидан онадан туғма ваҳший ва қароқчининг юрагидаги дарди ва иштиёқи сезилиб туради; унинг дун'ёда биттаю-битта орзуси — қурол ёки отга эга бўлишдир; тилагига эришмагунча у куйиб, қийнаиб юради; ўз кайф-сафоси учун ўз жонидан ҳам, ота-онасидан ҳам, ака-укасидан ҳам кечиб юборади. У Қазбичга айтадики, отингни даставвал кўрганимда тагингда туриб ўйноқлаётган эди, бурунларини кериб ҳар ирғишлаганида туёқларининг тагидан тошлар сачрар эди, ана шундан бери ичимга чироқ ёқса ёримайдиган ва ҳечнарса кўзимга кўринмайдиган бўлиб қолди.... Унинг бу сўзларидан, у ишқдан ёки рашқдан, ўқимишли кишиларга, айниқса ваҳшийларга жуда қаттиқ та'сир қиладиган юрак дардидан ҳикоя қилаётгандек бўлиб туюлар эди. «Отамнинг энг яхши тўпичоқларига ҳам нафрат блан қарайбошладим (дейди Азамат), уларни миниб чиқишга уялиб

қолдим; дардимга чидайолмай тоғларга чиқиб кетиб, бутун-бутун кунларимни ўша ерларда ўтказиб юрдим ва ўқдан тўғри, силлиқ сиртли қора байир тўпичоғининг чиройлик юришларини минут сайин кўриб турдим; у ўзининг зангори кўзлари блан менинг кўзларимга тикиларкан, гўё бир нима демоқчи бўлгандек кўринарди. Агар уни менга сотмасанг ўлиб қоламан, Қазбич!» Унинг овози йиғлагандек бўлиб эшитилган. Максим Максимичга шундай туюлган, чунки у, Азаматнинг ўлгидай қайсар болалигини, ҳатто уни ёш чоғида ҳам ҳечнарсанга блан йиғлатиб бўлмаслигини билган. Азаматнинг кўз ёшларига жавобан эса, кулгига ўхшаш бирнарсанга эшитилган. «Менга қара! — деди Азамат қат'ий овоз блан:— мана ўзинг кўриб турибсан. Ҳар нарсани қилишга тайёрман. Ё кичик опамни сенга ўғирлаб берайми, а? У, бирам ўйинга тушади! Бирам ашулалар айтади! Зар блан тиккан кашталари-чи — эҳ! Турк подшоҳининг ҳам бунақа хотини бўлган эмас... Наҳотки Бэла тўпичоғингга арзимаса-я?...».

Қазбич узоқ жим туради, ниҳоят, жавоб ўрнига эски ашулалардан бирини хиргойи қилабошлайди; черкеснинг бутун ҳикмати шу ашулада қисқа ва равшан ифода этилган.

Овулнинг жуда кўп гўзал қизлари  
Ёнади юлдуздай тунда кўзлари.  
Уларни севишлик кўп ширин хислат;  
Ундан ҳам яхшидир қувноқлик қисмат.  
Олтинга бўлади олса тўрт хотин.  
Лекин ҳеч баҳоси йўқ чопқир отнинг  
Чўлда у уюрмдан орқада қолмас,  
Алдамас, юзингни ерга қаратмас.

Азамат уни кўндириш учун беҳуда йиғлайди, ёлборади, хушомад қилади. «Тур нари, тентак! Менинг отимга минишга сенга йўл бўлсин! Икки, уч қадам ҳам юрмасдан устидан шундай улоқтириб ташласинки, тошга тегиб миянгнинг қатиғи чиқиб кетсин!» — Азамат тутақиб кетиб «меними!» деб бақиради ва кичкина ханжар тиғи совутга тегиб



жаранглайди. Қазбич уни қаттиқ итариб юборади, у йиқилиб тушиб, боши четан деворга урилади. «Ана энди қиёмат бўлади!» деб ўйлайди М. М. ва отларини юганлаб ташқарига чиқаради. Шу орада Азамат камзули йиртилган бир аҳволда югуриб уйга киради ва Қазбич мени сўймоқчи бўлди, дейди. Шовқин-сурон кўтарилади, ўқлар отилади, бу орада Қазбич кўчада от ўйнатиб, кўздан ғойиб бўлади.

— Лекин бир гуноҳимни ҳеч кечирмайман: мени нима жин урдию, крепостъга келганимиздан сўнг, ўша девор тагида ўтириб эшитганларимни оқизмай-томизмай Григорий Александровичга айтиб берибман; у кулиб қўйди,— жуда қув одам эди-да! Лекин ўзича бир нималарни ўйлаб қўйди.

— Нимани экан? Марҳамат қилиб айтиб берсангиз.

— Хўп, бўлари бўлди. Бошини айтгандан кейин, давомини ҳам айтмоҳ керак.

Тўрт кундан кейин крепостъга Азамат келади. Печорин унга Қазбичнинг отини мақтаб кетади. Татарваччанинг кўзлари чақнайди, Печорин эса ўзини билмасликка солади; Максим Максимич гапни чалғитади, Печорин эса яна отдан гапиради. Бу ҳол уч ҳафтача давом этади; чамаси Азаматнинг ранги ўчиб, оҳи-воҳи зўраяди. Қисқаси Печорин унга бировнинг отини олиб бермоқчи бўлиб, эвазига синг-лисини беришини сўрайди; Азамат ўйланиб қолади: у синг-лисига ачинганидан эмас, балки отасидан кўрқишидан ташвишланиб қолади, лекин Печорин у бефаросатнинг қитиғига тегиб «бола экансан-ку!» дейди (одатда «бола» десанг болаларнинг жаҳли чиқади!), Қоракўз эса қулинг ўргулсин от!.. Бир кун Қазбич крепостъга келиб. «қўй-пўй, асал-масал керак эмасми?» деб сўраб қолади. Максим Максимич унга эртага келтиришни буюради. Печорин «Азамат, эртага Қоракўз менинг қўлимда бўлади; агар шу кеча Бэлани келтирмасанг, бир умр отни кўраолмайсан» дейди. Азамат «яхши» дейди ва чопганича овулга кетади; ўша кечаси Печорин Азамат блан бирга крепостъга қайтиб келади; қўл-оёқлари боғланган ва боши чодра блан ўралган бир хотин Азамат отида

ўмгарилган бўлади (буни қоровул кўрган). Эртасига Қазбич крепостьга мол олиб келади; М. М. уни чой блан меҳмон қилади, гарчи ўғри бўлса ҳам «у менинг меҳмоним» дейди у. Қазбич бирдан деразага қараб, сесканиб, ранги оқариб кетади ва «Менинг отим!.. отим!» деб эшикка отилади ва қоровул унинг йўлини тўсмоқ учун милтиғини қўндаланг қилса-да, милтиқдан бир сакраб ўтади. Узоқда Азамат от чоптириб кетмоқда эди. Қазбич югуриб кетатуриб милтиғини жилддан олади ва Азаматга қараб бир ўқ узади ва тегизаолмаганига ишонгач, бир чинқириб, милтиғини тошга уриб чил-чил қилади ва ўзини ерга уриб болаларча ҳўнгур-ҳўнгур йиғлайди. У, Максим Максимич олдига қўйган қўйларнинг пулига ҳам тегмасдан, кечгача ва тонг отгунча шу аҳволда ётади. Эртасига у қоровулдан отни Азамат ўғирлаганини эшитади-ю, кўзлари ёниб, Азаматни қидиришга тушади. Бу вақтда Бэланинг отаси уйда бўлмайди ва қайтиб келгач, уйда на ўғлини топади, на қизини.

Максим Максимич черкес қизининг Печорин қўлида эканини эшитган ҳамон, эполетларини ва қилични тақиб унинг олдига боради. Шундан кейин жуда гўзал бир манзаранинг тасвири берилганки, уни Максим Максимичнинг ўз тилидан сўзлаб беришдан бошқа иложимиз йўқ.

У бериги уйда, бир қўлини бошининг тагига қўйиб, иккинчи қўлида ўчиб қолган трубкасини ушлаб ётган экан; нариги хонага қулф урилган, қулфнинг оғзида калити йўқ. Шу заҳотиёқ буларни фаҳмладим... мен йўталиб, пошнам блан остонани қоқабошладим,— аммо у эшитмаганга солиб тураверди.

Мен мумкин қадар жиддий оҳангда:

— Жаноби прапоршик, сизникига келганимни сезмаяпсизми дейман? — дедим.

— Эй, салом, Максим Максимич! Тамаки чеккингиз йўқми? — деб, ўрнидан кўтарилмай жавоб берди у.

— Қечирасиз! Мен сизга Максим Максимич эмасман: штабс-капитанман.

— Барибир. Чой истайсизми? Менинг ташвишдан қандай қийналаётганимни билсангиз эди!

— Ҳаммасини биламан,— дедим кроватъга яқинлашиб.

— Яна ҳам яхши: ўзимнинг ҳам айтиб беришга ҳушим йўқ эди.

— Жаноб прапоршик, сиз айб иш қилдингиз, бунинг учун мен ҳам жавобгар бўлишим мумкин...

— Шаксиз! Шунга ҳам ота гўрими! Ахир қачонлардан бери бор-йўғимиз ўртада-ку.

— Бу қанақа ҳазил? Марҳамат қилиб, қиличингизни беринг!

— Митька, қилични келтир!

Митька қилични келтириб берди. Мен ўз бурчимни адо этиб, унинг кроватига ўтирдим-да: «Менга қара, Григорий Александрович, яхши эмас, иқрор бўл» — дедим.

— Нимаси яхши эмас?

— Нима бўларди, Бэлани олиб қочганинг-да.. Ҳап сеними, шайтон Азамат?.. Ҳа, иқрор бўлақол,— дедим унга.

— Қиз менга ёқиб қолган бўлса-чи?

Хўш, айтингчи, бунга нима деб жавоб берсам бўлади? Мен лол бўлиб қолдим. Лекин бироз жим турганимиздан кейин, мен отаси қизини талаб қилса, қайтариб юбориш кераклигини айтдим.

— Сра ҳожати йўқ!

— Қизнинг шу ердалигини билиб олса-чи?

— Қайдан билсин?

Мен яна сўз тополмай қолдим... «Менга қаранг, Максим Максимич,— деди Печорин ўрнидан қўзғолиб: — ахир ўзингиз яхши одамсиз,—агар қизни ўша ваҳшийга берсақ, уни сўйиб ташлайди ё бўлмаса сотиб юборади. Бўлари бўлди, энди ҳавсаласизлик қилмаганимиз ма'қул; қиз меникида турсин, қиличим эса сизда...»

— Қизни менга кўрсатинг,— дедим.

— Қиз шу эшикнинг нарёғида ўтирипти: ҳозир ўзим ҳам уни кўрмоқчи бўлиб уринганим бекор кетди: рўмолига ўралиб олиб бир бурчакда ўтирипти, на гапиради, на қарайди, кийикдай ҳуркак. Ўзимизни духанчи хотинни ёлладим: у татарчани билади, қизнинг олдига кириб-чиқиб туради, унинг меники эканини миясига қуяди, чунки у мендан бошқа ҳечкимники бўлмайди,— дея қўшиб қўйди у, қўли блан столга муштлаб. Мен ҳам унинг фикрига қўшилдим... Нима ҳам қил дейсиз? Шунақа одамлар борки, уларнинг фикрига қўшилмай иложингиз йўқ.

Бадий асарнинг мазмунини баён қилишдан қийинроқ ва жуда тинкага тегадиган иш йўқдир. Асарнинг мазмунини ёзишдан мақсад унинг яхши жойларини кўрсатиш эмас, чунки асарнинг айрим жойи нечоғлик яхши бўлмасин, у бутун асарга нисбатан яхшидир, бинобарин, асарнинг мазмунини баён қилганда бутун асарнинг идеясини кўздан кечирмоқ ва бу идеяни шоир қандай юзага чиқарганини кўрсатиб бермоқ лозим. Хўш, бу ишни қандай тарзда бажармоқ керак? Асарнинг ҳаммасини бошдан охиригача кўчириб бўлмайди; хўш, асардан парчалар кўчириш ҳаддан ошиб кетмаслиги учун, ғоятда мукамал бир асарнинг қандай ўринларини танлаб олиш ва қандай ўринларини олмаслик керак бўлади? Сўнгра, асардан кўчириб олинган ўринларни, асарнинг қуюқ ва нафис бўёқларини, шира ва мағзини китобда қолдирган ва фақат қуруқ шаклини олган ҳолда, ўз сўзларинг блан қандай қилиб боғлаш керак бўлади? Ўз зиммамизга олган вазифанинг жуда оғир ва мушкул бир вазифа эканини ҳозир яққол сезиб турибмиз. Биз асарнинг шу жойигача келгунимизга қадар ҳам унинг жуда кўп чиройлик томонлари ичида ўралиб саргардон бўлиб қолдик; энди повестьнинг жуда муҳим қисми бошланаётган бир чоқда кўнглимиз авторнинг ҳикоясини бошдан охирига сўзма-сўз кўчириб чиқишни истайди, чунки бу ҳикоядаги ҳарбир сўз ғоятда ма'нодор, ниҳоятда шоён диққат бўлиб, уларда шоирона шавқ ва сермазмун, рангбаранг, гўзал нафосат барқ уриб турибдир; аммо на чораки, биз асарнинг ифодалари доирасидан чиқмаган ва унинг айрим жойларини кўчирган ҳолда, унинг мазмунини ўзимизча нақл қилишга мажбурмиз.

Печорин ҳар куни келтирган совғаларга Бэла назар солмайди ва мағрур бир тусда уларни рад қилади. Печорин узоқ вақтгача унга хушомад қилиб, муродига етолмайди. Шу орада у татар тилини ўрнабошлайди ва Бэла ҳам рус тилига тушунабошлайди. Бэла секин-секин унга қарайдиган бўлади; авваллари кўз қири, манглай таги блан қарайди; ҳамиша хафа бўлиб, ўз ашулаларини секин куйлайди; у,

ашулаларини шундай жуйлардики, (дейди Максим Максимич) «нариги уйда туриб эшитган кезларимда юрагим эзиларди». Печорин уни ўзига жазм қилишга ундаркан, ё биронта чеченга кўнгил бериб қўйдингми, деб сўрайди ва агар кўнгил берган бўлса ҳозироқ уйига юборишини айтади. Бэла билинар-билинемас бир тусда сесканиб, бош чайқайди... «Ё мендан нафратланасанми?» Бэла хўрсинади. «Ёки сенинг дининг менга кўнгил беришни тақиқ этмадимми?» Бэланинг ранги ўчади, жим тураберади. Сўнгра Печорин унга «барча қабилаларнинг худоси битта, агар худо менга сени севмоқ учун ижозат қилган экан, нима учун сенга мени севмагингни тақиқ этсин?» дейди. Бу фикр гўё уни ҳайратда қолдиради ва унинг кўзларида ишонч орзуси порлайди. Печорин унга «агар сен қайғига чўмсанг мен ўламан. Айт, очилиб ўтирасанми?» дейди. Бэла ўйга толади, унга тикилган қора кўзлари эса тикилганча қолади, сўнгра кулумсирайди ва бош ирғаб розилигини билдиради. Печорин унинг қўлини ушлайди ва, мени ўп, деб аврайбошлайди. Бэла эса ўзини сал орқага тортиб «*Пожалуста, пожалуста, не нада, не нада!*» дейди. Ўз хулкига жуда ярашиб тушган бу чиройлик нозга қаранг-а! Табиат ҳечбир ерда ўзига зид бўлиб чиқмайди, сипоҳ ва танноз хотинлардаги зўр шавқ, хулқ ва назокат кишини қандай ҳайратда қолдирса, содда черкес қизидаги бу хислатлар ҳам ба'зан кишини шундай ҳайратда қолдиради. Шундай чиройлик нозли қилиқлар, шундай хушёқим сўзлар бўладики, одамнинг ҳамма томонини тасвирлаб бермоқ ва унинг юрагида бор нарсаларнинг ҳаммасини сиртга чиқариб кўрсатмоқ учун шундай қилиқ ёки шундай сўзлардан биттаси кифоя қилади. Дарҳақиқат: «*пожалуста, пожалуста не нада, не нада!*» деган бу хушёқим ва соддагина сўзларни эшитар экансиз, эркин дараларнинг ярим ёввойи қизи бўлган, кўнгилни мафтун қиладиган қора кўз Бэлани кўз олдингизга келтирасиз; унинг бир-бирига ярашиб тушган бу қилиқ ва сўзлари, хотин-қизларда табиий бўладиган ва унинг латофатини, жозибадорлигини орттирадиган бу хусусиятлар сизга хушёқиб, донг қотириб қўяди.

Печорин сўзида туриб олади, Бэла титраб йиғлаб юборади. «Мен сенинг асирингман, сенинг бир қулингман, албатта сен мени мажбур қилаоласан» дейди ва яна кўзларига ёш олади. «Хотин эмас, бир шайтон!» дейди Печорин Максим Максимичга: «Лекин мен сизга виждон сўзини айтсам, у меники бўлади».

Бир кун Печорин черкесча кийиниб ва қурол-аслаҳаларини тақиб Бэланинг олдига киради ва унга, мен сенинг олдинда гуноҳорман, бутун рўзгор ва бисотимни сенга қолдириб, сени озод қўйиб, бошим оққан томонга қараб кетаман, балки ўзимни ўқ дамига тутиб берарман... дейди.

«У орқасига ўгирилиб, хайрлашиш учун қизга қўл узатди. Қиз унинг қўлини олмай, жим тураверди. Фақат эшикнинг тирқишидан қараб, мен унинг юзини кўриб турардим: — унинг гўзал юзчаси мурдадек оқариб кетди, — буни кўриб кўнглим бузилди! — Жавоб эшитмагач, Печорин эшикка қараб уч-тўрт қадам ташлади; унинг а'зойи-бадани қалтирарди — очигини айтайми? У ҳазил тариқасида айтганини чинакам қилишдан ҳам тоймас эди. У шунақанги одам эдики, худо кўрсатмасин! Печорин эшикка етай деганда, қиз сапчиб турди-да, йиғлаб, унинг бўйнидан қучоқлади. — Ишонасизми? Эшик орқасида туриб, мен ҳам йиғлаб юбордим, я'ни йиғлаш эмас-у, шунчаки, десангиз, бир аҳмоқлик бўлди-да...»

Штабс-капитан бироз жимиб қолди, кейин мўйловини бураб туриб, деди:

— Ҳа, очигини айтсам, умримда бирор аёл мени шундай севмагани алам қилди».

Бэла уни биринчи кўришдаёқ севиб қолганини бахтли Печорин тез кунда пайқайди. Дарвоқи' бу қиз шундай ажойиб, нозик табиатга эга аёллардан эдики, улар одатда, эркакни кўрган ҳамон севиб қоладилару, лекин унга кўнгил берганликларини дарров айтақолмайдилар, тезда сир бермайдилар, сир бериб қўйганларидан кейин эса, ихтиёрни бутунлай қўлдан бериб қўядилар... Шоир бу ҳақда очиқ қилиб бир сўз ҳам айтмайди, чунки шоирнинг шоир-

лиги ҳам шундаки, у ҳечнима демасдан, ҳамма нарсани сездиради...

Улар бахтиёр эдилар, лекин ўқучи, сиз уларнинг бахтиёрлигига ҳавас қилманг: бундай турмушда бахтдан тиниш мумкинлигига ким ишонаолади?.. Ўқучи, фурсат ганимат, келгусига ишонмасдан шу фурсатдан баҳра олиб қолинг! Сенинг ҳам саодатли дақиқаларинг узоқ давом этмади, бечора, гўзал Бэла!..

Қазбич, отимни Азамат отаси блан бамаслаҳат ўғирлаган деб гумон қилиб, Бэланинг отасини ўлдиради. Бу воқиа тез кунда Печорин блан Максим Максимичга ма'лум бўлади. Бэла ўз тақдирига тан бериб кўниккунча унга бу воқиани анча вақтгача билдирмайдилар; бу воқиани унга айтганларидан кейин, у икки кунча йиғлаб юради-ю, сўнгра эсидан чиқариб юборади.

Турмушлари тўрт ойча жуда яхши ўтади. Печорин Бэлани шу қадар яхши кўрадики, уни деб овга ҳам бормайди ва крепостьдан ташқарига ҳам чиқмайди: Лекин бир вақт яна ўйга чўмиб қолади, қўлларини қовуштириб, уйда уёқ-буёққа юрабошлайди. Бир кун ҳечнима демасдан овга кетиб қолади ва кун бўйи йўқолиб кетади, кейин яна кетади ва бу одат тез-тез такрорланиб туради. «Ёмон бўлди. Ораларига совуқчилик тушиб қолди, шекилли» (деб ўйлади Максим Максимич.) Максим Максимич бир кун эрталаб уларникига кирганда, Бэланинг ранглари ўчганини, жуда ғамга чўкканини кўриб қўрқиб кетади. У Бэлага тасалли беради. Бэла унга юраги хавфсираётганини айтиб, бундай дейди:

— ...Ҳозир эса, у мени севмайди деган фикрга келдим.

— Кам бўлма, жигарим, бундан ҳам ёмонроқ фикр ўйлаб топмабсан-да. — У йиғлаб юборди, кейин бошнини мағрурлик блан баланд кўтариб, кўз ёшларини артди-да, сўзида давом этди:

— Агар мени севмаса, уйимга қайтариб юборсин, унга ким халақит беради? Мен уни мажбур қилмайман. Агар шу аҳвол давом этаверса унда ўзим кетаман: мен унинг чўриси эмасман— князь қизиман!..

Максим Максимич унга насиҳат қилади, ҳадеб хафа бўлаберсанг, сал кунда Печориннинг жонига тегиб қоласан, дейди.

— Рост, рост! — деб жавоб берди Бэла. — Мен хушчаҳчақ бўламан. — У қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, чилдирмасини олиб, менинг олдимда ўйнаб, ашула айтиб сакрайбошлади; лекин бу ҳам узоқ давом қилмади; у яна тўшакка ўзини ташлаб, юзини қўллари блан бекитиб олди.

— Уни қандай қилиб овуптирай? Мен, билсангиз, хотин-қизлар блан сра гаплашган эмасман; уни қандай юпатсам экан деб хўп ўйладим, лекин ҳечнарсга ўйлаб тополмадим; анчагача икковимиз жим қолдик... Жуда кўнгилсиз аҳвол юз берди!

Максим Максимич айланиб келиш учун Бэла блан крепостьдан чиққанда бирдан ўрмондан отлич чиқиб келаётган бир черкесни кўриб қолади; черкес улардан юз саржинча нарида тўхтаб, қутургандек, отини пириллатабошлайди. Бэла уни танийди: Қазбич экан.

Ниҳоят Максим Максимич Печориннинг Бэладан кўнгли совийётганлиги ҳақида у блан очиқ гаплашади ва ундан қуйидаги жавобни олади:

«Менга қараиң, Максим Максимич, менинг бадбахт характерим бор: тарбиям мени шундай қилганми, ёки худо шундай қилиб яратганми, билмайман, фақат шуни биламанки, мен бировларнинг бахтсизлигига сабаб бўлсам, ўзим ҳам улардан кам бахтсиз бўлмайман. Сўзсиз, бу ҳол уларга тасалли бераолмайди — лекин гап шундаки, менинг бўлганим шу. Ешлигимнинг дастлабки даврида, ота-онамнинг қўл остида чиққан пайтимдан бошлаб пулга топиладиган ҳамма кайфи-сэфолардан ҳаддан зиёд лаззатландим, шу вайдан, ўз-ўзидан ма'лумки, бу кайф-сафолар ме'дамга тегди. Кейин киборлар оламга кириб кетдим, лекин тезда бу жамият ҳам жонимга тегди; оқ суякларнинг гўзал қизларига кўнгил қўйдим, уларнинг муҳаббатига ҳам сазовор бўлдим, — лекин уларнинг муҳаббатлари фақат тасав-вурим ва иззат-нафсимни қитиқлаб ўтди, холос, юрагим бўлса бўш қолаверди... Қитоб ўқиб илм олишга тутундим — илм ҳам жонимга тегди: мен шуҳрат ҳам, бахт ҳам уларга зиғирчалик боғлиқ эмаслигини кўрдим, чунки энг бахтли одамлар нодонлар,



шуҳрат эса — омад, унга эришмоқ учун фақат эпчил бўлмоқ керак. Шундан кейин зеркиш балосига йўлиқдим... Кўп ўтмай мени Кавказга юборишди: бу давр ҳаётимнинг энг бахтиёр даври. Зеркиш деган нарса чечен ўқлари тагида йўқ бўлиб кетса керак деб умид қилган эдим — бекор экан: бир ой ўтгач ўқларнинг визиллашига ва ўлимнинг яқинлигига шундай ўрганиб кетдимки, гапнинг рости, улардан кўра пашшалардан кўпроқ кўрқабошладим — мен энди аввалгидан ҳам бадтарроқ зерикабошладим, чунки охирги умидим ҳам деярли пучга чиққан эди. Бэлани ўз уйимда кўрганимда, уни биринчи марта тиззамга олиб, қопҳора сочларидан ўпганимда, мен эси паст, уни раҳмдил тақдир менга юборган фаришта деб ўйлабман... Мен яна хато қилибман: ёввойи қизнинг муҳаббати бой қизнинг муҳаббатидан сал яхши; бирининг ноз-карашмаси қанчалик бездирса, иккинчисининг нодонлиги ва соддадиллиги ўшанча бездиради. Агар билсангиз, мен уни ҳали ҳам севаман, анчагина ширин ўтадиган бирнеча дақиқалар учун ундан миннатдорман, мен унинг учун жонимни ҳам бераман, фақат унинг блан бўлсам зерикаман... Эси пастманми, ёвузманми — билмайман; лекин шуниси ростки, мен ҳам ачинишга жуда сазоворман, ҳатто у қиздан ортиқроқ ачинишга сазоворман, менинг кўнглим киборлар жамиятида ишдан чиққан, тасаввурим потинч, юрагим мечкай; менга ҳамма нарса камлик қилади: лаззатга қанчалик тез кўниксам, қайғуга ҳам шунчалик тез кўникаман; ҳаётим эса кундан-кунга бема'ни бўлиб бормоқда; энди битта чорам қолди, у ҳам бўлса: саёҳат қилиш. Илож бўлди дегунча саёҳатга чиқаман — лекин Европага эмас. бундан худо сақласин! — Америкага, Арабистонга, Ҳиндистонга бораман, — ажаб эмаски, тентираб юриб, йўлда ўлиб қолсам! Ҳарҳолда, шунга ишонаманки, бу сўнгги овунчоқ ҳам бўронлар ва ноҳулай йўллар туфайли тез тугаб қолмас». Шу тарзда у кўп гапларни айтди-ю, айтганлари хотиримга маҳкам ўрнашиб қолди, чунки мен 25 ёшли йигитдан бундай гапларни биринчи марта эшитишим эди, худо хоҳласа, охиргиси ҳам шу бўлар... Бу қанаҳаси ўзи! Узингиз айтинг, барака топгур, — деб давом этди штабс-капитан менга мурожаат қилиб, — мана сиз, чоғимда, яқиндагина пойтахтга бориб юргансиз, наҳотки уёқнинг ёшлари нуқул шунақа бўлса?

Мен унга жавоб бериб, бунақа сўзларни гапириб юради-ганларнинг борлигини ва рост гапни гапирадиганлар ҳам бор бўлиши мумкинлигини, бундан ташқари, умидсизланиш ҳам

бошқа ҳамма модаларга ўхшаш, аввал жамиятнинг олий табақаларидан бошланиб, кейин уларнинг эскисини судраб адо қиладиган паст табақаларга тушиб келганини, ҳозир эса ҳаммадан кўпроқ ва чинакамига зерикадиганлар бу бахтсизликни нуқсон ҳисоблаб, уни яшириб юрганларини айтдим. — Штабс-капитан бу нозик нуқталарни тушунмади, бошини чайқаб, муғомбирлик блан кулумсиради:

— Зерикиш модасини ҳам французлар чиқарган чамамда?

— Йўқ, инглизлар.

— Ҳа-а, шундай денг!.. — деб жавоб берди у,— э, улар аввалдан ашаддий пияниста эди-да, ахир!

Шу тариқа Печориннинг бечора Бэладан кўнгли совуйди, Бэла эса уни яна кўпроқ яхши кўради. Печорин ундан кўнгли совушининг сабабини билмоқчи бўлиб шунча ўйласа ҳам, сабаб тополмайди. Дарҳақиқат, ўз туйғуларининг тилига таржимон бўлишдан, ўз-ўзининг текшириб билишдан кўра қийинроқ бир нарса йўқдир! Авторнинг Максим Максимичга айтган важларидан Максим Максимич қаноат ҳосил қилмаганидек, биз ҳам қаноат ҳосил қилмаймиз. Эҳтимол, киши ўз-ўзини текшириб билишидан кўра қийинроқ бир нарса йўқлиги авторга ҳам ва бизга ҳам тааллуқли сабабдир!.. Шундай бўлса-да, биз инсон қалбида ўрнашган ва ҳозирги замон жамиятида тез-тез ва ҳайрон қоларлик даражада юз бериб турган, умумий тусга кирган сари қайғини орттираётган бу фавқул'одда ҳодиса ҳақида ўз фикримизни ёки, тузукроқ та'бир блан айтганда, ўз фолимизни айтиб ўтамиз. Печориннинг Бэладан бундай тез совушининг сабабларидан бири Печориннинг ўзи бўлса керак; чунки черкес қизининг, гарчи юракдан бўлса-да, лекин бешуур ва соф табиий завқи учун Печорин баҳузур лаззат беручи эди ва бу лаззат ҳатто унинг энг кўрс талабларидан ҳам ошиб кетар эди; ҳолбуки Печориннинг руҳи ярим ваҳший бир вужуднинг табиий севгисидан лаззат тополмас эди. Бунинг устига, биргина лаззатнинг ўзи мутлақо севгининг ҳамма талабларидан иборат бўлаолмайди-ку, ахир; шунинг учун севги Печоринга лаззатдан бўлак нима бераоларди? Печо-

рин у блан нима ҳақида сўзлашаоларди? Унинг учун Бэлада пайқалмай қолган яна нима бор эди? Ўтнинг ёниб турмоғи учун мой керак бўлгани сингари, севги учун ҳам уни сақлаб турадиган муносиб бир нарса керак; муҳаббат — табиати яқин бўлган икки зотнинг бир-бирига қовушиб, чексиз завқлар топмоғидир. Бэланнинг муҳаббатида куч бор эди-ю, лекин бу муҳаббат ниҳоясиз бир нарса бўлиши мумкин эмас эди, чунки Бэланнинг кўнгли тусайдиган нарсалар: ўз ошиқи блан кўз уриштириб ўтириш, унга эркаланиш, ўзини унга эркалатиш, унинг кўнгил истакларини пайқаш ва сезиб олиш, унинг бағрига жимгина бош қўйиб ётишдан иборат эди, холос. Бэла шу тариқа минг йил яшаса ҳам асло бу ҳаётга тўймас эди. Лекин бундай турмуш Печоринни тўрт ойдан ошиқ қизиқтираолмас эди; шундай бўлгач унинг Бэлага бундай анча муддат ичида муҳаббат қўйиб туришига қойил қолмоқ ҳам керак. Муҳаббат йнттилиши мумкин бўлган нарса кўз олдига келтирилар экан, кучли севги эҳтиёжи кўпинча ҳақиқий севгининг ўзи деб фаҳмланади. Бу севги эҳтиёжи тўсқинликка учраса, иштиёқ зўрайиб кетади, аммо иштиёқ қондирилгач, бу севги ҳам барҳам ейди. Бэланнинг муҳаббати Печорин учун лиммо-лим тўлдирилган бир қадаҳ ширин шароб эди-ю, у бу қадаҳни бир томчи қолдирмасдан бирдан сибириб ичган эди; унинг кўнгли эса бундай ширин шароблардан бир қадаҳгина эмас, бир денгиз бўлишини ва бу денгиздаги шароб миқдорини камайтирмаган ҳолда, ҳар дақиқада ундан сузиб ичиб туришни тусар эди...

Бир кун Печорин Максим Максимич блан бирга тўнғиз овлашга кетади. Улар тонг саҳардан то соат ўнгача тўнғиз излашиб бекорга овора бўлишади; Максим Максимич шеригига насиҳат қилиб, қайтишга ундайди, лекин насиҳат кор қилмайди: ҳавонинг иссиқлигига, чарчаганига қарамасдан, у қуруқ қайтишни истамайди. «На чора, шундай одам эди: миясига нима келса қиларди; афтидан ёшлигида онаси жуда эрка қилиб ўстирганга ўхшайди». Броқ, пешиндан кейин улар қуруқ қайтадилар ва крепостьга яқинлашадилар. Бирдан ўқ узилади: икковлари бир-бирларига қарашиб

қоладилар ва таваккал қилиб ўқ чиққан томонга от қўядилар. Қарасаларки, бир тўда солдат тупроқ қўрғонда гуж бўлишиб, далани кўрсатаётибди; далада эса, олдига оқ нарса ўнгариб олган бир отлиқ жонининг борича от қўйиб кетаётипти. У Қазбич эди. У, крепостьдан чиқиб ариқ бўйида бепарво ўтирган Бэлани олиб қочиб кетмоқда эди. Печорин бир ўқ узиб унинг отининг оёғига тегизади. Қазбич қўлидаги ханжарини Бэланинг кўксига тўғрилайди; Максим Максимич бир ўқ узиб, афтидан, унинг елкасига тегизади; тутун тарқалгач, ерда ярадор от ва унинг ёнида Бэла ётганини кўрадилар; Қазбич мушук сингари тоққа тармашиб чиқабошлайди ва кўздан ғойиб бўлади. Улар югуриб Бэланинг олдига борадилар; у ярадор бўлиб ётади ва ярасидан қон тирқираб оқиб туради...

— Шундай қилиб Бэла ўлдими?

— Улди: лекин кўп азоб тортди, биз ҳам у блан бирга азобландик. Кечаси соат ўнларда у ўзига келди; биз тўшагининг олдида ўтирган эдик; кўзини очган заҳоти Печоринни йўқлайбошлади. — «Мен ёнингдаман, жонгинам». — деб жавоб берди у, Бэланинг қўлини олиб. — «Мен ўламан!»—деди Бэла.—Биз унга тасалли берабошладик, табиб албатта тузатаман деб ва'да берди! деб айтдик. — У бошини чайқаб деворга ўгирилиб олди: у ўлишни истамас эди!..

Кечаси алаҳлайбошлади; боши ёниб турар, ба'зан а'зойибаданини безгак қалтироғи босар эди: у отаси, укаси тўғрисида бир-бирига ёпишмайдиган гаплар гапирарди: унинг тоғларга, уйига кетгиси келарди... Сўнгра, у Печорин ҳақида ҳам гапирарди, унга ҳархил суюмли эрка номлар қўйиб атарди, ёки ўзининг жонгинасини севмай қўйганини айтиб гина қилар эди.

Печорин бошини қўлига қўйиб, индамай, унинг сўзларини тинглаб ўтирарди; лекин бутун шу воқна давомида мен унинг киприкларидан бир қатра ҳам ёш кўрмадим, у аслида йиғлайолмайдиган одамлар хилиданми, ёки ўзини тутиб туриптими — билмадим; менга келсак, умримда бундай қаттиқ ачинган эмасман.

Саҳарга яқин алаҳсираш қолади ва у, ўзининг христиан эмаслигини, у дун'ёда Печориннинг руҳи блан

ҳечвақт учрашмаслигини, жаннатда унга бошқа хотин ёр бўлажagini айтиб хафаланади... Максим Максимич унга чўқинишни таклиф қилади; у узоқ вақт нима қилишини билмасдан ўйлаб жим қолади ва сўнгра қайси динда туғилган бўлса ўша динда ўлажagini айтади. Бир кун шу кўйда ўтади, дарду алам ичида уни:г гўзал юзлари ғоят ёмон тусга киради. Оғриқ босилиб, инграши тўхтагач, у Печориннинг қўлини ўпади ва бориб ухлашга ундайди...

Сахар пайти у ўлим талвасасига тушиб, ўзини уёқдан-буёққа отабошлади, ярасининг латтаси юлқинди, яна қон кетабошлади — Ярани бошқатдан боғлаганларидан сўнг у бироз тинчиб, Печориндан ўзини ўпишни сўрайбошлади. Печорин кровать олдида тиз чўкиб, унинг бошини ёстиқдан сал кўтарди-да, лабларини унинг совуб бораётган лабларига босди; Бэла қалтираётган қўллари блан унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди, у гўё шу ўпиш блан ўз жонини Печоринга бермоқчи бўлди... *Йўқ, у яхши қилди: ёлди. Агар Григорий Александрович уни ташлаб кетса, ҳоли нима бўларди! Бу ҳодиса, эртами-кечми, юз бериши аниқ эди...*

У ўлиш олдидан бўғиқ овоз блан «сув, сув!» дейди.

*Печорин* докадай оқариб кетди ва стаканни олиб, сув қуйди-да, унга тутди. Мен кўзимни юмиб, дуо ўқийбошладим — қанақа дуолиги эсимда йўқ... Э, бўтам, одамларнинг госпиталларда ва жанг майдонида қандай ўлганини кўп кўрганман, лекин бу бошқача, бутунлай бошқача эди!.. Очигини айтсам, яна бир нарса мени хафа қиларди: ўлаётиб у мени сра тилга олмади; ахир мен уни отадай севар эдим-у... Майли, ишқилиб, уни худо кечирсин!.. Лекин тўғриси ҳам шу-да: мен унга ким эдимки, ўлаётиб ёд қилсин!..

Сувни ичди-ю, бироз енгиллашди, лекин уч минутлардан кейин дун'ёдан ўтди. Лабига ойна қўйиб кўрдик — дами урмади!.. Печоринни уйдан олиб чиқиб кетдим; крепость кўтармасига бордик, қўлларимизни орқамизга қилиб, анча вақт индашмасдан у ёқдан-бу ёққа юрдик; Печориннинг юзида оғир қайғу ифодаси кўринмас эди, буни кўриб хафа бўлдим: унинг ўрнида бўлсам, ғамдан ўлардим. — Охири у, соя бир ерга ўтириб, чўп

блан қумга алланималарни чизабошлади. Билсангиз, мен одоб юзасидан унга тасалли бергани гап бошладим; у бошини кўтариб, кулиб юборди... Бу кулгини эшитиб, устимдан совуқ сув қуйгандай бўлди... Мен тобут буюртиришга кетдим.

.....  
Эртасига эрталаб уни крепостънинг нар'ёғидаги ариқ лаби-га, сўнгги марта ўзи ўтирган ўша сой яқинига кўмдик; ҳозир унинг қабри атрофида оқ акация ва бузина дарахтлари ўсиб ётипти. Мен битта бут ўрнатмоқчи эдим, лекин, билсангиз ўнғайсизландим: нимага десангиз у христианка эмас эди...

— Печорин нима бўлди?— деб сўрадим.

— Печорин узоқ вақт касал бўлиб юрди, шўрлик озиб кетди; ўшандан бери биз Бэла ҳақида оғиз очиб гапиришмадик: бу гап унинг кўнглини оғритишини билар эдим, шундай бўлгандан кейин, нима кераги бор?—Уч ойча ўтгандан кейин у.. полкка тайинланиб жўнаб кетди. Ўшандан бери учрашганимиз йўқ... Ҳа, айтмоқчи: аллаким яқинда унинг Россияга қайтганини айтди, лекин бу тўғрида корпусимизнинг буйруқларида ҳечнима йўқ.— Ўзи ҳам, бизнинг турган жойларга хабар жуда кечикиб келди-да.

Шундан сўнг у, янгиликларни бир йил кечикиб эшитишнинг нақадар кўнглисиз экани ҳақида узундан-узоқ гап сотиб кетди, буни қайғули хотираларни босиб юбориш учун айтган бўлса керак.

Мен унинг гапини бўлмадим ва қулоқ солмадим.

Қиссанинг кўп ўринларини кўчириб олганимиз учун автордан ҳам ва бизнинг мақоламизни романдин илгари ўқучилардан ҳам узр сўраймиз, чунки романи ўқишдан илгари бизнинг мақоламизни ўқучилар биринчи марта ўқишдан ҳосил бўладиган жозибадан, биринчи марта қоладиган кучли ва гўзал таассуротдан умрбод маҳрум бўладилар. Зотан «Бэла»ни ўқимаган киши ҳам бўлмаса керак; у ўтган йилдаёқ «Отечественные записки»да босилиб чиққан эди ва романининг ўзи ҳам босилиб чиққанига анча вақт бўлди. Бизнинг мақоламизни романи ўқигандан кейин ўқучилар эса, бу мақолани ўқиш блан уларнинг таассуротидан деярлик ҳечнима камаймайди; аксинча, башарти биз ўз вазифамизни яхши бажарган бўлсак, улар аввал олган

завқларини қайтабошдан яна қаттиқроқ ҳис қиладилар. Ҳарҳолда повестьнинг шундай ўринларини кўчириб олиб кўрсатишдан бошқа ҳечқандай чорамиз йўқ эди. Биз романнинг мазмунини баён қилганимизда, романда иштирок қилучи шахсларнинг характерлари ҳам кўриниб турсин, ҳикоянинг ичида барқ уриб турган ҳаёт ҳам, шунингдек ҳикоянинг шираси ҳам сақланиб қолсин, деб шундай қилдик; романнинг фақат қуруқ мазмунини ёки ундаги умумий фикрларни кўрсатиб берганимизда, ундаги характерлар ва муҳим хусусиятлар кўринмай қоларди. Хўш, повестьнинг мазмуни нимадан иборат? Рус офицери черкес қизини олиб қочади, аввал уни жуда яхши кўради, лекин тезда ундан кўнгли совуйди, кейин бир черкес, қизни олиб қочиб кетаётган пайтда қўлга тушишдан қўрқиб, қизни пичоқлайди ва ташлаб қочади, жароҳат зарбидан қиз ўлади, ҳамма гап ана шу, холос. Бунда озгина ма'но борлиги ҳақида сўзламай қўяқолайлик; бунда ҳали ҳечқандай нафосат ҳам, ҳечқандай алоҳида хусусият ҳам, ҳечқандай диққатга лойиқ нарса ҳам йўқ; ҳаммаси жуда оддий сийқа сўзлардан иборат бўлиб, маза-матраси қолмаган. Хўш, масалан, Шекспирнинг «Отелло»сининг мазмунида ҳам қандай ҳориқуллодалик ёки нафосат бор? Мавр рашкининг зўридан жуда яхши кўрган хотинини ўлдиради; бир маккор, ёвуз, бадғаразлик қилиб, унинг рашкини қўзғатади. Ахир, бу ҳам маза-матраси қолмаган, жуда оддий ва сийқа нарса эмасми? Ажабо, эр ёки ошиқ рашкининг зўридан ўзининг гуноҳсиз хотинини ёки ма'шуқасини ўлдириши мазмунида мингларча повестьлар, романлар, драмалар ёзилган эмасми? Аммо мингларча асарлардан фақат «Отелло» оламга машҳур бўлиб, ёлғиз ўзи ҳаммани қойил қолдирган. Демак форма эмас, айрим-айрим тасодифий ҳолларнинг улашиб кетиши эмас, балки сан'аткорнинг ўйлаган фикри,— сан'аткор қўлига қалам олмасдан туриб, унинг тасавурида намоён бўлучи образлар, турлича бўёқда, рангбаранг бўлиб кўринучи гўзалликлар, хулласки ижодий фикр ва тушунча асарга мазмун беради. Сан'аткор қўлига қалам олмасдан бурун, бадий ижод унинг кўнглида

тамом тайёр бўлиб, пишиб етилган бўлсин: ижод кўнглида пухта етилгач, уни ёзиб чиқиш унчалик қийин иш эмас. Сан'аткор энг аввал, ёзадиган повести ёки драмасида вужудга келтирадиган шахсларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини кўз олдида гавдалантириб кўрсин, шундай қилганда у ўйланиб, бирма-бир санаб ўтирмайди ва ўз хаёлларига ўралишиб қолмайди: унда ҳамма нарса ўз-ўзидан қолипга тушаберади, қолипга тушганда ҳам худди кўнгилдагидек бўлиб тушади. Ўсимлик уруғдан ўсиб чиқиб авж олгани сингари, воқиалар ҳам идеядан ўсиб авж олиб кетади. Шунинг учун ҳам ўқучилар бу воқиаларда кўланкаларни эмас, балки жонли образларни кўрадилар, бу образлар хурсанд бўлса, улар ҳам хурсанд бўладилар, бу образлар ғам чекса, улар ҳам ғам чекадилар, бу образларнинг аҳамияти ва тақдири ҳақида гўё ҳақиқатда бўлган ва ўзларига таниш бўлган одамлар ҳақида муҳокама юритиб баҳслашгандек ўзаро баҳслашиб тортишиб кетадилар. Аввало мавҳум мазмунни, я'ни бирон воқиянинг бошланишини ва унинг нима блан тамом бўлишини ўйланса-ю сўнгра иштирок қилучи шахслар ўйланиб, уларни асарда кўрсатилган мақсадга мувофиқ келадиган рольларни ўйнашга чор-ночор мажбур қилинса, бундай асар ўқучиларга юқорида айтилгандек та'сир қилмайди. Шунинг учун ҳам танқидчи асарнинг мазмунини баён қилишда жуда қийналиб қолади, шунинг учун асарнинг ба'зи ўринларини кўчирмасдан иш кўраолмайди: бундай ўринларни қисқача кўчириб, текшириляётган асарни ўзи ҳақида сўзлатмоқ лозим бўлади.

«Бэла» чуқур таассурот қолдиради: сизни қайғи босади, лекин сизнинг қайғингиз енгил, руҳни очадиган, ширин хаёл қайғи бўлади; сиз хаёлга чўмилиб, гўзал қиз қабри узра парвоз қиласиз, аммо унинг қабри қўрқинчли эмас: унга қуёш нур сочиб туради, унинг ёнидан ариқча жилдираб оқиб туради, ариқчанинг ҳасратли шилдираши ток ва оқ акация барглари-нинг шивирлаши блан қўшилишиб, сизга қандайдир сирли ва интиҳосиз бир нарсадан хабар беради; қабр устида, унинг нурга чўмган чўққисиди гўзал бир пари



парвоз қилиб айланиб юради; унинг юзлари оқарган, қора кўзларидагина та'на ва шафқат аломатлари бор; лаблари ҳасратомиз кулумсираб туради... Черкес қизнинг ўлими сизга қайғили ва оғир туюлиб, ҳаяжонга солмайди, чунки бу ўлим, авторнинг ўзбошимчалиги блан, қўрқинчли бир скелет тарзида эмас, балки матлуб бир зарурат орқасида зоҳир бўлган эди ва бу заруратни сиз аллақачон пайқаган эдингиз, шунинг учун ҳам у нурга чўмилган хомуш бир малак қиёфасида кўринар эди. Турли мақомдаги оҳанглар бир оҳангга жўр қилиниб берилганки, натижада сиз соддадил Максим Максимичнинг мана бу оддий ва та'сирли сўзларини меҳр-шафқат блан такрорлайсиз: «Йўқ, у яхши қилди: ўлди! Агар Григорий Александрович уни ташлаб кетса, ҳоли нима бўларди? Бу ҳодиса, эртамикечми, юз бериши аниқ эди...»

Кишини мафтун қилучи черкес қизнинг бу жилвагар образи нақадар зўр сан'ат блан тасвир қилинган-а! У жуда оз сўзласа-да ва жуда оз ҳаракат қилса-да, сиз унинг бутун вужудини кўз олдингизга жонли суратда яққол гавдалантириб келтирасиз, унинг юрагида нима борлигини биласиз ва унинг энг нозик ҳисларини ҳам пайқаб оласиз...

Максим Максимич-чи? Ўз табиати бу қадар чуқур ва сермазмун эканини, ўзи эса олий мақом ва олий жаноб бир киши эканини бу соддадил одам пайқамайди ҳам. У дағал солдат бўлиб, Бэлани гўзал бир ёш боладек, азиз қизчасидек билиб яхши кўради, агар сиз ундан, нима учун, деб сўрасангиз: «Яхши кўрганимку йўқ, бу ҳам бир тентаклик-да» деб жавоб беради. Уни ҳечбир хотин Бэла Печоринни севганидай севмагани унга алам қилади; Бэла ўлим олдидан уни ёдга олмагани учун хафа бўлади, аймо бу талаби ноҳақ эканини ўзи дарров бўйнига олади... Интиҳоси бўлмаган бу хусусиятлар ҳақида сўзлаб туриш керакми? Йўқ, улар ўз-ўзидан аниқ ва равшан кўриниб турипти; бу равшан кўриниб турган хусусиятларга фаҳми етмаган кишиларга сўз ҳам, вақт ҳам ҳайф кетади. Соддача гўзаллик чин гўзалликдирки, бунинг фаҳмига ҳарким етабермайди: одамларнинг аксарият қисмининг кўз

пардаси қалин бўлиб, улар фақат ола-була, нақш ва гуллар блан безатилган, қизил бўёқ блан қуюқ ва очиқ қилиб бўялган нарсаларнигина кўраоладилар...

Азамат блан Қазбичнинг характерлари шундай типлардирки, улар русга қандай тушунарли бўлса, инглизга ҳам, немисга ҳам, французга ҳам шундай тушунарлидир. Фигураларни ўз миллий қиёфасида ва миллий либосида тўла гавдалантириб чизиб бериш деб ана шуни айтадилар!..

Ҳикоянинг табиийлигига, я'ни зўрма-зўраки чўзилмасдан, ўзича бемалол кенгайиб боришига, авторнинг ёрдамидан ташқари, ўз кучи блан равон оқиб боришига диққат қилинг. Тифлистан Россияга қайтиб келаётган бир офицер адирда бошқа бир офицер блан учрашади: уларнинг тортган бирхил йўл азоби бири бири блан сўзлашувига имкон беради ва табиий суратда уларни бир-бирига ошна қилиб қўяди. Бирови шеригининг чойига ром қўшиб беришни таклиф қилса, униси бир сабаб блан ичмасликка аҳд қилганини айтиб, ром қўшишга унамайди. Тутун қоплаган ифлос бир кулда ўтирган йўловчининг кулба эгалари ҳақида шеригига сўз очиши жуда табиий бир ҳолдир: унинг шериги Кавказда кўп йил умр кечирган кекса бир офицер бўлганидан, бу ҳақда иштиёқ блан сўзлаши табиий эди. Ёш офицернинг: «Бундан чиқди, жуда кўп нарсаларни кўрганга ўхшайсиз?» деган саволи нақадар табиий бўлса, кекса офицернинг: «Нега кўрмайин! Кўрганман...» деган жавоби ҳам шу қадар табиийдир. Лекин бу ҳали повестьнинг муқаддимаси бўлмай, балки повестьни эшитишга оз-моз умидвор бўлишдир ва шундай бўлиши ўринлидир: автор вазиятни, отни қистаб боргандек, қистаб бормаёди, балки ўзича кенгайиб, ривож олишига йўл қўйиб беради. У Максим Максимичга чойга ром қўшиб беришни таклиф қилади, Максим Максимич ичмасликка аҳд қилганини айтиб, ром қўшишга унамайди. Бировнинг номини тутиб чақирганда унинг жавоб беришини беҳуда ҳисоблаш мумкин бўлмаганидек, ёш офицернинг «нима учун?» деб сўрашини ҳам беҳуда гап чўзиш, деб ҳисоблаш мумкин эмас, Максим Максимич ўзининг

вино ичмаслигига сабаб бўлган воқияни айтиб берган жавобни ўқучининг ўзи аллақачон кутиб турган бўлади. Бу воқиа фақат Кавказга хосдир: офицерлар ичишиб ўтирганда бирдан тревога бўлиб қолади. Максим Максимичнинг баъзан йил ўн икки ой турганинда ҳам тревогани кўрмайсан, «шу аҳволда арақ ичсанг асфаласофилинга кетганинг» деган гаплари повестьдан умидни бутунлай уздириб қўяди; шу чоқда у бирдан черкеслар ҳақида сўз очиб, улар бўза ичганда бир-бирларини чавоқлаб кетишларини айтаркан, жуда табиий равишда бир воқиа хотирига тушади. Унинг бу воқияни айтиб беришига майли бору, лекин кейин ҳикояга тушиб кетишни хоҳламайди. Ёш офицернинг қизиқиши аллақачон зўрайиб кетган бўлса ҳам, лекин одобни қўлдан бермай, ўзини бепарволикка солиб: «Нима бўлган эди?» деб сўрайди. Бир вақт қарабсизки... повесть бошланиб кетипти. Повесть черкес боласининг чопқир бир отга ҳаваси келиб юрганидан бошланади; сизнинг хотирингизга Азамат блан Қазбич ўртасида бўлиб ўтган воқиянинг ажойиб манзараси келади. Печорин дадил, машмаша ва можароларга жуда ўч бўлиб, ўз ҳавасларини ўрнига қўймоқ учун ҳечнимадан қайтмайдиган бир кишидир; бу ерда эса, ҳаваслардан ҳам каттароқ бир воқиа устида гап бормоқда эди. Шундай қилиб, ҳамма нарса иштирок қилучи шахсларнинг характерларидан энг қаттиқ қонуний зарурат орқасида ҳосил бўлиб, бунда авторнинг ҳечқандай ўзбошимча ҳаракати йўқдир. Повесть ҳали оддий бир латифага ўхшаб, янги танишган икки дўст бу латифа ҳақида фикр олишиб турганларида, бирдан Максим Максимичнинг хотираси кучайиб кетиб, бу хотирани бировга айтиш иштиёқи зўрайгач, худди ўз-ўзи блан гапираётгандек, бу сўзларни айтади. «Мендан бир гуноҳ ўтганки, буни ҳечвақт кечираолмайман: мени жин чалмаса, девор орқасида туриб эшитган гапларимнинг ҳаммасини қўрғонга келганимдан сўнг Григорий Александровичга бир-бир айтиб бераманми; у кулди — жуда муғомбир-да! — лекин ўзи бир нарса тўғрисида ўйлаб қолди». Булардан ҳам ортиқ табиийроқ нарса бўлиши мумкинми? Бундай табиийлик ва

соддаликни чўтлаб ва ўйлаб топиб бўлмади: булар илҳом меваларидир.

Шундай қилиб, Бэла воқияси тамм бўлди; лекин роман эса фақат эндигина бошланди. Биз фақат бир ҳикояни ўқидик, бу ҳикоя, гарчи бир тутун асарнинг бир қисми бўлса-да, ҳарҳолда ўзича алоҳида бир бадий асардир. Хўш, энди нарироққа юрайлик. Владикавказда автор яна Максим Максимич блан учрашади. Улар овқат қилиб турганда қўшхона саройига бир гумбур коляска киради ва унинг орқасидан бир одам юриб келади. Бу одам қўпол ва «ялқов хўжайиннинг эрка қароли» бўлса-да, Максим Максимич ундан суриштириб бу коляска Печоринники эканини билиб олади. «Нима дединг? Нима?.. Печорин... Ё рабби!.. У Кавказда хизмат қилганми-а?..» Максим Максимичнинг кўзларида шодлик аломатлари порлайди. «Хизмат қилган бўлса қилгандир, мен яқиндан бери ишлайман» деб жавоб беради қарол. Максим Максимич: «Ҳа-ҳа?.. шундай дегин!.. Григорий Александрович?.. Унинг номи шундайку-а? Биз сенинг хўжайининг блан ошна эдик» дея туриб қаролнинг елкасига шундай дўстона бир урадики, у гандираклаб кетади... — Шобманг, тақсир, ахир менга халақиг бераяпсиз, дейди у қовғини солиб. «Вой, оғайни!.. Биласанми? Биз сенинг хўжайининг блан қадрдон дўстмиз, бирга турганмиз... ҳай, ўзи қайда қолди, а?» Қарол Печориннинг полковник Н\*\*\* никида кечки овқат қилиш ва ётиб қолишини айтади. «Кечқурун бир келмасмикин-а?» дейди Максим Максимич: «ё бирон иш блан унинг олдига ўзинг бормаيسانми-а, барака топкур?.. Башарти бориб қолсанг, Максим Максимич ҳам шу ерда экан деб қўй: шундай десанг, бас... ўзи билади... Хизматингга тўрт танга арақ пули бераман...» Қарол бундай фақирона ва'дани эшитиб нафратомиз лаб буриштирган бўлса ҳам, ҳарҳолда топшириқни ерига етказиш учун Максим Максимични ишонтиради. «Шу топдаёқ етиб келади!..» — деди менга Максим Максимич тантанали бир қиёфатда: — «Дарвоза олдида кутиб тураман уни... ҳай, аттанг, Н\*\*\* блан таниш эмасман-да!»

Шундай қилиб, Максим Максимич дарвоза олдида

кутиб туради. У аввал кўнмаса-да, сўнгра бир пиёла чойни наридан-бери ичади-да яна югуриб дарвоза олдига чиқади. Унда зўр бир ташвиш борлиги сезилиб турар ва Печориннинг беларволиги уни койитганлиги яққол кўриниб турар эди; унинг янги ошнаси деразани очиб уни ухлашга чақирганида, у бир нарса деб дўнғиллайди, иккинчи мартаба чақирганда эса, индамайди. Максим Максимич кеч тунда уйга киради, трубкасини столга ташлайди, нари-бери юради, печкани кавлаштирабошлайди; ниҳоят ётади, лекин узоқ вақт йўталади, туфлайди, тўлғонади... Унинг янги ошнаси: «Қана чақаяптими-а?» деб сўрайди. — «Ҳа, кана...» дея жавоб қайтаради у оғир хўрсиниб.

Эртасига у дарвоза ёнида ўтирган ҳолда: «Мен комендантга учрайдиганман, агарда Печорин келиб қолса менга одам юборасизда» дейди. У кетгани ҳамон Печорин келади. Автор унинг орқасидан қизиқиш блан қараб қолади ва унинг диққат блан кузатишидан муфассал бир тасвирот ҳосил бўлади; лекин бу тўғрида биз Печорин ҳақида гапирганимизда яна сўз очамиз; ҳозир эса фақат Максим Максимич ҳақида сўз юритамиз. Шунини айтмоқ керакки, Печорин қўшхонага келганда қароли унга ҳозир отларни қўшажагини айтади. Бу ўринда биз яна асарнинг катта бир парчасини кўчиришга мажбурмиз.

Отлар аравага қўшилди; дугага осилган кўнғироқ ора-сра жиринглаб қўяди, малай ҳамма нарсанинг тахт бўлгани ҳақида Печоринга икки марта ахборот берди, лекин ҳануз Максим Максимичдан дарак йўқ. Яхшики, Печорин Кавказнинг тоғ чўққиларига тикилиб, хаёл дар'ёсига чўмган ва, афтидан, йўлга чиқиш учун ошиқмаётган эди. Мен унинг ёнига бориб: «Агар тагин пича сабр қилаолсангиз, эски ошнангизни кўришга сазовор бўлардингиз...» дедим.

— Ҳа, дарвоҳи! — деб тезгина жавоб қайтарди,— кеча менга айтишган эди; ўзи қаерда ҳозир? — Мен майдон томонга қайрилиб қарадим ва кучининг борича чопиб келаётган Максим Максимични кўрдим... Бирнеча минутдан сўнг ҳузуримизга етиб келди; зўрға-зўрға нафас олади; терлаб-пишиб кетган; ивиб кетган оқ сочлари, шапкасининг тагидан тутам-тутам чиқиб, манг-

лайига ёпишиб қолипти; тиззалари дир-дир титрайди... У ўзини Печориннинг бўйига ташламоқчи бўлди, лекин Печорин, гарчи дўстона табассум блан бўлса ҳам, анчагина совуқ бир тусда қўл чўзиш блан кифояланиб қўяқолди. Штабс-капитан бир минутгина гангиб турди, кейин икки қўллаб унинг қўлини маҳкам қисди; тили ҳануз гапга келмас эди.

— Кўп шод бўлдим, азиз Максим Максимич! Хўш, аҳволарингиз қалай? — деди Печорин.

Чол эса кўзлари ёшли ҳолда: «Хўш... сенчи?.. Ҳа, сизчи? Неча йиллар... неча кунлар... ҳай, йўл бўлсин?..» деди.

— Эронга кетаётибман, ундан нарига ҳам бораман.

«Наҳотки, ҳозир кетсангиз-а?... Э, бироз шошманг, қимматли дўстим! Наҳотки ҳозир айрилишсак?.. Қанча вақтдан бери дийдор кўришганимиз йўқ...».

— Жўнашим керак, Максим Максимич,— деган жавоб бўлди.

«Е рабби! Мунча шошилиб қаёққа борасиз?.. Менинг сизга айтадиган кўп гапларим, сиздан сўрайдиган сўзларим бор... Ишларингиз қалай? Исте'фога чиқдингизми?.. аҳвол қалай?.. нима ишлар қилаяпсиз?..».

— Зерикиб қолдим,— деди Печорин кулумсираб.

«Ҳа, эсингиздадир крепостьда кечирган кунларимиз?.. Хўп овбоп жойлар эди-да!.. Ахир отишга шунақа ҳам ишқивоз эдингизки.. Бэла-чи?..»

Печорин жиндек оқарди-да юзини ўгириб олди...

— Ҳа, эсимда! — деди ва шу онда мажбуран эснади...

Максим Максимич уни яна икки соатгина олиб қолмоқчи бўлди. «Жуда бопта қилиб овқатланамиз; иккита қирғовулим бор; бу ернинг кахетин виносига ҳеч тараф йўқ... албатта Грузия виносидақа эмасу, ҳарҳолда нав'и жуда яхши... Отамлашамиз... Петербургда қандай турганингизни айтиб берасиз... А?..» деди чол:

— Рости, менда айтадиган ҳечнима йўқ, ҳурматли Максим Максимич... хўп хайр энди... жўнашим керак... Шошиб турибман... Қуллик, эсингиздан чиқармабсиз... — дея унинг қўлини ушлади.

Чолнинг қовоғи солинди... У, гарчи билдирмасликка ҳаракат қилса ҳам, жаҳли чиққан ва қайғига чўмган эди. «Эсдан чиқариш эмиш!» дея гудунглади. «Менку ҳечнарсани эсдан

чиқарганим йўқ... Ҳа майли, худога солдим!.. Сиз блан шундай кўришарман деб ўйламаган эдим...».

— Бўлди-бўлди! — деди Печорин уни дўстларча қучоқлаб:— Наҳотки мен ўша Печорин бўлмасам? На чора?.. ҳаркимнинг ўз йўли бор... Яна учрашамизми йўқми — худо билади!.. — Шу сўзларни айтатуриб коляскасига ўтирди, извошчи эса тизгинларни олабошлади.

Максим Максимич колясканинг эшикчасини ушлаб бирдан: «Шошма, шошма!» — дея бақирди: «Эсимдан чиқаёзибди... Сизнинг қоғозларингиз менда қолган эди, Григорий Александрович... шуларни олиб юрибман... сизни Грузиядан топарман деб ўйлаган эдим, худо бизни шу ерда дийдор кўриштирди... Нима қилай ўшаларни?..»

— Истаганингизни қилинг! — дея Печорин жавоб берди.— Хайр.

Максим Максимич унинг орқасидан бақириб қолди: «Шундай қилиб, Эронга кетаётибсизми?.. қачон қайтасиз?»

Коляска узоқлашиб кетган эди, Печорин шундай бир қўл ҳаракати қилдики, уни шундай та'бир этиш мумкин бўларди: «невлай!» ва «қайтиб нима ҳам қилдим!..».

Кўнғироқнинг жиринглаши ва шағал йўлда бораётган филдиракларнинг таҳирлаши эшитилмай қолганига анча вақт бўлган бўлса ҳам бояқиш чол ҳамон бояги жойида чуқур хаёлга чўмиб турар эди..

Бас! Аламда қолган чол, гарчи ҳасрат ёшлари орасира киприкларида йилт-йилт кўриниб турса ҳам, ўзига парвойи-палак бир тус беришга тиришиб, айтган узундан-узун ва пойма-пой монологини кўчириб ўтирмаймиз. Бас, бусиз ҳам Максим Максимичнинг ҳамма томони сизга ма'лум. Агар сиз уни топиб олиб, у блан танишиб, бир крепостъда йигирма йил турганингизда ҳам уни бундан яхшироқ билаолмаган бўлар эдингиз. Аммо биз энди уни сра кўраолмаймиз. У шу қадар яхши, шу қадар дилкаш бир одамки, ундан бундай тез жудо бўлиш кишини қайғига солади; шунинг учун унга охирги мартаба бир назар ташлаб олайлик...

Мен унинг ёнига бориб:

— Максим Максимич,— дедим,— сизда Печориннинг қандай қоғозлари қолган?

«Э, худо билади! Аллақандай ёзувлари...»

— Энди уларни нима қилмоқчисиз?

«Нима қилмоқчисиз? Уққа ишлаттираман».

— Ундан кўра менга бериб қўяқолинг.

У менга ҳайрон бўлиб қаради, гижиниб, бирнарсалар дея гудунглади, кейин чемоданини титкилай бошлади; ана, дафтарлардан бирини топди ва нафрат блан ерга улоқтирди; кейин иккинчи, учинчи ва ўнинчи дафтарларнинг ҳам қисмати шу бўлди: унга худди болаларча алам қилди; у менга ҳам кулинч бўлиб кўринди, ҳам аянч...

-- Ҳаммаси шу; янги топган дун'ёингиз блан табриклайман... — деди чол.

— Энди буларнинг ихтиёри мендами?

— Менга деса газетага бостиринг. Менинг нима ишим бор!.. Нима, мен унинг дўстими, ё бирон қариндошимми?.. Рост, у блан узоқ вақт ҳамхона бўлгандим... Нима, мен кимлар блан ҳамхона бўлмаганман?..

Максим Максимич айниб қолмасин деб авторимиз апил-тапил қоғозларини олиб чиқади ва йўлга ҳозирланабошлайди, у шапкасини энди кияётганида штабс-капитан уйга кириб келади... Йўқ, йўқ, ихтиёрингиз-ку! Энди Максим Максимич блан чинакам хайрлашмоқ керак, я'ни аввал унинг энг охирги сўзларини эшитиб, сўнгра бутунлай хайрлашмоқ керак... На чора? Шундай одамлар борки, улар блан бир қарра танишиб олдингми, умр бўйи ажралгинг келмайди...

«Максим Максимич, ҳа, сиз жўнамайсизми?»

— Йўқ.

«Хўш?».

— Мен ҳали комендантга учраганим ҳам йўқ, ҳукумат амонатлари бор, шуларни топшириш керак...

«Ахир боя бориб эдингиз-ку?».

— Бориб эдим,— деди у дудуғланиб... — уйда йўқ экан... Кутиб ўтираолмадим.

Фаҳмладим: бояғиш чол умрида биринчи марта бўлса керак, қоғоз тили блан айтганда, *хусусий зарурият* туфайлидан хизматини ташлаб келган экан,— эй бечора, бунинг учун қандай мукофот олди!



«Э аттанг, аттанг, бевақт айрилар эканмиз-да, Максим Максимич» дедим.

— Э, биз илмсиз чоллар учун сизларга етиш йўл бўлсин!.. Сизлар кибор, мағрур ёшларсиз; ҳали-ҳозир черкес ўқлари остида бўлганингиз учун ундайиди-бундайиди дейсизлару... кейин учрашганларингизда биз бечораларга қўл узатишга ҳам ор қиласизлар.

«Мен бундай ўпкаларга сазовор эмасман, Максим Максимич».

— Гап келиб қолди-ю айтдим-да, яхши боринг энди, бахт ва оқ йўл тилайман.

Шундан кейин улар совуққина хайрлашадилар; лекин муҳтарам ўқучи, жуда содда, жуда дилкаш, жуда *одамшавандои*, шу блан бирга ўз тушунчаси ва тажрибасининг тор доирасидан четдаги нарсаларнинг ҳаммасига тажрибасиз бўлган бу кекса гўдак блан сиз совуқ хайрлашмадингиз-а? Сиз унга жуда ўрганиб қолган эдингиз-а? Сиз унга сра унутмайдиган меҳр қўйган эдингиз-а? Агар дағал сумбат, оғир ва хафагазак турмушдан бужмайиб қолган афти-ангор замирида жўш уриб турган бир қалбни, *мешчанларча* оддий сўзлар замирида меҳрибон бир кўнгилни кўрсангиз, албатта, «бу Максим Максимич» дейсиз-а?.. Илоҳим ҳаёт йўлингизда *Максим Максимичлар* кўпроқ учрасин!..

Шундай қилиб, биз романнинг икки қисмини, я'ни «Бэла» блан «Максим Максимич»ни кўздан кечирдик: бу қисмларнинг ҳарбирида ўзига алоҳида хусусият ва биқиклиқ бўлиб, бинобарин, ҳарқайсиси ўқучининг кўнглида тўла, мукамал ва чуқур таассурот қолдиради. Иккала повестьнинг қаҳрамонларини ҳам биз уларнинг ҳаёти жуда тантанали бир ҳолатда бўлганида кўрдик ва уларни қисқача билиб олдик. Уларнинг биринчиси повесть бўлиб, иккинчиси характернинг қисқача тасвиридир; иккаласи ҳам баббаравар мукамал бўлиб, тўла қаноат ҳосил қилдиради, чунки ҳар бир повестьда шоир унинг мазмунини тугал суратда берабилган ва повесть ичида, имконият тариқасида бекиниб ётган ҳамма сири-асрорларни типларнинг

хусусиятларида зоҳир қилдирабилган. Иккинчи повестьда романга хос мазмун йўқ экан ва унда ҳаёт эмас, балки одам ҳаётининг бир парчасигина кўрсатилган экан, тагин бизга нима керак? Лекин бу парчада одам мукаммал равишда кўрсатилган экан, бундан ортиқ яна нима керак, ахир? Шоир характери тасвирлаб кўрсатмоқчи бўлиб, бу ишини бажаришга жуда соз муваффақ бўлган: унинг *Максим Максимич* отоқли исм тарзида эмас, балки *Онегинлар*, *Ленскийлар*, *Зарецкийлар*, *Иван Ивановичлар*, *Иван Никифоровичлар*, *Афанасий Ивановичлар*, *Чацкийлар*, *Фомусовлар* ва бошқалар блан бир қаторда турдош исм тарзида юритилиши мумкин. Биз Максим Максимич блан «Бэла»ни ўқиганда танишган эдик ва энди у блан сра учрашмаймиз, аммо ҳар иккала повестьда биз яна бир кишини кўрдикки, у блан биз ҳали таниш эмасмиз. Бу сирли киши мазкур повестларнинг қаҳрамони эмасдир ва лекин у бўлмаганда, мазкур икки повесть ҳам бўлмас эди: у киши романнинг қаҳрамони бўлиб, мазкур икки повесть романнинг қисмларидир, холос. Энди бу қаҳрамон блан танишиш пайти келди; лекин, энди у блан аввалгидек, бошқа шахслар воситаси блан танишмаймиз: кўрдикки, уларнинг барчаси ҳам бу шахснинг қанақа киши эканлигини тушунмайдилар; шунингдек, у блан шоир орқали ҳам танишмаймиз,— гарчи унинг майдонга чиқишига шоирнинг ўзи сабабчи бўлса-да, у энди ундан қўлини ювиб, гуноҳни гарданидан соқит қилиб қўйди:—балки биз қаҳрамоннинг бевосита ўзи блан танишамиз; я'ни унинг ёзувларини ўқиб чиқишга ҳозирланамиз. Печориннинг ёзувларига шоир ўзидан фақат сўзбоши ёзиб қўшган, холос. Бу сўзбоши романнинг бир бобига, унинг муҳим бир қисмига ўхшаб кўринади; лекин шундай бўлса-да, биз бу сўзбоши тўғрисида кейинроқ, Печориннинг характери ҳақида сўз очганимизда сўзлаймиз. Ҳозир эса тўғридан-тўғри «Ёзувлар»нинг ўзини кўриб чиқишга киришамиз.

Ёзувларнинг биринчи бўлими «Тамань» деб аталади ва бу ҳам, аввалги икки повесть сингари, алоҳида бир повестьдир. Гарчи бу бўлимда роман қаҳрамони-

нинг бошидан кечган воқиа ҳикоя қилинса-да, лекин қаҳрамоннинг ўзи биз учун аввалгидек сирли бир шахс бўлиб қолаберади. Бу воқиянинг мазмуни қуйидагилардан иборат: Печорин Таманьга келгач, денгиз бўйидаги ифлос бир уйга қўнғди ва унда 14 ёшларда бўлган бир кўр болани учратади, сўнгра эса қандайдир сирли бир қизни кўриб қолади. Иттифоқо бу кишилар денгиздан ўғринчи мол ўтказучи қароқчилар экани очилиб қолади. У, қизга ишқивозлик қилабошлайди ва ҳазил тариқасида, хабар бериб сирларингизни очиб қўяйми, деб уни қўрқитмоқчи бўлади. Уша кунни кечқурун қиз, сув парисидек, унинг ёнига келади ва ошиқлигини изҳор этиб, унга кечаси денгиз бўйида учрашишни тайинлаб кетади. Печорин ҳам кечаси ва'да қилинган жойга боради; лекин қизнинг ғалати-ғалати сўзлари ва сирли қилиқлари уни аллақачон шубҳага солган эди. Шунинг учун ҳам у тўппончасини тақиб борган эди. Сирли қиз унга қайиққа тушишни таклиф қилади; у, йўқ демокчи бўлади-ю, лекин тисланишга фурсат бўлмайди. Қайиқ сузиб кетади, қиз унинг бўйинини қучиб олади; шу вақтда нимадир шалоолаб сувга тушиб кетади... у дарҳол белини ушлайди — тўппончаси йўқ... Шундан кейин улар орасида қаттиқ кураш кетади: охирда эркак енғади; у ярми синиқ бир эшкак топиб, бир амаллаб соҳилга етиб олади ва ой ёруғида ҳалиги сирли қизни кўриб қолади: у ўлимдан қутулиб, сочларининг сувини сиқиб турган экан. Бироз вақтдан кейин қиз ўз ошиғи ва қароқчиларнинг бошлиқларидан бири бўлган Янко блан қайиққа тушиб жўнаб кетади: чунки уларнинг сирли бегона кишига ма'лум бўлиб қолганидан, уларнинг бунда туришлари энди хавфлик эди. Кўр бола ҳам Печориннинг сандиқчасини, кумушбанд қиличини ва Доғистон ханжарини ўғирлаб қочган.

Биз бу повестьдан айрим ўринларини кўчирмадик, чунки ундан асло кўчириш имконияти йўқ: бу повесть худди бир лирик ше'рга ўхшайдики, шоирнинг ўзидан бўлак кишининг қўли тегиб бирон ери туширилиб қолдирилса ёки ўзгартирилса бутун нафосати йўқолади; бу повесть бошдан-оёқ бир қолипга қуйилган; агар

1 ундан кўчириш лозим бўлса, ҳаммасини сўзма-сўз кўчиришга тўғри келади; бу повестьни нақл қилинганда ҳам сиз ўз кўзингиз билан кўрмаган хотиннинг гўзаллиги ҳақида шавқли бир ҳикоя эшитгандай бўласиз. Бу повестьда қандайдир алоҳида бир табиий манзара бор: унинг мазмуни проза услубида ёзилган бўлишига қарамай ундаги воқиаларнинг ҳаммаси сирли бир нарсага, ундаги шахслар эса, қош қорайганда, тонг ёки ой ёритганда кўзга аранг кўринадиган хаёлий шарпаларга ўхшайди. Хусусан ундаги қиз кишини мафтун қилади: У, кўз қамаштиручи ажойиб ва ғаройиб бир жонон, сиренадек йўлдан оздиручи, ундинадек қўлга кирмас, русалкадек хавфли; кўз очиб юмгунча ғойиб бўладиган гўзал бир шарпа ёки сув юзида лаҳза-лаҳза жимирлаб кўринадиган бир мавж, қамишдек юз букилса ҳам синмайдиган бир вужуд: уни севиб ҳам бўлмайди; ёмон кўриб ҳам бўлмайди, лекин уни бир вақтда ҳам севиш, ҳам ёмон кўришигина мумкин. У, том бошига чиқиб, сочларини ёйиб, ховучини қоши узра қўйиб узоқларга тикилиб қараркан, гоҳ хандон отиб кулар, гоҳ ўз-ўзи билан сўзлашар, гоҳ эркинлик ва ботирлик хислатлари барқ уриб турган қуйидаги ўткир қўшиқни куйларкан, ажойиб гўзал бир латофат касб этади:

Эркин-эркин — осуда  
 Яшил денгиз кўксида  
 Сузар барча кемалар  
 Оқ қанотли елканлар.  
 Кемаларнинг ичида  
 Бор меннинг ҳам қайиқчам  
 Елкани йўқ, ва лекин  
 Қўш эшкакли бўлса ҳам.  
 Довул юрса денгизда  
 Эски кемалар тезда  
 Қанотларин очарлар,  
 Денгиздан тез қочарлар.  
 Елбораман денгизга  
 Босинқи овоз ила:  
 «Тегма, э зolim денгиз  
 Қайиқча менга азиз.

Унинг ичи лиқ тўла  
Қимматбаҳо мато'ла,  
Қора тунда ҳайдади  
Уни ботир бир дайди».

Романнинг қаҳрамони эса, аввалги икки повестьдаги сингари, бу повестьда ҳам сирли бир шахс бўлиб қолади. Бу повестьда сиз иродаси кучлик, дов'юрак, ҳечқандай хавф-хатарни писанд қилмайдиган, ўзини бирон нарсага машғул қилиб, бўмбўш қолган ва тактуги бўлмаган руҳий завқонасини лоақал мақсадсиз ишлар завқи блан тўлғазмоқ учун ўзини ҳарқандай алғов-далғов ва можароларга урадиган бир одамни кўрасиз.

Мана энди «Княжна Мери» бошланади. Сўзбошини ўқиб чиқдик; энди романнинг ўзини бошлаймиз. Бошқа повестьларга қараганда бу повестьнинг мазмуни хилма-хил ва мукамалроқдир, лекин унинг бадиий шакли аввалги повестьларнинг бадиий шаклидан анча паст. Бу повестьдаги характерлар — қисқача тасвиrotга ёки сояси солинган расмга, я'ни қуруқ тасвири берилган суратга ўхшайди, холос. Аммо унинг қиммати ҳам унда шундай нуқсоннинг бўлишидир ва, аксинча, ундаги нуқсон унинг қимматидир. Асарни батафсил текшириб чиққанимизда бу фикримиз равшан бўлур.

Сўзни *еттинчи* саҳифадан бошлаймиз. Печорин Пятигорскда Елизавета чашмаси олдида ошнаси юнкер *Грушницкий* блан учрашиб қолади. Бадиий роли жиҳатидан бу шахс худди Максим Максимичнинг ўзига ўхшайди: бу тип ҳам, Максим Максимич каби, жуда хилма-хил кишиларнинг намояндаси бўлиб, турдош исмлар қаторига киради. *Грушницкий* — *жуда зебо бир йигит*; ўтакетган олифталар кийимга қандай бино қўйсалар, «зукко»лар ўз аҳмоқликларига қандай мағрур бўлсалар, *Грушницкий* ҳам ўз қаддиқоматига мағрур бўлиб, кибр-ҳаво блан юришга шундай бино қўяди. У, қалин мовутдан солдатча шинель кийиб юради; унинг кўксига солдатларга бериладиган Георгий крести. Унинг зўр бир истаги шуки, одамлар

мени юнкер деб эмас, балки бекор бўлган офицер деб, ўйласинлар, дейди: шундай бўлиши унга та'сирли ва мароқли бўлиб туюлади. Умуман «та'сирли бўлиш»га у жуда иштиёқманд. У гапни жуда чиройлик қилиб сўзлайди. Хулласки, у провинцияларда яшовчи ишқ-муҳаббатпараст, романтик *ойимларга* жуда ёқадиган одамлардан: ёзувлар авторининг чиройлик та'бири блан айтганда, у — *содда* — *ғўзал* нарсалар та'сир қилмайдиган, кибру ҳаво блан ўзларини ғайри-табиий ҳислар, кўтаринки эҳтирослар ва мислсиз азоб-уқубатлар блан пардаловчи одамлар қабилидандир. «Уларнинг руҳида яхши хислатлар кўп бўладию, лекин бир чақалик поэзия бўлмайди» дейди яна автор. Лекин бундай одамларга журнал авторининг ўзи яхши ва мукамал равишда баҳо берган: «қариганларида улар ё мўмин помешчик ёки пияниста, ба'зан ҳар иккиси ҳам бўлиб қоладилар». Бу тасвиротга биз ўзимиздан қўшиб фақат шуни айтамикки, улар Марлинский асарларини ўлгудек яхши кўрадилар ва оддий турмушга оз-моз алоқаси бўлмаган нарсалар устида гап боргудай бўлса, дарров улар Марлинский повестьларидаги иборалар блан сўзлашга ҳаракат қиладилар. Энди сиз *Грушницкийни* батамом билиб олдингиз. Печорин унинг сирларини билиб қолгани учун, у Печоринни ёмон кўради. Печорин ҳам Грушницкийни яхши кўрмайди ва бир кун у блан тўқнашиб қолиб, икковларидан бири ҳалок бўлишини сезиб юради.

Улар қадрдон ошналарча кўришдилар ва ўзаро суҳбат бошланди. Грушницкий бу йил сув шифосига келган хотинларни ёмонлаб кетади. «Бу йил,— дейди у,— Москвадан келганлар ичида фақат княгиня Лиговская блан қизигина тузук; лекин мен улар блан таниш эмасман; эгнимдаги солдат шинели — мисоли ла'нат тамғасидек. Унинг дилни ма'юс қилучи та'сири садақа каби кўп оғир». Шу чоқ улар ёнидан булоқ томонига икки хотин ўтиб кетади. Грушницкий княгиня Лиговская ва унинг қизи *Мери* ана шулар, дейди. Грушницкий улар блан таниш эмас, чунки номерланган фуражка остида ақл ва қалин шинель остида қалб бор-йўқлиги блан бу мағрур зотларнинг

неча пуллик иши бўлсин!» У, французча қилиб баланд овоз блан тамтароқли бир гап айтиб, княжнанинг диққатини ўзига тортади. Печорин унга қараб дейди: «Бу княжна Мери жуда чиройлик экан. Унинг шу қадар бахмалдек кўзлари бор эканки, ҳақиқатан ҳам бахмалдек; унинг кўзлари ҳақида гапирганингда шу ифодани ишлатмагингни сенга тавсия қиламан; киприклари шу қадар узунки, қуёш нурлари унинг қорачиқларида акс этаолмайди. Мен шундай кўзларни яхши кўраман; улар парпирамайди: улар шу қадар ёқимлики, тўё сени силаётгандай бўлади... Лекин шуниси ҳам борки, унинг юзидаги яхши нарса ёлғиз, шугинага ўхшайди... Айтмоқчи, тишлари қалай, оқ эканми? Бу жуда муҳим нарса! Аттанг, у сенинг ҳашаматли сўзингга бир жилмайиб қўймади-да! — «Сен, яхши хотин ҳақида мисоли инглиз оти тўғрисида гапирётгандай гапирасан» — дейди Грушницкий ғазаб блан. Улар айрилишиб ҳар томонга қараб кетадилар.

Печорин бояги жойдан ўтиб кетаётиб, секингина мана бу қизиқ воқияни кўради: Грушницкий ярадор бўлганиданми ёки ўзини ярадор бўлган киши қилиб кўрсатмоқчи бўлганиданми, бир оёғи оқсаб юради. У қўлидаги стаканини қумга тушириб юборади ва эгилиб олмоқчи бўлиб кўп зўр берса ҳам ололмайди. Княжна қушчадан ҳам енгилроқ бир тарзда югуриб келади-да, эгилиб стаканни олади ва та'рифига қалам ожизлик қиладиган гўзал бир ҳаракат блан унга беради. Кейин бу воқиа кулги-мазак тусига кириб кетиб, Грушницкийни жуда ёмон ҳолга солиб қўяди. Грушницкий лоф урабошлайди, Печорин уни эрмак қилади. У, княжнанинг бу ишида Грушницкийнинг кўнглини хуш қиладиган ёки шунчаки завқ берадиган ҳечбир сабаб йўқлигини унга билдирмоқчи бўлади. Печорин бу ишини қарама-қаршиликка жуда берилиб кетганлигининг натижаси деб билади ва мижози иссиқ одам олдида бутун вужудини совуқ босади, агар лапашанг, мижози совуқ киши блан тез-тез алоқада бўлиб турсам, сершавқ хаёлпараст бўлиб кетаман, дейди. Ўз-ўзини бундай айбситиши беҳудал Қалби

нозик бўлган ҳарбир одамда бундай қарама-қаршилиқ ҳиссининг бўлиши табиий. Болаларча, хусусан сохта кибр-ҳаво одамнинг ҳиссига шу қадар қаттиқ тегадики, бундай пайтларда киши ўзини туйғудан бутунлай маҳрум деб билади. Дарҳақиқат, *бундай* туйғулик бўлишдан кўра бутунлай туйғусиз бўлиб юрган яхшироқ! Аксинча, бирон кишини миррайган, шалпайган ҳолда кўрар эканмиз, беихтиёр бизда ўз кўзимизга ишониш майли туғилади, биз ўзимизни у кишига ўхшатмаймиз, балки ўзимизни тетик, бардам, серҳавсала деб биламиз ва бу ҳолимиздан ўзимиз жуда хурсанд бўламиз. Печориннинг характеридаги бу хил ўз-ўзини сохта айблаш хусусияти унинг ўзининг нималигини тушунмаслиги орқасида пайдо бўладиган ўзидаги қарама-қаршилиқнинг далили, деб кўрсатар эканмиз. бунинг сабабини қўйида баён қиламиз.

Энди майдонга янги бир шахс — доктор Вернер чиқади. Беллетристика нуқтаий назаридан бу шахс жуда соз бўлиб чиққану, лекин сан'аткорлик нуқтаи назаридан у жуда кўримсиздир. Шоир бу одамни қандай шаклда кўрсатмоқчи бўлгани ва ҳақиқатда у, шоирнинг ўйлаганидан бундайроқ бўлиб чиққани бизга кўпроқ билиниб турипти.<sup>17</sup>

Афсуски, Печорин блан Вернер орасида бўлган сўзларни ёзиб кўрсатишга мақоланинг ҳажми имкон бермайди: бу сўзларда жуда нозик ҳазил-мазахлар ва нуқтадонлик блан айтилган ўткир фикрлар жилваланиб туради (27—28 бетлар)\*. Вернер унга сув шифосига келган кишилар ҳақида, айниқса Лиговскаялар ҳақида сўзлайди. «Княгиня Лиговская менинг тўғримда сизга нима деди?»— деб сўрайди Печорин.— Сизнинг тўғрингизда гапирган княжна эмас, княгиня эканига имонингиз комилми? «Мутлақ комил».— Нима учун? —«Шунинг учунки, княжна Грушницкий ҳақида сўраган». — Сизда тасаввур таланти жуда зўр,— деб жавоб берган Вернер. Сўнгра у, княжна Грушницкий дуэль туфайли солдатликка туширилган деб ҳисоблайди дейди. «Умидворманки, уни шу лаззатли хатоси-

---

\* Ўзбекча нашрида 111—120 бетлар. *Ред.*



дан жудо этмагандирсиз?»—Албатта.—«Ипнинг учи қўлга кирди дея қичқиради Печорин хурсандлигидан:—«Энди комедиянинг чигалини ечиш учун ҳаракат қиламиз, мени зериктирмаслик учун толининг нақадар ғам чеккани аён бўлди». Шундан кейин Вернер, княгиня сизни билар экан, Петербургда кўрган экан, сизнинг можаронгиз (қандай можаро эканлиги романда айтилмаган) у ерда кўп шов-шувларга сабаб бўлган экан, дейди. Княгина бу можаро ҳақида сўзларкан, киборлар жамиятида бўлган ғийбатларга ўз қайдларини қўшади, қизи эса мароқ блан эшитиб туради; унинг тасавурида (Вернернинг сўзига кўра) Печорин янги роман қаҳрамони бўлиб қолади. Вернер уни княгина блан таништириб қўймоқчи бўлади. Печорин, қаҳрамонларини таништирамадилар, улар ўз севиклиларини ҳақиқий ўлимдан қутқозиш йўли блангина танишадилар, деб жавоб беради. Унинг бу ҳазилида бир мақсад борлиги сезилади. Бу мақсадни биз тез орада билиб оламиз: у бекорчи бир эрмакдан бошланадию, лекин тамом бўлишда... хўп, бу ҳақда кейинроқ гапирамиз. Вернер, княжна ҳислар, эҳтирослар ва бошқа нарсалар ҳақида муҳокама юргизишни севадиган кўринади, дейди. Сўнгра Печориннинг, уларникида ҳечкимни кўрдингизми, деган саволига у бир блондинка хотинни кўрдим, ўзи сил башара, ўнг бетидан битта қопқора холи бор, деб жавоб беради. Бу аломатлар Печоринни изтиробта солиб қўйгандай кўринади, кейин бир вақтлар у хотинни яхши кўрганини бўйнига олади. Сўнгра у Вернерга менинг тўғримда у хотинга сра оғиз очманг, агар сўраб қолса, ёмонланг, деб илтимос қилади. Вернер кифтини қисиб «Майли!» дейди ва кетади.

Елғиз ўзи қолгач, Печорин у блан учрашишни ўйлаб изтиробда қолади. Равшанки, унинг характеридаги хусусиятдан кўра, ундаги бепарволик ва истеҳзо, я'ни киборларга хос одатлар кучлироқдир. «Дун'ёда ҳечбир одам топилмаски (дейди у), ўтмиши унинг устидан, менинг устимдаги каби ҳукмрон бўлсин. Ўтмиш ғамларни ёки севинчларни хотирлаш руҳимга қаттиқ озор беради ва уни ҳарвақт шундай овозла фар'ёд

эттиради... Мен аҳмоқона яратилганман! Ҳечбир нар-  
сани унутаолмайман — ҳечбир нарсани!».

Кечқурун у бульварга чиқади. Кўчада икки нафар таниши блан учрашиб, уларга қандайдир кулгили гап-ларни айтади; улар шу қадар қаттиқ куладиларки, княжнани ўртага олиб ўтирганлардан ба'зилари бу кулгига қизиқсиниб унинг ёнига келадилар. Ўзининг айтишича, у кун ботгунча одамларни кулдириб ўтиради. Княжна онаси блан бирга бирнеча бор унинг ёнидан ўтади, княжнанинг қараши бепарволик аломати-ни ифода этмоқчи бўлса-да, лекин нуқул алам ифода-сини беради. Шу пайтдан бошлаб улар очиқчасига кўз уриштириб юрадиган бўлиб, бир-бирларига кеса-туқ, пичинг отабошлайдилар. Бу гап учиришда ҳами-ша Печорин устун бўлади, чунки у қизишмасдан, сирни қўлдан бой бермасдан, вазминлик блан учириқ қилиб юради. Унинг бундай бепарволиги княжнанинг жигига тегади ва унинг жигига теккан сари унинг кўзига яна кўпроқ дилкаш бўлиб кўринади. Бу блан княжнанинг алами яна зўраяди. Грушницкий княжна-ни, йиртқич бир ҳайвон каби, та'қиб қилиб юради. Фақат Печорин унинг Лиговскаялар блан тезроқ танишувига сабаб бўлади; дарвоқи', у иттифоқо княж-на блан сўзлашиб, унга қандайдир қочирим қилади. Шунинг натижасида у, Печориннинг жонига тегиб, нега сув шифосига келганлар орасида энг дилкаш бўлган бу хонадон блан танишмайсан, деб юради. Печорин, ўзига бино қўйган бу мағрур ялхакни ишонтириб, княж-на сени севади, дейди. Грушницкий қизариб «бекор гап!» дейди ва гердайиб кулумсирайди. «Дўстим Печо-рин» — дейди у, — «мен сени табриклай олмайман, сенинг тўғрингда у кўп ёмон фикрда... Бунга чиндан афсусланаман! Чунки Мери ғоят дилбар қиз!...». Печо-рин жиддий тус олиб: «Тўғри, чакки эмас! Лекин эҳтиёт бўл, Грушницкий!» дейди ва биларман олим қиёфасида унга маслаҳатлар беради ва рўй беради-ган ҳоллардан уни хабардор қилади. Унинг гаплари шундай мазмунда эдики, княжна эрқалатишни яхши кўрадиган хотинлардан бўлиб, агар Грушницкий ҳузу-рида у икки минут зерикиб қоладиган бўлса, Груш-

ницкийнинг иши тамом хароб бўлади, у кўнгли тўй-гунча Грушницкийга нозу ғамза қилиб юради-ю, сўнгра онасига итоати орқасида бир ногиронга тегиб кетади; тегиб олгандан кейин ўзининг бахтсизлигига, дун'ёга келиб биргина кишини, я'ни Грушницкийни яхши кўрганига, гарчанл бу қалин кулранг шинель остида эҳтиросли ва ажиб бир қалб уриб турса ҳам, шу шинель туфайли тақдир у блан қовиштирмаганига афсусланиб юради... Грушницкий столни бир муш-лаб, уй ичида уёқдан-буёққа юрабошлайди. «Мен ичим-да кулардим (дейди Печорин), ҳатто бир-икки марта кулумсираб ҳам юбордим, лекин, бахтимга, буни сезмай қолди. Унинг ошиқлиги равшан бўлди, чунки ишончи аввалгидан ҳам ортди; ҳатто бармоғида шу ерда қилинган қора кўзли қумуш узук ҳам пайдо бўлди... Мен уни диққат блан кўздан кечирабошладим ва нима-ни кўрдим?.. Ички томонига майда ҳарфлар блан *Мери* исми ва бу исм ёнига унинг машҳур стаканни олиб берилган кун тарихи ўйиб ёзилган. Бу кашфиётимни билдирмадим: мен уни сирларини айттирмақ истамайман; мен истаيمانки, унинг ўзи мени сирдош этсин,— ана шунда мен лаззат оламан!».

Эргасига Печорин узумзор ҳиёбонида айланиб холдор хотин ҳақида хаёл суриб юрганида, ғор ёнида у хотиннинг ўзи блан учрашиб қолади. Лекин уларнинг қандай муносабатда бўлганлигини англамоқ учун биз бу ўринда повестьнинг ўзидан кўчириб оламиз.

«Вера!» деб юбордим, ихтиёрсиз.

У бир сескандию ранги оқарди.— Мен сизнинг шу ерда эканлигингизни билардим,— деди. Мен унинг ёнига ўтириб, кўлини ушладим. Бу дилкаш овозни эшитаркан, томирларимда кўпдан унутилмиш титроқ югурди; у ўзининг чуқур ва осойишта кўзлари блан менинг кўзларимга тикилди; у кўзларда ишончсизлик ва ўпкага ўхшаш бир нарса ҳукм сурарди.

«Кўришмаганимизга кўп вақтлар бўлди» — дедим.

— Кўп вақт бўлди, бу орада икковимиз ҳам анча ўзгариб кетдик.

«Бундан чиқди, мени ортиқ севмас экансан-да?..»

— Эрга тегдим!.. — деди.

«Янами? Валекин бирнеча йил бурун ҳам шу важ бор эди, лекин унга қарамасдан...»

У қўлини тортиб олди ва юзи нақш олмадек қизарди.

«Балки иккинчи эрингни севарсан?...»

У, жавоб бермасдан, юзини тескари ўгириб олди.

«Е жуда кунчими?».

Сукут.

«Нима қипти? У ёш, чиройли, айниқса бой, қўрқарсан...»  
Унга қараб, қўрқиб кетдим: юзи чуқур бир умидсизлик ифода этар, кўзларида ёш йилтирар эди.

— Айтчи,— деди ниҳоят шипшиб,— мени қийнашдан вақтинг хуш бўладими? Мен сендан нафрат этишим керак эди. Бир-биримизни таниган кунимиздан бери сен менга азобдан бўлак ҳечнима берганинг йўқ... — Овози титради, ўзи менга эгилди ва бошини кўкрагимга қўйди.

«Эҳтимол, сен мени шу сабабдан ҳам севгандирсан, шодлик унутилар, ҳам эса ҳечвақт...» дея хаёл сурдим.

Мен уни қаттиқ қучоқладим ва узоқ вақт бўшатмадим. Ниҳоят, лабларимиз яқинлашди ва иссиқ, лаззатли ўпишлар бирлашди; қўллари муз каби совуқ эди, боши эса ёнади. Шу чоғ орамизда қоғоз юзида ма'но бермайдиган такрорлаш ҳам, ёдда сақлаб қолиш ҳам мумкин бўлмаган суҳбатлардан бири бошланди: бу суҳбатда, итальян операсидаги каби, сўзларнинг ма'носи овозларнинг ма'носини эваз этади ва уни тўлдиради».

Вера Печорин унинг эри блан танишувини сра истамайди; эри Лиговскаяга узоқ қариндош бўлгани учун, Вера уларникига тез-тез кириб туради; шунинг учун Вера ундан княгина блан танишишга ва'да олади.

Печориннинг «Езувлари» унинг таржимаи ҳолидан иборат бўлгани учун, ба'зи жойларини айнан кўчирмасдан туриб, унинг қандай киши эканлигини тўла англатиш мумкин эмас, аммо кўчирганда ҳам повестьнинг кўп қисмини кўчирмасдан бўлмайди. Шу сабабли биз характеристикага доир тафсилотлардан кўписини ташлаб кетиб, фақат воқиянинг равишини кўздан кечириб боришга мажбурмиз.

Бир кун Печорин черкесча кийиниб Пятигорск блан Железноводск ўртасида отлиқ сайр қилиб юради ва

отини суғормоқ учун буталар блан қопланган бир жарликка тушади. Шу пайтда у бир тўда отликлар келаётганини кўриб қолади, қарасаки, Грушницкий княжна Мери блан бирга олдинда келаётир. Грушницкий кулранг солдат шинели устидан бир қилич ва икки тўппонча тақиб олиб жуда кулгили бир қиёфага кирибди. Бундай шоп-шалоп тақиб олишнинг сабаби шуки (дейди Печорин) сув шифосига желган хотинлар черкесларнинг ҳужум қилишига ҳали ҳам ишонадилар.

«Шундай қилиб, бутун умрингизни Кавказда ўтказмоқчимисиз?» — деди княжна.

— Россия менга нима? — дея жавоб берди йигити: — у шундай бир мамлакатки, унда мингларча одам бор, улар менадан бадавлат бўлганлари учун менга нафрат кўзи блан қарашади; ҳолбуки бу ерда бу қалин шинель сиз блан танишишимга мони' бўлмади...

«Аксинча...» — деди княжна қизариб.

Грушницкийнинг юзи мамнуният ифода этди. Кейин сўзида давом қилди:

— Бу ерда менинг ҳаётим шовқин блан сезилмасдан, ёввойилар ўқи остида тезда ўтиб кетади ва агар тангрим ҳар йил менга биттагина ёрқин хотин нигоҳи бағишласа, у нигоҳ баайни...

Шу чоғ улар менга яқин келдилар; отга бир қамчи уриб бута орқасидан чиқдим...

— Mon Dieu un Circassien\* дея бақирди княжна кўрқиб.

Унинг шубҳасини тамомила тарқатмоқ учун, пича эгилиб туриб, французча жавоб бердим: Ne craidez rien, madame,— je ne suis pas plus dangereux que voret Cavaleir\*\*.

Княжна бу жавобдан уялиб қолади. Ўша куни кечқурун Печорин бульварда Грушницкий блан учрашади.

«Қаёқдан?» — Княгиня Лиговскаяникидан. О, Мери хўбам ашула айтар экан-да!..— деди у виқор блан. «Биласанми, нима гап? Гаров ўйнаман: у сенинг юнкер эканлигингни бил-

\* Вой ўлай, черкес!

\*\* Қўрқманг, ойим, ҳамроҳингиздан ҳам кўрқинчли эмасман.

майди; мартабасидан туширилган, деб ўйлайди»— дедим мен унга.

— Эҳтимол! Менинг бу блан нима ишим бор!.. — деди Грушницкий паришон бир ҳолда.

«Йўқ, мен шунчаки деяпман-да...».

— Лекин бугун унинг жуда ёмон жаҳлини чиқарганингни биласанми? У буни мисли кўрилмаган кўрслик деб топди; сенинг ғоят яхши тарбия олган, жамият одатларини жуда яхши билган бир киши бўлганинг учун, уни таҳқир этиш ниятида бўлмаганингга мен уни зўрга ишонтираолдим; у «одамга жуда ҳаёсизлик блан қарайди, эҳтимол ўзига биноти зўр бўлса», дейди.

«У хато қилмапти... Ажабо, сен унинг тарафини олишни истамайсанми?».

— Афсуски, менда ҳали бундай ҳақ йўқ...

О — ҳо! Ҳали бу, умидворга ҳам ўхшайди-ку...— деб ўйладим.

Грушницкий сўзида давом этди:

— Ҳарҳолда ўзингга ёмон, энди улар блан танишишинг қийин, э, аттанг! Мен билган уйларнинг ичида энг яхшиси шу эди...

Мен ичимда кулдим. «Менинг учун энг яхши уй ўз уйим»,— дея эснадим ва кетмоқ учун ўрнимдан турдим.

— Лекин бўйингга олабер: пушаймон бўласан...

«Бўлмаган гап! Агар хоҳласам эртага кечқуруноқ княгинанинг уйида бўламан...»

— Кўрамиз-да...

«Ҳатто сени хурсанд қилиш учун княжнанинг орқасидан ҳам юраман...».

— Майли, башарти у сен блан гаплашишни хоҳласа...

«Мен фақат сенинг суҳбатингдан безор бўлишини кутиб турибман... Хайр...»

— Мен энди дайдийман, энди кўзимга уйқу келмайди... Менга қара, юр ундан кўра ресторанга борамиз, у ерда қимор бўлаяпти... Мен кучли ҳисларга муҳтожман...

«Ютқизишингни тилайман...»

Уйга кетдим.

Ресторанда бўлган балда Печорин бир семиз хотиннинг бидирлаб турганини эшитади. Эшитсаки, княжна

уни туртиб юборган экан, шунинг учун у княжнани талтайиб кетган хотин, деб сўкар ва унинг та'зирини беришни сўраб жоврар экан; шу чоғ семиз хотиннинг кавалери отлиқ аскар капитани «бу қийин гап эмас» дейди. Печорин княжнани вальсга таклиф қилади, княжна жилмайишдан ва ғалаба шодлигини ошкор этиб қўйишдан ўзини зўрға тутиб қолади. У, княжна блан бирнеча қатла айлангандан кейин гуноҳкор кишидай ма'юс бир оҳангда сўз бошлайди. Теваракдаги одамларнинг қаҳқаҳа ва шивир-шивирлари сўзни бўлади; Печорин қайрилиб қарайди: ундан бирнеча қадам нарида бир тўда эркак турган бўлади ва улар ўртасида турган отлиқ аскар капитани қўлларини бири-бирига ишқалайди. Бирданига уларнинг орасидан узун мўйловли ва қипқизил башарали маст бир одам чиқиб, тентираб княжна томонга келади ва қўлларини орқасига қовуштириб, саросимада қолган қизга хира — кулранг кўзларини тикади-да, бўғиқ овоз блан: «Пермете...»\* бе, мулозимат нима даркор! Гапнинг қисқаси: сизни мазуркага таклиф қиламан...» дейди. Княжнанинг онаси яқинида бўлмайди; княжна жуда ёмон бир авҳолга тушиб қолади ва ҳатто юраги орқасига тортиб йиқилиш даражасига етади. Печорин маст жанобнинг олдига бориб, тезроқ даф' бўлишини сўрайди ва княжна мен блан мазуркага тушиш учун аллақачон ва'да бериб қўйган, дейди. Ма'лумки, шу воқиядан кейин Печорин Лиговскаялар блан расмий таниш бўлиб қолади. Мазурка давомида Печорин княжна блан сўзлашиб ўтиради ва унга княжнанинг ҳазиллари ёқимли туюлади; унинг айтишича, княжна қочиримсиз, жонли ва эркин гапиради ва гаплари ба'зан такрор бўлади. Печорин, гоят чигал бир жумла блан уни кўп вақтлардан бери ёқтириб юрганини сездиради.

У, бошини солинтириб, пича қизарди. Сўнгра бахмал кўзларини юзимга тикди ва зўраки кулиб: «Ғалати одамсиз!» деди.

---

\* Рухсат этинг.

— Мен сиз блан танишмоқчи эмасдим,— дея сўзимда давом этдим,— чунки хушторларингиз ғоят кўп, мен уларнинг ичида йўқолиб кетишдан қўрқдим.

«Бекор қўрқибсиз! Уларнинг ҳаммаси юракни сиқадиған одамлар...»

— Ҳаммаси! Наҳотки ҳаммаси бўлса?

У, гўё бир нарсани эсига солмоқчи бўлгандек, менга тикилиб қаради, сўнгра яна қизарди ва ниҳоят қат'ий бир суратда: «Ҳаммаси!» деди.

— Ҳатто менинг дўстим Грушницкий ҳамми?

«Ажабо, у сизнинг дўстингизми?» деди бир қадар шубҳаси борлигини билдириб.

— Ҳа.

«У, албатта, юракни сиқадиған одамлар сирасига кирмайди».

— Лекин бахтсиз одамлар сирасига кирди,— дедим кулиб.

«Албатта! Ҳа, бу сизга қизиқ туюладими? Мен истардимки, унинг ўрнида сиз бўсангиз...»

— Нима бўлипти? Бир вақтлар мен ҳам юнкер бўлганман; ҳақ гапни айтсам: у вақтлар ҳаётимнинг энг гўзал чоғлари эди! У шошиб:

«Ие, у ҳали юнкерми?...» деди ва сўнгра илова қилди: «Мен ўйлабманки...»

— Нима деб ўйлабсиз?..

«Ҳеч!.. У хоним ким?»

Бу гаплар узоқ давом қилиб келган ва Печорин *бекорчиликдан вазвасакорлик* ролини ўйнаган интриганинг муқаддимаси эди; княжна, усталик блан қуриб қўйилган тўрга тушган қушчадек типирчилар, Грушницкий эса аввалгидек кулги-мазах бўлиб юрар эди. Княжнага у ёқимсиз ва хафагазак бўлиб кўринган сари, унинг умидворлиги тобора ошади. Печориннинг Мерига янгича муомаласини сезган Вера безовта бўлиб қайғирабошлайди; лекин Печориннинг бир қочирим қилиши ёки ишораси блан жим бўлиб қолади, унинг та'сирли саловати босади, чунки Печорин ўзининг та'сирли саловати блан уни эзарди. Хўш, Печоринга нима бўлди? Наҳотки у княжнани севиб қолган бўлса-я? Йўқ. Балки у княжнага тилёғламалик қилаётгандир? — Йўқ. Эҳтимол унга уйланар? — Йўқ.



Печориннинг ўзи бу ҳақда мана бундай дейди: «Мен тез-тез ўзимдан сўраб кўяман: ахир на сабабдан ёш бир қизнинг муҳаббатини қозониш учун шу қадар тиришаман, ҳолбуки мен у блан мақтана олмайман ва уни ҳечвақт ўзимга хотин қилиб олмайман. Бу хотин нозлари нега лозим? — Вера мени, княжна Мери қачон бўлсада севаолишидан кўра ортиқроқ севади; у менга енгилмас бир тўзал каби кўринган бўлса, у вақт мен бу ишнинг қийинчиликларига берилиб кетган бўлардим... Ахир на сабабдан мен жон куйдираман? Грушницкийга кўзим куйганиданми? О, бечора! У асло бу ҳасадга сазовор эмас. Еки бу яқин кишимизнинг ширин хаёлларини маҳв этишга бизни мажбур қилган ўша расво, лекин енгилмас ҳис оқибатидир, бизда бу яқин кишимиз, умид косаси синиб, энди нимага ишониши мумкинлигини сўраган кезларида, унга «Дўстим — менинг ҳам бошимга худди шу аҳвол тушган! Лекин ўзинг кўриб турибсанки мен бунга қарамасдан, баҳузур кундузги, кечки овқатларимни канда қилмайман, ширин уйқумдан қолмайман, ва дод-войсиз, кўз ёшларисиз ўлишимга аминман!» деб жавоб бериш блан кичик бир завқ олиш ниятида бун'ёдга желадиган бир ҳис натижасидир.

Сўнгра у сўзида яна давом қилади ва бунда унинг фе'ли-атвори бутунлай намоён бўлади:

«Ахир ёш, ҳали ғунча ҳолида бўлган кўнгилга эга бўлишнинг бепоён завқи бор! У бир гулки, унинг энг яхши ҳидлари қуёшнинг илк нурларига қарши сефилади; у гулни шу минутда узиб олиш ва, тўйиб-тўйиб ҳидлагач, йўл бўйига отиш керак; албатта, уни бирон ўткинчи олади! Мен ҳозир рўпара келган ҳарбир нарсани батамом ҳазм қилиб юборадиган, тўймас бир очкўзлик ҳис этаётиман; ўзгаларнинг мен туфайли ҳис этган азоб ва севинчларига ўз руҳий қувватимнинг озиғи деб қарайман. Ўзим эсам эҳтирос та'сири остида жиннилик қилишга қодир эмасман; менинг шуҳратпарастлигимни муҳит поймол этган бўлсада, ҳозир у бошқа шаклда юзага чиқди: чунки шуҳратпарастлик, ҳокимлик қилишга интилишдан бошқа нарса эмас; менинг энг катта завқим эса ўз теварагимдагиларни эркимга бўйсундиришдан иборатдир; ўзимга нисбатан бошқаларда

муҳаббат, садоқат ва қўрқув ҳисси уйғотиш ҳокимликнинг энг биринчи белгиси ва унинг гоят буюк ғалаба тантанаси эмасми? Ҳечбир ҳақнинг бўлмай туриб бировнинг азоб ва севинчларига сабаб бўлиш — ғуруримизнинг энг ширин озуқаси эмасми? Ажабо, бахт нима деган нарса? — авжига чиққан ғурур. Мен ўзимни дунёда ҳаммадан яхшироқ, қудратлироқ ҳисоб этган бўлсайдим — бахтиёр бўлардим; агар ҳамма мени севган бўлса, мен ўзимда туганмас севги булоғи топган бўлардим. Ёмонликнинг онаси ёмонликдир; илк азоб бошқаларни азоблаш завқини беради; ёмонлик идеяси амалга ошмайдиган бўлса, одам бошига кирмайди. Идеярлар органик маҳлуқ деган экан бир одам: идеяларнинг туғилиши уларга форма берар экан, форма эса — амал эмиш; кимнинг бошида идея кўп туғилган бўлса, у бошқалардан кўпроқ ҳаракат қилади; шунинг учун ҳам амалдорлик столига боғлаб қўйилган гений ё ўлмоғи, ёйинки жинни бўлмоғи керак, бу қабилаки, умрини ўтириш ва ўзини камтар тутиш билан ўтказган барваста бир одам миясига қон уриб ўлади».

Ана шу сабаблар орқасида бечора Мери кўп жабр-жафолар тортади!.. Нақадар мудҳиш киши экан бу Печорин! Чунки унинг безовта руҳи ҳаракат қилишни тақоза этади, фаолияти озиқ излайди; кўнгли турмушдаги қизиқ нарсаларни қумсайди, шунинг учун бечора қиз жафо чекмоғи керак бўлади! Тақводор ахлоқ олимлари: «худбин, ёвуз, қонхўр, ахлоқсиз киши!..» деб бир оғиздан айюҳаннос солурлар. Гапингиз ҳақ, жаноблар, аммо бунча жон куйдиришингизнинг боиси нима? Сизлар нимага жаҳл қиласизлар? Бизнингча, бу ўринга чакки келибсизлар, сизларга атаб ёйилмаган дастурхон ёнига ўтириб чакки қилибсизлар. Сизлар бу одамга яқинлаша кўрманг, бундай ғазабингиз жўш уриб, унга ҳужум қилакўрманг: у сизга бир назар солиб кулиб қўйсам, расвонгиз чиқади ва шу топда сизнинг буришган афтингизни кўрганлар фикрингизда нима борлигини дарров пайқаб оладилар. Сиз унинг ёмон хулқлари учун эмас (бундай ёмон хулқлар сизнинг ўзингизда кўпроқ, баттарроқ ва расвороқдир), балки ўзидаги бу ёмон хулқлар ҳақида юрагини дадил очиб, куйиб-ёниб рўйрост айтган гаплари учун унга ла'нат тоши отаяпсиз. Сиз

киши ўз кўнглига ёққан нарсани қилаберсин дейсиз; нимани хоҳласа шуни қилсин, дейсиз; ўзингиз уни қизиқтириб, беақллиқ, разолат ва фисқ-фасод йўлига соласизу лекин, савдо-сотиқ қилган кишидан бож талаб қилингани сингари, сиз ҳам ундан, одамнинг фикри-зикри ва амали қандай бўлмоғи керак, деб ахлоқ қондасини талаб қиласиз, ҳолбуки, ҳақиқатда эса, бу одамда на бундай фикр бор ва на бундай амал... Шунинг учун ҳам, бирон кишида ҳақиқатни очиқ айтиш, дадил туриб ҳарбир нарсани ўз номи блан аташ, одамларга ўзини чиройли либосга безаб, ҳарбийча ясаниб эмас, балки хонаки кийимда кўрса-тиш, айрим хонада, хилватда ўз-ўзи блан суҳбат қилиш, уйда ўз виждони блан талашини каби олий-жаноб одат бўлса, сиз бундай кишини диндан озган деб дарров оловга ташлаттирасиз... Сиз ҳақлисиз, албатта: сиз уйда киядиган ислиқи кўйлагингизни, яғири чиққан қалпоғингизни ва жулдур чопонингизни кийиб чиқиб бир мартагина одамларнинг кўзига кўрининг-чи, шу ондаёқ одамлар сиздан жирканиб юз ўгирадилар ва жамият сизни дарҳол ҳайдади. Лекин юқорида зикр қилинган кишининг ҳечнарсадан кўрқадиган жойи йўқ: бу одамда яширин бир онг борки, у ўзи ҳақида хаёл қилиб юргандек бир нарса эмасдир, фақат ҳозирги дақиқадагина унда шундай бир ҳолат бордир. Дарҳақиқат, бу одамда бўлган руҳ кучи ва ирода қудрати сизда йўқдир; ундаги нуқсонларнинг ўзида ҳам, қора булут ичида чақнаган чақмоқдек, зўр бир нарса ялтираб туради; одамзод ҳиссиёти унга қарши ис'ён кўтарган пайтларда ҳам, у ўз нафосатини ва жозибасини сра йўқотмайди... Унинг йўли сизникига сра ўхшамайди. Унинг эҳтирослари руҳ муҳитини тозаловчи бўрондир; унинг янглиш йўлга кириб кетганликлари нақадар мудҳиш хато бўлса ҳам, лекин бу хато ёш жисмда пайдо бўлган қаттиқ бир касал-дирки, бу касал у жисмни маҳкамлаб, соғлом ва узоқ умр кўрадиган қилади. Бу касал сиз бояқишлар доимо мубтало бўлиб юрадиган бод, ревматизм ва бовосил касали эмас, балки безгак ва иситма касалидир... Майли, у кибр ва ғурурга кўмилган бахтни

олий даражага кўтариб, ақл-идрокнинг абадий қонунларига туҳмат қилаберсин; майли, у одамзод табиятини худбинликдан иборат билиб, унга туҳмат қилаберсин; майли, у ўз руҳидаги ба'зи ҳолатларни руҳнинг тўла камолати деб билиб ва ёшлик чоғини балоғатга етган чоғи блан аралаштириб, ўз-ўзига туҳмат қилаберсин,— майли!.. Шундай бир тантана дақиқаси келадики, зиддият ҳал қилинади, кураш битади, юракдан турли оҳангда чиққан товушлар жўр бўлишиб бир оҳангга қўшилиб кетади!.. Ҳатто у ҳозир ҳам бирдан сўзга киришиб кетиб, ўзига зид гапларни айтади ва аввалги ҳамма гапларни қуйидаги бир саҳифа сўзлар блан йўққа чиқариб юборади: ҳақиқатни сезиш қобилияти унда шу қадар ҳам кучли бўладими! Чамаси ахлоқ олимларини бу қадар ғазабга келтирган ҳалиги гаплардан кейин шу ондаёқ у мана бу сўзларни айтади. Қулоқ солинг:

Эҳтирослар энди ривожланабошлаган идеялардан бўлак нарса эмас: улар қалбнинг ёшлик чоғларига онд нарсалар; бутун умрини шулар та'сири остида ҳаяжон блан ўтказишни ўйлаганлар эса, аҳмоқ кишилардир: кўп жим оқар дар'ёлар шовқинли шалолалардан бошлансалар-да, лекин уларнинг ҳечбири денгизга қадар шовиллаб, кўпикланиб бормайди. *Лекин бу жимлик, кўп вақт гарчи яширин бўлса ҳам, буюк куч аломатидир; ҳислар ва фикрларнинг тўлалиги ва чуқурлиги девонавор жўшқинликка йўл қўймайди: қалб азоблана ва завқланатуриб, буларнинг ҳаммасида ўзига қат'ий ҳисоб беради ва шундай бўлиши керак-лигига ишонади; у биладики, агар ёғин бўлмаса, қуёшнинг мутасил жазирамаси уни қуритади; у ўз ҳаётининг қайғисини ейди, ўзини арзанда бола каби эркалайди ҳам, жазолайди ҳам. Инсон мана шундай ўзини-ўзи юксак даражада англаш ҳолатидагина тангри адолатининг қадрига етаолади.*

Лекин (биз ўзимиздан илова қилиб айтамикки) инсон ҳали бундай юксак ҳолатга, я'ни ўзининг нималигини англаш даражасига етмаган экан,— башарти унга шундай даражагача етиш насиб қилган бўлса,— у бошқалардан жафо кўриб ва бошқаларга жафо қилиб юраберади; гоҳ ис'ён қилиб пастга йиқилади, гоҳ пастга йиқилиб ис'ён қилади: нотўғри йўлдан нотўғри

йўлга ўтиб туради ва ҳақиқатдан-ҳақиқатга етиб туради. Бу чекинишларнинг ҳаммаси онг соҳасидаги зарур маневрлардир: манзилга етмоқ учун катта бир доирани айланиб ўтишга, бурилиб, қайрилиб узоқ йўл босишга, йўлдан орқага қайтишга тўғри келади. Ҳақиқат олами муқаддас бир ер бўлиб, унга Арабистон саҳросидан ўтиб борилади. Хўш, ўзингиз айтингчи, бундай эҳтирос ва хатолардан нега бошқалар ҳалок бўлмоғи керак? Ажабо, бизнинг ўзимиз ҳам баъзан ўз эҳтиросимиз ва хатоларимиздан ҳам, бошқаларнинг эҳтироси ва хатоларидан ҳам ҳалок бўлиб турмаймизми, ахир? Қимки синов кўрасидан олтин каби тоза ва ярқираб чиқса, демак, унинг зоти асл маъдандир; кимки кўрада куйиб ёки қорайиб кетган бўлса, унинг асли ёғоч ёки темирдир. Агарда кўпгина асл зотлар тасодифий ҳоллар қурбони бўлиб ҳалок бўлар эканлар, бу масалани дин ҳал қилиб беради. Биз учун шу нарса аён ва ҳақиқатки, бўрон бўлмаса ҳосил ҳам бўлмайди, ва табиат фар'ёдга келади; эҳтирослар ва зиддиятлар бўлмаса, ҳаёт ҳам, поэзия ҳам бўлмайди. Бу эҳтирос ва зиддиятлар фақат ақлга мувофиқ ва инсонликка хос бўлсин ва уларнинг натижалари инсонни мақсадига етказсин; аммо ҳукм қилиш бизнинг ишимиз эмас: ҳарбир кишининг ишларига ва тафтиш натижаларига қараб ҳукм қилинади! Биз сан'атдан воқе'ликнинг ўзини айнан кўрсатиб беришни талаб қилмоғимиз лозим, чунки бу воқе'лик қандай тарзда бўлмасин, бизга ҳарқандай хаёлий уйдирмаларга ва ахлоқ олимларининг панду насиҳатларига қараганда кўпроқ ибрат ва та'лим беради.

Лекин сафсатабоз кишилар айтишлари мумкинки, табиат ва муҳаббатдан лаҳза-лаҳза олинадиган завқларни тасвирлаб кўрсатиш йўли блан хаёл ва тасаввурни асир қилиш ўрнига кишининг руҳини койитгучи эҳтирослар манзарасини тасвирлаб беришнинг нима кераги бор?— Бу эски ашула-ку, жаноблар; эски ашула бўлганда ҳам «ариқчага чиқсайдим, оқишини кўрсайдим» деган қабилдаги эски ашуладир!.. Ун саккизинчи аср адабиёти асос э'тиборила *ахлоқдан бахс қилучи ва муҳокама юргизучи* адабиёт бўлиб, унда

Contes moraux ba contes philosophiques\* дан бошқа повестьлар йўқ эди, броқ бу ахлоқий ва фалсафий китоблар ҳечкимнинг ахлоқини тузатмади; бинобарин, бугун бир аср ҳарҳолда асосан *ахлоқсизлик ва фисқу фасод* асри бўлди. Бундай зиддиятнинг сабаби маълум, албатта. Ахлоқ қонунлари инсоннинг табиатида, унинг ҳиссиётидадир, шунинг учун бу қонунлар унинг ишларига зид келмайди, ҳис қиладиган ва ўз ҳиссига мувофиқ иш қиладиган киши эса, камсухан бўлади. Ақл ахлоқ қонунларини ёзиб бермайди ва ўзидан ўйлаб чиқармайди, балки бу қонунларни фақат *англайди*, уларни, *мавжуд воқиалар* ва *фактлар* сифатида туйғу орқали идрок қилади. Бинобарин, *туйғу* блан *ақл* бир-бирига зид ва душман бўлмай, балки бир-бирига яқин нарсалардир, ёки, тузукроқ та'бир блан айтганда, инсон руҳининг бир-хил элементларидир. Аммо табиат кишига ахлоқ туйғуси бермаган бўлса, ёки ёмон тарбия, бузуқ турмуш орқасида бу туйғу бузилган бўлса, у ҳолда у кишининг хаёли ўзининг ахлоқ қонунларини ўйлаб чиқаради. Биз *ақл* эмас, балки *хаёл* ўйлаб чиқаради деймиз, чунки ақл — ўзини англовчи туйғудан иборат бўлиб, бу туйғу фикр юргизмоқ учун нарсани ва мазмунни ўзида акс эттириб, ақлга беради; ҳақиқий мазмундан маҳрум бўлган хаёл эса, зарурат орқасида ўзича қондалар яратишга мажбур бўлади. *Ахлоқ* ана шундай пайдо бўлади ва ўтакетган ахлоқ олимларининг сўзлари блан ишлари орасидаги зиддият ҳам ана шу сабабдан келиб чиқади. Ахлоқ олимлари учун воқи'ликнинг бир чақалик аҳмияти йўқдир; улар ҳақиқатда бор бўлган нарсага сра э'тибор бермайдилар ва бор нарсанинг заруриятини пайқамайдилар; улар фақат фалон нарса фалон тарзда бўлмоғи керак, деб жон куйдириб юрадилар, холос. Бу сохта фалсафий асосдан XVIII асрдан хийла илгари пайдо бўлган сохта сан'ат вужудга келган эди, бу сан'ат қандайдир ҳақиқатда бўлмаган бир воқи'ликни тасвирлаб берар, қандайдир ҳақиқатда бўлмаган одамларни яратар эди.

---

\* Ахлоққа доир повестьлар ва фалсафага доир повестьлар.

Дарҳақиқат, Корнель ва Расиннинг трагедиялари осмонда эмас, ерда воқи' бўладими? Ажабо, бу трагедияларда иштирок қилучи шахслар қўғирчоқлар эмас, балки одамларми? Уларда кўрсатилган *шоҳлар, қаҳрамонлар, маҳрамлар, чопарлар* бирон асрда ёки бирон мамлакатда бўлганми? Дун'ё яратилгандан бери бирон киши уларнинг тилига ўхшаш тилда сўзлаганмикин? Ун саккизинчи аср бу хаёлий сан'атни энг учига чиққан бема'нилик даражасига етказди: бу асрда бутун жаҳду жадал сан'атни воқи'ликка терс қилиб қўйишдан иборат бўлди ва воқи'лик *хаёлга* айлантирилди; бу хаёл ҳозирги замонда ҳам ба'зи соддадил чолларни ўз жозибасига тортиб, улардан афсонавий қаҳрамонлар яратмоқда; у замонларда ясама либос ва ясама ҳоллар блан безатилган *Хлой, Филлид, Дорислар* ҳамда гулдор кафтанлар кийган *Меналк, Дамет, Титир, Микон, Миртилис ва Мелибейлар* ша'нига мадҳиялар ёзсак, шоир бўламиз деб хаёл қилар эдилар; улар похол солинган кулба ичидаги осойишта турмушни, ёруғ ариқча бўйида азиз дугонаси бўлмиш ма'сума чўпон қиз блан ўтирган *Ладонани* мақтаб ёзганлари ҳолда, ўзлари тиллакорли қасрларда яшардилар, кўркам хиёбонларда тамоша қилардилар; битта чўпон қиз ўрнига уларнинг мингларча қўнғир соч *жононлари* бор эди, бу *жононлардан* лаззат олмоқ учун улар *ҳечнарсадан* қайтмас эдилар.

Бизнинг асримиз бундай мунофиқликдан ҳазар қилади. Бу аср ўз гуноҳларини рўйрост айтади, аммо бу гуноҳларига мағрур бўлмайди, у ўз жароҳатларини, гўё билмаган бўлиб, жулдур ва қашшоқлик кийимлари ичига яширмасдан, барала очиб кўрсатмоқда. У гуноҳи борлигига иқрор бўлиш — нажот сари ташланган биринчи қадам эканини тушунади. У, сохта хурсандликдан ҳақиқий жабру жафо яхшироқ эканини билади. Ахлоқ фақат ҳақиқатда бўлса ва ҳақиқат эса чинакам мавжуд бўлса, я'ни айнан ҳақиқатнинг ўзи бўлса, бундай ахлоқ унга фойдалидир. Шу сабабли бизнинг асримиздаги сан'ат ҳам ҳақиқий воқи'ликни тасвирлаб беришдир. Сан'атимизнинг вазифаси — повестьда, романда ёки драмада воқиаларни *илгари-*

дан ўйлаб қўйилган мақсадга мослаштириб кўрсатишдан иборат бўлмай, балки бу воқналарни ҳақиқий зарурат қонунларига мослаштириб кенгайтиришдан иборат. Бундай қилинганда, ше'рий асарнинг мазмуни қандай бўлишидан қат'и назар, унинг таассуроти ўқучининг кўнглига ёқимли бўлади ва, бинобарин, ахлоқий томондан кузатилган мақсадга ҳам ўз-ўзидан эришилади. Бизга ёмонни қораламасдан, беаба тантана блан кўрсатиш ахлоққа тўғри келмайди, дейдилар; бу сўзга бизнинг э'тирозимиз йўқ. Лекин ҳақиқатда эса ёмон фақат *сиртқи* кўринишидагина тантана қилади: у ўз ичида жазосини тортиб юрадию, лекин мағрурона кулиш блан ичидаги азобини босади. Янги сан'ат ҳам худди шундай: у ҳарбир одамнинг қилган ишларига қараб ҳукм қилинади деб кўрсатади; бу сан'ат, ўзида ахлоқий руҳнинг оҳангида ҳосил бўладиган носозликка заруран йўл қўйиб беради; лекин у, носозликдан қайтадан оҳангдошлик ҳосил бўлишини кўрсатиш учун шундай қилади (бу оҳангдошлик ё овози ажралиб турган торнинг созини тўғрилаш йўли блан ёки овози ўзича бошқа мақомда бўлгани учун уни узиб ташлаш йўли блан ҳосил бўлади). Бу нарса ҳаётнинг, демак, сан'атнинг ҳам оламшумул қонунидир. Мана тагин бошқа бир масалани олайлик. Бордию шоир ўз асарида, одамлар яхшилик блан ёмонликдан бирхил натижа топадилар, деб исбот қилмоқчи бўлса, бу асар ахлоққа тўғри келмай қолади, лекин у ҳолда, бу асар сан'ат асари ҳам бўлаолмайди; ўхшатмасдан учратмас, дегандек, бу асар ҳам ахлоқ ва панду насиҳатга доир асарлар блан бирликда ма'лум мақсад блан ёзилган ғайри ше'рий асарларнинг умумий сирасига киради. Бундан кейин биз ҳозир текшираётган асаримизни мисолга олиб, бу асар ахлоқдан, насиҳат қилучи асарлар қаторига ҳам ва ғайри ше'рий асарлар қаторига ҳам кирмаслигини, аммо асос э'тибори блан чуқур ахлоққа оид бир асар эканини исбот қиламиз. Хўп, энди шу асарнинг ўзига қайтайлик.

Грушницкий келиб, бўйнимдан кучоқлади,— у офицерлик мартабасига кўтарилипти. Шампанский ичдик. Унинг кетидан доктор Вернер ҳам кириб келди.



— Мен сизни табрик этмайман,— деди у Грушницкийга.

«Нима учун?»

— Шунинг учунки, сизга солдат шинели жуда ярашади; бу ерда тикилган пиёда аскар мундири сизга ҳечқандай ҳусн бермайди, бунга иқрор бўлинг... Мана кўринг, шу вақтга қадар сиз ҳаммадан ажралиб турар эдингиз, энди эса кўпларнинг биттаси бўласиз.

— Гапиринг, гапиринг, доктор! Лекин менинг севинчимга тўғоноқ бўлаолмайсиз. «Бу эполетлар менда қанчалар умид туғдирганини у билмайди...» дея илова қилди Грушницкий қулоғимга пичиралаб... «О, бу эполетлар, эполетлар! Сизнинг юлдузчаларингиз, йўл кўрсатучи юлдузчаларингиз... йўқ! Мен энди тамомила бахтиёрман»

Ма'шуқнинг ён бағрида, Пятигорскдан бир чақиримлик масофада бир жар бор. Бир кун шу ерга чиқиб сайр қилиш ва очиқ ҳавода ўйин-кулги қилишга қарор берилган эди. Печорин Грушницкийдан, жарга борасанми? деб сўрайди. У эса то мундирим тайёр бўлмагунча сра княжнанинг кўзига кўринмайман, дейди ва Печориндан, мени офицерликка ўтказилганимни зинҳор унга айтма, деб илтимос қилади.

— Қани айтчи, у блан алоқанг қалай?

У, ҳижолат тортиб ўйга толди: мақтамоқ, ёлғон сўзламоқ истарди, лекин уялди, шу блан бирга ҳақиқатни э'тироф этишга юзи чидамади.

— Қандай дейсан: у сени севадими?..

«Севадими? Оббо Печориней... Мияннга хўп ғалати фикрлар келадида!.. Шу қадар тез севиб бўладими?.. Агар у севганда ҳам шарм-хаёли хотин ҳечвақт айтмайди...»

— Яхши! Бундан чиқди, сенинг фикрингча, шарм-хаёли киши ўз эҳтироси ҳақида оғиз очмаслиги керак экан-да?..

«Э, оғайни! Ҳар нарсанинг ўз ҳавоси бор; кўп нарсалар гапирилмайди, пайқалади».

— Бу тўғри... Лекин биз кўзларда ўқиганимиз муҳаббат хотин кишининг зиммасига ҳечнимани юклайолмайди, ҳолбуки сўз... Ҳазир бўл, Грушницкий, у сени алдаётир.

«Уми?..— деди кўзларини кўкка тикиб ва ўзидан мамнун ҳолда кулумсираб. — Менинг сенга раҳмим келади Печорин!»

Кечқурун жуда кўп киши жарга қараб жўнашади. Печорин тоққа чиқатуриб қўлини княжнага узатади ва княжна сайр охиригача унинг қўлини бўшатмайди. Уларнинг суҳбатлари ғийбатдан бошланади. Печориннинг зардаси қайнайди. Ҳазил-мутойиба блан бошланган сўзини у астойдил ғазаб блан битиради. Бу, аввал княжнага хуш ёқади, сўнгра эса унинг кўнглига ваҳима солади. Княжна унга, мен сизнинг тилингизга дуч келгандан кўра, қотилнинг пичоғига дуч келишни афзалроқ кўраман, дейди. Печорин бир дақиқа ўйга толгач, сўнгра ғоят та'сирли бир қиёфага кириб, болалик чоғимдан бери шўр пешонаман, деб ўз тақдиридан нолиб кетади:

Ҳамма менинг юзимдан ёмон хусусиятлар аломати топарди, ҳолбуки бундай хусусият менда асло бўлмаган; шундай хусусиятлар борлигини тахмин этдилар — менда улар пайдо бўлди. Мен содда бир одам эдим, мени муғомбирликда айбладилар; писмиқ бўлдим. Мен яхшини ҳам, ёмонни ҳам чуқур ҳис этардим; ҳечким мени эркаламас, ҳамма таҳқир этарди: зиқна бўлдим; менинг қош-қовоқларим тушиб юрар, бошқа болалар эса хурсанд ва сергап эдилар: мен ўзимни улардан баланд ҳис этардим, улар эса мени паст тутардилар. Натижада бахил бўлиб қолдим. Мен бутун дун'ёни севишга тайёр эдим, ҳечким мени англамади; оқибат ёмон кўришни ўргандим. Менинг туссиз ёшлик чоғларим ўзимга ва юқори табақага қарши кураш блан ўтди; энг асл туйғуларимни, истеҳзолардан қўрқиб, қалбимнинг чуқурларига кўмдим; улар ўшанда ўлдилар. Мен тўғри гапирдим, лекин ишонмасдилар; оқибат алдайдиган бўлдим; юқори табақани ва жамият сирларини ўрганганимдан сўнг ҳаёт илмида маҳорат қозондим ва эришмоқ ниятига сра толмай уриниб келаётганим манфаатлардан бошқаларнинг текин фойдаланиб қолаётганларини ва ҳечқандай ҳунарсиз бахтиёр эканликларини кўрдим. Ана шундан кейин кўксимда бир умидсизлик туғилди, лекин тўппонча ўқи блан даволанадиган умидсизлик эмас, совуқ, кучсиз бир умидсизлик, меҳрибонлик ва мулоғим табассум блан пардаланган бир умидсизлик. Мен ма'навий жиҳатдан ногирон бўлдим, кўнглимнинг ярмини йўқотдим; у қуриди, бугланди, ўлди; мен уни кесиб ташладим, ана шу вақт қолган қисми тебранди ва ҳарким

хизмати учун жонланди, лекин буни ҳечким сезмади, чунки унинг ҳалок бўлган иккинчи ярмидан ҳечким хабардор эмасди, лекин сиз уни мана ҳозир эсимга туширдигиз, мен унинг лавҳаларида ёзилган нарсаларни сизга ўқиб бердим. Кўп кишилар учун умуман мазор лавҳалари жуда кулгили кўринади, менга эса, айниқса улар остида дафн этилганлар хотиримга тушаркан, сра кулгили кўринмайди. Ва лекин менинг фикримга шерик бўлинг демайман: агар менинг қилиғим сизга кулгили кўринса, марҳамат, кулаберинг; сизни огоҳлантириб қўяй: бу нарса мени заррача ҳам хафа қилмайди.

Печорин бу гапларни чин кўнглидан айтдими ёки муғомбирлик қилдими?— аниқ бирнима дейиш қийин: афтидан, бунда чин кўнгилик ҳам, муғомбирлик ҳам бор эди. Теварак-атрофидаги нарсалар блан ҳамда ўз-ўзи блан курашиб юручи кишилар ҳамиша нолибзорланиб юрадилар, ҳамиша аламзада ва серзарда бўладилар. Аламзадалик улар турмушининг доимий формаси бўлиб, уларнинг кўзларига кўринган нарсаларнинг ҳаммаси бу форма учун уларга мазмун бўлади. Улар ҳақиқатан чеккан азобларини яхши хотирлашлари у ёқда турсин, бунинг устига яна ҳақиқатда бўлмаган нарсаларни доимо ўйлаб чиқараберадилар. Уларга тасалли бермоқчи бўлсангиз, жаҳллари чиқади; уларнинг аламларининг сабабларини чинакам равшан қилиб кўрсатсангиз, хафа бўладилар. Ўз-ўзларини койишга далда берсангиз, турмушда асло бўлмаган ранж-аламларни топиб уларга тўнкасангиз, уларнинг характерида асло бўлмаган нуқсон ва айбларни топиб кўрсатсангиз, уларни мақтаган бўласиз ва уларнинг кўзларига яхши кўринасиз. Агар сиз эрк ва иродаси етарлича маҳкам бўлмаган кишига дуч келиб қолсангиз, эҳтиёт бўлинг: ёки сиз унинг иззат-нафсига тегиб, унинг ўзингизга қарши нафратини қўзғотасиз, ёнки унинг ўзига ишончини бутунлай йўқотиб, умидсизликка солиб қўясиз,— у вақтда ўзингиз хуноб бўлиб ва тинкангиз қуриб, унга тасалли беручи бўласиз ва ундан фақат бир хил шиква-шикоятларни эшитиб ўтираберасиз. Агарда бу учратган кишингизнинг эрк ва иродаси кучли бўлса, у вақтда сиз қўрқмасдан уни

ва турмушни дадилроқ ёмонлай беринг: бу ҳийла блан унинг қалтис жойи очилиб қолади: «Мен ёмону, лекин ҳамма ҳам шунақа-ку» деб ўйлайди. Сизга маълумки, элга қараб ўзингга тўн бич, деган мақол бор, шунга кўра, сиз ўзингизни нечоғлик ёмон деб ўйласангиз-да, агар одамларнинг энг яхшиси ҳам сиздан яхшироқ бўлмаса, сизнинг иззат-нафсингизга заррача зарар етмайди. Шунинг учун ҳам бундай кишилар ўз-ўзларини тинимсиз айблаб юраберадилар: ўз-ўзини айблаш уларда бир одат ҳукмига кириб қолади. Улар бошқаларни алдайман деб аввал ўзларини алдайдилар. Уларнинг шиква-шикоятларининг сабаби ҳақми ёки ноҳақми — улар учун барибир; бинобарин, уларнинг ачиқ қайғи-ҳасратлари ҳам чин юракдан айтилган ва айёрликдан холи бўлган ҳасратлардир. Буниску ҳали уён турсин, улар кўра-била туриб ёлғон гап-рабошлайдилар-у, ёки ҳазил тариқасида сўз бошлайдилар-у, сўнгра бу сўзларини чинга айлантириб давом этдирадидлар ва самимий суратда тамом қиладилар. Улар қайси вақтда нотўғри ва қайси вақтда тўғри гапиришларини, ўз сўзлари қайси вақтда юракдан отилиб чиққан ҳасрат бўлишини ва қайси вақтда қуруқ гап бўлишини ўзлари ҳам билмайдилар. Бу ҳол уларда ҳам руҳий хасталик, ҳам одат, ҳам бефаросатлик ва ҳам ғамзаю-усул блан биргаликда содир бўлади. Печориннинг ҳамма кирдикорларида сиз унинг иззат-нафси ғазабланиб келганини кўрасиз. Унда умидсизлик нимадан пайдо бўлди? Кўрдингизки, у юқори табақани ва жамият сирларини яхши билиб олган, ҳаёт илмида маҳорат қозонган ва у эришмоқ ниятида сра толмай уриниб келган манфаатлардан бошқалар текин фойдаланиб келаётганликларини ва ҳечқандай ҳўнарсиз бахтиёр эканликларини кўрган. Сиз, иззат-нафси қандай бачкана экан, деб хитоб қиласиз. Лекин сабр қилинг, дарров ҳукм чиқариб қўйманг: у ўз-ўзига туҳмат қиляпти; сўзимга ишонингки, у ҳаваси келиб, эришмоқ ниятида уриниб юрган ҳалиги бошқалардаги бахтиёрликни текинга берса ҳам олмас эди. Броқ княжнага бундан ҳечқандай фойда йўқ: бу гапларнинг ҳаммасини у ҳақиқат деб билди. Печорин

икки хил одамман, деб хато айтмади: биттаси *беҳудадан-беҳудага* бу қадар зору нола қилиб турганида, иккинчиси уни ҳам, княжнани ҳам кузатиб турган эди ва княжнада мана бу ҳолатни пайқаган эди:

Шу дам княжнанинг кўзларига боқдим: ёш оқмоқда; менинг қўлимга суялган қўли титрамоқда, бетлари ёнмоқда: менга раҳми келган эди! Хотинлар шу қадар осон таслим бўладиган тасаввур ҳисси ўз тирноқларини унинг тажрибасиз қалбига ботирган эди. Бутун сайр давомида паришон бўлиб юрди, ҳечкимга ғамза ҳам қилмади, бу эса буюк бир аломат!..

Бояқиш Мери! Иблис уни доимо бир зайлда, аниқ мўлжал блан ҳалокат йўлидан тўппа-тўғри олиб бормоқда. Жарга боргач, бошқа хонимлар ўз кавалерларини қолдирадилар, аммо Мери Печориннинг қўлини сра бўшатмайди; у ердаги гушналарнинг кесатиқлари ҳам уни кулдираолмайди; ёқасида тургани жарнинг чуқурлиги ҳам уни қўрқитаолмайди, ҳолбуки бошқа қизлар қичқириб, кўзларини бекитиб олган эдилар. Қайтишда у ғамгин ва паришон ҳол эди. Печорин ундан: «Ҳечкимни севганмисиз?» деб сўрайди. Мери унга тикилиб қарайди-да, бош чайқаб яна ўйга толади... Афтидан, у нимадир демоқчи бўлади-ю, лекин нимадан бошлашини билмайди. Хайрлашаётган чоқда «княжна зўраки бир табассум блан: «Мен бугун ўзимни жуда меҳрибон тутдим? — а, шундай эмасми?» дейди. Печорин унинг ўрнига, ўз-ўзига жавоб бериб дейди: «Княжна ўзидан рози эмас, у ўзини совуқликда айблайди... О, бу биринчи, асосий ғалаба! Эртага у мени мукофотлаш орзусига тушади. Мен буларнинг ҳаммасини ёд биламан—ана шуниси юракни сиқади!»— Бечора Мери!

Бу орада Вера рашк азобидан қийналади ва рашки блан Печоринни ҳам қийнайди. Вера ундан Қисловдскка бориш ва у ердан бир уй ижарага олиш тўғрисида сўз олади. Ваъда шундай бўладики, ундаги бир уйнинг юқори қаватида Вера блан эри туради, пастки қаватида яна бир ҳафтадан кейин княгиня Лиговская келиб туради; Печорин эса худди шу уй ёнидаги уйни ижарага олади. Уша кунни кечқурунни

Печорин княжнанинг уйида ўтказди, хурсандчилик қилади ва бийрон сўзлари блан княжнанинг ақлини олади. Бу ҳолни Вера кўриб куюнади. Уни юпатмоқ учун Печорин у блан бўлган ўзаро муҳаббатининг тарихини ясама исмлар блан сўзлаб беради. «Мен,— дейди у,— ўз ҳалимлигимни, ташвишларимни, шодликларимни ғоят жонли бир суратда тасвир этдим; унинг ҳаракатини, характерини шундай ойдин та'риф этдимки, у менинг княжна блан тегишиб ўтирганимни ихтиёрсиз равишда афв этадиган бир даражага келиб қолди».

Эртасига ресторанда бал бўлади. Балдан ярим соат илгари янги ҳарбий мундирини кийиб очилиб кетган Грушницкий Печорин олдига келади. У Печоринга қарамасдан, лоқайд бир тарзда: «Сен шу кунлари *менинг* княжнамга жуда осилиб юрган эмишсан» — дейди. Печорин унга: «Биз аҳмоқларга чой насиб қилиптими!» — деб жавоб қайтаради. Сўнгра Грушницкий Печориндан атир сўрайди; Печорин, атирни нима қиласан, шусиз ҳам сендан атирмой бурқиб турибди, дейди, шунга қарамай у ярим шишача атирни ёқасига, рўмолчасига ва енгларига қуйиб олади ва сўнгра княжна блан мазуркага тушишдан кўрқиб турганини, чунки, битта ҳам фигурани билмаслигини айтади. Печориннинг: «Сен уни мазуркага таклиф қилдингми?» деган саволига, йўқ ҳали, дейди ва уни дарвоза олдида кутиб туриш учун югурганича чиқиб кетади. Ма'лумки, бечора Грушницкий балда Печорин туфайли, жуда кулги бўлади. Грушницкийнинг ғалати қилиқлар блан жон куйдириб айтган гапларини княжна жуда паришон хотирлик блан тинглайди ва уни мазах қилиб жавоб қайтаради. «Йўқ,— дейди Грушницкий,— мен шу ла'нати солдат шинелида абадий қолсам яхшироқ бўлар экан, у сизнинг диққати э'тиборингиз туфайли мени миннатдор қилиши ҳам ажаб эмасди...» — Тўғридан ҳам, шинель сизга кўпроқ ярашади,— дейди княжна ва яқинига келган. Печоринни кўриб қолиб, бу ҳақда унинг фикрини сўрайди. «Мен сизнинг фикрингизга қўшилаолмайман» — деб жавоб беради, Печорин,— Мундирда у яна ҳам ёшроқ кўри-

нади». Болалик ёшига нисбат бериб айтилган бу қаттиқ гап Грушницкийни тутоқтириб юборади, чунки у ёш бола сингари, одамлар менинг юзимда чуқур эҳтирос аломатларини кўрсинлар, деб ўйларди. У жаҳлидан, ер тепиниб, нарига кетади. Шундан кейин у кеча бўйи княжнани тақиб қилиб юради. Ё у блан ўйинга тушар ва ёvis—а—vis\* уф торгар, княжнани кўзлари блан еяр, ёлворар ва та'налар блан безорижон қиларди. Учинчи кадрилидан кейин княжнанинг уни кўришга тоқати қолмайди.

У ёнимга келди ва қўлимдан ушлаб:

«Мен сендан буни кутмаган эдим»—деди.

— Нимани?

«Сен у блан мазуркага тушар экансан, а?—деб сўради тантанали бир тарзда.—Унинг ўзи айтди...»

— Ҳай, айтса нима? Бу яширин сирми?

«Албатта... Мен бу қиздан... бу ғамзали қиздан шуни кутишим керак эди... Мен ундан ўч оламан!»

— Ўз шинелинг ё эплетларингдан хафа бўл, уни нимага айблайсан? Энди унга ёқмай қолган бўлсанг, унда нима гуноҳ?

«Бўлмаса нимага умидвор қилади?»

— Нимага ўзинг умидвор бўлдинг?

Печорин мақсадига эришади: Грушницкий унга зарда қилиб нарига кетади, Печорин бунга хурсанд бўлади ва завқ қилади; лекин соддадил, бефаҳм ёш кишини фиғонга келтириш ва бунинг учун атайин ўйлаб иш кўриш, атайин режа тузиб ҳаракат қилишдан келадиган хурсандликда нима маза бор? Нима бу: майнавозликми ёки пасткашликми? Балга бораётганида унинг ўзи бу тўғрида мана нималарни ўйлаб борган эди:

Мен секин-секин юриб бордим; юрагимда оғир қайғи... Наҳотки менинг дунёдаги бирдан-бир вазифам ўзгаларнинг умидини поймол этишдангина иборат бўлса?—деб ўйлар эдим. Мен туғилгандан ва фаолият бошлангандан буён толи' нима учундир, ўзгаларнинг савдосига хотима беришни менга юклади,

---

\* Рўпарасига келиб.

гўё менсиз ҳечким ўлаолмайдиган ва умидсизликка мубтало бўлаолмайдигандек! Мен бу ўйиннинг бешинчи пардаси учун энг зарур сиймоман: мен ихтиёрсиз энг разил жаллод ва ё хоин ролини ўйнаб келаман. Мени шу аҳволга солишдан толи'нинг мақсади нима?.. Йўқса у мешчан фожиалари ва онла романлари ёзиш ёинки, масалан, «Ўқиш китоблари кутубхонаси» журналига ҳикоялар бериб туручи ходим вазифасиними юклаган?.. Қайдан билай?.. Яшайбошлар экан, ҳаётларини Искандар Зулқарнайн ва ё лорд Байрон каби тугатиш орзусида бўлган, ҳақиқатда эса умрлари паст бир мартаба блан ўтиб кетган одамлар озми?..

Повестънинг бу ўрнини биз атайин кўчириб кўрсатдик, чунки бу Печориннинг икки ёқламалигини жуда яққол кўрсатадиган ўринлардан биридир. Дарҳақиқат, Печорин икки хил одам бўлиб, бири ҳаракат қилса, иккинчиси унинг ишларини кўздан кечиради, бу ишларга баҳо беради ёки, тўғрироқ та'бир блан айтганда, уларни қоралайди, чунки бу ишлар ҳақиқатан ҳам фақат қоралашга муносибдир. Печориннинг бундай иккиёқламалиги, ўз-ўзи блан бу хилда тортишиб-низо'лашиб юришининг таги жуда чуқур бўлиб, худди бир кишининг ўзидаги олижаноб табиат блан разилона ҳаракат орасидаги зиддият ҳам ана шу икки-ёқламаликдадир. Бу сабаблар ҳақида биз қуйироқда сўзлаймиз; ҳозир фақат шуни айтиб ўтамизки, Печорин хато ишларни қилар экан, ўзига баҳо беришда яна кўпроқ хато қилади. У ўзига тамомила камолатга етган ва кўзга кўринган бир киши деб қарайди: унинг одамга умуман тунд фе'ллилик блан, заҳар блан нотўғри қарашига ажабланиб бўладими? Инсон ҳаётида шундай бир давр бўлиб, бу даврда унга аҳмоқнинг нега аҳмоқ эканлиги, аблаҳнинг нега разил эканлиги, халойиқнинг нега пасткаш бўлганлиги, юзта бема'ни кишидан нега зўрға биттагина одамшаванда кишининг топилиши алам қилишини гўёки у билмайди... Кўнгли жўш уриб, шавқи қайнаб турган шундай кишилар борки, улар оилавий ҳаётнинг бу даврида ўзларининг бошқалардан юқори турганликларини англаб, бундан та'риф қилиб бўлмайдиган



даражада завқ оладилар, бу ҳаётнинг разиллиги учун разолатга қасд қиладилар, бу ҳаётга ҳалал етказиб, бузмоқ учун унинг режаларига ва ишларига аралашадилар,—гўёки Печорин буни билмайди... Буниси ҳали уён турсин: мазкур кишилар учун биринчи даврнинг натижаси ўлароқ ҳаётнинг иккинчи бир даври келиб, бу даврда улар ҳамма нарсага ёки бепарво қарайдилар, я'ни ҳечнарсани ма'қул ҳам кўрмайдилар ва ҳечнарсани ёмон деб хафа ҳам бўлмайдилар, ёинки улар ҳаётда яхши нарса қандай зарур бўлса, ёмон нарса ҳам шундай зурур деб қаноат ҳосил қиладилар; инсоният жамияти қўшинида оддий аскарлар ҳаммаша офицерлардан кўпроқ бўлмоғи керак, аҳмоқлик — аҳмоқликдан иборат бўлганлиги учун аҳмоқ бўлмоғи керак, разолат — разолатдан иборат бўлганлиги учун разил бўлмоғи керак, деб ишонч ҳосил қиладилар, шунинг учун, башарти улардан бирон ёмонлик кўрмасалар, уларни ўз майлига ташлаб қўядилар ёки бу ёмонликка ҳалал етказишга имкон тополмайдилар ва шу сабабли гоҳ хурсандлик блан, гоҳ қайғи блан кулумсираб: «борига шукур!» деб ўз-ўзларича такрорлаб юрадилар,—гўёки буни Печорин билмайди. Ҳайҳот, энг оддий ҳақиқатларни тушуниб олиш шу қадар машаққат экан! Печорин ҳали буни билмайди, шунинг учун ҳам у, ҳамма нарсани биламан, деб ўйлайди. У Грушницкийни эрмак қилиш блан, бошқа тарзда бўлсада, княжнани ҳам эрмак қиларди.

Мен бир-икки марта унинг қўлини сиқдим: иккинчи сиқишимда қўлини тортиб олди, лекин индамади.

Мазурка тугагандан сўнгра:

— Мен бугун яхши ухлайолмайман,—деди.

«Бунинг учун Грушницкий айбдор».

— О, йўқ!— деди ва юзи шу қадар ўйчан ва шу қадар дардман бир тус олдики, мен шу кеча нима бўлса бўлсин қўлини ўпишга аҳд қилдим.

Тарқалабошладилар. Княжнани каретага ўтқизаётиб, унинг кичкина қўлчасини шартта ўпиб олдим. Қоронғи эди, ҳечким буни кўрмади:

Мен мамнун бир ҳолда залга қайтдим.

Шу вақтдан бошлаб воқиа тамоман бошқа ёққа бурилиб кетади; кулгидан бошланган иш фожиага айланади. Бу вақтгача Печорин ерга уруғ сочиб келган эди, энди сочган уруғининг мевасини кўрадиган пайти келаяпти. Бизнинг фикримизча, шоирона руҳда ёзилган нафис асарнинг ҳақиқий ахлоқий томони панду насихатларда эмас, балки худди ана шунда бўлмоғи керак.

Ниҳоят, Грушницкий ўзининг аҳмоқ қилинганлигини пайқайди, лекин ўз шармандалигининг сабабини ўзидан кўрмасдан, Печориндан кўради. Печориннинг қўли баландлигидан ғазабланган отлиқ аскар капитани ва бошқалар Грушницкийга қўшиладилар ва Печоринга қарши душманлар гуруҳи тузилабошлайди; лекин Печорин бундан чўчимайди, балки бунини бекорчиликдан қиладиган ишлари учун янги бир баҳона деб билиб, бунга хурсанд бўлади... «Жуда шод бўлдим, гарчи бу христианликка тўғри келмаса ҳам мен душманларимни яхши кўраман. Улар менга эрмак бўладилар, қонимни қайнатадилар. Ҳарвақт кўз-қулоқ бўлиб туриш, ҳарбир қарашнинг, ҳарбир сўзнинг маъносига етиш, ниятларни пайқаш, ўзини алданганга солиш ва тўсатдан бир зарба блан уларнинг макру ҳийлалардан кўп машаққат чекиб қурган ҳайбатли биоларини ағдариб ташлаш — мана мен шуни ҳаёт деб атайман!». Сиз, бундай деб аташ — хато, деб хитоб қиласиз ва биз ҳам сизнинг фикрингизга қўшиламыз; лекин куч ҳамиша кучлигича қолади ва ҳамиша поэзияга тўла бўлади; бу куч, гарчи пўлат қилич ўрнига ёғоч қилич блан ҳаракат қилса-да, ҳамиша сизни қойил қилиб, ҳайратда қолдиради... Шундай кишилар борки, уларнинг қўлидаги оддий таёқ бошқаларнинг қўлидаги қиличдан хавфлироқ бўлиб кўринади: Печорин ҳам ана шундай оддий таёқ блан даҳшат солиб юрадиган кишилар қабилидандир...

Эртасига Вера эри блан Кисловодскка жўнайди. Унинг Печориндан ўпкалаб юришининг сабабини Печорин унинг ўзига тўнкайди, чунки Вера Печорин блан хилватда учрашишга унамайди. «Мана энди, менинг ёлворишларим уддалайолмаган нарсени рашк

уддалайди» дейди у. Кечқурун у Лиговскаяларникига киради, княжнани учратмайди — у касал экан. Уйга қайтиб келгач, унга нимадир етишмайдигандек туюлади. «*Уни кўролмадим! У касал эди! Ажабо, чиндан ҳам уни яхши кўриб қолмадиммикан? Беҳуда гап!*» Кўрдингизми, қизиқ-қизиқ ўйинидан нима чиқишини! Бошқаларни қизиқтираман деб ўзинг ҳам тездан қизиқиб кетар экансан киши!.. Печорин ҳарчанд ўзини ҳечбир ғаразсиз бекорчиликдан қуруқ ишқивозлик қилиб юрган кишидек кўрсатмоқчи бўлса-да, лекин унинг қуруқ ишқивозлиги бизга жуда шубҳалидир. Бу ҳали муҳаббат эмас, албатта; броқ ўз туйғуларингни текшириб билиш қийин; ҳарбир кимсанинг ўз қалбидаги туйғулар печак-печак бўлиб ўралишиб кетганки, унинг саркалавасини ажратиб олиш жуда қийиндир.

Эртасига Печорин *уни* ёлғиз ўтирган вақтида учратади. Княжнанинг ранги ўчиб сарғайиб қолипти. «Мендан хафамисиз?» деб сўрайди Печорин. Княжна кўзига ёш олиб, юзини қўллари блан бекитади. «Нима бўлди сизга?» — «Сиз мени ҳурмат қилмайсиз!..» деб жавоб беради княжна. Печорин ундан афв сўраган бўлиб бирнималар дейди ва ўз характери ҳақида манманлик блан аллақандай муаммо гапларни айтиб чиқиб кетади; лекин кетатуриб у, княжнанинг йиғлаган товушини эшитади. Бечора қизгина! Макр ўқи унинг юрак-бағрини тешиб ўтибдики, бу ишнинг оқибати яхши бўлмас!.. ўша куннинг ўзидаёқ Печорин Вернердан унинг княжнага уйланмоқчи бўлганлиги ҳақида миш-миш гаплар юрганини эшитади...

Ниҳоят воқиа Кисловодскка кўчади. Бир куни жуда кўп отличлар Кисловодскдан уч чақиримлик масофада дарвозага ўхшаб кўринадиган қоя *ҳалқани* тамоша қилмоқ учун борадилар. *Подқумоқ* сойи орқали қайтиб келаётганларида, сувга қарагани учун, княжнанинг боши айланиб кетади. У заиф бир овоз блан «вой, ғалати бўлиб кетаётибман!» дейди. Печорин эгилиб унинг нозик белидан кучоқлайди, бети унинг бетига тегай-тегай деб туради, княжнанинг бети ўт бўлиб ёнади... «Сиз мени нима қилаяпсиз? Ерабби!..»

дейди у. Печорин унинг сўзларига э'тибор бермайди ва лаблари унинг бетларига тегади... Қирғоққа чиққандан кейин ҳамма отини йўрттириб кетади; княжна эса отини тутиб қолади ва улар яна ҳамманинг кейинида борадилар. Печорин жўртгага чурқ этмай сукут қилиб боради; узоқ сукутдан кейин, ниҳоят княжна йиғлам-сираган овоз блан дейди:

— Сиз ё мендан нафратланасиз, ёинки мени жуда ҳам яхши кўрасиз! — деди у. — Эҳтимолки, сиз мени мазах қилмоқчи, қалбимни ҳаяжонга солмоқчи ва сўнгра ташлаб кетмоқчидирсиз... Бу ишингиз шу қадар разиллик, шу қадар пастлик бўлар эдики, уни фақат хаёлга келтиришнинг ўзи... О, йўқ! Шундай эмасми,— дея нозик бир ишонч овози блан илова қилди: — шундай эмасми, менда кишиларнинг менга бўладиган ҳурматини поймол этадиган ҳечнима йўқ, а? Сизнинг қўпол муомалангизни... мен уни афв этишим керак, чунки унга ўзим йўл қўйдим... Жавоб беринг, гапиринг, мен сизнинг овозингизни эшитмоқчиман!..

Кейинги сўзларда хотинларга хос тоқатсизлик шу қадар эдики, мен ихтиёрсиз кулумсираб юбордим; бахтимга, қоронги тушабошлади... Мен ҳечбир жавоб бермадим.

— Нега индамайсиз? — дея у давом этди: — сиз, эҳтимол, «сизни севаман» деган сўзни олдин менинг айтишимни истарсиз?..

Мен жим турабердим...

— Шуни истайсизми? — деди бирдан мен томонга ўгирилиб... Боқшининг ва товушининг қат'ийлигида даҳшатли бир нарса бор эди...

Мен кифт қоқиб:

— «Нима учун?» — дедим.

У отига бир қамчи урди ва тор, хатарли йўлдан чоптириб кетди; шу қадар тез кетиб қолдики, мен унга зўрға етиб олдим, шунда ҳам, у олдиндаги тўпга қўшилгандан кейин. У уйга еткунча минут сайин гапириб ва кулиб борди. Унинг ҳаракатларида алланечук бир ҳаяжон бор эди; менга бир марта бўлса ҳам қайрилиб боқмади. Бу ғайри оддий ҳушчақчақликни ҳамма сизди. Княгина ҳам, қизини кўриб, ичидан севиниб борди; қизи эса асабий бир кайфиятда эди. У кечани уйқусиз йиғлаб ўтказди. *Бу фикр менга бепоён завқ беради: ҳаётимда шундай*

*минутлар бўладики, Вампирни тақдир этаман!..* Ва яхши одам деган шуҳратим бор, шу номга эришиш учун жон куйдираман!

Бу манзара нима ўзи? Бу манзарани биз, доимо ўз-ўзи блан зиддиятда бўлиб юриш, доимо қоникмай чин ҳаётга, чин саодатга ташна бўлиб юриш одамни қай даражада шафқатсиз ва беҳулқ қилиб қўйишдан далолат беручи бир нарса деб биламиз, холос; лекин унинг энг сўнгги хислатини биз мутлақо тушунмаймиз... Унинг ўз-ўзига қасддан туҳмат қилиши орқасида бу хислат бизга муболағадек бўлиб, нозиклашган ва сохта бир тусга кирган хислат бўлиб кўринади; хулласки, бизнингча, Печорин Грушницкий аҳволига тушиб қолганга ўхшайди; лекин унинг аҳволи кулгили тарздан кўра кўпроқ мудҳиш бир тусга кирган... Агарда биз фикримиздан янглишмасак, бунинг сабаби маълум албатта: ўз-ўзи блан қарама-қарши ҳолатда бўлиш вазиятида бир қадар назокатли ва сохта бўлишни талаб қилади...

Печорин слободкадан ўтиб уйга қайтиб келаётганида бир уйдан қовушиқсиз гаплар ва бақирган овозларни эшитиб қолади. У отдан тушиб қулоқ солади. Унинг тўғрисида гап бўлаётган экан. Отлиқ аскар капитани бақириб, Печориннинг таъирини бериш керак, бу Петербург гўдаклари бурнини ерга ишқаламагунча керилишини ташламайди, Печорин ҳарвақт тоза қўлқоп ва ялтироқ этик кийиб юргани учун юқори жамиятларни фақат ўзигина кўрган деб билади, лекин ўзи афтидан қўрқоққа ўхшайди, дейди. Грушницкий фараз блан айтилган кейинги фикрни тўғри деб тасдиқлайди ва ўзидан ўйлаб чиқарган бир ҳодисани ҳикоя қилиб беради: гўё Печорин бир марта Грушницкийдан ёмон бир дакки еб, жуда ўсал бўлиб қолган эмиш. Қадрдон улфатлар Грушницкийнинг юрагига ўт соладилар — княжнанинг номи тилга олинади. Отлиқ аскар капитани эса фақат Печоринни эрмак қилмоқчи бўлади, уни ўз қўрқоқлигини ошкор этишга мажбур қилмоқчи бўлади. У, Грушницкийга Печоринни дуэльга чақиришни таклиф қилади ва мен сизларни бир-

бирингиздан олти қадам нарига қўяман ва тўппончаларга ўқ солмайман, дейди.

Мен Грушницкийнинг жавобини тоқатсизлик блан кутдим; тасодифий бир равишда бу ерга келиб қолмаган бўлсам, бу аҳмоқлар олдида кулги бўлишим эҳтимолини ўйлаганда, бутун вужудимни совуқ бир ғазаб босди. *Агар Грушницкий розилик билдирмаганда, мен ўзимни унинг бўйнига ташлаган бўлардим.* Лекин Грушницкий, бироз жим тургандан сўнг, ўрнидан турди ва қўлини капитанга чўзиб, ғоят виқор блан: «Яхши, мен розиман» деди.

Печорин эрта блан қудуқ ёнида княжнани учратади. Бу учрашув пуч ва ҳечнимага арзимайдиган драманинг мудҳиш суратда ечилиши эди. Бу драма аслда худди шундай пуч ва ҳечнимага арзимайдиган, лекин натижаси бундан ҳам даҳшатлироқ бўлган бир драмадан аввал бўлди.

У тикилиб менга қаради ва:

«Қасалмисиз?» деб сўради.

— Кечаси ухламадим.

«Мен ҳам шундай... мен сизни айбладим... балки бекор айлагандирман? — Лекин изоҳ беринг, сиз учун ҳаммасини афв этишим мумкин...»

— Ҳаммасини?

«— Ҳаммасини... Зинҳор тўғриси гапиринг... Фақат тезроқ... биласизми, сизнинг муомалангизни аниқлаш, уни оқлаш учун жуда тиришдим, кўп ўйладим: эҳтимол, сиз ота-онанинг қаршилигидан қўрқарсиз... бу ҳеч гап эмас: улар билишганларидан сўнг... (овози титради), мен ялиниб-ёлвориб бўлса ҳам уларни рози қиламан. Еки сизни ўз аҳволингиз... лекин шуни билингки, севган одамим йўлида мен ҳамма нарсани фидо қилаоламан... О, тезроқ жавоб беринг, раҳм қилинг... Сиз мендан нафратланмайсиз, шундай эмасми?»

У қўлимни ушлаб олди.

Княгина, Веранинг эри блан олдинда кетаётгани учун, ҳечнарсани кўрмас эди; лекин шу атрофда сайр қилиб юрган касаллар, ғийбатчиликни ҳавас қиладиган кишилар кўриши мумкин эди, шунинг учун қўлимни унинг эҳтиросла сиқиб турган қўлидан тезгина чиқариб олдим...

— Мен сизга гапнинг бўлганини, ҳақиқатни айтиб берман,— дея жавоб бердим: — мен ўзимни оқлаб ҳам ўтирмайман, қилмишларимни изоҳ ҳам қилмайман: *мен сизни севмайман.*

Лаблари билинар-билимас оқарди!

«Нари боринг» — деди эшитилар-эшитилмас бир оҳангда. Мен кифт қоқдим ва қайрилиб кетдим.

Бу сафар Печорин бизга мурувват қилди: у ўзининг девсумон гавдасини қоплаб турган сирли пардани кўтарди ва бу манзаранинг сабабини жуда содда қилиб, лекин жуда чиройлик сўзлар блан баён қилиб берди, бу блан у гўё ўзини гуноҳсиз қилиб кўрсатмоқчи бўлди. У, хотин кишини нақадар эҳтиросла севмасин, ўзига уйланишим кераклигини сездиргудек бўлса, менда муҳаббатдан асар ҳам қолмайди!.. дейди. Кўнглига теккан ва унга сра кераги бўлмаган эркинликдан маҳрум бўлиш каби бундай қўрқинчни у бир вақтлар унинг фолини айтиб берган кампирдан кўради: у ёш болалик чоғида онаси унинг тўғрисида бир кампирга фол очтирган экан ва кампир уни ёмон *хотини қўлида ўлади*, деган экан... Йўқ, гап асло бундай эмас!.. Печорин княжнани севмас эди, агар у ўзининг ғамза усуллари ва иззат-нафси блан қўзғотган андаккина ишқни, муҳаббат деб атаса ўз-ўзини ҳақорат қилган бўлар эди. Сўнгра: никоҳ—муҳаббатнинг ҳақиқатга айланишидир. Батамом камолатга етган қалбгина чинакам севаолади ва шундай бўлган тақдирда ҳам муҳаббат фақат никоҳда ўзининг олий мукофотига сазовор бўлади ва бошида бахт тожи ялтираб турганда муҳаббат сўлмайди, балки қуёш нурларида барқ уриб очилган гулдай, муаттар гулларини очиб, барқ уриб яшнайти... Ҳарқандай ишқ бир лаҳзалик руҳий ҳолат ифодаси бўлиб, ўз-ўзига нисбатан ҳақиқатдир: ёш ўсмирнинг эндигина ҳаётдан баҳр олиб уйғонабошлаган қалби учун дастлабки севгининг ўз наш'аси ва ҳақиқати бор, лекин аслан ҳақиқат бўлган бу севги шаклан тамомила мавҳумдир; вояга етган кишининг бама'ни сўзларига нисбатан эндигина тил чиқараётган чақалоқнинг пойма-пой ва-вуси қандай бема'ни бўлса, бу севги

ҳам балоғатга етган кишининг муҳаббатига нисбатан шундай ғўрдир. Бу ҳақиқий севги эмас, балки севгига ҳавасдир, шунинг учун ҳам бу севги ҳаваси айни муддаодек бир нарса бўлиб туюлади-ю, мияда ўйланган олий мақсадга чинакам ёки сохтага ўхшаб кўриниши блан ёшлик хаёлини асири-мубтало қилади. Бинобарин, бу севги қандай тез аланга олган бўлса, шундай тез сўнади. Бундай севги инсон ҳаётида бирнеча бор қайта-қайта такрорланиши мумкин; бундай севги никоҳни муҳаббатнинг асл лаззатини булғотучи бир идея деб билиб, ё никоҳдан нафратланади ва жирканади ёки никоҳни энг олий саодат деб билиб, то никоҳ, унга жиддий синаб кўручи, ишончсиз назар блан қаттиқ қарайбошлаганга қадаргина никоҳга интилади: шундан кейин бечора муҳаббат, беодоблик қилиб мураббисидан та'зир еган бола сингари, никоҳ олдида кўзларини мўлтиллашиб тураберади... Дарҳақиқат, бундай муҳаббат учун никоҳ ҳалокатдир ва шунинг учун ҳам юзаки муҳаббат орқасида бахтсиз никоҳлар кўп бўлиб туради... Фақат ҳақиқий ишқ ўзининг вужудга чиқишидан қўрқмайди, ўзини текширишга танги туради; фақат ҳақиқат олдида дадил тураолади... Хўш, эрк ва иродаси шу қадар маҳкам бир киши бўлган Печорин наҳотки княжнага бўлган муҳаббатини ҳақиқий муҳаббат деб билган бўлса-ю, лекин княжна унга уйланиш тўғрисида луқма ташлаши бланоқ, худди ёш бола хипчинни кўрган ҳамон шўхликдан тўхтагани сингари, унинг ишқи ҳам сўниб қолганига ўзи ажабланган бўлса?.. Йўқ! Буларнинг ҳаммасидан яна фақат шу нарса ма'лум бўлиб турибдики, Печорин ҳаёт косасидаги шаробни сра қолдирмай шимирдим деб эртароқ ўйлаган эди, ҳолбуки у косадаги пишиллаб турган кўпикларни ҳам ҳали тузуккина пуфлаб улгурмаган эди... Такрор айтамикки, у ўзининг нималигини ҳали билмайди, шунинг учун у ўзини гуноҳсиз қилиб кўрсатган кезларда, унга ҳамавақт ишонавериш лозим бўлмас экан, бас у ўзини айблаган ва ўзига ҳархил ғайри инсоний хислатлар ва айбларни таққан кезларда, унга айниқса камроқ ишониш лозим бўлади. Хўш, бунинг учун уни айблаш керакми? Агарда сизнинг назари-



нгизда ёш киши ёшлиги учун ва қари киши қарилиги учун айбдор бўлса, у вақтда уни ҳам айблайверинг! Шундай одамлар борки, уларда турмуш эҳтиёжи жуда зўр бўлиб, бу эҳтиёж то қониқмагунча уларни қийнайверади ва шундай одамлар борки, улар узоқ умр кўрсалар ҳам турмушдан қониқмасдан армон блан ўладилар, чунки фақат эҳтиёжларгина ҳақиқатдир, аммо эҳтиёжни қондириш тасодифга боғлиқдир, бундай тасодиф бўлиши ҳам мумкин, бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай кишилар эҳтиёжларини қондирмоқ учун ўзларини ҳар томонга уриб юрсалару, лекин эҳтиёжларини қондираолмасалар, улар умидсизликка тушиб, натижада ақлга мувофиқ ҳақиқатнинг абадий қонунларига туҳмат ва бўҳтонлар қилабошлайдилар; гарчи улар бу туҳматлари блан ҳақиқат олдида ҳақли бўлмасаларда, аммо ўз эҳтиёжлари олдида ҳақлидирлар. Бундай кишиларни бахтсизликлари учун айбламоқ мумкинми? Бундай кишилар, кайфу-сафо сурури блан кўнгилга гулгула солучи нарсаларнинг ҳаммасига жон-жаҳдлари блан ташланар эканлар, бунинг учун уларни айблаш мумкинми? Асли чирик ва ўлик мижоздан келиб чиқадиган бундай дардсиз ва иштиёқсиз фаҳму фаросат блан ҳамма ҳам туғилавермайди-ку, ахир.

Кисловодскка фокусчи келади. Ма'лумки, сув шифохоналарида ҳарқандай ўйин, тамошалар ҳам ма'қул бўлаверади, шунинг учун ҳам биринчи тамоша қўйлиши бланоқ ҳамма уни кўришга югуради. Княгина Лиговская ҳам, қизи касал бўлишига қарамасдан, билет сотиб олади. Печорин Верадан бир мактуб олади. Мактубда Вера кечқурун соат 9 да учрашувни тайинлайди ҳамда эри Пятигорскка кетганини, у эртасига эрта блан келажagini, ўз хизматкорларига, шунингдек Лиговскаянинг одамларига ҳам билет улашиб берганини билдиради. Печорин тамошага бориб уёқ-буёққа юриб назар солади ва Вера блан княгинанинг хизматкорлари ҳамда оқсочлари орқа қаторда ўтирганини кўргач, Вера блан учрашмоққа кетади. Ташқари қоронғи бўлади. Бирдан Печориннинг орқасидан биров келаётгандек туюлади. У эҳтиёт юзаси-

дан, сайр қилиб юрган кишидек уй атрофида айлана-бошлайди. Княжнанинг деразалари ёнидан ўтарда, у яна орқасидан оёқ шарпасини эшитади ва шинельга ўралган бир киши ёнидан югуриб ўтади. Печорин югуриб қоронғи пиллапоядан чиқабошлайди; эшик очилиб кичкина қўлча унинг қўлидан ушлайди...

Кечаси соат иккиларга яқин Печорин икки шол рўмолни бир-бирига улаб, юқори балкондан пастки балконга тушади. Княжнанинг чироғи ёниб турган бўлади ва нима бўлади-ю, Печорин деразага қарайди. Дарпарда гипс ёпилмаганидан, у мана бу ҳолни кўради: «Мери қўлларини тиззасига қовуштириб, ўрнида ўтирипти; унинг қалин сочлари четлари тўр блан ҳошияланган дурра блан танғиб боғланган; каттакон қизил рўмол оппоқ елкаларини ўраб олган, кичкина оёқларида эса эронча кавуш. Бошини кўкрагига солиштириб, қимирламай ўтирипти; унинг олдидаги столчада очиқ бир китоб турипти, лекин ҳаракатсиз ва изоҳлаб бўлмайдиган бир ғам блан тўлиқ, кўзлари бир саҳифа устида юз марталаб югурган бўлса ҳам хаёли узоқларда кўринар эди...».

Бу қисқа ва оддий сатрлар кўп нарсадан дарак беради! Бу сатрлар ша'ни ҳақорат қилинган ва муҳаббати таҳқирланган хотин ҳақида, ичида пинхон бўлиб ётган қайғи-ҳасратлар ва юракка муздек санчилучи ноумидлик ҳақида узоқ-узоқ ҳикоялар сўзлайди!.. Бечора Мери!..

Шу чоқ бута орасида биров шитирлайди. Печорин ирғиб ерга тушади ва кўринмас қўл унинг елкасидан ушлайди. Йўғон бир овоз «Ҳа-ҳа! қўлга тушдингми!.. Кечалари княжларникига юришни энди сенга кўрсатиб қўяман!..» дейди. «Маҳкам ушла!» деб бақиради, бошқа бир овоз. Печорин булар отлиқ аскар капитани блан Грушницкий эканини танийди. Печорин отлиқ аскар капитанини бир муштлаб йиқитади-да, буталар ичига отилади. «Ўғри! Қоровул!» дея қичқиришади улар. Милтиқ отилади ва тутаб турган пахта Печориннинг оёғи остига тушади. Бир минутдан сўнг у ўз уйига келади ва ечиниб ётиб олади. Хизматкори эшикни беркитар-беркитмас, Грушницкий блан отлиқ аскар

капитани эшикни тақиллатабошлайди: «Печорин, сиз ухляяпсизми? Шу ердаямисиз?» — Ухляяпман! — дея зарда аралаш жавоб беради у. «Туринг! Уғри келди... черкеслар...» — Мен тумовман, шамоллаб қолишдан қўрқаман.

Улар кетишади. Шу орада тревога бўлади. Крепостьдан бир казак от қўйиб келади, ҳамма оёққа туради; черкесларни қидирабошлайдилар ва эртаси ҳамма кечаси черкеслар ҳужум қилганига ишониб юришади.

Эртаси эрта блан Печорин қудуқ ёнида Веранинг эри блан учрашади ва нонушта қилмоқ учун у блан ресторанга кетади. Соддадил чол унга ўтган кечаси хотинининг жуда қаттиқ қўрққани ҳақида сўзлайди. «Буни қарангки, шундай воқиа келиб-келиб менинг йўқлигимда бўлса-я!» дейди у. Улар бурчакдаги хонага кириладиган эшик ёнидан жой оладилар; у хонада эса ўнгирача ёшлар бўлиб улар қаторида Грушницкий ҳам ўтирган бўлади. Шундай қилиб, тақдир Печоринга яна Грушницкий сўзларини эшитмоқни насиб этади. Грушницкий улфатларига махфий бир сирни очмоқчи бўлиб, кечаги машмашанинг сабабчиси черкеслар эмас, балки бошқа бир одам эканлигини сўзлайди, аммо у одамнинг номини айтмайди; у одам княжнаникига кирган экан. У сўзининг охирида: «Мана қаранг княжнани! Москва қизлари деганча ҳам бор! Мана шундан кейин кимга ҳам ишониб бўлади. Биз уни тутмоқчи бўлдик, лекин у, қўлдан чиқиб, қуён сингари, буталар ичида ғойиб бўлди; шу вақт орқасидан бир ўқ уздим» дейди. Унинг сўзларига ҳечким ишонмаганини пайқаб, қасам ичиб, айтган гапларининг ростлигига ишонтирмоқчи бўлади ва ниҳоят, бу воқиага сабаб бўлган кишининг номини айтишга ҳам тайёр эканини билдиради.

Ҳар ёқдан:

— Айт, айт, ким экан? — деган овозлар эшитилди.

«Печорин», — деди Грушницкий.

Шу чоқ у бошқини кўтарди — мен унинг рўпарасида останада турган эдим; қипқизариб кетди. Мен унинг олдига келдим ва шошилмай, очиқ қилиб дедим:

— Афсуски сиз энг жирканч бир тухматни исбот этиш учун номусингиз блан қасам ичганингиздан кейин кириб қолдим. Менинг бу ерда бўлишим сизни ноҳўя разилликдан қутқозиши мумкин эди.

Грушницкий сачраб туради ва қизишмоқчи бўлади. Табиийки, Печорин ҳам ундан айтган сўзларини қайтариб олишни талаб қилади. Грушницкий унинг олдида қаттиқ ҳаяжон блан мўлтайиб туради. Лекин виждон блан иззат-нафс орасидаги кураш узоққа бормаиди, айниқса отлиқ аскар капитани тирсак блан уни туртиб қўяди: у бошини кўтариб Печоринга қарамасдан, унга қўйган айблари ҳақ эканини тасдиқлайди. Печорин капитанни бир четга тортиб, у блан сўзлашади. Рестораннинг кўча эшиги олдида турган Веранинг эри шодликка ўхшаш бир ҳис блан Печориннинг қўлидан ушлаб, асил йигит экансиз, дейди, Грушницкийни эса аблаҳ, деб атайди ва ҳайриятки қизим йўқ, деб хурсандлигини изҳор қилади... Бечора эр!..

Печорин у ердан чиқиб тўғри Вернерникига боради ва унга бўлиб ўтган ҳамма гапларни айтиб беради, сўнгра ундан ўзига секундант бўлишини сўрайди. Вернер бир соатдан кейин отлиқ аскар капитани блан сўзлашиб, Печориннинг уйига келади. «Ҳақиқатан ҳам сизга қарши фитна уюштирилган экан» дейди у Печоринга. Вернер даҳлизда калошини ечгунча, капитан блан Грушницкий ўртасидаги қизғин мунозарани эшитган. Вернернинг айтишича, Грушницкий Печоринни аҳмоқ қилиб қолдиришни истамаган ва ҳақорат кўргани учун чинакам дуэль қилишни талаб этган. Вернер блан капитаннинг музокараси шунга бориб қарор топганки, дуэль қилиш ўрни Кисловоскдан беш чақирим нарида хилват бир дарада тайинланган, эртаси эрта блан соат тўртда ўша ерга бориб, олти қадамдан туриб отишга ва ким ўлса, черкесларнинг устига ағдаришга қарор қилинган. Сўнгра Вернер унга ўз гумонини айтиб, капитан фақат Грушницкий тўппончасига ўқ солмоқчи бўлганини билдирган ва Печориндан, ҳийлаларини билиб қолганимизни уларга сездириш керакми-йўқми деб сўраганида, у бунга қатъиян

кўнмаган ва бусиз ҳам уларнинг режаларини бузиб ташлаяжagini айтган.

Кечқурун хизматкор Печоринни княгинаникига чақириб келади, лекин у, касалман деб қайтариб юборади. Тун бўйи ухламайди, миясига турли фикрлар келади. Хаёл сураркан, аввал Грушницкийга дуқ қилади, уни ўз қурбони деб ҳисоблайди, сўнгра ҳозиргача унга доим ёр бўлиб келган толи'нинг ҳамиша бирдай бўлмаслигини ўйлайди: «На чора? Улиш керак бўлса ўламан! Дун'ё учун бу катта йўқотиш эмас; бунинг устига ўзим ҳам жуда зерикканман. Мен балда эснаб ўтирган ва фақат каретаси келмагани учунгина уйига кетаолмаган бир одам қабелидаман. Лекин карета тайёр... Яхши қолинглар!...»

Сўнгра у бутун ҳаётини бошдан-оёқ хаёлдан ўтказди ва миясида нима мақсад блан яшаганлиги ҳақида ихтиёрсиз бир савол туғилади. Мен нима мақсадда яшадим? Нима мақсадда туғилдим? Зотан бундай бир мақсад бўлган ва менга юксак вазифалар юклатилган бўлса керак, чунки руҳимда бепоён қувват борлигини ҳис этаман... Лекин мен у вазифани фаҳм қилмадим, пуч ва ёмон эҳтирослар алдовига берилдим, эҳтирослар қўрасидан темирдек қаттиқ ва совуқ бўлиб чиқдим, лекин яхши орзу-ҳаваслардан — ҳаётнинг энг гўзал чечакларидан абадий ажралдим...»

Эртага қатл бўлишга ёки қотил бўлишга тайёрланаётган бир кишининг ўз-ўзи блан хаёлда суҳбат қилиши ибратлидир!.. Фикр беихтиёр ўзига чулғаб олади ва хурофий фикрлар ва сохта сафсаталар тумани ичидан мудҳиш ҳақиқат шу'ласи ялтираб кўринади... Лекин аҳд қилинди, олға босилди, энди орқага қайтилмайди; қонли битимларни ахлоқсизлик деб қаровчи жамиятнинг ўзи, ўз фикрига ўзи қарши чиқиб, бундай орқага қайтишига истехзо, нафрат блан қарайди, бармоғини битиз қилиб қурбон бўлуши кишини кўрсатиб туради ва шу блан орқага чекинишни тақиқлайди... Бир ишнинг қон тўкиш блан ҳал бўлиши бу жамиятга бошқаларга панду насихат қилиш, ўзига яқин кишига ҳукм чиқариб у вақт ўтганда унга маслаҳатлар бериш учун дастак беради; орқага қайтиш бу жамиятни машҳур латифа-

дан, я'ни бировларнинг ҳолига кулиб лаззат олиш каби жуда ажойиб ҳодисадан маҳрўм қилади. Хўш, бундай вақтда нима қилмоқ керак? Албатта, олға босмоқ керак, аммо ўз тўғрингда мулоҳаза қилиб ва қилаётган ишининг тагини суриштириб, ботирликни қўлдан бериб қўймаслик учун, ҳақиқатдан кўз юммоқ ва биринчи дуч келган ҳамда нотўғрилиги ўзинга аён бўлиб турган сафсатага икки қўллаб ёпишиб олмоқ керак... Печорин, худди шундай қилади; яшашинг — чеккан заҳматингга арзимаёди, деган қарорга келади; у бундай қилишга ўз олдида ҳақлидир ёки, лоақал, ўзлари ҳаётдан четда туриб, ҳаёт кечираётган кишиларга, актёрларга гоҳ қарсак уриб, гоҳ ҳуштак чалиб қаровчи тамошабин сингари қарайдиган ва ўзгаларнинг ишлари тўғрисида жиддият блан ҳукм қиладиган кишилар олдида айбдор эмасдир...

Яширин бир ташвиш кўнглига фулғула солишига қарамай, Печорин ўзини зўрлаб Вальтер Скоттнинг «Шотландия пуританлари» номли романини ўқийди ва ҳатто сихрли хаёлларга ҳам берилиб кетади.

Тонг ёришганда у ойнага қарайди: рангги синиқиб қолипти ва уйқусизлик азоби юзида ўз изларини қолдирипти, лекин кўз атрофига гарчи нопармон соя тушгандай бўлса-да, мағрур ва шафқатсиз ҳолда порпираб туради. «Мен ўзимдан мамнунман» дейди у. У нарзан сувида чўмилганидан кейин ўзини жуда тетик ва бардам ҳис қилди.

Чўмилишдан қайтиб келса, уйда Вернер ўтирипти. Отларга миниб жўнайдилар. Шу ўринда гўзал Кавказ тонгининг наш'у-намога тўла бўлган қисқача тасвири берилган. Печорин айтади: «Эсимда, шу сафар табиатга ҳар вақтдагидан ҳам ортиқроқ кўнгили қўйдим. Сербарг узум япроқларида дириллаган ва миллионларча ранго-ранг шу'лалар ила товланган ҳарбир шабнамга нақадар суқланиб қарар эдим! Туманли олисларни кўриш учун нақадар очкўзликла тикилар эдим! Уёқларда йўл ҳамон торайиб борар, қоялар ҳамон кўкроқ ва даҳшатлироқ кўринар, ниҳоят, улар ажралмас бир девор каби қўшилиб кетгандек кўринарди».

Улар индамасдан борадилар.

— Васиятнома ёзиб қўйдингизми? — деб Вернер бирдан сўраб қолди.

«Йўқ».

— Борди-ю ўлдирилсангиз?..

«Меросхўрларнинг ўзи топилади».

— Наҳотки сўнги марта видо'лашиб кетгудек биронта дўстингиз бўлмаса?..

Мен бош чайқадим.

— Наҳотки биронта эсдалик қолдириб кетгудек дун'ёда биронта таниш хотинингиз бўлмаса?

«Истайсизми, доктор, юрагимни сизга очиб берай?..» дедим унга: — «Биласизми, мен ўлиш чоғида ўз ёрининг номини ёд этиш ва дўстига бўёқли, бўёқсиз бир тутам сочни ёдгор этиб қолдириш ёшидан аллақачон ўтганман. Яқин ва эҳтимолий ўлимни эсга олар эканман, фақат ўзимнигина ўйлайман: бошқалар шуни ҳам қилмайдилар. Эртага мени ёддан чиқарадиган ва ё яна ҳам ёмонроғи, менинг ҳақимда, худо биледи, турли бўҳтонлар қиладиган дўстларни, бошқа эркак оғушида ётиб, унда ўлиб кетган бир одамга рашк уйғотмаслик учун мендан куладиган хотинларни худо кўтарсин! Ҳаёт гирдобидан фақат бирнеча идеягина олиб чиқдим — лекин ҳисдан асло. Мен кўп вақтдан бери қалбим блан эмас, каллам блан яшайман. Мен ўз эҳтирос ва ҳаракатимни ҳечбирига ёнбосмасдан, жиддий бир мароқла чамалайман, текшираман. Мен икки одамдан иборатман: бири яшайди, холос, иккинчиси эса ўйлайди ва уни муҳокама қилади; биринчиси эҳтимол, бир соатдан сўнг сиз блан ва дун'ё блан абадий хайрлашар, иккинчиси эса... иккинчиси?».

Иқрор бўлиб айтилган бу гаплар Печориннинг ҳамма томонини очиб ташлайди. Бу сўзамоллик эмасдир, балки ҳарбир калима сўз чин самимият блан айтилгандир. Печорин бу гапларни хаёл-бехаёл айтган бўлса-да, лекин бу блан ичу тошини тамоман тўғри очиб ташлаган эди. Бу одам таассуротлар пайига тушиб юрадиган ва дуч келган таассуротга дарров маҳлиё бўлиб қоладиган ва бу таассурот то йўқолиб кетиб, кўнгли янгисини қўмсагунча шу блан овуниб юрадиган қизиққон ёшлардан эмасдир. Йўқ, у ёшлик даврдан, ҳаётга ошиқона кўз блан қарайдиган даврдан бут-

кул ўтган эди: у энди ўз ёрининг номини ёд этиб жон беришни ва дўстига бир тутам соч ёдгор этиб қолдиришни орзу қилмайди; сўзни иш ўрнида кўрмайди, ҳиссиёт туғ'енини, гарчи у олижаноб ва олимақом ҳиссиёт бўлса-да, одам руҳининг ҳақиқий ҳолати деб билмайди. У кўп ишқ-муҳаббатларни кечирди, шунинг учун ишқ-севги ва меҳру-муҳаббатларнинг ҳаммаси узоққа бормайдиган нарсалар эканини ўз тажрибасидан билади; у, ҳаёт ҳақида кўп хаёл сурди, шунинг учун ҳақиқатга тўғри ва дадил қарайдиган, ўзлари ишонмайдиган э'тиқодлар блан ўзларини юпантирмайдиган ва алдамайдиган кишилар учун ҳарқандай фикр ва хулосалар натижасиз эканини ўз тажрибасидан билади... Унинг руҳи етилиб, янги ҳиссиёт ва янги фикрларни қўмсайдиган бўлди, унинг қалби янги меҳру-муҳаббатни, я'ни *воқи'ликни* талаб қилабошлади: унинг янги тилак ва истакларининг моҳияти ва характери *воқи'ликни* билмоқдан иборатдир. У, бу янгиликни билишга шайланиб турипти; лекин толи'и унга янги тажрибалар насиб қилмаётир, шу сабабли у, эски нарсаларга нафрат кўзи блан қарайдию, лекин ҳарҳолда ҳаётга эски нуқтан назардан баҳо беради. Туйғу ва фикрнинг ҳақиқатлигига бундай ишонмаслик; ҳаётдан бундай кўнгил совуш, ҳаётга дам кўз алдамчилиги деб, дам бир зумгина кўришиб бўлчи хитойча бема'ни лўттибозлик деб қарашнинг сабаби ҳам шудир. Бу ҳол руҳнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтган палласи бўлиб, бу паллада кишининг назарида эски нарсаларнинг ҳаммаси вайрон бўлиб кўринади-ю, лекин янги нарсадан дарак бўлмайди; бу паллада одамнинг ўзи келажакда қандайдир бир ҳақиқатнинг юзага чиқмоғи учун фақат восита бўлиб қолади ва ҳозирги вақтда эса у тамоман бир сояга ўхшаб кўринади. Айни пайтда одамда оддий тилда «хафақон», «восвос», «савдой», «иштибо» ва ҳоказо сўзлар блан аталадиган, лекин ҳодисанинг моҳиятини мутлақо тўғри ифода этмайдиган ҳолатлар пайдо бўлади; фалсафа тилида эса бу ҳолатлар *рефлексия* деб аталади. Биз бу сўзнинг сарфий ма'носини ҳам фалсафий ма'носини изоҳлаб турмасдан, қисқача шуни айтиб



ўтамизки, рефлексия ҳолатида бўлган одам икки хил одамга бўлинади, булардан биттаси яшаб туради, иккинчиси эса унинг ҳаракатларини кузатиб, баҳо бериб туради. Бундай ҳолатда ҳарқандай туйғу ҳам, ҳарқандай фикр ҳам, ҳарқандай ҳаракат ҳам тўлатўкис бўлмайди: одамда туйғу, ният, ҳаракат пайдо бўлиши бланоқ одамнинг ўз ичида яшириниб ётган душман эндигина куртак отиб чиққан нарсани дарҳол кўз остига олади, уни таҳлил қилади, текшириб кўради, фикрнинг тўғрими-нотўғрилигини, чинми-ночинлигини, туйғунинг ҳақиқатми-ноҳақиқатлигини, ниятнинг қонунийми-ғайриқонунийлигини, уларнинг нима мақсади борлигини, улар нимага олиб боражагини аниқлаб олади; шундан кейин туйғунинг хушбўй гули очилмасдан сўлади: фикр, биллур ойнага тушган қуёш нурлари каби, паришон бўлиб кетади, ҳаракат учун кўтарилган қўл кўтарилганича бирдан қотиб қолади ва зарба бермайди...

Бас, фикр қилар экан бизларни қўрқоқ  
Бизлардаги тўфон жазм чечаги,  
Сўлар сўлғин ақлнинг хира нурида  
Ва жур'атла қанотли ниятларимиз  
Маррага сал қолганда йўлидан айниб,  
Барбод бўлаётир...

дейди рефлексияни шоирона мадҳ этучи Шекспир Гамлети. Бу — мудҳиш бир ҳолат! Ҳатто севги оғушида айш сурурини ва ҳаёт роҳатини суриб ётган дамда ҳам, ичдаги бу душман на'ра тортиб.

... Жамии жон  
Ўй-хаёлни тарк этган чоқда!<sup>18</sup>

одамни ўйлашга мажбур қилади ва унинг қўлидан зебо санамни тортиб олиб, унинг ўрнига бадбашара бир скелетни тутқизади...

Бу ҳолат нақадар мудҳиш бўлса, шу қадар зарур ҳамдир. Бу нарса руҳнинг энг юксак моментларидан биридир. Туйғуда ҳаёт тўла барқ уради, лекин туйғу—руҳнинг энг охириги босқичи, я'ни руҳнинг тараққиёти нарига ўтаолмайдиган босқич эмасдир. Нуқул ҳис

қилган чоғда одам, ўз табиий майлига қул бўлган ҳай-  
вон сингари, ўз сезгиларининг қули бўлади. Одамзод-  
даги ўлмас руҳнинг ҳислати унинг ақлга мувофиқ  
бўлишидир; ақлнинг энг охирги, энг юқори амали —  
фикрdir. Фикр қилганда одам ўз эҳтиросларидан ва  
ўзининг хира туйғуларидан холи ва эркин бўлади.  
Одам дарғазаб бўлиб, душманига ҳамла қиларкан, у  
бу ишни ўзига руҳ берган ҳиссиёт талаби блан қилади;  
лекин ўз одамгарчилик ша'нингни ва душманинг бўл-  
ган киши ҳам сен каби одам эканини ақл югуртириб  
ўйлаган тақдирдагина ғазаб тўлқини пасаяди ва одам  
ўлдирмоқ учун ҳамлага кўтарилган қўллаги қурол  
тушади. Аммо жаҳолатлан оқилона тушунчага ўтиш  
албатта ва заруран рефлексия орқали содир бўлади  
ва шахснинг хусусиятига қараб, бу рефлексия озми-  
кўпми руҳий хасталик блан содир бўлади. Агарда  
инсон бутун инсониятга қариндош эканини лоақал оз-  
моз сезса, у ўзини руҳ ичидаги руҳ эканини лоакал оз-  
моз тушунса, бундай одам рефлексиядан холи бўлаол-  
майди. Бундан ё нуқул ўз манфаатини кўзлаб юрүчи  
паст табиат зотлар ёки руҳий манфаатларга қизиқмай-  
диган, ғафлатда ҳаёт кечирадиган пасткаш ва разил  
кишиларгина мустаснодир. Бизнинг асримиз ҳам асос  
э'тиборила рефлексия асридир, бинобарин, чуқур  
• идрок блан хомушлик ва вазмин осойишталик ҳислат-  
ларини бир қилиб қўшучи ҳалим ва ҳуштабиат зотлар  
ҳам, ўз манфаатини кўзлаб иш кўручи зотлар ҳам  
(башарти булар идрокдан махрум бўлмаган бўлсалар)  
рефлексиядан ҳоли эмасдир. Умуман Германия адаби-  
ётининг аҳамияти ҳам шундадир: бу адабиётнинг  
деярлик ҳарбир асари негизла ахлоқий, диний ёки  
фалсафий масала бор. Гётенинг «Фауст» ҳозирги аср  
рефлексиясининг шоирона намунасидир. Инсониятнинг  
бундай ҳолати бизда ҳам ўз ифодасини топгани таби-  
ийдир; лекин бу ҳолат бизнинг турмушимизда алоҳида  
бир тарзда акс этди, чўнки биздаги аҳвол мужмал эди.  
Пётрнинг буюк ислоҳоти орқасида ўз жаҳолатидан  
зўрлик блан чиқазилган жамиятимиз шундай мужмал  
бир аҳволга солиб қўйилган эди. Пушкиннинг «Фауст-  
дан бир кўриниш» деган ажойиб бадий асари реф-

лекциянинг юксак образи бўлиб, жамиятимиздаги кўп шахсларнинг дардини ифодалайди. Бу асарнинг характери — турмуш ноз-не'матларига батамом ҳирс қўйиш имконияти йўқлиги натижасида, бу ноз-не'матларга бепарво қараб, улардан кўнглини совутишдан иборат. Иштирок қилучиларнинг тинкага тегадиган даражада та'сирсизлиги, ҳарбир ишга нафрат блан қараш, кўнглида ҳечқандай қизиқиш йўқлиги, истак ва майлларнинг бешуурлиги, юракда шавқ қайнаб турган бўлсада, бема'ни ғам-ғусса ютиш ва хаста ҳол хаёлпарастлик қилишнинг боиси ҳам шудир. Текшираётганимиз романнинг автори бу зиддиятни ўзининг ажиб шоирона «фикр»ида\* жуда яхши ифода этган; унинг ифодаларида соф юракдан чиққан ғазаб, ҳаётбахш фикрлар, ҳайрон қоларлик тўғри идеялар жўш уриб туради. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун мазкур «Фикр»дан қўйидаги тўрт мисра' ше'рни эслатиб ўтмоқ кифоядир. Бу тўрт мисра'да ба'зи «ёзучи жаноблар»нинг<sup>19</sup> ўн икки томлик асаридан кўра кўпроқ ма'но бор.

Биздаги нафрат ҳам, муҳаббат ҳам тасодифийдир.

Ғазабланганимизда ҳам, севганимизда ҳам ҳечқандай машаққат ва риёзат чекмаймиз.

Қалбимиз жўш уриб қайнаган дамларда ҳам, қалбимизда муздек сукунат ҳукмрон бўлади!..

Печорин — олижаноб шоирнинг юраги жўш уриб қилган бу хитоби кўпроқ тааллуқли бўлган кишиларнинг биридир ва романнинг қаҳрамонига, замонамиз қаҳрамони деб ном беришга шоирни мажбур қилган нарсаси ҳам худди шу хитобнинг ўзидир. Бу шахснинг етарли даражада муайян бўлмаётганлиги, унинг сурати бадиий жиҳатдан етарли равишда яққол чизиб берилмаганлигининг сабаби ҳам шудир, лекин *бизнинг замонамизга* ўзи туғилган йил ва ой э'тибори блан эмас, балки бу замонга умуман мансуб бўлган барча кишилар учун бу шахснинг юксак даражада шоирона мароқли бўлиши ҳам, унинг бу кишиларда қолдирадиган қаттиқ қайғули таассуроти ҳам худди шундан

\* «Отечественные записки», 1839, № 1.

ҳосил бўлади... Лекин биз романнинг мазмунини баён қилиб бўлганимиздан кейин бу ҳақда яна гапирармиз.

Рақибларнинг маш'ум қасос олиш жойида учрашувларини автор даҳшатли ҳақиқат ва шоирона сан'ат блан кўрсатган. Печорин, ўз душманларининг номуссизлик блан ўйлаган ниятларини бузмоқ ва Грушницкийни қўрқувга солмоқ учун унга, қиё турган ердан баландлиги ўттиз саженча келадиган ва пастида қирралик тошлар бўлган қоя устидаги тор майдончада отишувни таклиф қилади. «Ҳарбиримиз (дейди у Грушинскийга) майдончанинг қоқ четида тураммиз; шундай қилинганда энг енгил яра ҳам ўлимга сабаб бўлади: бу сизнинг тилагингизга мос келиши керак, чунки олти қадамдан отишишни ўзингиз таклиф қилгансиз. Шундай, яраланган одам мутлақ пастга қулайди ва чил-чил бўлади; доктор ўқни чиқариб олганидан сўнг, бу кўққисдан содир бўлган ўлимни ножўя сакрашнинг оқибати деб айтиш осон бўлади. Қимнинг аввал отишни белгилаш учун чек ташлайммиз, шартимизнинг охирида шуни ҳам айтаманки, шундай қилмасак, мен отишмайман...» Грушницкий мушкул бир аҳволга солиб қўйилади, унинг юзи минут сайн ўзгариб туради. Энди ўзи, душманини енгил ярадор қилганда ҳам ёки душмани уни енгил ярадор қилганида ҳам, барибир, енгил яра блан қутулаолмас эди. Иккинчи томондан, у ё ҳавога отиши ё қотил бўлиши, ёнки разилона ниятидан қайтиши керак эди. Капитан Печориннинг талабига «майли!» деб жавоб беради ва Грушницкий ҳам бош силкиб розилик беришга мажбур бўлади. Броқ, у капитанни бир четга олиб чиқади ва унга куйиб-пишиб бирнималар деябошлайди. Печорин унинг кўкариб кетган лабларининг титраганини кўради ва капитаннинг ундан нафрат блан юзини ўгириб, анчагина баланд овоз блан: «Аҳмоқсан! Ҳечнимага тушунмайсан!» деган сўзларини эшитади.

Улар учбурчак майдончага чиқадилар. Қим аввал рақиб ўқига туриб берса, ўша киши майдонча бурчагининг четида орқасини жарга қилиб туришини шарт қилишади; бордию у ўлдирилмаса рақиблар ўринларини олмоштирадилар. Чек ташлайдилар — Грушниц-

кий олдин отадиган бўлади. Ҳарқайси жой-жойига бориб тургандан кейин, Печорин Грушницкийга, агар сиз менга ўқни тегизаолмасангиз, билиб қўйингки, менинг ўқим ҳавога кетмайди, дейди. Грушницкий қизаради: унда қуролсиз бир одамни ўлдириш фикри блан ўз разилона ниятини иқроқ қилишдан уялиши ўртасида кураш бораётгандек эди. Доктор яна Печоринга уларнинг ғаразини очиб ташланг деб маслаҳат беради, йўқса, ўзи очиб ташламоқчи бўлади. Печорин унинг қўлидан тутиб «Ҳечбир важла, доктор!..» — дейди.—«Бутун ишни бузасиз. Халақит бермаслик учун менга сўз бергансиз... Сизнинг нима ишингиз бор? Балки мен ўлишни истарман...» Доктор унга ажабланиб қараркан: «О, бу бошқа гап!.. «фақат у дун'ёда мендан шикоят қилманг...» деб жавоб беради.

Капитан тўппончаларни ўқлаб, бирини Грушницкийга беради ва унинг қулоғига нималарнидир шивирлайди; иккинчисини Печоринга беради. Печорин енгил ярадор бўлган тақдирда жарга ағанаб кетмаслик учун қўлини тиззасига тираб, бироз олдинга эгилади; Грушницкий бўздек оқариб, тиззалари қалтираб, тўппончани тўғрилайбошлайди ва пешонани нишонга олади; шу чоқ қўлидан на тузукроқ яхшилиқ ва на тузукроқ ёмонлик келадиган Грушницкийнинг заиф мижозлиги натижасида юз бериши муқаррар бўлган ҳодиса юз беради: Грушницкий бирдан тўппончани туширади ва бўздек оқариб, секундантга мурожаат қилади-да, бўғиқ бир товуш блан «отолмайман!» дейди. — «Қўрқоқ!» — дея жавоб беради капитан. Ўқ узилади. Ўқ келиб Печориннинг тиззасини сал тилиб кетади; Печорин жар бўйидан узоқлашиш учун ихтиёрсиз бир-неча қадам илгари босади. Инсон табиатининг хусусияти шундай мустаҳкам эканки, иззат-нафс туғ'ён қилганда ҳам, ирода кучи зўрайиб кетганда ҳам, улар ўзини муҳофаза қилиш каби табиий майлдан сра устун бўлолмас эканлар!..

Энди Печориннинг навбати келади. Капитан, кулгисини зўрға босиб, Грушницкий блан гўё хайрлашган бўлади. Печорин ҳозир ўз қаршисида бепарволик блан ўшшайиб, гўё кулгисини босиб турган, икки дақиқа

бурун эса уни ит каби ўлдирмоқчи бўлган рақибини кўргач, уни қандай ҳиссиётлар чулғганини тасаввур қилиш мумкин... Печорин, гуноҳни ўзидан соқит қилмоқ учун, Грушницкийга узр сўрашни таклиф қилади, лекин ундан мағрурона рад жавобини эшитгач, қуйидаги сўзларни, худди ўлим ҳукмини ўқигандак, баланд овоз блан чўзиб дона-дона қилиб айтади: «Доктор, бу жаноблар шошилишда менинг тўппончамга ўқ солишни унутган бўлсалар керак; илтимос қилман, янгидан яхшилаб ўқлаб беринг!» Капитаннинг жаҳли чиққан бўлиб, бўлмаган гап дейди, броқ Печорин, ундай бўлса худди шу шартлар блан сиз блан ҳам отишаман, деб уни мажбур қилиб қўяди. Грушницкий қат'ий бир гап айтиб, тўппончани ўқлаш лозимлигини билдиради. Капитан туфлаб ва ер тепиниб унга: «Аҳмоқ экансан, биродар, ғирт аҳмоқ! Ихтиёрингни менга топширган экансан, нима десам хўп деб тураверишинг керак... Энди ўзингдан кўр!.. Пашшадек ўлавер!..» дейди. Печорин Грушницкийга яна ўз туҳматларини қайтиб олишни таклиф қилади ва шу блан ўз да'восидан кечишини билдиради, ҳаттоки бир вақтлар дўст бўлишиб юрганликларини эсига солади. Бу ўринда автор душманларни яраштириш ва йўлдан озган одамни ҳақ йўлга солиш каби кишига та'сир қилучи манзарани тасвирлаб кўрсатмоғи ва бу блан ахлоқдан панду-насиҳат қилучиларни ҳамда ширингина таассурот олишни яхши кўрадиганларни юпантирмоғи учун жуда қулай пайтдан фойдаланиб қолиши мумкин эди; лекин одам табиатининг тилсимотдек беркиниб ётган сири-асрорларини шоирга онгсиз равишда очиб берган чуқур сан'аткорлик шавқи уни бу манзарани тамоман бошқа хилда ёзишга мажбур қилган; бу манзара жуда содда ва табиий бўлиб, ўзининг мудҳиш ва шафқатсиз ҳақиқатлиги ва ҳаяжонга келтиручи кучли таассуроти блан кишини ҳайратда қолдиради... Грушницкийнинг юзи қизариб, кўзлари чақнайди. «Отинг!»—деб жавоб беради:—«Мен ўзимдан жирканаман, сиздан эса нафратланаман. Агар сиз мени ўлдирмасангиз, мен сизни кечаси бир пасқамда сўйиб кетаман. Ер юзида бирга яшайолмаймиз...»

Дарҳақиқат, бу жуда ажойиб хусусият бўлиб, сан'аткор қаламининг дадил ва кучли ҳаракати натижасидир!.. Шунинг унутмангким, Грушницкийда фақат характер йўқ, лекин унинг табиатида бирмунча яхши томонлар ҳам бор эди, чунончи, у ҳақиқатан яхшилик қилишга ҳам, ҳақиқатан ёмонлик қилишга ҳам қодир эмас эди; броқ унинг иззат-нафси, таваккалбозлик қиладиган тантанали ва фожияли ҳолат унинг муқаррар эди. Иззат-нафс уни княжнани жуда яхши кўриб қолганига ва княжна ҳам уни яхши кўришига ишонтирган эди; иззат-нафси уни Печоринга рақиб ва душман деб қарашга мажбур қилган эди; иззат-нафси уни Печорин ша'нига қарши фитна қилишга аҳд қилдирган эди; иззат-нафси унга ўз виждонининг товушига қулоқ солишга ва фитнага иқрор бўлмоқ учун аввалги яхши дамларни эсга олишга йўл бермаган эди; иззат-нафси уни қуролсиз кишига ўқ отишга мажбур қилган эди, шундай қат'ий пайтда унинг жондилини бир нуқтага йиғиб қаттиқ аҳд қилдирган ва иқрор бўлиб жонни қутқазиб қолишдан кўра ўлиб кетишни унга ма'қул қилган ҳам худди ўша иззат-нафсининг ўзи эди. Бу одам бачкана иззат-нафс ва заиф мижозликнинг мужассам тимсолидир: унинг бутун кирдикорларининг асл сабаби ҳам шудир, унинг сўнгги иши, гарчи мардликдек бўлиб кўринсада, лекин аслда унинг мижози заифлигидан зоҳир бўлган эди. Иззат-нафс инсон қалбида улуғ бир дастакдир; у му'жизалар яратади!

Дун'ёда шундай одамлар борки, улар, худди бемалол чой ичиб ўтиргандай сра таб тортмасдан, ўз душманларининг ўқи дамига кўкрак бериб турадилар ва аммо жанг вақтида писиб араванинг тагига кирадилар...

Печорин сўқмоқ блан пастга тушиб келаётганида қоя ёриқлари орасида қонга беланиб ётган Грушницкий жасадини кўради ва ихтиёрсиз кўзларини юмади. У Кисловодскка қайтишда отининг жиловини бўшатиб ўз майлига қўяди. Чарчаган от устида ўзи ҳам чарчаб уйга келганида қуёш ботган бўлади. Уйга кел-

гач, иккита хат олади — биттаси доктордан, иккинчиси Верадан.

Доктор унга жасад келтирилганини, лекин олдиндан кўрилган эҳтиёт чоралари орқасида ҳечқандай гумон йўқлигини билдирган ва баҳузур ухлайверинг, агар... деган.

У иккинчи хатни очишга узоқ вақт жур'ат қилолмайди, оғир бир хис уни қийнайди ва правардида тўғри бўлиб чиқди.

Веранинг мактуби умрбод хайрлашувдан бошлади. Эри унга Печорин блан Грушницкийнинг уришиб қолганини айтган ва бу хабар Верани шу қадар ҳайрат ва ҳаяжонга солганки, ҳатто эрига нима деб жавоб берганини эслай олмаган; сўнгра гапнинг мазмунидан, у ўзининг махфий муҳаббатини эрига ошкор қилиб қўйганини пайқаган. Чунки эри уни ёмон бир сўз блан ҳақорат қилиб уйдан чиққан-да, каретани қўшишни буюрган. Мангу ажралиш фикри Верани ўзига фарқ қилиши натижасида, у Печоринга бўлган муносабатини тамоман очиб ташлаган; унинг мактубининг энг ажойиб ери мана будир:

«Энди мангу айриламиз; лекин амин бўлки, мен ҳечбир вақт бошқани севмайман: менинг қалбим ўзининг бутун хази-насини, бутун кўзёшлари ва умидларни сенга сарф қилиб битирди. Сенга бир карра кўнгил берган хотин бошқа эркаларга нафрат блан қарамай қолмайди, бу сенинг бошқалардан яхши эканлигинг учун эмас, зиҳор йўқ! Лекин сенинг табиатингда фақат ўзинггагина хос, аллақандай ғурурли, сирли бир ҳосият бор; сенинг овозингда, нима ҳақда гапирмагин, енгилмас бир ҳукмронлик бор: ҳечким сен каби доимо севгили бўлиб қололмайди; ҳечкимда ёмонлик шу қадар жозибадор бўлаолмайди; ҳечкимнинг қараши шу қадар завқ ва лаззат бераолмайди, ҳечким ўз устунликларидан шу қадар фойдаланаолмайди ва ҳечким сен қадар ҳақиқий бахтсиз бўлаолмайди, чунки ҳечким ўзини бунинг аксига ишонтириш учун шу қадар тиришаолмайди».

Мактубнинг охирида Печориннинг Мерини севмаслиги ва унга уйланмаслиги ҳақида шубҳали ишонч билдирилади. «Менга қара, сен шуни менга қурбон



қилишинг керак: ахир сенинг йўлингда дун'ёда ҳамма нарсадан айрилдим...» дейди.

Печорин чарчаб келган отини яна эгарлашга буюради ва телбаларча отга миниб Пятигорскка қараб чоптиради. Верадан ажралиш эҳтимоли хотирига келиб, Вера унинг учун дун'ёда ҳар нарсадан: жондан ҳам, бахт-саодатдан ҳам, номусдан ҳам азиз бўлиб қолади! Тақдир исканжаси ҳолдан кетиб тинч ва осойишталикда бўлган унинг қудратли табиатини ҳаяжонга солади ва ором олабошлаган ҳиссиётларини яна қўзғатади. Бу ўринда Пушкиннинг мана бу ше'ри беихтиёр эсга тушади:

Эй инсонлар! Ҳаммангиз бош онамиз Момо Ҳавога ўхшайсиз.

Берганга қаноат қилмайсиз: мудом шайтон васвасасига учиб, сирли дарахтга ёпишасиз.

Унинг та'қиқ мевасини емоқчи бўласиз, бусиз жаннатни ҳам жаннат ўрнида кўрмайсиз.\*

У отини раҳмсиз равишда чоптириб бораётганида, отнинг оғир-оғир нафас олаётганини ва қоқиниб кетаётганини сезади. Эссентукига беш чақиримча қолган, бу казаклар қишлоғига етиб олса бошқа отга миниши мумкин бўларди. Яна ўн минутгина юрса етиб олади, лекин от гурсиллаб йиқилади, ўлади... Печорин пиёда юриб кўрмоқчи бўлади, лекин кун бўйи тортган изтироблардан ва уйқусизликдан мадори кетиб, ҳўл кўкатлар устига йиқилади ва ёш боладек йиғлайди. Беҳуда умидсизлик натижаси бўлган зўраки мағрурлик, қуруқ матонат, киборлар жамиятининг фалсафасига хос сафсаталар — бариси йўқ бўлиб, жимиб қолади: ўз эҳтиросларидан ҳаяжонга келучи ва ички зиддиятларининг курашидан ларзага тушучи киши ғойиб бўлади-ю, кўз олдингизда бечора, ожиз бир гўдак қолади, холос; бу гўдак энди кўзёшлари блан ўз гуноҳларини ювмоқда; шу минутда, у сохта уятдан ҳоли бўлиб, на тақдирдан, на одамлардан ва на ўзидан шикоят қилади...

\* Ше'рнинг тўла ма'носини бериш учун наср блан таржима қилинди. — *Ред.*<sup>20</sup>

«Узоқ вақт қимирламай ётдим, аччиқ-аччиқ йиғладим, кўз-ёшларимни ва ичимдан чиққан фар'ёдни ўз майлига қўйиб бердим; кўкрак қафасларим ёрилар деб ўйладим; бутун саботим, бутун совуққонлилигим тутун каби тарқалди; руҳим кучдан кетди, муҳокамам сукут этди ва шу пайт мени биров кўрса, нафратла юз ўгириб олган бўлар эди».

Кеча шабнами ва шамоли унинг ўтдек ёнаётган калласини совутгач, у биргина аччиқ алвидо' бўсаси хотираларимни бойитадими, балки бу бўсадан сўнг ҳижрон яна баттарроқ оғирлашади, деб ўйлайди ва эрта блан соат бешда Қисловодскака қайтиб келади-да, ўзини ўринга ташлаб кечгача ўликдек қотиб ухлайди

Кечқурун доктор келиб унга княжна Лиговская асаби бўшашиб касал бўлиб қолганлигини, Грушницкий ўлимнинг ҳақиқий сабабларини бошлиқлар пайқаб қолганлигини ва эҳтиёт чораси кўриш зарурлигини билдиради. Дарвоқи', иккинчи кун эрта блан у юқори бошлиқлардан Н. крепостига жўнаш тўғрисида буйруқ олади ва бунда тақдир уни Максим Максимич блан учратади.

Жўнаш олдидан у хайрлашиш учун княгиня Лиговскаяникига киради. Княгиня, унинг менинг олдимга келишдан мақсади қизимга уйланмоқчи бўлганини изҳор қилиш бўлса керак, деб ўйлайди. Сўнгра бунда ажаб яхши тасвир қилинган кулгили бир манзара кўрсатилган: княгиня Печоринга луқма ташлаб, унинг Мерига бўлган муносабатидан хабардорлигини, уларнинг уйланишига қарши эмаслигини ва унинг қизига қилган ба'зи ғалати ҳаракатларини кечиришини билдиради. Княгиня узундан-узоқ монологини айтаркан, орада бирнеча бор хўрсилади ва чуқур нафас олади, ниҳоят йиғлаб юборади. Печорин ундан қизи блан холи сўзлашишга рухсат сўрайди, княгиня ноиллож рози бўлади.

Беш минут қадар вақт ўтди; юрагим қаттиқ урар, лекин фикрларим тинч, бошим совуқ эди; севимли Мерига қарши қалбимда нақадар муҳаббат учқуни изласам-да, лекин меҳнатим зойи' кетди.

Мана эшик очилди. У кирди. Ё раббий! Кейинги кўрганымдан бери нақадар ўзгарипти,— кўп бўлдим кўрмаганимга?

Уйнинг ўртасига келганда галдиради; мен ирғиб турдим ва қўлидан ушлаб, креслога қадар келтириб қўйдим.

Мен унинг рўпарасида турдим. Узоқ вақт сукут этдик; унинг бепоён ғусса ила тўлиқ шаҳло кўзлари гўё менинг кўзларимдан умидга ўшаш бир нарса ахтараётгандек кўринарди; сўлгин лаблари бекор кулумсирамоқ истарди; тиззасига қўйилган нозик қўллари шу қадар ориқ ва тиниқ эдики, раҳмин келди.

— Княжна,— дедим,— сиздан кулиб юганимни биласизми?.. Сиз мenden нафрат этишингиз керак.

Унинг бетлари касалларга хос бир равишда қизарди.

Мен давом этдим:

— Бу аҳволда сиз мени севолмайсиз...

У юзини ўгирди ва столга тирсақланиб, кўзларини қўли блан беркитди; менга кўзларида ёш ялтирагандек кўринди.

Эшитилар-эшитилмас бир овозда:

«Ё раббий!» деди.

Бу ҳол тоб келтириб бўлмайдиган бир тусга кириб бормоқда эди: яна бир минутгина давом этса, ўзимни унинг оёқлари остига ташлаган бўлар эдим.

Мумкин қадар қаттиқ бир овоз ва зўраки бир кулги блан:

— Хуллас, ўзингиз кўриб турибсиз,— дедим,— ўзингиз кўриб турибсиз: мен сизга уйланаолмайман. Башарти бунини ҳозир хоҳлаганингизда ҳам, кейин пушаймон бўласиз. Онангиз блан қилган суҳбатим мени шу қадар очиқ ва шу қадар қўпол бир равишда сизга изоҳ беришга мажбур қилди; у хато қилаётир деган умиддаман. Уни бу хатодан чиқариш сиз учун осон. Кўриб турибсизки, мен сизнинг кўзингизда энг аянч ва разил бир роль ўйнаётиман ва ҳатто бунини бўйнимга ҳам олаяпман; сиз учун қила билладиган яхшилигим фақат шугина. Менинг ҳақимда қандайин ёмон фикрда бўлманг, мен ҳаммасига бўйсунаман... Кўрдингизми, мен сизнинг олдингизда паст бир одамман... Башарти мени севган бўлганингизда ҳам, шу минутдан бошлаб мenden нафратланасиз, тўғри эмасми?..

У мен томонга ўгирилди, юзи мрамор каби оқарган, фақат кўзлари ғоят ажойиб бир тусда пирпирар эди.

«Сизни кўргали кўзим йўқ...» деди.

Мен ташаккур баён этдим ва ҳурмат блан та'зим қилиб, уйдан чиқдим.

Алдамчи ишқ ҳиссиётидан, ҳақорат қилинган иззат-нафасдан ва хотинлик ша'нининг таҳқир қилинишидан бу қадар ранж-алам чеккан бечора Мери-нинг бундай ниҳоясиз жозибали бир ҳолатда тасвир этилишини, унинг ҳарбир ҳаракати, овозидаги ҳарбир оҳанг та'рифига қалам ожизлик қиладиган гўзаллик ва ҳақиқат аломатлари блан юракда из қолдиришини, унинг аҳволи эса кишига жуда чуқур та'сир қилиб, юракни қаттиқ эзишини кўрсатадиган бу манзара тўғрисида яна бирон нима дейишнинг ҳожати борми?.. Йўқ, бу манзара мукамал бўлиб кўринмаган кишига бизнинг сўзларимиз ҳечнарсани тушунтириб бераолмайди.

Бир соатдан кейин Печорин курьер тройкасига тушиб Қисловодскдан жўнайди; йўлда отининг ўлигини кўради; эгари олинган, эгари ўрнида эса иккита қарға ўтирган бўлади... Печорин хўрсиниб юзини ўгиради...

Энди бу ерда, бу ғамгин крепостьда, ўтмишни кўп вақт фикран хотирлайман ва толи' менга очиб берган бу йўлга нечун оёқ босмадим? деб ўз-ўзимдан сўрайман; ахир у йўлда мени шовқинсиз севинчлар ва руҳий роҳатлар кутмоқда эди... Йўқ, мен бундай қисмат блан келишаолмас эдим! Мен қароқчилар кемасида туғилган ва ўша ерда ўсган бир матрос кабиман: унинг қалби тўфонларга, жангларга одатланиб қолган, уни тўфон қирғоққа чиқариб ташласа, серсоя ўрмонлар қанчалик ўзига тортмасин ва ҳаётбахш қуёш қанчалик нур сочмасин, барибир, у зерикади, дилхун бўлади: у кун бўйи соҳил қумларида юради, жўшқин тўлқинларнинг салмоқ блан чайқалишларига кулоқ солади, туманли олисларга тикилиб-тикилиб қарайди: у ерда мовий денгизни оқимтир булутлардан ажратиб турган уфқда, аввал балиқчи қуш қанотига ўхшаган, кейин эса, аста-секин тўлқин кўпикларидан айрилиб, бўм-бўш лиманга шахдам-шахдам сузиб келадиган қадрдон елканни кўришга тиришади...

Печорин журнали бу одамнинг бутун сири-асро-рини ва салобатини очиб берадиган ана шундай лирик жўшқинлик ва интиҳосиз поэзия блан тамом бўлади. Бэла воқиасида ҳам, Максим Максимич блан учрашганда ҳам ва Таманьда ўз бошидан кечирган

воқиаларни сўзлаб берганда ҳам бизни жуда қизиқтириб ҳаяжонга солган бу сирли одам мана энди бутун гавдаси блан кўз олдимизда турипти. Биз унинг ўзи орқали юрагидаги энг нозик сирларни, унинг турмушида бўлган ҳамма воқиаларни билиб олдик, энди у ўзи ҳақида ҳечқандай янги нарса айтишга қодир эмас. Аммо шуниси ҳам борки, биз «Княжна Мери» ни ўқибоқ, у блан ҳали видо'лашганимиз йўқ; у ўз кўзи блан кўрган ҳориқулудда бир воқиани ҳикоя қилиб берганда биз у блан яна бир марта учрашамиз. Биз бу ҳикояни батафсил баён қилмаймиз ва ундан парчалар ҳам кўчирмаймиз. Бир тўда офицерлар гурунгида шарқ фатализи\* ҳақида бахс бошланади ва ёш офицер Вулич тақдири азалининг йўқлиги ҳақида гаров боғлашни таклиф қилади; у деворга осиглиқ кўп тўппончалардан бирини олади, чақмоғига порох сепеди ва ўз пешонасига тўғри-лаб отади — отилмайди... Тўппонча ҳақиқатан ҳам ўқланганми — йўқми эканини билмоқчи бўлиб, фуражкани нишонга олиб отадилар, тутун тарқалгач, қарасаларки ўқ фуражкани тешиб кетипти. Печорин ўқ отилмасдан бурун Вуличнинг юзида ва овозида қандайдир ғалати ва сирли аломатни кўради-да, бу одамнинг тез вақтда ўлишига беихтиёр ишонч ҳосил қилади ва унга ўлимдан башорат беради. Дарҳақиқат, Вулич даврандан чиқиб кетгандан кейин қишлоқ кўчасида бир маст казак томонидан ўлдирилади. Яшасин фатализм! Бунда биз бирнеча сатрда нақл қилган воқиа романда анчагина ўринни ишғол қилган ва кишини қизиқтирадиган ҳикоя тарзида жуда яхши тафсилотлар блан баён қилинган. Қаҳрамоннинг характери айниқса яхши тасвирланган — уни кўз олдингизга яқинроқ келтирсангиз, Печоринга жуда ўхшаб кўринади. Печорин бунда иштирок қилучи шахс бўлиб, лекин ҳикоя қаҳрамонига кўра у кўпроқ кўзга ташланиб туради. Повестьнинг равишида унинг иштирок қилиш хусусияти, шунингдек қутурган казакни тутишда тақдирга тан бериб қилган жасорати

---

\* *Фатализм* — тақдири азалга, қисматга ишониш, *Тарж.*

унинг характерига оид ма'лумотларга ҳечқандай янгилик қўшмаса ҳам, ҳарҳолда бизга илгаридан ма'лум бўлган нарсаларни эслагади ва бу блан бутун романинг қайғули ва юракни эзучи битта таассуроти-ни яна кучайтиради. Таассуротнинг бундай кучайиши ҳикоянинг асосий идеясидир; бу идея фатализмдан, я'ни тақдири азалга ишонишдан иборат бўлиб, инсон фикрининг энг маш'ум хато йўлга киришларидан биридир; бу маш'ум хато йўл тасодифни заруратга айлантириб, одамни ахлоқий эрктан маҳрум қилади. Хурофий фикр Печориннинг ўз ҳолатидан яққол зоҳир бўлади, чунки у нимага ишонишини, нимага суяни-шини билмайди; шунинг учун энг маш'ум э'тиқодлар-га маҳкам ёпишиб олади; бу э'тиқодлар унинг тушкун руҳига лаззат бериб, уни ўз наздида оқлаб кўрсат-са — кифоя.

Хўш, қанақа одам бу Печорин?— Бунда биз автор томонидан Печорин журналига ёзилган «Сўзбоши» га мурожаат қилмоғимиз лозим.

Ҳечвақт билмаганим бир одамнинг ички сирларини ошкор этишга мени мажбур қилган сабабларни бироз бўлса ҳам изоҳлаб кетишим керак. Мен унинг дўсти бўлсам бошқа гап эди, чунки чин дўстнинг ичи қоралиги ҳаммага ма'лум, лекин мен уни умрим бино бўлиб фақат бир мартагина катта йўл устида кўрганман; демак менда унга нисбатан дўстлик парда-си остига яширилган ва сабабини англаиб бўлмайдиган душ-манлик йўқки, у ўлганда ёки бошига кулфат тушганда ўпка, кенгаш, мазах ва ачиниш тарзида юзага чиқишини кутиб турган бўлса».

Бу аччиқ гапларнинг сохта сафсата бўлишдан қат'и назар, уларнинг заҳарли бўлишининг ўзи уларда бирмунча ҳақиқат борлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, муҳаббат каби дўстлик ҳам чиройлик, хушбўй, лекин тиканакли қизил гулга ўхшайди. Ҳар-бир шахс гўё ўз табиатига кўра бошқа шахсга душман бўлиб, уни ўзича бошқадан яратишга тири-шади; ҳақиқатан ҳам, икки шахс бирлашиб қолса, иккови чунончи, бир-бирига ишқаланиб текисланади ва ўзгаради, бир-биридан олишиб ўз нуқсонларини

тўлғазади. Дўстликдаги ўзаро текширишнинг сабаби ҳам шу; бундай ҳирс қўйиш дўстинг бошига та'на-маломат, мазах ва афсус-надомат бўлиб ёғилади. Бунда иззат-нафс ўз ролини ўйнайди, лекин дўстлик болаларча меҳру-муҳаббатга ёки қандайдир юзаки алоқаларга асосланмай, балки ҳақиқий меҳру-муҳаббатга асосланган бўлса, ички инсоний ҳислар бунда ҳамиша ўз ролини бажаради. Автор дўстликда ёлғиз тиканларнигина кўради, аммо унинг хатоси фикрнинг нотўғрилигида эмас, балки бирёқламалигидадир. У, афтидан, бизнинг тушунчамизда ҳарқандай фикр ўз моментларига бўлиниб, паришон бўлиб кетадиган руҳий ҳолатда бўлса керак; бундай вақтларда бизнинг руҳимиз то бир нарсанинг ўзидаги зиддиятларни мақбул бир тарзда муросага келтиришнинг улuf жараёни учун етилмагунча, шу ҳолича қолабегари. Умуман, гарчи автор ўзини Печоринга тамоман бегона бир киши қилиб кўрсатса-да, лекин унга ғоят меҳрибон бир назар блан қарайди; бинобарин, уларнинг муҳитдаги нарсаларга қарашида ажиб бир ўхшашлик бор. «Сўзбоши» нинг қўйидаги сўзлари бизнинг фикримизни яна кўпроқ тасдиқлайди:

Ба'зи ўқучилар Печориннинг характери ҳақида, эҳтимол, менинг фикримни билмоқчи ҳам бўларлар. Менинг жавобим — бу китобнинг сарлавҳаси. Лекин ўқучилар «Ахир бу заҳарли киноя-ку!» деярлар: Невлай-да.

Шундай қилиб, «Замонамиз қаҳрамони» — романнинг асосий фикридир.

Бас шундай бўлгач, дарҳақиқат роман бошдан-оёқ заҳарли киноя ҳисобланиши мумкин, чунки ўқучиларнинг аксарият қисми, эҳтимол, «Қаҳрамон жуда яхши-ку» дерлар.— Хўш, айтингчи, унинг нимаси ёмон?— деймиз биз.

Сиз унинг ҳақида нега бу қадар илтифотсизлик блан фикр айтасиз?

Бунинг сабаби: биз сра тинмасдан ҳарнима тўғрисида жон қўйишимизми?

Жўшқин фикрлар эҳтиётсизлик блан айтилганда, разилона манманлик ё ҳақоратга қолиб, ёки кулги бўлишими?

Е ақлининг кенгликни истаб сиқишими?

Кўпинча биз қуруқ гап-сўзларни амалий иш деб билишимизми?

Бефаросат ва ёвуз кишиларнинг аҳмоқлигимиз?

Сипоҳ ва киборларнинг бема'ни гапларга ўч бўлишларими?

Еки фақат ма'рифатсизлик ва соддадилликнинг бизга муносиб бўлганлиги ва қўрқинчли эмаслигимиз?<sup>21</sup>.

Сиз, унинг э'тиқоди йўқ, деб унга қарши гапирасиз. Жуда соз! Ахир бу гап, гадойни, олтини йўқ, деб айблаш блан баравар-ку: гадойнинг олтини бўлса, жон дер эдику, лекин унга олтин насиб қилмаган бўлса, иложи қанча! Шунингдек, Печорин ҳам э'тиқодсиз бўлгани учун хурсанд деб ўйлайсизми; ажабо, у э'тиқодсизликдан мағрурми? Ажабо, у э'тиқодсизликдан жабру-жафо чекмадими, ахир? Ажабо, муяссар бўлишга ҳали вақт-соат етмаган бу э'тиқодни у ўз жонидан ва бахт-саодатидан кечиб бўлса ҳам олишга тайёр эмасмиди?.. Сиз уни худбин дейсизми?— Лекин бунинг учун у ўзидан жирканиб, нафратланаётирми, ахир? Ажабо, унинг қалби соф ва бетама' муҳаббатга ташна эмасми?.. Йўқ, бу худбинлик эмас: худбиннинг виждони қийналмайди, ўз-ўзини айбламайди, балки ўзидан рози, ўзидан мамнун бўлади. Худбинлик азоб чекишни билмайди: азоб чекмоқ ёлғиз муҳаббатга насиб бўлган. Печориннинг қалби тошлоқ тупроққа эмас, балки алангали ҳаёт ҳароратидан қуриб қолган ерга ўхшайди: баракатли ёмғир унинг азобланган бағрини юмшатиб, суғорсами,— бу ердан соф муҳаббатнинг чаман бўлиб барқ урган гуллари ўсиб чиқади... Ҳамма уни ёмон кўриши унга алам қилади ва уни қайғуга солади; хўш бу «ҳамма» ким ўзи? Булар унинг ўзларидан устун бўлиб юришини кўраолмайдиган ожиз ва нотавоғ кишилардир. Хўш, ҳозиргина унга ўқ отган ва унинг ўқсиз тўппончадан отишини безрайиб кутиб турган Грушницкий ўз туҳматларини иқрор қилиб қайтиб олса, Печорин ўзидаги сохта уятни, ўзидаги киборлик номусининг фар'ёдини ва ҳақорат қилинган иззат-нафсини босиб унинг гуноҳидан ўтишга тайёр тургани-чи? Хўш, чўлу биё-



бонда ўлган отнинг жасади ёнида унинг тўккан кўз ёшлари ва ҳўнграшларичи? — Йўқ, булар худбинлик эмас! Хўш, сиз айтингчи, унинг бечора бир қизни севмасдан туриб фақат уни эрмак қилиб юриш ва бирон нима блан машғул бўлиб бекорчи вақтини ўтказиш учун унга кўнглини совуқ тутиб, ҳамиша атайин ёлғондакам хушомад қилиб юриши-чи? Шунда-ю, лекин биз уни бундай ишлари учун оқламоқчи ҳам ва энг тоза ахлоқнинг намунаси ва ахлоқнинг олий даражали идеали қилиб кўрсатмоқчи ҳам эмасмиз: биз фақат шуни айтмоқчимизки, инсонни инсон деб билмоқ керак, бекаму-кўст ахлоқ фақат ўтмиш асрнинг классик трагедияларида ва ширин хаёл блан ёзилган ахлоқий романларида бор, холос. Одамга баҳо берилар экан, унинг қандай шароитда ўсганини ва тақдир иродаси блан қандай муҳитда яшаганини эътиборга олиб баҳо бермоқ керак. Печориннинг идеяларида сохта нарсалар кўп бўлиб, унинг ҳиссиётларида нотўғри тасаввур ҳам бор, лекин унинг олийжаноб табиати бу нуқсонларнинг ҳаммасини ювиб кетади. Кўп жиҳатлардан унинг ҳозирги ёмонлиги келажакдаги яхшилигидан дарак беради. Пароход тез юриб, табиат устидан зўр салобат блан тантана қилиб борганда сизнинг завқингиз келади-ку? Аммо кейин сиз, пароход ўз ғилдираклари тагига эҳтиётсизликдан тушган нарсаларни тегирмон тошидек янчиб ташлаганида, пароходнинг ҳамма фазилатини инкор қилмоқчи бўласиз: хўш, бу нарса ўз-ўзингга зид бўлишни кўрсатмайдими? Пароходнинг ҳавфи унинг ҳаддан ташқари тез юриши натижасидир, демак, ундаги нуқсон унинг фазилатидан ҳосил бўлади. Шундай одамлар ҳам бўладики, уларнинг юриш-туришлари, қилиқлари бекаму-кўст бўлса ҳам, улар кўзга жуда ҳунук кўринадилар, бунинг сабаби шуки уларда ўлимтуклик ва руҳ заифлиги аломатлари кўриниб туради. Улуғ одамларда ёмонлик кўринса, кишини ғазабга келтиради; аммо бу ёмонлик ўз жазосини тортгач, кўнглингизда шафқат ҳисси пайдо бўлади. Бу жазо сиртдан содир бўлмай, балки ёмонликнинг ўз натижаси бўлганидагина, яъни шахснинг ўзи таҳқир қилинган ахлоқий фазилатнинг

-абадий қонунларини оқлаб, ўз шахсиятини инкор қилган тақдирдагина, ма'навий руҳ тантана қилади. Текшираётганимиз романнинг автори Печоринни катта йўл устида учратганда, унинг сиртқи кўринишини тасвир қиларкан, кўзлари ҳақида бундай деб ёзади: «Ўзи кулиб турса ҳам, кўзлари кулмайди! Ба'зи одамларда бўладиган шундай ғалати хислатни кўрганмисиз?.. Бу ё ёмон хулқ ёки доимий чуқур ғам аломатидир. Ярим ёпиқ киприклар ичидан, агар шундай деб аташ мумкин бўлса, фосфор сингари аллақандай ёғду сочиб туради. У ўйноқи хаёл ёки юрак ўтининг шу'ласи эмас: у силлиқ пўлатнинг жилосига ўхшаб кўзни қамаштирадию, лекин совуқ; қараши — қисқа, лекин ўткир ва оғир, ножўя саволнинг ёқимсиз та'сирини қолдиради ва агар шу қадар бепарво-хотиржам туси бўлмаса, беҳаё кўриниши мумкин эди».— Шунисига тан бермоқ керакки, Печсриннинг бу кўзлари ҳам ва унинг Максим Максимич блан йўл устида учрашув манзараси ҳам, гарчи ёмон хулқ бўлиб кўринса-да, лекин тантана қилучи ёмон хулқ эмасдир; демак, ёмонлик эвазига қаттиқ жазо тортмоқ учун яхшилиқ учун туғилган бўлмоқ керак!.. Ма'навий руҳ тантанаси ёвуз кишилардан кўра, олийжаноб табиатли кишиларда катта та'сир блан содир бўлади...

Ваҳоланки бу роман, гарчи кишига кўпроқ киноядек бўлсада, аммо мутлақо заҳарли киноя эмасдир; бу роман ҳам шундай романлардан биридирки,

Бу асарларда ҳозирги аср ва ҳозирги замон кишиси жуда тўғри тасвирлангандир.

Унинг ахлоқсиз руҳи, бўш орзулар ва хаёлларга худбинлик блан беҳад берилганлиги, жаҳолат ва ғазабга тўлган мияси блан қуруқ шов-шув кўтариб гапонлик қилиши кўрсатилгандир.<sup>22</sup>

Ахлоқ ҳақида асарлар ёзучи бир «мусанниф» «Евгений Онегиннинг» еттинчи бобини таҳлил қиларкан, ёки тўғрироқ та'бир блан айтганда, сўкиб ёзаркан<sup>23</sup>, «ҳозирги замон одами жуда яхши одам-ку!» деб хитоб қилади. Урни келганда шуни айтиб ўтмоғимиз керакки, ўз асрининг намояндаси бўлган ҳозирги замондаги ҳарбир одам, нечоғлиқ ёмон бўлганда ҳам,

ёмон бўлаолмайди, чунки асрларни ёмон деб бўлмайди, бинобарин, ҳарбир аср инсоният ёки жамият тараққиётида зарурий момент бўлганидан, ҳечбир аср бошқа бир асрдан ёмон ҳам, яхши ҳам эмасдир.

Пушкин ўз Онегини ҳақида ўз-ўзига савол бериб бундай дейди:

У хавфли ва дардкаш бир савдойими?

Уни шайтон ёки тангри яратганми? Малонками у ёки иблис? Нима у ўзи?

Ажабо, тақлид қилинган бир нусхами, кўзга кўринмас бир шарпами ёки Гарольд либосини кийган бир москвалими?

Ажабо, ўзгалар кирдикорини та'бир этмоқ учун бутун луғатини янги чиққан сўзлар блан тўлдирган тақлидчи масхара-возми?<sup>24</sup>

Пушкин шу саволнинг ўзи блан муаммони ҳал қилади ва сўз топади. Онегин тақлид эмас, балки ин'икосдир; лекин у шоирнинг хаёлида эмас, балки ҳозирги замон жамиятида акс этган ин'икосдирки, бу жамиятни шоир ўз ше'рий романининг қаҳрамони орқали тасвирлаб кўрсатган. Европа блан яқинлашув бизнинг жамиятимизда алоҳида бир тарзда акс этмоғи лозим эди, шунинг учун ҳам Пушкин улуг сан'аткорга хос доҳиёна заковат блан бу ҳақиқатни Онегин орқали пайқаб олган. Броқ Онегин биз учун ўтмиш бир нарса бўлиб қолди, бу ўтмиш энди асло қайтиб келмайди. Агарда Онегин бизнинг замонамизда пайдо бўлса эди, у вақтда сиз шоир блан бирга бу саволни беришга ҳақли бўлардингиз:

У ҳали ҳам ўшами ёки шаштидан тушганми?

Е ўзини яна телбаликка соладими?

Айтингчи, у қандай бўлиб қайтибдир. Ҳозирча у бизга нима янгилик кўрсатмоқчи?

У ким бўлиб кўринмоқчи бўлади: Мельмот бўлибми, космополит бўлибми, ватанпарвар бўлибми, Гарольд бўлибми, динчи бўлибми ёки риёкор бўлибми кўринмоқчи бўлади?

Ёки юзига ўзга бир ниқоб тортиб манманлик қилмоқчи бўладими?

Ёки сиз ва мен каби, бутун жаҳон каби беозор хушфе'л бир киши бўлиб юрмоқчи бўладими?<sup>25</sup>

Лермонтовнинг *Печорини* бу саволларнинг ҳаммасига яхши жавобдир. Бу — замонамиз Онегини, *замонамиз қаҳрамонидир*. Улар орасидаги ноўхшашлик Онега блан Печора ўртасидаги масофадан хийла камроқдир. Ҳақиқий шоир ўз қаҳрамонига берган номда баъзан жуда маъқул бир зарурат кўриниб турадики, бу заруратни шоирнинг ўзи, эҳтимол, сезмай қолиши мумкин.

Бадий тасвирот жиҳатидан Онегинни Печорин блан сра таққослаб бўлмайди. Онегин бадий жиҳатдан Печориндан қанча юқори турса, Печорин идея жиҳатидан Онегиндан шунча юқори туради. Зотан, Печориннинг бундай афзаллиги Лермонтовга эмас, балки замонамизга тааллуқлидир. Онегин ким?— Поэмага берилган французча эпиграф бу шахснинг характеристика ва таърифни жуда яхши баён қилиб беради.

Petri de vanité il avait peu de cette espèce d'orgueil qui jait avouer avec la même indifférence les mauvaises actions suite d'un sentiment de supériorité peut — être imadinaire<sup>1</sup>. Фикримизча, Онегиндаги бу афзаллик сра хаёлий эмас эди, чунки у, «бегоналар ҳиссини ҳурмат қилар» ва «унинг қалбида мағрурлик ва чин номус ҳам бор эди». Романда Онегин тарбиядан ва киборлар доирасидаги ҳаётдан безган ҳамма нарсани бир сидра кўрган, ҳамма нарсани бир сидра тотиб билган, ҳамма нарсага бир сидра ишқи тушган киши сифатида намоён бўлади ва энди унинг бутун ҳаёти шундайки,

Қадимий ҳашам залда танҳо

Утиради эснаб бепарво.

Печорин бунақа эмас. Бу одам ўз ранж-аламларини бедард, бепарво кечираолмайди: у ҳаётга қаттиқ ҳирс қўйган, жон-жаҳди блан югуриб ҳамма ердан

<sup>1</sup> У шухратпарастликка жуда берилган эди, бунинг устига унинг алоҳида бир мағрурлиги ҳам бор эдики, бу мағрурлик уни, ўз афзаллигини (балки хаёлий афзаллигини) сезиш орқасида яхши ишга ҳам, ёмон ишга ҳам бир хил бепарво қарашга ундар эди.

ҳаёт излайди; у янглиш йўлларга кириб кетгани учун ўз-ўзини қаттиқ айблайди. Унинг кўнглига доим ҳархил масалалар ғулғула солади, уни безовта қилади, қийнайди ва ўз фикрида ҳал қилиш йўлини қидиради, я'ни қалбининг ҳарбир ҳаракатига қулоқ солиб кўради, ҳарбир фикрини таҳлилдан ўтказди. У ўзини ўз мушоҳадаси қизиқсиниб қарайдиган бир нарсага айлантиради, шунинг учун ўз тавба-тазаррусининг мумкин қадар самимий бўлишига ҳаракат қилар экан, ўзининг ҳақиқий камчиликларини рўйроқ қилиш блангина қаноатланмай, балки бунинг устига ўзида сра бўлмаган камчиликларни ҳам ўйлаб чиқаради ёки жуда табиий ҳаракатларига ҳам нотўғри баҳо бериб юради. Пушкиннинг ҳозирги замон кишисини қилган та'рифида Онегиннинг бутун борлиги ифодаланса, Лермонтовнинг мана бу ше'рларида Печориннинг бутун борлиги ифодаланади:

Биздаги нафрат ҳам, муҳаббат ҳам тасодифийдир.

Ғазабланганимизда ҳам, севганимизда ҳам ҳечқандай машаққат ва риёзат чекмаймиз.

Қонимиз жўш уриб қийнаган дамларда ҳам, қалбимизда муздек сукунат ҳукмрон бўлади!..

«Замонамиз қаҳрамони» — замонамиз ҳақида қай-гули фикр қилишдир; бу фикр ўз шоирлик ишини жуда олийжаноблик ва ғайрат блан яна бошлаб юборган шоирнинг фикрига ўхшайдик, биз ундан мазкур тўрт сатр ше'рни кўчириб олдик.\*

Лекин Печориннинг тасвиrotи форма жиҳатидан мукамал бадиий тасвиrot эмасдир. Броқ, бунинг сабаби авторнинг таланти кам бўлганидан эмас, балки бунинг сабаби автор томонидан тасвир қилинган характернинг, биз юқорида андак шама қилиб ўтганимиздек, унинг ўзига яқин бўлишидир, шунинг учун ҳам автор бу характерни ўзидан четлатиб уни об'ектив бир тарзда тасвир қилишга қодир эмас эди. Бизнинг бу сўзларимизни ҳечким жаноб Лермонтов романини

---

\* Бунда гап Лермонтовнинг «Дума» («Фикр») деган ше'ри устида бораётир. — *Тарж.*

унинг таржимайи ҳолидан иборат қилиб кўрсатмоқчи бўлипти, деб тушунмаслигига ишонамиз. Шахсни субъектив тарзда тасвир қилиш таржимайи ҳолдан иборат бўлабермайди: Шиллер, гарчи *Карл Моор* орқали ўз инсоний идеалларини ифода қилган бўлса-да, лекин ўзи қароқчи эмас эди. Франгаген, Онегин блан Ленскийни Жан-Поль Рихтер асаригади Вульт блан Вальтнинг биродарлари деса бўлади, я'ни шоирнинг табиати ўзгариб, балки у ўзидаги икки хил ички хусусиятини шу икки жонли вужудда гавдалантирган дир, деса бўлади, деб жуда соз гапни айтган эди.<sup>26</sup> Бу тўғри фикр-у, лекин бу шахсларнинг ҳаётидан шоирнинг ҳаётига ўхшайдиган хусусиятларни излаш беҳудадир.

Печориннинг муайян бўлмай қолиши ҳамда унинг характерини тасвирлашни тез-тез чалкаштириб турган зиддиятларнинг сабаби ана шудир. Ма'лум бир характерни тўғри тасвирламоқ учун ундан ўзни батамом ажратиш керак. Ундан юқори турмоқ керак, бу характерга тугал бир нарса деб қарамоқ керак; лекин, такрор айтамикки, Печориннинг яратилишида бу ҳол кўринмайди. У, романнинг бошида бизга қандай номукамал ва ноаниқ бир вужуд бўлиб кўринган бўлса, худди шу ҳолича кўзимиздан ғойиб бўлади. Шу сабабдан романнинг ўзи *ҳиссиёт* бирлиги блан кишини ҳайратда қолдирса-да, лекин *фикр* бирлиги блан кишига заррача та'сир қилмайди ва бадиний асарни ўқиб чиқиши блан ўқучининг хаёлида беихтиёр пайдо бўладиган ва унинг диққатини беихтиёр ўзига жазм қилиб оладиган истиқболдан бизни маҳрум қилади.

Бу романда, Гётенинг «Вертер» романидаги каби, қандайдир ешилмаган, охиригача айтилмаган бир нарса борга ўхшайди, шунинг учун ҳам у қандайдир оғир таассурот қолдиради. Лекин жаноб Лермонтов романнинг қиммати ҳам унда шундай камчиликнинг бўлишидадир: ше'рий асарларда баён қилинадиган ҳозирги замонга доир масалалар шунақа бўлади; бу дардалам фар'ёдидир, аммо дард-аламни енгиллаштирадиган фар'ёддир...

Романи бошдан-оёқ бир-бирига боғлаган нарса ҳам идеялар эмас, балки худди шу ҳиссиёт бирлиги-

дир. «Онегин»да ҳамма қисмлар узвий равишда боғланган, чунки Пушкин ўз романи учун танлаган доира ичида ўз идеясини охиригача батамом ифодалаган, шунинг учун бу романнинг бирон қисмини ўзгартириб ҳам, олмоштириб ҳам бўлмайди. «Замонамиз қаҳрамони» катта бир доира ичида, я'ни романнинг номи ва бир қаҳрамон доирасида жойлаштирилган бирнеча доирачалардан иборатдир. Бу романнинг айрим-айрим бўлаклари ички зарурат талаби блан ва унга мувофиқ қилиб, жой-жойига қўйилган; лекин бу бўлақлар гарчи бир кишининг ҳаётидаги айрим воқиалардангина иборат бўлса-да, шунга қарамай, улар бошқа бўлақлар блан алмаштирилиши мумкин, чунки крепостьда Бэла блан бўлган воқиани ёки Таманьда бўлган воқиани, қаҳрамон ўша бир кишининг ўзи бўлгани ҳолда, бошқа жойда, бошқа шахслар блан кўрсатиш ҳам мумкин эди. Шундай бўлишига қарамай, авторнинг асосий фикри уларни бир бутун қилиб кўрсатади ва «Бэла», «Максим Максимич» ва «Тамань» ҳикоялари айрим-айрим олинганда юқори даражадаги бадий асарлар бўлишидан қат'и назар, улардан битта кучли таассурот ҳосил бўлади. Бэла, Азамат, Қазбич, Максим Максимич ва Таманьдаги қиз ажиб сан'аткорлик блан айнан ўзгинаси чизиб берилган шахслардир! Булар шоирона тафсилотлар блан, шоирона ранг ва бўёқлар блан жуда ажойиб гавдалантириб берилган! Лекин «Княжна Мери», айрим повесть тарзида, бошқа повестьларга қараганда бадий жиҳатдан пастдир. Ундаги шахслардан ёлғиз Грушницкий ҳақиқатан бадий суратда яратилган. Отлиқ аскар капитани, гарчи аҳамияти камроқ бир шахс сифатида орқароқда кўринса-да, тасвирда мисли йўқдир. Лекин иштирок қилучи хотинлар бошқаларга қараганда бўшроқ тасвирланган, чунки авторнинг субъектив қараши хотинларда алоҳида акс этган. Веранинг қиёфати айниқса номуайян бўлиб, кўзга кўринмай қолади. Бу ҳақиқий хотин кишига эмас, балки масхара қилиб кўрсатилган хотинга ўхшайди. Сиз унга эндигина қизиқсиниб жазм бўлабошлаганингизда, автор жуда бесўнақай бир иш қилади-да, бу блан сизнинг рағбатингизни ва ихлоси-

нгизни қайтариб қўяди, Веранинг Печоринга муносабати муаммога ўхшайди. Ба'зан у сизнинг кўзингизга идрокли, чексиз севишга қодир, вафодор ва фидокор бир хотин бўлиб кўринади; ба'зан эса сиз унда заифликдан бўлак ҳечнарсани кўрмайсиз. Хотин кишига хос мағрурлик ва ўзининг хотинлик қадри-қимматини баланд тутиш каби хислатлар Верада етарли эмаслиги айниқса сезилиб туради, ҳолбуки бундай хислатлар хотин кишининг қаттиқ ва астойдил севишига монид бўлолмайди, аммо бу хислатлар ҳақиқатан идрокли хотинга ўз муҳаббатини сир сақлаб юришга ҳамиша йўл қўймаса керак. Вера Печоринни севгани ҳолда, иккинчи мартаба қари бир кишига эрга тегаети, демак у қандайдир бир мақсадни кўзлаб шундай қилади: у, Печоринни деб аввалги эрига хиёнат қилади, сўнгра иккинчи эрига ҳам хиёнат қилади, унинг бундай хиёнати ишқининг зўридан эмас, балки кўпроқ заифлигидан келиб чиқаети. У Печориндаги олийжаноб табиатнинг шайдоси бўлиб қолган ва унинг бу шайдолигида қандайдир қулларча итоаткорлик бор. Вера шундай қилиқлари натижасида авторни ўзига қаттиқ жазм қилолмайди ва унинг хаёлидан бир шарпа каби ўтиб кетаети. Княжна Мери яхшироқ тасвирланган. Бу қизда ақл-идрок ҳам, ҳис-туйғу ҳам бор. Болалар та'бири блан айтганда, бу қизнинг кибр-ҳаваси бирмунча баланд эди: у ишқи тушган кишини севиш блангина қаноатланмасди, балки албатта бу одам бахтсиз бўлиб, қалин кулранг солдат шинели кийиб юришини истарди. Печорин уни осонлик блан авраб қўлга киритиб олабилар эди. Бунинг учун ўзини маҳкам тутиб, сир бермасдан юриш ва қўрс бўлиш кифоя эди. Княжна, Грушницкийга қараганда, беқиёс даражада юқори турса-да, лекин унинг хулқи Грушницкий хулқига бирмунча яқинроқдир. Княжна ўзини алдаттириб қўядию, аммо алданганини билгач, хотин киши сифатида, ўзининг ҳақорат қилинганини чуқур ҳис қилади ва бу ҳақоратнинг қурбони бўлиб, бир сўз демайт, ич-ичидан ғусса ютади, ва лекин ўзини хўрлаб ёлбормайди. Унинг охирги марта Печорин блан учрашув манзараси унда раҳм-шафқат ҳиссини уйғотаети ва унинг образига поэ-



зия нурларини сочади. Броқ, шундай бўлишига қарамай, унда қандайдир айтиб тамом қилинмаган бир нарса бордек туюлади; бунинг сабаби шуқи, княжна блан Печорин ўртасидаги тортишув тўғрисида учинчи шахс, я'ни автор ўз ҳукмини айтмаган.

Лекин бадиий жиҳатдан шундай камчиликлари бўлишига қарамай, повестьда бошдан-охир поэзия барқ уриб туради ва кишини ғоят қизиқтиради. Ундаги ҳарбир сўз жуда чуқур ма'нолидир, ундаги умумий қоидага зид бўлган ҳикматли назариялар жуда ибратлидир, ундаги ҳарбир фикр жуда қизиқтирарлик равишда жонлантириб тасвир этилган! Повестьнинг услуби дам чақмоқдек яшнайти, дам қиличдек кесади, дам бахмал устига сочилган дурга ўхшайди! Повестьнинг асосий идеяси фикр ва ҳис қилишга қобил бўлган ҳарбир кимсанинг қалбига шу қадар яқиндирки, *шундай кишилардан* ҳарбирининг фикри бу повестьда баён қилинган фикрларга нечоғлиқ қарама-қарши бўлишига қарамай, у киши бу повестьда ўз дилининг роз-изҳорини кўради.

Автор Печорин журналига ёзган «Сўзбоши»сида жумладан бундай дейди:

Мен бу китобга Печориннинг фақат Кавказдаги ҳаётинигина киритдим. Менинг қўлимда унинг бутун саргузаштлари ёзилган қалин бир дафтар қолди. Бир кун эмас бир кун у ҳам ўқучилар муҳокамасига тушар; лекин ҳозир мен мас'улиятни ўз устимга ололмайман.

Бундай яхши ва'даси учун авторга ташаккуримизни билдирамиз, аммо унинг бу ва'дасини бажаришга кўзимиз етмайди, негаки, автор ўз Печоринидан абадий жудо бўлганлигига имонимиз комилдир. Гёте-нинг ўз хотираларида, руҳий ҳолатим оғир бўлган вақтда миямда туғилган «Вертер» ни ёзиб бўлганимдан кейин, ундан халос бўлдим, натижада ўз романимининг қаҳрамонидан шу қадар узоқлашиб кетибманки, ғайратли ёшлар бу романни ўқиб завқ-шавқлари ошиб юришларини кўриб кулгим қистайди, деб иқроор қилиб айтган гаплари бу ишончимизни яна мустаҳкамлайди... Шоирнинг олийжаноб табиати ана шундай,

у ҳарқандай тубанлик ҳолатидан ўз кучи блан халос бўлиб чиқади ва оламнинг гуркираб жонланиб турган янги ҳодисаларига, шон-шарафга, тўла ижодиётга қараб отилади... У ўз хусусий дард-аламларини об'ективлаштириш йўли блан бу дард-аламларидан халос бўлади: я'ни ўз руҳининг носоз оҳангларини шоирлик оҳангларига солиб, ўзига яқин бўлган мангу, оҳангдошлик муҳитига яна киради... Башарти жаноб Лермонтов ўз вадасини бажарган тақдирда ҳам, имонимиз комилки, у бизга таниш бўлган, биз унинг ҳақида ҳамма гапимизни айтиб тамом қилган эски Печоринни эмас, балки бутунлай янги Печоринни намоён қиладики, бу янги Печорин ҳақида яна кўп нарсалар айтиш мумкин бўлади. Эҳтимол, у бизга Печоринни ахлоқи тузалган, ахлоқ қонунларини тан олган киши тарзида кўрсатар, лекин кўрсатганда ҳам ахлоқ олимларини юпантирадиган тарзда эмас, балки уларни яна баттарроқ жаҳлга миндирадиган тарзда кўрсатар; эҳтимол, у Печоринни ҳаётнинг ма'қуллигини ва лаззатини э'тироф қилишга мажбур этар; лекин шунда ҳам у, даҳшатли курашда кўп куч сарф қилиб, бу курашда шафқатсиз бўлганим учун шундай бахтга муяссар бўлдим деб тушунмаслигига ҳамда бу ма'қул ҳаёт ва унинг лаззати унга сра nasib бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдирмоқ учун шундай қилар... Балки у шундай бир нарса қиларки, Печоринни қувноқ ҳаётга шерик қилиб қўяр ва ҳаётнинг қаҳри қаттиқ ҳикматлари устидан тантана қилучи ғолиб сифатида майдонга чиқарар... Броқ қандай бўлмасин, ҳарҳолда Печорин ўз гуноҳини мазкур хотинлардан бири орқали юваоладики, Печорин ботин кўзи блан қараб эмас, балки ҳаётида орттирган зиғирдек тажрибасига асосланиб, бу хотинларнинг яшашига мутлақо ишонгуси келмас эди... Пушкин ҳам ўз Онегинини шундай қилган эди: Онегин юз ўгириб рад қилган хотин уни ўлим уйқусидан уйғотиб гўзал ҳаётга чиқзади, лекин у, Онегинни бахтиёр қилиш мақсадида эмас, балки Онегин севги ва ҳаётнинг сирлигига ҳамда хотин кишининг қадри-қимматига ишонмагани учун, унинг та'зирини бериш мақсадида шундай қилади...





## ПОЭЗИЯНИНГ ХИЛ ВА ТУРЛАРГА БЎЛИНИШИ\*

Поэзия сан'атнинг олий туридир. Ҳарқандай бошқа сан'ат ўз ижодий фаолиятида кўриниши учун восита бўлган материал блан ма'лум даражада сиқилган ва чегараланган ҳолда бўлади. Архитектура асарлари, ё бир буюк бутунлик ташкил этучи қисмларининг гармонияси блан, ёки ўз формаларининг улуғлиги ва дабдабаси блан бизни ҳайратда қолдиради, ўткир қиррали учлари само сари бизнинг руҳимизни юксалтиради. Лекин уларнинг руҳимизга қилган та'сири шу блан чекланади. Бу — фақат,

\* Адабиётимизнинг ёшлиги ва рус жамиятининг адабий ма'лумоти гўдаклигига қарамасдан, бундан йигирма йил аввал бизда кучли танқидий ҳаракат бошланди ва бу ҳаракат кунсайин кучайиб бормоқдадир. Журналларда (илгари ҳатто алманахларда ҳам) танқидий тус, руҳ ва оқимда бўлган озми-кўпми ажойиб мақолалар доимо кўриниб келди ва кўринмоқда. Бизнинг адабиётимизда танқидчи бўлиб шуҳрат қозонган бирнеча номни кўрсатиш мумкин. Халқ журналлардаги танқидларни, таҳрирларни ҳам нафис адабиёт повестларини ва бошқа асарларини ўқигани сингари завқ блан ўқийди. Қисқаси, журналларимиз ва адабиётимизнинг ҳаётини танқид ташкил қилади. Бу факт таскин берарликдир: бу нарса эстетик ма'лумот олиш, нафислик қонунларини англашга жонли интилиш, ватан адабиёти асарларининг фазилатини ва унинг ходимларининг қадр-қиммати даражасини мувофиқ бир йўсинда англаш учун жами-

шартли символизмдан абсолют (мутлақ) сан'атга интилишдир; бу ҳали тўла ма'нодаги сан'ат эмас, фақат сан'атга интилиш ва унга биринчи қадамдир; бу ҳали бадий формада ўз ифодасини топган фикр эмас, фақат фикрга ишора қилучи бир бадий формадир. Скульптура соҳаси кенгроқ, қараганда унинг воситалари бойроқдир, у инсон танаси шаклларининг

ятда жонли эҳтиёж борлигини кўрсатади. Аммо булар ҳаммаси ҳали қаноатлантирмайди, бу фақат бир эҳтиёждир, бу яна ҳам муҳимроқ эҳтиёжни — нафислик қонунларини системали суратда билишни ва бунга асосланган ватан адабиёти тарихини системали равишда ўрганишни кўрсатади. Ҳолбуки, бу бобда бир-қанча уринишлар бўлишига қарамай, бизда бу эҳтиёжни озгина бўлсада қониқтирадиган битта ҳам китоб йўқ. Бизда шу чоқ-қача чиққан бундай асарларнинг қаноатлантирарлик эмаслигига асосий сабаб — фикр юритишининг етишмаслиги, система йўқлиги, дун'ёқарашлар ва тушунчаларнинг ўзбошимчалиги, эскириб қолганлигидир.

Еш адабиётчилардан бири бўлган Белинский жаноблари рус адабиётидаги бу муҳим камчиликни мумкин қадар йўқотишга ҳавас қилиб, кўпдан бери ўзининг фикрини банд этган мақсадга — рус адабиётининг танқидий тарихини ёзишга қарор берган; Ватан адабиётини севгани, кўпдан буён унинг тараққиёт йўлини диққат блан мушоҳида қилгани ва бу тўғрида етарли даражада маълумотга эга бўлгани учун,— ўзининг бу асарини муваффақиятсиз чиқмас, деб умид қилиши мумкин, лекин унинг асари рус тилида бундай асарлар ёзишда биринчи тажриба бўлади, албатта. Кўрсатилган сабаблардан ташқари, уни бу асарни ёзишга ҳаваслантирган нарса, адабиётимизда шу маҳал-гача айланиб юрган ҳамма идеялардан оригинал ва бутунлай ўзгача фикрларини, нафосатга ва рус адабиётига доир турли журналларда босилган айрим мақолаларидаги идеяларини махсус бир китобда системали суратда ёзиб, халққа тақдим қилиш орзусидир. Унинг китоби «Рус адабиётининг назарий ва танқидий курси» деган умумий ном блан чиқади ва асосий фикр бирлиги, систематик ёзув блан бир-бирига зич боғлангани ҳолда, мана шу қисмларни ўз ичига олади: *Умумий муқаддима; Эстетика* (умуман сан'ат идеясининг тараққиёти ва қисман поэзия назарияси); *Рус ше'рий вазвлари назарияси; Умуман адабиёт назарияси; Умуман халқ поэзиясига қараш, Рус халқ поэзияси ёдгорларига танқидий қараш* («Игорь жангномаси ҳақида» эпик ва лирик мазмундаги рус қўшиқлари); *Рус ёзувининг бошланишидан тортиб то Пётр великий замонасигача бўлган ёдгорларга тарихий қараш. Кантемир ва Ломоносовдан бошлаб Карамзингача, Карамзиндан Пушкингача ва Пушкиндан то 1841-нчи йилгача бўлган рус китоб адабиётининг тарихи; Рус адабиётига умумий қараш, келажак умидлари, хулоса.* Бадий асарларнинг

гўзаллигини ифодалайди, инсон юзидаги фикр кўланкаларини кўрсатади; лекин у юздаги фикрнинг бир пайтини, тандаги (attitude) бир вазиятнигина тутиб олади. Шу блан бирга скульптуранинг ижодий фаолияти инсоннинг бутун симосини қамрайолмайди, балки инсон танасининг ташқи шакллари блангина чегараланади, эркак кишиларда фақат мардлик, улуғворлик ва кучни, хотинларда гўзаллик ва нозикликни ифода қилади. Рассомлик сан'ати бутун инсонни, ҳатто унинг ички руҳий дун'есини ҳам ўз ичига олади; аммо рассомлик ҳам, ҳодисанинг фақат бир пайтини қамраш блан чегараланади. Музыка эса, энг кўп, руҳнинг ички дун'есини ифода этучидир; лекин музыка ифода қилган идеялар товушлардан (садолардан) айрилмайди, товушлар руҳга кўп нарса берса ҳам, ақлга ҳечнимани очиқ ва аниқ қилиб айтмайди. Поэзия эркин инсон сўзида ифодаланади, сўз эса—ҳам товуш, ҳам картина ҳам аниқ ва равшан айтилган тасаввурдир. Шунинг учун поэзия бошқа сан'атларнинг ҳамма элементларини ўз ичига олади, бўлак сан'атларнинг ҳарбирига айрим равишда берилган ҳамма воситалардан бирваракай ва тўла суратда фойдаланади. Поэзия сан'атнинг бир бутунлигини ва унинг бутун тузилишини кўрсатади ва сан'атнинг ҳамма томонларини қамраб,

---

ва нима сабабандир диққатга лойиқ бўлган беллетристик асарларни ҳам муфассал равишда танқидий кўздан кечиришдан бошқа, «Рус адабиётининг назарий ва танқидий курси»да, адабиётга яхши ёки зарарли, оз ёки кўп та'сир кўрсатган ва лойиқ ёки нолойиқ равишда машҳур бўлган вақтли нашриёт тарихига,— журналистика бошланишидан тортиб «Москва журнали» ҳам Қарамзиннинг «Европа ахбори»га қадар, ва улардан тортиб то ҳозирги замон нашриёти тарихигача, барчасига тўла диққат қилинади.

Тақдим қилинган мақола эстетикадан бир парчадир; бу парча бир жиҳатдан бутун бир асар намунаси бўлиб хизмат қилади. Адабиёт тарихидан «Ватан мактублари»га ҳам бир-икки парча киргизилади.

Китоб 1842-нчи йил бошида чиқади, компакт нашрда ўттиз листдан ортиқроқ бўлади, катта нимчоракли, икки стунда, ўрта ва майда ҳарф блан босилади. Петербург китобфурушларидан бири нашр этишга ва'да қилмоқда.

унинг ҳамма очик ва аниқ айирмаларини ўз ичига олади.

I. Поэзия идеянинг ма'носини ташқи кўринишда ифодалайди ва ма'навий оламни бутунлай аниқ, пластик образларда уюштиради. Бунда ҳамма ички ма'но юзага чиқади ва бу икки томон — ички ва ташқи томонлар — бири-бирдан айрим ҳолда кўринмайди, броқ бевосита жам' ҳолида олганда улар аниқ реалликни — *воқиани* гавдалантиради. Бу ерда шоир кўринмайди; пластик-муайян дун'ё ўз-ўзидан тараққий этади, шоир эса ўз-ўзидан вужудга келган ҳодисанинг фақат ҳикоячиси бўлиб қолади. Бу *эпик* поэзиядир.

II. Ҳарбир ташқи ҳодисадан аввал тилак, орзу, ният, хуллас — фикр туғилади; ҳарбир ташқи ҳодиса ички, яширин кучларнинг фаолияти натижасидир: поэзия воқианинг мана шу иккинчи, ички томонига, бу кучларнинг туб негизига кириб боради, ташқи реаллик, воқиа ва хатти-ҳаракат ана шу кучлардан ўсиб чиқади, бунда поэзия янги ва қарама-қарши турда кўринади. Бу суб'ективлик салтанати, бу ички дун'ё, ўз ичида қолучи ва ташқарига чиқмайдиган ташаббуслар дун'ёсидир. Бунда поэзия ички элементда, туйғу ва онг доирасида қолади; бунда руҳ ташқи реалликдан ўтиб яширинади, ташқи оламни ўзида акс этдирган ички ҳаётнинг мислсиз жилваларини поэзияга ҳад'я қилади. Бунда шоирнинг шахсияти биринчи ўринда туради, биз ҳамма нарсани фақат, у орқалигина қабул қиламиз ва англаймиз. Бу *лирик* поэзиядир.

III. Ниҳоят, бу икки хил туркум ажралмас бир бутун бўлиб бирлашадилар: ички ҳодиса ўз ичида қолишдан тўхтайдилар ва ташқарига чиқади, амалда ўзини кўрсатдилар: ички, идеал (суб'ектив) ҳодиса ташқи, реал (об'ектив) ҳодиса бўлиб қолади. Эпик поэзияда бўлгани сингари, бунда ҳам турли суб'ектив ва об'ектив кучлардан чиқиб келучи белгили, реал ҳаракат тараққий этади; лекин бу ҳаракат энди соф ташқи характерга эга бўлмайди. Бунда хатти-ҳаракат, воқиа бизга бирданга ва тайёр ҳолда кўринмайди, биздан яширинган ишлабчиқариш кучларидан чиққан, ўз ичида эркин бир доира чизган ва кейин ўз ичида таскин топ-

ган воқиа сифатида кўришмайди,—йўқ, бу ерда биз бу хатти-харакатнинг индивидуал иродалар ва характерлардан бошланиш, келиб чиқиш процессини кўрамиз. Иккинчидан, бу характерлар ўз ичларида бекиниб қолмайди, балки узлуксиз равишда ошкор бўлади ва ўз руҳининг ички мазмунини амалий манфаатда очади. Бу, поэзиянинг юқори даражаси ва сан'атнинг гулдас-тасидир, бу драматик поэзиядир.

Поэзиянинг уч хилининг ҳарбирига умумий ва қис-қача обзор қилгандан сўнг, энди уларни бир-бири блан таққослаш орқали, чуқур ма'ноларини кенг равишда очиб ташлаймиз.

*Эпик* ва *лирик* поэзия ҳақиқий дун'ёнинг икки абстракт томонидирки, улар бир-бирларига батамом қарама-қаршидирлар; драматик, поэзия эса бу қарши томонларнинг жонли ва мустақил учинчи бир нимага бирлашувидир.

Эпик поэзия ўз-ўзига, шоирга ва ўз ўқучисига нисбатан асосан об'ектив, ташқи поэзиядир. Эпик поэзия *мавжуд* дун'ё ва ҳаётни кузатишни, уларнинг ўзларига нисбатан, ёки уларни кузатучи шоир ва китобхонга нисбатан бутунлай лоқайд ҳолда бўлишларига қарамай, мана шу дун'ё ва ҳаётни кузатишни ифода этади.

Лирик поэзия, аксинча, асосан *суб'ектив*, ички поэзиядир, шоирнинг ўз ифодасидир. «Лирик поэзияда,— дейди Жан-Поль Рихтер,<sup>1</sup> — сан'аткор — картина, яратучи эса ўз асарни бўлиб қолади». Эпик поэзияни— архитектура, ҳайкалтарошлик ва рассомлик сингари сан'атларга ўхшатиш мумкин; лирик поэзияни фақат музыка блан солиштириш мумкин. Ҳатто шундай лирик асарлар борки, уларда поэзияни музикадан айриб туручи чегара қарийб йўқолиб кетади. Масалан, кўпгина рус халқ кўшиқлари халқ эсида қолади, бунинг сабаби уларнинг мазмунида эмас (чунки уларда қарийб мазмун йўқ), улардаги сўзларнинг ма'носида эмас (чунки бу сўзларнинг қўшиливи қарийб ҳарқандай ма'нодан маҳрумдир ва грамматик ма'нода олганда эса ҳечқандай мантиқийлик йўқдир), аммо бу кўшиқлар, сўзларнинг қўшилиши натижасида пайдо бўлган садоларнинг мусиқийлиги, ше'рларининг вазни ва қуйидаги

оҳангдорлиги блан, ёки оддий одамлар айтганидек, ўз «товуши» блан эса сақланиб қолади. Бошқа лирик пьесалар, оддий ма'нодан маҳрум бўлмасалар ҳам, алоҳида ма'нога эга бўлмай, ўз ше'рларининг ёлғиз оҳангдорлиги блангина чексиз мутлақо оддий ма'нони ифодалайдилар, масалан, тентак Офелия кўшигининг мана бу байти каби:

У ётарди тобутда, ёпилмаганди юзи,  
Унинг юзи очиқди, ёпилмаганди юзи.<sup>2</sup>

Ёпилмаган деган сўз очиқ демакдир, очиқ демак эса — ёпилмаган демакдир; лекин озгина грамматик ўзгариш блан бир хилдаги сўзнинг такрорланиши руҳга қандай чуқур та'сир этади! Бу байтлар ўқилиш эмас, балки куйланиши кераклиги сезилиб турилади. Мана, Козлов томонидан таржима этилган ёки қайтадан ишланган Дездемона кўшиғи:

Ўйга толиб турарди бечора қиз сояда,  
Эгар эди ҳасрат уни, берилганди нолага:  
*«Куйлангиз сиз мажнун толни, куйланг менга кўк толни!»*

Кўкрагига қўлларини астагина қўйди у,  
Бошини ҳам тиззасига жимгина у олди; сув

Тўлқинлари қаршисидан ҳайқириниб чопарди,  
Унинг ожиз фиғонини у тўлқинлар куйларди.  
*«Эй мажнун тол, мажнун тол, эй ямяшил мажнун тол!»*

Тўлиб-тошиб оқар эди унинг қайноқ кўз ёши,  
Кўз ёши-ла юмшаганди у ернинг ваҳший тоши.  
*«Эй мажнун тол, сен мажнун тол, эй ямяшил мажнун тол!»*

Бу ямяшил, бу мажнун тол менга гултож бўлажак,  
*«Эй мажнун тол, мажнун тол, эй ямяшил мажнун тол!»<sup>3</sup>*

Айтингчи, бу ерда мажнун тол сўзининг ше'р мавзуга — Дездемонанинг изтиробига қандай алоқаси бор? Дездемона ўз кўшиғини куйлаган чоқда, ўзини мажнун тол тагида ўтирган деб хаёл қилганми, чорасиз ҳасратда, ўзининг чорасиз қайғусини, муқаррар тақдирининг бутун фожиасини сўзлаб беришини истаб



унга мурожаат қилган ва ундан овутишни сўраганми экан?.. Қандай бўлмасин, ҳечқандай бир аниқ ма'но ифода этмайдиган бу мисра': «Эй мажнун тол, сен мажнун тол, эй ямяшил мажнун тол», ўз ичида *чуқур* фикрга, ўзини ифода этишдан ожиз бўлган, сўз-ни тарк этиб, ҳис ва музика садосига айланган фикрга эга... Ва шунинг учун ҳам бу мисра' қалбга чуқур киради, қониқмас қайғунинг қайновчи ширин туйғуси блан уни ҳаяжонлантиради... Пушкиннинг тамом бошқа турга оид, лекин худди шунинг каби мусиқийлик ше'рлар қаторига кирадиган машҳур бир романси ҳам шундайдир:

Тун ели тентир,  
Ҳавони елпир.  
Шалдирар,  
Югурар  
Гвадалквивир.

Мана чиқди олтин ой,  
Жим... жим... бирдан соз саси...  
Испан қизи хумордай:  
Балконга суялади.  
Тун ели тентир.  
Ҳавони елпир.  
Шалдирар,  
Югурар  
Гвадалквивир.

Шолни еч, эрка малак,  
Кўрин кундек наш'али.  
Панжаралардан андак  
Оёқ узат гул каби.  
Тун ели тентир,  
Ҳавони елпир.  
Шалдирар,  
Югурар  
Гвадалквивир.<sup>4</sup>

Бу нима?— сиҳрли картинами, хаёлий кўринишми, ёки кўкдан янграган ва шайдо қилучи испан қизининг

муҳаббат ва орзулар блан ҳофғин боши устидан учиб ўтган мусиқий аккордми... Зийнатли, ихтиросли жануб кечасининг сирли, шаффоф қоронғилигида янграган серенада садоларими, балконга лоқайд суялиб, гўзал кечанинг хушбўй ҳавосини чанқоқлик блан ютиб, нозанин испан қизи эшитган, интизор ва туйғуларга тўла серенада садоларими?.. Шамол ҳаракати блан оққан ҳавонинг тўлқини ва Гвадалквивирнинг кумуш тўлқинлари бу ажиб гўзал байтларнинг гармоник музыкасида эшитилмайдими? Нима бу — поэзиями, расми, музиками? Ёки шуларнинг ҳаммаси қўшилиб бирикма ясаганми, я'ни унда картина садолар блан гапирадими, садолар картина ясайдими, сўзлар бўёқлар блан порлаб, образлар блан жилваланиб, оҳанглар жаранглаб ма'ноли нутқни ифода қиладими?.. Пьесанинг ўртасида қайтарилиб, сўнгра уни охирида беркитучи биринчи куплет нима? Бу — ҳарқандай сўздан кучлироқ бўлган сўзсиз товуш, я'ни рулада эмасми?..

Эпик поэзия табиатда бор бўлган картиналар ва образларни ифода этмоқ учун образлар, картиналар қўллайди; лирик поэзия эса инсон табиатининг ички моҳиятини ташкил этучи образсиз ва шаклсиз туйғуни ифода этиш учун образ ва картиналар қўллайди. «Эпос,— дейди Жан-Поль Рихтер,— ўтмишдан келиб чиққан воқиядан иборатдир; лира ҳозирги вақт ичида бўлган сезишдир». Ҳатто, лирик шоир, афтидан, ўз шахсияти учун бутунлай ташқи бўлган, ўзига бегона дун'ёдан олган туйғуни ифода қилган вақтда ҳам у суб'ективдир; чунки у ифода этган ҳарқандай туйғу, ижод қилиш вақтида, унинг ўз хусусий туйғуси бўлиб қолади, сабаби шуки, у туйғу шоирнинг шахсияти орқали ўтади. «Тарихи воқиа эпосда ҳикоя қилинади, драмада олдиндан кўринади ёки яратилади; лирада эса ҳис қилинади ёки кечинилади» дейди, Жан-Поль Рихтер. Германиянинг бу машҳур мутафаккир шоирининг фикрича, лирика поэзиянинг бошқа ҳамма формаларидан олдин пайдо бўлгандир, чунки «у онадир, образсиз прометей олови ҳамма образларни жонлантиргани каби, лирика ҳам ҳарқандай поэзиянинг

ёқучи учқунидир». Лирика поэзиянинг бошқа турларидан олдин ўтганлиги тўғрисида, тарихий ма'нода, Жан-Поль Рихтер блан келишиб бўлмайди. Биз учун грек сан'ати ўрнатқ, форма ва юқори обрў бўлиши керак, чунки жаҳонда ҳечбир халқнинг сан'ати грек сан'ати каби ўзига хос ва нормал равишда ўсган эмас. Қадимги грек ҳаётининг тўла-тўқислиги кўпроқ сан'атда ифодаланган. Шунинг учун грек сан'атининг тарихий тараққиёт актлари биз учун ма'қул обрў кучига эга бўлиши керак. Уларда лира драмадан олдин пайдо бўлгани каби, эпопея ҳам лирадан олдин яралган. Сан'ат тараққиётининг бундай йўли ақлга ҳам мувофиқдир: болалик чоғини кечириб турган халқ учун, табиатга ва ҳаётга, ўзича мавжуд бўлган табиат ва ҳаёт деб, об'ектив қараш, ва фикрни ўтмиш ҳақидаги афсона деб билиш ички мушоҳидадан ва мустақил онг каби фикрдан олдин ўтиши лозим. Броқ, бундан ҳамма халқларда сан'ат тараққиёти бирхилда изчиллик блан бориши керак, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Шуни унутмаслик лозимки, греклар ҳаётининг бутун тўлаллиги кўпроқ сан'атда ифодаланган, уларнинг миллий тарихи асосан сан'ат тараққиёти тарихидир; ҳолбуки бошқа халқларда сан'ат ҳаётнинг ёрдамчи элементи, иккинчи даражадаги манфаат ҳисобланиб, ижтимоий ҳаётнинг бошқа стихияларига бўйсунгандир. Масалан, яҳудийларнинг диний поэзияси асосан фақат лирикадир, я'ни ё соф лирик поэзия, ёки эпик лирика, ёки лирик догматик поэзиядир. Халқ бўлиб эмас, балки қабила бўлиб чўлларда тарқоқ ҳолда яшаган, жамоатчиликка ёт бўлган арабларда эса фақат лирика, ёки лирик-эпик поэзия мавжуд эди, лекин драматик поэзия уларда ҳечвақт бўлган эмас ва бўлиши мумкин ҳам эмасди. Бошқа ўлкаларни забт этуци ва қонун чиқаруци халқ, нуқул сиёсий ва граждaнлик манфаатлари блан машғул бўлган римлиларда поэзия, сан'аткор Грециянинг намунали асарларига рангсиз-юзaки тақлид қилишдан иборат бўлган. Ҳаётларининг мазмуни бениҳоя бой бўлган, жамоатчиликнинг сон-санoқсиз элементларига эга бўлган, бу элементларнинг юқори даражадаги тараққиётига эришган Европанинг янги

халқларида поэзиянинг ҳамма турлари бор, лекин улар Европа халқларининг ҳарбирида алоҳида изчиллик блан, ёки яхшироқ қилиб айтсак, бутунлай аралаш ҳолда пайдо бўлган. Масалан, англизларда Шекспир блан бирга дастлаб драма тараққий этди, икки асрдан сўнг Байрон, Томас Мур, Вордсворт ва бошқаларнинг асарлари блан лирик поэзия катта тараққиётга эришди, лирик поэзия блан бир қаторда Вальтер Скотт ижодида эпик поэзия ҳам ўсди, эпик поэзия келиб чиқиши ва тили жиҳатидан Англияга қардош бўлган Шимолий Америка Штатларида Купер асарларида тараққий қилди.

Жан-Польнинг, лирик поэзия ҳарқандай поэзиянинг стихиясидир, деган фикрига келсак, бу фикр бутунлай ҳақли ва чуқур ма'ноли эканини кўрамиз. Ҳарқандай поэзиянинг ҳаёти ва руҳи лирикадир; лирика поэзиянинг асосидир, у поэзиянинг поэзиясидир,— ва Жан-Поль Рихтер чуқур ма'но блан, ҳаққоний равишда лирикани ҳарқандай поэзиянинг умумий элементи деб атайди ҳам уни бутун поэзияда айланиб юручи қонга ўхшатади. Шунинг учун лиризм, ўз-ўзича, поэзиянинг айрим бир турини ташкил қилса-да, поэзиянинг бўлак турларига ҳам кириб боради. Зевес яратган ҳамма нарсаларни прометей олови жонлантиргани каби, у ҳам стихия каби, поэзия турларини жонлантиради. Мана шунинг учун Шекспир драмалари— энг юксак ижодий куч маҳсули бўлган драматик асарлар — лиризмга шундай бойки, бу лиризм уларда драматизм асосидан барқ уриб туради ва гўзал қизнинг юзига ранг берган каби, унинг жозибали кўзларига олмос нури бағишланган каби, драматизмга ҳам лирика ҳаёт нурининг товлянишини, ўйнақилигини бахш этади. Лиризмсиз эпопея ва драма мазмун жиҳатидан ортиқ даражада прбзаик ва совуқ — лоқайд бўлар эди; лиризм тезда уларда устунлик қилучи элементга айланган ҳолда драма ва эпопея сокин, ҳаракатсиз ва кам та'сир бўлиб қолади.

Эпопеянинг мазмунини воқиа ташкил этади; эол созининг торларини шамол чертгани каби, шоир руҳини силкитган, тутқич бермас ва оний сезги лирик асар-

нинг мазмунини ясайди. Шунинг учун асарнинг идеяси қандай бўлмасин,— у ортиқча узун бўлмаслиги керак, балки аксар вақт жуда қисқа бўлиши лозим. Эпик поэзиянинг ҳажми воқиянинг ҳажмига боғлиқ, асарда узун воқиа мароқли ва яхши ёзилган бўлса, диққатимизни чарчатмайди; воқиа кесилиб қолиши бошқа мавзуларга ўтиб, яна унга қайтиши мумкин: «Илиада»ни, Вальтер Скотт ёки Купернинг ҳарқандай романи каби, уни бирнеча кун давомида ўқишимиз мумкин. Китобни бирқанча вақт ташлаб қўйиб, яна ўқиб, орада бошқа ишлар блан машғул бўлаоламиз. Умуман, эпопея, поэзиянинг бошқа турларига қараганда, ҳажм жиҳатидан шоир учун анча кўп эркинлик беради. Қуйида кўриб ўтажамиз драма, ҳажм — катталиқ жиҳатдан озми-кўпми аниқ чегарага эга бўлади; аммо лирик асарлар бу жиҳатдан жуда чегаралангандир. Агарда драма жуда узун бўлса, бизнинг диққатимиз ва таассуротни идрок этиш фаолиятимиз, драмадаги ўсиб борган ҳаракатнинг тўхтовсиз ўзгариши натижасида, узоқ вақт бардош бериши мумкин; лекин лирик асар фақат сезгини ифода қилади, ёлғизгина сезгимизга та'сир этади, бизда мароқ уйғотмайди, фақат поэзияда эмас, ҳатто воқилиқда ҳам ақлимизни кучли банд этучи, сезгимизга та'сир қилучи об'ектив фактлар блан ҳам диққатимизни тутиб турмайди. Мазмуннинг бойлигига қарамасдан, лирик асар ҳарқандай мазмундан маҳрумдек кўринади, бутун вужудимизни ширин сезгилар блан зир титратиб, фақат ўз мазмунини бутунлай баён қилмайдиган мусиқий пьесага ўхшайди, чунки бу мазмунни инсон тилига кўчириб бўлмайди. Мана шунинг учун ўқилган дoston ёки драманинг мазмунини бошқа кишига айтиб бериш, ҳатто айтиб бериш блан ҳалиги одамга озми-кўпми та'сир қилиш ҳамавақт мумкин, аммо лирик асарнинг мазмунини уқиб олиш ҳеч мумкин эмас. Уни на айтиб бериш ва на изоҳ қилиш мумкин; лекин уни шоир қаламидан қандай чиққан бўлса, худди шундай ўқиб бериш блан иккинчи одамда та'сир қолдириш мумкин; агарда уни сўз блан айтиб берилса ёки прозага айлантирилса, у қанотлари чиройли рангбаранг

капалак ҳозиргина ичидан учиб кетган хунук, ўлик бир чиганоққа айланади. Шу сабабдан гўё «фикрлар»га бой бўлган сохта-лирик асарлар шеърдан прозага айлантирилса, улар ҳечнима йўқотмайдилар; ҳолбуки ижодий руҳнинг энг чуқур бағирларидан чиққан буюк асарлар прозага айлантирилса, ёки оз-моз уқувсиз таржима қилинса, кўп вақт ҳарқандай аҳамиятини йўқотади. Бу жуда табиий бир ҳол: сиз, эшитган музикангизни куйлаб бермасангиз ёки музыка асбобида чалмасангиз, у музиканинг оҳанги ҳақида бошқа кишига қандай тушунча бераоласиз? Агарда сиз, фалон музыка асарида ишқ ва рашк идеяси яхши кўрсатилган десангиз,— бу мусиқий пьеса тўғрисида сиз ҳечнима айтмаган бўласиз: уни куйлашга ёки чалишга бошласангиз — у ўз тили блан ўзини англа-тади.

Албатта, лирик асар музыка асари блан айни бир нарса эмас, лекин уларнинг асосий моҳиятида ўхшашлик бор. Лирик асарда, ҳарқандай поэзия асарида бўлгани сингари, фикр сўз блан баён қилинади: лекин у фикр сезги орқасига яширилган бўлади ва бизда мушоҳида уйғотади, буни эса онгнинг очиқ ва аниқ тилига кўчириш қийин. Бу нарса шунинг учун ҳам қийинки соф лирик асар гўё бир картинага ўхшайди, лекин унда муҳим нарса картинанинг ўзи эмас, у бизда уйғотган сезгидир; худди шунинг каби, операда иштирок қилучи шахснинг драматик вазияти ўз-ўзича эмас, балки шу вазиятни кўрсатган музыка блан ёки иштирок қилучи шахснинг чуқур қалбидан чиққан инграш блан муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Пушкиннинг «Булут» номли лирик пьесаси шундайдир:

Таралган бўроннинг сарқит булути,  
Ёлғиз сен ложувард кўкнинг тутуни.  
Ёлғиз сен соласан мунгли бир соя,  
Ёлғиз сен шўх кунни қиласан хафа.

Сен кўкни гир қучиб олгандинг ҳали,  
Яшин ҳам ғазабкор чирмади сани;

Сен ҳам қўйдинг сирли момақалдироқ.  
Емғир-ла суғординг — ер эди чанқоқ.

Бас, ўчир қорангни! Кечмишдир замон,  
Ер яшарди, илдам кўчди у бўрон,  
Дарахт баргларини эркалаб шамол,  
Тинч кўклардан сени ҳайдайди дарҳол.

Дун'ёда қанча одамлар борки, бу пьесани ўқиб, унда ахлоқий дастурлар ва фалсафий афоризмлар топмай: «Ҳа, бунда нима ма'ни бор? — Бемаза пьеса-ча» дейди. Аммо, руҳларида табиат бўронлари акс этган одамлар, сирли момақалдироқ тилига очиқ тушунганлар, қувноқ кунни қайғуга солучи паришон бўроннинг булутини умумий шодлик замонида келган хазин фикр каби оғир деб сезучилар,— бу кичик ше'р-да сан'атнинг буюк асарини кўрадилар.

Драма қарама-қарши элементларнинг — эпик об'ективлик блан лирик суб'ективликнинг келишувидан иборат бўлса-да, лекин ҳарҳолда у лирика ҳам эмас, эпопея ҳам эмас, балки шуларнинг икковидан келиб чиққан, бутунлай янги ва мустақил бўлган учинчи бир нарсадир. Шунинг учун грекларда драма эпос ва лириканинг натижасига ўхшаб борган, чунки улардан кейин пайдо бўлган, ҳам энг кўркам, ва грек поэзия-сининг сўнгги гули бўлиб танилган. Эпопеяда бўлгани каби, драмада ҳам воқиа бўлишига қарамай, драма тамоман қарама-қаршидирлар. Эпопеяда воқиа, драмада одам ҳукмрондир. Эпосдаги қаҳрамон — воқиа; драманинг қаҳрамони — инсон шахсидир. Эпопеядаги ҳаёт ўз-ўзича мавҳум бир нарсадир, я'ни у ўзи қандай бўлса, шундайлигича берилади, у ҳаёт одамга боғланмаган, ўз-ўзича билинмовчи, инсонга ҳам, ўз-ўзига нисбатан ҳам лоқайд бўлuchидир. Эпос эса ўзининг муаззам улуғлигида абадий ўзгармас, ўз гўзаллигининг ҳашаматли порлоқлигида ҳарвақт лоқайд қолган табиатнинг ўзгинасидир. Драмада ҳаёт фақат ўз-ўзича мавжуд эмас, балки ўзи учун ҳам мавжуддир. у идрок этилган онг каби, эркин ирода каби мавжуддир. Дра-

манинг қаҳрамони одамдир, драмада одам устидан воқиа ҳукмронлик қилмайди, балки воқиа устидан инсон ҳукмронлик қилади, инсон ўз иродаси блан воқияни истаганича яқунлайди, унга истаганича хотима беради. Бу фикрни очиқроқ кўрсатмоқ учун биз қадимги ва янги дун'ёнинг буюк бадий асарларидан мисоллар келтирамиз.

«Илиада»да тақдир ҳукм суради. У фақат одамларнинг эмас, балки худоларнинг ҳам хатти-ҳаракатини идора қилади. Ривоя қилинажак воқияни биздан яширган пардани шоир кўтарган замониёқ, биз Илионни\* ахейлилар забт қилиши кераклигини олдиндан билиб оламиз. Масалан, Патроклнинг ўлдирилиши тасодифий эмас, қонли жанг шароитига боғлиқ эмас, йўқ, бу нарсани тақдир аввалдан белгилаб қўйган. Несторнинг ўғли Антилос Патроклнинг ўлими тўғрисидаги бу шум хабарни Ахиллесга билдирмоқ учун шошган вақтда, Ахиллес нақ шу замоннинг ўзида бу қайғули воқияни олдиндан сезиб, ўз чодирни ёнида ўтирар эди ва ўйлаб ўз-ўзига дер эди:

Оҳ, тангрилар қалбга мудҳиш фалокатни бажардим,  
Бу тўғрида онам олдин хабар берган; у деганди:  
Трояда, мендан аввал, жангда ботир Мирмидонли,  
Троянинг майдонида айрилажак кун нуридан.  
Ўлмас худо! Менетининг олий жаноб ўғли ўлди.

*XXIII қўшиқ, 8—12 бет.*

Ахилл ўз дўсти Патроклни ўлдиручи одамдан ўч олиши керак; лекин ўлдирган одамнинг ўзи Феб қўли блан отилган Парис ўқидан ўлиши лозим, буни Ахиллнинг ўзи ҳам билади,— океаннинг ўлмас париси бўлган кумуш оёқли онаси Фетидага у шундай дейди:

Энди сенга ниҳоятсиз бир қайғуни билдирайин,  
Ҳалок бўлган ўғил дарди; сен ортиқ кўрмайсан  
Ота юртда уни. Чунки қалбим менга буюрмайди,  
Яшашни ҳам, жамиятда юришни ҳам, агар Гектор

---

\* Илион — Қадимги замонда Кичик Осиё шимолидаги Троя шаҳрининг грекча исми.



Найзам блан парчаланиб, жон бермаса, энг суюкли  
Патроклга қилган жабри учун менга ҳақ бермаса.

(88—96 бет).

Агар Гектор унинг қўлида ўлса, у вақт Ахилл ҳам  
ҳалок бўлажагини она каромат қилиб, ўғлини бу  
ишдан қайтаради:

Хабарингга қараганда, сен ҳам, ўғлим, тез ўласан.  
Приамнинг ўғлидан сўнг, сенга кафан муҳайёдир.

(95—96 бет).

Ахиллес эса бунинг сабабини суриштириб ҳам ўтир-  
майди, фақат тотли ўч олиш учун, тақдирга бўйсуниб  
учун қаҳрамонларча тайёрлик кўради:

Оҳ, ўламан шу топдаёқ! Гўзал юртдан кўп йироқда.  
У йиқилди, албат мени чақиргандир, қутқараман ўлимдан!  
Мен ҳаётда не қиламан! На кўраман азиз юртни!  
На қутқардим Патроклни, на у кучли Гектор урган  
Бошқа асл дўстларимни мудофаа қилмадим мен.  
Бефойда юк бўлиб ерга, суд олдида ўтираман,  
Яна мен эр? Кенгашларда бошқалар ҳам гарчи яхши,  
Лекин Ахей ботирлари ичида мен жангда олдин.

Мен чиқаман, менга азиз бошни янчган у Гекторни  
Учратаман. Мен ўлимга тайёрдирман, уни менга  
Буюрдир энг қудратли Кронион ва худолар.

Энг азамат Зевс Кронидга қанча суюк бўлмасин,  
Энг улуг мард, Геракл ҳам бу ўлимдан қочолмади:  
У қаҳрли Зевс учун қанча суюкли бўлсада,

Қайтмас тақдир ва адоват енгди ботир Герани ҳам;  
Менга тақдир шундай ёзмиш эса, мен ҳам қайда бўлса,  
Унда ўлим; лекин олдин порлоқ шараф қозонаман.  
Троянинг у кўкрадор хотинлари орасидан

Бир кўпининг фиғону-нола блан кўксин ёрдираман.  
Гул юзлардан кўз ёшларин қўлларила артдираман.  
Мен кўп кунлар ма'ракадан тин олганим тез билишар.  
Мен чиқаман; жангга она, қўй, қарорим бузалмайсан.

(98—126 бет).

Ахиллес ҳаётининг фалокатли тақдири Гекторнинг ўзига ҳам маълум: ўлар экан, жасадини таҳқир этмасликни ўз душманидан сўраб ялинади, лекин розилик ўрнига қарғиш эшитиб, дейди:

Жон бераркан миссовутли Гектор унга хабар сўйлар:  
Билар эдим сени; сенга ёлворишим та'сир қилмас —  
Буни мен илк сезган эдим; кўкрагингда қалбинг темир,  
Мен сен учун тангри қаҳри бўлмам, лекин оч кўзингни,  
Александр, тирандоз Феб, бир қудратсиз каби сени,  
Секай дарвозаларида ағдаражаклари куни!

(XXII қўшиқ, 355—360 бет).

Бу ҳам оз: Зевс — ихтиро'чининг ўзи Гекторга қандай шафқатлар қилмасин, унинг тақдирига қанчалик хафа бўлмасин, бошқа ҳамма худоларни титратган ўзининг олий худолик ҳокимияти блан унга ёрдам бераолмайди, лекин ўзга бир олий ҳокимиятнинг қарорига келади:

Зевс олтин тарозини ёяди; унга тошлар узоқ  
Уйқу блан қотиручи икки ўлим насибасин;  
Бир насиба Ахиллеснинг, бири Приам ўғлиники,  
Ўртасидан тутиб тортди: босди Гектор насибаси,  
Айдага йиқилди у; кетди ундан Аполлон ҳам.

(9 — 13 бет).

Мана шулардан очиқ маълумки, дostonнинг қаҳрамони Ахилл эмас, чунки у эркин иродага эга эмасга ўхшайди, ўз билганича ҳаракат қилмайди, балки бошқанинг, ўзидан юқори, даф' қилинмас ҳокимиятнинг иродасинигина бажаради. Бу тақдирнинг иродаси! Одамлар қўрқадиган ва худоларнинг ўзлари ҳам сўзсиз бўйсунадиган бу «тақдир» нима? Бугрекларнинг тушунчасидирким, биз янгилар, уни онгли зарурият, воқ'лик қонунлари, сабаблар блан натижалар ўртасидаги нисбат, хуллас, *об'ектив ҳаракат* деб атаймиз, у ўсади ва ўз онгининг ички қуввати орқасида ҳаракатга келади, буғ машинаси каби юради, у тўхтамасдан, йўлдан тоймасдан боради, унга одам учраса, янчиб кетиши мумкин, метин тоғ учраса, ўзи парчаланиб кетиши мумкин.

Ба'зи одамлар, Вальтер Скоттнинг кўп романларидаги қаҳрамонлар, бутун бир асарнинг воқиаларини ўзида тўплаб, айни замонда шундай рангсиз характерга эгадирларки, улар диққатимизни ўзларига бутунлай боғлаб олмайдилар, бизнинг мароқимизни кўпроқ оригинал ва характерли бўлган иккинчи даражали шахсларга бағишлайдилар, деб ёзучидан гина қиладилар. Ҳақиқатан ҳам, Вальтер Скоттнинг масалан, яхши романларидан бирининг қаҳрамони бўлган рицарь *Иваное*<sup>5</sup> ким? — У ўз даврининг умумий руҳида бўлган баҳодир, олийжаноб одамдир, бошқа хусусияти йўқ. Қаҳрли Бриан блан гўзал, сиҳрли Ревекко блан, ҳатто саксонияли Цедрих ва Ательстан блан уни солиштириб кўрганда, Иваное — аллақандай рангсиз кўланка, нурсиз очерк, сиймосиз бир образ бўлиб қолади. У оз ҳаракат қилади, романнинг боришига оз таъсир қилади. У дам ярадор, дам ўлим олдида, дам тутқун, ҳолбуки бошқа шахслар ҳаракат этади, улар биринчи планда тасвирланади. Ўз эҳтиросларининг ваҳшийлигига қарамай, ўзининг ахлоқсизлик ва қилмишларининг жиноийлигига қарамай, оқсоқ рицарь Бриан, Иваноега қараганда минг мартаба йирикдир, у ўқучида хайрихоҳлик уйғотади, чунки у типик шахс, қудратли ва ўзига хос бир характердир. Ҳолбуки, Бриан романда иккинчи даражали персонаждир, романнинг бутун иплари, роман *қаҳрамони*, асосий шахс бўлган Иваноенинг шахсий тақдирида тўпланади. Аммо бунга қарамасдан, улуғ романчига қарши бу айблар фақат ташқи кўринишдангина тўғрига ўхшайди, лекин ҳақиқатда бутунлай ёлғондир; романда камчилик бўлиб кўринган нарса,— эпопеянинг моҳиятидир. Масалан, «Маннеринг ёки астролог» бунинг энг таажжубланарлик намунаси бўлиб, хизмат қилаолади; бунда роман қаҳрамони фақат учинчи қисмда ўртага чиқади ва шунда ҳам қандайдир сирли шахс бўлиб кўринади, у гарчи повестьнинг биринчи саҳифаларидан бошлаб, дун'ёга келган онлардан, романнинг бутун воқиаларини, амалини ўзида бириктирган бўлса ҳам, романнинг охиридагина унинг қаҳрамон эканини биласиз. Соф эпик характердаги асарда шундай бўлиши

ҳам керак, бундай асарда асосий шахс ўсиб боручи воқиянинг фақат ташқи маркази бўлиб хизмат қилади ва асосий шахс бизнинг инсоний хайрихоҳлигимизга муносиб умумий инсоний хусусиятларга эга бўлиши мумкин: чунки эпопеянинг қаҳрамони инсон эмас, ҳаётнинг ўзидир. Эпопеяда воқиа, бир ҳисобда, инсонни босиб тушади, ўзининг буюклиги ва азаматлиги блан инсон шахсиётини тўсиб қўяди, ўз мароқи, рангбаранглиги блан, картиналарининг кўплиги блан диққатимизни ундан четга тортади.

Драмада воқиянинг кучи, муҳимлиги «коллизия» каби, ёки хато каби, ёки қаҳрамон қалбининг табиий интилуви блан бурч-вазифа ҳақидаги унинг тушунчаси ўртасида келиб чиққан низо' каби кўринади; улар, я'ни, табиий интилув ва бурч, унинг иродасига боғлиқ эмас, уларни қаҳрамон на ҳал қилади ва на даф' этаолади, уларнинг ҳал бўлиши воқиага боғлиқ бўлмай, балки фақат қаҳрамоннинг эркин иродасига боғлиқдир. Воқиянинг кучи драма қаҳрамонини чорраҳага келтириб қўяди, ўз-ўзи блан курашдан чиқиш учун бир-бирга бутунлай қарши бўлган йўлларнинг иккисидан бирини танлаш заруриятини келтириб чиқаради; лекин йўл танлаш воқиага эмас, драма қаҳрамонига боғлиқдир. Бугина эмас, драманинг катастрофаси қаҳрамоннинг жасоратсиз тараддуди натижасида ҳам вужудга келиши ва тезлашиши мумкин; аммо бу жасоратсизлик ҳам воқиянинг моҳияти ва кучида эмас, балки фақат қаҳрамоннинг характеридадир. Бунинг энг яхши мисоли Шекспирнинг *Гамлетидир*: у ўз отасининг даҳшатли ўлимини отасининг арвоҳидан эшитади; Гамлет эмас, балки ўлган корольнинг мунофиқ укасининг бузуқ иродаси тайёрлаган воқиа мана шудир; бу воқиа Гамлетни ўч олучи рольни ўйнашга мажбур қилади; лекин бу роль унинг табиатига у қадар тўғри келмагани учун у энди ўз-ўзи блан ички курашга кириб кетади, бу кураш икки душман кучнинг, я'ни отанинг ўлими учун ўч олишга ундовчи бурчининг ва ўч олишга ўз шахсий қобилиятсизлигининг натижасидир. Мана трагик *коллизия!* Ота ўлимининг сирини очиш каби даҳшатли кашф Гамлетни бир туйғу, бир

ўй блан, ҳар минут сайин ҳаракатга келучи ўч олиш туйғуси ва фикри блан қуроллантириш ўрнига, бу даҳшатли кашф уни ўз-ўзидан чиқмасликка, балки ўз ичига беркинишига, ўз руҳининг ички томонларига диққат қилишга мажбур этди, унда ҳаёт ва ўлим, замон ва абадий, ироданинг кучсизлиги ва бурч тўғрисида саволлар туғдиручи, унинг диққатини ўз шахсиятига, унинг арзимас — кичиклигига ва батамом ожизлигига қаратди, унда ўз-ўзига нафрат туғдирди. Гамлет фазилатга, ахлоққа ишонмайдиган бўлди, чунки у ёмонлик ва ахлоқсизликка жазо бериш учун ўзини кучсиз ва қобилиятсиз деб билди, фазилатли ва ахлоқли бўлишдан ҳам ўзини тияолмади. Бу ҳам оз: ишқининг ҳақиқат эканига, хотиннинг қадри-қиммати-га ишонч тугайди; телба каби ўз туйғусини ботқоққа булғайди, тепади. Ўзини шундай ма'сума, шундай садоқат блан бутунлай бағишлаган латофатли, гўзал хотин синасидан, ўзи шундай чуқур, шундай нафис севган хотиндан воз кечади, у блан тузган муқаддас иттифоқни марҳаматсиз қўллари блан узади, ҳаводан, нурдан ва оҳангдор садолардан яратилган хотинни, нафис хотинни раҳмсиз ва қўпол таҳқир қилади, дун'ёда бахтдан, фазилатдан хабар беручи нимаики бўлса, барчасидан гўё воз кечишга ошиқади. Бундан равшан кўринадики, Гамлетнинг табиати соф, ҳис ва фикр учун туғилган суб'ектив табиатдир; даҳшатли воқиа ундан ҳис ва фикр эмас, иш талаб қилади; уни идеал ҳаракат олаמידан практика оламига чақиради. Табиий, мана бу вазиятдан Гамлет қалбида ҳарқандай драманинг моҳиятини ташкил қилган даҳшатли кураш пайдо бўлади<sup>6</sup>. Бу драманинг охири, Гамлет иродасининг озод қароридан эмас, балки тасодифдан (Гамлет блан Лаэрт беғараз қилични алмаштиради ва ўғлига тайёрланган заҳарли қадаҳни ичган қиролича-онанинг қасддан қилмаган хатоси) вужудга келса ҳам, «Гамлет» ҳечбир эпик асар эмас, балки кўпроқ драматик асардир: чунки бу трагедия мазмунининг моҳияти ва ўсиши унинг қаҳрамонининг ўз-ўзи блан ички курашувидадир. Бу кураш бўлмаса, «Гамлет» биз учун ҳатто ёрдамчи аҳамиятга ҳам эга бўлмайди,

Чунки бизга шундай чуқур та'сир қилучи Офелиянинг тақдири ҳам худди шу курашнинг натижасидир. Бундан ташқари, ўз қардошининг қотили бўлган корольнинг ўлими, сўнучи қандил кучлироқ ёлқин блан «лоп» этиб ёнгани каби, умрининг охирида қудратли жасорат блан алангаланган Гамлетнинг иши бўлиши блан бирга, король жиноятининг ҳам зарурий оқибатидир... «Макбет» ва «Отелло» драматик моҳият сифатидаги коллизиянинг энг мукамал намуналаридир. Дабдаба суручи қўмондон, машҳур мансабдор,— яхши ва зотли мўйсафид корольнинг қариндоши бўлган Макбет ўз дилида чуқур яширинган, лекин кучли, эҳтиросли шуҳратпарастликнинг на'расини эшитади. Қалбаки ишқ ва ҳаққоният блан суғорилмаган қудратли руҳлар учун даҳшатли ва фалокатли бўлган бу эҳтирос, унга қўрқинчли учта дев суратида кўриниш беради. Уларнинг дарҳол юзага чиқучи кароматлари уни узоқ вақт саросима қилмайди, чунки улар ўз руҳининг эришган, чуқур ва қоронғи нияти эканини у тезда кўради. Унинг шуҳратпарастлиги аёл шаклида, девсифат махлуқ бўлган ўз хотини сиймосида, янги ва янада ваҳималироқ бўлиб кўриниш беради. У Макбетда виждоннинг сўнгги сасларини ўчиради, ёмонлик қилиш учун жасоратини намуна қилиб, унда қалбаки уятчанлик туғдиради ва уни ёмонликка қат'ий равишда ундайди. Бу ерда воқиа деярли ҳечқандай роль ўйнамайди: воқиа Макбетнинг ўз иродаси блан тайёрланади, ёмонликка етакловчи шароитнинг маш'ум равишда яратилиши ёмонлик қилишга фақат ёрдам беради, лекин уни туғдирмайди. Биз Макбетни ўз-ўзи блан курашда, фожиали коллизияда кўрамиз: у ўз ичидаги гуноҳкор интилишни енгуди ҳам мумкин, унинг изидан бориши ҳам мумкин, бу нарса унинг иродасининг айбидир, у бу ёмонлик асосининг жозибаси кетидан чопди; воқияни унинг иродаси яратди, лекин унинг иродасига йўлланмани воқиа берган эмас. Драманинг қолган қисми Макбетнинг маш'ум курашдан ўз ихтиёри блан чиқишининг натижасидир: подшоҳни ўлдиришдан кейин пайдо бўлган, воқияларни ўзгартириш

ихтиёрида эмас, жиноят уни ёвузликка топширади, улар унинг қўлидан тутиб, кўр одам каби, ёмонликдан ёмонликка етаклайди. Фақат номус блан ўлиш унинг ихтиёрида эди ва у жанг қилиб, лекин енгилмасдан, ўз гуноҳи блан улуғ бўлган кишига, айбдорга ярашадиган бир тарзда ўлди. Воқиа Отеллони рашкчи вазиятига келтириб қўяди. Албатта, бу воқиа унинг иродаси ёки онгидан чиққан эмас, лекин шунга қарамай ўзининг вулкан каби кучли темпераменти, Арабистон сароларидаги қум бўронлари каби бир лаҳзада туюққан ва жаҳолатга берилган характери, шарқдан, Африкадан келиб чиққанлигини кўрсатучи ўзининг хурофий хаёли блан бу воқианинг вужудга чиқишига сабабчи бўлган маш'ум дақиқада салбий айбдор бўлган Дездемонага нисбатан ўзининг йиртқичлигини жиловласа эди, у соф ҳақиқат унинг кўзларига ҳаётнинг бахти ва саодати учун очилган бўлар эди; лекин у ҳайвоний ўч олишнинг шиддатли тўлқинини жиловлашни истамди, ёки жиловлашдан ожиз бўлди, бунинг натижасида ҳақиқат нури, Эвменид чироғларининг жаҳаннам шу'ласи каби, унинг кўзларини очди, лекин чаққонлик блан ўзи думалаган ўпқоннинг чуқурлигини ўлчаш учунгина очди...

Поэзиянинг бу уч тури, мустақил элементлар сифатида, айрим-айрим мавжуд бўлсалар ҳам, лекин алоҳида асарларда кўриниш бериб, улар бир-бирларидан кескин чегаралар блан ажралмайдилар. Аксинча, улар кўпинча аралаш ҳолда учрайдилар, масалан, ўз формаси блан эпик бир асар драматик характерларга эга бўлади ва гоҳо бунинг акси ҳам кўринади. Ичига драматик элемент кирганда, эпик асар бундан ўз мумтозлигини йўқотмайди, балки бундан ютади. Бу нарса хусусан христиан сан'атининг асарларига оиддир, бу асарларда ички томондан, суб'ектив томондан кўрсатилган инсон шахсиятидан юқори ҳечнима бўлмайди, шунинг учун уларнинг ичига драматик элемент ҳақли равишда киради ва қимматини оширади. Драматик элемент блан суғорилган эпик асарнинг энг яхши

мисоли Гогольнинг «Тарас Бульба» номли повестидир. Бу ажойиб бадиий асар ўз ичида икки драматик коллизияга эгадир, уларнинг ҳарбири буюк драматик асарга арзир эди. Очлик даҳшати блан тинкаси қуритилган бир душман шахрининг қамали вақтида Бульбанинг ўгли Андрей, кўпдан буён уни мафтун этган, душман қабиласига мансуб бўлган бир қизга дуч келади. У ўзининг ватандошларига, бир динда бўлган одамларига хиёнат қилмасдан, отасининг қарғишига учрамасдан, у қизга таслим бўлаолмайди, шу блан бирга у ўша қиздан ажралиб ҳам кетаолмайди, чунки қанчалик одам фарзанди бўлса, шунчалик малорусдир: мана коллизия. Ёшлик кучлари блан қайновчи тўлқин табиат қалбининг мароқига рефлексиясиз берилди, чексиз саодатнинг бир они учун ўз жонидан кечди, отасининг қўлида ўлди, бу ўлим, коллизияда унинг иродаси, қарорининг зарурий натижаси ва сохта, ғайри табиий вазиятдан қутулиш учун ягона йўл эди. Иккинчи томондан, ота ўз ўглининг жаллоди бўлиш имконияти эмас, балки жаллоди бўлиш зарурати қаршисида туради: қандай фожиали ҳолат, қандай даҳшатли коллизия, ярим ваҳший вапорожецнинг темир иродаси қандай даҳшатли чиққан!.. Гогольнинг бу повести ҳарҳолда сан'атнинг буюк асари бўлар эди, лекин драматик элементнинг мўллиги орқасида бу асар энг буюк сан'аткорларнинг биринчи даражали асарлари орасида ҳурматга лойиқ ўринни олиши керак. Драматик элемент Пушкиннинг «Полтава»сига қанчалик чуқур мазмун, қанчалик ҳаракат бахш этади! Мазепа блан Мария ўртасидаги бир саҳна, Шекспир қалами блан чизилган саҳна, кишининг руҳига нақадар ҳузур беради, бизнинг бутун вужудимизни на қадар чуқур ларзага солади! Севучи аёл қалбининг рашки блан қийналган Мария сирли юриш-туриши ва совуқлигининг сабабини Мазепадан сўрайди:

Эй менинг севгилим,  
Ортимизга сен шоҳ бўласан балким!  
Сенинг оқ сочингга қандай ярашар,  
Подшоҳлик тожи!



М а з е п а

Тўхта,

Ҳали иш битган йўқ. Бўрон қўзғалар,  
Қим билади, мени нималар кутар?

М а р и я

Мен сенинг ёнингда қўрқув билмайман —  
Сен шундай қудратли! Биладан албат.  
Сени кутар тахт.

М а з е п а

Агар жанг бўлса-чи?..

М а р и я

У ҳолда, сен блан мен ҳам жанг сари,  
Оҳ, сендан айрилиб туриш мумкинми?!  
Йўқ, бекор: сенда бор шоҳлик нишони.

М а з е п а

Суясанми мени?

М а р и я

Мен! Суяманми-я?

М а з е п а

Айт, отами, ёки эр сенга азиз?

М а р и я

Суюкли дўст, ёлғиз,  
Бу саволлар нечун? Бу мени бекор  
Ташвишга солади, оиламни мен  
Унутишлик учун тиришадирман,  
Мен у оиламни қилдим шармисор;  
Эҳтимол (уҳ, қандай мудҳиш бир хаёл),  
Отам мени қаргаб, оқ қилган дарҳол,  
Барчаси ким учун? —

М а з е п а

Сенга, демакким,  
Отадан мен азиз? Сукут қиласан...

М а р и я

Ераббим!

М а з е п а

Не дейсан? Жавоб бер.

М а р и я

Сен ўзинг ҳал қил.

М а з е п а

Тингла: агар бизга, унга ё менга,  
Ўлмоқ лозим эса, сен қилсанг ҳукм,  
Айт, у чоғ сен кимни қилардинг қурбон?  
Қимга сен мурувват қилардинг у он?

М а р и я

Оҳ, етар! Қалбимни паришон қилма!  
Сен кўп жодугар.

М а з е п а

Жавоб бер!

М а р и я

Рангинг ўчиб кетди: сўзинг қаҳрли...  
Аччигланма, оҳ! Мен ҳар нимани  
Сенга қурбон қилиш учун тайёрман,  
Инон; аммо бундай сўзлар кўрқитар,  
Бас энди.

М а з е п а

Нималарни айтдинг менга сен ҳозир,  
Мария, эсда тут.

Жуда ҳам севган одамига бениҳоя вафодор бўлган  
хотиннинг қалбига бундан ҳам чуқурроқ назар солиш  
мумкинми? Бола ўйинчоғини севган каби, Мария ҳам

ма'шуқининг оқ сочли бошидаги тожни севади; уни севади ва шунинг учун, у блан бўлганда қўрқув сезмайди; Мариянинг назарида у «шундай қудратли» ки, гарчи унга таҳдид этган хавф борлиги ҳақида унинг ўзи Мариюни огоҳлантирса ҳам, Мария бирон хавф борлигига ишонғиси келмайди!.. Агар у ҳалокатга маҳкум бўлса, бу блан Мариюнинг тақдири ҳал бўлмайди: Мария учун яна хурсандчилик бор, у ҳам бўлса у блан бирга ҳалок бўлишдир!.. Бу ерда ўз ишқининг чўққисига чиққан аёлни кўрамиз, шоиримизнинг ажиб адабий тасвирига Шекспирнинг ўзи ҳам биронта сўз қўшаолмасди! Мария ота блан ма'шуқидан бирини танлаб олиш тўғрисида ўйлаб қўрқар экан, бунда қанча ҳақиқат ва турмушга мослик бор! Қалбини ўлим совуқлиги блан музлатучи бу саволга зарурий ва мусбат жавобдан бўйин товлашни иташ, шундай табиий! Ма'шуқи фойдасига жавоб беришида, Мариюнинг руҳидан қўпган хаста фар'ёд каби жавобида, хотин табиатининг зўр тантанаси бор! Мазепанинг бу ажиб саҳнани тамомловчи мудҳиш сўзларидан қабр совуқлиги эсиб туради.

Нималарни айтдинг менга сен ҳозир,  
Мария эсда тут!

Кочубейга азоб бериш олдидан Кочубей блан Орлик саҳнаси; Мария блан онаси саҳнаси; Полтава жанги олдидан Мазепа блан Орлик ҳам югуриб боручи Мазепа блан жинни Мария саҳналари: уларнинг ҳарбири — сўзнинг бутун чексиз ма'носи э'тиборила, трагедиядир!..

Вальтер Скотт блан Купер романларининг аксарисида муҳим бир камчилик бор, лекин бу камчиликни ҳечким кўрсатмайди ва ҳечким бундан шикоят қилмайди (лоақал бизнинг журналларимизда): бу камчилик романларда эпик элементнинг қат'ий кўп бўлиши ва ички, суб'ектив элементнинг йўқлигидир<sup>7</sup>. Мана шу камчилик натижасида бу икки буюк сан'аткор, ўз асарларига нисбатан, қандайдир, совуққонлик кўрсатадилар, улар учун мавжуд нарсанинг ҳаммаси яхши, уларнинг қалблари на яхшиликни, на

ёмонликни, на гўзаллик, на хунукликни кўрганда зарбини тезлатмайди, улар гўё одамда қалб борлигига гумон қилмайдилар. Албатта, бу нарса фақат бизнинг замонамизда камчилик деб ҳисобланиши мумкин, лекин бу нарса ҳарҳолда ҳам камчиликдир; чунки замондошлик сан'аткор учун буюк фазилатдир. Броқ, бу икки романчи ба'зан, истар-истамас, янги сан'ат руҳига берилди, уларнинг асарларидан яхши ва юксаклари драматик элемент блан озми-кўпми суғорилган эканини кўрсатиш учун, биз уларнинг ўзлари яратган асарлардан мисол келтириб кўрсатамиз, «Ламмермур келини» ҳатто оддий ўқучиларга ҳам фавқул'олда чуқур таассурот қолдиради, бу нарсанинг сабаби шундаки, бу асар роман шаклида бўлган бир трагедиядан бошқа нарса эмасдир. Мана шунинг учун Эдгар Равенсуд романининг мароқини ўзига тўплабгина қолмай, балки том ма'носида қаҳрамондир, оригинал шахсдир, типик характердир, қайғиручи эмас, балки ҳаракат этучи шахсдир. Шунинг учун унинг асл шахсияти диққатимизни ўзига тортади, унинг бахтсиз тақдири бизнинг бутун вужудимизни ларзага солади. Броқ, романинг беҳад та'сир қилиши ёлғиз унинг мазмунидагина эмас, балки унинг бадий шакли ҳам катта роль ўйнайди, унинг шакли содда, сиқик, уюшқоқ, воқиаларнинг ривожланиб боришида мураккаблик ва чалкашлик йўқ, воқиаларнинг такомилида қат'ий бирлик бор, афсуски, автор ўз қаҳрамонини кўпроқ ташқи томондан кўрсатиб, унинг қалбига чуқурроқ кирган эмас, унинг қалбининг энг чуқур жойларида жилваланган драмани биз учун ёритган эмас. Автор шундай қилса, «Ламмермур келини» чинакам Шекспирона драма бўлар ва ўқучига қилган та'сири ҳам минг марта кучлироқ бўлар эди. «Сен-Ронан сувлари» да эса Франс Тиррельнинг Клара Мобрайга ишқи ва фожиали муносибати ҳам шунинг каби, ўзининг бузуқ укаси Этерингтонга бўлган даҳшатли муносабатлари, руҳ ва қалбнинг энг чуқур жойларига қадар очиб берилган. Тиррельнинг Клара блан тоғларда учрашув саҳналари, кейин Тиррельнинг Джекиль блан, жинойтчи укаси томонидан

вакил бўлган бу капитан блан учрашувлари шундай чуқур ҳақиқат блан суғорилган, қалб кечирмаларини, сирларни. эҳтирос ва қайғиларни шундай чуқур англашликни кўрсатадики, улар Шекспирнинг ҳарқандай драмасини безайоладилар. Табиати эмас, кўпроқ ода-ти ва қисқа ўйлаши орқасида ахлоқсиз бўлган капитан Джекиль, ҳийлакор иятлари блан Тиррельга келган Джекиль, чексиз ишк, чексиз изтироб ва чексиз фидокорлик каби унга ёт бўлган манзара қаршисида биринчи марта ҳайратда қолгандек, Тиррельнинг олдиндан бошини қуйи солиб, чуқур ўйга ботиб кетишини ҳам бир марта ўқигач, унутиш мумкин эмас... Умуман, биз бу жиҳатдан «Сен-Ронан сувлари»ни «Ламмермур келини»дан анча юксак ва инсонийроқ деб биламиз. Бу масалада бизнинг фикримизга, кўплар қўшилмаса, бунинг сабаби «Сен-Ронан сувлари»нинг мураккаблигида, воқиаларнинг мўллиги ва чалкашлигида, характерли, типик шахсларнинг кўплигидадир. Тиррель ҳам Кларага нисбатан, бу роман «Ламмермур келини»дан кўра кўпроқ драмадир, лекин ёрдамчи воқиалар жиҳатидан бу асар соф эпопеядир ва унда бўлган драмани озми-кўпми ёпиб кетучи эпопеядир. Рицарь Ивановога Ревеккининг рад этилган ишқи бутун романга нисбатан эпизод бўлса ҳам, бунга қарамасдан, асосий идея сифатида, унга бир бутунлик беради, булутли кунда ҳам улуг ва гўзал бўлиб, лекин қуёш чиққанда унинг нури иситгани каби у ҳам романи жонлантиради ва иситади. Ревеккининг Ровенна блан учрашув саҳнаси руҳга чуқур қайғили, лекин чексиз оромбахш та'сир кўрсатади; севишга тўла сазовор бўлган, лекин қувғин қилинган ва нафрат остида қолган бир қабила орасида туғилгани учун, ўз кўзи олдида, ҳамма ҳуқуқдан, христиан ва рицарь блан топишувга ҳарқандай умиддан маҳрум бўлган аёлнинг чуқур қалбининг э'тироф этилмаган ишқининг изтироб сирларини бизга очиб беради... Мана асл ва гўзал яҳудий хотин ўзининг рақибаси олдида келади, унга қимматбаҳо совғалар таклиф қилади ва пардани кўтариб, унинг парчаланган қалбининг санамини асир этган гўзал юзни унга кўрса-

тишни, садақа сўраган каби, ундан ёлвориб сўрайди... Бу қандай ажойиб картина, ишқ ва дард блан маст бўлган ўқучининг нигоҳига бу картина ўзининг чуқур фони блан қандай чексиз манзара очади!..

Купернинг «Саҳрода йўл кўрсатучи» номли асари, мана буларнинг ҳаммасига қараганда, драматик романнинг юксак намунасидир, ўз умрининг энг яхши йилларини Американинг катта, қалин ўрмонларида, елкасида ов милтиғи блан ўтказган, улуғ табиатнинг кенг эркинлигига берилиб, маданий ҳаётнинг ўнғайликларидан ва қизиқтиручи нарсаларидан ихтиёрий равишда воз кечган, тангри яратган улуғ борлиқнинг ҳашаматли сукунатида тангри блан баландпарвоз суҳбат қилишни истаган, табиати чуқур ва қудратли руҳга эга бўлган одамни тасаввур қилинг; баданининг ва руҳининг бутун кучлари эндигина гуллаган, бошқалар кучдан қоладиган бир паллада, қирқ ёшда гўдакча — ювош қалбнинг тозалигини, туйғунинг латофатини ва ёлқинини сақлаган бир одамни тасаввур қилинг; ҳар турли хавф-хатар блан доим курашиб, йиртқич ҳайвонлар, ёвуз Мингалар блан абадий жанг қилиб, очиқ ҳавода ўсган одамни кўз олдингизга келтиринг; этлари темирдай, мускуллари пўлатдай, қотма гавдали, арслон каби мард бўлишига қарамай нозик қалб эгаси бўлган одам, ҳаёт йўлида хотинлик оламининг гўзал, латиф бир намунасига йўлиқади ва секин-секин ишқ унинг бутун вужудини эгаллайди... Унинг дўсти сержант, гўзал қизнинг отаси, ўз қизининг тақдирини кўпдан буён унга ва'да қилган. У блан бирга Мабельни гўзал ва ёш йигит Джаспер кузатиб боради. Патфайндер содда, очиқ, қалби Джаспер кўксига ўзи учун қўрқинчли бир рақиб сезмайди. Уни ота меҳри ва дўст садоқати блан севади; унинг кўнгли очиқ, асл, мард характерли ва тетик, жасур хулқи, меҳнатни севгани, чаққонлиги учун севади. Патфайндер, фурсатни ҳеч қўлдан бермасдан, Мабельга Джасперни мақтайди, унинг фазилатларини Мабельга яққол кўрсатади. Мана унинг Мабель блан гаплашадиган вақти келади, — унинг бутун хаёлларини золим воқеалик маҳв этади: қалбни узишга мажбур этган, чуқур таби-

атнинг бутун қудрати блан ёлғиз унигина севабилган, шу чоққача қўпол ва танҳо бўлган ҳаётининг бахт ва саодати тўғрисида энг қимматли хаёлларини бағишлаган бир сиймо уни чуқур ва эзгилик каби ҳурматлайди, лекин унга хотин бўлолмайди... У ўзининг темир бармоқлари блан қалтираб, бўйнини қисади, юзида дард аломати бўлса ҳам, кулиб гапиради: «Тўғри, сержант айбдор, сержант хато қилган!» Оҳ, у қандай чуқур дард чекди, унинг дарди қандай асл, инсоний характерга эга, ҳечқандай йиртқичлик, ҳечқандай ваҳшийлик қилмайди, унинг дағал кўзларидан ёшлар оқади, у табассум блан Мабель кўлини қисади, ва шундан бошлаб, ишқдан бузилмаса ҳам, ишқ буюмидан ҳаминшаликка кечади, мардлик блан оғир бут осиб юради!.. Ниҳоят, Джаспер унинг рақиби эканини билган пайт ҳам унинг учун даҳшатли пайт эди; лекин у бу синовдан ҳам ўтди: у Мабельни унга топширади, ортиқ ўзига насиб бўлмайдиган бахт ва хурсандчиликни уларнинг икковига тилайди, ҳаёт рафиқасини ҳурмат қилишни, қўпол эркак табиати блан унинг нафис, хотин қалбини таҳқир этмасликни Джаспердан сўрайди.— ва улардан абадий равишда яширинади... Бу гўзал асарнинг танқидини ёзмаймиз\*, унинг айрим ерларига қизиқиб қолишдан хавфланиб, фақат умумий жиҳатларигагина ишора қилиб ўтамиз: бу романни ўқиган ва тушунган одамлар, унда бирқанча ажиб—балий сахналар борлигини, бу сахналарда ҳислар кураши, Патфайндер руҳининг бўрони даҳшатли ҳаққонийлик блан тасвир этилганини хотирлайдилар; уларнинг бутун тафсилотини мунтазам равишда текшириб ўтмасдан, ба'зиларини бутунича кўчириб келтирмасдан, уларнинг фазилатини кўрсатиш мумкин эмас. Такрор гапирамиз: ўқиган ва фикрига сиғдирганлар бизни онгласалар керак ва ёлғиз шуни айта-мизки, бу роман ўз борлигидан воз кечиш (Resignation)нинг юксак даражаси, дарднинг буюк материяси,

---

\* «Отечественные записки» буерда «Саҳрода йўл кўрсатучи» романига тақриз ёзиш тўғрисидаги ва'дасини такрорлаш имкониятидан фойдаланмоқчи бўлади».

инсон қалбининг энг асл, энг чуқур сирларини фош этишдир. Купер, Шекспир каби, чуқур қалб билучи, руҳ оламининг буюк рассомидир. У баён қилиб бўлмас ҳолларни равшан гапирган, ташқи ва ички ҳодисаларни бир бутунга айлантирган,— унинг «Саҳрода йўл кўрсатучи» романи, роман формасида бўлган Шекспирина драмадир. У блан ҳечнарсани тенглаштириб бўлмайди, бу жинсда ягонадир, эпик поэзия соҳасида янги сан'атнинг тантанасидир. Бунинг сабаби, авторнинг буюк ижоди романнинг ҳарбир сатрида, қирралик садафдаги қуёш нури каби, драматик бошланганининг бўлишидадир.

Эпопеяда драма бўлганига ўхшаш, драмада ҳам эпопея бўлади, бу аниқ. Греklarда, лирикани ҳам истисно қилмасдан, поэзиянинг ҳамма турлари оз, кўп даражада эпик характерда бўлган; чунки бу халқнинг бутун ҳаёти энг кўп пластик тасаввурда кўринган. Греklarнинг трагедияси айниқса эпик характердадир; бу жиҳатдан, у янги, христиан драмаси, Шекспир драмасига тамом қарама-қаршидир. Грек драмасининг қаҳрамони одам эмас, воқиадир; унинг мароқи шахснинг тақдирида тўпланган эмас, балки халқнинг тақдирида, халқ намояндалари сиймосида тўпланган. Шунинг учун грек трагедиясининг асосий шахси ҳарвақт яримхудо, подшо, қаҳрамондир, унга қарши қўйилган шахс эса халқдир; халқ трагедияда хор каби иштирок қилади, унинг ўзи пьесанинг боришига узоқ та'сир кўрсатмайди, лекин у пьесанинг ўсувини гўё кўздан кечиради ва у ҳақда ўз фикрини билдиради. Грек трагедиячилари ўз қаҳрамонлари сиймосида халқ ва ижтимоий ҳаёт стихиясини ифодалаганлар. Масалан, Софоклнинг «Антигона» номли энг асл асариде трагедия қаҳрамони сиймосида табиий оилачилик идеяси кўрсатилган, Креон шахсида эса давлат ҳуқуқининг, қонун кучининг тантанаси кўрсатилган. Креон, ватан душмани бўлган Полиникни кўмишни ман'этган; Греklarнинг диний ва ижтимоий тушунчаларига мувофиқ, ўликни кўммаслик, ўлган одам учун ҳам, унинг тирик қолган қариндошлари учун ҳам энг катта шармандалик ва фалокат бўлиб ҳисобланган. Анти-



гона, Полинникнинг синглиси, бахтсиз аканинг жасадини яширин равишда кўмишни ўз синглиси Исменага буюради. Қўрқоқ, кучсиз Исмена рад қилади,— мана шунда юксак руҳли Антигона бир ўзи бу олижаноб қаҳрамонликни бажаради. Бу ишдан хабар олган Креон Антигонадан, бу жиноятни аниқ қилганмисан ва бу иш учун ўлим жазоси кутиб турганини билганмисан, деб сўраган вақтда, Антигона тасдиқлайди ва акаси гарчи айбдор бўлса ҳам, ҳарқолда у «нафрат қилиш учун эмас, севиш учун туғилган» лигини қўшиб айтади. Совуқ ўлим жазоси ҳукмини қалтирамасдан тинглайди ва афв сўрамайди. Унинг куёви ва Креоннинг ўғли — Эмон ўз қаллиғини кечиришни сўрайди, ўжар ота блан жанжаллашади ва ғазабланиб, унинг ҳузуридан кетади. Руҳоний Тирезий Полинник жасадини кўмишга кенгаш беради, қариндош-уруғ ҳуқуқи бузилганидан, таҳқир этилган худолар ғазабининг маш'ум ифодалари блан қўрқитади. Хор кўринишида бўлган халқ товуши асл Антигона томонида экани очиқ. Креон ҳали ҳам ўз сўзида, лекин унда энди шубҳа туғилади: у асл жиноятчи қизни кечиришга, эҳтимол тайёрдир, лекин қонун кучини сусайтириш, давлат ҳуқуқини пасайтириш унга қийин. Ниҳоят, Тирезийнинг дўқини қувватловчи халқ товуши, Антигонани қутқариш учун Креонни, гарчи у қадар хоҳламаса ҳам, кўндиради. Лекин вақт ўтган: очдан ўлдириш учун элтиб қўйилган ғорда Антигона ўзини дорга осиб ўлдирган, Эмон эса, отасининг кўз олдида, унинг жасади устида ўзига найза санчиб ўлдиради. Креоннинг хотини, Эмоннинг онаси бўлган Эвредика эса ўғлининг ҳалок бўлганини эшитиб жон беради. Креон ўзининг золимлигига афсус қилади, унинг томонидан ҳалок қилинган қариндошларининг суюкли кўланкаларига мотам тутаяди, аччиқ ҳаяжон ичида қолади. Трагедия қадим замон руҳида хорнинг ахлоқий апофегмаси блан танганали равишда битади. Шундай қилиб, қон ҳуқуқи томонидан ҳақоратланган давлат ҳуқуқи, таҳқир эту-чидан ўч олади; лекин ўч олучи, ўчнинг даҳшатли оқибатлари натижасида, таҳқир этилган қон ҳуқуқи томонидан ўзига кин ортдиради; бу воқиядан халқ

чиқарган ҳикмат эса бу икки жиҳатни келиштирув-га хизмат қилади... Эпопеяда бўлгани каби, грек трагедиясида ҳам, уларнинг асосий дун'ё қараши — тақдир катта ўрин олади. Эдип ҳечқандай жинойтсиз, даҳшатли жинойткор бўлиб қолади ва бу учун кўзларини нурдан маҳрум қилиб, ўз-ўзига жазо беради... Шоҳона дардқашнинг ўлими уни ерости кучлари блан яраштиради,— ва унинг қабри, худоларнинг кўрсатишича, унинг азобланган жасадига жой берган мамлакат учун ободонлик гарови бўлиб қолади... Ҳарбир грек трагедиясининг ҳаракати тишда бўлади; иштирок қилучиларнинг ички олами тамошабинларнинг кўзларидан яширинади. Ҳаракатнинг ўсуви содда, унча мураккаб эмас, бир моментдadir; чунки об'ектив ва абстракт бўлган мазмуннинг ўзи ҳам катта асарга мавзу' бўлаолмайди. Механизм бирхил, пружиналар ҳарвақт айни бир нарса. Иштирок қилучи шахслар, гўзал, лекин башаралари деярли ўзгармай бўрттириб ифодаланади, лекин кўзлари қорачиқсиз жонли нурсиз ҳайкалларга ўхшайди.

Янги сан'атда тарихий мазмунга эга бўлган, асосий идеяси юқори давлат ҳаётидан олинган драмаларгина, ба'зан, эпик характерда бўлади. Масалан, Шекспирнинг «Макбет» ёки «Ричард II» асарлари шундайдир. «Отелло»да эса ҳар кишига озми-кўпми онглашиладиган ва муяссар бўладиган ҳис ўстиради; «Қороль Лир»да эса аламон ўртасида ҳарким учун яқин ва мумкин бўлган бир ҳолат кўрсатилган,— шунинг учун бу пьесалар ҳаммага ҳам кучли та'сир қилади. Лекин «Макбет» блан «Ричард II» нинг мароқи соф, об'ективдир, шунинг учун жуда оз одамларга яқин ва муяссар бўлади. Шу блан баравар, икки драма ҳам бу жиҳатдан эпик, деб оталиши мумкин, уларда воқиянинг ўсиши юксак даражада драматикдир, чунки у ҳаракатга тўладир ва ҳарбир одам ўзининг ички мароқи соҳасида ўзини кўпроқ ва тўлароқ баён қилади. Лекин Пушкиннинг «Борис Годунов» асари соф эпик характердаги трагедиядир. Годуновнинг жинойти драма бошланишидан аввал бўлиб ўтган, шоир ўз қаҳрамонини трагик коллизия курашида кўрсатмайди. Биз унинг кўп-

дан буён ўзиники деб ҳисоблаган тожни қабул қилиш учун халққа қандай айёрлик ва усталик блан таклиф қилиши унинг ичида қандай ўзгариш туғдираётир, буни кўрмаймиз. Шу ондаёқ бизнинг диққатимиз янги қаҳрамонга, поймол қилинган давлат ҳуқуқининг ўчини олиш учун тарихий Немезидо томонидан танланган қуролга — келгуси пуч номдорга ўтади. Фақат саҳнада ўч олочи пайдо бўлгач, Годуновнинг ички ҳолатини биздан яшириб турган пардани бироз кўтарали, унинг ўзи блан тилсиз гаплашувини, ўз виждони блан даҳшатли равишда ҳисоблашувини бизга баён қилади. Пушкин трагедиясида икки қаҳрамон бор, ёки очиғини айтсак, битта ҳам қаҳрамон йўқ; унинг қаҳрамони— воқиадир, бунинг идеяси таҳқир этилган давлат ҳуқуқи учун тарихий Немезидонинг ўч олишидир. Мана шунинг учун Пушкиннинг бу улуг асари оз кишиларгагина онглашилади ва халқнинг кўпчилиги орасида бу асар ўзи лойиқ бўлган шарафни кўраолмайди, унинг идеяси ва характери ҳамма учун умумга муяссар бўладиган мароққа эга эмасдир. Годуновнинг характерларини ҳам мана шунга боғлаш керак: ўз асарининг зарарига, Пушкин тарихга маҳкам ёпишиб, Годуновни фавқул’одда ақлли бир шуҳратпараст сифатидагина кўрсатади, унга ҳечқандай шахсий улуглик ва тарихнинг қаҳрамонига хос бўлган ҳечқандай доҳиёна руҳ кучи бағишламайди. Ва шунинг учун, трагедиянинг ба’зи қисмларининг (масалан, ўз ҳужрасида ёлғиз ўзи ўтирган вақти ва кейин келгуси пучномдор блан суҳбатда воқиянавис Пименни кўрсатган доҳиёна саҳна) қимматини онгласалар ҳам; ўзининг секин ва улугвор эпик юксалишида шундай буюк асарнинг бутун ҳолида идеясини қамраб олмайдилар

Трагедия блан комедия ўртасида қолган кўпгина драматик асарлар эпик драмаларга мансублирлар. Масалан, Шекспирнинг «Бўрон», «Цимбелин», «Ун иккинчи кеча» ёки «Нима лозим» деган асарлари шундай асарлардир, буларда ҳаётнинг ўзи қаҳрамон вази-фасини бажаради. Масалан, «Нима лозим»ни олайлик: бунда қаҳрамон ёки қаҳрамон хотин йўқ; бунда ҳар-бир шахс диққатимизни тортади; ҳатто бутун бир

асарнинг ташқи мароқи севучи бир жуфт шахсга тўп-ланган, уларнинг иккиси ҳам ўқучини баравар қизиқтиради, уларнинг топишуви эса драманинг ечимини ташкил этади.

Лирик элементнинг зўр ўрин олиши эпопеяда ҳам, драмада ҳам бўлади. Байрон блан Пушкин дostonлари ҳам лирик дostonлар сирасига киради. Уларда, эпопеяда бўлгани каби воқиа эмас, балки драмадаги сингари, одам ҳукм суради, ёки бу икки томон тенглашиб кетади ва ўзаро бир-бири ичига киради. Уларнинг муҳим фарқи шундаки, у дostonларда воқиянинг фақат шоирона моментлари олинади ва уюштирилади, ҳаёт прозаси эса идеаллаштирилади ва ше'рий тусга киргизилади. Пушкиннинг «Евгений Онегин»и ҳам лирик дostonлар қаторига кириши керак. «Онегин» мазмунининг деярли кўп қисмини ҳаёт прозаси ишғол этган бўлса ҳам, лекин бунда проза жонли, қанотли, нурли, поэтик ва гармоник назмга едирилган, бу эпиграммалар олови блан чақнаса ҳам, у соф лирик элемент бўлган ҳасрат ичида эриб кетган. Ҳикоядан шоирнинг чекинишлари, унинг ўз-ўзига хитоблари бу ягона ва энг гўзал бадий асарнинг энг қимматли лирик марваридларидир.

Шиллернинг «Орлеан қизи» ва «Мессин келини» каби асарлари асосан лирик драмалардир, уларда ҳаракат ўз-ўзича олганда аҳамиятли эмас, балки опера либреттоси аҳамиятига эгадир, уларнинг моҳиятини улардан ҳарбирининг асосий идеясининг баён қилучи лирик монологлар ташкил этади. Бу — олийжаноб эҳтирослар, юксак ўйлар ва буюк ҳодисаларнинг шоирона авжидир, бу гапларни айниқса, «Орлеан қизи»га нисбатан айтишимиз мумкин. Байроннинг «Манфред»и, Гётенинг «Фауст»и, гарчи бошқа бир характерда бўлса ҳам, лирик драмалардир; булар йўқолган ҳаёт тўлиқлигига рефлексия орқали интилучи ички одамнинг парчаланган табиатининг шоирона авжидир. Суб'ектив мушоҳададаги руҳ масалалари, борлиқ ва абадийлик сирлари, одам шахсининг тақдири ва унинг ўзига, умумга муносабатлари ҳақидаги масалалар, бу икки буюк асарнинг моҳиятини ташкил этади. Ўз хусу-

сиятига кўра лирик драма ташқи воқеа'лик шароитларини менсимаслиги мумкин; саҳнага руҳларни чақириш ва эҳтирослар; орзулар, ўйларга жонли образлар ва қиёфатлар бериши мумкин. Символизм ва аллегорияга мойилликни лирик драманинг камчилиги деб ҳисоблаш мумкин, «Фауст»нинг иккинчи қисмини бир қадар ҳақли равишда мана шу масалада камситадилар.<sup>9</sup>

Лирик асарларнинг ўзларига келсак, улар ба'зан, романс ва балладада кўрилган каби, эпик характер қабул қиладиларки, бу тўғрида қуйида муфассалроқ тўхтаймиз. Улар драмадан моҳиятни эмас, балки формани оладилар, бу форма ҳис кучини қўзғаб, фикрнинг қувватли ифодасига ёрдам беради. Шу турдаги лирик асарларнинг драматик формадаги энг яхши намуналари мана шу пьесалардан иборатдир: Пушкиннинг «Шоир ва аламон» ва «Қитобфурушнинг шоир блан суҳбати», Веневитиновнинг «Шоир ва дўст»и, Лермонтовнинг «Журналист, ўқучи ҳам ёзучи» деган асари.

Поэзиянинг ҳарбир турининг умумий аҳамиятини та'рифлаш ва солиштириш орқали тушунтириб, уларнинг ҳарбирининг хусусиятларига ва турларга бўлинишларига ўтаимиз.

## Эпик поэзия

Эпос, сўз, эртак, буюмнинг ташқи кўринишини тасвирлайди ва умуман буюм нималиги ҳам қандай бўлиши ҳақида фикр юритади. Қандай бўлмасин бир буюмнинг муҳим томонини ва унинг моҳиятини тўла равишда қамраб оладиган ҳарбир ибора эпоснинг бошланғичидир. Қадимгиларда *эпиграмма* (*битик* ма'носида) бу характерга эга бўлган. Қадим грекларнинг *э номлари*, я'ни ба'зибир томондан бизнинг мақол ва масалларга тўғри келучи ахлоқий иборалари ҳам бунга мансубдир, лекин улар юксак, шоирона, ба'зан диний характерлари блан ва комизм, прозадан холи бўлиши блан ажралади. Гўдак халқнинг ҳархил ахлоқий гаплар тўплами ҳам эпосга мансубдир, шуларда ёш халқ, ҳаётида поэзия блан проза ажратилмасдан илгари,

дун'ёга, табиатнинг турли қисмларига ва ҳоказога ўз қарабини жонли, самимий кузатиш шаклида ифода қилган. Кейинги замонларда ҳаёт прозасидан келиб чиққан *дидактик* ше'рларни улар блан аралаштириш ҳеч керак эмас.

Эпоснинг тараққиёт босқичининг яна юқорироғида қадим замоннинг *космогония ва теогониялари* туради. Биринчисида коинотнинг бошланғич илоҳий кучлардан пайдо бўлиши, иккинчисида бу кучларнинг турли худодликларга ажралиб кетиши тасвир қилинади. Ниҳоят, эпик поэзия ўз тараққиётининг уччига етишади, воқиаларнинг маибаи бўлган инсонга етиб боради ва эпопеяда ифодаланadi.

Эпопея ҳарвақт поэзиянинг олий тури, сан'атнинг тожи ҳисобланган. Бунинг сабаби «Илиада»га грекларнинг ва улар орқасидан замонамизгача бўлган бошқа халқларнинг буюк ҳурматиدير. Греклар ҳаётининг бутун тўлалиги ва бутун бойлиги ифодаланган қадимнинг энг буюк асарига нисбатан бу чексиз ва кўр-кўрона ҳурмат шундай зўрайганки, «Илиада»га, ўз замони ва ўз халқининг руҳидаги бир эпик асар каби эмас, балки эпик поэзиянинг ўзи деб қараганлар, я'ни ўзи мансуб бўлган поэзия тури блан асарни аралаштириб юборганлар. «Илиада»нинг формасига яқин ҳарқандай асар, унинг ҳарқандай кўчирмаси эпик дoston бўлиши керак ва ҳарбир халқ ўз эпопеясига, тагин грекларга қандай бўлса, нақ шундай эпопеяга эга бўлиши керак, деб ўйлаганлар. «Илиада»га қараб ҳатто эпик дostonнинг та'рифини ҳам ясаганлар; бу та'рифга кўра, эпик дoston, халқнинг тақдирига та'сир кўрсатган буюк тарихий воқиани куйлаш эмиш. Бунинг натижасида эпик дoston яратмоқ учун ватан тарихидан катта воқиани қидириш, бошланишда музани (илҳомни) да'ват қилиш, «куйлайман» деб бошлаш ва томоғи қирилгунча куйлашгина қолади, холос. Мана шундай қилиб, Виргилий, Энейнинг ҳисобсиз фалокатларга чидаш бериб Троядан Тибр қирғоқларига келганлиги тўғрисидаги афсонани эсга туширган ва «сапо»<sup>1</sup> деб

<sup>1</sup> Куйлайман демақдир.

асарини бошлагач, эпик достон ёзганига ўзи ишонган ва бошқаларни ҳам ишонтирган. Унинг қадим дун'ё сан'атининг ўлим даврида, сан'атга қарши бўлган бир замонда пайдо бўлган асари, текис, силлиқ ва ялтироқ, риторик асари, «Илиада»дан биринчилик шуҳратини олмоқ учун узоқ вақт тортишган. Фарбий Европанинг католик монахлари Virgiliyни авлиёлар қаторига қўшиб қўяёзган эди; антипоэтик француз танқидчиси Лагарп «Энеида»ни «Илиада»дан юқорироқ қўйишга қадар борди. Шундай қилиб, «Қутулган Қуддус», «Улисовнинг ўғли Телемакнинг саргузашти», «Йўқолган жаннат», «Мессиада», «Генриада», «Гонзальва Кордуанский», «Тилемахида», «Петриада», «Россиада» ва бошқа бир кўп «ада»лар «Энеида»дан туғилди. Испанлар ўзларининг «Араукана»си блан, португалиялилар ўз «Луизитана»лари блан фахрландилар. Бу «эпик» ва «қаҳрамонлик» дostonларининг қиммати қай даражада эканини билмоқ учун, шубҳасиз, умуман эпопеянинг моҳияти ва шартларига ва «Илиада»нинг характериға бир қарашнинг ўзи кифоя қилади.

Эпос халқнинг эндигина уйғонган онгининг поэзия соҳасида биринчи пишган мевасидир. Эпопея халқнинг фақат гўдаклик даврларида, унинг ҳаёти ҳали икки қарши томонга — поэзия ва прозага ажратилмаган чоқда, халқнинг тарихи фақат афсона бўлган замонда дун'ё ҳақида унинг тушунчалари фақат диний тасаввурлардан иборат бўлганда, унинг куч-қудрати ва тоза фаолияти фақат қаҳрамонлик ғалабаларида кўринган замонлардагина пайдо бўлиши мумкин. «Илиада»да ҳаёт поэзияси ва прозаси шундай ажралмас шаклда жипслашганки, унда оддий ҳунарлар сан'ат деб аталади ва осмонда яшовчи Гефест эса яратади (ишламайди, қилади), у ижодий ўй-тушунчага асосланиб, худолар, қаҳрамонлар учун қалқонлар, қуроллар, ширин зиёфатларда худолар оёқларини қўйсин учун олтин учоёқлар, ёғоч курсилар (скамейкалар), боғичга ўтказилган, маҳкам лўкидонли ажойиб ишланган эшикли храмлар (қулф яшаш қаёқда! бундай немис қувлигига худоларнинг сан'ати ҳам бориб етмаган

эди) яратади. «Илиада»да одамларнинг иш-ҳаракати-да худолар ҳам шахсан иштирок қилади, уларни ҳам манфаат ва ҳирс ҳаракатга келтиради; кенгашларда худолар ўзаро жанжаллашадилар, гуруҳларга айрилиб бир-бирларига қарши чиқадилар, Ахеялилар ва Данайлилар сафида бир-бирлари блан уришадилар; воқиянинг тақдирини уларнинг бевосита та'сири ечади. «Илиада»да дин—ижтимоий ҳаётнинг бошқа стихияларидан ҳали айрилган эмас: халқ ҳуқуқи, сиёсий тушунчалар, граждандан ва оила муносабатлари — ҳаммаси тўғридан-тўғри диндан келиб чиқади ва ҳаммаси динга бориб тақалади. Муғомбир Одиссей Аякс Теламонид блан ким ўзишга чопишади, рақибининг ўтиб кетишини кўриб у Палладага сиғиниб, ёрдам сўрайди: Эгиохнинг кўк кўзли қизи ўз суюклисига раҳм қилади. Аякс бузоқ тезагига сирпаниб йиқилади ва Одиссей биринчи мукофотни, кумуш косани олади, лекин Аякс ҳам шод, чунки у иккинчи мукофотни «боқилиб семирган, эти миқти бузоқни» олишга муваффақ бўлади. Кўрасизми: оддий тасодиф—тасодиф эмас, ўз суюклисига кўмак берган ма'буданинг иши, Аякснинг ўзи бунга бутун жони блан ишонади.

Турди, дала бўтасининг шохларини ушлаб олди,  
Тезакларни у тупуриб, Аргивянларга деди:  
«Яшинчининг қизи, дўстлар, оёғимга зиён берди, Афина!  
У Одиссейга доим ёрдам қилар бир — она!»

(XXIII қўшиқ, 780—784 бет).

Одиссей инсон донолигининг юксак нуқтасидир; лекин унинг донолиги нимада? Унинг донолиги қувликда, кўпинча қўпол ва юзаки қувликда, биз буни оддий тилда «тилёғламачилик» деймиз. Лекин гўдак халқ кўзида бу қувлик мумкин бўлган доноликнинг энг баланд босқичи бўлиб кўринган. Гомернинг энг юксак ва оддий фикрларининг соддадил бўлиши ҳам мана шундадир. Гомернинг яшаган даври Ксеркснинг Грецияга ҳужумидан 600 йил аввал, деб фараз қилдилар, бу давр халқнинг гўдакликдан тамом чиққан,



ма'навий ва гражданлик ҳаёти тўла тараққий қилган давридир. Демак, Гомер ўз «Илиада»сида қандай бўлса, турмушда ҳам худди шундайдир: тасвир этган воқеалари илҳом орқали қандай равшан кўринган бўлса, худди шундай бўлиши мумкинлигига у бутун руҳидан ишонучи бир кекса-бола, соддадил бир доҳий эди; хуллас, у ўз ижоди блан бир бўлган ва ижоди ҳам унинг муқаддас э'тиқодларининг, унинг энг чуқур ишончларининг самимий ва соддадил ифодасидир. Броқ, Гомер Троя уруши замонларида эмас, балки ундан икки юз йил кейин пайдо бўлган. Агарда Гомер ўша воқеанинг замондош кузатучиси бўлса эди, ундан бир дoston яратаолмас эди: воқиа ёш халқнинг жонли ва кўркам фантазиясининг шоирона афсонаси, эртаги бўлиб қолиши лозим эди; воқиа қаҳрамонлари узоқ замонлардан, уларнинг табиий гавдасини ғоят даражада катталаштиручи ўтмиш ичидан кўриниши керак эди; уларни кўзга ташланадиган қилиб, бошдан-оёққача шуҳрат, шон нури блан бежаб, яқиндан қаровчи кўзга жуда яққол кўринадиган ҳамма ғадир-будурларни ва оддий тафсилотларни ёпиб кетиши лозим эди. Ҳозирги нарса гўдак халқнинг шоирона асарларига мавзу' бўлаолмайди, ўзининг музалар ҳақида айтган афсонавий қўшиғида, кейинча герман фикри блан онгли равишда ривожлантирилган поэзия моҳиятини баён қилган қадим замон кексаси Гезиод шундай дейди: «Музалар унга илоҳий қўшиқ сўйладилар, у келажакни ва ўтмиш воқеани мақтасин», лекин музаларнинг ўзлари «ҳамма нарса ҳақида, нима бор, нима бўлади ва нима бўлиб ўтган, барисини сўйлаб, Олимпда Диянинг буюк ақлини қўшиқлар блан хурсанд қиладилар; фақат худоларнинг поэзиясигина, ўтмиш ва келажакдан ташқари, ҳозиргини ҳам қамрайди, чунки худолар ҳаётининг ўзи поэзия ва саодатдир.\* Аммо Гомер яшаган давр, у куйлаган воқиа давридан жуда кўп узоқлашмаган эди: ҳамма нарса ҳали ўша воқиа блан тўла эди, у ҳақдаги афсоналарга, тарихга ишонган каби

---

\* «Тарихий тараққиётда қадимги ва янги халқларда поэзия назарияси». С. Шевирев, 17 бет.

ишонар эдилар, ўтмиш блан ҳозирги замон орасида катта фарқ кўрмас эдилар ва шунинг учун Гомер Троя урушининг замондоши бўлмаса ҳам, муқаддас Илионнинг таслим бўлиш шовқинини равшан сезарди...

«Энеида»нинг қиммати энди равшан бўлса керак, унинг доно автори ўтмишга ёпишган, афсонага чанг солган, лекин бу ўтмиш, бу афсона, Олегнинг Истамбул атрофига юришлари биз русларни қанча қизиқтирса, «Энеида» авторини ҳам бундан ортиқ қизиқтирган эмас. Ўз ҳаётининг деярлик бутун циклини босиб ўтган, йиқилишга юз тутган бир халқнинг а'зоси, қариган, чириган, ҳамма э'тиқодларини йўқотган, кўринишда худоларни ҳурмат қилиб, лекин яширинча уларни масхара қилган бир маданиятнинг ўғли Виргилий, икки юзлама, мунофиқ бўлмаса, мўмин банда бўлиб кўринармиди; унинг ичини тўлқинлантирмаган, қалбининг ҳамма қилларини ларзага солмаган, унинг диний э'тиқоди бўлмаган нарсани у, масхара қилмасдан, самимий равишда шоирона ҳаяжон блан сўйлаши мумкинми?.. Достон ўз ичидан чиққан фикрдан туғилмасдан, балки «Илиада» мавжуд бўлгани учун, унга ҳавасланиб онгли равишда туғилган бўлиши, унинг «Энеида»си оригинал асар бўлмай, балки буюк намунага разил тақлиддан иборат бўлиши, у достонга энг яхши танқид ва қат'ий ҳукм бўлиб хизмат қилади. Бу асар, тўғриси, пардоз жиҳатидан гўзал, ташқи лотин гекзаметрларида ёзилган «Улисснинг ўғли Телемакнинг саргузаштлари»дир.

Янги халқларда эпоея яратиш учун бўлган уришиларнинг мевалари, шубҳасиз, «Қутулган Қуддус», «Йўқолган жаннат» ва «Мессиада»дир. Буларда энг яхши поэтик қисмлар ҳақиқатан мўлдир; уларни ижод этучиларида буюк шоирлик қобилияти борлиги билинади; лекин уларнинг мазмуни ва замон руҳига ёт бўлган форма беришга интилиши, улардан албатта «Илиадалар» ясашга интилиши, уларни табиий равишда бузган ва бутунлай тасқара қилиб қўйган ва шунинг учун улар бутун ҳолда текис бадий асар бўлаолмайдилар, улар бевосита ижодий актдан туғилган эмас, балки онгли ва шу блан бирга хато фикрдан келиб

чиққан. Урта асрлардаги Европа рицарларининг қаҳрамонлик грецияси ҳаёти блан қандай ўхшашлиги бор? Салб юришлари блан Троя уруши орасида қандай алоқа бор? — Ҳечқандай, чунки ташқи ўхшашликларни ҳисобга олиш тўғри эмас! Аммо, Тасс ундан ҳам, бундан ҳам албатта «Илиада» яшани истаган, академик пардозларни кўзда тутиб, асарини бирнеча марта қайтадан тузган... Ариостанинг Orlando Furioso\* асари «Қутулган Қуддус» каби шуҳратли бўлмаса ҳам, Тасснинг овозаси кетган асаридан минг марта кўпроқ рицар эпопеясиدير. Шахслар блан воқиаларнинг рангбаранглиги, чигал тасодифлар ва тўқинишларнинг гулдор тўқилмаси, проза ва поэзияга ажралган ҳаёт, замон шароити ва руҳига мувофиқ энг комик кулги элемент, ишқ, жанглар, сиҳргарлик, му'жизалар, чекинишлар ва эпозидлар,— булар ҳаммаси Ариостнинг да'вога сун'ийликка, риторикага ёт бўлган асари Европа рицарлари ҳаётининг руҳини, манзарасини Тасс достонига қараганда кўпроқ ифода қилади ва рицар эпопеясининг талабларига кўпроқ жавоб беради.

«Йўқолган жаннат» буюк талантнинг асаридир, лекин бундай достонни Инжил давридаги яҳудий ёзиши мумкин эди, э'тиқодга озод фикрий элемент кирган Кромвел даврининг одами ёзаолмайди. Шунинг учун бу достоннинг формаси ғайри табиийдир; буюк фантазияни кўрсатучи айрим гўзал жойлари бўлсада, достонда мавзу'нинг буюклигига мос тушмаган хунук қисмлар кўпдир: малакларнинг йиқилган руҳларга қарши оддий қурооллар блан жанг қилиши, уларнинг эфир баданларига еткизган ва зарбнинг кучига қараб, бир соатдан то бир суткага қадар тузаладиган яраларини, ёвуз руҳларни отиш учун малакларнинг кечаси тоғдан топиб олган тўпларини мисол келтириш кифоя қилади...

«Мессиада» ҳам шоирона қисмлардан маҳрум эмас...

Бизнинг русча «ида», «ада» ва «яда» ларга келсак,

---

\* «Ис'ёнкор Роланд». Ред.

улар тўғрисида шундан бошқани айтиб бўлмайди: «Ором ол, азиз жасад, қувноқ тонггача»...<sup>10</sup>

Ҳаммаси бўлмаса ҳам, деярли барча халқлар, гўдаклик даврларида эпик ривоятларга эга бўлганлар, лекин ҳамма ривоятда бадиий нуқтаи назардан қаралиши мумкин эмас: чунки уларда чексиз идея бўлиши зарур. Халқнинг вазияти, унинг субстанцияси эпоснинг асосий мавзу'ини ташкил этса, бундан бошқа яна, у халқ ўз ичида идеяга, руҳга эга бўлиши ва жаҳоншумул-тарихий халқ бўлиши ҳам зарур. Мана шунинг учун эпопеяга намуна сифатида фақат ба'зи-бир нодир асарларнигина келтириш мумкин, масалан: «Маҳабгарата» ва «Рамайяна» каби ҳинд дostonлари ва айниқса Гомернинг — «Илиада» ва «Одиссея» эпослари. Ҳинд дostonлари, қанча кўркам бўлмасинлар, Гомер эпослари блан тенглашаолмайдилар: чунки улар сан'атнинг ҳали фақат ўзини кўрсатишга интилган бир босқичига мансубдирлар, демак поэзиянинг ҳамма талабларига ҳали жавоб бераолмайдилар... Миллий жиҳатдан муҳим бўлган бошқа эпик тараннумлар, масалан, германларнинг Nibelungelied\* каби, лекин улар оламшумул инсоний мароққа эга эмаслар ҳам у қадар бадиий тўлалик кўрсатмайдилар.

Шундай қилиб, эпопеянинг мазмунини ўз ҳаётининг индивидуал манба'лардан ҳали айрилмаган халқнинг ҳаёт моҳияти, субстанция кучлари, вазияти, турмуши ташкил қилиши керак. Шунинг учун эпик дostonнинг асосий шартларидан бири унинг халқчиллигидир: шоирнинг ўзи ҳам воқиага ўз халқининг кўзлари блан қарайди, воқиадан ўз шахсини айирмайди. Лекин эпопея юқори даражада миллий бўлиши блан баравар,— у айти вақтда, бадиий асар бўлиши учун, индивидуал халқ ҳаётининг формаси, ўз ичига умумий инсоний, жаҳон аҳамиятига эга бўлган мазмунни олиши керак. Грекларнинг индивидуал ҳаёти ана шундай бўлган,— ва шунинг учун уларнинг ҳатто космогоник ва теогоник тараннумларидаги гўдакларча

---

\* «Нибелунглар ҳақида қўшиқ» — *Ред.*

какалаш ҳам кейинчалик бутун кишилик дун'ёсининг моли бўлиб қолди. Такрор айтамыз: Биз юқорида суянаётган Гезиоднинг музаларга бағишланган қўшиғида нафосат фалсафаси блан тўла, бизга замондош германларнинг ҳаракатсиз фикри орқасида ўсган янги замон эстетикасининг улуғлиги ва моҳияти бордир. Мана шунинг учун «Илиада» блан «Одиссея» миллий грек асарлари бўлиши блан баравар, айни замонда бутун инсониятга ҳам тегишлидирлар, ҳамма замонларга, ҳамма халқларга яқиндирлар, дун'ёдаги ҳамма тилларга, шеваларга озми-кўпми қулай таржима қилинадилар. Греklar ўзларининг гўдаклик даврлари блан, кишиликнинг мукамал ва мумтўз намояндалари сифатида, бутун кишилик жамиятининг гўдаклик даврини ифода қиладилар. Гомер дostonларини ўқиркан, кишилик дун'ёси ўзининг порлоқ гўдаклик (фақат греklarникини эмас) даврини хотирлайди. Масалан, рус қўшиқларида ва эпик ривоятларида поэзия кўп, лекин бу поэзия халқ индивидуаллигининг тор, ёпиқ доирасига тиқилган, умумий инсоний мазмундан маҳрумдир, шунинг учун фақат рус руҳига онглашилади ва та'сир қилади, лекин бошқа ҳарқандай халқ учун ҳечнима демайди, уни ҳечбир бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди. Худди шу сабабдан бизнинг халқ қўшиқларимиз ва эпик ривоятларимиз ҳарқандай бадийликдан маҳрумдир, айрим ўринларда поэзиянинг порлоқ мисолларини кўрсатсалар ҳам, айни замонда прозаик жойлар блан тўладир, кўпинча улардаги фикр ўз ифодасини топмайди, ишоралар ва символлар блан ғулдирайди. Фақат умумий инсоний, жаҳоншумул мазмун бадий формада кўринабилади.

Эпопея учун мазмун беришга халқ моҳияти ҳаётининг воқияда ифодаланиши керак. Халқнинг гўдаклик замонларида унинг ҳаёти кўпроқ ботирликда, қаҳрамонликда ифодаланади. Халқнинг бутун ички кучларини қўзғатиб, ташқарига чиқариб, унинг ҳали мифик тарихида бир давр очган ва унинг келажак ҳаётига та'сир қилган умумий халқ уруши, ўзининг азаматлигига кўра, эпик воқиалар ва эпопея учун бой мате-

риал беради. Афсонавий Троя уруши греклар учун худди шундай воқиа эди ва «Илиада» блан «Одиссея» учун мазмун берди, бу дostonлар эса Софокл ва Эврипиднинг трагедиялари учун кўпинча мазмун берди. Эпопеяда иштирок қилучи шахслар тўла равишда миллий руҳ намояндалари бўлиши керак; лекин қаҳрамон ўз шахси блан халқ кучларини, унинг моҳиятининг, руҳининг бутун поэзиясини тўла-тўқис кўрсатиши керак. Гомернинг Ахиллеси яна шундайдир. Ҳалок бўлаётган халқнинг, оиласининг таянчи, ўз оиласида шафқатли эр ва ота бўлган ва фақат Ахиллесга ён беручи ботир, қудратли паҳлавон Гекторни сиз севадиз; сиз унинг ўлимига жуда ачинадиз, адолат тўғрисида Ахиллесга ён босган худоларга ва тақдирга аччиғланасиз; лекин астойдил тикилиб қарасангиз, ғазабли, шонли, эҳтиросли, шоирона Пелид Гектордан ҳақиқатан устун эканини кўрасиз. У бошдан оёқ шуҳрат нурига чўмган бир қаҳрамон, Греция руҳининг ҳамма томонларини тўла равишда кўрсатучи, ма'буданинг мумтоз ўғлидир, Гектор Ахилдан кўра инсоний сифатга кўпроқ эгадир, лекин Ахилл Гектордан кўра кўпроқ илоҳий сифатдир. Ахилл ҳамма қаҳрамонлардан юксакдир. Аякс кучда унга тенг, лекин чаққонликда ундан ерқада. Кенгашнинг бошлиғи бўлган, кўп яшаб соч-соқоли оқарган Нестор, узун умрининг тажрибаси блан ақли тўлган қарилик шавкатини, қалбнинг бачкана мулойимлиги ва қарилик парвосизлигининг юксак намунасини кўрсатади. Одиссей сиёсат ма'носида донишмандлик намояндасидир. Аякс жўшқин, мардлик ва жисмоний куч блан тўладир. Халқларнинг Пастири Агамемнон шоҳона улуғворлик блан айрилиб туради. Қисқаси, «Илиада» да иштирок этучи шахслардан ҳарбири грек миллий руҳининг бирон томонини ифода қилади; лекин Ахилл халқнинг асосий кучларини жам'лаб кўрсатади. У ўзи блан ҳечкимни тенг кўрмайди. Фақат мажлислардагина кўнгилли равишда ба'зиларни ўзидан илгари қўяди. Ахилл — қаҳрамонлик Грециясининг шоирона юксак намунасидир; бу ҳақли равишда дoston қаҳрамонидир. Унинг буюк қаҳрамон руҳи гўзал ва худога

Ўхшаш танада маскан қурган; мардлик унинг юзида гўзаллик блан бириккан; унинг ҳаракатларида улугворлик, гўзал ихчамлик, пластик кўркемлик бор. Унинг нутқларида олийжаноблик ва ғайрат бор. Худолар ва тақдир унга ёрдам бериши ажабланарлик эмас; унинг қуролсиз ҳолда биргина кўриниш бериши, уч марта ҳайқириғи Троя аскарларини тумтарақай қилиб қочириши ажабланарлик эмас. У бутун дostonнинг марказидир... унинг Агамемнонга ғазаби ва у блан келишуви дostonнинг боғланишини ва ечилувини, бошланиши, ўртаси ва охирини ташкил қилади. У ўз ҳодирида жимгина ўтиради, аччиғланади, жангларда қатнашмай олтин қилли лирани чалади; лекин у дoston қаҳрамони бўлишдан бир минут ҳам узоқлашмайди, дostonда ҳамма нарса ундан чиқади ва ҳамма нарса унга бориб тақалади. Бунинг сабаби шундаки, у дostonда ўзича эмас, халқ номидан, унинг намоёндаси сифатида қатнашади...

Эпопея бутунликка, ҳаракат бирлигига, қисмларида мутаносибликка эга бўлиши керак,— бу нарса эпопеянинг алоҳида хусусиятигина эмас, ҳарбир бадий асарнинг зарур шартидир.

Замоғамизнинг эпопеяси *романдир*. Эпоснинг ҳамма асоси, муҳим хусусиятлари романда бордир, фақат айирмаси шундаки, романда бошқа элементлар, бошқа манзара ҳукм суради. Бунда қаҳрамонлик ҳаётининг афсонавий ўлчовлари, қаҳрамонларнинг азамат сиймолари йўқ, бунда худолар иштирок қилмайди: романда одатдаги, прозаик ҳаётнинг ҳодисалари идеаллаштирилади, умумий тип остига олинади. Роман ўз мазмуни учун ё тарихий воқияни олиб, унинг соҳасида, эпосдаги каби, қандай бўлмасин бир хусусий воқияни кенгайтириши мумкин: фарқ бу воқиаларнинг характерида: демак, воқияни ўстириш ва кўрсатиш характеридадир; ёки роман ҳаётни мавжуд воқи'ликда унинг ҳақиқий ҳолатида олиши мумкин. Бу умуман янги сан'атнинг ҳуқуқидир, бунда хусусий одамнинг тақдири унинг жамиятига нисбатан муҳим бўлиб қолмасдан, балки кишиликка ҳам муҳимдир. Кундалик ҳаётнинг сўнгги асоси, гарчи абадий

кучлар моҳияти бўлса ҳам, лекин ўзининг кўринишида тасодифийдир, ҳарқандай аҳамиятдан маҳрум бўлган, ташқи нарсалар блан бўғилгандир. Тарих гарчи ўзининг ҳақиқий кўринишида абадий қонунларни ва мувофиқ заруриятни кўрсатса ҳам, лекин кўринган вақтда унинг фактлари ўз-ўзини онглашдан маҳрумдир, шунинг учун ташқи воқиалар шаклига эгадир, яна улар кундалик ҳаётнинг тасодифлари блан ҳамиша чигаллашган, ўралган бўлади. Бадий асар сифатида романнинг вазифаси кундалик ҳаётдан ва тарихий воқиалардан барча тасодифий нарсани олиб ташлаш, уларнинг яширин қалбига, жонли идеясига кириш, ташқи, тарқоқ воқиаларни руҳ ва ақл маскани қилишдир. Роман бадийлигининг даражаси асосий идеянинг чуқурлигига ва айрим хусусиятларда у идеяни ташкил этган кучга боғлиқдир. Ўз вазифасини бажариш блан роман озод фантазиянинг меваси бўлган ҳамма бошқа асарлар қаторига ўтади, мана шу ма'нода роман оддий халқнинг зарур эҳтиёжларини та'мин этучи юзаки беллитристтик асарлардан қат'ий равишда ажратилиши керак. Ричардсонлар, Фильдинглар, Радклиф, Левис, Дукре-де Мениль, Лафонтенлар, Шпис, Крамерлар, Поль-де, Коклар, Марриет,, Диккенс, Лесажлар, Мичьюренлар, Гюго, де. Виньялар нисбий аҳамиятга эгалар, машҳурлар ёки машҳур бўлганлар, лекин уларнинг номларини Сервантес, Вальтер Скотт, Купер, Гофман ва Гёте номлари блан, романчи сифатида, аралаштириш мумкин эмас.

Романнинг соҳаси, эпик дoston соҳасига қараганда, беқийёс даражада кенгдир. Роман, исмидан ма'лум, христиан халқларининг янги маданиятидан келиб чиққан, бутун гражданлик муносабатлари, ижтимоий, оилавий ва умуман инсоний муносабатлар чексиз равишда мураккаб ва драматик бўлиб, ҳаёт чексиз кўп элементлари блан энига ва чуқурлигига ўсиб кетган бир даврда пайдо бўлди. Қизиқтиручилиги ва мазмун бойлигидан ташқари, роман, бадий асар сифатида, эпик дostonдан ҳеч тубан эмас. Биз фақат икки поэмани намуна қилиб кўрсатдик, ҳолбуки Вальтер



Скоттнинг бир ўзи ўттиздан ортиқ роман ёзган, деб бизга э'тироз қилишар балки. Тўғри, эпик дoston генийдан кўпроқ диққат талаб қилади, у дostonда ўзининг бутун умрининг зафарини кўради; аммо бунинг сабаби эпопеянинг романдан устунлигида эмас, янги халқлар ҳаётининг эски греклар ҳаётига қараганда жуда бой, ғоят а'ло мазмунидадир. Грекларнинг тарихий ҳаёти бир воқиада ва бир дostonда ифода қилган (чунки «Одиссея» грек ҳаётининг бошқа томонини ифода қилса ҳам, у «Илиада» нинг гўё давоми ва охиридир.) Уларда янги Гомер чиқса эди, унинг дostonи учун, Троя уруши каби, бошқа бир воқиа топилмас эди; фараз қилайлик, шундай воқиа топилган ҳам бўлсин, шунда ҳам унинг дostonи «Илиада» нинг такрори бўлар, демак, ҳечбир мумтоз бўлмас эди. Масалан, салб урушларини олинг: Вальтер Скотт бу даврга оид тўртта роман ёзган («Граф Роберт Парижский», «Конетабль Честерский», «Талисман», «Иваное»); Агар у мингта роман ёзганда ҳам бу воқияни тўла равишда битирмаган бўлар эди. Бундан ташқари, романда яна бир катта афзаллик борки, хусусий ҳаёт ҳам унга мавзу' бўлаолади, грек эпопеяси учун бу мазмун ҳечвақт мазмун бўлаолмасди: қадим замонда жамият, давлат, халқ бўлган, лекин индивидуал шахсият сифатида одам мавжуд эмас эди, шунинг учун грекларнинг эпопеясида ва шунинг каби драмасида, фақат халқ намояндалари — ярим худолар, қаҳрамонлар, подшоҳлар ўрин олабилганлар. Роман учун ҳаёт одамдадир, инсон қалбининг, инсон руҳининг мистикаси, инсон тақдири, халқ ҳаётига унинг ҳамма муносабатлари роман учун бой материалдир. Романда Ревекка албатта малика, ёки Юдифь каби қаҳрамон бўлиши бутунлай лозим эмас: у хотин бўлиши романга кифоя.

Роман Вальтер Скотт асарлари блан юксак бадий тараққиётга эришганлигини э'тироф этиш керак. Унга қадар роман ўзи пайдо бўлган давр талабларини қондирар эди ва у блан бирга ўлар эди. Испанияли Мигэл Сервантеснинг ўлмас асари «Дон Кихот», яна Гёте романлари («Вертер», «Вильгельм Мей-

стер», «Die Wahlverwandschaften»)\* истисно қилиниши мумкин. Бу сўнгги асарлар, гарчи буюк қимматга эга бўлсаларда, бевосита ижодиёт асарлари эмас, балки рефлектор ижодиётнинг асарлари сифатидагина, алоҳида аҳамиятга эгидирлар. Айтиш мумкинки, Вальтер Скотт ўзига қадар мавжуд бўлмаган тарихий романни яратди. Табиатан эстетик туйғудан маҳрум бўлган, поэзияни қалб ва руҳ блан ҳис этиш эмас, муҳокама қилучи одамлар тарихий романларга қарши чиқадилар, ундаги тарихий воқиаларни хусусий ҳоллар блан бирлаштиришни потўғри топадилар. Ахир воқи'ликнинг ўзида тарихий воқиалар хусусий одамнинг тақдири блан чулғашиб кетмайдими, аксинча, хусусий одам ба'зи вақтда тарихий воқиаларда қатнашмайдими? Бундан ташқари, ҳарбир тарихий шахс майли у подшоҳ ҳам бўлсин, айни замонда оддий бир одам, бошқалар каби севадиган, нафратланадиган, дардланадиган ва суюнадиган, орзу ва умид қиладиган бир одам эмасми? Ва унинг хусусий ҳаётининг шароитлари тарихий воқиаларга та'сир қилмайдими ва бунинг акси ҳам бўлмайдими? Роман тарихий фактларни ёзишдан воз кечади ва уларни ўз мазмунини ташкил қилган хусусий воқиа блан боғланишда қабул қилади; бу орқали у тарихий фактларнинг *астарини* очиб беради, тарихий шахснинг кабинетига ва ётоғига бизни олиб киради, унинг уй ҳаёти, унинг оилавий сирларини кўрсатади, уни бизга фақат тарихий кўрик мундирида эмас, балки чопон ва қалпоқ остида ҳам кўрсатади. Мамлакатнинг, асрнинг манзараси, уларнинг одат ва хулқлари тарихий романнинг ҳар парчасида, гарчи унинг ғоясини ташкил этмаса ҳам, баён қилинади. Шунинг учун тарихий роман гўё шундай бир нуқтаки, унда фан сифатида бўлган тарих, сан'ат блан қўшилишади, у тарихнинг тўлдиручиси, унинг бошқа бир томонидир. Биз Вальтер Скотт тарихий романини ўқир эканмиз, роман воқиаси бўлаётган даврнинг замондоши, мамлакатнинг граждани бўлиб қоламиз, биз улар тўғрисида, жонли

---

\* «Кўнгил қўйиб қариндош бўлиш» — *Ред.*

шоҳиди шаклида, ҳарқандай тарих берган маълумотга қараганда тўғрироқ тушунча оламиз.

Ўз романларининг бадиий қиммати жиҳатидан Вальтер Скотт ҳамма романчилар, ҳамма халқларнинг буюк ижодчилари блан бир қаторда туради. У христиан Европасининг ҳақиқий гомеридир. У блан бир қаторда Шимолий Америка Штатларининг гениал романчиси Купер туради. Унинг романлари бутунлай ўзига хосдир ва юксак бадиий қимматидан бўлак Вальтер Скотт романларига ҳечбир ўхшашлиги йўқдир, лекин янги адабиёт тараққиётининг тарихий изчиллиги маъносида уларнинг натижасидир; янги роман яратиш шарафи Вальтер Скоттда қолади.

*Повесть* ҳам айни романнинг ўзгинасидир, фақат кичик ҳажмдадир, асарнинг ҳажми мазмуннинг ҳажми ва моҳиятига қараб белгиланади. Бизнинг адабиёти-мизда романнинг бу тури ҳақиқий сан'аткор Гогольга эгадир. «Тарас Бульба», «Старосвет помещиклари», «Иван Ивановичнинг Иван Никифорович блан қандай жанжаллашгани тўғрисида» номли повестьлари энг яхши повестьлардандир. Ўзи бадиий қиммати жиҳатидан Пушкиннинг «Капитан қизи» номли повести ҳам бунга яқин туради, унинг «Буюк Пётрнинг араби» деган битмай қолган романининг бир парчаси шуни кўрсатадики, агар шоир бемаҳал вафот этмаганда рус адабиёти бадиий-тарихий роман блан бойинган бўлар экан.<sup>11</sup> Улардан бўлак, бизнинг адабиёт соҳамизда яқинда кўринган ёш талант жаноб Лермонтовнинг повести ва ҳатто романи ҳам келажакда кўп нарса ва'да қилади. Немис адабиётида повесть намояндаси гениал Гофмандир, у хаёлий поэзиянинг айрим шаклини яратган, деб айтиш мумкин. Повестьнинг шундай кенг тараққиётини бошқа адабиётлар кўрсатгани йўқ. Исмлари Вальтер Скотт ва Купердан кейин тилга олинишга лойиқ бўлган повестьлар ҳатто инглиз адабиётида ҳам йўқ. Вашингтон Ирвинг одатдан ташқари исте'одли ҳикоячи, бундан ортиқ эмасдир.

Байрон ва Пушкин дostonлари намуна бўлиб хизмат қилучи янги ше'рий дostonлар бўлиб, пайдо бўлган замонларида *романтик дostonлар* деб аталган,

уларда очик равишда мавжуд бўлган лирик элементга қараб гарчи *лирик дostonлар* дейилиши лозим бўлса ҳам, бунга қарамай, улар эпик турга мансубдирлар; чунки уларнинг ҳарбирининг асоси воқиадир ва форманинг ўзи ҳам соф эпик формадир. Броқ бу замонамиз эпопеясибир, бу лиризм ва драматизм блан суғорилган бўлиб, кўпинча уларнинг эпопея блан аралаш формасини олади. Унда воқиа гарчи ўз-ўзича ҳам мароқли бўлса-да, инсонни кўмиб қўймайди.

Эпик поэзияга *идиллия* ёки *эклога* ҳам мансубдир, бундан, XVI аср, поэзиянинг айрим турини — чўпон поэзияси, ёки *буколик* поэзияни яратди. У вақтларда Идиллияда кишиликнинг жамият бўлиб яшашига қадар бўлган даврни, одамлар гўё, қўйдек ювош, қўзидек яхши, каптар боласидек нозик бўлган даврдаги чўпонларнинг турмушини куйлашни истар эдилар. Чучмал, сентиментальлик, ҳарқандай энергиядан маҳрум бўлган сўник, чирик муҳаббат ҳисси бу чўпоний поэзиянинг фарқ қилучи характерини ташкил қилади. Буни қадимгилар асосида, Теокрит номига ўйлаб чиқарганлар. Қадимгиларга ва Теокритга нисбатан бу юзаки бўҳтоннинг қай даражада бема'ни эканини кўрсатмоқ учун, идиллия тўғрисида ҳақиқий тушунчани бериш учун, биз бу ерда машҳур Гнедичнинг бу ҳақда айтган фикрини келтирамиз. Гнедич қадимги замонни чуқур билади, унинг бадий руҳи блан суғорилган, унинг муқаддас саслари блан юраги тўлган, у руҳ ва талант э'тибори блан ҳақиқий шоирдир. У Теокритнинг «Серакузянка ёки Адонис байрами» номли идиллиясини грекчадан таржима қилиб, сўз бошида мана шундай дейди:

«Идиллия поэзияси бизда ва Европанинг янги адабиётларида ҳам, *чўпоний поэзия* деган тор та'риф блан чегараланган; бу нотўғри та'рифдир. Мана бундан худди шундай асосиз бўлган бошқа фикрлар келиб чиқади, я'ни чўпоний поэзия, (идиллиялар, эклогллар) бизнинг адабиётда бўлиши мумкин эмас эмиш, чунки бизда қадимгиларга ўхшаш, чўпонлар йўқ эмиш ва ҳоказо ва ҳоказо.

«Грекларнинг идиллияси, сўзнинг ма'носига кўра,

кўриниш, картина, ёки бизча саҳна демакдир; лекин ҳам чўпон, ҳам граждан, ҳам ҳатто қаҳрамонлик саҳна-наседир. Теокритнинг идиллиялари, поэзиянинг бу айрим турида, Теокритнинг ғарбнинг ҳамма халқлари учун намуна бўлиб хизмат этган биринчи, тўғрироқ айтганда, ягона шоир эканини исбот қилди. Бу турнинг гарчи у ишлабчиқаришга киришмаган бўлса ҳам, уни мукаммаллаштирган, табиатга яқинлаштирган. Ўз идиллиялари учун ватани Сицилияда ихтиро қилинган саҳна кўринишларининг формасини қабул қилиб, уни мазмуннинг турлилиги блан бой қилган, улар учун мавзу'ни содда, халққа яқин қилиб олган, ўзи яшаган Александр саройидаги ҳашаматга содда халқ фикрларини қарши қўйиб, бу қарама-қаршилик блан, табиатдан тамом узоқлашган ўқучиларни асир этишни истаган. Птолемей саройи Сицилия чўпонларининг хулқларини сра билган эмас эди: улар ҳаётининг картиналари ўқучилар учун икки томондан нафосатга эга бўлиши керак эди, мавзу'нинг енгиллиги ва замоннинг фавқул'одда нозикланиши ва ҳадсиз зийнати орасидаги қарама-қаршилик ичра кишига та'сир қилиши керак эди. Зийнат юки ва ҳаёт шовқини блан чарчаган қалб, тинчроқ, лаззатлироқ ҳаётни ёдга солучи нарсага жуда мафтун бўлади. Табиат инсон қалби устидан ўз қудратини ҳечвақт йўқотмайди.

«Инсонлар жамияти ўша вақтдаги Миср каби ҳадга етгач унда шоирлар шунга ўхшаш қарама-қаршиликлар яратишга уринганлар. Лекин ёлғиз грекларгина ҳам табиий, ҳам оригинал бўлишга муваффақ бўлганлар. Бошқа ҳамма халқлар табиатнинг ўзини яхшилашга ва ўз-ўзларича ўзгартишга уринганлар: сезгини сезгирлик блан, соддаликни сун'ийлик блан алмаштирганлар. Римлилар шаҳар халқи учун қишлоқ ҳаёти картиналарини кўрсатишга неча марта уринганлар. Виргилий ўз соҳасини идиллиялардан бошлаган; лекин ше'рларининг нафислигига қарамай, у Теокритдан орқада қолди: унинг чўпонлари кўпинча араторлардир. Римлилардан Қалпурний ва бошқалар табиатга эмас, Виргилийга тақлид қилганлар.

«Янги замон адабиётларида, айниқса итальян ада-

биётида, поэзиянинг ҳамма турлари ишлатилган, бузилган одамлар ичида жуда кўп идиллиялар пайдо бўлди; лекин Санназарода табиийлик қандай оз, Гваринида қандай сун'ийлик кўрамиз; французлар ҳақида гапириш ҳам ортиқча. Людовик XV саройида кўп ўқилган Геснер ҳам замон имтиҳонидан ўтаолмайди: у сентименталь табиат яратди, ўз чўпонларини идеаллаштирди ва ҳаммадан ёмони шуки, у идиллияларга грек мифологиясини киргизди. Унинг катта хатоси шундан иборат: нимфлар, фавнлар, сатиралар биз учун ўлган, улар замонимиз поэзиясида кўринишлари мумкин эмас, улар бизга совуқ кўринадилар. Шундай қилиб Треокрит, Гомер каби, шундай бир ёрқин сиймо бўлиб қоладики, биз адашган вақтимизда ҳарвақт унга қайтишимиз керак бўлади.

«Бизга замондош бўлган герман шоирларигина шу вақтга қадар Теокритни яхши тушунадилар; Фосс, Броннер, Гебель чин халқ идиллияларини яратдилар; уларнинг асир қилучи картиналари ўқучини табиат бағридаги ширин ҳаётга, жамиятнинг ҳозирги вазияти бизни шунча узоқлаштирадиган ҳаётга олиб боради: ҳатто улар шундай ҳаётга ишқ уйғотади. Бу муваффақият ёзучиларнинг ёлғиз исте'додида эмас: Санназаро, Геснер ҳам исте'додли эдилар. Идиллия поэзияси поэзиянинг бошқа турларига қараганда кўпроқ халқ мазмунини, табиий мазмунни талаб қилишини герман шоирлари онглаганлар, ёлғиз чўпонлар эмас, яшаш шароити табиатга яқин бўлган ҳамма одамлар бу поэзияга мавзу' бўлаладилар. Улардаги муваффақиятнинг асосий сабаби мана шудир».

Теокритнинг «Сиракуза аёллари» номли идиллиясининг мазмуни шу. Оилалари блан Александрияга келган Сиракуза аёллари бир-бирлариникига борадилар; Адонис байрамини кўришни истаб, Птолемей Филадельфнинг саройига келадилар, унинг хотини Арсиноя бу ерда байрамни яхши тузган. Бу идиллия, бир томондан, содда халқнинг турмушини, оилавий муносабатларни, унинг ҳаркунги ҳаётини кўрсатади; иккинчи томондан, аргивали машҳур қўшиқчи қизнинг Адонис шарафига куйлаган юксак, шоирона қўшиғи-

ни оддий хотинларга тинглатиб шавқ-завққа солиб, юқори илоҳий ҳаётга содда халқнинг муносабатини кўрсатади. Ҳар икки томон, я'ни оддий халқ турмушининг проза ва поэзияси, хотинлардан бири бўлган Горгонинг охирги нутқида ҳам кўринади:

Праксиноя, оҳ ажиб куй! Аргивали қиз бахтиёр,  
Исте'дод-ла тотли сасда бахтиёрдир юз мартаба!  
Лекин уйга жўнай! Меним Диоклид туз тотмаган;  
Эрим жуда қариб қолган, оч қолса у, кун бермайди;  
Кечир, суюкли эй Адонис! Яна қайтгин бахтимизга!

Жуковский томонидан таржима қилинган Гебель ва бошқа немис шоирларининг «Қизил карбункул», «Икки эди, яна битта», «Кутилмаган учрашув», «Норман одати», «Саёҳатчи ва қишлоқ қизи» (Гёте), «Сули кисели», «Қишлоқ қоровули» ше'рлари идиллияга намуна бўлаолади. Рус тилида оригинал идиллиялар кўп бўлган, лекин «Ким эскини ёдласа, унинг кўзи чиқади» деган мақолга қараб, биз улар тўғрисида сукут қиламиз. Гнедичнинг «Балиқчилар» деган гўзал идиллияси порлоқ бир истиснодир. Унда турмушнинг ва иштирок қилучи шахсларнинг ифода образи идеаллаштирилган, лекин упа-элик ва бўёқ суришдан иборат бўлган салбий классик ма'нода идеализация эмас, у ортиқ даражада лиризм блан суғорилган, бир кўп ифодаларнинг соф русча бўлишига қарамай, ундан қадимги эллин поэзиясининг руҳи келиб туради. Ҳарҳолда бўёқларнинг кўркамлиги, чуқур ички ҳаёт, мас'ул идея ва гўзал ше'р Гнедич идиллиясини ҳақиқий, лекин, афсуски, адабиётимизнинг ҳали баҳоланмаган бир дури қилади. Пушкиннинг «Гусар»и ва «Будрис ва унинг ўғиллари» номли ше'ри идиллиядир.

Эпик поэзияга *аполог* ва *масал* киради, буларда ҳаёт икир-чикри ва практик маишат донолиги шоирона шаклга солинади. Поэзиянинг бу тури фақат икки янги адабиётда — француз ва рус адабиётида юксак тараққиётга эришди. Француз адабиётида масал намояндаси Лафонтендир; бизнинг адабиётимизда бирқанча талантли масалчилар бор. Крилов сиймосида халқ масалларнинг ҳақиқий гениал ижодчи-

сига эга бўлди, унинг масалларида практик ақл, туйғулик, рус халқининг афтидан соддадил, лекин узиб олучи пичинги тўла равишда ифодаланган.

Дидактик поэзия деб ёритилган поэзия ҳам эпик поэзияга мансуб бўлиши керак, лекин бу тўғрида кейинроқ гапирамиз.

## Лирик поэзия

Эпосда суб'ект мавзу' блан кўмилган бўлади; лирикада эса суб'ект мавзу'ни ўз ичига олиш, сингдириш, уни чуқур ўзлаштириш блан чекланмайди, балки мавзу'га тўқнашув унинг ичида қандай туйғулар уйғотган бўлса, барчасини ички чуқурлигидан олиб чиқади. Лирика тилсиз сезгиларга сўз ва образ беради, уларга алоҳида ҳаёт бағишлайди. Демак, лирик асарнинг мазмуни об'ектив воқиянинг тараққиёти эмас, унинг мазмуни—суб'ектнинг ўзи ва у орқали ўтган ҳамма нарсадир. Лириканинг майдалигининг сабаби шундадир; айрим асар ҳаётни бутунича қучаолмайди, чунки, суб'ект бир онда ҳамма нарса бўлаолмайди. Айрим одам турли моментда турли мазмун блан тўлган бўлади. Гарчи руҳнинг бутун тўлалиги унга муяссар бўлса ҳам, лекин бу бирданига бўлмайди, беҳад кўп моментларда айрим-айрим муяссар бўлади. Дун'ёни ва ҳаётни ҳаракат қилдиручи кучлар бўлган ҳамма умумий нарса, ҳамма субстанцияга оид нарса, ҳарқандай идея, ҳарқандай фикр— лирик асарнинг мазмуни бўлаолади, лекин бу умумий нарса суб'ектнинг энг яқин, энг ички нарсасига айланиши, унинг сезгисига кириши, унинг бирон томони блан эмас, балки бутун мавжудияти блан боғланган бўлиши шарт. Қишини машғул этган, тўлқинлатган, шодлатган, қайғига солган, завқлантирган, тинчитган, ҳаяжонлантирган нима бўлса, қисқаси, суб'ектнинг ма'навий ҳаётини ташкил қилган ҳамма нарса, суб'ект ичига нима кирса, унда нима пайдо бўлса, шуларнинг барчасини лирика, ўзининг қонуний бойлиги каби, қабул қилади. Мавзу' бу ерда ўз-ўзича қимматга эга эмас, ҳаммаси суб'ектнинг унга берган аҳамиятига боғлиқ, ҳамма нарса хаёл ва сезги блан



мавзу'га кирган ру'хга боғлиқ. Масалан, шоирнинг китоб ичидан топиб олган қовжироқ гули қандай мавзу' бўлиши мумкин? — Лекин, у Пушкиннинг лирик асарларидан энг яхшиси, энг нафиси, энг музикалиси бўлган бир асарни яратиш учун Пушкинга илҳом берди.

Лирик асар айни сезги меваси бўлгандан жуда узун бўлаолмайди ва бўлиши керак ҳам эмас; узун бўлса, у совуқ ва зўраки асар бўлади, завқ бериш ўрнига ўқучини чарчатади. Туйғумизни уйғотиб, уни узоқ вақт ишлатиб туриш учун, биз қандай бўлмасин бир об'ектив мазмунни кузатишимиз лозим: акс ҳолда, туйғу қанча чуқур очилса, бу кўркем гул каби қанча яшнаса, у шунча тез совийди. Мана шунинг учун опера энг узун мусиқали асардир, унда музика об'ектив хатти-ҳаракатга боғланган ва унинг драматизми, ҳукм сурган мотивга қарамай, унга жонли рангбаранглик бағишлайди. Мавжуд либреттога эмас, балки хаёлий либреттога асосан ёзилган айни опера зериктиручи бўлиб кўринар эди. Мана шу сабабдан лирик дoston ёки операнинг ҳажми белгили чегарага эга бўлмайди. Аммо соф лирик асар бир лаҳзалик илҳомнинг меваси бўлиб, бизнинг бутун вужудимизни ларзага солиш ва узоқ вақт қалбимизни тўлдириши мумкин, — лекин бунинг учун биз уни бирнеча минутда ўқиб чиқишимиз керак. Шоир руҳининг они, бир лаҳзалик кайфиятнинг меваси бўлган лирик асар, шоир руҳи бошқа кайфиятга бўйсунмасдан илгари қоғозга кўчмаса, у йўқолади, яна қайтмайди. Шунинг учун шоир узун лирик пьеса ёзаолмайди, агар ёзса, у пьеса, узун бўлгани учун, сезгилар бирлиги, демак фикр бирлигини та'мин қилаолмайди, шу сабабли у тўла, бутун ва индивидуал бўлмайди; бирлашиб ақлга та'сир қилучи турли идеялар ва образлар бўлмаганидан, хислатларимизнинг идрок қобилияти ҳам узоқ вақт фаолиятда бўлмайди ва тез чарчайди. Мана шунинг учун Пушкиннинг ҳамма лирик асарлари, истисносиз, Пушкиндан илгари ўтган шоирларнинг лирик пьесаларига қараганда, қисқадир. Лирик пьесаларнинг узунлиги одатда шундан келиб чиқадики, шоир айни пьесада бир сез-

гидан бошқа сезгига ўтади ва бу ўтишларни у риторик қўшимчалар блан боғлашга истар-истамас мажбур бўлади ёки антипоэтик, антилирик сохта оқимдан — қандай бўлмасин мавҳум фикрни дидактик равишда кўрсатишдан келиб чиқади. Лирик пьесаларнинг узунлигига сабабчи бўладиган ҳар икки камчиликнинг ёрқин намояндаси риторик элегиячи (марсиячи) Ламартиндир. Державинда шу хилдаги камчиликларни кучли талантнинг ёрқин шу'лалари ба'зан ювиб кетса ҳам, лекин унинг «Измаилнинг олиниши ҳақида ода» каби узун одалари жуда зериктиради, чарчатади; унинг «Шалола»сини ҳам бирданига ўқиб чиқиш қийин. Улмас Ломоносовнинг ше'рларидаги ораторлик нутқлари; Петровнинг «Тантанали ода»ларидан риторик пучак кўпиклар; Кошанский жанобларининг риторикаси, қондаларига мувофиқ ўз айриликлари ва «Бахтсизликлари»нинг мотамини куйлаган Капнистнинг бемаза вайсашлари, ниҳоят, Мерзляковнинг\* университет дарсларида ўқиб берадиган тантанали, ғайри самимий на'масозлигига келсак, — буларнинг барчаси ўқучиларнинг руҳини оғир диққатбозликка ва хафаконликка тортиб ботириш учунгина ярайди.<sup>12</sup>

Лирик поэзия ҳаёт ва онгнинг ҳамма босқичларида, ҳамма аср, ҳамма даврларда пайдо бўлади; аммо унинг гуллаган ҳолати, эпоснинг аксича, бир томондан халқ ичида суб'ективлик, иккинчи томондан, мусбат прозаик воқе'лик ҳосил бўлган замонга тўғри келади. Эпоснинг кўркама ва тўла тараққий қилган бевосита онг босқичида, лирик поэзия ҳали ўзининг юксак мақсадидан узоқда эди, тўғриси айтганда, у ҳали сан'ат соҳасидан ташқарида эди. Буни табиий ёки халқ поэзияси деб атаганлар.

Лирик поэзиянинг турлари суб'ектнинг ўз асари

---

\* Бу ерда Мерзляковнинг одаларигина назарда тутилади; унинг қадим замон адабиётидан қилган таржималари ва қўшиқларининг кўп қисми жуда яхшидир. Мерзляковнинг табиати шоирона бўлган, лекин ўтган асрнинг риторика ва ше'р назарияси уни адаштирган. Ломоносов одаларига келсак, бу ерда фақат унинг ше'рият блан ёрқин порламаган узун ва риторик характердаги тантанали одалари кўзда тутилади.

учун олган умумий мазмун муносабатига боғлиқдир. Агар суб’ект умумий кузатиш элементига чўмса ва бу кузатиш ўз индивидуаллигини йўқотгандай бўлса, у вақт қўшиқлар, дифирамблар, псалма ва пеанлар ҳосил бўлади. Бу босқичда суб’ективлик хусусий овозга эга эмас ва унга кўлка солган юксак фикрга бутунлай берилади; бунда ҳали алоҳидаланиш оз ва умумий нарса оз ёки кўп бошланғичи ва биринчи моментидир, шунинг учун, масалан, Каллимах ва Хезиод гимнлари, Пиндарнинг дифирамблари эпик характердадир. Ўз ичида ривоятларга йўл беради ва умуман анча катта ҳажмда бўлган лирик дostonлар шаклидадир. Янги поэзияда шу турдаги лирик асарлар намунаси оздир. Шиллернинг машҳур «Шодлик гимни» гарчи ёлқинли жўшқин руҳнинг эксцентрик кучи бўйича ҳам қўшиқ, ҳам дифирамб деб аталишига лойиқ бўлсала, лекин у ортиқ даражада онг блан суғорилгандир. Пушкиннинг «Вакх тантанаси» ва унинг «Вакх куйи» номли шеърлари ҳам Батюшковнинг «Вакханкалари»нинг мазмуни қадим грек ҳаётидан олинган. Пушкиннинг «Русия бўҳтончиларига» ва «Бородин йиллиги» деган асарлари жўшқин, ёлқинли, дифирамб илҳоми блан тўлиқ нафас олсалар ҳам, қат’ий ма’нода уларни гимн ёки дифирамб деб бўлмайди, чунки уларда шоирнинг шахсияти жуда сезилиб туради. Бу хил асарлар намунасини фақат қадим замон адабиёти кўрсатаолади.

Шоир суб’екти ўз-ўзини онглаб, қизиқтирган бирор мавзу’ни эркин равишда олади; ана шунда *ода* келиб чиқади. *Оданинг* мавзуи ўз-ўзига ҳам бирон субстанциал мароққа (ҳаёт, воқи’лик, онгнинг турли соҳалари: давлат, худолар, қаҳрамонларнинг шуҳрати, ишқ, дўстлик ва ҳоказога) эга бўлиши мумкин; мана шу ҳолда одалар тантанали характерга эга бўлади. Бунда гарчи шоир ўз мавзуига бутунлай берилса ҳам, лекин, ўз суб’ективлигини ҳам унутмайди, ўз ҳуқуқини сақлайди, у мавзу’нинг ўзини кенгайтириб қўяқолмайди, балки бу мавзу’ блан илм тўла илҳомини ҳам тараннум қилади. Пушкиннинг «Наполеон», «Денгизга», «Кавказ» ва «Обвал» номли асарлари шу қабилдадирлар. Умуман шуни уқдириб ўтиш

лозимки, гимн ёки дифирамб ва қўшиқ ўртасида бўлган ода, замонимизга у қадар хос эмас. Замонимизнинг шоири ўзини қизиқтирган мавзудан фантазия, картина ясайди (масалан, Лермонтов Кавказдан «Терек совғалари»ни ёзгани каби); лекин унинг суюкли ва руҳига яқин шеър тури — маъноси ва моҳияти кўпроқ лирик ва суб'ектив бўлган қўшиқдир. Одада ташқи нарса, об'ективлик кўпроқдир; қўшиқ эса суб'ективликнинг соф диёридир. Мана шунинг учун Державиннинг қудратли шоирлик фаолиятини кўрсатган одалар Пушкинда оз учрайди. Державиннинг кўпгина одалари, пухта эмаслиги, ғайри-бадий пардоз ва мунтазам формаси, озми-кўпми риторикага эга бўлишига қарамай, лирик поэзиянинг тури сифатида, замоннинг руҳида, одаларга намуна бўлиб хизмат қилаолади. Улардан айниқса мана шу асарлари: «Мешчерскийнинг ўлимига», «Шалола», «Биринчи қўшнига», «Очаков қамали вақтида куз», «Гўзалликнинг туғилиши» ва бошқалар.

Лириканинг тоза ва қўшимчасиз элементи қўшиқда кўринади; қўшиқ, сўзнинг кенг маъносида, соф суб'ектив сезгиларнинг ифодасидир. Хусусан руҳимизнинг қоронғисида ўз-ўзидан туғилган, поэзиянинг ижодий кучисиз ифода қилинмайдиган, бениҳоя кўп ва турли шаклдаги сирли сезгилар ўз хусусиятидан қутулиб, яъни ёлғиз менга тегишли бўлишдан қутулиб, хаёл қанотларида учиб, ёруққа чиқади. Ниҳоят, суб'ект, бу бутунлай шахсий сезгилардан бўлак, лирик асарларда кўпроқ умумий нарсаларни, ўз ҳаётининг онгли фактларини, турли сезгиларни, қарашларни, фикрларни; бутун об'ектив маълумотни ва ҳоказоларни ифода қилади. Бунга қўшиқдан бошқа яна сонетлар, станцлар, канционлар, элегиялар, бағишлов шеърлари, сатира ва махсус исм блан аташ ҳам қийин бўлган хилма-хил шеърларнинг ҳаммаси мансубдир. Буларнинг барчаси, қўшиқ блан бирга, замонимиз лирикасини ташкил қилади. Пушкиннинг лирик илҳомининг энг яхши, энг руҳли асарлари шулар жумласидандир. Масалан, «Ёлғизлик», «Битмаган картина», «Уйғониш», «Қундуз юлдузи сўнди», «Белгисиз кечангизни

севаман», «Рашк хаёллари мени кечирасизми», «Булутли кун сўнди», «Дев», «Шухрат орзуси», «Ватаннинг зангори самоси остида», «19 октябрь», «Қиш йўли», «Паришта», «Шоир», «Хотира», «Илк сезиш», «Гул», «Грузин тепаликларида ётар тун қоронғиси», «Сенинг ёш чоғларингда», «Қиш тонги», «Шовқинли кўчаларда тентиб юрсамми», «Шоирга», «Меҳнат», «Мадонна», «Қиш оқшоми», «Ортиқча ҳад'я», «Анчар», «Жўшқин йилларнинг сўнган наш'аси» ва бошқа кўп асарлари шундайдир. Бизнинг санаб чиқишимиз кўрсатадики, уларнинг кўп қисми номсиз бўлиб, биринчи мисра' блан номланади: бу нарса — та'рифлаш учун мазмуни тутқич бермайдиган, музика сезгиси каби, лирик асарнинг хоссасидир. Биз бу ерда нафосат, мусиқийлик, енгил, тиниқ форманинг, нозик, лекин чуқур ва мард ҳиснинг ифодаси сифатида, асл суб'ективликнинг тоза, қўшимчасиз эфири блан суғорилган лиризм моҳиятининг намунаси сифатида, Пушкиннинг ўлими олдидаги ше'рларидан бирини келтирамыз:

Бегона диёрни тарк этаркан сен,  
 Узоқ қирғоқларнинг орзуси учун;  
 Унутилмас онда, ғамли дамда мен  
 Ҳузурингда узоқ йиғладим у кун.  
 Увишган ва жонсиз қўлларим сени  
 Тутиб қолиш учун ёпишди у чоқ;  
 Айрилиқнинг мудҳиш интизорини  
 Фар'ёдим узмасга ёлворди йиғлоқ.

Лекин сен аламли, аччиғ бўсадан  
 Айриб олгандинг дудоқларингни,  
 Қувғинлик қораси босган ўлкадан  
 Ўзга бир диёрга чақирдинг мени.  
 Сен дединг: «Учрашув куни келгуси,  
 Абадий зангори само имларкан,  
 Оғочлар кўлкаси, севги бўсаси  
 Бизни қовиштирар, дўстим, янгидан».

Эвоҳ, кўк гумбази зангори шу'ла  
 Сочароқ порлаган ва қоялари  
 Остида сувлар тин олган манзилда,

Сени қучди сўнги уйқу ороми.  
Сенинг гўзаллигинг, руҳингнинг дарди  
Қабр тупроғида бутун йўқолди —  
Ва у блан бирга висол бўсаси..  
Мен уни кутаман: у сенда қолди..

Бу қалб куйи, инсон тилига кўчирилиб бўлмайдиган ва шу блан бирга туғуни ерда, ечилуви кўкда бўлган бир руҳ музикасидир...

*Бағишлов* ше'рларида ва *сатираларда* шоирнинг дунёқараши мавзу'га қараши сезгисидан устун туради. Шунинг учун бу хилдаги ше'рлар ҳажм жиҳатидан қўшиқ ва бошқа соф лирик асарлардан катта бўлиши мумкин. Бағишлов ше'рларида, сатирада шоир мавзу'га ўз ҳисси орқали қарайди, ўз сезгиларига, қарашларига жонли шоирона образлар беради. Одатда тушунилган шаклдаги дидактизм бу ерда бўлиши мумкин эмас. Сатира камчиликларни, кишининг заиф томонларини, қабоҳатларни масхаралаш бўлмай, аччиқланган ҳиснинг ҳамласи, энергияси, олийжаноб ғазабнинг момақалди роқ ва чақмоғи бўлиши керак. Унинг асосида шод ва содда гуйғунлик эмас, балки энг чуқур юмор ётиши керак. *Бағишловнинг* энг яхши намунаси Пушкиннинг «А'янга» номли ше'ридир, бунда Пушкин ажойиб гўзал образларда рус XVIII асрини характерлайди ва XIX асрнинг аҳамиятини ишорат қилади. Сатирага келсак, Лермонтовнинг «Уй» ва «Ўзингга ишонма» номли асарларидан кўра яхшироқ намуналарни биз рус тилида билмаймиз.

Мазмуни қайғули бўлган ше'р элегия бўлади, лекин бизнинг адабиётимизда, «Улаётган Тасс»ни ёзган Батюшковдан мерос қолган элегиянинг айрим тури, *тарихий ёки эпик элегия* юзага чиқди. Бунда шоир хотира шаклида қайғули воқияни ҳам киргизади. Шунинг учун бундай элегияларнинг ҳажми одатдаги лирик асарлардан кенгроқ бўлади. Батюшковнинг «Швециядаги қўрғон харобасида» номли элегияси Пушкиннинг «Андрей Шень»си шундай элегиялардандир. Державиннинг «Шалола» сени ҳам эпик элегия дейиш мумкин. Аммо эпик элегиянинг мазмуни

тарихий бўлмаслиги ҳам мумкин; масалан, Грейнинг русчада Жуковский томонидан шундай чиройли берилган «Қишлоқ гўристон», Батюшковнинг «Дўстнинг кўлкаси» деган элегияси шундайдир. Яна эпик асарларга, *ўй, баллада, романс* ҳам киради. *Ўй* тарихий воқиага бағишланган, ёки тарихий мазмунга эга бўлган кўшиқдир. Бу эпик элегиянинг ўзгинасидир; фақат у қарашларда ва ифодада албатта халқчил бўлишни талаб қилади. Ҳар икковининг гўзал намунасини Пушкиннинг «Афсункор Олег ҳақида кўшиқ» ҳам «Буюк Пётр зиёфати» номли асарларида кўрамиз. *Балладада* шоир бирор хаёлий ва халқ асфонасини топади, ёки бундай воқиани ўзи ўйлаб чиқаради. Лекин ундаги муҳим нарса воқиа эмас, у уйғотган сезгидир, ўқучига у берган ўйдир. Баллада ва романс ўрта асрларда келиб чиққан, шунинг учун Европа балладаларининг қаҳрамонлари — рицарлар, хонимлар, монахлардир; мазмуни — руҳларнинг кўриниши, у дунёнинг сирли кучлари, саҳна—қўрғон, монастыр, қабристон, қоронғи ўрмон, жанг майдони. Жуковскийнинг гўзал таржималари бизни Шиллер, Гёте, Вальтер Скотт ҳам бошқа герман ва инглиз шоирларининг балладалари блан таништирди. Жуковскийнинг ўзи ҳам бирнеча яхши балладалар ёзган. Уларнинг ичида энг яхшилари, мазмунлари рус ҳаётдан олинмаганларидир. «Эол сози» ҳам «Ахилл» айниқса гўзалдир. Пушкиннинг «Куёв», «Сувда ўлган одам», «Жинлар» номли асарлари миллий рус балладаларининг энг яхши намуналаридандир. *Романснинг баллададан* фарқи шундаки, унда лирик элемент эпик элементдан қат'ий равишда устунлик қилади, шунинг натижасида унинг ҳажми ҳам анча кичикдир. Жуковский ўзининг ше'рий таржималари блан бизни поэзиянинг бу тури блан ҳам таништирди.

Лиризм герман адабиётида энг катта элементдир. Бу миллат бадий ҳаётининг энг кўркам гули лирик поэзия ва музикадир. Шиллер ва Гёте — лирик поэзиянинг икки яхлит дунёсидир, унинг катталиги турлича бўлган кўпгина юлдузлар блан ўралган икки буюк кўшидир. Эпик ва драматик поэзияда ҳамма бошқа

адабиётлардан устун бўлгани каби, бой англиз адабиёти лиризмда ҳам бошқа бир адабиётдан орқада эмас. Шекспирнинг сонетлари ва лирик поэмалари (масалан, «Венера ва Адонис»), Байроннинг поэмалари ва кичик поэзиялари, Вальтер Скоттнинг, Томас Мур, Уордсвот, Борнс, Сутей, Кольридж, Коупер ва бошқаларнинг асарлари лирик поэзиянинг бой хазинасини ташкил қилади, французларда лирик поэзия йўқ деярлик; ҳарҳолда, уларда лирик поэзия халқ қўшиғидан (водевильдан) нарига кетган эмас. Уларнинг ягона буюк лирик шоири Беранжедир, лекин унинг ифода эътибори блан халқ формасида бўлган энгил асарлари ҳечбир тилга таржима қилинаолмайди. Унинг қўшиқларидан кейин Андрей Шеньенинг қадим замон руҳи блан суғорилган элегиялари ва жўшқин Барбьенинг ямблари диққатга лойиқдир.

Ички суб'ектив ҳисни ифода қилиш ва формада моҳирлик ма'носида асл лирик поэзия бизда Пушкиндан бошланади. Унинг асарлари тўғрисида бебаҳо деб айтиш кифоя қилади. У ўз орқасидан бутун адабиётимизни, юзага чиққан ҳамма талантларни эргаштириб олиб борди, у пайдо бўлгандан бошлаб, элегия — қўшиқ лирик поэзиянинг ягона тури бўлиб қолди: фақат қарилар, ёши ўтган одамлар тантанали одаларини куйлашда давом этдилар. Пушкин блан бир вақтда майдонга чиқиб, у кўрсатган оқимдан кетган талантлар энди ўзларини бутунлай аниқлаб олганлар, оз ёзадилар ёки сра ёзмайдилар; бунга қарамай, улардан ба'зилари ғоят катта кучга эга бўлиб, рус лирик поэзиясини гўзал асарлар блан бойитдилар. Аммо Лермонтовдай майдонга чиқиш, шундай қудрат, шундай хаёл бойлиги ва ўз асарларида шундай форма моҳирлигини кўрсатишга ҳечким муяссар бўлган эмас. Унинг лирик асарларидан ба'зилари бадий қиммати жиҳатидан Пушкин асарлари блан рақобат қилаолади. Қольцовнинг қудратли талантини ҳам, яққол кўринган бир ҳодиса каби қайд этиб кетмасак, инсофсизлик бўлар эди. У алоҳида, бутунлай оригинал ва тақлид қилиб бўлмас поэзия турини яратди. Тўғри, унинг поэзияси халқчиллик гирдобиде айланади, лекин у ўз



қўшиқларининг содда, халқ формасига онгнинг юксак соҳаларидан кўпроқ умумий мазмун киргизиб, бу доирани кенгайтиради.<sup>13</sup>

## Д р а м а т и к п о э з и я

Драма ҳозирги замонда ўқучи ёки тамошабин кўзи олдида бўлаётган каби кўринган кечмиш воқиадир. Эпос блан лириканинг ўзаро келишуви бўлган драма, айрим олганда у ҳам эмас, бу ҳам эмасдир, у ўзи махсус узвий бир бутунлик ташкил қилади. Бир томондан, драмада хатти-ҳаракат доираси суб'ект учун ёпиқ эмас, балки аксинча, ундан чиқади ва унга яна қайтади. Иккинчи томондан, драмада суб'ектнинг бўлиши лирикадагидан тамом бўлакча ма'нога эгадир: энди суб'ект сезучи ва мушоҳада қилучи ўз ичига марказлашган ички дун'ё эмас, у энди шоирнинг ўзи ҳам эмас, у энди чиқади, унинг ўз фаолияти блан ташкил қилинган об'ектив ва реал дун'ё ўртасида мушоҳада учун ўзи туриб қолади, у бўлинган ва бир кўпгина шахсларнинг жонли тўдасидир, уларнинг ҳаракати ва қарши ҳаракатларидан драма ясалади. Бунинг натижасида драма жой, воқиалар, ҳолатлар, шахсларнинг эпик равишда тасвир қилишга йўл қўймайди, улар ҳаммаси бизнинг кўз олдимизда бўлиши лозим. Драмада халқчиллик талаби, эпопеядагига қараганда, анча кучсиздир: «Гамлет»да биз Европани кўраимиз. Шахсларнинг руҳи ва табиати бўйича, Данияни эмас, Шимолий Европани кўраимиз ва қайси даврдалигини худо билсин. Драма ўзида лирик тараннумларга йўл қўймайди; шахслар ўзларини ҳаракатда ифода қилишлари керак: бу нарса энди сезги ва мушоҳада эмас, балки характердир. Драмада лирик жойлар деб аталган жойлар, дарғазаб характернинг фақат энергиясидир, нутқни ихтиёрсиз равишда қанотлантириб, унга махсус парвоз бағишловчи бир *пафосдир*: ёки у иштирок қилучи шахснинг сирли, ички ўйидир, уни биз билишимиз керак, шунинг учун шоир у *ўйни* сўзлаб беришга мажбур қилади. Драманинг ҳаракати бир мароққа тўпланиб, бошқа ёрдамчи мароқларга ёт бўлиши керак. Романда ба'зибир шахс

воқидада чинакам иштирок қилуви блан эмас, балки оригинал характерга эга бўлгани учун жой олиши мумкин; драмада эса воқиянинг бориши ва тараққиёт механизмида зарур бўлмаган битта ҳам шахс бўлмаслиги керак. Соддалик, у қадар мураккаб эмаслик ва ҳаракат бирлиги (асосий идеянинг бирлиги ма'носида) драманинг асосий шартларидан бири бўлиши лозим; унда ҳамма нарса бир мақсадга, бир мўлжалга қараб йўналиши керак. Драманинг бутун қизиқлиги асосий шахсда, тақдирида драманинг асосий фикри ифодаланадиган шахсда тўпланиши керак.

Аммо, мана буларнинг барчаси драманинг юксак тури бўлган *трагедияга* оиддир. Трагедиянинг моҳияти, биз юқорида айтганимиз каби, коллезия, я'ни қалбнинг табиий жараёни, майлнинг ахлоқий бурч ёки даф' қилинмас бир тўсқинлик блан тўқнашувидадир. Трагедия идеяси блан қўрқинч, қоронғи воқиа, маш'ум ешилув идеяси бирикади. Немислар трагедияни *қайғули тамоша* деб атайдилар,— чиндан ҳам трагедия қайғули тамоша! Агарда қон, ўликлар, ханжар, заҳар трагедиянинг одатдаги сифатлари бўлмаса ҳам, лекин унинг оқибати ҳарвақт қалбнинг энг қимматли умидларининг емирилиши, бутун бир ҳаёт саодатининг йўқолувидир. Унинг қора улғворлиги, унинг буюк азаматлиги шундан келиб чиқади: унда тақдир кучи ҳукм суради, унинг моҳияти, асоси тақдир кучидир... Қоллизия нима? — Тақдирнинг шубҳасиз қурбон талаб қилишидир. Қаҳрамон ўз қалбининг табиий майлини ахлоқий қонун ифодасида енгса, у вақт бахт блан видо'лашади, ҳаёт наш'аси ва лаззати блан видо'лашади. Тириклар орасида у ўликдир; унинг стихияси— чуқур руҳнинг ҳасрати, унинг овқати — изтироб, унинг учун ягона чора—ё марази равишда ўзлигидан кечиш, ёки тезлик блан ўлимни қучиш! Агар қаҳрамон ўз қалбининг табиий майлига бўйсунса, у ўз назарида жиноятчи, у ўз виждонининг қурбони, чунки унинг қалби, ахлоқий қонун илдизлари чуқур ўсган бир заминдир,— қалбнинг ўзини парчаламасдан, уни қон қилиб оқизмасдан, у илдизларни суғуриб ташлаш

мумкин эмас. Коллизияда борлиқ қонуни Нероннинг фармониға ўхшаб кетади, унинг фармонича, ҳукмдорнинг ўлган синглисига йиғламаганларни жиноятчилар сифатида ўлдирганлар, чунки улар ҳукмдорнинг мотамиға ҳамдардлик кўрсатмаганлар,— унинг ўлимиға йиғлаганларни ҳам ўлдирганлар, чунки унинг синглиси худолар қаториға қўшилган, ма'будаға кўзёш тўкиш унинг саодатиға ҳасад қилиш аломати бўлиши мумкин... Шу блан баравар поэзиянинг ҳечбир тури бизнинг руҳимизға трагедия каби кучли та'сир қилмайди, бизни шундай кучли жалб қилмайди, бизға шундай юксак завқ бермайди. Ва бунинг асосида буюк ҳақиқат, юксак донолик ётади. Курашда ўлган, ёки ғалабада ҳалок бўлган қаҳрамонға биз чуқур қайғурамыз. Лекин бу курашсиз, бу ҳалокатсиз у қаҳрамон бўлмаслигини, ўз шахсияти блан абадий субстанциал кучларни, жаҳонни ва ўзгармас борлиқ қонунларни амалға ошираолмаслигини биламыз. Агар Антигона Полиникнинг жасадини ўлим жазосидан хабарсиз ёки бу тўғрида ташвишсиз кўмса эди, унинг ҳаракати фақат яхши ва мақташға лойиқ бўлар эди, аммо бу одатдагича иш бўлиб, қаҳрамонлик ҳаракати бўлмас эди. Шу ҳолда Антигона диққатимизни, хайрихоҳлигимизни ўзига тортмас эди, агар у ўша вақтда бирон тасодиф орқасида ўлса эди, биз унинг ўлимиға ачинмаган бўлар эдик: ахир ер юзида ҳар соатда мингларча одам ўлади, ҳаммасиға ачинаберсанг, бир пиёла чой ичишға ҳам вақт қолмайди! Йўқ, ёш ва гўзал Антигонанинг бемаҳал ва жабран ўлиши шунинг учун бизнинг бутун вужудимизни ларзаға соладики, биз унинг ўлимида инсон қадри-қимматининг устунлигини, умумий ва мангу ҳолатнинг ўткинчи жуз'ий ҳоллар устидан ғалаба қозонишини мушоҳада қилар экан, руҳимизни кўкка кўтариб, қалбимизни юксак шавқ блан урдирган зафарни кўрамыз! Буюк ахлоқий вазифаларни ҳал қилиш учун тақдир энг асл руҳларни, кишилик дунёси бошида турган юксак руҳли шахсларни, ахлоқий дунёнинг тирағи бўлган субстанциал кучларни ўзида гавдалантирган қаҳрамонларни танлайди. Исмена ҳам Полиникнинг ҳамшираси эди; унинг мулоийм,

туғишган қалби ҳам ҳалок бўлган аканинг номусини ўйлаб қайгурган, лекин бу қайғуриш ундаги ўлим қўрқусидан кучли бўлмаган; қариндошининг шарманда бўлишидан кўра Антигона учун ўлим азоби енгил кўринган; умид ва гўзаллик блан тўла ёш жондан айрилишга афсусланмаган, Гименей лаззатини тотиб кўришга тақдир йўл кўймаган тўй-никоҳ васвасалари блан у кўйиб-ёниб хайрлашади, лекин у афв ва раҳм этишни сўрамайди, у даҳшатли ўлимдан чекинмайди, балки унинг қучоғига отилиш учун ошиқади; демак, бу эгачи-сингил ўртасидаги фарқ ҳисларда эмас, балки ҳиснинг кучи, энергияси ва чуқурлигидадир, бунинг натижасида улардан бири яхши, лекин одатдаги одам, иккинчиси — қаҳрамондир. Ҳарқандай трагедиядан маш'ум ҳалокатни йўқотинг, сиз бу блан уни буюклиқдан, бутун ма'нодан маҳрум қиласиз, буюк асардан оддий бир нарса ясайсиз, у биринчи галдаёқ ўзининг бутун нафис кучини йўқотади.

Ба'зан коллизия, инсоннинг табиати блан тақдир унга белгилаган ўрин муносиб эмаслиги натижасида, инсоннинг сохта вазиятидан иборат бўлиши мумкин. В. Скоттнинг «Перт гўзали» деган романининг қаҳрамонларидан бирини хотирга олишни ўқучилардан сўраймиз, унда бахтсиз уруғ бошлиғи мағрур руҳга, кучли эҳтиросга эга бўлса ҳам уруғининг тақдирини ҳал қилиши лозим бўлган маш'ум жанг арафасида ўз мулозимига, мен қўрқоқман, деб э'тироф қилди... Гамлет қўрқоқ эмас, лекин унинг ички мушоҳадакор табиати ҳаёт бўрони учун, ёмонликка қарши кураш ва жиноятларни жазолаш учун яратилган эмас, ҳолбуки тақдир мана шундай зафарга уни чақиради,— у нима қилиши керак? Бундан қочиши керак; одамлар билмайдилар ва қораламайдилар; лекин ўз-ўзидан қочиб бекиниш учун оламда қабрдан бошқа бир жой борми? — Шундай қилиб, боякиш Гамлет ҳақиқатан ўз масканини қабрда топади... Ҳаётнинг бутун йўлларида тақдир инсонни пойлаб туради: телба бир эҳтироснинг бир онлик майли учун ёш йигит ба'зан бутун умрнинг бахтини йўқотади, ўз ишқи ҳалок қилган мас'ум қурбон хотираси блан умрини заҳарлайди. Нима учун

бундай? Чунки унинг руҳида ахлоқий қонун уруғлари ўз илдизларини чуқур ёйган, ҳолбуки паст, разил маҳлуқ эса ўз фаҳшининг мевалари блан тинчгина завқланади ва ҳалок этган қурбонларининг сони блан беҳаё равишда мақтанади... Фақат олий табиатли одам трагедиянинг қаҳрамони ёки қурбони бўлаолади; воқ'ликнинг ўзида аҳвол шундай.

Тасодиф, шахснинг қутилмаган ўлими, ёки асарнинг асосий идеясига бевосита муносабати бўлмаган, кўзда тутилмаган бир ҳол, трагедияда ўрин олиши мумкин эмас. Унутмаслик керакки, поэзиянинг бошқа турларига қараганда, трагедия кўпроқ сун'ий асардир. Отелло Дездемонани бўғишда бир минут кечикса, ёки эшикни қоққан Эмилияга эшикни очиш учун ошиқса эди, ҳамма нарса онглашилган, Дездемона қутқазилган бўлар эди, лекин трагедия яксон қилинар эди. Дездемонанинг ўлими тасодиф эмас, балки Отеллодаги рашк натижасидир, шунинг учун шоир ҳамма нарсани, Дездемонани қутқаришга хизмат қила биладиган энг табиий тасодифларни узоқлаштиришга ҳақли бўлган. Дездемона ҳам ўз бошидан эри олиб ташлаган ва унинг ҳалокатига сабабчи бўлган рўмолни сезиши ва сезмаслиги ҳам мумкин эди; аммо шоир ўз мақсадига мувофиқ бўлган бу тасодифдан фойдаланишга ҳақли. Унинг трагедиясининг мақсади — кўр рашкнинг қўрқинчли натижалари блан бошқаларни огоҳлантириш эмас, балки қабоҳат эмас, ҳаёт ҳодисаси сифатида кўр рашк тамошаси блан тамошабинларни ҳаяжонга солишдир. Отеллонинг рашки ўз сабабига, ўз заруриятига эга эди, бу унинг ёлқинли табиатида, тарбиясида, унинг ҳаётининг шароитидадир; у бу нарсада қанча айбли бўлса, шунча айбсиздир. Мана шунинг учун бу улуғ руҳ, бу қудратли характер бизда ўзига қарши нафрат, жирканиш эмас, балки муҳаббат, ҳайрат ва ачинув қўзғотади. Жаҳон ҳаётининг гармонияси унинг жиноятининг диссонанси блан бузилган эди, — у кўнгилли равишдаги ўлим блан буни тиклайди, бу ўлим блан оғир айбни, гуноҳни ювиб кетади, — ва биз ҳаётнинг эришилмас сирлари ҳақида чуқур ўйлаб, розилиқ ҳисси блан драмани ёпа-

миз, бизнинг сихрланган кўзларимиз олдида қабрда яшаган икки кўлка қўл ушлашиб учади. Қон ва ўликлар, биз уларнинг зарурлигини кўрмасак, автор тантанали қилиб енгил тамоша учун саҳнани улар билан тўлдириб ташласа, ҳиссимизни ғазабга келтиради. Аммо худога шукур, кўп қўлланилганлари учун бу эффектлар бутун кучларини йўқотган, энди даҳшат эмас, кулгини келтиради.

Ҳаёт шароитида мукаммал бўлмаган ва маш'ум бирнима бор. Ҳаёт аламондан ва қаҳрамонлардан иборат, бу икки жиҳат абадий душманликда бўлади, чунки биринчиси, иккинчисини кўраолмайди, иккинчиси эса биринчисидан нафратланади. Ҳаётда ҳарбир гўзал ҳодиса ўз қадри-қимматининг қурбони бўлиши керак. Ромео ва Юлия ўртасида боғда бўлиб ўтган кеча саҳнасини ўқиганингиз ондаёқ, руҳингизга ғамли сезгилар кириб қолади... Сиз дейсиз: «Йўқ, бундай ишқ, бундай тўлиқ ҳаёт ер учун эмас, бундай махлуқлар одамлар ўртасида яшамаслиги керак! Бошқалар бундай бахтнинг мумкинлиги тўғрисида гумон ҳам қилмас экан, улар нима учун бундай бахтли бўлдилар? Йўқ, улар ўз саодатлари учун жуда қиммат тўлов тўлашлари керак!..» Ҳақиқатан ҳам Ромео ва Юлиани нима ҳалок қилади? — Одамларнинг мақри, ёмонлиги эмас, уларнинг пастлиги ва аҳмоқлигидир. Чол Капулетлар яхши, лекин паскаш одамлар: улар ўзларидан юқори ҳечнимани хаёлларига сиғдирмайдилар, қизнинг ҳавасларини ўз ҳаваслари билан тенглайдилар, унинг табиатини ўз табиатлари билан ўлчайдилар — шундай қилиб, уни ҳалок қиладилар, кейинча, вақт ўтганда, эслари киради, кечирадилар ва ҳатто мақтаб қўядилар... Оҳ, шўрлари қурсин!..

Макбетнинг жинояти ва хотинининг дев табиати бизни ғазаблантиради; агарда ёвуз ишни қандай бажарганлигини Макбетдан сўралса, у «ўзим ҳам билмайман» деб жавоб берган бўлар эди; агар хотинидан, сен нимага бундай инсонга ўхшамаган, қўрқинчли яратилгансан, деб сўралса, у албатта, сўрагучи қанча билса, мен ҳам шунча биламан, деган жавобни берган бўлар эди, агар ўз табиатига мувофиқ гапирилса, бошқача

бўлаолмаганим учун шундайман, дер эди... Фақат ўлгандан кейин ешиладиган масалалар мана, қисмат салтанати мана, трагедия соҳаси мана!..

Король учун тубанлик бўлган ишлари блан Ричард II бизда ўзига қарши совуқ ҳислар уйғотади. Аммо амакиваччаси Болингброк ундан тожни олиб қочади— салтанат сурган чоқда у нолойиқ король эди, мана подшоҳликдан маҳрум бўлганда, буюк король бўлиб қолади. У ўз даражасининг улуғлиги, ўз ҳуқуқларининг муқаддаслигини чуқур англайди,— юксак фикрлар блан тўла доно нутқлар унинг лабларидан тошиб оқади, ҳаракатлари буюк руҳни, шоҳона улуғворликни кўрсатади. Сиз энди унга ҳурмат кўрсатибгина қолмайсиз. Сиз энди кўнгиладан зорланасиз; сиз энди унга фақат ачиниб қўяолмайсиз, — сиз унга қайғурасиз.<sup>14</sup> Бахтли замонда паст эди, бахтсизликда буюк бўлди у,— у сизнинг кўзингизда қаҳрамондир. Лекин ўз руҳининг бутун кучларини ташқари чиқариш учун, қаҳрамон бўлиш учун қайғу, фалокат косасини охиригача ичиши ва маҳв бўлиши керак бўлди... Қандай қарама-қаршилик ва трагедия учун қандай бой мавзу<sup>15</sup>, демак, сиз учун қандай туганмас завқ манбаи!..

Драматик поэзия, поэзия тараққиётининг олий босқичи ва сан'атнинг гул тожидир, трагедия эса драматик поэзиянинг олий босқичи ва гул тожидир. Шунинг учун трагедия драматик поэзиянинг бутун моҳиятини ўз ичига олади, унинг ҳамма элементларини қамрайди, демак унинг ичига ҳақли равишда комедия элементи ҳам киради. Инсон ҳаётида поэзия блан проза қўл беришиб юради, трагедиянинг мавзу'и эса ҳамма мураккаб элементлари блан олинган ҳаётдир. Тўғри, у ўзида ҳаётнинг фақат юксак, шоирона моментларини тўплайди, лекин бу нарса бошқа шахсларга эмас, трагедиянинг қаҳрамони ёки қаҳрамонларига оиддир, чунки булар орасида ёвузлар, фазилатли одамлар, аҳмоқлар ва қизиқчилар бўлиши мумкин; чунки бутун инсон ҳаёти қаҳрамонлар, ёвузлар, оддий характерлар, паст одамлар, аҳмоқларнинг ўзаро тўқнашуви ва бир-бирларига та'сиридан иборатдир. Трагедиянинг тарихий ва тарихий эмасга бўлиниши муҳим аҳамият-

га эга эмасдир: унинг ҳам бунинг ҳам қаҳрамони инсон руҳининг мангу, субстанциал кучларини юзага чиқаради. Янги христиан сан'атида инсон жамиятдан эмас, балки кишилик дун'ёсидан келади; трагедия эса янги сан'атнинг гултожидир, шунинг учун король Ричард II ва Отелло, аристократ йигит бўлган Ромео, Афина граждани Тимон унда биринчи ўринни олишга бирхилда ҳуқуқлидирлар, чунки уларнинг ҳаммаси бирхилда қаҳрамонлардир. Мана шунинг учун тарихий шахсларни бузиб кўрсатишга романда оз йўл қўйилса ҳам; трагедиянинг гўё қат'ий ҳуқуқидир, бу унинг моҳиятидан келиб чиқади. Трагедиячи ўз қаҳрамонини ма'лум тарихий вазиятда кўрсатишни истайди: тарих унга вазият беради, агар бу вазиятдаги тарихий қаҳрамон трагедиясининг идеясига мувофиқ келмаса, уни ўзича ўзгартишга у тўла ҳуқуқлидир. Шиллернинг «Дон Карлос» деган трагедиясида Филипп тарих кўрсатганидан тамом бошқача кўрсатилади, лекин бу нарса пьесанинг қимматини ҳечбир камай тирмайди, балки оширади. Альфьери ўз трагедиясида чин тарихий Филипп II ни кўрсатган, ammo унинг асари Шиллерникидан беқиёс даражада тубандир. Шаҳзода Карлосга келсак, унга жиддий бирнимага қараган каби қараш, Шиллер трагедиясида унинг тарихий характерининг бузилишини кўриш кулгилдир, чунки дон Карлос тарихда жуда кичик бир шахс. Гётенинг сарбастлиги кўп кишиларни йўлдан оздиради, у етмиш ёшли, катта оиланинг отаси бўлган Эгмонтдан, соддагина бир қизни чуқур севучи қизгин йигитча ясаган; бу жуда қонуний сарбастлик! — Чунки Гёте ўз трагедиясида Эгмонтни эмас, ҳаёт лаззатларига отилган ва шу блан бирга ватан бахти учун уни қурбон қилучи ёш одамни кўрсатмоқчи бўлган. Ҳарбир шахс трагедияда тарихга эмас, тарихий исм таққан бўлса-да, шоирга тегишлидир. Гётенинг мана бу сўзлари чуқур одилонадир:<sup>15</sup> «Шоир учун битта ҳам тарихий шахс йўқ; у ўзининг ма'навий дун'ёсини кўрсатмоқчи бўлади ва бу мақсад учун ба'зи тарихий шахсларни қутлаб уларнинг номларини ўз асарларига муносиб кўради».



Трагедиянинг актларга бўлиниши ва актларнинг сонига келсак, бу умуман драманинг ташқи формасига оиддир. Трагедия прозаик йўл блан ҳам, шеър блан ҳам ёзилиши мумкин; аммо иккисини аралаштириб қўллаш, айрим ўринларнинг мазмун моҳиятига қараб, я'ни уларда ҳаёт поэзиясими ёки прозасими ифодалангани, шунга қараб фойдаланиш кўпроқ мувофиқ тушади.

Драматик поэзия — маданияти етук халқда, унинг тарихий тараққиёти кўркам гуллаган даврда пайдо бўлади. Грекларда шундай бўлган. Уларнинг энг машҳур трагедиячилари — Эсхил, Софокл ва Эврипиддир. Биз юқорида грек драмасининг моҳияти ва характери қайд қилиб ўтдик. «Антигона»нинг мазмунини баён қилиб, ишораларимизни текшириб чиқиш учун ўқучиларга факт ҳам бердик. Янги халқлардан ҳечбирида, драма инглизлардаги каби тўла ва зўр тараққиётга эришган эмас. Шекспир драманинг Гомеридир; унинг драмалари — христиан драмасининг энг олий асл нусхасидир. Шекспир драмаларида ҳаётнинг ва поэзиянинг ҳамма элементлари мазмунан чексиз, бадиий форма жиҳатидан буюк бўлган жонли бир бирлик ясаган. Уларда кишилиқ дунёсининг ҳамма ҳозирги ҳоли, унинг ҳамма ўтмиши, унинг ҳамма келажаги ифодаланган; улар бутун халқлардаги, ҳамма замонлардаги сан'ат тараққиётининг кўркам гули, ҳашаматли мевасидир. Уларда бадиий форманинг пластиклиги ва бўрттирилганлиги, илҳомнинг соф бевоситалиги ҳам шу'ла беручи ўй, об'ектив ва суб'ектив олам ажралмас бирлик ҳосил қилиб, бир-бирларига кириб, ёпишиб кетганлар. Бутун дунё шоирларининг подшоҳи бўлган Шекспирнинг чуқур қалб билучилиги, табиатга, воқи'ликка содиқлиги, ижодий фикрларининг чексизлиги ва баландлиги тўғрисида гапириш минглаб одамлар томонидан кўп мартаба айтилган гапларни қайтариш демакдир. Унинг ҳарбир драмасининг қимматини белгилаш катта бир китоб ёзиш ва айтмоқчи бўлган фикрнинг юздан бирини ҳам баён қилмаслик, уларда бўлган мазмуннинг миллиондан бир бўлагини ҳам ифода қилмаслик демакдир.

Инглиз трагедиясидан сўнг биринчи ўринни немис трагедияси элади. Уни бу шуҳрат босқичига Шиллер блан Гёте олиб чиққан. Сўнгра, немис драмасы, Шекспирникига қараганда, тамоман бошқа характерга, ҳатто бошқа аҳамиятга эгадир: бу кўпроқ ёки лирик, ёки рефлекторловчи драматир. Фақат Гётенинг «Гёц Фон Берлихинген» ва «Эгмонт»ида, Шиллернинг «Вильгельм Тель» ва «Валленштейн» номли асарларида бевосита ижодга интилиш сезилади. Немис драмасининг аҳамияти умуман немис сан'атининг аҳамияти блан зич боғланган.

Испан драмасы, гарчи Лопе-де-Вега ва Қальдерон каби бирнеча исмлар блан фахрланса-да, шуҳрати оздир. Бунинг сабаби — испан драмасининг миллий бўлишида, умумий, жаҳоний мазмунга кўтарилмаганлигида бўлса керак.

Француз адабиёт тарихи драмада шуҳрат қозонган кўпгина исмлар блан порлайди. Корнель блан Расин деярли икки асргача жаҳонда биринчи трагедиячилар деб хисобланганлар, улардан сўнг эса — Кребийлон ҳам Вольтер. Аммо энди равшан бўлдики, Франциядаги драматик поэзия тарихи эски замоннинг кийимлар, модалар ва ижтимоий хулқлар тарихига оиддир, лекин сан'ат тарихи блан ҳеч алоқаси йўқдир. Энг янги ёзувчилардан Гюгонинг драмаларида ажойиб талантнинг нурлари ба'зан йилтираб қолади, бундан ортиқ эмас.

Бизнинг рус трагедиямиз Пушкин блан бошланди ва у блан бирга ўлди. Унинг «Борис Годунов» асари Шекспир драмаларидан сўнг биринчи ўринни олишга лойиқ ижоддир. Бундан ташқари, драманинг айрим турини яратди, у повесть романга қандай муносабатда бўлса, у ҳам ҳозиргига шундай тегишлидир; унинг «Фауст блан Мефистофель саҳнаси», «Моцарт блан Сальери», «Хасис рицарь», «Русалка», «Тош меҳмон» каби асарлари шундайдир. Форма ва ҳажми жиҳатидан булар драматик очерклардан катта эмас, аммо мазмун ва унинг тараққиси жиҳатдан булар сўзнинг тўла ма'носида, трагедиялардир. Оригиналлиги ва ўзига хослиги жиҳатидан уларни бошқа асарлар блан

ҳеч солиштириб бўлмайди, лекин ижоднинг бевосита актига гувоҳлик беручи идея чуқурлиги ва форманинг бадийлиги жиҳатидан уларнинг қиммати фақат Шекспир драмалари блан ўлчаниши мумкин. Замонимизда улуғ шоир ёлғиз эпос ёзучи, ёлғиз лирик ёки драматург бўлолмайди; замонимизда ижодий фаолият поэзиянинг ҳамма томонларининг йиғиндисидан иборатдир; аммо буюк сан'аткорлар аксар эпик асарлардан бошлайдилар, лирика блан давом қилдирадилар, драма блан битирадилар. Пушкин ҳам шундай қилди: ҳатто унинг биринчи дostonларида ҳам драматик элемент кескин равишда кўриниш беради, айниқса «Лўлилар» ҳам «Полтава»да кўп жойлар гўзал трагедия сахналарини ташкил қилади. Унинг сўнгги асарлари кўрсатадики, у қат'ий равишда драмага мурожаат қилган, унинг «драматик очерклари» яна буюк асарлар учун тайёрланган қаламнинг машқлари бўлган. Бу асарлар қандай бўлар эди! Аммо унинг доҳилиги пишиб, драма учун етишган вақтда уни ўлим ёқалади,— ва унинг ғамли кўлкаси уни ўзи блан бирга олиб кетди.

Муқаддас сирни,

Ва бизнинг учун

Ҳалок бўлди ҳаёт бағишловчи ун!

Рус адабиётида драма учун бўлган ҳамма уринишлар, Сумароковдан бошлаб Кукольник жанобларига қадар, фақат адабиёт тарихида ёдга олинишлари мумкин, улар тўғрисида ўрни келганда гапирилади, лекин эстетикада гапириш тўғри эмас, чунки эстетикада фақат бадий асарларгина кўрсатилишга ҳақлидирлар.

Драматик поэзиянинг сўнгги тури *трагедияга* тамом қарши бўлган *комедиядир*. Трагедиянинг мазмуни — буюк ахлоқий ҳодисалар оламидир, унинг қаҳрамонлари — ма'навий инсон табиатининг субстанциал кучлари блан тўла бўлган шахслардир, комедиянинг мазмуни — ақлий заруриятдан маҳрум тасодифлар, шарпалар дун'еси ёки бор каби кўриниб, ҳақиқатда мавжуд бўлмаган воқи'лик ҳодисаларидир; комедиянинг қаҳрамонлари — ўз ма'навий табиатининг субстанциал асосларидан воз кечган одамлардир. Шунинг

учун трагедиянинг кўрсатган та'сири руҳни қалтирату-чи муқаддас даҳшатдир; комедия кўрсатган та'сир шўх кулгидир. Комедиянинг моҳияти — ҳаёт ҳодисаларининг ҳаёт ва унинг моҳияти ўртасидаги қарама-қаршилигидан иборатдир. Шу ма'нода комедияда ҳаёт ўз-ўзини инкор қилади. Трагедия ўз ҳаётининг тор доирасида фақат юксак моментларни, қаҳрамон воқиясининг шоирона моментларини тўпласа, комедия ҳар кунги ҳаётнинг оддий кўринишларини, унинг майда-чуйдасини, тасодифларини кўрсатади. Трагедия поэзия кўёшининг бурилиш доирасидир, унга етганда ўз жараёнининг энг юксак нуқтасида бўлади, комедияга ўтиш блан пастга тушади. Греklarда комедия поэзиянинг ўлими бўлган: Аристофон уларнинг сўнгги шоири эди, унинг комедияси эса — бутунлай йўқотилган тўла ҳаёт ва ундан ўсиб чиққан Грециянинг гўзал сан'атининг мотам қўшиғи бўлди. Аммо ҳаётнинг ҳамма элементлари бир-бири ичига кириб, бир-бирининг тараққиётига тўсиқлик қилмайдиган янги дунёда, комедия сан'ат учун бундай мотамли аҳамиятига эга эмас; унинг элементи поэзиянинг ҳамма турларига кирди, ёки кириши мумкин, у трагедия блан бирга ўсуви, ҳатто сан'атнинг тарихий тараққиётида ундан олдин келиши мумкин.

Чин бадий комедиянинг асосида энг чуқур юмор ётади. Унда шоирнинг шахси фақат ташқи жиҳатдан кўринмайди; лекин унинг суб'ектив мушоҳадаси яшрин фикр сифатида кўп комедияда бевосита ҳозир бўлади, комедияда кўрсатилган ҳайвонлар ва тасқара башаралар орқасидан сизга бошқа юзлар, гўзал, инсоний юзлар кўрингандай бўлади, кулгиси шўх хурсандчиликни эмас, алам ва норозиликни ифода қилади... Комедияда ҳаёт, қандай бўлса шундай кўрсатилишининг сабаби шундаки, биз ҳаёт қандай бўлиши кераклигини очиқ ва равшан кўрабйлайлик. Бадий комедиянинг энг яхши намунаси Гогольнинг «Ревизор» номли асаридир.

Бадий комедия шоир мўлжаллаган мақсадга ўз тасвирларининг об'ектив ҳақиқатини қурбон қилмаслиги керак: шундай қилганда комедия бадий бўлмай, *дидактик* бўлиб қолади, бу сўзнинг ма'нисини биз

тубанда муфассал тушунтирамиз. Агар дидактик поэзия ҳазилкашлик қилиш каби аҳамиятсиз орзуларни етиштириб, ҳаётининг тубанлиги, разллиги блан чуқур ҳақоратланган руҳни кўрсатмоқчи бўлса, агар унинг масхараси кучли ҳажв аралаш булса, унинг асосида энг чуқур юмор ётса, ифодасидан ҳаяжонли бир руҳ учиб турса, қисқаси — у дардли бир ижод булса — ҳарқандай бадий комедияга арзийди: ма'лумки, бундай комедия кичик талантнинг асари бўлаолмайди;— комедиянинг тасвирлари ортиқча ёрқинлик ва қуюқ рангдорлик блан ажралиб туриши мумкин, лекин улар ғайритабийлик ва карикатурага бориб етиши мумкин эмас; ма'лумки иштирок қилучи шахсларнинг характерлари комедияда ўйлаб чиқарилиши эмас, яратилиши ва уларнинг тасвирида оз, ёки кўп даражада бадийлик бўлиши керак. Бундай комедиянинг юксак намунасини биз «Ақллилик балоси»да кўрамиз; бу асар гениал кишининг асаридир, биз бунда ожиз, руҳларига нур кирмаган; эскиликнинг чирик афсоналари блан, разил, ғайри ахлоқий қоидалар системаси блан яшаган одамларнинг чирик жамиятини кўриб аччиқ нафратланган, ғазабланган руҳни кўрамиз, уларнинг майда мақсадлари, паст интилишлари ҳаётнинг фақат шарпаларига — мансабларига, оқчага, ғийбатга, инсон қадри-қимматининг пасайишига қаратилган, уларнинг хафақон, мудроқ ҳаёти ҳарқандай жонли ҳиснинг, ҳарқандай ма'қул фикрнинг, ҳарқандай асл интилишнинг ўлиמידир... «Ақллилик балоси» бизнинг адабиётимиз учун ҳам, бизнинг жамиятимиз учун ҳам катта аҳамиятга эгадир<sup>16</sup>.

Бундан бўлак, яна паст комедия бор, у оригинал характерлар яратиш жамият хулқларини тўғри кўрсатиш блан бадийлик босқичига миниши мумкин; лекин унинг асосида юмор эмас, фақат комик хурсандчилик ётиши мумкин. Ўз қимматига кўра, бундай адабиёт сан'атга ҳам, беллетристикага ҳам кириши мумкин, у ҳарҳолда адабиётнинг икки жиҳати ўртасида қолади. Бизнинг адабиётимизда бундай комедиянинг намунаси йўқ. Фонвизиннинг «Вояга етмаган» ва «Бригадир» номли асарлари халқ комедиясига ҳам сўзнинг одат-

даги ма'носида сатирик комедияга ҳам кириши мумкин. Чин бадий комедия, унда кўрсатилган жамият хулқлари ўзгарса ҳам, асло эскирмайди, «Ревизор» ва «Ақллилик балоси» ўлмас асарлардир.

Драматик поэзиянинг трагедия блан комедия ўртасида бўлган яна бир айрим тури бор: бу нарса драма деб аталган турдир. Драма мелодрамадан бошланади, у ўтган асрда, у вақтнинг совуқ ва ғайритабий комедиясига оппозицияда эди, ҳаёт жонсиз сохта классицизмдан қочиб, фақат ундагина ягона маскан топар эди, Радклиф, Дюкре-дю-Мениль ва Август Лафонтен романларида ҳаёт, худди шунинг каби, «Гонзалъв Кордуанский» ва «Қадма ҳам Гармония» сингари риторик поэмалардан қочиб макон топган эди. Броқ, бу келиб чиқиш фақат «драма» номига, нав' эмас, тур қисмига оиддир. (Масалан, Гётенинг «Клавиго»си шундайдир). Ҳарвақт ўз йўли блан кетган, бема'ни адабиёт қоидалари блан эмас, ижоднинг абадий низомномалари блан ишлаган Шекспир жуда кўп асарлар ёзган, булар трагедия блан комедия ўртасида турадилар ва улар *эпик драмалар* деб аталади. Уларда характерлар ва фожи' вазиятлар бор (масалан «Венеция савдогари» каби); аммо уларнинг ешилуву ҳарвақт бахтиёр шаклдадир; чунки уларнинг моҳияти маш'ум фалокатни талаб қилмайди. Драманинг қаҳрамони ҳаётнинг ўзи бўлиши керак. Лекин драма эпик характерда бўлишига қарамай, унинг формаси юқори даражада драматик бўлиши лозим. Драматизм фақат суҳбатда эмас, балки гапиручиларнинг бир-бирига нисбатан ҳаракатидадир. Агарда, масалан, икки киши бирнима тўғрисида баҳслашса, бу ерда фақат драма эмас, балки драматик элемент ҳам йўқ; аммо баҳслашувчилар бир-бирларидан устун чиқиш учун, бир-бирларининг характерларининг қандай бўлмасин бирон томонини босиб қўйишга, ёки руҳнинг заиф қилларини чертиб қўйишга уринсалар ва бу нарса орқали уларнинг характерлари очилса, ниҳоят баҳслашув уларни бир-бирларига нисбатан янги муносабатда бўлишга мажбур қилса,— бу нарса драма деб аталиши мумкин. Драмада муҳим нарса — узундан-узоқ ҳикояларнинг йўқ бўлишидир,

ҳарбир сўз драмада ҳаракат — амал блан ифодаланиши лозим. Драма табиатдан оддий кўчирмакашлик эмас, айрим сахналарнинг, гарчи улар гўзал бўлсалар ҳам йиғиндиси эмас, драма айрим, хос, ёпиқ бир дунё бўлиши керак, унда ҳарбир шахс ўз мақсадига интилиб, фақат ўзи учун ҳаракат қилиб, ўзи билмасдан ҳам, пьесанинг умумий ҳаракатига ёрдам беради. Драма хаёл, мулоҳаза орқали ёпиштирилмасдан, балки фикрдан туғилган бўлсагина шундай характерга эга бўлади.

Поэзиянинг ҳамма турлари мана шулардир. Улар фақат учта, бундан кўп бўлиши мумкин эмас. Аммо ўтган асрнинг адабиёт қоидаларида ва адабиётларида яна бирқанча поэзия турлари бор эди. Улар орасида *дидактик* ёки *ахлоқий* асарлар айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлган. Катта-катта поэмаларда деҳқончилик, чорвачилик, астрономия, ҳисоб, ҳатто кийим тикиш ҳунарини ҳам ўргатганлар. Бу тур қадим замонда сан'ат пасайиб кетгач пайдо бўлган. Одатда, поэзия йўқолса, унинг ўрнини назмчилик олади.

Броқ, дидактик поэзиянинг борлигини биз ҳам қабул қиламиз, фақат дидактикани биз поэзия тури каби эмас, балки поэзия характери сифатида қабул қиламиз ва уни эпик турга киргизамиз. Бизнинг фикримизча, «дидактик» деган сўз ҳам, масалан, об'ектив ва суб'ектив каби, хусусият ва характернинг ифодасидир.

Дидактик поэмаларнинг намунаси қилиб биз Виргилийнинг агрономик поэмаларини, Горацийнинг «*Arts Poeticae*»сини, Буалонинг «*L'Art Poétique*» поэмаларини, Делилнинг сувдан мазасиз поэмаларини олмаймиз,— балки намуна қилиб Жан-Пол Рихтернинг буюк фантазиясининг оламшумул мушоҳадаларини ва шоирона афоризмларини кўрсатамиз. Бадиий поэзия асарларидан улар шу блан ажраладиларки, уларнинг асосий идеяси сан'аткорнинг руҳида ижодий актдан бурун англашилади, яна фарқи шундаки, дидактик асарларда фикр муҳимдир, форма эса фикрни ифода қилиш учун гўё бир воситадир. Бадиий поэзия асарлари блан уларнинг умумлиги шундан иборат: улар ўлик, совуқ

муҳокамадан эмас, балки жонли, ёлқинли илҳомдан келиб чиқадилар, поэзиянинг ҳамма бўёқларини оладилар, руҳга абстракт твшунчалар блан эмас, образлар блан сўзлайдилар. Жан-Пол Рихтернинг<sup>17</sup> «Туш» ва «Йўқ бўлиш» каби асарларини билган одамлар бизнинг нима демоқчи эканимизни тушунадилар. Бу ёзучи блан таниш бўлмаганлар учун бу ерда унинг икки кичик пьесасини кўчираимиз:

— Мени севасанми? — ишқнинг энг тоза шавқли дақиқасида, руҳлар қовишиб, бир-бирларига бериладиган бир онда, ёш йигит хитоб қилди. Ёш қиз унга боқди ва сукут қилди.

— Оҳ, сен агар мени севсанг,— йигит давом этди,— Сўйла! Сўзлашга мажоли қолмаган қиз унга боқди.

— Мен жуда бахтли эдим, умид қилар эдимки, сен мени севасан деб,— энди ҳамма нарса йўқолди,— умид ва саодат ҳам йўқолди! — деди йигит.

— Севгилим, наҳотки мен сени севмай? — қиз бу саволни такрорлади.

— Оҳ, бу самовий сасларни сен нега мунча кеч айтдинг! — деди йигит.

— Мен жуда бахтли эдим, сўзлаёлмадим; сен ўз қайғунгни менга бағишлаган чоқдагина менга муяссар бўлди...

Янги йил кечаси мўйсафид дераза олдида туриб, мангу гуллаган самога аччиғ ўкиниш блан боқди, ва бунда туриб жимжит, тоза. оқариб кўринган ерга қаради, бу ер юзида ҳозир шодлик ва уйқу ҳечким учун, унга бўлгани қадар, бегона эмас, чунки, унинг тобути ёнгинасида туради: унинг сиймосида ёшлик майсаси эмас, қарилик ётарди ва у ҳаётнинг бутун бойликларидан фақат гумроҳлик, жиноят ва иллатларни — вайрон бадан, чиркин руҳ, заҳар блан суғорилган кўкрак, тавба қилажак ёшни ўзи блан бирга олиб кетади. Ёшликнинг гўзал кунлари, бир хаёл каби, унинг кўз олдидан ўтди, у нафис тонг яна имлади; бир тонг чоғи отаси биринчи марта ҳаётнинг айрилиш йўлига уни қўйган эди, ўнг томон фазилатнинг қуёш тўла йўли, нур ва ҳосилот тўла, малаклар блан тўла узоқ сокин бир диёрга кетган йўл; сўл томон эса — қабоҳатнинг каламуш инига, чак-чак томган заҳар блан тўла, илонлар ва дудли, бўғучи буғлар блан тўла қора ўпқон йўли.



Оҳ! Илонлар унинг кўкрагида осилиб ётарди, тилида заҳар томчиси: қаерда бўлганини у энди билди!

У хушсиз ҳолда, тилга сиғмас бир қайғу блан кўкка хитоб қилди: «Қайтар менинг ёшлигимни! Эй ота! Мени яна у айрилиш йўлга қўй, токи мен бошқа йўлни танлай!».

Аммо унинг отаси ва ёшлиги энди узоқ эди. У ботқоқликларда сакраган, қабристонда сўнган оловларни кўрди ва деди: «Бу менинг қувноқ кунларим!» У кўкдан учган, учиб тушаётиб ярқираб, ерга сочилган юлдузни кўрди: «Бу мен!» — унинг парчаланган қалби деди, тавбанинг илон тишлари яраларга яна чуқурроқ ботди.

Унинг касал хаёли ойдинда уйқусираб томларда чопган хас-таларни кўз олдига келтирди: шамол тегирмони қанотлари блан уни мажақламоқчи бўлиб қўрқитди, ўликларнинг хароб масканида азроил секин-секин унинг тусига кирди.

Бу даҳшатли типирчилаш ичида, минорадан янги йилга чалинган музика узоқдан эшитилган бутхона куйи каби, бирдан юксалди. Унда ҳалим, юмшоқ ҳаракатлар уйғонди. У кўзларини кенг ерни ўраб олган уфқларга тикди; ундан кўра яхшироқ ва бахтлироқ бўлган ёшликдаги дўстларни ёдлади, улар ҳозир ернинг мураббиялари, бахтли болаларнинг оталари, дуоғўй эрлардир; хотирлади ва хитоб қилди: «Оҳ! Агар хоҳласам эди, бу биринчи кечани мен ҳам намсиз кўзларим блан мудраб ўтказган бўлар эдим! — Эй хушбахт оталар, оналар, агар мен янги йилда сиз айтган орзуларни, насихатларни бажарган бўлсам эди, мен ҳам бахтли бўлаолар эдим».

Ёшлик кунларининг хотираси блан у овора экан, қабристондан афти унга ўхшаган азроил чиқиб келгандек кўринди: янги йил кечаси хаёл суручи, келажакнинг руҳларини кўради, деган хурофот бу азроилни жонли ёш йигитга айлантирди.

У ортиқ қараёлмади: — кўзларини юмди, — қайноқ кўзёшлари тошиб-тошиб оқди, қорни эритди, у оҳ чекди, секин-секин, овинмасдан, хушсиз ҳолда оҳ чекди: «Қайт фақат, қайт яна, ёшлик!»

...*Ва у яна қайтди*, чунки бу нарса янги йил кечаси кўринган даҳшатли *туш* эди фақат. *У ҳали ёш йигит эди*: фақат унинг *гумроҳлиги*, *адашганлиги эса*—*туш эмас эди!* У тангрига шукур қилди, чунки ёш бўлгани учун ёмонликнинг ифлос йўлларидан қайтиши ва серне'мат бой днёрга олиб боручи қуёш йўлига тушуви ҳали мумкин.

У блан бирга қайт, ёш ўқучи! Агар сен унинг ёлгон йўлида бўлсанг! Бу қўрқинчли туш бир вақт сенга суд бўлади: агар сен у вақт бутун кучинг блан чақирсанг: «Қайт, гўзал ёшлик»— у қайтиб келмайди!

Асарларнинг руҳи, формаси ва қиммати жиҳатидан Жан-Пол Рихтерга яқин бўлган ёзучига рус адабиёти эгадир. Биз князь Одоевскийни ва унинг «Бетховеннинг сўнги квартети», «Оperі del cavaliere Ciambattista Piranesi»\*, «Импровизатор», «Ўликнинг масхараси», «Бригадир» каби асарларини кўзда тутамиз. Бу пьесалардан ҳарбирининг мазмуни инсон руҳининг ҳодисаси ёки сўзнинг жуда чуқур ма'носида ахлоқий масаладир, уларнинг асосида чуқур дун'ё мушоҳадаси ва олий жаҳон юмори ётади, формаси илҳомкор поэзиянинг бўёқлари блан яшайди; фикр ўқучининг руҳини қудратли равишда қамраб олади ва кескин, муайян ифодаланеди. Бу пьесаларнинг умумий манзараси—бу турдаги асарларга жуда келишган фантастик манзарадир. Шу блан баравар, князь Одоевскийнинг «Княжна Мими» номли повести ҳам, гарчи мазмуни оддий ҳаётдан олинган бўлса-да, биз айтган дидактик поэзияга мансубдир. Бу повестьнинг мақсади соф ахлоқийдир, лекин бу мақсад жонли картиналарда, ҳис блан суғорилган, фикр блан руҳланган мароқли ҳикояда баён қилинади, икки марта икки тўрт бўлади, каби ҳаммани зериктирган, ҳечкимни ишонтирмайдиган юзаки ҳақиқатлар, тўғрилигини ҳамма қабул этган совуқ аллегория ва ахлоқий ва'злар очиқ кўкрак блан совуққа чиқсанг, шамоллайсан, ёмғирда кўчага чиқсанг, албатта ҳўл бўласан, каби ҳаммага ма'лум ҳақиқатлар Одоевский асарида йўқ.

Мумкин қадар ҳаммага тушунарли бўлиш учун, биз бу ерда князь Одоевскийнинг бир пьесасини кўчирамиз, бу блан дидактик поэзия деб атаган поэзиямизга факт келтирган бўламиз.

Бал борган сари қизиб кетмоқда эди, хира ёнган ҳисобсиз шамлар остида юпқа дуд мавжланарди ва унинг орасидан

---

\* «Джамбаттист Пиранези асари».—Ред.

ингак пардалар, мрамар вазалар, олтин панжалар, барельефлар; колонналар; суратлар милтираб кўринар эди, гўзал хотинларнинг очиқ кўкракларидан қизгин ҳаво учар эди; жодугарнинг қўлларидан узилиб чиққан каби, гир-гир айланиб учган, жуфт-жуфт бўлиб рақс этучилар кўзларингиз олдидан ўтишар экан, Арабистон чўлларидаги каби, қизгин, бўғучи шамол тегиб кетарди. Хушбўй кокиллар тўзғиб борарди, қалб тез урарди; қўллар тез-тез учрашар, оловдай ёниқ юзлар яқинлашарди; боқишлар яна қорароқ жилваланарди, кулги ва шивирлаш кучаяборди; чоллар ўринларидан туриб, заиф қўл-оёқларини ёзишди, уларнинг баҳрайиб қолган кўзларида очиқ ҳасад блан ўтмиш хотираси аралаш эди,—лаззатли, эҳтиросли телбалик ичида ҳамма нарса сакрар, айланар, жўш урар эди.

Кичик супачада каман ёйлари таранг тортилган қилларда ўйнарди, турли музика асбобларда турли сас титрарди, бирининг саси қабрдан келган каби бўғиқ, литаврларнинг саси кинояли қаҳқаҳага ўхшайди. Юзлари кулиб турган, шавқдан ўзини йўқотаёзган, соч-соқоли оқ капельмейстер мақомни борган сари тезлатар ва боқиши, гавда ҳаракатлари блан чарчаган музикачиларни ишга солар эди.

— «Тўғри эмасми?»— у менга бидиллаб деди: «Тўғри эмасми? Бу бални жонлатираман, деган эдим,—сўзимнинг устидан чиқдим. Ҳамма гап музикада,— уни қандай қилиб саралашни билмайдилар,—музика одамларни ўрнидан кўтарди,—ўйновчиларни ихтиёрсиз маст қилади,—яхши музикачиларнинг асарларида шундай жойлар борки, улар кишига ажиб та'сир кўрсатади,—мен уларни бошлаб тингладим—ҳамма гап шунда,—мана тингланг: мана у донна Аннанинг фар'ёди, дон Хуан уни масхара қилган вақтдаги фар'ёди, мана бу ўлаётган Командорнинг инграши, мана бу Отелло ўз рашкига ишонишга бошлаган минути; мана Дездемонанинг сўнгги ибодати».

Шонли музикачиларнинг асарларида санланган бутун инсон қайғуларини капельмейстер узоқ вақт санаб чиқди, яна, лекин мен энди ортиқ тингламасдим,— мен музикада аллақандай ажиб ютоққан даҳшатли бирнима сездим. Ҳарбир товушга бир товуш қўшилишни, яна ҳам чинқироқ, кучли бўлган бу товушдан томирларга совуқ югуриб, бошдаги сочлар ҳурпайиб кетишини сездим, тинглайман; чаҳалоқларнинг инграши, ёки йигитчанинг жўшқин фар'ёди, ёки есир онанинг чинқирши, гоҳ титроқ қалбнинг ҳолатлари эшитилди, турли инсон дардларининг ҳамма

саслари, янги туғилган боланинг биринчи фар'ёдидан тортиб, то ўлаётган Байроннинг сўнги фикрига қадар давом этган бир чексиз гамманинг даражаларига бўлинган музика тонлари менга эшитилди: ҳарбир сас ғазабли асабдан узилиб чиқар, ҳарбир нақарот тўлғоқ ҳаракати эди.

Бу даҳшатли оркестр рақс қилучилар устида қора булут каби сузар эди,—оркестрнинг ҳарбир зарбида, у булутдан шу нарсалар янграб чиқар эди: қаттиқ ғазаб сўзи ҳам, оғриқ енгган хастанинг кесик-кесик алжираши ҳам, ўқинишнинг яширин садоси ҳам, қаллиғидан айрилган куёвнинг кескин ҳасрати ҳам, хиёнатдан тавба қилиш ҳам, ғалаба қозонган бузғунчиларнинг ҳайқириви ҳам, имонсизлик масхараси ҳам, доҳийликнинг бефойда йиғиси ҳам, алданган мунофиқнинг сирли дарди ҳам, ўз замони танимаган дардманднинг ноласи ҳам, ўз руҳининг хази-насини балчиқда топтаган одамнинг фар'ёди ҳам, узоқ умр кўриб, тинкаси қуриган одамнинг хаста товуши ҳам, ўч олиш наш'аси ва ғазаб титраши ҳам, қирғинчининг завқи ва чанқоқлик интизори ҳам; тишларнинг ғижирлаши, суякларнинг қисирлаши ҳам, йиғи ҳам, ҳўнграш ҳам; қаҳқаҳа ҳам... ва барчаси чидаб бўлмас оҳангга қуюлар эди ва барчаси қаттиқ товуш блан табиатга ла'нат ўқирди, кароматга роз этарди; оркестрнинг ҳар зарбида, ундан, гоҳ жазоланган одамнинг кўкарган юзи, гоҳ жиннинг кулар кўзлари, гоҳ қотилнинг титраган тиззалари, гоҳ сирли дард блан ўлган одамнинг сукутли лаблари кўриниб қолар эди; паркетга қора булутдан қонли кўзёшлари томар эди, бунинг устида гўзал хотинларнинг ипак ковушлари сирпанар эди,—лаззатли, совуқ телбалик ичида ҳамма нарса илгаригидай айланар, сакрар, тошиб қайнар эди...

Бал тонгдан сўнг ҳам узоқ вақт чўзилди, тирикчилик учун ўринларидан туриб юрган одамлар узоқ тўхтаб, ёруғ деразаларда милтиллаб кўринган кўланкаларни тамоша қилишар эди.

Балнинг қийновчи наш'аси блан гаранг бўлиб, чарчаб тинкам қуриб, мен дим уйлардан кўчага отилдим, тоза ҳавони симирдим; тонгнинг ороми қатнаб юрган араваларнинг шовқинсурунида бузилар эди, менинг қаршимда бутхона эшиклари очик эди.

Мен кирдим; бутхона бўш; бўш бут олдида бир дона шам ёнар эди ва бутхона гумбазлари остида бир руҳонийнинг паст овози учар эди, у ишқ, имон, умиднинг эзги сўзларини айтар эди; у гуноҳдан қутулишнинг сирларидан хабар берар эди, у

инсоннинг бутун изтиробларини ўзида тўплаган шахс тўғри-сида сўйларди; у оллоҳни мушоҳида қилиш, руҳ олами, яқинларга шафқат; кишилиқ жамиятининг буродарона бирлашуви, гинахонликнинг унутилиши, душманларни кечириш, оллога қаршиларнинг ниятларининг беҳудалиги; инсон руҳининг узлуксиз равишда мукаммаллашуви, худо ёзган тақдирга бўйсунуш ҳақида сўзларди; у кечмишлар ва бўлгусилар ҳақида ибодат қилар эди!

Мен бутхона эшигига отилдим, йўлдан озган дардкашларни тутишни истадим, мен уларнинг парчаланган юракларини узиб ташлашни, ишқ ва имоннинг алангали оҳанги блан уларни совуқ уйқудан уйғотишни истадим, лекин вақт ўтган эди,— бутхона олдидан ҳамма ўтиб кетаверди ва руҳонийнинг сўзларини ҳечким эшитмади...<sup>18</sup>

Эски замонда *тавсифий* поэзия деган нарса ҳам бор эди. Боғчаларни, жой, мавқиларни, йил мавсумларини ва ҳоказоларни тавсиф этишга катта-катта поэма бағишланар эди; бундай поэмаларни *статистик поэзия* деб аташ дуруст бўлар эди. Аммо бу бема'ни нарса, у рад қилинишга ҳам арзимайди. Поэзия тавсифлар блан эмас, балки картиналар ва образлар блан сўзлаши керак; поэзия буюмни тавсиф этмайди ва ундан кўчирмайди, балки уни яратади.

Яна *эпиграмма* поэзияси ҳам бўлар эди. Қадимдаги эпиграмманинг аҳамиятини биз юқорида ишорат қилиб ўтган эдик. Бизнинг замонамизда бу нарса қофия ичига олинган нуқтадонликдир. Ўтган асрда эпиграмма, поэзиянинг бошқа турлари қаторида, ҳурматга лойиқ ўрин олган эди. Энди бу гўё шоирнинг шўхлиги, ёки бирон башарага урилган шапалоғидир. Ҳарҳолда, бу сан'атга эмас, балки беллетристикага мансубдир.





## ТАНҚИД ҲАҚИДА НУТҚ

*Философия доктори, экстраординар профессор  
А. Никитенко томонидан 1842 йил 25 март куни Санктпетербург  
император университетининг тантанали мажлисида сўзланган.  
Санктпетербург 1842 йил.*

### І МАҚОЛА

Анализ қилиш ва текшириш руҳи — замонамизнинг руҳидир. Эндиликда ҳамма нарса, ҳатто танқиднинг ўзи ҳам танқид остига олиниши лозим. Бизнинг замонамиз ҳечбир нарсани сўзсиз қабул қилмайди, авторитетларга ишонмайди, ривоятларни инкор этади; аммо унинг бу хатти-ҳаракати ўзининг сўнгги кунларигача яратиш эмас, фақат поймол этишнигина уддасидан чиққан ўтган асрнинг руҳи ва мазмунига зиддир; аксинча, бизнинг замонамиз эʼтиқодга интилади, ҳақиқатга ташна. У ҳарқандай жонли фикрни қабул қилишга, ҳарқандай жўшқин ҳодиса олдида тиз чўкишга тайёр; аммо уларнинг олдида пешвоз чиқишга шошилмайди, эҳтирос блан берилиб кетмайди, уларнинг ўз ҳузурига келишини ҳавассиз ва эҳтироссиз кутиб туради. Ихлоси қайтиб кетишдан қўрққани сингари, у дарров мафтун бўлиб қолишдан ҳам чўчийди. Билимлар ва ҳодисалар бўронида чиниққан асримиз уни қаноатлантираолмайдиган эскиликлар ўрнини эгалламоқчи бўлган ҳарқандай янгиликка тўё душманлик кўзи блан қараётгандек бўлиб кўринади. Ҳақиқатда эса, бу душманлик тадбирли эҳтиёткорлик ва оғир тажрибалар натижаси, холос. Асримизнинг завқланишида ҳам совуққонлик бордек кўринади. Аммо бу совуққонлик унинг қалбида эмас, балки ёлғиз йўсинидадир; бу

совуққонлик кексалик эмас, етуклик белгисидир. Яна-да кенгроқ қилиб айтайлик: бу совуққонлик руҳий завқнинг мужассамлиги, ҳарбир нарсанинг ҳақиқий ўрни ва ҳақиқий чегарасини кўраоладиган мустақил қарашнинг мевасидар. Бу мустақиллик жонли ипларга тизилган сун'ий му'тадилликдан ҳам, бирёқлама ўйловчиларнинг гоҳ уёқ, гоҳ буёққа оғиб кетиш касалидан ҳам баббаравар жирканади. Агар ўтган асрнинг охириги ярми блан ҳозирги асрнинг ҳали тугаб битмаган ярмидаги кўпгина кунларининг бутун бир асрга тенг эканини, инсоният бу асрлар давомида жуда кўп захмат ва мусибатлар чекканини эсга олсак бу бизга яна ҳам табиий бўлиб кўринади. Ўсмир ҳамма нарсага қизгин ва енгилтаклик блан ташланади: унинг учун тиз чўкмоқ, талпинмоқ ва бирон минут ўтар-ўтмас шу нарсадан совиб, ёки ҳатто душман бўлиб қолмоқ ҳеч гап эмас. Тажрибали киши эса ҳавасга дарров берилиб кетмайди: у аввало синагиси ва қаноат ҳосил қилгиси келади. У ишни гўмонсирашдан бошлайди. Лекин унинг жиддий ва шафқатсиз текширишига бардош бераолган нарсага бўлган муҳаббати ва ҳурмати бир лаҳзада ўтиб ҳам кетмайди. Вояга етган киши ўз ҳиссиётидан мамнун бўлади ва бу ҳиссиётни бошқаларга сездиришга ҳаракат қилмайди. Бу ҳиссиётнинг қадрига у ўзи етади, холос ва уни ошкора қилишдан кўра яширишга интилади. Ўсмир нимани севса, уни завқ блан севади ва агар у ўз туйғуларини бошқаларга айтмаса, юраги сиқилиб кетади. Бизнинг асримизга қилинадиган та'налар кўп, улар адолатли та'налардир. Дарҳақиқат, бу қандайдир қат'иятсизлик, таркоқлик, индивидуаллик асри, шахсий ҳаваслар ва шахсий манфаатлар (ҳаттоки ақлий манфаатлар) асри, бу шундай бир ўткинчи асрки, унинг бир оёғи аллақачон нома'лум келажакнинг остонасидан ўтган, иккинчиси эса, вақтисоати битган ўтмиш томонида қолган. Мана шу иккинчи оёқ қайси томонга қараб ҳаракат қилишини билмай, гоҳ илгарига, гоҳ орқага қараб босади. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқат; броқ айни замонда шу нарса ҳам ҳақиқатки, бу аср тажрибали, ақлли, кўп нарсани хотирида сақлайдиган ва доно асрдир. У, ўрта асрдаги Паллади

ролини ўйнашга жур'ат этаолмайди, фақат орзулар блангина яшамайди, ҳавои гўзаллик учун жанг қилмайди, ҳақиқий гўзаллик мавжуд бўлмагани туфайли, Дон-Кихот сингари бадбашара Дульсиняни ҳам гўзал деб ҳисоблагиси келмайди.

Кишиларнинг барча саволларига туйғу ва хаёллари жавоб берадиган хаёлий даврлар, мавҳум идеаллар ҳаётга ором бахш этадиган бахтли замонлар ўтиб кетади ва энди қайтиб келмайди. Олам вояга етди; унга турли-туман тасаввурлар гирдоби эмас, балки узоқни яқинлаштирадиган, кўринмайдиган нарсаларни кўрсатиб берадиган ақл микроскопи ва телескопи керак. Воқи'лик — мана ҳозирги замоннинг шиори ва сўнги сўзи! Фактларда, билимларда, ҳис, э'тиқодларда; ақлий ҳукмларда,— ҳамма нарсада ва ҳарерда воқи'лик бўлиши шарт, бу асримизнинг биринчи ва сўнги сўзидир. У, Нигер дар'ёсини булутлардан ёки камалакдан оқиб чиқади деб кўрсатишдан кўра, Африка харитасида бўш жой қолдириш афзалроқ эканлигини яхши билади. Қанчадан-қанча жасур саёҳатчилар географик фактларнинг ҳақиқат эканлигини исботлаш учун ўзларини қурбон қиладилар. Бизнинг асримиз учун мавжуд қум саҳросини очиш, ҳечким кўзи блан кўрмаган Эльдорадонинг борлигига, ишонишдан кўра муҳимроқ ютуқдир. Асримиз ижод этучининг қудрати ва табиатнинг улуғворлигини фақат хаёлпарастларнинггина бекорчи тасаввурларида мавжуд бўлган ҳарқандай эльдорадоларида эмас, ҳақиқатан мавжуд бўлган қум саҳросида равшанроқ кўринишини билади. Бизнинг асримизга масхаравозлик шиқилдоқлари, ёқимли алданишлар, болаларнинг ўйинчоқлари, юпатучи ёлғон яшиқлар даркор эмас. Агар қалбакилик асримиз олдида ёш, гўзал аёл тусида намоён бўлиб, уни ўзининг кўркам қучоқларига табассум блан имлайбошласа-ю, ҳақиқат қўлида чалғи-ўроқ ушлагани ҳолда баҳайбат отда учиб келаётган ўлим скелети тусида кўринса, у ғамза қилучи шарпадан жирканч ва нафрат блан юз ўгириб, ўзини скелетнинг ўлдиручи қучоқларига ташлаган бўларди. . . Унга, биринчи марта ёндашишдаёқ муқаррар ғойиб бўлуи шарпани қўлга



киритишдан кўра, ўзини қўрқинчли ўлим руҳининг чинакам қучоқларида ҳис этиш афзалроқ.. Бу мутлақо скептицизм эмас. Бу, аксинча, якка шахснинг чекланганлиги туфайли унга қўрқинчли кўринса ҳам, лекин ўз моҳияти блан мутлақ гўзаллик ва мутлақ бахтиёрликни ифода этучи ҳақиқатнинг илоҳийлаштирилишидир. Скептицизм ҳақиқатни тополмай умидсизланади ва уни қидирмайди; асримиз эса ҳақиқатни суриштириш, унга интилиш, уни қидириш ва уни соғинишдан иборатдир... У ҳақиқатдан алданишдан қўрқмайди, у, маҳдуд кишиларга кўпинча ҳақиқат бўлиб кўринадиган сохталикдан қўрқади.

Шундай бўлса ҳам, инсон ҳамиша ҳақиқатни билишга интилиб келган; демак, у ҳамавақт фикр юргизган, текширган ва ишонган. Мана шундай; аммо у текширишда озод эмас эди: бу текшириш ҳамавақт унинг бевосита кузатиш таассурати остида ўтар ёки ҳиссий туйғулар салобати ва илгаридан белгиланган бирорта асос блан боғлиқ эди. Агар бу текшириш маълум вақтларда авторитет ва ривоятлардан озод бўлган бўлса ҳам, у ҳаётнинг бевосита тўлиқлигини душманларча тор-мор қилар, уни янги ҳаётнинг тўлиқлиги блан олмоштирмас эди. Масалан, Грецияда воқи'ликнинг кишиларга фантастик бўлиб кўринган ҳамма ҳодисалари фантастик равишда та'риф этилар эди. Ақл хаёл ва ҳиссиётнинг яққол устунлик қилучи таассуроти остида эди. Бу хаёлий воқи'лик Сократнинг чириб бораётган фалсафасига бардош бераолмай, қийшайиб қулаб тушди ва философни ҳам ўзининг харобалари остига кўмиб юборди. Фантастик ўрта асрларда фалсафа қандайдир мужмал нарсага ўхшар, химия—алхимиядан, астрономия—астрологиядан, тарих — романдан, география — сиҳрли ҳикоядан иборат эди. XVI ва XVII асрларда ақл ҳиссиёт ва фантазиядаги ўзига тегишли соҳаларни аста-секин забт этаборди ва ўз ҳуқуқларига эга бўлабошлади. XVIII асрда ақл ҳиссиёт ва фантазияга охирги зарбани бериб, улар устидан ғалаба қозонди. Аммо бу ғалаба ақлга яккаланиб қолишдан ва бирёқламаликка қараб тортиб кетиши мумкин бўлган ўз кучидан қўрқиши зарурли-

гини кўрсатди. Мана шунинг учун ҳам XIX асрда ақл ҳиссиёт ва фантазия блан келишишга интилабошлади. Ақл уларнинг ҳуқуқларини э'тироф этди, броқ бу э'тироф этиш ақлнинг устунлик қилучи та'сири остида ҳаракат қилишлари лозим бўлган ва ақлга бўйсундирилган иттифоқчилар сифатида э'тироф этиш эди. Эндиликда ақл ҳамма нарсада ўз-ўзини ахтармоқда ва фақатгина ўзини топаолган нарсанигина ҳақиқий деб билмоқда. Замонамиз илгариги барча тарихий даврлардан мана шу блан қат'ий ажралиб туради. Ақл ҳамма нарсани ўзига бўйсундирди, ҳамма нарсадан устун бўлиб олди. Унинг учун энди ортиқ ҳечнарсма мақсаддан афзал эмас, барча нарсанинг мустақиллиги ва ҳақиқийлиги унинг тасдиқидан ўтиши лозим. Шубҳа ва скептицизм энди унга ҳақиқатни онглаш йўлида умидсизлантиручи душман эмаслар, балки унга ҳақиқатни англашда ёрдам беручи қурол ва воситадирлар.

Биз айтиб ўтдикки, ақл ма'лум ҳақиқатда, та'лимотда ёки ҳодисада ўзини бирор шаклдаги мазмун сифатида топсагина, уларни ҳақиқий деб э'тироф этади. Бунинг учун унга фақат биргина йўл ва биргина восита бор — у ҳам бўлса, идеяни шаклдан бўлаклаш, ма'лум ҳақиқат ёки ҳодисани ташкил этган элементларни бир-биридан ажратишдир. Ақлнинг бу ҳарақати ажойиб ҳодисанинг моҳиятини аниқлаш ниятида уни бузучи жирканч анатомик процесс эмас, албатта. Агар ақл бирон ҳодисада ўзини топаолса, у ҳодисани бузади, броқ уни ўзи учун янгича ҳусн ва янгича ҳаёт блан бойитиб, янгитдан жонлантириш учунгина бузади. Ақлнинг бузиш процессидан ҳамма ҳодисалар эмас, фақат ақл ўзининг бирор аломатини топаолмаган ҳодисаларгина ҳалок бўлади. Бу ҳодисаларни у фақат эмпирик тарзда яшовчи, броқ ҳақиқий бўлмаган ҳодисалар деб э'лон қилади. Худди мана шу процесс «танқид» деб аталади. Кўп кишилар танқид деб текширилаётган ҳодисанинг ёмонланиши ёки унинг ёмон томонларидан яхши томонларининг ажратилишини тушунадилар. Танқид ҳақидаги бундай тушунча энг ярамас тушунчадир! Ўзбошимчалик, бевосита туйғулар

ёки шахсий ишонч асосида ҳечбир нарсани на тасдиқлаш ва на инкор қилиш мумкин: ҳукм чиқариш шахсларга эмас, балки ақлга тааллуқлидир. Шахслар ўз шахсиётлари нуқтаи назаридан эмас, балки умумхалқ нуқтаи назаридан ҳукм қилишлари керак. «Менга ёқади, менга ёқмайди»— деган иборалар, гап таом, винолар, йўрға отлар, чопқир итлар ва бошқалар ҳақида кетаётгандагина қимматга эга бўлишлари мумкин: нарсаларга шу тақлидда баҳо беручилар орасида бу соҳада ном чиқарганлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо гап тарих, фан, сан'ат, ахлоққа оид ҳодисалар ҳақида борар экан, у ерда фақатгина ўз ҳиссиёти ва фикрига асосланиб, ўзбошимчалик блан, далилсиз ҳукм қилучи ҳаркандай одам жиннихонада бошига қоғоз тож кийиб олиб, хаёлида халқини улугворлик ва чаққонлик блан бошқаручи, осиб ўлдиручи ёки афв этучи, уруш э'лон қилучи ёки яраш шарти тузучи ва бу ишда ўзига ҳечкимнинг халақит бермаслигидан лаззатланучи бахтсиз телбани эслатали. Танқид қилмоқ — хусусий ҳодиса блан унинг идеали ўртасидаги органик, жонли муносабат даражасини аниқлаш ҳамда ақлнинг бу айрим ҳодисалардаги умумий қонунларини қидириш ва очиш демакдир. Бу хусусий ҳодисалар ақлнинг умумий қонунлари орқалигина содир бўлишлари мумкин. Аммо умумийни хусусийда, идеални реалликда ифодаловчи ҳодисаларнинг бўлиши мумкин бўлганидек хусусий ва умумийнинг бу бирлигини фақат ма'лум даражадагина ифодаловчи ҳодисалар ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари бу бирликка фақатгина да'во қилучи, аммо ҳақиқатда эса бу бирликка мутлақо ёт бўлган ҳодисалар ҳам бор, бинобарин, танқид ҳам фақатгина, албатта ёмонлаш ёки ёлғиз мақташ ва сўкишдан иборат бўлмай, балки ба'зан ёлғиз мақташнинг ўзи блангина чекланиши ҳам мумкин. Айниқса бизда, Русьда танқид омманинг назарида нотўғри тушунчага эга, кўпчилик учун танқид қилиш — сўкиш, танқид, ҳақорат қилиб ёзилган мақоладан бошқа нарса эмас. Бу ҳам етмагандай, сатирани ҳам, тухматни ҳам танқид деб атайдилар, провинциядаги жамоатчиликнинг ўртача доираларида

эса, иғво, гийбат ва бұхтонни ҳам танқид деб атайдилар. Танқидни шу тақлидда тушуниш, эқлашни эсдан чиқариб, адолат фақат айблаш ва жазолашдан иборат деб да'во қилишдан бошқа нарса эмас. Худди шунингдек танқид, гарчи унинг номи кўпроқ сан'атга нисбатан ишлатилса ҳам, у ёлғиз сан'ат блангина чекланмайди. Танқид «ҳукм қилмоқ» — деган ма'нони ифодаловчи грек сўзидан келиб чиққандир; демак, унинг кенг ма'носи — «ҳукм қилмоқ», «фикр юритмоқ» демакдир. Мана шунинг учун танқид фақат сан'ат ва адабиёт асарларигагина хос бўлиб қолмай, фан, тарих, ахлоқ ва бошқаларга ҳам тааллуқлидир. Масалан, Боссюэт тарих танқидчиси бўлганидек, Лютер папизмнинг танқидчиси, Вольтер эса, феодал Европанинг танқидчиси эди.

Танқид ўзи ҳукм қилаётган ҳодисаларига доимо мувофиқдир: шунинг учун танқид воқе'ликни англашдан иборатдир. Мана масалан, Буало, Батте, Лагарпнинг танқидлари қандай танқид? Улар Корнель, Расин, Мольер, Лафонтенларнинг асарларида (ҳодиса сифатида, воқе'лик сифатида) бевосита ифодаланган нарсани аниқ англашдан иборат. Бу ерда сан'ат танқидни ёки танқид сан'атни яратган эмас, балки буларнинг ҳар иккисини ҳам замонанинг ягона умумий руҳи вужудга келтиргандир. Сан'ат ҳам, танқид ҳам — замонанинг онгидир. Аммо танқид фалсафий жиҳатдан англаш, сан'ат эса бевосита англашдир. Ҳар иккисининг мазмуни бир; фарқи фақат шаклдадир. Танқиднинг муҳимлиги ҳам мана шунда. Унинг айниқса фикр юритучи, ҳукм чиқаручи, бинобарин, танқид қилучи давр бўлган бизнинг замонамиз учун ҳам муҳимлиги мана шунда. Давримизнинг руҳи ўз ифодасини ҳаммадан ҳам кўпроқ замонамизнинг танқидига топди. Замонамиз сан'атининг ўзи нима? — Ҳукм қилиш, жамиятни анализ қилиш; бинобарин, танқиддир. Эндиликда фикрлаш элементи ҳатто бадийлик элементи блан қўшилиб кетган. Агар бадий асар, даврнинг устун фикрларидан ўзининг асосига эга бўлган кучли субъектив сабабларсиз, фақат ҳаётни ифодалаш учунгина ҳаётни ифодалайдиган бўлса, агар у

азобланишнинг фар’ёди ёки завқланишнинг мадҳияси бўлмаса, агар у савол ёки саволга жавоб бўлмаса, бизнинг замонамиз учун жонсиз бадий асар ҳисобланади. Шундай экан танқидни ҳозирги замон ақлий дун’ёсининг ҳукмрон шоҳи эканлигига ажабланиб бўладими? Эндиликда буюк асар ҳақида фикр алмашиш масаласи мана шу буюк асарнинг ўзидан кўра кам аҳамиятга эга эмас. Буюк асар ҳақида нима демасинлар ва қандай гапирмасинлар, ишонингки, бу ҳаммадан аввал ўқиб чиқилади ва завқларни, ақлларни уйғотади, бу асар ҳақидаги гап-сўзларга сабаб бўлади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас: бизга лаззатланишнинг ўзи оз — биз билишни истаймиз; биз учун билимдан холис лаззатланишнинг бўлиши мумкин эмас. Агар бирор кимса ўз лаззатланиши ҳақида ўзига ҳисоб бермай, унинг сабабларини текширмай, фалон асар мени жуда завқлантиради, деса, у алданган бўларди. Сан’атнинг тушунилмаган асаридан олинган завқ азобли завқдир. Бу эндиликда фақат айрим шахслардагина эмас, балки оммада ҳам ифодаланмоқда.

Россияда ҳозирча фақат сан’ат ва адабиёт танқидигина мавжуддир. Бу шароит уни янада қизиқарлик ва янада муҳимроқ қилади. Адабий фикрлар бизда тез ва илдам тарқалади ва уларнинг ҳарбири ўзи учун тарафдорлар топаслади. Муболағасиз айтиш мумкинки, жамиятимизнинг интеллектуал онги ҳозирча фақатгина сан’ат ва адабиётда ва бинобарин, эстетик ҳамда адабий танқидда ифодаланади. Шунинг учун илмий муассасанинг йиллик тантанасида унинг расмий афкори қилиб сайланган ҳурматли профессорнинг ўз нутқининг мавзуси қилиб танқидни танлагани ҳечбир ажабланарли кўринмаслиги лозим. Бундан ҳам яхшироқ, янада замонавийроқ ва янада турмушга яқинроқ масалани танлаб олиш мумкин эмас эди. Бизда фан ҳаёт ва жамиятга яқинлашаётир; у, лотин тилида баён этиладиган ва нотиқнинг ўзига, ёки тантанали мажлисда ҳозир бўлган юзлаб кишилардан фақат беш-олтитасигагина тушунарли бўлган Элевзин сирларидан тобора узоқлашмоқда. Бундан ҳам ёқимлироқ манзара

Йўқ. Масаланинг қизиқарли ва асосли бўлишини, фикрлар чуқурлигини жонли, ма'нодор иборалар блан қўшаолучи кишиларнинг олимлар табақаси ва олимлар жамоатчилигининг афкори бўлишлиги ҳам жуда ёқимли ҳодисадир. Мана шу мақоланинг ёзишимизга сабабчи бўлган нутқнинг автори бундай моҳирликка етарли даражада эга. Жаноб Никитенконинг нутқлари унинг қалами блан ёзилган бошқа ҳамма нарсалари каби фикрлар блан тўлалиги ва хусусан ибораларининг гўзаллиги блан ажралиб туради. Ҳаркимнинг ўз э'тиқоди бор ва шунинг учун жаноб Никитенко ғояларининг асосларини ёки жуз'ий томонларини ташқил қилучи масалаларда ҳамма ҳам у блан тўғридан-тўғри келишабермайди; аммо ҳарқандай одам, ҳатто унинг фикрлари блан бутунлай келишмаганда ҳам, бу нутқларни шундай диққат ва ҳурмат блан ўқиб чиқадики, бундай муносабатни фақат ақлни ҳайратда қолдиручи ва ўйлашга мажбур этучи фикрларгина вужудга келтириши мумкин. Порадокс ёки яққол сохталик танқидий мунозарани қўзғотаолмайди (чунки, танқид — ҳукм қилиш, ҳодисани унинг идеали блан солиштиришдир), аммо раддияни қўзғотиши мумкин; танқидий мунозаралар фақат фикр воситаси блангина вужудга келишлари мумкин. Қалбаки ҳисобланган нарса, инкор этилади, аммо икки томон ҳам ўз ораларидаги қарама-қаршилиқларга қарамай ҳурмат қиладиган нарсалари устида баҳслашишлари мумкин. Бирор курашни рад қилучи киши ўзини сўзсиз ҳақли деб билади; баҳслашучи киши эса ҳақли бўлишга интилади, аммо у ғалабанинг, ўзи томонига ёки қарши томонга ўтиб кетиш мумкинлигини инкор этмайди. Қимнинг голиб эканлигини ҳал қилиш ҳуқуқи жамият ва даврга мансубдир.

Бизда, фақатгина мунозарага эмас, ҳатто рад қилишга ҳам муносиб бўлган танқид (ҳукм) нинг ўзи шунчалик кам пайдо бўладики, шу сабабли, биз жаноб Никитенконинг нутқидан икки баравар қувондик: биз бу нутқни мулоҳаза учун бир имконият сифатида, ва шунинг блан бирга фикр ҳамда нотикликнинг ҳарқандай адабиётда ҳам диққатни ўзига жалб қила-

оладиган ажойиб намунаси сифатида қабул қилдик. Бундан ташқари, профессор нутқининг мавзуи бизнинг кўнглимизга шунчалик яқинки, бундай муносиб баҳона блан унинг ҳақида гапириш — биз учун ҳақиқий лаззатдир.

«Нуқт» нинг биринчи сатрлариёқ ўзининг ёрқин иборалари, жонли мотивлари, ҳозирги даврнинг манфаатларига жуда катта аҳамият берилишлиги блан ўқучини ҳайратда қолдиради.

«Хонимлар ва жаноблар!» Ван ҳурмати камтарин тантанамизга хайрихоҳликни муносиб кўришингиз блан бирга, сиз, биздан фақат илмий эътиқодларимизнигина, ҳақиқатга хизмат қилишдек оддий бурчимиз натижаларини баён қилишимизнигина эмас, балки шу блан бир қаторда ван ва филология бобида ҳаммамизга, тирик организм каби бўлган жамиятнинг а'золарига ҳаётнинг ўзи тақдим этаётган масалаларига ҳам жавоб беришимизни талаб қилишга ҳақлисиз. Университет жамиятнинг юксак манфаатлари ва ҳаракатларнинг биронтасидан ҳам четда тураолмайди: чунки жамият учун хизмат қилиши лозим бўлган авлод кучларини тараққий қилдириш ва йўлга солиш вазифаси университетга топширилган. Ваннинг дун'ёвий ҳодисаларда энг қудратли ва энг ижобий иштироки шубҳасиз фақат унинг қаршисида аниқ ва соғлом ақл мавжуд бўлган ердагина амалга ошадиким, ван бу буюк хазина бойликларини тарих ва халқлар тақдирига тақдим этади. Мангу ҳақиқатнинг нарсаларнинг жонли кучлари блан ажойиб боғланиши худди мана шу ерда юз берадиким, улардан бири ҳодисалар яратса, иккинчиси унга илк нур, ма'но ва қонунийлик ҳад'я қилади».

Нотиқ танқидни фақат сан'атгагина тегишли деб билади ва уни «ижодиёт устидан ақлнинг ҳукми» деб та'рифлайди.

«Аммо (дейди у) ҳаётни ва унинг тақдирини ҳал қилучи дун'ёнинг дастлабки муқаддас ҳокимлиги устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқини ўзиники қилиб олишга ақл қандай жур'ат этаолади? Ҳодисаларнинг ёрқин ва оҳангдор қудрати қаршисида нурсиз, қонсиз ва самарасиз тушунчалар нима деган гап! Фақат сояларнигина яратучи нарса ҳақиқий нарсаларни бун'ёдга кел-

тиручи куч блан тортишувга жур'ат этаоладими?. «Мана бу бундай бўлса бўларди, ана у эса бошқачароқ бўлса бўларди» дейиш ёки «Нега жисмлар жозиба қонуни туфайли ларзага келади, нега қуёш нур сочади?» деган саволга жавоб бериш учун вулкан тубига ёки қуёш юзига қараб бўладими? Сўзлар, агар улар ҳаёт ёки ўлим деган ма'нони бераолмасалар улар беҳуда сўзлардир.

«Тўғри, инсон ақлининг суди ва ҳукмига бўйсунмайдиган ижодиёт ҳам бор: бу табиатнинг ижодидир. Унинг талаб ва қарорларида на бир-бирига зид мазмун, на назария ва на этишиб бўлмас идеаллар бор; ниманки бўлса, шу нарсанинг бўлишлиги албатта муқаррар ва қандай мавжуд бўлиб турган бўлса, шундай бўлишлиги керак. Унинг ҳарбир даражаси мукамал, табиат ҳодисаларининг ҳарбир momenti ўзига хос нарсалар блан мукаммаллашган. Уларнинг ўзгача бўлиши ёки ўздан кўра бошқароқ бўлиши мумкин эмас. Гул очилиб, бутун жилвали гўзаллигини намоен қилди ёки шимолнинг совуқ нафаси олдида унинг новқирон гултожиси букилиб тушди—иккисида ҳам: биринчи сафар алоҳида организмнинг тараққиёт қонунига мувофиқ, иккинчи сафар ўздан зўрроқ кучнинг қонуний енггиши оқибатига мувофиқ — табиат қонуни тўлиқ бажарилди, демак ҳодисага бирдан-бир ҳукм шу: «ҳодиса содир бўлди».

Бу фикр блан батамом келишиб бўлмайди. Бунга қуйидаги асосларни келтириш мумкин: табиатни яратган руҳ ёки ақл табиатдан юқори туради, бинобарин унинг устидан ҳукм чиқараолади. Фикр юритиш ҳаммавақт бирор нарса устидан «Мана бу бундай бўлса бўларди, ана у эса бошқачароқ бўлса бўларди», деб ҳукм чиқаришдангина иборат бўлабермайди, балки кўпинча, жисм қандай бўлса, унинг худди шундайлигини исбот этишдан, фақат шундайлигича ма'қул эканлигига ва бошқача бўлаолмаслигига ишонч ҳосил қилишдан ҳам иборат бўлади. «Ҳодисаларнинг ёрқин ва оҳангдор қудрати қаршисида нурсиз, қонсиз ва самарасиз тушунчалар нима деган гап? Фақат сояларнигина яратучи нарса ҳақиқий нарсаларни бунёдга келтиручи куч блан тортишувга жур'ат этаоладими?»... Нотиқ шундай дейди, аммо табиатнинг ўзи, агарда имкониятлар ва идеаллар оламидан ҳақиқатлар олами



га ўтган, жонли образларда мужассамланган мана шу рангсиз, қонсиз ва самарасиз тушунчаларнинг ўзидан иборат бўлмаса,— нима деган нарса ахир?.. Сояларни тушунчалар яратмайдилар — уларни ёлғиз сохталик-кина яратади; бутун олам, бутун ҳаёт тушунчаларнинг намоён бўлган образидир. Нима учун ақл ўзи томонидан вужудга келтирилган куч блан тортишувга жур'ат этаолмаслиги лозим? Руҳ қандай қилиб биринчиликни унинг ўзи туфайли яшовчи ва унинг туфайли нафас олучи материяга бериши мумкин? Агар ақл табиат ҳақида фикр юргизиб, я'ни табиат томонидан ифодаланган ўзининг хусусий қонунларини ўзи онглаб, мана бу бундай эмас, ана у эса, бошқачароқ бўлиши мумкин эди,— деган хулосага келабошласа,— у бунинг блан ўз-ўзига қарама-қарши бўлиб чиққан, ўз-ўзидан воз кечган ва ўз-ўзининг устидан даҳшатли ҳукм чиқарган бўлар эди. Табиат қандайдир жонсиз, ўз-ўзи учун мавжуд бўлмаган бир нарсадир: ёлғиз инсон руҳигина табиатнинг борлигини, ҳаёт ва гўзалликка тўла эканлигини, унда чуқур донолик яширинган эканини билади; буларнинг барчасини фақат инсон руҳигина билади ва ўзининг билиши блан роҳатланади. Ойна қаршисида турган нарсаларни ўзида акс этдиради, лекин ўзи уларни кўрмайди. Уларни акс этдириш ёки этдирмаслик унинг учун барибир; бундай масала фақат инсон учунгина аҳамиятли ёки аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Агар ер юзасида инсоният ўлиб битса, ернинг ўзи ҳам йўқ бўлади, гарчи у шундайлигича қолса ҳам, ёки инсоният яшаган давридагига нисбатан яна ҳам яхшироқ бўлиб қолса ҳам, у йўқ бўлади, чунки унинг борлигини билучи ҳечким бўлмайди. Руҳ ёки ақл ўзини табиатда кўради, холос, аммо унга та'сир қилмайди деб ўйлаш мутлақо мумкин эмас. Ақл нима учун ўсимликларнинг барглари яшил? улар ҳаворанг бўлишлари керак эди; нега дуб балад, розан эса паст? ва ҳоказо деб сўрамайди. У, шундай бўлиши лозимлигини, табиатнинг ҳаракатланучи кучларининг доимийлигини билади; ақл уларни ўзгартириш да'восини қилмайди; аммо, уларга мувофиқлашиб ва улар орқали та'сир қилиб, иқлимни ўзгартиради, ботқоқлар

ва тундраларни қуритади, қумли саҳроларни ҳосилдор қилади ва уларга ўсимликлар дун'ёсининг бойлиги ва ҳашаматини бағишлайди, сувни сувсиз жойлардан оқишга буюради, табиат бир-биридан ажратиб қўйган денгиз, кўл ва дар'ёларни каналлар воситаси блан боғлайди; киши парвариш қилган гул, ёввойи гулдан яхшироқ, гўзалроқ ва ҳушбўйроқдир; сув ва шамол итоат блан машиналарни ишга солиб янчиш ва арралаш каби ишларни адо этади; буғ кишини қуруқлик ва денгизда яшин тезлигида олиб юради; чақмоқ унинг уйи ва биноларига зарар етказолмай ўтади. Ақл вақтни ҳам, фазони ҳам енгган; у ўз қонунларининг ўзгармас ва мутлақ руҳи блан табиатни идора қилучи ҳокимдир. Нотиқ сан'атда, табиатдагига нисбатан тамоман бошқа нарсани кўради. Бу блан ҳам шубҳасиз келишиб бўлмайди. Броқ, масала унга қай томондан ёндошишга қараб, ундай ҳам, бундай ҳам тушунилиши мумкин. Дарҳақиқат, табиатнинг ҳарбир асари унинг қайси поғонасида турмасин ўзича мукамалдир, сан'атнинг эса, кўпинча энг мукамал асарлари ҳам, муваққатлиқ ва тасодифийликнинг қандайдир аралашмасини ўз ичида сақлайдики, натижада авлодларнинг назарида ўз қимматини йўқотади. Аммо бу сан'атнинг табиатга нисбатан қуйи босқичдалигини эмас, балки устунлигини кўрсатади. Бу, сан'ат эркин тараққий қилади, табиат эса, ўз мавжудлигининг математик қонунларига ҳаракатсиз равишда боғланган демакдир. Озод нарсанинг янглишмоғи мумкин, озод бўлмаган нарса ҳечқачон янглишмайди; мана шунинг учун инсон дучор бўлган адашишлар, янглишишлар ва камчиликлар ҳайвонларга ётдир. Шунинг блан бирга, сан'ат асарларидаги ўткинчи нарсалар сан'аткорнинг яратучи руҳининг эмас, балки сан'аткор яшаган замонанинг хатосидир. Бундай асарларда биз нимани инкор қилсак, уни сан'атнинг хатоси сифатида эмас, балки ўз кучини йўқотган, қачонлардир ҳақиқий бўлган асос сифатида инкор этамиз; бинобарин, формани форма учун эмас, балки унинг мазмуни учун инкор этамиз. Онгли ижодиёт онгсиз ижодиётдан юқори бўлмаслиги мумкин эмас. Агар табиатда илоҳий донолик бор экан,

инсоннинг онгли иродаси ҳаракатларида бу илоҳий доноликнинг ўзи намоён эмасми, инсон буюк нарсаларни худо туфайли ва худонинг иродаси билан яратмай ўз-ўзидан ва ўзи яратадими?.. Инсон шахси ёлғиз ўз иродасининг онгсиз ҳаракатларидагина мустақилдир ва унинг ҳаёти ҳамда қувватини ўзида сақловчи илоҳий манбадан узилгандир; аммо у худди мана шундай пайтда аҳамиятсиз тасодифий, кучсиз ва камситилган бўлади.

«Инсон ижодиёти фақат гўзалликнинг чексиз ғоясини, ҳаётнинг тўла ва мукамаллиги ғоясини амалга ошириш учун бўлган тўхтовсиз такрорланиб туручи уринишнинг ёлғиз ўзидангина иборатдир», дейди нотик. Таъриф адолатли, аммо, жуда ҳам тўла ва қониқарли эмас деб ўйлашга жур'ат этаоламиз. Биринчидан, «ҳаётнинг тўла ва мукамаллиги» ғояларини «кўркемлик ва гўзаллик» ғояси билан аралаштирмаслик лозим. Айниқса, агар бу «ҳаётнинг тўла ва мукамаллиги» ҳечнарсаси билан, ҳатто эпитет билан аниқланмаган бўлса. Иккинчидан, фақат кўркемлик ва гўзаллик сан'атнинг асосини ташкил этмайди. Бир вақтлар биз ўзимиз ҳам гўзаллик ғояси сан'атнинг ягона ва мустақил элементигина эмас, балки унинг ягона мақсади деган фикрнинг қизғин тарафдорлари эдик. Сан'атни тушуниш процесси ҳамавақт мана шундай бошланади, гўзалликнинг гўзаллик учун эканлиги ҳамда сан'атнинг мақсади сан'ат деган фикр ҳамавақт бу процесснинг дастлабки моментидан рўй беради. Мана шу моментни босиб ўтмаслик — сан'атни ҳечқачон тушунмаслик демакдир. Бу моментнинг ўзида туриб қолиш — сан'атни биртомонлама тушунишдир. Барча тирик нарса ҳаракатда ва тараққий қилади; сан'ат ҳақидаги тушунча ҳечмаҳал ўзгармайдиган, жонсиз алгебра қондаси эмас. Сан'ат ҳақидаги тушунча, ўз таркибида жуда кўп томонларни сақлагани ҳолда ўзининг тўлиқ ва яхлит бўлишидан аввал, бу томонларнинг ҳарбиридан вақтга қараб тараққий этишини талаб қилади. Онгда олдинга қараб силжиш, унинг қуйи босқичидан юқори босқичига ўтиш — ўз э'tиқодларидан воз кечишликни билдирмайди. Э'tиқод бизники бўлганлиги учун эмас,

балки ҳақиқий бўлганлиги учунгина қимматли бўлиши лозим. Инсон ўз э'тиқодини ҳақиқий деб тушунмаса уни ўзимники деб атамаслиги лозим: акс ҳолда у ҳақиқатни бўш, арзимас иззат-нафсга қурбон қилган ва сохталикни «ўзимники» деб атаган бўлади. Оламда тубан даражали кишилар етарлидир; ба'зилар илгари эркинлик блан ишонган ва эндиликда ишонмай қолган нарсаларига ишониш учун ўзларини мажбур этадилар. Улар бир э'тиқод эвазига бошқасидан воз кечиб, мана шу бошқа э'тиқоднинг ҳақиқат эканлигини ва ҳақиқатнинг инсондан юқори туришини ёдларидан чиқариб, пастлашишни ўйлайдилар. Ташқи мўлжаллар, эгоистик ниятлар натижасида бир э'тиқоддан иккинчисига ўтиб кетиш бошқа гап: бу пастканлик ва разилликдир...

Ўзгаллик сан'атнинг зарурий шарти эканлиги, ўзгалликсиз сан'атнинг йўқлиги ва бўлиши мумкин эмаслиги аксиомадир. Аммо сан'ат хусусан бизнинг замонамизда биргина ўзгалликнинг ўзи блан узоққа боролмайди. Ўзгаллик ғоянинг ҳарқандай ҳиссий ифодаси учун зарурий шартдир. Буни биз, табиатнинг ўзи чала қолдирган ҳамда ер ва сув қа'рига яширган (моллюскилар, чувалчанглар, инфузориялар ва шунинг каби) бесўнақай ҳодисаларнигина ҳисобга олмаганда, бошқа ҳамма нарсаси ўзгал бўлган табиатда кўрамыз. Аммо бизга эмпирик воқе'ликнинг ўзгалликлари камлик қилади: ундан завқланишимиз блан бирга, барибир бошқа ўзгалликни талаб қиламыз ва сан'ат деганда табиатнинг энг аниқ тақлидини, табиат асарларининг жуда моҳирлик блан бажарилган ясама нусхаларини тушунишдан воз кечамиз. Биз буни ҳунармандлик деб атаймиз. Табиат ўзгаллигидан қаноатланмайдиган руҳимиз ташналик блан қидираётган ва сан'атдан талаб қилаётган ўзгалликнинг ўзи қанақа? Бу ўзгаллик реал мавжуд нарсаларнинг барчаси келиб чиққан, тирик образларнинг ҳамма прототипларини ўзида мангу мужассамлаштирган идеал, жисмсиз оламнинг, ақл оламининг ўзгаллигидир. Бинобарин, Афродита Зевснинг қизи бўлганидек, ўзгаллик ҳам ақлнинг қизидир. Аммо грекларда ўзгаллик ақлга

мана шундай бўйсундирилган бўлишига қарамай, у бошқа халқлардагига нисбатан мустақил, абсолют аҳамиятга эга эди. Улар ҳамма нарсани гўзалликнинг устуңлик қилучи та'сири остида мушоҳида қилганлар ва сан'ат уларда асосан гўзалликни — ҳайкалтарошликни мақсад қилиб олган. Броқ, грекларнинг ўзлари ҳам гўзалликни турмушнинг бошқа томонларидан ажратганлар ва уни фақат Афродитанинг идеал образида илоҳийлаштирганлар. Зевснинг гўзаллиги олам ҳокими бўлган ақлнинг шоҳона улуғворликларига хос гўзалликдир; бошқа худоларнинг гўзаллиги ҳам худди шунинг каби гўзалликдан ташқари яна қандайдир ғояни ифодалайди. Уларнинг поэзиясига келганда, унинг ажойиб образларида, ўз ичига динни ҳам, ахлоқни ҳам, фанни ҳам, доноликни ҳам, тарихни ҳам, сиёсатни ҳам, жамоатчиликни ҳам олган Эллин ҳаётининг мукаммал мазмуни ифодаланган эди. Бешак, абсолют гўзаллик, ҳақиқий чин гўзаллик фақат ҳайкалтарошлик тўла тасвирлайолган Афродитадагина ифодалангандир. Бинобарин, ҳатто грек сан'ати ҳақида ҳам, унинг мақсади ёлғиз гўзалликни мужассамлаштиришдан иборат бўлган деб, айтиб бўлмайди. Ҳарбир грек трагедиясининг мазмуни эстетик ҳал қилинадиган ахлоқий масаладан иборатдир.

Христиан дини гўзалликнинг фақат гўзаллик бўлганлиги учунгина шубҳасиз ҳурмат қилинишига қат'ий зарба берди. Мадоннанинг гўзаллиги ахлоқий оламнинг, ифбатли софликнинг ва она муҳаббатининг гўзаллигидир; бу гўзалликни фақат рассомлик сан'атига акс этдираолган, аммо ҳайкалтарошлик ҳарқандай усул блан ҳам ифодалашдан ожиз бўлган. Тўғри, кўримсиз башарага қандай ахлоқий қиёфа берманг, у бунинг блан барибир чиройли бўлиб қолмайди, мана шунинг учун ҳам грек гўзаллиги янги сан'атга ҳам кирган. Аммо у бошқа бир олий асосга бўйсундирилган элемент сифатида кирган; бинобарин, энди гўзаллик сан'атнинг мақсади эмас, балки воситаси бўлиб қолди. Лекин бу ерда «восита» сўзи сан'атга ташқаридан киритилган нарсани эслатмасдан, унинг бирдан-бир узвий қисми сифатида намоён бўлиши

лозим, чунки бу формасиз сан'атнинг бўлиши мумкин эмас. Иккинчи томондан, онгли мазмунга, тарихий ма'нога эга бўлмаган сан'ат ҳозирги замон онгининг ифодаси сифатида эски одат бўйича бадийликнинг қизгин ҳаваскорларинигина қаноатлантириши мумкин. Сан'атнинг бундай оқимига бизнинг асримиз айниқса душмандир. Бизнинг асримиз сан'ат сан'ат учун, гўзаллик гўзаллик учун деган фикрни қат'иян инкор этади. Қимки янги сан'ат вакилларида ўзларига замондош бўлган воқе'лик ичида ўзлари учун хусусий фантастик олам яратиб олган артистларнинг қандайдир тоифаларини кўраман деб ўйлаган бўлса, у раҳмсиз равишда алданган бўларди. Вальтер Скотт ўз романларида тарихий ҳаётнинг хусусий ҳаётга боғлиқлиги масаласини ҳал қилган. У ўзи тасвишлаб берган барча даврларнинг рассоми бўлиши блан бирга, ўрта асрларнинг ҳам рассомидир; у бизни кишиларнинг шахсий, оилавий ҳаётлари хилватгоҳларига олиб киради. У қанчалик тарихчи бўлса, шунчалик шоир ва роман ёзучи ҳамдир. Шунинг учун роман ёзиш уёқда турсин ҳаттоки биргина повесть ҳам ёзаолмаган тарих танқидчиси Гизо шоғирларча миннатдорлик блан Вальтер Скоттни ўзининг устози деб аташи ажабланарли эмас. XIX аср сан'атига тарихий йўналиш бериш, замонимиз ҳаётининг сирларини гениаллик блан топабилишни англатар эди. Байрон, Шиллер ва Гёте шоирона философ ва танқидчилардир. Уларни фақатгина шоир деб аташ озлик қилади. Тўғри, Гёте ўзининг ўтакетган немис табиаи ва дун'ёга аскетлар кўзи блан қараши сабабли, қуш каби фақат ўзи учун сайраб<sup>2</sup> ҳечкимнинг диққатини жалб қилмайдиган идеалист шоирлар қаторига кириши мумкин эди (у халқ учун ўз қўшиқларинигина бостиради, холос); лекин у ҳам замона руҳига хирож тўлашдан озод бўлаолмади: унинг «Вертер»и даврнинг фар'ёдидан бошқа нарса эмас; унинг «Фаусти»да замонимизга тааллуқли инсон қалбида вужудга келиши мумкин бўлган барча ахлоқий масалалар акс этдирилган, унинг «Прометей»и асрнинг ҳукмрон руҳи блан нафас олади; унинг майда лирик пьесаларининг кўпчилиги фалсафий ғоялар ифодасидан бошқа нарса эмас.

Ҳозирги замоннинг улуғ шоирларидан бўлган Купер соф бадийлик доирасида бошқаларга нисбатан узоқроқ туриб келмоқда. Бу фақатгина унинг ёш ватанида гражданликнинг ҳали ҳозирги замон поэзияси учун зарур элементлар етиштириб чиқармаганлигидандир. Броқ, Купер ўзи учун ўзи *сайрайдиган* қуш эмас; Шимолий Америка Штатлари ҳаётидан имконият борича фойдаланди: «Жосус» номли асарининг мазмуни ватанининг мустақиллик учун курашидан иборат; у «Америка пуританлари», «Эве Эффингем» ва бошқа романларида такомиллашмаган гражданликнинг мамлакатининг келажагига тегишли турли томонларига тегиб ўтади.

Замонамизнинг руҳи шундайки, «қуш сайраши» блан чекланиб, ўзига ҳозирги замоннинг тарихий ва фалсафий воқеалиги блан боғланмаган алоҳида бир олам яратган, ер юзи менинг учун нолойиқ, менинг жойим фалакларда, ҳаётнинг ташвишлари ва умидлари менинг сирли кароматларимга ва шоирона идрокимга халақит бермаслиги керак деб ўйлаган ҳарқандай улуғ ижодий куч ҳали замонамиз руҳини фақат вақтинча ҳайратда қолдириши мумкин, холос. Бундай ижодий куч томонидан яратилган асарлар, қанчалик катта бўлишидан қатъи назар, ҳаётга кираолмайдилар, на замондошларида ва на авлодларида завқ ва хайрихоҳлик қўзғотаолмайдилар. Бу ҳақиқатни исботлаш учун ҳозирги замон француз адабиётини олиб кўрайлик. Виктор Гюго, Бальзак, Дюма, Жанен, Сю, де-Виньи, албатта, жуда катта талант эгалари эмас. Бу, хусусан сўнги бештасига тааллуқлидир; аммо ҳарҳолда булар ажойиб қобилиятли кишилардир. Хўш нима бўпти? Улар ҳали кексайишга ҳам улгурмасларидан, бутун Европа китобхоналарига тарқалган шуҳратлари ўлиб тамом бўлди. В. Гюго ҳали ҳам ўзининг қадимги шуҳратидан фойдаланиб келмоқда; аммо бу сўниб бораётган шони-шарафга бир томчи ҳам янгилик қўшаолмайди; бошқалари эса, худди, биздаги ба'зибир этнографик ва ахлоқий-сатирик асар яратувчилар<sup>3</sup> каби ўз мамлакати — Францияда яроқсиз паҳлавон, карикатуралар учун моделлар, танқиднинг мазах-

лари учун бир нишон бўлиб қолдилар. Нима учун бу француз адабиётчилари шунчалик тез сондан чиқиб қолдилар? — Шунинг учунки, биргина табиий талант блан узоққа бориб бўлмайди: олов ўчмаслик учун ёгга муҳтож бўлганидек, талант ҳам ақлий мазмунга муҳтождир. Лекин бу кишилар ҳечқандай жонли манфаатлари бўлмагани туфайли нимани куйлаганларини ва нимага интилаётганликларини ўзлари ҳам билмаганлар ёки онгсизлик, паст табиатликлари натижасида содда самимийлик қилиб жамиятнинг нуқсонларини яхшилик деб, хатоларини донолик деб кўрсатганлар ва ўзларини мана шу ажойиб жамиятни муносиб равишда ифода этучи кишилар деб билганлар, бу блан фахрланганлар.<sup>4</sup> Улардан сўнг бошқа истеъдодли кишилар — Сулье, Бернар ва ҳоказолар пайдо бўлди. Аммо барибир: бу янги генийларнинг бирортаси томонидан ёзилган повестьни ўқир экансиз, ҳикоянинг одатдан ташқари талант блан ёзилганлигига, характерларнинг моҳирлик блан тасвирланганига, ифодаларнинг жонлилигига ажабланасиз; уни роҳатланиб ўқийсиз, аммо уни овқатланаётгандагина эсга тушадиган таом каби эртасигаёқ унутиб юборасиз. Бунинг сабаби нимада? Бунинг сабаби шундаки, бу кишиларда на ҳаётга қараш, на руҳ ва на юрак истайдиган зарур эътиқодлар, на доктриналар ва на бирор замин бор; бунинг сабаби шундаки, қушлар фақат сайраш учунгина сайраганлари сингари, улар ҳам фақат ёзиш учунгина ёзадилар. Уларда на муҳаббат, на нафрат, на ҳайрихоҳлик бор. Уларда на жамиятга — жамият замона ғоясига пафос блан қарашга асосланган руҳий яқинлик блан эмас, балки унга фақат сиртқи занжирлар блан боғланган — жамиятга душманлик бор. Жамият ҳам ўз навбатида, уларга ўзининг юпатувчилари ва масхаравозлари деб қарайди, уларни на севади, на нафратланади, на ҳурмат қилади ва на жирканади. Улар жамият учун ҳали янги эканлар, жамият улар ҳақида жар солади, лекин улар қанчалик тез зериктирсалар, янги уйдирмалар, ҳийла-найранглар блан бошқа юпатувчилар ва масхаравозлар қанчалик тез пайдо бўлса, шундаёқ жамият аввалгиларини



эсидан чиқариб юборади. Броқ, Жорж Занд номи блан машхур бўлган гениал аёл ҳақида бундай деб бўлмайди. Жорж Занд, шубҳасиз, ҳозирги замон ше'рият оламининг биринчи шуҳратидир<sup>5</sup>. Бу аёлнинг турган замини қандай бўлмасин, у блан келишмаслик, унга қўшилмаслик ва уни сохта деб топиш мумкин; аммо унинг ўзини, э'тиқоди, руҳ ва юрак ишончидан иборат бўлган инсон сифатида, ҳурмат қилмаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳам унинг кўпчилик асарлари кишининг қалбида чуқур ўрнашиб қолади ва ақл ҳамда хотирадан ҳечқачон чиқиб кетмайди. Шунинг учун унинг таланти на куч жиҳатидан ва на фаолият жиҳатидан сусаймайди, балки мустаҳкамланади ва юксалади. Бу эса — фикримизнинг тўғрилигини яна бир карра исбот этади — *шунга ўхшаш талант эгалари* инсониятга нисбатан севги, ҳақиқатга эса муҳаббат ҳислари блан тўла асарлари қанчалик чуқур ва порлоқ бўлса, ҳаёти ҳам шунчалик бенуқсон бўлган ғайратли, ахлоқий характер эгаси эканликлари блан ҳам ажойибдирлар. Бу жуда ҳам табиийдир: фақат қуш, ўз қуш қабиласининг на дард-аламларига ва на шодликларига хайрихоҳлик билдираолмай, сайроқ бўлгани учунгина сайради... Туғилишидан илҳом блан туғилган кишилар орасида ҳам «қушлар» бор деб ўйлаш қанчалик ачинарли: агар улар сайрашнинг уддасидан чиқаётган бўлсалар, ўзларини бахтиёр, инсониятдан юқорироқ, уларга умид блан тўла кўзларини тикиб турган ва ёлбораётган бечора биродарларидан кўра баланд ҳис қиладилар; улар танҳо яшайдилар, ўз қалбларида шодлик ва тасалли топа оладилар ва бу идеаллаштирилган эгоизмни ҳозирги пасткаш замонга ёт абадий ва мутлақ ҳаёт деб атайдилар...

Барча айтилган гаплардан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳамма нарса тирик ва абсолют нарсалар каби сан'ат ҳам тарихий тараққиёт процессига бўйсундирилгандир ва замонамизнинг сан'ати ҳозирги замон онгини, ҳаётнинг моҳияти ва мақсади ҳақидаги, инсониятнинг йўл-йўриқлари ҳақидаги, борлиқнинг мутлақ ҳақиқатлари ҳақидаги ҳозирги замон фикрла:

рини гўзал образларда амалга оширишнинг ифода-сидир.

Гапга чечан нотиқ, нутқнинг асосий предмети бўлган танқид масаласига ўтгач, уни уч туркумга: шахсий, аналитик ва фалсафий, ёки кўпинча бадиий танқидга бўлади.

Бизнингча, шахсий танқид, авторнинг унга берган қимматига кўра, жинс ҳам эмас, тур ҳам эмас, балки танқидни сунисте'мол қилишдир. Шахсий танқидни икки турга — самимий ва биртарафлама танқидга ажратиш мумкин. Биринчиси ба'зан диққатга сазовор бўлаолади. У, на гўзаллик назариясининг ҳозирги замондаги аҳволини, на сан'атнинг жамиятга бўлган муносабатини билмай, фақат ўзининг қарашларига ва хусусий бевосита ҳиссиёти ҳамда дидига асосланиб, барча нарсаларни ўз нуқтаи назаридан чиқаручи танқидчиларга мансубдир. Бу танқид, олам даставвал ўзимдан бошланган ва ўзимдан илгари ҳечнарсга бўлган эмас, деб ўйловчи ҳушфел'нодонликнинг танқидидир. Агар бундай танқидчи, гарчи унча тараққий этмаган бўлса ҳам табиий ақл, ҳиссиёт ва самимий қалб эгаси бўлса, унинг танқидларида соғлом фикрлар ва қизғин ҳиссиёт шу'лаларини учратиш мумкин; аммо булар жуда кўп пародокслар, аллақачонлар эскириб кетган асослар, нутилган хатолар блан аралашган (чунки барча нарсаларни ўз ичидан чиқариб айтадиган киши бирор янги хато фикрни айтишнинг ҳам уддасидан чиқаолмайди) унинг ҳамма нарсалари ноаниқ ва чалкаш бўлади. Ба'зан бундай танқидчилар самарали ва майда фельетончилар орасида учрайдилар; уларнинг билимсизлик оқибатида ишдан чиқиб қолган қобилиятларига киши самимий ачинади. Агар ўз шахсий э'тиқодларига асосланучи танқидчи, ўзининг нодонлиги устига яна калтафаҳм бўлса, уни дарҳол, буюк ёзучилар устидан грамматик ва босма хатоларга асосланиб ҳукм чиқарадиган газета фельетончисига қилиб қўйинглари, барча муқаддас нарсалар ҳурмати, улар тамаки ва қандолатчилик дўконлари, пичоқчилар ва сув тозаловчи машиналар ҳақидаги э'лонлар ёзишни машқ қилиш блан шуғуллансинлар. Бу гапириб

ўтиришга ҳам арзимайдиган адабий ғаламислардир...<sup>6</sup>

Нотиқ *шахсий танқид ҳақида* фикр юритар экан, ёлғиз *шахсий* — биртарафлама танқидни кўзда тутади. У бу танқидни зўр куч ва ғайрат блан чиройли қилиб, лекин ғоят умумий хусусиятлар блан характерлаб беради. Бунга сабаб, маълумки, киноя ёки татбиқ қилишга баҳона бўлаолучи нарсага йўл қўймаслиги лозим бўлган нутққа сабабчи тантананинг расмий характеридир. Агар соддадил, самимий шахсий танқиднинг ҳам нодонлиги, ҳам калтафаҳмлиги блан тўсатдан кўзга ташланучи рицарларини биз абадий ғаламислар деб атаган бўлсак, шахсий — биртарафлама танқид паҳлавонларини адабий чигирткалар деб аташ мумкин. Бундай танқидчи қанчалик ақлли бўлса, ҳали тиниб битмаган жамиятнинг диди учун у шунчалик зарарлидир: унинг адабий ҳаёсизлиги ва сурбетлиги ҳечқандай тўсиқни билмайди. У, ақл инсониятни «алдайди», фазилат фойдали хурофотдир, Сократ ўзининг хаёлий иблиси блан грекларни «алдаган» уста ҳийлакор бўлган деб, мутадилликни мақтаб ва ғирт ёлғонлар орқали ҳақиқий талантларни камситиб, ёки ўз талант ва фазилатлари, ўз душманларининг нодонлиги, жаҳолати, аҳмоқликлари ва ҳоказолар ҳақида гапириб, бунга халойиқни ишонтирмоқчи бўлади ва унинг устидан ҳайиқмасдан кулаолади<sup>7</sup>. Броқ, бундай танқидчиларга ва бундай танқидга жаноб Никитенконинг жўшқин филиппикасидаги кўпгина сатрлар, эҳтимол, ёқмаса керак. Биз, олийжаноб ғазабланишнинг мадҳияси деб аташ мумкин бўлган бу сатрлардан бирқанчасини кўчириб олишдек роҳатдан воз кечаолмаймиз.

«Хўш қандай! Наҳотки шундай танқидга адабиётда ўрин ва жамиятда хайрихоҳлик бор? Наҳотки бу кўр-кўрона инжиқлик ва эгоизмнинг телба қизи ўз-ўзича, фаннинг ваколатисиз, исбот қилинган асоси бўлмайтуриб, инсон такомили каби мутабар ишга нисбатан бўлган муҳаббат учқунисиз санат судьясининг муқаддас атрибутларини ўзига қаратиб олишга, танқид деб аталишга, нодон ва маҳмадана фикрларнинг дуд бос-

ган уяларидан ёруғликка чиқишига ҳамда ўзининг қонунсиз ҳукмларини қўрқмасдан сўзлашга, ясама шуҳрат тарқатишга, жазолаб зарба беришга жур'ат этаолади? Жамоат фикри нима қилаолади? У ўз ғолибона нафратининг бир зарбаси блан ақл, билим ва талантга тегишли бойликнинг ўгриси бўлган бу сохта танқидни адабиёт саҳнидан супуриб ташлаши мумкин эди. Аммо бизда сан'ат ҳақидаги жамоат фикри ҳали жуда ёш ва шунинг учун камтар ҳамда тортинчоқдир. Сан'атнинг асосий тушунчаларини ўзлаштиришга ҳали улгураолган жамоат фикри такаббурлик ва манманликнинг ҳарқандай дадил ҳужуми олдида қўрқоқлик блан бош эгади; унинг кўзларидаги қат'иятлиқни ҳақиқатнинг жуда кучли мантиқий исботи, истеҳзони эса, ғоятда улуғ бўлганидан унинг учун ортиқ ҳечқандай буюклик бўлмаган генийнинг белгиси деб билади. Шахсий танқиднинг сан'ат блан тамоман шуғулланмаслигига ва ёлғиз шахслар ҳақидагина гапиришга ажабланса бўладими? Бу ерда судьялар ҳечқандай жавобгарликни билмайдилар: чунки уларнинг ҳукмларини ким муҳокама қилиши мумкин? Нимани истасалар, дадиллик блан айтаберсинлар: уларга ишонадилар, чунки ҳечқандай э'тиқодга эга бўлмаган кишилар учун бундай гапларни қайси оғиздан эшитиш барибир. Қандай мафтунлик! Тараққий этиш имконияти бўлмагани учун фақатгина жамиятнинг энг тубидаги қуйқундиларини бироз лойқалатишга маҳкум бўлган барча паст ҳавасларнинг адабиётга кириши учун ҳамма эшиқлар қанчалик кенг очилмоқда; энди эса, улар матбуот йўли орқали ўзларининг зимистон уяларидан чиқмоқдалар, ёш, эндигина гуллайбошлаган сан'атнинг энг юксак чўққиларига қурт каби ўрмалаб кўтарилмоқдалар ва унинг ҳаёт сувларини қуритмоқдалар. Шубҳасизки, ҳамманинг ҳам душманлари, дўстлари, ҳомийлари бор: душманни нафратлашга пайт пойлаб юрган киши учун уни боплаб шармандасини чиқаришга танқиддан ўзга қулайроқ фурсат учрайдими, чунки у инсон иззат-нафсининг энг нозик жойига я'ни ақлий шуҳратига бориб тегади; дўстлар учун эвазига ҳеч нарса талаб қилинмайдиган беминнат хизмат кўрсатишга танқиддан ўзга яна қулайроқ фурсат учрайдими, чунки бу хизматнинг ҳаммаси фақат сўзлардангина иборат бўлади; ҳомийлар учун уларнинг остоналарига ҳатто қадам қўймасдан, чуҳур хушомадгўйлик қилиш учун танқиддан ўзга қулайроқ фурсат учрайдими? Шахсий танқидни адабиёт ниқоби остида, ўз эҳтиёжлари, ўзининг улуғ исте'доди, ўзининг китоб савдоси, дўст ва

душманлари, адабиётга дахли бўлмаган барча нарсалари ҳақида сўзлаш учун майдонга келтирилганлар. У бошқа нимага ҳам интилсин? Халойиқ ҳурматини қозонишгами? Аммо халойиқ шунчалик мурувватлики, у ўзига ҳурмат талаб қилмайди, ҳатто ўзига нисбатан бўлган ҳурматсизликни кечиришга ҳам тайёрдир. Сан'атнинг улғ мақсадларига интилсинми? Броқ бундай бўлса у шахсий бўлмай қоларди ва гўзаллик ҳамда ҳақиқатнинг соф ғоялари томон кўтаришга интилиб, ақл руҳида ҳаракат эта-бошларди ва бунинг оқибатида у ҳалок бўларди. Ма'лумки, ақл фақат умум манфаатларини, кучларнинг ўзаро мослигини, ҳақиқатни, қонунийликни ҳурмат қилади: майда эгоизмлар унинг чексиз уфқида чанг зарралари каби ғарқ бўлиб кетадилар.

Бу манзара, бахтга қарши ўз хусусиятларининг умумийлигига қарамасдан, воқе'ликка ғоятда мосдир! Энди, шубҳасиз, нотиқ томонидан аналитик ва фалсафий ёки, кўпинча, бадий деб бўлинган ҳақиқий танқидни, унинг ўзи қандай тушунишлигини билиш китобхон учун қизиқ бўлса керак.

«Хонимлар ва жаноблар! Инсоний озод ижодни нарсаларнинг умумий ва зарурий тартиби блан мослаштиручи зийрак ақлнинг органи, сан'атнинг мангу қонулари вакили, бирон иш юзасидан тантанали ва умумхалқ ҳукмини чиқаручи фикр, авлодлар ҳукмининг даракчиси, исте'доднинг қимматбаҳо тортиғи, қобилиятсизликнинг юз хотирчиликка асосланмаган жазоси, халқ дидининг соқчиси бўлмиш ҳақиқий танқид бундай эмас, албатта. У аналитик характер касб этиб, талантнинг тайёр асарларидаги гўзалликни вужудга келтиручи ҳодисаларни ва бу гўзаллик тараққиётининг шароитларини текширади. У ёзучини унинг генийси, йўналиши, нарсаларга қарши нуқтаи назаридан текширади, жамиятнинг қиёфасини тасвирлайди, ёзучининг унга муносабатини, ҳозирги замон фикри ва ҳаётининг ҳаракатларида унинг қатнашиш даражасини кўрсатиб беради. Аналитик танқид асарнинг ўзига мурожаат этар экан, унинг мазмунига қарайди, образларини уларнинг элементларига ажратиб ташлайди, авторнинг ўз мақсадига эришиш учун қандай воситалардан фойдаланганини очиб ташлайди ва ёзучининг асаридаги асосий, муқаддас фикрларнинг нималар блан озиқланганини, қандай етилганлигини, бу фикрларда ёзучининг нарса-

ларга нисбатан бўлган озод сан'аткорона назарига тегишли нарсалар нима эканини ва унинг қалбини тўлқинлатган тасодифий шароитлар ҳуружига мансуб нарсалар нима эканини тушунтириб беради. Доно аналитик танқид бу тушунчалардан қайсилари ўтмишга тегишли бўлган асарларни текширишдагина амалга оширилишини ва қайсилари ҳозирги замон сан'атида татбиқ қилинишлари лозим эканлигини билади. Сиз бу ерда, гўё табиатнинг ҳисоботини, я'ни ўз хўжалигининг энг муҳим қисми бўлган ақлий ижодиётда қандай ҳаракат қилиши ҳақидаги ҳисоботини ўқийсиз. Шу тарздаги текширишларнинг қизиқарлилиги блан ҳечнарсан тенглашаолмайди. Сиз инсон табиатининг чуқур сирлари яширинган муқаддас хонасига кирабошлайсиз, сиз гениал фикр яратилишининг худди ўзгинасида ҳозир бўласиз, сўнгра бу фикрни идеал оламдан воқий'ий оламга ўтиш чегарасида учратасиз; сизнинг қаршингизда гўзал асарни вужудга келтиручи барча кучлар ёзучининг таланти ҳам, замонанинг руҳи ҳам, жамиятнинг руҳи ҳам ҳаракатга келади; сизнинг кўз олдингизда соф ҳаётни, гўзалликлар ҳаётини, бинобарин, ҳақиқат ва эзуликни ўз қалбига сиғдириш азалдан тақдир этилган бу ажойиб ахлоқий организм стихиялари ташкил топади.

«Броқ аналитик танқид сан'атнинг мақсадларини қониқтираолмайди. Биз асарнинг қандай қилиб яратилганини биламиз, аммо асарнинг ўзи нима эканлигини билмаймиз. «Сиз уни ўз қаршингизда ҳартирафлама очик, изоҳланган ҳолда кўриб турибсиз—яна нима керак?»—деб менга э'тироз билдиришлари мумкин. Тўғри! Аммо ҳарқандай гўзал асарнинг сан'аткорга, даврга, халққа ва ҳоказоларга муносабатидан ташқари яна бир жуда муҳим муносабати бор—бу унинг гўзаллик ғоясига бўлган муносабатидир. Бу муҳим муносабат гўзаллик ғояси учунгина мавжуддир; бизга аналитик танқид томонидан шунчалик яхши очиб берилган барча ижодий операциялар сан'атнинг ўзи учунгина зарурдир. Сан'атнинг яратган нарсалари гўзалми ва нима учун гўзал? Бу масалаларни аналитик танқид ҳал қилмайди.

«Инсоний ижодиётнинг барча ташаббуси икки қонунга: нарсалар блан бўлган хусусий муносабатлар қонунига ва ғоялар қонунига мансубдир. Биринчи қонунга мансуб ишлар орасидан ўрин олиши, улар блан дўстона иттифоқ тузиши, тарихда иштирок этиши белгиланган нарсалар, уларнинг тақдир ва эҳтиёжлари руҳида ҳаракат қилишлари лозим. Броқ, ақл ва ироданинг вазифаси, жисмлардан юқори туручи нарса блан,

я'ни бу ишларнинг асосий ибтидолари блан, ўзининг аслий ғояси блан мустақкам боғланмаса, у ақлга тўғри келмайдиган ва озод бўлмаган бўлар эди. Иш ўзининг ма'лум характерини, унутилмас чехрасини танқиддан олмаса, бошқа нимадан олиши мумкин? Ба'зи нарса уни ҳақиқат ғояси йўллагани учун фанга қўшилган ҳисса бўлиб қолади, ба'зи нарса эса, уни гўзаллик ғояси жонлантиргани учун сан'атда ўз қимматини топади. Анализ қилучи танқидни ҳақиқат ғояси бошқарса, у ниҳоят гўзаллик ғоясига кўтарилади ва батамом бадийликка айланади. Унинг нури остида текширилаётган асар ўз-ўзидан шахсларнинг ҳарқандай та'сирисиз, ҳийла-найрангларисиз адабиётда ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Агар текширилаётган асар шуҳрат қозониш йўлида ҳалокатга учраса, у ҳақоратланишдан эмас, балки унинг башарасини фош қилиб ташлаган ва кишиларга бу башарадаги қобилиятсизлик тамғасини ёритиб кўрсатган ҳақиқат нури туфайли ҳалокатга учрайди. Ваҳоланки, сиз ҳақиқий талант эгасининг асарига шубҳасиз тан бериш учун барча воситаларга эгасиз: бу асар ҳартарафлама чуқур ва тўғри текширилган; мана, унинг нафис томони, мана ёзучи улар орқали ўзининг ғоясини<sup>8</sup> билдирган нозик, ўткир, зўрға сезиладиган ва, эҳтимол, гўзалликнинг энг жозибали нафис живлари — булар сизнинг диққат доирангиздан тушиб қолган бўлишлари мумкин; танқиднинг ўткир кўзи уларни кўраолади ва сизга тушунарли қилиб кўрсатиб беради. Ўзингиз пайқаб улгураолмаган нарсалар блаң лаззатланиб, диққат доирангиздан тушириб қолдирган нарсаларингизни тўлдиручи қўлланмадан миннатдор бўлинг. Танқид сан'атнинг энг чуқур сирларидан хабардор ишончли дўстдир. Айни чоғда у жамиятнинг органидир; жамият бу орган орқали сан'атнинг ажойиб тортиқларини қабул қилиб олади ва уларни ўз қалбига сингдиради. Танқиднинг вазифаси юксак ва жуда шарафлидир! Унинг донолиги ва ҳақлигига иккита қудрətли куч, я'ни сан'ат ва жамиятнинг руҳи таянади, улардан бири унга ўзининг энг қимматбаҳо бойлиги ҳисобланган шуҳратини, бошқаси эса, ўз туйғуларининг шарафи ва фазилатларини ишониб топширади.

«Аммо сан'атнинг ҳарқандай асари камчиликлардан холи эмас: бу камчиликларга танқиднинг муносабати қандай? Танқид қуйидаги қоидага амал қилади: у, фош қилиниши ҳақиқат олдида сабоқ бўлаоладиган, ёки хатоларга қарши тўсиқ бўлаоладиган камчиликларнигина билади. Танқид, анализ ёрдами блан

айниқса асарнинг меваси бўлмиш диднинг хатоларини ёки нотўғри йўналишини ажратади. У, сан'атга ўз замонасининг руҳида, виждон блан хизмат қилган ёзучиларни, улар тақдирнинг олдини ололмаганликлари ва ҳали вужудга келмаган ғоялар бўйича ҳаракат қилмаганликлари учун шафқатсиз жазоламайди. Танқид ҳаммани хизматига яраша — муқаррар фазилатни ҳам, нисбий фазилатни ҳам уларнинг ўзларига яраша тақдирлайди. У шу нарсани ҳам эсдан чиқармайдики, агар авлод ўзи танқид қилаётган ўтмиш авлоддан ақллироқ бўлса, навбати блан бу авлод ҳам ўз авлодига эга бўлади. Ана унда ҳамма нарсани ўзи қилиб улгурмаган ва бошқаларнинг худди шу гуноҳини кечирмаганларнинг ҳолига вой!»...

Бу фикрларнинг барчаси блан моҳияти жиҳатидан келишмаслик мумкин эмас. Дарҳақиқат, нотик *аналитик* деб атаган, ёки Франция ҳамда Германияда *тарихий* деб ном олган танқид зарурдир. Хусусан ҳозирги вақтда, асримиз қат'иян тарихий йўналиш олган бир пайтда бу танқидни четда қолдириш, сан'атни ҳалок этиш, ёки, ундан ҳам кўра, танқидни бузиш блан баравар бўларди. Сан'атнинг ҳарбир асари албатта даврга, тарихий воқеаликка ва сан'аткорнинг жамиятга бўлган муносабатларига қараб баҳоланиши лозим; ёзучининг ҳаётини, характерини ва шунинг кабиларини кўриб чиқиш ҳам кўпинча асарнинг яратилишини аниқлашга хизмат қилиши мумкин. Бошқа томондан, сан'атнинг хусусий эстетик талабларини назардан тушириб қолдириш ҳам мутлақо мумкин эмас. Фақат бунинг ўзигина эмас: танқиднинг дастлабки иши асарнинг эстетик қиймати даражасини аниқлаш бўлиши керак. Асар эстетик таҳлилга бардош бераолмас экан, бундай асар тарихий танқидга ҳам лойиқ бўлмай қолади; чунки, агар сан'ат асарига энг зарур тарихий мазмун ёт бўлса, агар ундаги сан'ат ўз-ўзи учун мақсад қилиб олинган бўлса, бундай асар, гарчи бирёқлама бўлса ҳам, ҳарҳолда нисбий қийматга эга бўлаолади; лекин, агарда асар ҳозирги замоннинг жонли манфаатлари олдида ижодиёт ва эркин илҳом муҳри блан қайд қилинмаган бўлса, ҳар жиҳатдан ҳам ҳечқандай қийматга эга бўлаолмайди ва ундаги манфаатлар ҳаётийлиги-



нинг ўзи, шу манфаатларга ёт бўлган формада зўрлаб ифодалангани туфайли, бема'ни ва бесўнақай бўлиб қолади. Бундан, танқидни турли жинсларга ажратишнинг ҳечбир ҳожати йўқ, яхшиси, танқиднинг ягона эканини э'тироф этиб, сан'атда ифодаланадиган воқе'ликнинг барча элемент ва томонларини мана шу якка танқид раҳбарлигига топшириш керак, деган хулоса келиб чиқади. Эстетикадан холи бўлган тарихий танқид, ва аксинча, тарихий бўлмаган эстетик танқид бир томонламадир, бинобарин, сохтадир. Танқид ёлғиз битта бўлиши керак ва ундаги қарашларнинг ҳар томонламалиги бир умумий манбадан, ёлғиз бир системадан, сан'атни бирхил мушоҳида этишдан келиб чиқиши лозим. Элементларининг мураккаблиги, илгаригидек, парчаланиш ва жуз'ийликка эмас, балки бутунликка ва умумийликка олиб келучи замонамизнинг танқиди худди мана шу танқиддир. «Аналитик» деган сўзнинг ўзига келганда, бусўз, тарихийми ёки бадийми, барибир, ҳарқандай танқиднинг хусусиятини ташкил қилган таҳлил, текшириш ма'носини билдиручи «анализ» сўзидан келиб чиққандир.

Биздан, бир танқиднинг ўзида икки хил қараш, я'ни тарихий ва бадий қараш қандай қилиб бир-бирини билан органик равишда қўшилиб кетиши мумкин? ёки шоирдан бир вақтнинг ўзида ўз илҳомининг изидан эркин боришни ва замонанинг руҳига, унинг сиҳрли доирасидан чиқишга жур'ат этаолмаган ҳолда, хизмат қилишни талаб қилиб бўладими?— деб сўрашлари мумкин. Бу масалани назарий жиҳатдан ҳам, тарихий жиҳатдан ҳам ҳал қилиш ғоятда енгилдир. Ҳарқандай одам, бинобарин, шоир ҳам даврнинг ва ўзи яшаётган жойнинг муқаррар та'сирини ўз бошидан кечиради. У ўз жамиятининг негизини ташкил этган ма'лум асосларни, тушунчалар йиғиндисини она суги блан бирга ўзига сингдириб юборади. Шу туфайли ё француз, ё немис, ё рус ёки бошқа бирор миллат вакили бўлиб етишади; шунинг учун у, масалан, XII асрда туғилган бўлса, ҳамма одамга қараганда бошқача тарзда фикр юритучи кишиларни гулханларда ёқиб

Ўлдиришнинг энг муқаддас иш эканига тақводорларча ишонади; бордию у XIX асрда туғилган бўлса, одамни куйдириш ёки чопиб ўлдиришнинг ҳожати йўқлигига, жамиятнинг вазифаси жинойи ишлар учун жазо орқали ўч олиш эмас, балки жиноятчини жазо орқали тузатиш эканлигига ва мана шундай қилганда ҳам ҳақоратланган жамиятнинг кўнгли таскин топишига ҳам христианлик муҳаббати ва христианлик биродарлигининг муқаддас қонуни бажарилишига диндорларча ишонади. Аммо инсоният XII асрдан XIX асрга бирдан сакраб ўтган эмас-ку: бунинг учун унинг бутун бир олти аср яшашлиги лозим эдики, бу асрлар давомида унинг ҳақиқат ҳақидаги тушунчаси тараққий қилаборган ва бу тушунча мана шу олти асрнинг ҳар бирида алоҳида формага эга бўлган. Фалсафа худди мана шу формани умуминсоний ҳақиқат тараққиётининг *моменти* деб атайти; бу *момент* эса, шоир асарларининг юрак уриши, уларнинг устунлик қилучи завқи (пафоси), энг муҳим мотиви, гармонияларининг асосий аккорди бўлиши керак. Ҳозирги замондан кўз юмиб, ўтмишда ва ўтмиш блан яшаб бўлмайди: бу қандайдир ғайритабиий, сохта ва жонсиз бўлар эди. Нима сабабдан ўрта асрлардаги европалӣ расмлар ёлғиз мадонна ва авлиёларни тасвирлаган?—Шунинг учунки, христиан диндорлиги ўша даврдаги Европа ҳаётининг устунлик қилучи элементи бўлган. Лютердан сўнг Европада диний расмлик сан'атини тиклашга қаратилган барча уринишлар беҳуда бўлар эди. Бизга: «ўз замонасидан четга чиқиб кетиш мумкин бўлмаса, ўз замонасининг руҳига зид шоирларнинг ҳам бўлиши мумкин эмас экан-да, бинобарин бўлиши мумкин бўлмаган нарсага қарши отланиб ўтиришнинг нима ҳожати бор?» дейишлари мумкин. «Бор» деб жавоб берамиз биз: бундай ҳодисанинг бўлиши мумкингина эмас, балки бундай ҳодиса мавжуддир, у хусусан бизнинг замонамизда кўп учрайди. Бундай ҳодисанинг сабаби — воқий ҳаёт тушунчаларига бутунлай қарама-қарши бўлган жамиятдадир. Бундай жамият мактабларда ўз болаларига шундай ахлоқий та'лим берадики, улар мактабни тугатиб чиққач, жамиятнинг

Ўзи шу ахлоққа эга бўлган болалар устидан кулади. Бу динсизлик, емирилиш, парчаланиш, индивидуаллик ва унинг муқаррар натижаси бўлган эгоизмдир; булар эса, бахтга қарши, асримизнинг ғоят кескин хусусиятларидир! Жамиятнинг аҳволи бундай бўлар экан, агар у гарчи назар э'тибордан қолган бўлса ҳам эски э'тиқодларга ишониб, тарих тараққиёти натижасида келиб чиққан, фан кашф этган янги ҳақиқатларга ўзини қарама-қарши қўяр экан,— жамиятнинг бу аҳволда ба'зи энг олийжаноб, энг талантили шахслар ҳам ўзларини жамиятдан ажралиб қолган, ёлғиз ҳис қила бошлайдилар. Улар орасидаги характери ожизроқ кишилар, шундай бўлиши муқаррар шекилли, бошқача бўлиши мумкин эмасга ўхшайди, бу ишда биз биринчи ҳам эмасмиз ва охиргилар ҳам бўлмаймиз деб ўйлаб, соддадиллик блан эгоизмнинг ва жамиятнинг барча нуқсонларининг бандаси ва тарғиботчиси бўлиб қоладилар, бошқалари — афсуски, кўпинча энг яхшилари,— ҳиссиёт ва ақлни ҳақоратловчи бу воқи'ликдан умидсизлик блан қўл силтаб, ўз ички дун'ёларига берилиб кетадилар. Аммо бу қутулиш чораси сохта ва эгоистикдир: агар кўчада бирон ерга ўт тушган бўлса, ундан қочиш эмас, балки бошқалар блан бирга уни ўчириш йўлини қидириб, биродарларча меҳнат қилиш учун унга томон югуриш лозим. Броқ кўп одамлар, аксинча, бу эгоистик ва қўрқоқ ҳиссиётни ўзлари учун асос, доктрина, ҳаёт оидаси ва ниҳоят юксак доноликнинг догмати қилиб олганлар. Улар бу блан фахрланадилар, ўз азоб ва қувончларига арзимайдиган дун'ёга жирканиб қарайдилар, улар ўз фантастик қасрларининг серҳашам кўшкига ўтириб олиб, ташқи дун'ёга, унинг рангбаранг қилиб бўялган ойнасидан қараб, худди қушлар каби сайраш блан оворалар. . . Тавба! Инсон ҳам қушга айланиб қолар экан! Овидий асарларида тасвирланган ўзгаришнинг худди ўзи-ку! Бунга яна немисларнинг сан'атга қарашининг жозибали кучлари қўшилди; бу қарашлар ҳақиқатан ҳам анча чуқур, уларда ҳақиқатлар ва соғлом фикрлар кўп; аммо уларда немисларга хос салбий томонлар, филистёр-

ларга мансуб хусусиятлар, зоҳидона қарашлар, жамият учун зарарли нарсалар ҳам кўпдир. Хўш, булар правардида нимага олиб келиши лозим эди? Бу, агар, бошқа йўлдан борганда, ўзидан сўнг жамиятда ёрқин изларини қолдираолучи, олдинга қараб силжиб, тараққий этаолучи, куч жиҳатидан вояга етаолучи талантларнинг ҳалокатига олиб келарди. Бу микроскопик генийларнинг, майда-чуйда улуг кишиларнинг мана шундай кўпайишига олиб келади. Бундай кишилар кўпинча ҳақиқатан ҳам талантли ва кучли бўладилар. Аммо шов-шув кўтара-кўтара, бирдан жим бўлиб қоладилар. Булар умрларининг гуллаган даврида, куч ва фаолиятлари етилган пайтда, ўз ўлимларидан илгари бевақт ўлиб кетадилар. Ижодиётнинг озодлиги замонага хизмат қилиш билан енгил мослашади: бунинг учун тақдим этилган темаларда ёзаман деб ўзини мажбур қилишнинг, фантазияни зўрлашнинг ҳожати йўқ; бунинг учун ёлғиз, ўз жамияти ва ўз даврининг граждани, фарзанди бўлиш, унинг манфаатларини тушуниш, ўз интилишларини унинг интилишлари билан қўшиб юбориш кифоя; бунинг учун э'тиқодли ишдан, асарни ҳаётдан ажратмайдиган соғлом амалий ҳақиқат ҳиссиёти, хайрихоҳлик, муҳаббат керак. Агар бирон нарса қалбда чуқур из қолдирса, у ўз-ўзидан юзага чиқади. Одам бирон нарсага қаттиқ берилиб, ундан кучли та'сирланиб, ёлғиз бир фикрнинг ўзи билан батамом машғул бўлса, унинг кундуз кунини ўйлаган нарсалари кечаси тушида такрорланади. Майли, ижодиёт ўзининг ҳашаматли кўри-нишларида сан'аткорнинг муқаддас фикрларини ва олийжаноб симпатияларини такрорловчи ажойиб туш бўлақолсин! Бизнинг замонамизда талант, нимада намоён бўлмасин — амалий ижтимоий фаолиятдами, ёки фан ва сан'атдами, барибир инсоннинг фазилати бўлиши лозим, акс ҳолда у, ўз айби билан ўз қалбида ҳалок бўлиши керак. Инсоният ниҳоят шундай э'тиқодларга бориб етдики, бу э'тиқодларни ғаразли кишилар, ўзларини айбламаслик учун ўз фойдалари нуқтаи назаридан ҳам гапиришга жур'ат этаолмайди. Бу ғаразли кишилар жамиятнинг ўзларига ишонмас-

лигини билади, чунки жамият улар ғояларининг энг яхши инкорини уларнинг ўзларидан топган бўлур эди...

Биз ўзимизнинг сан'ат ва танқид ҳақидаги фикрларимизни айтдик ва бу мақолага сабабчи бўлган «Нутқ»ни кўриб чиқдик. Энди, навбатдаги мақолада, рус танқидининг дастлабки пайтидан бошлаб бизнинг замонамизгача босиб ўтган йўлини тарихий жихатдан кўриб чиқамиз.

## II МАҚОЛА

### *Рус танқидчилигининг тарихий обзори*

Рус танқидчилигининг йўлини ва тараққиётини тарихий ёритиб бериш — умуман, рус адабиёти тарихини ёритиб бериш демакдир, чунки биз биринчи мақолада айтиб ўтганимиздек, ҳукм чиқаручи танқиднинг мазмуни блан ҳукм қилинучи адабиётнинг мазмуни бирдир; ҳамма фарқ формада. Сан'аткор ва адабиётчи сан'ат ва адабиёт ҳақидаги ўз тушунчасини *бевосита*, яратган асарлари орқали ифодалайди; танқидчи эса, сан'ат ва адабиёт ҳақидаги ўз тушунчасини фикрлар воситаси блан онгли равишда ифодалайди. Бу ҳолда сан'ат ва адабиёт танқид блан қўл ушлашиб боради ва бир-бирларига ўзаро та'сир кўрсатади. Агар бирон янги гений сан'атга янги бир майдон очиб бериб, ҳукмрон танқидни ўзидан орқада қолдириб, бу блан унга ўлим зарбаси берар экан, ўз навбатида, танқидда юзага келадиган фикрлар ҳаракати ҳам эски сан'атдан ўзиб кетиб, уни янчиб ташлайди ва янги сан'ат тайёрлайди. Бундай ҳодиса, Германияда содир бўлган эди. Уерда адабий ўзгариш улуғ шоир орқали эмас, балки ақлли, ғайратли танқидчи Лессинг орқали юз берди. Романтик деб аталган оқим, ёки Франциянинг ёш адабиёти ўзининг ғолиб байроғини сохта классицизмдан босиб олинган заминга ўрнатар экан, ўз кучларидан кўра танқиддан кўпроқ фойдаланган эканлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Қачонлардир жуда

исте'додли, ҳозир эса шунчаки қуруқ бақироқ фелъетончи бўлиб қолган Жанен ўзининг «Ўлик эшак ва гиль-йотинада қатл қилинган хотин» деган романини ёзмасдан илгариеқ, империянинг ўлик адабиётига қарши қизгин кураш олиб борган эди. Сан'ат ва танқиднинг бу иттифоқи кундан-кунга маҳкамланмоқда ва ажралмас бўлиб бормоқда. Мана шунинг учун энди сан'ат образлар орқали фикрлашга, танқид эса, сан'атга айланмоқда.

Рус адабиёти миллий руҳ тараққиётининг меваси эмас, балки реформанинг меваси эди. Гарчи Буюк Пётр, Екатерина II сингари ҳеч нарса ёзмаган ва нашр этиб чиқармаган бўлсада, броқ бунга қарамай, у рус маданиятининг, рус ма'рифагчилигининг, рус улугворлиги ва шарафининг, бир сўз блан айтганда — янги Россиянинг ижодкори бўлганидек рус адабиётининг ҳам ижодкоридир. Буюк Пётрнинг номини тилга олмай, рус адабиёти тарихини ёзиш, яратучининг номини тилга олмай, оламнинг пайдо бўлиши ҳақида ёзиш блан баробардир. Русь Пётрга қадар ваҳший ва тартибсиз кучлар блан тўлиб тошган эди: унинг қудратли иродаси бу хаосда тартиб ва уйғунлик барпо этиб, ундаги курашучи элементларни ма'лум бир формага солди ва уларга мақсадни белгилаб берди. Буюк Пётрнинг ўлиmidан сўнг бир асрдан кўпроқ вақт ўтиб кетди; аммо Русь ҳали ҳам ундан бошлаб, бинобарин у туфайли ҳаракат этмоқда. Русь аллақачонлароқ ўзгариб кетган; агарда Пётр ўз гўридан туриб, унга бир назар ташлайолганда, уни танийолмас эди. Русь ўзгариб кетган, аммо бошқа бўлиб ҳам қолган эмас. Масалан, ёйиқ баргли дуб мутлақо ўзи ўсиб чиққан дуб ёнғоғига ўхшамайди; аммо у қайин ва ёки бошқа бирон дарахт эмас, балки барибир дубдир; у барибир дуб ёнғоқдан кўкариб чиққан ва дуб ёнғоғисиз вужудга келиши ҳам мумкин эмас эди.

Пётрнинг реформаси умуман сун'ий эди, чунки бу реформа рус ҳаётининг миқ'ёсида ва унинг ўз воситалари блан эмас, балки унга ёт бўлган ҳаётнинг бегона воситаси орқали амалга оширилган эди.

Броқ, бу фақат бузғунчиларга ва эскилик тарафдорларига ёқмаслиги мумкин; ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур тушуналуи кишилар назарида худди мана шунинг ўзи янги Россия ижодкорининг ғоят зўр гений эканлигидан далолат беради. Тўғри, мана масалан, тўсатдан, ҳечқандай тайёргарликсиз, соқоллари қирилган, бўйнида бир тутам сочи бор, цесар ва прус аскарлари қиёфасига киритилган, XVII асрнинг кулгили мундирларини кийиб олган рус мужиклари ҳақида, немис ҳарбий терминалогиясини, мураккаб немис мансаблари ва унвонларини жуда қийналиб ёд қилган мана шу аскарлар ҳақида жуда кўп ўткир ва қизиқ гапларни айтиш мумкин; бундан ташқари Нарва жанги ўзгаришларга қарши ажойиб факт бўлалар эди, аммо Лесное атрофида бўлган жанг фикрли кишиларни бироз ўйлашга, андишага боришга, русчасига ифодали қилиб айтганда, тилларини тийиб қолишга мажбур этади; Полтава жанги эса, генийнинг, авомнинг тушунчаларига қанчалик кам мос келса, шунчалик чин ва ҳақиқий бўлган ўз мантиқи, ўз соғлом фикри бор эканини, воқиликни илгаридан билаолишини ҳарқандай назарий ва фалсафий далиллардан кўра яхшироқ исботлаб беради. Афтидан, фақат юзаки бўлган, ёлғиз формадагина амалга оширилган реформа, унинг қурбони бўлган русларгагина эмас, балки ўша пайтдаги Европага ҳам ғалати кўринган бўлиши мумкин; афтидан ҳамма нарса назария блан амалиёт, идрок блан тажриба ҳам бу реформага қарши бўлган. Машум Нарва воқияси стол устидаги қоғоз уйчасини учириб кетган бўрон ҳаракатига ўхшар эди; бу воқиа реформа орқали ҳаётни яхшилашнинг ҳеч иложи йўқлигига реформачининг ўзидан бўлак барчани ишонтирди. Аммо Лесное атрофида шароитлар ўзгаради ва душман учун трагедиянинг муқаддимаси бошланади. Полтавада эса, трагедиянинг ўзи содир бўлди.

Худди мана шундай йўл блан ҳечнарсани ифодаламайдиган гражданлик ҳуқуқ, босиб чиқарадиган нарсаси бўлмаган босмаҳоналар ҳақида, ҳали савод чиқарадиган биронта жой бўлмай туриб, махсус олий

Ўқув юртларини тузиш ҳақида, ҳали биронта бошланғич диний мактаби ва уезд мактаблари бўлмаётуриб, Фанлар Академиясининг лойиҳасини тузиш ҳақида, бир сўз блан айтганда, пастдан юқорига эмас, юқоридан пастга қараб, пойдевордан томга қараб эмас, балки томдан пойдеворга қараб тузилган бу ғайритабиий тараққиёт ҳақида жуда кўп оқилона ва ўткир гапларни сўзлаш мумкин. Броқ, шуниси ҳам борки худди мана шунинг ўзи рус ма'рифатчилигига мустаҳкам асос солди, чунки у, ҳаммадан аввал, ўқитучиларни бердики, уларсиз ўқучилар ўқийолмас эдилар. Бизнинг ма'рифатчилигимиз қандай бўлмасин, ҳозирги пайтда тараққиётнинг қайси поғонасида турмасин, унинг тобора тараққий этаётганини, тобора олдинга қараб кетаётганини ёлғиз кўр одамгина кўраолмайди. Агар шундай бўлмаганда, қандай қилиб бизда ҳам лашкарбошилар, ҳам денгизчилар, ҳам инжинерлар, ҳам врачлар, ҳам математиклар вужудга келаолар эди? Четёл кишиларининг ёрдамисиз бир қадам ҳам ташлайолмайдиган даврларимизга кўп вақт бўлдимиз, дейсиз? Ҳозир эса, биз, энди четёл кишиларига муҳтож эмасмиз, балки Европага мансубмиз. Биз фан, сан'ат ва саноатнинг Европадаги ютуқларини кузатиб боришимиз керак, аммо бирон муассасани очиш учун, авваллари бўлган каби, у ёқдан одам чақириб олмаслигимиз лозим. Агар биз ҳозир ҳам ба'зан четёл кишиларига муҳтож бўлиб, уларни чақирсак, бундай ҳодисалар энди умумий қоидадан мустаснодай кўринади.

Жамиятнинг эҳтиёжидан эмас, балки четёл адабиётига кўр-кўрона тақлид қилиш натижасида майдонга келган рус адабиёти ҳақида ҳам жуда ўринли, оқилона ва ўткир гапларни айтиш мумкин<sup>9</sup> (бундай гаплар етарли даражада тапирилган ҳам эди). Ахир бу нусхадан, бу кўчирмадан, бошқалар образининг бу копиясидан, бошқалар фикрига, бошқаларнинг формасига бу ўлик, жонсиз, кўр-кўрона тақлиддан, бошқаларнинг фикрлари ва формаларини бундай юлиб тортқилашдан нимани ҳам кутиш мумкин эди? Броқ шуниси ҳам борки, (албатта, ҳали кўп бўлмаган)



миллий ва мустақил шоирларнинг — Крилов, Пушкин, Грибоедов, Гоголь, Лермонтовларнинг номлари блан фахрланамиз... Броқ шуниси ҳам борки адабиётимиз жамиятга гуманистик, инсоний билимларнинг жонли манбаи сифатида жуда зўр ва баракали та'сир кўрсатган...

Ажаб! Қандай қилиб бу ўлик, юзаки, мавҳум формал реформадан мана шундай жонли натижалар келиб чиқди экан? Масала шундаки, фақат калтабин, узоқни кўраолмайдиган, шунинг блан бирга эскилик ва жаҳолат тарафдорлари, халқчиликни нотўғри тушунадиган кишилар ваҳшиёна бузғунчиларгина Пётрнинг реформасида ёлғиз юзакилик ва формалликни кўришлари мумкин. Онгли кишилар, ўз ақл кучларининг идроки блан нарсаларнинг чуқур моҳиятларини билаоладиган кишилар, Пётрнинг ёлғиз биргина юзаки европачилик учун интилмаганини, у қанчалик моддий реформатор бўлган бўлса, шунчалик ма'навий реформатор ҳам бўлганлигини жуда яхши биладилар. Унинг улуғ ижодий руҳи ўзгартичилик фаолиятининг манбаи эди,— у реформани даставвал ўзидан бошлаган. У бошқаларга раҳмсиз бўлиши блан бирга, ўз-ўзига нисбатан янада шафқатсизроқ бўлган. У адолатчилик ғоясини ҳарқандай шахсий ўзбошимчаликдан юқори тутар эди. У давлат ишларида қасддан бирон хатога йўл қўйса, ўз-ўзини жиноий судга беришга ҳам тайёр эди. У давлат ғоясини ҳарқандай шахсий қийматдан юқори қўйиб, турли-туман мансабларнинг узун ва оғир зинасидан қат'иян ва дадиллик блан кўтарилди, оддий солдат, юнга бўлиб хизмат қилди, унинг ёшидаги одамлар ҳокимлик лаззатига қанчалик завқ блан берилсалар, у тартиб инсонга шунчалик завқ блан бўйинсунди. У нолойиқ бўлган ўз фарзандингдан кўра, муносиб бегона яхши деб, Россиянинг бахти, келажаги учун ўз ўғлини қурбон қилди... У ўз хизматига мувофиқ вазифа сўраб, амолдорларини синаб кўрар ва амолдорлар унинг илтимосини рад қилганида жуда хурсанд бўлар эди... Пётр ҳақида гапирилганда, кўп одамлар унга кўпроқ реформатор сифатида

қараб, унинг жуда катта ахлоқий ва диний руҳ эгаси бўлганини эсдан чиқариб қолдирадилар. Унинг барча ҳаёти ғояга қизғин хизмат қилишдан иборат бўлган эди. Ғояга кўтаринки руҳ блан хизмат қилиш эса муқаррар жонли натижалар беручи тирик манба'дир. Агар Пётр диний ва ахлоқий иш кўручи эмас, фақатгина ҳаддан ташқари ақлли, *сиёсий* арбоб бўлганда эди, унинг реформаси шунчалик улуғ натижаларга эришмаган бўлар эди. Пётр реформасини • самарали қилган ва жонлантирган нарса, бу реформага куч, мустақкамлик ва ҳаётгийлик бахш этган нарса, унинг руҳий асосини ташкил қилучи диний-ма'навий ибтидо блан бағоят зўр гениалликнинг қўшилишидир... Броқ бу тўғрида бутун бошли бир китоб ёзиш ҳам мумкин эди; биз бу ҳақда мақоламиздаги асосий фикрга алоқадор бўлган, лекин унинг мазмунини бевосита ташкил этмайдиган предмет сифатида юзаки гапириб ўтмоқдамиз. Рус танқидчилигига ўтмасдан аввал, рус адабиётига мурожаат этайлик.

Рус адабиёти худди рус маданияти каби тақлид қилишдан, формаларни кўр-кўрона ўзлаштиришдан бошланди. Унинг ҳаракати ва тараққиёти маданиятнинг ҳаракати ва тараққиётидек, ўзига хослик ва миллийликка интилишдан иборат бўлган ва унинг ҳарбир муваффақияти бу мақсадга томон ташланган бир қадам эди. Рус поэзияси даставвал Криловнинг масалларида ярқираб кўринди; Крилов масалларининг формаси бошқалардан олинган ва тақлидий эди; аммо бунга қарамай, бу масалларда рус тили, рус амалий ақли ҳартарафлама кенг, озод ва эркин тараққий этиш воситасини топган эди. Аммо масал ҳали поэзиянинг ўзи эмас, балки фақатгина унинг бир туридир ва шунинг блан бирга XVIII аср томонидан яратилган бир туридир. Рус поэзияси аслда Пушкиндан бошланди. Биз буни шундай деб тасдиқлашимиз блан поэтик Протейимиздан олдин ўтган ажойиб талантларни камситмоқчи эмасмиз. Улар бўлмаган тақдирда Пушкин ҳам бўлмас эди, ёки ҳеч бўлмаганда, у шу даражада улуғ шоир бўлмас эди. Бу талантларнинг ҳарбири адабиётимиз учун олдинга ташлан-

ган бир қадам бўлди; уларнинг муваффақиятлари тўла бўлмаслигига сабаб исте’одларининг кучсизлиги эмас, балки ўзига хос поэзия учун ҳали ҳечқандай мазмун бераолмаган жамиятнинг етилмаганлигидир. Пушкин сан’аткор сифатида биринчи рус шоири эди. Державиннинг табиий поэтик кучи, масалан, Батюшковнинг поэтик кучидан юқоридир; аммо Батюшков сан’аткор сифатида Державиндан таққослаб бўлмаслик даражада юқори туради. Рус поэзиясининг баҳодири Державин, ўз замонасининг руҳи блан боғлиқ эди. Замона эса поэзияни қандай воқиага — ғалабагами, ёки шунчаки бирор байрамгами бағишланганидан қат’и назар тантанали ода сифатида танир, уни «худди ёз фаслидаги лаззатли лимонаддек ширин ва ёқимли»<sup>10</sup> нарса деб билар эди. Державиннинг замонаси поэзиядан фақат баландпарвозликдан бошқа ҳеч нарса талаб қилмаган; у кейинчалик *элегия оҳанги* деган ноаниқ ном блан рус поэзиясида ҳукмронлик қилган ва усиз ҳақиқий поэзиянинг бўлиши мумкин бўлмаган мана шу ички, суб’ектив асосни поэзиядан чиқариб ташлаган. Державин шоирона қалб эгаси эди ва худди шу сабабдан мана шу ички суб’ектив ҳислар, дилкаш ва самимий туйғулар унинг қалбига бегона бўлмаган. Унинг асарларида бу ҳислар ва туйғулар тез-тез кўзга ташланиб турар эди, броқ бу ҳол гўёки Державиннинг иродасига қаршидек туюларди, чунки у доимо жиддий тантанавийликни сақлашга интилиб, ўз замонасининг руҳига мос ҳис ва туйғуларига эркинлик бермас эди. Бунинг устига унинг замонасида рус тили ниҳоятда ишланилмаган ва Ломоносов занжирбанд қилган оғир славян — латин формаларида гаплашилар эди; у пайтда биронта одам ҳам ше’рдаги гармония ва пластика ҳақида, бир сўз блан айтганда, маҳорат ҳақида ҳечқандай тушунчага эга эмас эди; сифатларнинг қисқартирилишини, сўзларнинг бузилишини, ибораларнинг уйғунсизлигини ўша замондаги пиитиканинг ўзи «пиитик эркинликлар» номи блан қонунлаштирган эди. Мана шунинг учун рус поэзияси ва адабиёти тарихида шу қадар улуғ ўриң тутган Державин ҳозирги замон

жамияти учун жонсиздир. Державиннинг поэзияси эса, тиришқоқ адабиётчилар учун текшириш предметига айланиб қолди. Энди унинг поэзияси жамиятга лаззат бермай қўйди. Бу жамият энди Державинни аранг билади, билганда ҳам ёшлик йилларида ўқигани пиитика китоблари орқали билади. Шундай кишилар борки, улар ҳатто Державин асарларини ўқимай туриб, Державин ҳақидаги бундай фикрлар унинг номини ва рус адабиётининг шарафини ҳақоратлаш деб биладилар. Наҳотки, Державиннинг зўр таланти тараққий этиш учун ноқулай бўлган бир шароитда майдонга келган эди дейиш, ҳақиқатан ҳам уни камситиш бўлса? Бундай эмасдир! Наҳотки, улуғ инсонни тарихий жиҳатдан замонга боғлаб қўйиш блан камситиш мумкин? Бундай бўлмаса керак!— Ахир, олам вужудга келгандан бери биронта гений ҳам бундай боғланишдан халос бўлаолган эмас-ку.. Державин — ҳамма даврлар учун ҳам улуғ талантдир; аммо фақат ўз замонаси учунгина улуғ шоирдир; бизнинг замонамиз учун эса уни қандай бўлмасин шоир деб аташ қийин, чунки Державин поэзиясининг идеаль мотивлари ҳам, формасининг ўзи ҳам биз учун жонсиздир. Бунинг айби бизда ҳам эмас ва, албатта, Державинда ҳам эмас. Биз уни айбламаймиз, балки унинг ҳақида фақат фикр юритамиз; майли, бизнинг ҳақимизда ҳам фикр юритсинлар, аммо бизни айбсиз айбдорлар қаторига қўшиб қўямасинлар. Жуковский рус поэзиясига Державин поэзиясида етишмаган элементнинг худди ўзгинасини қўшди: қайғули паришонлик, мунгли оҳанг, дилкашлик ва самимият, чорасизлиги орқасида ўз хаёлига берилиб кетган руҳнинг фонтастик кайфияти — мана Жуковский поэзиясининг устунлик қилучи характери; булар Жуковский поэзиясининг ғолибона гўзаллигини ҳам, ҳарқандай камчилик ва ҳарқандай бирёқламалик тарзидаги нуқсонларини ҳам ташкил этади. Жуковский Державинга бутунлай қарама-қаршидир. Гарчи Жуковский поэзиясининг мазмуни ва оҳанги рус поэзиясига нисбатан ёт заминдан кўчирилган экзотик ўсимликка ўхшаш бўлса ҳам, броқ поэзиядаги ҳалқчиллик тараф-

дорларининг шовқин-суронлари ва миш-мишларига қарамай, Жуковскийни ёлғиз ўз даврининггина шоири деб бўлмайди: унинг шеърлари ҳаётга кириб келаётган ва ҳаётнинг нима эканлигини билмай, унинг ҳақида фақат орзу қилаётган ёш авлодларда ҳардоим ўз баҳосини топаолади. Москва Университети қошидаги олиўжаноб пансионнинг ўқучиси бўлган ёш Жуковскийнинг немис ва инглиз поэзиясига мурожаат этиши учун ташқи шароит сабаб бўлганини билмаймиз; аммо ҳарҳолда бу мурожаатнинг асосий сабабчиси замонанинг руҳи эди. XVII ва XVIII асрлардаги Франциянинг сохта классик поэзияси ҳозирданоқ XIX асрнинг ёш авлодига тўғридан-тўғри ёқмай қолди; шу сабабли бу авлод эстетик жиҳатдан лаззатланишнинг бошқа манба'ларини қидириши лозим эди. Немис адабиёти ўша даврдаёқ ҳатто Францияда ҳам машҳур бўлиб кетган эди; Россияда эса фақат немис тили блан таниш бўлган бирозгина ёшларни жазб этаолган эди. Биз бахтга қарши Державиннинг Шиллер пьесаларидан бирини қайта ишлаб (французча таржимасидан фойдаланган ёки унга тақлид қилган бўлиши мумкин), «Арфа»<sup>11</sup> деб атаган асарининг қачон ёзилганлигини билмаймиз; шунингдек Дмитриевнинг Гётенинг машҳур пьесасини қайтадан ишлаб (бу ҳам французча таржимадан фойдаланган, ёки тақлид қилган бўлса керак). «Момақалди роққа доир мулоҳазалар» деб атаган асарининг ҳам қачон ёзилганини билмаймиз: бу шуни кўрсатадики, Гёте ва Шиллер<sup>12</sup> ҳақидаги ҳархил шубҳали овозаларнинг поэзиямизнинг устозларигача бориб етишидан қатъи назар, адабиётимиз ёшлигидан немис тили блан ошно бўлган Жуковский қиёфасида янги ва ҳаётийроқ озиқланиш манбаига — немис поэзиясига мурожаат қилиб, олға қараб табиий қадам ташлади. Инглиз адабиётига келганда, бизнинг адабиётимиз блан Жуковскийга қадар таниш эди; Карамзин инглиз адабиёти ҳақида ўзининг саёҳатномасида ёзиб, ҳатто Лирнинг бўрон пайтидаги монологини ва Оссианнинг бир парчасини таржима қилган эди. Аммо бунга қарамай, Шекспирни фақат французлар орқали бир ваҳший сифатида

танир эдилар ва Поп Адиссон, Драйден, Томсон, Грей, Юнг, Мильтон, Фильдинг, Ричардсон, Стернлар инглиз адабиётининг ҳурматли арбоблари ҳисобланар эдилар. Жуковский биринчи бўлиб, ўзининг мустақкам ва оҳангдор ше’ри блан инглиз балладаларидан (кўп бўлмаса ҳам) бирнечасини таржима қилди ва бу балладалар руҳида («Эолова арфа») деган асарини ёзди. Жуковский бу асари орқали инглиз адабиётининг романтик характерини тўғри бераолган. Инглиз поэзияси рус жамоатчилигига журнал мақолалари ва прозаик таржималар орқали танилган бир пайтда, Жуковский ўзининг Вальтер Скотт, Байрон, Мур, Сутэй<sup>13</sup> ва бошқалардан қилган таржималари блан бу танишликни янада мустақкамлаб, уни ҳақиқий танишликка айлантирди. Жуковскийнинг немис ва инглиз адабиёти намуналаридан кўчириб олган бу оригинал йўли (у янги бўлганлиги учуноқ оригинал эди), бу жозибали кучи ва мазмун бойлиги уни рус шоирлари орасида таржимон сифатида эмас, балки ўзига хос шоир сифатида юқори ўринга қўйди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Жуковскийнинг тили ва ше’ри Державиннинг тили ва ше’рларидан жуда катта фарқ қилар эди. Бунинг сабаби ёлғиз ашулачи Минваннинг<sup>14</sup> ажойиб ва кучли талантида эмас, балки рус адабиётининг тарихий тараққиётида ҳамдир: Державин блан Жуковский ўртасида рус тили ва рус ше’рияти сан’атига жуда кўп хизмат қилган Карамзин блан Дмитриев бордир. Батюшков рус поэзиясига батамом янги бир элементни, я’ни унинг ўзидан ташқари, Пушкинга қадар, барча шоирларимизга ёт бўлган антик бадиийликни киритди. Батюшков кўпроқ аристократик қалб эгаси эди. У антик адабиётга хайрихоҳлик билдириб, бирнеча антологик пьесаларни жуда яхши таржима қилган, та’лим-тарбия сан’атини ёқдирган ва рассомлик сан’ати ҳақида завқ блан ёзган. Батюшков поэзиясининг устунлик қилучи пафоси гўзаллик блан лаззатланишга қаратилган аристократик иштиёқ, идеал эпикуреизм бўлган; аммо бу иштиёқ кўпинча ундаги мулоим ҳазинлик блан, енгил ва очиқ ғамгинлик блан аралашиб кетади. Мана шунинг

учун ҳам унинг паришонлиги ўйчанлик блан, ижодий хаёли фантазиясининг қувончли образлари блан алмашиб кетади; Батюшков асарларини ўқир экансиз, ўзингизни воқиликнинг заминида ва воқиликнинг кўламида ҳис этасиз. Гўё рус поэзияси Батюшковнинг латиф асарлари орқали, Державиннинг ҳақиқий бўлса ҳам бирёқламалиги блан Жуковскийнинг бирёқлама-хаёлпарастилигини келиштириш орқали ўз тараққиётининг дастлабки натижасини намоён қилмоқчи эди. Бу натижа, Батюшковнинг таланти бундай яқун учун етарли даражада кучли, чуқур ва ҳартарафлама бўлмагани учунми, ёки Батюшковнинг ўзи XVIII аср француз адабиётининг та'сирига ортиқ берилиб кетганлиги ва немис ҳамда инглиз адабиётидан кўра италия адабиётини кўпроқ ёқдириши ва билиши учунми, лотин поэзияси блан яхши таниш бўлиши ва, эҳтимол, грек поэзиясини билмаслиги учунми, қониқарли эмас эди. Аммо Батюшковда қайси сабабдан бўлмасин, негадир тўлиқсизлик, тугалланмаганлик бор, унинг ғоялари чуқур эмас. поэзиясининг мазмуни умуман камбағал; унинг тили нуқсонлар блан тўла, бадийлиги эса, кўпинча риторика блан кураш олиб боради. Ўз даврининг та'сиридан озод бўлиб олиш учун Батюшковга гениаллик етишмас эди. Бетоблик, рус поэзияси осмонида буюк қуёш пайдо бўлмай туриб Батюшков талантини ва фаолиятини ишдан чиқариб қўйди. Бўлмаса бу қуёш унинг ижодига та'сир этмай иложи йўқ эди. Биз, поэзияси барча зўр беришларнинг праварди, барча уришишларнинг яқуни, рус поэзияси тараққиётининг меваси ва натижаси бўлган Пушкин ҳақида гапирмоқдамиз. Тўғри, Пушкин — ҳатто вақт жиҳатидан ҳам биринчи рус шоирдир: чунки ундан илгари ўтган шоирларда ёки алоҳида кучлардан, ёки фақат зўр беришлардан, ёки интилишлардан иборат бўлган барча нарсалар — унда ҳал қилинган муаммо сифатида, батамом эгаллаб олинган сўз сифатида турлилик ва ҳарёқламаликнинг тўлаллиги, яхлитлиги ва бирлиги сифатида рўёбга чиқди. Рус табиати, рус қалби Державинда тез-тез ялтираб кўриниб қолса, Пушкин

ҳарерда ва ҳар жиҳатдан миллий — рус шоиридир. Державиндаги баландпарвозлик, кўтаринкилик, куч ҳарзамонда бир аланга олиши бланоқ унинг устига риторика сепилиб, ўчиб қолар эди, Пушкинда эса бу аланга шитирлаб, тутун чиқариб, дудаб эмас ёрқин, тоза ва биртекисда ёниб туради. Пушкин поэзияси аккордидаги асосий товушлардан бирини ҳазинлик ташкил қилади ва мана шунинг учун ҳам бу ҳазинлик унинг поэзияси устидан устунлик қилиб кетмай, балки унга дилкашлик, самимийлик, мулойимлик, намлилик (агар қуруқлик сўзининг аксини шундай сифат блан ифодалаш мумкин бўлса) бахш этади; бу ўз кучини билучи буюк қалбнинг ҳазинлигидир; бунинг ожиз кишиларнинг ғамгинлиги блан ҳечқандай алоқаси йўқ. Бундан ташқари, Пушкин поэзиясининг ҳазинлигида рус табиати, хушоҳанг, чўзиб айтиладиган ва завқли рус ашуласидаги кишининг қалбига кучли та'сир қиладиган оҳанглар жуда кўп. Бу ҳазинлик Пушкин поэзиясининг бутун аккордини эмас, унинг поэзиясидаги аккорднинг ёлғиз биргина товушини ташкил қилиши туфайли — Пушкин поэзияси ҳарқандай бироҳанглиликка ва бирёқламаликка ётдир. Ғайриоддийлик ба'зан Пушкин поэзиясида ҳам кўриниб қолади; аммо ундаги ғайриоддийлик худди воқе'ликнинг ўзида бордек табиийдир: *Татьянанинг тушини*, «Куёв» балладасини эслаб кўришингиз мумкин. Фантастика масаласига келганда, Пушкин поэзиясида бу нарсанинг ўзи у ёқда турсин, унинг нишонаси ҳам йўқ: Пушкиннинг қалби жуда мустаҳкам ва соғлом бўлгани учун бу хаста йўналишига бўйсунмаган. Аммо, Жуковскийнинг Пушкинга кўрсатган та'сирининг изларини кўрсатиб бериш қийин бўлса ҳам (чунки Пушкин поэзиясининг замани ва кўлами жуда ҳаққоний ва ҳарқандай мавҳумликка, хиралликка ва ноаниқликка ёт эди); броқ Жуковский Пушкинга та'сир кўрсатмаган деб айтиб бўлмайди; чунки Пушкиннинг ўзи Жуковскийни «устоз, меҳрибон мураббий ва беқарор музамнинг қўриқловчиси» деб атайдди. Пушкин Батюшковнинг ёқимли ше'рларини ҳам жуда яхши кўрган: бу севгининг та'сири Пушкиннинг



дастлабки асарларидаёқ аниқ сезилиб туради. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди: Пушкин асосан артистликка хос қалб эгаси эди, бинобарин, Батюшков бошқа барча рус шоирларига нисбатан Пушкинга яқинроқ турар эди. Пушкин поэзиясининг моҳирлиги, пластикаси ва сан'аткорлиги олдида Батюшков поэзиясининг моҳирлиги, пластикаси ва сан'аткорлигининг ўзи нима деган гап! Пушкин поэзияси, Батюшков паэзияси каби, бутунича воқи'ликка асослангандир: лекин бу икки поэзиянинг ҳажми, чуқурлиги ва аҳамияти ўртасида қандай катта фарқ бор! Пушкин поэзияси батамом рус поэзияси бўлгани ҳолда, Батюшков поэзияси миллийликка ёт эканлиги ҳақида гапириб ўлтирмасак ҳам бўлади. Пушкиндан илгари ўтган шоирларнинг ҳарбири алоҳида-алоҳида эга бўлган барча нарсаларга Пушкиннинг ёлғиз ўзи эга эди; бундан ташқари, Пушкиннинг яна жуда кўп ўз шахсий хусусиятлари бор эдики, бу хусусиятларга уларнинг биронтаси ҳам эга эмас эди; ўтмиш шоирларни эгаллаб олган барча нарсаларга Пушкин бемалол эгалик қилар эди. Биз мана шунинг учун ҳам рус поэзиясини Пушкиндан бошлаймиз ва уни дастлабки рус шоир деб атаймиз. Бу гаплар, Пушкинга қадар ҳам, диққатга, ҳурматга, муҳаббатга, шон-шарафга лойиқ бўлган шоирлар ўтган эмас деган ма'нони билдирмайди; аммо бу Кантемир ва Ломоносовдан бошлаб рус поэзиясининг ўтмиш шоирларида сун'ийлик ва тақлидчиликдан табиий ва ўзига хос бўлиб олиш учун аста-секин ҳаракат қилишни,<sup>15</sup> китобийликдан жонли, ижтимоийликка айланиб, ҳаёт ва жамиятга яқинлашиш учун интилишини билдиради; Пушкинда эса, рус поэзиясидаги бу зўр бериш ва интилишларнинг тантанаси ва ғалабаси ўз ифодасини топди. Пушкин тўла ма'нодаги сан'аткордир; унинг аҳамияти ва буюк фазилати сан'аткорликдан иборат эди, аммо сан'аткорлик балки унинг нуқсонига ҳам айланди; чунки у сан'аткорликда камолатга эришган сари ҳозирги замон ҳаёти ва унинг манфатларидан узоқлашаборди ва зоҳидона йўналишига кириб кетди; ниҳоят шу пайтгача уни шубҳасиз севиб келган жамият энди ундан совуган эди. Эҳтимол, бу

қалбада бир томчи ҳам прозаик қон бўлмаган бўлса керак, аммо унинг бутун вужуди поэзиянинг соф алангаси блан тўла эди. Пушкин қандай нарсалар устида тўхталмасин,—бу нарсаларнинг барчасини, ҳатто ўз моҳияти жиҳатидан прозаик бўлган нарсаларни ҳам ҳаётийлик ва гўзалликлар блан тўла бўлган поэтик образлар қиёфасида бераолар эди. Унинг ше'ри — ҳайкалгарошлик, рассомлик ва музиканинг уйғунлашган мажму'идир. Унинг Овидия ҳақида ёзган:

Бор эди қўшиқда зўр маҳорати  
Овози оқар сув сингари янгроқ\*...<sup>16</sup>

ше'рини шубҳасиз унинг ўзига татбиқ қилиш мумкин. Ҳечким рус адабиётининг ривоятлари блан тарихий жиҳатдан Пушкинчалик боғли эмас эди. Пушкин ҳозирги пайтда ҳечким ўқимай қўйган қадимги ёзучиларни ўқиб чиққан: у Херасков ва Княжниндан эпиграфлар олган. Пушкиннинг лицейдалик пайтдаги ше'рларидан (бу ше'рларнинг босиб чиқарилгани учун Пушкин асарларининг сўнгги уч томини нашр этучилардан жуда миннатдор бўлиш мумкин эмас) куриш мумкинки, у фақат Державин, Дмитриев, Жуковский ва Батюшковнинггина эмас, балки ўз амакиси В. Пушкиннинг ҳам шоғирди эди; Пушкиннинг дастлабки болалик тажрибалари, гарчи у ўтган асрнинг фақат сўнгги йилида туғилган бўлса ҳам, уни ҳозирги аср дастлабки йилларининг ше'риятчиси сифатида рўёбга чиқармоқда. Пушкиннинг лицейдалик пайтдаги пьесаларидан унинг кейинчалик қайта ишлаганлари хусусан диққатга сазовор ва ибратлидир: ше'рни ба'зан ёлғиз бир сўз блан, бир эпитет блан таниб бўлмайдиган даражада ўзгартиб юбориш учун қандай моҳирлик керак! Ше'рда нимани ўзгартмай шундайлигича қолдириш мумкинлигини, нимани қайта тузатиш лозимлигини ва нимани ҳеч нарса қилиб бўлмаслигини билиш учун қандай ўткир бадий

\* «Танқид ҳақида нутқ»да учрайдиган ше'рларни *Рустам Қомил* таржима қилган.

такт керак! Аллақачонлароқ Карамзин ва Дмитриев, Жуковский ҳамда Батюшковлар томонидан жуда муваффақиятли равишда ўзгартириб юборилган тил-ни ҳам, ше'р ёзиш сан'атини ҳам Пушкин гўёки яна қайтадан ўзгартириб юборганлигига ажабланса бўладими? Пушкиннинг ше'ри — бу рус ше'рининг ўлмас типни ва унинг асрлар бўйи яшовчи мангу намунасидир: бундан яхшиси бўлган эмас ва бундан кейин ҳам бўлмайди. Русьда сан'атни сан'ат қилган, поэзияни поэзия қилган — Пушкиндир. У бўлмаганда бизда поэзия ҳам бўлмас эди; бунинг сабаби шундаки, у, эҳтимол, ўз буюклигининг бошқа томонлари ҳисобига ҳам ортиқроқ шоир, ортиқроқ сан'аткор эди. Мана шунинг учун ҳам, юқорида айтганимиздек, биз рус поэзиясини Пушкиндан бошлаймиз ва уни ҳатто вақт жиҳатидан ҳам дастлабки рус шоири деб атаймиз..

Биз рус поэзиясининг ва рус адабиётининг тараққиёти ҳақида шундай деб ўйлаймиз: бизнинг фикримизча, рус адабиётининг тарихи унинг сун'ийликдан ва тақлидчиликдан табиийликка ва ўзига хосликка ўтиб олиш учун бўлган, китобийликдан жонли ва ижтимоий бўлиб олиш учун бўлган уринишлари тарихидир. Бу уриниш ҳозир ҳам давом этмоқда, аммо у бошқа соҳада — «ҳаётнинг прозаик асарларини қимматбаҳо инжулар даражасига кўтариш» соҳасида давом этмоқда. Бу масаланинг батамом ҳал қилиниши ва бу ишнинг тугалланиш вақти узоқ эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ сан'атга қаратилган янги талаб — ҳозирги замоннинг тарихий руҳига мос келучи ақлга мувофиқ мазмунни талаб этиш сезилиб турибди, Русьда ўзининг дастлабки, ҳали ёш ва етилмаган асарларида чуқур мазмуннинг тўлалиги ва бойлиги кўриниб турган, формаларининг бадийлиги жиҳатидан Пушкинга ворис бўлаолучи янги улуғ шоир пайдо бўлиб қолай деган эди; аммо вақтсиз ўлим чеки ва чегараси бўлмаган умидларни тўсатдан парчалаб ташлади...<sup>17</sup>

Гўзаллик маҳв ўлди қулф урган онда;

Гўзаллик қисмати шудир жаҳонда.

Бунга биз шүни илова қилайликки, айниқса, ажойиб рус талантларининг тақдири шундай бўлади...

Такрор айтаемиз: биз рус поэзияси ва адабиётининг тараққиёти ҳақида шундай фикрдамиз, бу предмет ҳақида кўп кишилар ҳам ҳозир худди шундай деб ўйлашлари мумкин. Биз бу ҳолда ўқучиларимизга ҳозирги замон рус танқидчилигининг бир томони ҳақидаги фактни келтирдик. Илоҳи, бу унинг ёрқин томони бўлсин! Рус танқидчилигининг қоронғи томонига келганда, мақоламизни унинг бу ғамгин манзарасини кўрсатиш билан тугатаемиз...<sup>18</sup> Энди, биз енгилгина белгилаб ўтган рус адабиётининг даврлари ҳақида замондошларимизнинг қандай фикрда эканликларини айтиб ўтаемиз. Бу рус танқидчилигининг тарихи бўлади.

Рус танқидчилигининг тарихи рус поэзияси ва адабиёти тарихининг ўзгинасидир: я'ни Европада ҳукмрон бўлган фикрлар аксадосидан йироқлашиб, сан'атга нисбатан ўзига хос қарашга эга бўлиш учун аста-секин интилишдир. Шунинг учун рус танқидчилиги ҳам рус поэзияси сингари ўзида ҳар турли ёт миллатлар элементларини сақлаб келади. Бу аввал, қисман ҳозирда ҳам, бир томондан, унинг камчилиги бўлиши мумкин; аммо вақти билан бу камчиликдан улуғ натижалар келиб чиқади. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ Европа танқидларининг қандайдир бирёқламалик ва фавқулоддалигини кўриб, уларнинг биронтасидан ҳам мамнун бўлаолмаймиз. Энди бизда барча бирёқламаликлар ва ҳартарафламаликлар муросага келиб, (пасткаш эклектиклик эмас) органик равишда бирлашиб кетадилар деб ўйлашга бигмунча ҳаққимиз бор. Балки, Ватанимизнинг, улуғ Русьнинг вазифаси ҳам шу вақтга қадар фақат Европада мавжуд бўлган бутун жаҳон тарихий тараққиётининг элементларини ўзида бириктиришдан иборатдир. Бу буюк келажакнинг вадалари олдидаги бундай шароитда биз каби эргашучи ва тақлидчи шоғирдларнинг камтарин ролимиз ортиқ ювошлантирилгандек, ҳаддан ташқари кўрimsиздек бўлиб туюлмаслиги лозим... Худди мана шу асосга мувофиқ, биз, ўз тақдиримизнинг кўпинча ўзи-

ни гоҳ у ёққа, гоҳ буёққа ураётганини ва гоҳ XVIII аснинг мағрур аббатидек эканини, гоҳ елкасида узун тўзғоқ сочли, оғзида трубкаси бор, ва қўлига таёқ ушлаб олган немис бурши каби эканини, гоҳ эса, қутурган ҳаракатли, қарашлари паришон, ҳаяжон блан нутқ сўзловчи ёш француз адабиётининг шиддатли вақх хоними (айш-ишратга берилган маишат-параст хотин) эканини кўриб, умидсизликка тушмай миз; уни турли резгилардан тикилган қуроқ либосда кўрсак ҳам тушкунликка берилмаймиз... Яхшиси, унда ҳаёт ва ҳаракат борлигидан, унинг қайнаб кўпираётганидан хурсанд бўлайлик... Фурсат беринг, у ўзини тутиб олади... Ҳали сан'ат қарор топмай туриб танқиднинг тайёр бўлиши мумкин эмас: хусусан биздаги танқидни вояга стиштириш, мустаҳкамлаш ва ўзининг оригинал қиёфасига эга қилиш учун яна жуда кўп фактлар, кўп тажрибалар керак...

Аввал бизда француз танқидчилиги ўзбошимчалик блан ҳукмронлик қилар эди. Танқидимизнинг XVIII аср французларидан дастлаб ўзлаштириб олган асоси табиатга чиройли тақлид қилишдан иборат; бизнинг танқидимиз бу асосга ўзининг бузилган тили, вазмин ва тартибсиз ше'ри ва «Пиитик эканлиги» ни қўшди. Бу нарсаларнинг барчаси Буало жаноблари шарафига қилинди; агар Буало жаноблари бизда унинг туфайли шунчалик тўполон бўлганини билаолса, ғоятда ажабланган бўлар эди. Брок, бизда француз сан'ати назариясини, унинг қандай бўлишидан қат'и назар, озми-кўпми чуқур тушунган кишилар ҳам бор эди. Бундай кишилар орасида Мерзляков диққатга сазовордир; аммо биз унинг ҳақида яна ўз ўрнида гапириб ўтамиз, ҳозир эса, бошидан бошлаймиз.

Русьдаги дун'евий ҳаётнинг дастлабки шоири сатирик Кантемир эди. Сун'ий ва тақлидий бўлган рус адабиёти поэзиянинг сатирадан бошқа туридан бошланаолмос эди. Бунинг сабаби, рус адабиётининг сун'ий ва тақлидийлигидан ташқари, рус жамиятининг тарихий ҳолатига ҳам боғлиқ эди. Юзаки, формал тушунилган европеизмнинг асрлар бўйи Осиё ваҳшийлиги

блан тарбияланган ўз қарашларимиз блан бўлган кураши сатирани юзага келтиришдан бўлак иложи йўқ эди. Шу сабабли Кантемирнинг сатирик йўли тасодифий ва зарарли бўлмай, балки зарурий ва ниҳоятда фойдали эди. Мана шунинг учун ҳам у бизнинг адабиётимизда мустаҳкам ўрнашиб қолди. Нима учун Сумароков ўзига қараганда таққослаб бўлмаслик даражада юқори туручи Ломоносовга нисбатан омма орасида ғоят катта муваффақият қозонганини ҳам шу сабаб орқали тушунтириш мумкин. Ломоносовнинг йўли кўпроқ илмий ва китобий бўлган бўлса, Сумароковнинг йўли кўпроқ ҳаётий ва ижтимоий эди. Сумароков «Россиянинг жаноб Вольтери» бўлишни истаб, сан'атнинг барча турларида ёза берган; дастлабки рус танқидчиси ҳам унинг ўзгинаси эди, чунки, у биринчи бўлиб, сан'ат ва адабиёт ҳақидаги ўзининг тушунчаларини қандай бўлмасин ёзма шаклда ифодалаган эди. Буни у ўзининг «Қаллоб Дмитрий» асарига ёзилган сўзбошиси ва журналларда босилган алоҳида мақолалари орқали амалга оширди, чунки Сумароков журналист ҳам эди; у «Мехнатсевар асалари» номли журнал нашр этар эди... Бу одамнинг тетик, серзарда, безовта манманлиги нималар ҳақида ёзмаган, я'ни нималар ҳақида ўз фикрини айтмаган! Бўш вақтларда унинг прозаик мақолаларини варақлаб чиқиш ҳақиқий роҳатдир: уларда оққўнгиллик, соддалик ва биз учун аллақачонлар ўтиб кетган замоннинг, аллақачонлар ўлиб кетган жамиятнинг руҳи жуда кўп! Сумароковнинг бема'ни трагедиялари қанчалик зерикарли ва оғир бўлса, унинг прозаик мақолалари шунчалик қизиқ ва кулгилидир. Сумароков алабий фаолиятининг энг қизиқ томонини унинг полемик йўналиши ташкил этади; бу йўналишнинг манбаи унинг ҳамма нарсани ўзига боғлаб ўз нуқтаи назаридан чиқарадиган серзарда — манманлик характерида эди. Худди мана шу характер уни ҳамма нарсага дарҳол уринишга мажбур этган. Сумароков ўзини қат'иян Россиянинг жаноб Вольтери деб ҳисоблаб, ўзи, ва жаноби Вольтердан бўлак ҳечкимни танишни истамаган, ҳечкимнинг

авторитетига қўрор бўлмаган. У Вольтер жанобларига турли адабий мавзуларда ёзиб турар ва XVIII асрнинг ферней кароматчиси томонидан мақтовли жавоблар олар экан, ўз генийси ва ўзининг ҳарнарсадан хабардор эканига яна кўпроқ ишонч ҳосил қилар эди.

Биз бу ерда Сумароков ёзган асарларининг барчасини санаб кўрсатиш ортиқча бўлмас деб ҳисоблаймиз: *диний мадҳияларнинг баёни* — 153 та; *диний мазмунли одалар* 33 та; *тантанали одалар* — 33 та; *турли одалар* — 36 та; *беҳуда одалар* (Ломоносовга пародиялар) — 5 та; *трагедиялар* — 9 та («Хорев», «Гамлет», «Синав ва Трувор», «Артистона», «Семира», «Ярополк ва Демиза», «Вышеслав», «Қаллоб Димитрий», «Мстислав») бир *драма* («Дарвиш»); иккита *опера* («Альцеста», «Цефаль ва Прокрис»); бир *пролог* («Янги лаврлар»), бир *балет* («Саҳоватнинг бошпанаси»); *комедиялар* — 12 та («Васий», «Порахўр», «Уч ака-ука рақиблар», «Оғули одам», «Нарцис», «Алдаб олинган сеп», «Бесўнақай махлуқ», «Тресотиниус», «Бема'ни жанжал», «Хаёлдаги муғиздор», «Қизининг рақиби она», «Шаллақи хотин»); *масаллар* — 378 та; *сатиралар* — 10 та; *эпистолалар* — 7 та; *эклогалар* — 65 та; *идиллиялар* — 7 та; *қўшиқ* ва *хорлар* — 126 та; *элегиялар* — 27 та; *станслар* — 4 та; *сонетлар* — 9 та; *эпиграммалар, эпитафиялар, мадригаллар, топшимоқлар, хатлар ва турли майда шеърлар* — 216 та. Буларнинг барчаси ше'рий асарлар. Прозага мансуб асарларнинг рўйхати бу: «Император улуғ Пётр жаноблари ҳақида мақтов сўзи»; «Императорица Екатерина II жаноби олийларининг тож кийиши кунига»; «Император улуғ князь Павел Петрович жаноби олийларига»; «Бутун Россия императричаси ва ҳукмдори Екатерина Алексеевна жаноби олийларига»; «Санкт-Петербург императорлик рассомлик Академиясининг очилишига», «Кремль саройининг қурилабошланишига»; «Яқин кишига муҳаббат ҳақида»; «Императрица Екатерина II жаноби олийларининг тахтга чиқиш кунига»; «Француз трагедиялари ҳақида тушда кўрилган фикр»; «Қисқача Москва йилномаси»; «Стрелецларнинг биринчи ва бош ғала-

ёни»; «Улуғ Пётрнинг қисқача тарихи»; «Фазилат ҳақида ба'зи мақолалар»; «Фалсафа асоси»; «Рус диний нотиклиги тўғрисида»; «Москванинг бошланиши ва яратилиши ҳақида»; «Мен, сен, у, биз; сиз; улар деган кишилик олмошларининг шарҳи»; «Ихтилоф тўғрисида»; «Қизғин эҳтиросли ақл блан ўткир ақл ўртасидаги тафовут тўғрисида», «Ғайритабiiйлик тўғрисида»; «Россия Вифлееми»; «Локкнинг фикрича инсоннинг тушуниш қобилияти тўғрисида»; «Типография ҳарф теручилари ҳақида», «Адолатсиз асослар тўғрисида»; «Уликлар суҳбати»; «Хатлар»; «Табият гузаллиги ҳақида»; «Қатта суҳбатлар ҳақида»; «Ғурур ҳақида»; «Тезлик ва секинлик ҳақида»; «Қадри-қиммат ҳақида», «Тўрт жавоб», «Ақлли сўз ҳақида», «Романлар ўқиш ҳақида»; «Ба'зи юқумли касаллар ҳақида»; «Фикр қилучи мунши ҳақида»; «Уйқу бахтли улфат»; «Копистлар ҳақида»; «Мактуб»; «Александр ва Геростратнинг мурдалар салтанати ҳақидаги суҳбати»; «Мурдалар салтанатидаги суҳбат»; «Қортец ва Мантецума: мурувват ва шафқат қаҳрамонларга зарур»; «Рус тилидаги ёт сўзларни йўқотиш ҳақида»; «Қамчадалларнинг ше'рияти ҳақида»; «Рус тилидаги туб сўзлар тўғрисида»; «Назоратчининг биринчи нутқидан учинчи қисми» (бирон инглиз — Spectator тамошабинидан таржима бўлса керак!), «Микромегазнинг бизнинг еримизга келиши ва унда бўлиши; Вольтер жанобларининг асаридан»; «Артиллерия гвардия полковниги Пётр Багданович Тютчевга мактуб»; «Мирзанинг ёрдамчисига, котибга ёки муншига, я'ни нима ёзаётганини ўзи билмай ёзаберадиган одамга»; «Зеҳнсиз кофиябозларга»; «Туш», «Туш», «Туш», «Бургалар»; «Жаноб Сумароковнинг ўзи томонидан ошнасига немис тилида ёзилган хатнинг таржимаси»; «Жаноби Сентикола томонидан француз тилида рус аскарларига ёзилган эпистолининг таржимаси»; «Қатл ҳақида»; «Жаноб Пасекка: мана бизнинг ўртамизда бўлган суҳбат»: «Велизариядан 10-нчи боб»; «Жаноб Примечаевга э'тироз»; «Буюмларни сотишдаги доимий рашк ҳақида»; «Олим ва кекса аёл ўртасидаги суҳбат»; «Ирсиккус ва Касандр суҳбати»; «Янгича



вақт ҳисобини қабул қилиш тўғрисида ақлли россиялиларга тавсия»; «Саёҳатлар ҳақида»; «Мода ҳақида»; «Имло ҳақида»; «Имло ҳақида «изоҳатлар»; «Уқучиларга насихат»; «Ше'рий бандларнинг тузилиши ҳақида»; «Одага танқид»; «Жаноби Ломоносов одаларини текшириш»; «Танқидга жавоб»; «Россия халқининг келиб чиқиши ҳақида»; «Исмеирий ва Исмена»; «Янги фалсафий тариқат ҳақида»; «Одам яхшиликка туғиладими ёки ёмонликка»; «Худосизлик ва шафқатсизлик ҳақида»; «Ахлоқ сўзи тўғрисида»; «Авторнинг қуйи мансабдаги кишиларга ҳурмати тўғрисида»; «Царь сўзининг келиб чиқиши ҳақида»; «Хурофот ва иккиюзламалик тўғрисида»; «Монбраннинг Москвада бўлишига доир»; «Ғалати одаги»; «Танқид ҳақида»; «Иморат қуриш ҳақида»; «Француз тилида Парижда чиққан 1755 йил апрель ойидаги ажнабий журналнинг 114-нчи ва кейинги саҳифаларида босилган Синав ва Трувор деган Россия трагедиясининг таржимаси. Трагедияни ше'р блан Ж. Сумароков ёзган». «Гўлакларга насихат: ахлоқ, тарих ва география». (Ҳаммаси бўлиб 88 мақола).

Биз бунда Сумароков асарларининг тўла рўйхатини маълум бир мақсад блан келтирдик. Уша давр одамнинг, бундай фаолияти кишини ҳайрон қолдиради! Йиллар ва соғлом фикр аллақачонлар Сумароковнинг поэтик асарлари устидан ўз ҳукмини чиқариб қўйган: замондошлари Сумароков асарларидан завқланган бўлсалар ҳам, ҳозир уларни ўқиб бўлмайди. Броқ саводли, ва энг муҳими — китоб блан театрдан Сумароков асарлари туфайли баҳраманд бўлган замондошларимиз ҳукм чиқариб ундан қўл силтаб қолмайдилар. Демак, Сумароковнинг поэтик асарлари ўқилмаган тақдирда ҳам рус адабиёти тарихининг ва рус жамияти маорифининг бир факти сифатида дэимий қолишлари керак. Сумароковнинг адабий мақолаларига келганда эса шуни айтиш керакки, улар рус жамиятининг энг ажойиб даврларидан бирини, биз учун аллақачонлар ўтиб кетган даврнинг жонли садоси сифатида бизнинг замонимиз учун ҳам гоят қизиқарлидирлар. Сумароков ҳамма нарсага баҳо берар, ҳам-

ма нарса ҳақида ўз фикрини айтар эди. Унинг бу фикрлари ўша даврдаги энг ма'лумотли ва энг ақлли кишиларнинг қарашларини ифода этар эди. Умуман шоир бўлса ҳам, лекин ўз даврига нисбатан дурустгина шеърлар ёзган, пасткаш, ҳасадкор, мақтанчоқ. Кибрли ва серзарда характер эгаси бўлса ҳам, Сумароков ҳарҳолда ақлли ва бунинг устига ўша давр руҳида юқори ма'лумот олган киши эди. Шунинг учун ҳам унинг прозаик мақолаларида, ўз даврининг руҳи ва жамиятнинг аҳволи ҳақида фактлар кўп. Бу мақолаларда у кенг ма'нода танқидчи сифатида, фақатгина сан'ат ва адабиётнинг эмас, балки замонасидаги жамиятнинг қарашлари ва урф-одатларининг ҳам судьяси сифатида ҳам кўринади. Шунинг учун биз рус танқидчилиги ҳақида гапирганда унинг (вақт жиҳатидан) биринчи вакили Сумароковни четлаб ўтаолмадик. Биз унинг асарларидан ба'зиларига, Сумароков танқидчи ва полемик мутафаккир сифатида кўрилган мақолаларга гарчи йўл-йўлакай бўлсада, назар ташлашимиз лозим. Биз ишонамизки, бизнинг кўрсатмаларимиздан сўнг кўпчилик Сумароковнинг прозаик асарлари блан қисқача танишиб чиқишни истаб қолади ва уларнинг Новиков томонидан плансиз, изоҳларсиз, кўпол имло ва ма'но хатоларига йўл қўйиб, беҳуда нашр этилганига ҳамда ҳозир Сумароковнинг барча асарларини дурустгина қилиб, энг муҳими — зарур тушунтиришлар ва изоҳлар блан нашр қиладиган одамнинг йўқлигига афсусланади. Умуман, айтиш керакки, ўз замондошларининг кўз ўнгида озми-кўпми муҳим роль ўйнаган қадимги рус ёзучиларининг асарларини ихчам ва арзон қилиб босиб чиқариш ватан адабиёти ва она тилининг тарихини чуқур билиши зарур бўлган адабиётчилар учун жуда фойдали бўлар эди. Екатерина подшоҳлик қилган даврда ёзадиган одам кўп эди. Лекин уларнинг камдан-кам қисми шуҳрат қозонган эди. Бу уларда ўз даврига мос келадиган ва у даврнинг талабларини қондираолган қандайдир бир нарса бўлганлигининг белгисидир. Майли, даврнинг диди ба'зан нотўғри бўлсин, броқ давр ҳамавақт одамдан муҳимроқ ва давр адашишларининг ўзи ҳам

мутафаккир учун доимо диққатга сазовор ва ибратли факт бўлади. Утган асрдаги кексаларнинг янги талантлар шуҳрати ўрнига отоқли кекса арбоблар шуҳратини тикламоқ учун қилган бефойда уринишлари кулгили ва аянчдир; уларнинг янги авлодни ўтмишнинг ўлик поэзияси йўлидан юргизишга интилишлари кулгили ва аянчдир; броқ айни чоқда ўз асарлари блан, бу асарларнинг қандай бўлганидан қат'и назар, жамиятда саводли кишилар сонини кўпайтирган, унда олийжаноб лаззатларга муҳаббат уйғотган ва «жамоат» деб аталган, ҳамда усиз ҳечқандай адабиётнинг бўлиши мумкин бўлмаган, нарсани туғдиришга ёрдам қилган заҳматкашларнинг номларини ҳурмат блан тилга олиш мумкин. Шундай қилиб Ломоносов (унинг асарларини бетартиб, бунинг устига унча тўла бўлмаган қадимги нашри ҳозир жуда кам топиладиган библиографик нодирлик бўлиб қолган) ёки Державин (унинг Смирдинский томонидан нашр этилган асарлари жуда муваффақиятсиз ва фойдасиз чиққан, чунки унда пьесалар пайдо бўлган вақтига қараб эмас, балки турларига қараб жойлаштирилган) ёки Фонвизин (жаноб Салаев уни анча дуруст нашр этган, аммо ёзучи қилган таржималарини бермаган) ёки Озеровларнинггина (унинг ҳамма нашри аллақачон эскириб қолган) эмас, балки Кантемир ва Тредьяковскийнинг, Поповский, Сумароков, Херасков, Муравьёв, Петров, Богданович, Княжнин, Костров, Плавильшиков, Ильин, Иванов, Макаров ва бошқаларнинг ҳам асарларини бирхил форматда ихчам ва арзон қилиб нашр этиб чиқарилиши — жуда ма'қул иш бўлар эди; агар буларнинг барчаси французлар ўзларининг қадимги ёзучиларини нашр қилганлари каби изоҳлар ва тушунтиришлар блан нашр этилса, янада ма'қулроқ бўлар эди.

Биз Сумароковнинг сан'ат ҳақидаги ўша давр тушунчасини кўрсатиб берган мақолаларига ёки полемик оҳангда бўлса ҳам ўша давр жамиятини характерловчи мақолаларигагина тўхтаб ўтамиз.

Сумароковнинг бундай мақолалари ичида биринчи ўринни унинг «Қаллоб Димитрий»га ёзган сўзбошиси

эгаллаши керак. Бу сўзбошининг оҳанги жуда полемик бўлиб, у қадим бизда «Ҳазин камедия», Европада эса мелодрама деб аталган нарсага қарши йўналтирилган. Ма'лумки, XVIII асрда мелодрамалар жуда кучли қувғин остида эдилар, жамоатнинг адабий асарларни Буало пиитикасига қараб эмас, шу асарлар бахш этадиган лаззатнинг кучига қараб қадрлайдиган қисми мелодрамаларни қанчалик севса, ўша даврдаги сан'ат назариячилари ва судьялари уларни шунчалик ёмон кўрар эдилар. Сумароков ҳам ўз навбатида улардан нафратланмай қолмас эди. Улардан бири — Москвали қандайдир бир чиновник томонидан таржима қилинган «Евгения» деган мелодрама сахнада анча катта муваффақият қозонган эди. Бу эса бошқаларнинг ҳарқандай муваффақиятига рашк қилучи Сумароковнинг мелодрамаларга душманлигини янада кучайтириб юборди. Унинг бу драмага қарши қаратилган филиппикасида ўша давр билимдонларининг сан'ат ҳақидаги тушунчаси ҳам, жамиятнинг урф-одатлари ҳам, Сумароковнинг ўз характери ҳам намоён бўлган. Мақола унча катта бўлмагани учун, уни тўла кўчираемиз:

Жамоат сўзи жаноб Вольтер ҳам шарҳлаганидек, бутун жамиятни англамайди, балки унинг кичик бир қисмини: я'ни билимдон ва дидли кишиларни билдиради. Агар мен дид ҳақида диссертация ёзсам, диднинг нима эканлигини айтиб, изоҳлаб берган бўлар эдим; аммо ҳозир гап унда эмас. Ма'лумки, Парижда ҳам, бошқа ҳамма ердаги каби, нодонлар кам эмас, чунки оламда улар тўлиб-тошиб ётипти. Қора халққа қабих халқ деган сўз эмас, балки «авом» сўзи оиддир, чунки қабих халқ ҳунармандлар ва деҳқонлар эмас, балки каторга қилинганлар ва бошқа жирканч маҳлуқлардир. Бизда бу ном дворян бўлмаганларнинг ҳаммасига берилаверади. Дворянин! Хўш, дворян бўлса нима! Илоҳий улуғворликнинг тарғиботчиси ақлли руҳоний, ёки, қисқача айтганда, шариятшунос, табиатшунос, астроном, нотиқ, рассом, ҳайкалтарош, ме'мор ва бошқалар мана шу кўр-кўрона қоидага биноан авом қаторига кирадилар. О, нафрат ва таҳқирга лойиқ бўлган ла'нати дворян гурури! Ҳақиқий авом, гарчи улуғ мартабалар эгаси бўлсада, крез бойлигини

дай мол-дун'ё хўжайини бўлса-да ва ўз уруғларини ҳечқачон мавжуд бўлмаган Зевс ва Юнонадан, голиб Филиппнинг ўғлидан ёки оламни ғаратга келтирган, рим шўҳратини барпо этган ва кейинча уни емирган Июлий Цесардан бошлаган бўлсада, нодонлардан иборатдир. Жамоат сўзи билимдон кишилар анча кўп бўлган жойда ҳам ҳечнарсга онглатмайди. Людовик XIV ўз ватанида Парнасга олтин аср берди; броқ унинг ўлиmidан сўнг дид секин-аста йўқолиб кетабошлади. Ҳали бутунлай йўқолиб кетгани йўқ, чунки биз унинг қолдиқларини жаноб Вольтерда ва бошқа француз<sup>ж</sup> ёзучиларида кўрамиз. Францияда трагедиялар ҳам, комедиялар ҳам ёзилаяпти, лекин ҳали на Вольтер, на Мольер кўринмайди; Ҳазин комедияларининг ялпи ва жирканч тури пайдо бўлиб қолди: Францияда пайдо бўлди; броқ у ерда Расин ва Мольерлар дидининг уруғлари улоқтириб ташланмайди; бизда эса театр иши ҳали бошлангани ҳам йўқ; бунақа жирканч дид айниқса улуғ Екатеринанинг асрига тегишли эмас. Бундай драмаларни киритмаслик учун мен улар ҳақида жаноб Вольтерга ёздим: броқ улар Петербургда пайдо бўлишга жур'ат этолмай, шу қисқа вақт ичида Москвага ўрмалаб кирдилар; Евгения қанчалик жирканч таржима қиллинишига қарамай ва актриса Евгения исми остида бакхантани қанчалик сурбетлик блан ижро этмасин, улар умумхалқ мақтовига ва олқишига сазовор бўлдилар: бу драмани таржима қилган қандайдир мирза эса тамошабинларга мақтовини ва уларнинг дидларини ма'қуллаб, бу олқишларни кўкларга кўтармоқда. Парнасга судьялик қилиш ва Москва аҳолисининг дидини яратиш бир мирзага қолипти!.. Тез орада қиёмат ҳам қонин бўлса керак. Наҳотки москвалилар ж. Вольтер блан менга эмас, бир мирзага кўпроқ ишонади. Наҳотки Москва аҳолисининг диди шу мирзанинг дидига ўхшаш бўлса! Лакей учун, гарчи у сарой лакейи бўлса ҳам, қўшиқларимни мендан берухсат бузиш, бостириш ва сотиш ёки ҳали ўзи ҳаёт бўлган авторнинг майлига қарши унинг драмаларини бузиш ва бузганлиги учун одамлардан пул тўплаб олиш қанчалик одобсизлик бўлса, ёки Семирани кўришга тўпланганлар ичида, худди оркестрнинг олдига ўтириб олиб ёнғоқ чақиш ва тамошага ҳақ тўлаб кирдим, деб партерда муштлашиш, ложаларда эса бир ҳафтада бошидан кечирганларини барала ҳикоя қилиб, ёнғоқ чақиб ўтириш мумкин деб ўйлаш қанчалик одобсизлик бўлса, бир мирза учун москвали князьлар ва жанобларнинг дидини бузиш ҳам шунчалик ноў-

риндир; ёнғоқни уйда чақилса ҳам бўлаверади, камдан кам керак бўладиган газеталарни эса театрдан бошқа жойда ҳам ошкора қилиш мумкин, чунки бунақа газетхонлар бунинг учун ётарли вақтга эгадир. Москвада эрака-аёл тамошабинларнинг кўпчилиги тамошахонага кераксиз газеталарни эшитиш учун бормайдилар, ёнғоқ чақиш эса уларга лаззат бермайди, ёнғоқ чиқиш эслик тамошабинларга, на актёрларга, на аҳоли учун меҳнат қилган авторга лаззат беради: авторнинг хизмати жазога эмас, балки тақдирлашга лойиқдир. Париж ва Лондонда бўлган саёхатчилар сиз айтинг! У ерда драма қўйилаётган вақтда ёнғоқ чақишадими; тамоша қизиб турган пайтда маст кучерлар жанжаллашиб бутун партерни, ложалар ва театрни ташвишга солиб, бир-бири билан қамчилашадими? Лекин нима бўлса ҳам жаноб Вольтерга юборган хатимдан нусха олиб қолмаганимга ачинаман, ўша жойда жуда юрагим сиқилиб, тобим қочиб турган эди, ж. Вольтернинг олдига кетаётган князь Козловский хат учун меникга кирганда, мен хатни оққа кўчириб асл нусхасини бериб юборганман; лекин бу му'табар ва бинобарин ғоят билимдон авторнинг жавоб хатида менинг масалаларимдан ба'зиларига, айниқса жирканч ҳазин комедияга онд гаплар бор. Агар бу масалада биров ж. Вольтерга ҳам, менга ҳам ишонишни истамаса, унда шўрвани қанд блан, чойни туз блан, кофени саримсоқ пиёз блан ичадиган ва ибодатни панафида блан қўшадиган дидларни мақтаганим бўлсин. Кун блан тун ўртасида, иссиқ блан совуқ ўртасида ва драманинг идрокли тамошабинлари блан идроксиз тамошабинлари ўртасида қанча фарқ бўлса, Талия блан Мельпомена ўртасида ҳам шунчалик фарқ бор. Нарсанинг қиммати овозларнинг миқдорига қараб эмас, балки сифатига қараб тайинланади: сифат эса ҳақиқатга асослангандир.

Мақтовга лойиқ кишини нодонлар камситолмас  
Нодоннинг мақташи мақтов қаторига киролмас.

Шундан сўнг Вольтернинг хати асл нусхада берилади. Мана Вольтернинг мелодрамага доир сўзлари: «Ҳақиқий комиклик генийси блан туғилган ва Мольерга бирмунча яқинлашиб келган Ренар замонасидан бери бизда фақат ажиб воқиалар юз беради, холос. Ҳатто тузуккина ҳазил-мутойиба ёзишга қобилиятсиз бўлган авторлар фақат пул ишлаш учун комедия

ёзишни истаб қолдилар. Трагедиялар ёзиш учун етар-ли ақл кучига ва комедия ёзиш учун зарур хушчақ-чақликка эга бўлмаган бу авторлар лоақал лакейлар орасида ҳам шуҳрат қозонаолмас эдилар. Шунда улар трагик ҳодисаларни мешчанларга хос номлар остида тақдим этабошладилар. Айтишларига қараган-да бу пьесаларда қизиқарли нарсалар бор эмиш ва агар улар яхши ўйналса, тамошабиннинг диққатини уйғотар эмишлар; эҳтимол шундайдир; шуниси ҳам борки, мен уларни ҳечқачон ўқиёлмас эдим; лекин актёрлар бирмунча иллюзия туғдирарди деб э'тироф этишади. Булар трагедия ҳам, комедия ҳам эмас — ғайри қонуний йўл блан туғилган пьесалардир; от йўғида хачир минсанг ҳам ўзингни бахтли ҳисоблай-санда, киши».

Вольтернинг хати блан мақтаниб бўлгач, Сумароков ўз сўзбошисини «Евгения»нинг мазмунини қуйи-дагича текшириш блан тамомлайди:

«Бу ҳазин комедиянинг мазмуни қуйидагича: Емон тарбия-ланган ва кўнгли қора бир ёш граф Лондоннинг ёнида тура-диган унча бой бўлмаган бир дворяннинг гўзал қизига ошиқ бўлиб қолади ва хизматкорига ўзини шу қиз блан никоҳлаб қўйишни буюради: қиз ҳомиладор бўлиб қолади, граф эса Лон-донга қайтади ва қандайдир бадавлат бир қизга унаштириб қўйилгач, у блан қовушишга ошиқади. Биринчи хотин эрининг уйига келади, ўзининг ёстиқдоши бошқа қизга уйланаётганини суриштириб билади: сочларини юлиб, югуради; қиз йиғлайди, отаси аччиғланади: уйда биров йиғлайди, биров кулади; ниҳоят қизнинг дилини ва маккорларча алдаган дворян қизини таҳ-қирлагани учун дорга осса арзийдиган алдоқчи йигит иккинчи қаллиқни, бадавлат қизни ҳам алдайди: найранг устига найранг ишлатади: қаллиқни рад қилиб, жавобини беради ва бирдан ўз системасини ўзгартириб, яна ўзининг биринчи хотинига уйланади; броқ агар ҳукумат ва руҳонийлар шундай қабих одамни ер блан яқсон қилмасалар, у эртага яна бошқа бировга уйланмас-лигига ким кафил бўлаолади! Бу разил саёқ ожизлик ва хато-ликка эмас, балки виждонсизлик ва ёвузликка йўл қўяди.

Бу баённинг ўзидан ҳам кўришиб турибдики, «Евгения» пьесаси жуда ахлоқий пьеса: саёқ қилми-

шига пушаймон бўлади ва ўз айбини никоҳ блан ювиб кетади; броқ бизнинг танқидчимиз Москва жамиятининг пьесани олқишлашини сра кечиргуси келмайди ва унда ёвуз одамни кўраман, деб ўжарлик қилади. Танқидчимиз Евгения ролини ҳаддан ташқари яхши ўйнагани учун ҳатто актрисани ҳам сўкади. Бундай танқидчилар бизнинг давримизда ҳам кам эмас...

«Наҳотки Москва ж. Вольтер блан менга эмас, бир мирзага кўпроқ ишонади» ва «Бордию Москвада Бқров ж. Вольтерга ҳам, менга ҳам ишонишни истамаса ва ҳоказо» деган жумлалар Сумароковнинг ўзига қандай баҳо беришини етарли кўрсатиб турипти. Унинг иззат-нафсининг хуружларида қандайдир соддалик ва назокат бор: бу сурбетларча мақтанчоқликдан кўра кўпроқ ўз улуғлигига бўлган илиқ ишончидир. Бу жиҳатдан айниқса унинг «Танқидга жавоб» деган мақоласи қизиқдир. Бу мақола шундай бошланади: «Менга қарши жаноб Т. томонидан ёзилган танқидга жавоб бермаслигим даркор эди; чунки мен бу танқидда ҳақоратдан ўзга ҳечнарсга топаолмадим, лекин уни овитиш лозим ва унга қарши бирон нарса ёзиш керак, токи у менинг тўғримда «Сумароков мени шу қадар ҳақоратлайдики, ҳатто жавоб бергиси ҳам келмайди» деб ўйламасин». Мана, Сумароковнинг шу танқидга қарши ба'зи э'тирозлари. Улар умуман ўша давр танқидчилигини яхши характерлайдилар:

«Бизнинг авторимизнинг хатти-ҳаракати,— деди у (танқиднинг автори) — сочларининг рангига, кўзларининг ҳаракатига, тилининг айланишига ва юрагининг уришига ҳаддан ташқари ўхшашлигига ҳайрон қолмайман». У юрагининг қанақа уриши ҳақида гапирапти, мен бунга тушунмайман, лекин шуниси ҳам борки, янги модадаги бунақа танқид бағоят ёқимлидир!

Ҳайронман: «У менинг тўғримда ўзи ким-у, бебош ва абжир музасини занжирдан бўшатиб юборган ким деб ўйлайдими, йўқми?».

У ж. Л. нинг ба'зи одаларидан мисол тариқасида бандлар келтирар экан, авторнинг нимани ухламас кўзлар деб атаганини тушунмайди. Ваҳолангки, авторнинг юлдузларни ухламас кўзлар деб атагани мутлақо равшандир, у бўлса, бу сўз фариш-



талар ҳақида айтилган деб ўйлайди. Бу банд эса мутлақо равшан.

У босмаҳонада йўл қўйилган иккита хатога худди хазина топгандай ёпишиб олипти. «Умножь сея» деб ёзиш керак эди, лекин хато бўлиб «умножь сей» деб босилиб кетипти, ва «Удобно»нинг ўрнига «Удобной» бўлиб босиллипти. Ше'р ҳақида ҳеч бўлмаганда бирозгина эшитган одам ҳам бирипчи хатони қила-олади, иккинчи хатога эса рус тилини жуда бўлмаганда бироз билган киши ҳам йўл қўйиши мумкин, деб ўйлаш мумкинми?

«Ва гарчи оданинг хусусияти, дейди у, авторнинг фикрича:

Қўқларга парвоз этиб, дўзахга ағдарилар,  
Оламнинг ҳарёғига ўқ каби тез югурар,  
Ҳамма жойда йўл очиқ, ёчкидир дарвозалар.

*Бу менинг иккита епистоламдан иккинчиси.* Лекин бу унинг худди куйган мушук сингари ўзини ҳар томонга уриши керак, деган ма'нони англатмайди. Мен куйган мушук сингари ҳар томонга ўзимни урмайман, худди куйган мушук сингари деган бундай пасткаш ибора учун эса унинг танқидидан бошқа асарларда ўрин топаолмайман.

Менинг ҳақимда, менинг ше'рларим блан у шундай дейди:

Пала-партиш ше'р ёзишда ҳеч қандай сир йўқ,  
Сан'ат удир, ўз услубин кўрсатса аниқ,  
Шоир фикри ҳис этилсин равон ва ёрқин,  
Сўзлари ҳам тизилишсин мувофиқ, эркин.

*Бу менинг иккита епистоламнинг иккинчисидан.* Билмадим, бу ше'рлар кимга, менгами, ёки унга кўпроқ келишадими?

Қушлар, читтаклар  
Бирга сайрашар.  
Тулкичалар ҳам  
Дум силкитишар.

деган қўшиқ менга менинг асарларимдан яхшироқ туюлмайди.

Сўнгги э'тироздан аниқ кўриниб туриптики, Сумароковга қарши шундай шафқатсиз танқид ёзган ж. Т. элоквенция (нотиқлик) профессори, қолаверса, барча пиитик ҳийлалар профессори унутилмас Василий Кирилович Тредиаковскийдан ўзга киши эмас.

Одада «Этотъ, эта, это»ларни сей, сая, снѣ ўрнида ишлатиб бўлмайди. Мен уларни одага киритиш такаллуфсизликнинг ўзи деб ҳисоблайман, трагедияларда эса ба'зи ўринларда киритиш мумкин, чунки улар четэл ёки оддий халқнинг сўзлари эмас: лекин мен уларни жуда камдан-кам киритаман (ишлатаман).

«Братий» ўрнида «Братиев» деб қўллаш ҳам такаллуфсизликдир. Лекин «Братиев»ни ишлатиш такаллуфсизлик бўлганда ҳам унча катта такаллуфсизлик эмас, чунки, гарчи «братиев»га нисбатан «братий» тўғрироқ бўлса ҳам, лекин ҳали «братиев» ўрнида «братий»га нисбатан қисқача «братьев» кўпроқ ишлатилади: бу ерда мен унинг кўнгли учун братьев сўзини жуда, кўп киритдим. Лекин мен қоидаларга қандай ихлос блан амал қилсам, сўзларни ишлатишда ҳам шунчалик ғайрат блан иш тутаман: тўғри сўзлар софлик туғдиради, кўп ишлатиладиган сўзлар эса тилдан ғализликни қувиб чиқаради, масалан: «Я люблю сего, а ты любишь другого» тўғри, броқ ғализ. «Я люблю этого, а ты другого» — Бунда эса, учта бўғинни чиқариб ташлаш ва кўп ишлатиладиган сўзларни қўллаш латижасида «го» ва «гаго» анча ёқимли эшитилади. ж. Т. менга ғазаб қилиб айтганидай, билмаганимдан эмас, балки шу сабабларга кўра мен мана шундай қиламан.

Паки ўрнида *опять* деб ёзганим учун ҳам мени айблайди; лекин ўн етти яшар қиз ўз ошиғи блан ҳаддан ташқари кучли эҳтирос ичида сўзлашаётган вақтида мулойим ва ёқимли сўзлар ўртасида «паки» сўзини ишлатса тузук бўлармиди: *опять* сўзи эса жуда қўлланиладиган сўз, ва агар *паки* ўрнида *опять* ёзиб бўлмаса, унда *которий, которая, которое*, деган сўзларни ҳам чиқариб ташлаш керак ва ҳозир ишлатилмайдиган *иже, яже* ва *еже* сўзларини ишлатиш лозим. Агар шундай қилсак, ўзимизни роса кулгига қўйган бўламиз. Улар бизнинг черков китобларимизда ёқимли эшитилса ҳам, лекин ишқий суҳбатлардагина эмас, балки қаҳрамонона гапларда ҳам жуда хунук чиқадилар.

Сумароковнинг танқидга қарши ёзган бу жавобида айниқса танқиднинг автори, я'ни Тредиаковский тўғрисидаги қуйидаги сўзлари жуда диққатга сазовордир: «Менинг бир епистоламдаги ба'зи ше'рлар ва комедиям туфайли у мени ҳаммадан ҳам ёмон кўради ва ўз ҳисобига олади. Майли, уни ўз ҳисобига олса олаберсин, лекин мен бу комедияни унга қарши

ёзмаганман деб, бу ҳақда қасам ичиш учун ҳечқандай асосим йўқ. Бу комедия ҳатто унинг тўғрисида бўлганда ҳам, мен уни комедия ҳамма ерда қандай ёзилса, шундай ёзганман, лекин мен бу комедиани унинг тўғрисида ёзганман демайман, эҳтимол унинг тўғрисидадир, эҳтимол унинг тўғрисида эмасдир».

Бу ерда гап «Тресотиниус» комедияси ҳақида кетаяпти. Бу комедияда ҳақиқатан ҳам педант Тресотиниус номи блан Тредиаковский тасвирланади. Бу комедияда ҳам Сумароковнинг барча комедияларидаги сингари на даврнинг урф-одатлари, на характерлар, на комизм, на зийрак ақл, на ҳақиқатга яқинлик ва на соғлом фикр бор. Табиий, Тредиаковский бу комедияда ўзига туҳмат ва бўҳтонни кўриб, унга қарши кескин ҳужум қилди.

«Ғоят ғазбланиб ва мени сўкиб, у дейдики, менинг Тресотиниусим Гольбергдан олинган эмиш. Агар бу комедия Гольбергдан олинган бўлса, у қандай қилиб Тресотниусда ўзини кўради; ёки уларда ҳам худди мен Тресотниус номи блан кўрсатилгандай нодон рус педанти бор деб ўйлайдими? Капитан Брамарбас эса ўз характери жиҳатидан Терентийнинг «Ҳарам оғаси» деган асаридан олинган. Терентий исми бу комик грек комикларининг тақлидчисигина эмас, балки деярлик таржимон ҳам эди. Брамарбас номи Гольбергдан олинган деб у хато қилади, чунки Гольбергнинг офицери немисча таржимада шу ном блан аталган, лекин Дания тилидаги асл нусхасида эса Брамарбас деб аталмайди.

Хорев бошдан-оёқ Корнелийдан, Расиндан ва Вольтердан айниқса Расиннинг Федрасидан олинган дейди у. Бу тўғри эмас; лекин унда тақлид борлигини ва беш-олтита шеърлар эса таржима эканини яширмоқчи эмасман, чунки бу уят эмас. Расиннинг ўзи, шу улуғ шоир ва муҳтарам трагик ўзининг энг яхши трагедияларида Еврипиднинг «Ифигения» ва «Федро» деган асарларига тақлид қилган ва улардаги шеърлардан таржима қилиб ўз трагедияларига киритган. Бунинг ҳечким унинг ожизлиги деб билмайди ва бундай дейиш мумкин ҳам эмас.

Менинг Гамлетим Шекспир трагедиясининг французча насларидан таржима қилинган дейди. Бунинг кимдан эшитганимни билмайман, лекин у бунда ҳам хато қилади, учинчи парданинг охиридаги монолог ва Клавдийнинг тиз чўкишини айтмаганда, менинг Гамлетим Шекспирнинг трагедиясига жуда кам ўхшайди.

Менинг шоирлик ҳақидаги епистолам, бошдан-оёқ Боалоник. Боало эса Горацийдан олган эмиш. Йўқ: Боало ҳамма нарсани Горациядан олган эмас, мен эса ҳаммасини Боалодан олган эмасман. Кимки менинг епистоламни Боалонинг шоирлик қондалари ҳақидаги епистоласи блан солиштириб кўришни истаса, у, менинг Боалодан олганим Боалонинг Горацийдан олганига нисбатан эҳтимол камроқ эканини, ва мен ба'зи нарсаларни Боалодан олганимдан ҳечқачон тонишни истамаганлигимни очиқ кўради.

Вольтернинг икки ше'ридан деярлик таржима қилиб Хорев трагедиясига киритганим ж. Т. ҳаддан ташқари кучли ғазабга келтиради, қичқиришлар ва ҳоказо жекиришларга сабаб бўлади, ваҳоланки, ҳамма гап босмада, вергульнинг бошқа жойга қўйиб юборилганида».

Бу ерда тили ва оҳангидан ташқари ўша даврдаги сан'ат ва адабиётнинг барча қонун-қоидалар мажмуаси ҳам мавжуд: бегона бировнинг асаридан идеяни, сюжетни бус-бутунича олиш, ундан айрим ўринларни тўлалигича кўчириш ўғирлик деб ҳисобланмас ва асарнинг қимматини камайтирмас эди. Броқ фақат биздагина эмас, бошқаларда ҳам шундай эди: французлар греклардан, римлилардан, инглизлардан ва испанлардан яланг ошқора ўғирлашар ҳамда буни сир тутиб, яширишни хаёлларига ҳам келтирмас эдилар. Поэзия умумий жойларнинг йиғиндисидан иборат эди; уни ўқиб ва ўрганиб олишига имконият бор эди.

Ше'риятни поэзия эмас, табиатнинг тортиғи бўлган талант белгилар эди. Ше'р ёзиш учун, айниқса қофияли ше'рлар ёзиш учун талант бўлмаганда ҳам, лоақал қобилият керак, поэма ёки драманинг сюжетини ўйлаб топиш учун ажнабий шоирларнинг асарларини асл нусхада ёки таржимада билишгина кифоя эди: бус-бутунча ол-у, кўчириб қўяқол — мана шунинг номи «изкод» деб аталарди. Ҳатто ватандош ёзучиларга қулларча тақлид қилучилар ҳам мустақил асар яратишга қобил бўлганлар қаторида барабар шоир деб ҳисобланар эдилар. Агар поэзияни умумий ўринлар йиғиндиси сифатида олсак, Сумароков ўз даври учун унча ёмон шоир эмас эди. Шунинг учун ҳам у ўз

даврига кучли та'сир кўрсатмай қололмас эди. У француз ва немис тилларини яхши билар, ўз даврининг руҳида яхши тарбияланган ва ма'лумот олган киши эди; агар унинг диди бироз тузукроқ бўлиб, манманлиги бироз камроқ бўлганда эди, рус тилни эса ҳеч бўлмаганда Ломоносов билганчалик яхши билганда эди,— ҳаётий ва ижтимоий йўналиши блан у ўз давридаги ҳамма ёзучиларни шубҳасиз орқада қолдирган бўлар ва ўша даврга нисбатан ҳақиқатан ҳам ажойиб, жиддий ўрганишга лойиқ киши бўлган бўлар эди. Сумароковнинг «Монбраннинг Москвада бўлиши ҳақида» деган мақоласида «бошқалардан кўчириш» тўғрисида ҳаддан ташқари соддалик блан баён қилинган бир фикр бор. Монбраннинг ўзи ким — билмай-миз; фақат гап шундаки, у ўқимишли француз сифатида Москвадаги энг бадавлат оилаларда яхши қабул қилинган ва Россияда яхши бургон биносини топиб бўлмас экан, оламда номусли ва виждонли одамларни йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас деб, сафсата сотиши блан тез орада хамманинг диққатини ўзига жалб қилган эди. Броқ у ўзининг «ж. Вольтер ва ж. маркиз Даржинснинг бекорчи одамлар экани, ва ж. маркиз Даржинснинг нодон киши экани тўғрисидаги гаплари блан Сумароковни қаттиқ ғазаблантирди. У менинг ж. Вольтерга ва ж. Даржинсга эҳтиромимни йўқ қилиб ташлашни ўйлаб, (дейди Сумароков) ҳаммадан кўра мен блан кўпроқ гаплашар эди. Броқ мени йўлдан уролмай, менга туҳмат қилди. Гўё мен ж. Вольтер бошқа шоирларнинг асарларидан ўғирлайди деган эмишман. У мендан ҳечқачон бунақа гап эшитган эмас. Тақлид қилиш эса ҳечқандай шоирга бадномлик келтирмайди. Мен ўзим ҳам ж. Вольтернинг, ж. Расиннинг, ж. Корнелийнинг асарларидан ошкора кўчирганман. Буни ҳамма менинг француз тилига таржима қилинган бир трагедиямда равшан кўриши мумкин. Мен эса ж. Вольтернинг янги трагедияларидан бири менинг бир трагедиямга жуда ҳам ўхшаб кетади деган эдим, холос. Бундан мен ўзимни кўкларга кўтарибман-у, трагедиялари ўз фазилатлари блан бутун Европанинг мақтовига сазовор бўлган ж. Воль-

терни эса ҳақорат қилибман деган ма'но келиб чиқмайди».

«Француз трагедиялари ҳақида тушдаги фикр» ҳақиқий танқидий мақоладир. У, Новиковнинг таҳминича Вольтерга ёзилган бўлса керак. Танқиднинг формаси ўша давр руҳида жуда ўйноқи қилиб ёзилган. Бу мақоланинг сарлавҳасидан ҳам ва унга ёзилган мана бу сўзбошидан ҳам кўришиб турипти:

Турли сабаблар мени театрдан абадий бездириб юборди. Мен учун Талиядан ажралиш менинг бағоят назокатли Мельпоменамдан ажралишдан кўра енгилроқ бўлди; броқ ҳозир мен унинг тўғрисида ҳам камдан-кам ўйлайман, бу уни ёмон кўриб қолганидан эмас, балки унинг мен учун азизлигидандир; ҳаётдан ҳам азизроқ ма'шуқангни айрилиқда эслаш кишини жуда ажаблантиради. Лекин азобли туш кўришдан ким сақланаоларди. Мени туш безовта қилди, туш давомида менинг кўзларимдан дув-дув ёшлар тўкилди. Мен тушимда Париждаги театр тамошаларида бўлибман ва ба'зи трагедияларни шунчалик аниқ кўрибманки, худди ўнгимда бўлгандай туюлипти.

Шундан сўнг Сумароков гапни Корнельнинг «Цинна»сидан бошлайди, ва тамоша пайтида ўзида қанақа ҳислар ва фикрлар пайдо бўлганини баён қилади. Кейин фалон ше'р «ғоят ёқимли», фалон ше'р эса «заиф», фалон монолог яхшию, лекин узун, фалон жойи «ғоят гўзал», фалон жойи эса «жирканч ва ярамас» каби изоҳлар берилади. Рус кишиси сифатида Сумароков ўз фикрларини жуда кескин формада баён этган! Броқ нима учун у бир нарсани яхши, бошқа нарсани эса ёмон топади?— Бунинг сабабини бизнинг давримизда ҳечким тушунаолмайди: вақт шунақа ўзгаручан нарса бўлади! Расиннинг «Федра»сидаги тўрт ше'рни мақтаб, бизнинг танқидчимиз хитоб қилади: «Расин бошқа ҳечнарсга ёзмаганда ҳам, шу кўринишнинг ўзиёқ унга абадий шон-шараф гулчамбарини тўқиган бўлар эди!» Вольтернинг «Брут»ини таҳлил қилар экан, танқидчи дейди: «Биринчи кўриниш жуда гўзал. Иккинчи кўринишдаги манави ше'рлар сизнинг дидингизни белгилайдилар (еттита

ше'р келтирилади). Брут вольтерона тарзда Аратнинг нутқини бўлади. Барча кўриниш Вольтерга ва унинг музасига муносиб ёзилган. Бу кўриниш тамошабинларни қизиқтириш ва унга гул ҳад'я қилиш блан кифояланмай фойда ва ҳосил ҳам келтиради. Янги бунёд қилинган дид учун Франция, Европа ва Париж Вольтер олдида катта қарздордир. Бу бизнинг ақлимиз ва юрагимизга лаззат бағишлайди. Шу парданинг қолган ҳаммаси яхши. Иккинчи парданинг биринчи кўринишида сиз муҳаббат оловининг унча алангаланмаганини кўрасиз, бу ҳам автор сан'атидир. Автор тамошабинларнинг қизиқишини аста-секин ортдириш ва кейин уларни жуда кучли равишда та'сирлантириш учун атайин шундай қилган». Кейин у «Брут»да шундай гўзаллик топадики, улар ҳақида шундай дейди: «Бу кўринишдан менинг кўнглим топган завқ ва та'сир, юрагимдаги ҳис ва туйғуларни тасвирлаб бериш ва француз Софокли, Расини, Метастази ва эҳтимол менинг рақибим шарафига мақтовлар ўқиш ҳақида оғиз очишимча мон'依лик қилмоқда. Мен Расиндан кўра рақибим олдида кўпроқ қарздорман».

Вольтернинг «Заираси» ҳақидаги фикр шу қадар оригинал ва очиқ кўнгиллилик блан ёки эҳтимол шунчалик эпчиллик ва муғомбирлик блан ифода қилинганки, уни тўлалигича кўчирмаслик мумкин эмас:

«Биринчи кўриниш ғоят гўзал, у нозик бир дид блан ёзилган. Иккинчиси ҳам ғоят гўзал. Бу парданинг қолгани ҳам яхши. Иккинчи парданинг биринчи кўриниши яхши, христианлар учун эса айниқса яхши. Иккинчи кўриниш яхши. Учинчи кўриниш жуда яхши ёзилган ва христианлар учун ниҳоят аянчли. Шу кўриниш вақтида фақат нодонлар ва деистларгина йиғламайдилар: уларнинг сўнгилари гарчи ота блан қизнинг учрашуви ва ҳайрон қоларли аҳволларидан та'сирланган бўлсалар ҳам бир сабаб блан, нодонлар эса бошқа бир сабаб блан йиғламадилар. Бу трагедия жуда яхши, лекин бахтга қарши мен ҳамавақт динни таҳқир қилиб ўтирган даҳрилар ичига тушиб қолибман, шунинг учун ҳам кўзларимдан чиққан ёш юзимга оқиб тушмади. Кўриниб туриптики, автор бу драмани ёзар экан, бизнинг юрагимизда христиан қонунларини мустаҳкамлашни ва даҳри-

ларни, муқаддас китобларни қабул қилмаган мана шу гуноҳкор кишиларни табиий художўйликдан ажратиб ташлашни ўзининг вазифаси деб билган. Агар бу драма деистларга ёқиб, ҳақиқий муваффақият қозонса, унда «Муҳаммад» драмаси ҳам Константинопольда мақул бўлади. Қачон бўлмасин, Брут Парижда модага кириб қолади; чунки монархиялар ўрнига республикалар барпо қилинаёпти. Лекин Заира ҳечқачон модадан чиқмайди; Киши дилига жо бўлган худонинг сўзига қараганда христиан дини ҳечқачон йўқ бўлмайди. Гарчи даҳрилар сизни шу ажойиб трагедия блан кишилар диққатини ҳақиқий художўйликдан четга тортади ва аллақачонлар заҳарланган кишиларни янада кўпроқ заҳарлайди деб ўйласалар ҳам, сиз барча христианларнинг умумий фикрича, христианликни тарғиб қилиб ва мустаҳкамлаб жуда буюк иш қилдингиз. Агар бордию сиз деист бўлганингизда эди, унда мен мана шу трагедияни нима учун ёзганлигингиздан абадий беҳабар қолган бўлар эдим. Лекин сизнинг христиан эканлигингизни билатуриб, ўз асарингизни бизнинг христианликка бўлган ишончимизни ортдириш учун ёзганингиздан ҳам хабардорман.

Бизнинг танқидчимиз «Альзира»даги бир шеърдан сўнг ғоят завқланди, жонланган партер эса уч карра гулдурос қарсак чалади. Мельпоменанинг ўзи ёзган тўртинчи пардада танқидчига аввалги пардаларда «Европача идрокнинг шарафи ҳақида сўкинган» Альзиранинг бу ўринда шу нарса тўғрисида тамоман бошқача руҳда гапирганлиги ёқмайди. «Мен сизни завқсиз мактаяпман, шунчалик завқсиз гапираяпманки, бу менга ҳаддан ташқари ёқмайди; Альзира ва Заморнинг нутқлари эса илоҳийдир».

Танқид «Меропа»нинг таҳлили блан тугалланади ва бу таҳлилнинг сўнгги сатрлари барча танқиднинг ҳам résumé си, ҳам характеристикаси бўлиб хизмат қилаолади:

Ҳечқандай камситишга ўрин йўқ: бу драмада ҳозирга қадар ҳамма нарса ҳам гўзал: учинчи парданинг тўртинчи кўринишини олайлик: уни музалар ёзган. Унинг нақадар гўзаллигини ҳис этиб турибман, лекин сўз блан тасвишлаб бераолмайман. Бу парданинг қолган кўринишлари ҳам ғоят гўзал. Тўртинчи пар-



данинг ҳаммаси жуда гўзал. Иккинчи кўринишнинг тенги йўқ. Бешинчи парданинг тўртинчи кўриниши мислсиз, бутун парда ғоят гўзал. Менга шундай туюладики, Альзира Цинна ва Аталия биринчиликни Меропа ва Федрага беришлари керак. Бу икки трагедия ўз авторларига ва Мельпоменага абадий шуҳрат ва Францияга, Европага ва барча кишилик авлодига абадий шон-шараф бўлади.

Худди мактаб болаларнинг дафтарларига ўқитучи томонидан қўйилган баҳоларнинг ўзгинаси: ёмон эмас, дуруст, жойида, яхши, жуда яхши, а'ло даражада яхши, гўзал, ғоят гўзал!.. Ўша даврда мана шулар танқид деб аталарди ва Сумароков, ҳаққи рост, Европада ўша даврдаги кўпгина машҳур танқидчилардан қолишмас эди.

«Француз тилида Парижда 1855 йил апрель ойида чиққан ажнабий журналнинг 114-нчи ва кейинги саҳифаларида босилган Синав ва Трувор деган Россия трагедиясининг таржимаси, Трагедияни ше'р блан ёзган ж. Сумароков» деган мақола Париж журналида босилган. Бу Сумароковнинг ўзи томонидан таржима қилинган ва, эҳтимол, бу ўзи ёзган «Синав ва Трувор»дан ўзга нарса эмасдир. Мақола қуйидаги сатрлар блан тугалланади.

«Лекин жаноб Сумароков Россия театрини шу трагедия блан бойитишдан аввал ба'зи ажнабий театрлар ҳақида билимга эга бўлган бўлса керак. Бунинг учун Россия унга янада кўпроқ миннатдорлик билдириши керак. *Табиат унга ҳарқанча зийрак ақл берган бўлмасин, асарнинг ҳамма жойида унинг табиий исте'додлари ҳарқанча порламасин*, агар у ҳечқачон *Расин* ва *Шекспирни* ўқимаган бўлса эди. эҳтимол муҳаббат блан рашкни шунчалик кучли, шунчалик ҳақиқатга ўхшаш қилиб тасвирлайолмаган бўларди. Хўш? Мана шундай ўрганишдан уялмоқ керакми? Агар кам деганда тақлид қилиш мумкин бўлмаганда эди, бу авторнинг энг яхши асарлари кейинги асрлардаги шоирларни ғоят зўр ташвишга тушишлари учунгина хизмат қилар эди. Агар биз Андромаха, Федра, Отелло ва Ромео ва Жуллетта каби асарларни тасаввур қилсак, шуни очиқ-ойдин кўрамизки, қадимги трагиклар мана шу икки ёки дурустроқ айтганда мана шу

ягона туйғу ҳақидаги материалларнинг барчасини сарфлаб тугатган эмаслар: лекин ҳарқандай киши э'тироф этадики, юқорида номлари зикр этилган икки улуғ зот ўзларидан кейинги шоирларга тақдим қилиш учун бирор янги нарса қолдирган эмаслар. Шундай қилиб, агар автор ўзининг барча кучини худди ўшалар тақлидида ёзишга сарф этса, уларнинг услубига қанча яқинроқ бўлса, даҳшатли жазолар ўрнига шунча кўпроқ мақтов қозонади. Ажнабий шоирларнинг асарларидаги гўзалликларни англаш ва ҳурмат қилишни билибгина қолмай, балки уларни ўз фойдасига ишлатгани учун ҳам жаноб Сумароковни мақтамаган киши жуда ноҳақ иш қилган бўлар эди. Ҳозирги даврдаги кўпчилик ёзучиларнинг таҳқирга сазовор нодонликлари шунинг учун қораланадики, улар ўзларига замондош ва ватандош бўлган авторларнинг асарларини талашга ва улардан ўғирлашга одатланиб қолиб, тақлиднинг нимадан иборат эканини билмаганлари ҳолда, ўз асарларини уятсизларча бегоналарнинг фикрлари ва сўзлари билан тўлдириб юбордилар. Жаноб Сумароковни унинг трагедиясининг мазмуни кўпчилик француз трагедиялариникига ўхшайди, деб янада камроқ айблаш мумкин. Бир хотинни севиб қолган икки ака-укани биз шу вақтгача театр сахналаридан тушмай келаётган ба'зи энг яхши трагедияларда— масалан: Родогун, Никомид Митридат, Британник, Радомист ва бошқаларда кўрамиз: лекин Синав ва Трувор билан уларнинг ўртасида бошқа ҳечқандай ўхшашликни қидириб ҳам топиб бўлмайди. Синав ва Труворни юқорида тасвирланган барча асарлар билан солиштириб кўрилса, бунга дарров ишонил мумкин.

Бизга қадимги афсоналар ма'лум эмас. Россиянинг россиялилар христиан динни қабул қилганларига қадар бўлган тарихи фақат мана шу афсоналарга асосланган бўлиши мумкин. Автор бу материални қаердан олгани ҳақида ҳечнарсга деб эслатмайди, шунинг учун биз ҳам авторнинг трагедиясида тасвирланган саргузаштларнинг тарихда бирон изи борлигини, ёки унинг мазмуни батамом хаёлий эканлигини билаолмаймиз. Шу нарса бизнинг кўнглимизга умид бағишлайдики, жаноб Сумароковнинг бу драмаси унинг ватанида буюк муваффақият қозонди ва биз шубҳа қилмаймизки, у бошқа театрларда ҳам авторнинг шуҳратига, жуда кам деганда, шундай шоирни яратган ватани ша'нига заррача зиён етказмайди. Бу шоир Улуғ Петр томонидан киритилган ва унинг му'табар қизининг ҳомийлигида гуллаб-

яшнаётган фанларнинг муваффақиятларини жонли мисоли блан кўрсатиб беради.

Сумароковнинг Ломоносовга қаратилган танқиди Сумароков авторлигининг энг кулкили томонини ташкил қилади. Одада бирор камчилик топиб (булар кўпинча ҳақиқий камчиликлар бўлмайди), Сумароков ўзининг бундай камчиликлардан қочишга интилишини ба'зан жуда очиқ билдириб қўяди. Масалан... «*Межь льдистими горами!*» деганда межь льдистими талаффузда жуда катта қийинчилик туғдирадики, мен бундан қочишга интиламан». Ломоносовнинг бир одасидаги дастлабки икки мисра' ше'р ҳақида айтган фикри унинг танқидга бўлган муносибатини билдиради.

Жондан азиз тинчлик — сукунат.

Шаҳарларчун ихотадир, қишлоқлар учун роҳат.<sup>19</sup>

Градо́в ограда дейиш мумкин эмас. Селения ограда деса бўлади, лекин ограда града деб бўлмайди. Шаҳарлар атрофи девор блан тўсилган бўлгани учун ҳам уларни град деб айтилади. Мен граднинг оградаси жимжитликдан иборат бўлишига тушунмайман. Уйлайманки граднинг оградаси жимжитликдан эмас, аскар ва қуролдан иборат бўлади. Город қаратқич келишкнинг кўплик сонида городов бўлади, град эса градо́в эмас, балким гра́дов бўлади; чунки бош келишкнинг кўплигида город городá бўлади, град эса града́ ёки гради́ эмас балки гради бўлади.

Буларнинг барчаси қисман тўғридир; брақ Сумароковнинг ўзи ҳам ўз ше'рларида тилни ва фикрни мана шу тақлидда расво қилиш ва бузишнинг яна ҳам хунукроқ фактларига йўл қўяди.

Сумароковнинг «ж. Ломоносов одаларини текшириш» деган мақоласи айниқса оригиналдир. Бу мақолада ҳечқандай мулоҳаза, ҳатто, муқаддима ҳам йўқ, унда ҳамма масала рақамлар блан қуйидаги тарзда ҳал қилинади: «*Бандлар бағоят гўзал:* (одаларни кўрсатиш учун римча рақамлар ва бандларни кўрсатиш учун оддий рақамлар келтирилади); *гўзал бандлар:*

(рақамлар); жуда яхши бандлар (рақамлар); яхши бандлар (рақамлар); дуруст бандлар (рақамлар); менинг фикримча катта тузатишни талаб қилучи бандлар (рақамлар); улар ҳақида мен ҳечнарсая деяолмай-диган бандлар (рақамлар).

Лекин Сумароковнинг Ломоносов блан рақобатлашишидаги кулгили нарса шунинг ўзи блан тамом бўлмайти: Сумароковнинг «ба'зи бандлар» номли алоҳида бир мақоласи бор; бу мақола ўн икки банддан иборат бўлиб галма-галдан бир банднинг тепасида «уники», иккинчи банднинг тепасида «меники» деган сўз ёзилган. Қуйидаги сўз боши эса бу ғалати жумбоқни тушунтириб беради:

«Ж. Ломоносов ва ўзим ҳақимдаги (я'ни менинг ҳақимдаги) мулоҳазаларни эшитабериш мени зериктирди. Дабдабали ода деган сўз авторнинг шуҳрати учун хизмат қилаолмайди: лекин бундай изоҳнинг ўзи гўзалликни эмас, балки қуруқ сафсагани билдиради. Менинг асарларимда қандайдир нозиклик, мулойимлик бор дейишади, лекин бундай баҳо трагедия авторига шуҳрат келтирмайти. Лирик авторнинг дабдаба ёрдами блан шуҳрат қозониши мумкинми! ёки драмада тасвирланган Геркулеснинг Тасс ва Гварийнийларнинг асарларидаги нола чекучи нозик Силвия ва Амарилло каби бўлиши мумкинми! Ж. Ломоносовнинг ше'рларида лирик авторларнинг ўрганишлари учун кўпгина нарса топилади: мен эса уларга Ломоносов ше'рларидаги лирик гўзалликларга диққат қилишни ва яхши томонларини ёмон томонларидан ажратишни маслаҳат кўраман. Ж. Ломоносов мен блан яқиндан таниш эди. Биз у блан ҳар куни учрашиб турардик. Ба'зилар уни дабдабали ном блан атаганларида у жирканарди. Мен буни тез-тез унинг ўзидан эшитиб турардим.

Унинг одаларидаги фазилати дабдаба эмас. Нимада, бўл-маса? Бунга икки оғиз сўз блан жавоб бериб бўлмайди, шунинг учун мен унинг ҳурматини қилиб, унинг ба'зи бандларини изоҳлаш учун эмас, балки менинг ше'рларим блан солиштириб кўриш учун бу ерда мапа шу сўзбошини келтираман: китобхондан унга нисбатан мени баланд кўтаришни сўрамайман, чунки тилаб олинган мақтов жирканчлидир: агар бордию, ж. Ломоносовга одаларда ҳам устунлик берилса, мен ундан хафа бўлмайман, мен фаҳат шуни истардимки, таҳлил ва мақтовлар асосли бўл-

син. Лекин шуниси ҳам борки, Малгерб, Руссо (Жан-Батист) ва ҳозирги лирикларнинг барчаси ўз ше'рлари устида қандай ишлаган бўлсалар, мен ҳам ўз бандларим устида шундай ишлаганман: ж. Ломоносов эса бундай қилмаган: чунки асарда тил софлиги, туроқлар гармонияси, қофияларнинг тўлалиги, мисра'ларда унли бўлмаган товушларни ўринли жойлаштириш ше'рга қанчалик ёқимлилик келтирса, одатланмаган ёзучилар учун уларга риоя қилиш шунчалик қийинчилик туғдиради. Ниҳоят— ж. Ломоносовнинг қабр тошига у поэзия ва нотикликнинг устози эди, деб ёзиб қўйилган; лекин у ҳечкимни ўқитиб, ўргатмаган ва ҳечкимни шоир қилиб етиштирмаган. Чунки ж. Ломоносовнинг шуҳрати риторикада эмас, балки одалардадир. Келажак авлодлар унинг ҳам, менинг ҳам, ше'рларимни, қолаверса бизнинг мактубларимизни кўришади ва устимиздан ҳукм чиқаришади: лекин авлодлар мана шу қабр тошидаги ёзувга кўра, мени ҳам унинг шогирди деб ўйлашлари мумкин ёки ўйлашлари керак; лекин мен Ломоносовнинг номини ҳатто ҳечким эшитмаган вақтларда ҳам ше'р ёзар эдим. У Германияда ёзабошлаган, мен эса Россияда. Мен ёзабошлаганимда, унинг бирон қўлланмасидан ўрганиш у ёқда турсин, унинг тўғрисида ҳечнарсга эшитмаган эдим. Ж. Ломоносов мендан бирнеча ёш катта эди; лекин бундан мен унинг шогирдиман деган ма'но келиб чиқмайди. Мен, на ж. Ломоносовни, на мени бу яқин ўртада кўраолмайдиган авлодларни мана шу шоирнинг номусига заррача тажовуз қилмай, бундан хабардор қилиб қўяман. Уларни айниқса шунинг учун хабардор қилиш керакки, бизнинг тилимиз ва поэзиямиз йўқолиб бормоқда; Россия Парнасини пиитик жаҳолат вабо касалидек бўғмоқда; лекин мен бизнинг гўзал тилимиз ҳалок бўлаётганига жуда афсуслансам ҳам, бу касални йўқотиш йўлларини каромат қилаолмайман. Лекин ж. Ломоносовга келганда, шунини айтиш керакки, мен уни мақтар эканман, унинг одаларидаги руҳнинг жонлилиги ҳақидагина ўйлайман. *Агар у ўз одаларини тозалаёлганда эди, поэзиянинг бошқа турларига берилиб кетмаганда эди, у шоирликда улуг зот бўлар эди.*

Мана, кўрдингизми! Бирор кишининг шуҳрати Сумароковнинг шуҳратига халал берар экан, у ҳолда у ҳазиллашишни севмайди. Узининг «Имло қонуни» деган узундан-узоқ мақоласидан у Ломоносовдан устун туришини профессорлик оҳангида уқдириб,

Ломоносовга тинмай тегажаклик қилади. „i“ ҳарфи ўрнида «е» ҳарфи, «достоён» ўрнида «достоен», «бывший» ўрнида «бывшей» ишлатгани учун Ломоносовга ҳужум қилиб, Сумароков асосли равишда шундай дейди: «бу янги киритилган қоида на тил хусусиятида, на қадимги китобларда, на ишлатишда ўз асосларига эга эмас, унинг ягона асоси ж. Ломоносовнинг ўзбошимчалигида ва унинг тарафдорларининг унга бўлган иззат-эҳтиромидадир, ёки бундан ортиқроқ, Ломоносовнинг академиклигидадир. Шундай қилиб, бу қоиданинг асосини академияга олиб бориб тақашади, лекин академия Ломоносовнинг ўзидан иборат эмас, Ломоносов академиянинг а'зоси, холос. На академия, на Россия бу қоидани тасдиқлаган эмас ва Академия уни тасдиқлайолмас ҳам эди, чунки у фан блан шуғулланади, лекин зинҳор тил ва адабиёт фанлари блан шуғулланмайди». Сумароков давом этиб, Ломоносовнинг ба'зи сўзларда провинциал талаффузни жорий қилганидан (масалан, *лета* ўрнига *лета*, *градов* ўрнига *градов* каби) шикоят қилади. «Кўпчилик ўйлаб кўрмасдан унинг бундай хатоларини пиитик зийнат деб қабул қилган, уларни қўллаш тилимизни бузади, бу ж. Ломоносов учун шаҳарда эмас, балки провинцияда деҳқон оиласида туғилган бир қишлоқи сифатида кечирарли ҳолдир; лекин провинцияда туғилмаган ва деҳқон оиласидан чиқмаганлар учун буни зинҳор кечириш мумкин эмас». — «Лекин (қўшимча қилади у) мен ж. Ломоносовнинг насл-насабини та'на қилиб унга эслатаяпман деб ўйламасинлар учун айтиб қўяйки, бизни олийжаноблик эмас, балки Муза Парнасс даражасига кўтаради; чунки олийжаноблик бизнинг фазилатимиздаги энг сўнгги сифатдир, бошқа фазилатга эга бўлмаганларгина олийжаноблик ҳақида кўп ўйлайдилар. — Ломоносовнинг «о» ҳарфини «ф» ҳарфи блан олмоштиришнинг сабаби ҳақида Сумароковга берган жавобидан кўринадики, Ломоносов у блан жиддий баҳслашувга киришишни лозим топмаган: Бу ҳарфнинг таянчиги бор, бинобарин у пишиқроқ». — «Истеоддли жавоб, лекин дуруст эмас» — дейди Сумароков.

фе'ллар блан қўшиб ишлатиладиган *при* кўмакчисида «и» ҳарфини „i“га олмоштирамай унинг ўзини сақлаш лозимлиги ҳақида гапирар экан, Сумароков қўшимча қилади: «ж. Ломоносов бу масалада расо бир йил мен блан баҳслашиб келди ва ниҳоят аниқ тафсилотлари топилгандан сўнг тан бергач, менинг фикримни буюк бир ғайрат блан ма'қуллайбошлади; лекин бу тўғрида мен блан ёзма равишда келишишга улгураолмади, ёки *ўртамиздаги нотикликка ҳам, тилга ҳам алоқаси бўлмаган хусусий низо'ларда вақти келгунча* мен блан келишишни истамади; нима учунлигини билмайман, у менинг асарларимдаги *днесь* деган равишда танқид қилди ва унинг ўрнига бошқа ифода топаолмагач, *ныне* ўрнида *нынъ* қўллаб бошлади; лекин *ныне* ўша қисқа аниқлик ма'носини бермайди; *ныне* ўрнида эса *нынъ* ёзиб бўлмайди; чунки ёзучиларнинг ҳатто улар шоир бўлган тақдирда ҳам, «э» ни «ь»га айлантирашга ҳаққи йўқ; чунки шоирлар ҳам ҳамма нарсани эмас, ба'зи нарсаларнигина, ўшанда ҳам нутқни бузмайдиган нарсаларни қўллаш ҳуқуқига эга. Ахир «*нынъ*»нинг ўзи нима учун керак, чунки «*нынъ*» ҳам худди «*ныне*»ни ифодалайди; бир бўғиннинг қисқалиги эса моҳир шоир учун ҳечқандай қийинлик туғирмайди». — Ҳақиқатан ҳам, Ломоносовнинг *ныне* ўрнида *нынъ* ишлатиши Сумароковнинг *меня* ва *тебя* ўрнида *мя* ва *тя* ишлатиши каби келишмаган ҳолдир. Умуман, бошқалар ҳақида Сумароков кўпинча асосли ва ҳақ гапирди. Масалан, тилнинг секин-аста бузилиб боришидан шикоят қилиб, у мана шу бузилишнинг ҳайрон қоларли мисолларини келтиради. Масалан, «*февраль*» ўрнида «*февраль*» ва «*прорубь*» ўрнида «*пролубь*» ишлатилишини айтади. Лекин шунинг блан баробар, ба'зан ҳечқандай хавф-хатар бўлмаган ўринда ҳам ҳалокатни кўради ва кўпинча ўзига ўзи қарши чиқади; масалан, бир томондан сўзларнинг пайдо бўлишида туб ўзакни сақлаш учун *приятний* ўрнида *приятный* ёзишни талаб қилса, иккинчи томондан «воз» кўмакчисининг фе'лларга қўшилганда ўзакдаги «з» ҳарфини сақлаб қолишни истамайди ва ўзининг барча

кулгили тажанглиги блан бунга қарши отланади. «Ахир дун'ё — дун'ё бўлгандан бери бирор халқнинг ёзувида ҳозир биз бошимиздан кечираётганимиз каби бема'нилик содир бўлганми! *Возток, източник, превосходительство!* Албатта, бунақа бема'нигарчиликлар қабул қилинар экан, тилимизнинг ҳалокати тезлашади.

Сумароков рус тилини бузишда малоросслардан, фақат уларнинг ёзучиларидангина эмас, балки *во веки веков* ўрнида *во вики виков, тебе господи* ўрнида *теби господы* ва ҳоказо деб ёзган ва куйлаган қўшиқчиларидан ҳам шикоят қиладики, бу ўша даврнинг факти сифатида ажойиб ҳолдир. «Бирон кимса (деб қўшимча қилади Сумароков); мени малоросс олимларига қарши қўл кўтараяпти деб ўйламасмикан; йўқ: худо фақат бизга эмас, ҳатто Малороссиядаги авлодларимизга ҳам янги Феонфанларини кўрсатсин! Нотиқликдан қандайдир бир нуқсон бор, лекин, шу блан бирга унинг номининг ҳам, давримизнинг ҳам қанчалик шуҳрати бор!

Сумароков возток, източник ва превозводительствого қарши кулгили бўлса ҳам ғайрат блан ҳужум қилгандан кейин, Ломоносовга қарата кулгиликда ва ғайратда бу ҳужумдан заррача қолишмайдиган хитоб қилади:

О Ломоносов, Ломоносов! Сен агар ўлимнингдан сўнг ўз асарларингни мана шу хатоли ёзув блан босиб чиқарилганини кўрсанг, нималар дер эдинг! Бу сенга жазо ўрнидадир. чунки имло масаласида ва тилимизга доир бошқа масалаларда орамизда тез-тез бўлиб турадиган низо'ларда сен кўпинча менга қаршилиқ қилар эдинг. Биз авваллари орамизда тез-тез низо'лар бўлиб туришига қарамай, ўша пайтларда ҳали ҳам учрайдиган фаросатсиз ёзучиларни ва Аргениданинг таржимасини қоралашда, бир-биримиздан маслаҳат сўрар ва бу масалаларда ҳамфикр эдик. Агар сенинг даврингда ҳам Русьда шунчалик ёлғон гапирганларида эди, ортиқ ўртамизда низо' бўлмас эди. Сенинг замонамизда ҳам ёлғончилар бўлган, лекин улар кам эди: ва ўлар камтарроқ эдилар; ҳозир эса улар ўз ота-боболарининг гуноҳлари туфайли кўпайиб кетганлар, ва шундай ёзадиларки, улар-



нинг ёзганидан ма'рифатли одамлар уёқда турсин, ҳатто девор ҳам уялади. Афсуски ёлғончилардан ўлпон, шоирларни эса рекрутликка олинмайди; бўлмаса, улардан жуда енгиллик блан икки полк тузиш мумкин бўларди. Барча ёзучилар ва таржимонлардан ҳам рекрутликка олинадиган бўлса, бир ойнинг ичида бутун бошли бир армия жангга тайёр бўларди, лекин уларнинг солдатлиги ҳам ёзучилигига ўхшаш бўлса, унда улар блан на вазирни қувиб бўлади, на Бендерини олиб бўлади.

Сумароковнинг Роллен тарихининг Трелиаковский томонидан қилинган таржимасига қарши чиқиши жуда ажойибдир. «Мана, (дейди у) бизни нодонлар бойтаётган асарлар ва таржималарнинг кўпайишидан кутилган фойда! Ёлғончилар кўпроқ ёлғон гапирсиё деб уларга мақтовлар блан далда берганлар, чунки ёмон ёзмай туриб, яхши ёзиш мумкин эмас эмиш. Бу зарарли. Броқ ёлғончиларнинг асарларини босиб чиқариш лозимми? Ролленнинг ўз вақтида қадирланмаган қадимги тарихи таржима қилинганда ёт тилларни билмайдиган ўқучига ўз ма'лумотини бироз оширишга ва зерикшдан қочишга ма'лум даражада ёрдам беради; *броқ тилимизни эса ўлимтик яра каби заҳарлайди*».

Умунан, бу мақоладан Сумароковнинг шахс ва унинг замонаси барқ уриб турипти: мақолада унинг даври худди жонлангандай, ва у блан суҳбат қилаётгандай туюлади.<sup>20</sup> Бу мақолада ким саваланмайди, ким ҳақорат қилинмайди! Ёзучилар ҳам, хотин-қизлар ҳам, мирзалар ҳам!.. «Аёлларимизнинг кўпчилиги (дейди танқидчи) имло қондаларига амал қилмайдилар ва тўғри келганича ёзаберадилар. Масалан, *матушка мая галубушка пажалуй отпишика мне душа мая где ты купила вчерашний градитур*, ба'зан эса ҳатто гарнитул деб ёзадилар. Мирзаларнинг саводсизлиги ва узундан узоқ филиппикаси тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ: Сумароков мана шу заҳарли фисқи-фасодчилар, мана шу қўпол авлод (у мирзаларни шундай атар эди) ҳақида сўз бошлар экан, унинг сатирик ғазаби доим ўз қирғоқларидан тошиб чиққан дар'е каби тўлқинланарди.

Қуйидаги парча қадимги адабиётимизнинг энг ажайиб факти сифатида бизнинг давримиз учун хизмат қилаолади:

«Мен ҳам кучларни (сўзлар устидаги урғулар) ёзар эдим. Гарчи мен уларга нафрат блан қараган бўлсамда, узоқ вақтлар давомида уларга рия қилдим ва уларни йўқотиб ташлаш учун ўзимга бирор ҳамкор изладим. Броқ тўғри ёзувда, грамматикада ва нотикликда кўзга кўринган ж. Козицкий ва ж. Мотонисларнинг ўзлари (мен уларга ҳечқачон кучларга нисбатан бўлган ўз нафратимни ошкор қилмаганман) меҳнатсевар ари деб аталган ойлик журналда кучларни йўқотиш ишини бирга бошлаш ҳақида мени огоҳлантирдилар. Биз шундай қилдик: буни ўша журналнинг дастлабки сонларида бошламасликка келишдик. О, агарда бу ҳам қабул қилинганда эди. Бу масалада ҳам моҳир ва эпчил ж. Полетика гўё менинг фикримни билгандай, *отоқли отлардан ясалган сифатларни «Российское войско»* ва бошқалар каби катта ҳарфлар блан ёзмаслик тўғрисида мени қачонлардир огоҳлантирган эди. Биз барча саҳифаларимизни катта ҳарфлар блан ҳаддан ташқари тўлдириб юборамиз. Бунинг қанчалик асосли эканини мен билмайман; лекин бизнинг имло қондамиз бўйича, катта ҳарфлар фақат нуқталардан кейин, асарнинг бошланишида ишлатилади ва яна ше'рларда ҳарқайси мисра'нинг бошида ишлатилиши керак.

«Ше'р тузилиши ҳақида» деган мақола Сумароковнинг Ломоносовга қарши кулгили ҳужумлари блан тўлиб тошган.

«Ж. Ломоносов суханварликнинг камчиликларини, я'ни қофияларнинг камбағаллигини, ҳарфларни ноўрин жойлаштириш орқасида талаффузда туғиладиган қийинчиликни, ше'р тузилишидаги нософликни, услубнинг ғализлигини, грамматика ва тўғри ёзув қоидаларининг бузилишини ва нозик қулоқларга дағал қадалучи ва заҳарланмаган дидларга жирканч туюлучи нарсаларнинг барчасини билар эди; броқ бу буюк қийинчиликдан қочиб, ше'риятда исте'дод тополмай ва фақат биргина лирик поэзияга қобилиятли бўлгани туфайли, яна бунинг устига бета'йин мақтовларга таяниб, у ше'р тузилишини тузатиш ўрнига уни яна ҳам ортиқроқ бузди ва бу бузишнинг деярлик намуна-

сига айланди. Уз асарларида тўлиб ётган бундай бузилишлар бошқаларда учраса, уларни қораламай, улар учун ше'риятга жуда енгил йўл очиб берди; броқ бу йўл кишини парнас чўққиларига кўтармайди. Ж. Ломоносовнинг бандларида гарчи уларнинг ба'зилари ёки, дурустроқ айтганда, уларнинг барчаси ҳам етарли бўлмасада, лекин мақтовга сазоворлари ҳам анчагина бор: лекин унинг давомчиларида эса ба'зан ше'риятнинг ҳиди ҳам кўринмайди. Ж. Ломоносовнинг моҳирликдан узоқ ва тузалмас бир шоир бўлганини мен кўпроқ сўзлар блан эмас, балки рад қилиб бўлмайдиган далиллар блан кўрсатиб берман; ва ҳамма менинг ҳақ эканимга иқрор бўлади. Бу ҳақиқатнинг кўпчилиги унинг ўзига ҳам тез-тез айтилиб турилар эди. Афсуски, биз бир вақтлар у блан дурустгина дўст эдик, кун ора суҳбатлашиб турардик ва бир-биримиздан яхши-яхши маслаҳатлар сўрар эдик, мен ўзим у пайтларда ше'р тузилишидаги нозикликларни билмас эдим, броқ кейинчалик, узоқ вақтли тажрибадан сўнг мен улар тўғрисида ҳақиқий тушунчага эга бўлдим... Лекин спондейлар ж. Ломоносовнинг энг яхши бандларини ҳам бузар эди, бу эса менда кучли бир афсус туғдирарди, чунки фақат у ва ж. Поповскийгина Россия вужудга келгандан бери ше'рият бобида биринчи бўлиб, бизнинг парнасмизга ҳақиқий шон-шухрат келтиришган. Агар ж. Ломоносов мен блан муроса қилганда эди, биз Россия нотиқлигини мана шу аҳволда — кундан-кун сўлиб бораётган ва узоқ вақтларгача бутунлай сўлиб қолиш хавфини туғдириб турган бир аҳволда кўрмаган бўлар эдик. Мен ва яна ба'зи руҳонийлар ҳамда ж. Козицкий, Матонис ва агар бор бўлса, уларга ўхшаш ба'зи одамларгина ҳозирча бу нотиқликнинг таянчидирлар.

«Рус тилидан ёт сўзларни чиқариб ташлаш ҳақида» деган мақола рус адабиёти тарихининг энг қизиқарли фактлари қаторига киритилиши мумкин: бу мақола шуни исботлаб берадики, тилимизга француз сўзлари ва ибораларининг суқилиб кириши асло Карамзин реформасининг натижаси бўлган эмас, чунки бу реформага қадар ҳам француз сўзлари ва иборалари тилда тўлиб-тошиб ётган эди. *Фрукты, сервис, антишамбера, камера, сюртук, суп, гувернанта, аманта, дама, валет, атут (козырь), роа (король), мокероваться, элож (мақтов), принц, бурса, тоалет, пансив*

(хаёлчанг), *корреспонденция*, *кухмистр*, *том*, *эдиция*, *жени* (я'ни гений, жени деганда Сумароков зийракликни тушунган), *бонсан* (соғлом фикр, Сумароков уни мулоҳаза деб таржима қилади), *эдюкация*, *манифик*, *деликатно*, *пассия* каби сўзлар устидан Сумароков қаттиқ кулган. Броқ бу сўзлардан кўпчилиги исте' молдан чиқиб кетган бўлса ҳам, лекин анчаси қолган; тил даҳоси ёзучилардан кўра ақллироқ ва у нимани қабул қилиш ва нимани чиқариб ташлаш кераклигини билади. Агар Сумароков улар устидан кулар экан, қуйдагича жумлаларнинг ишлатилган бўлиши ҳам эҳтимол: «Я в дистракции и дезеспере; аманта моя сделала мне инфиделите; а я а ку сюр против риваля моего буду реванжироватся».

Сумароковнинг кулгили, самимий ва айни чоқда сурбетларча мақтанчоқлигининг бир белгиси сифатида унинг четэлга бориб икки йил туриб келиши ва сўнг ўз саёҳатини тасвирлаб бериши ҳақидаги чақиригини эслатмай ўтиш мумкин эмас. «Қаламим кучини (дейди у) ёмон таржималар орқали бўлса ҳам Европадаги энг билимдон одамларнинг ҳаммаси билади ва мени мақтайди, бу мақтовлар етук ва шаклланган фанларга эга бўлган халқлар авторларининг ҳам хоҳишларини орқада қолдириб кетади. Мен ўз асарларим блан Россияга шон-шараф келтираётганим ҳақида бутун Европадаги энг билимдон кишиларнинг барчасини ғувоҳ қилиб кўрсатишим мумкин». Икки йилу тўрт ой ичида у ҳукуматдан ўз маошидан ташқари 12000 сўм пул сўраган. «Бу пуллар менинг саёҳатномаларим нашр қилингандан сўнг ҳазинага ортиғи блан қайтарилади, чунки уларнинг 6000 нусхаси уч сўмдан сотилса 18 000 сўм бўлади, бундан ташқари улар ҳамавақт ҳам сотилаберади, демак, ҳазина ҳечқандай зарар кўрмайди». — «Агар менинг қаламим сингари қалам блан бутун Европа тасвирланган бўлса, бу иш учун бадалсиз 300 000 сўм сарф қилиш ҳам Россияга қимматга тушмас эди. Мен буни ўзим учун эмас, балки ватанимнинг фойдаси учун сўрамоқдаман. Менинг шахсий бойлигим эса биргина ўзим учун шуҳрат келтиради холос».

Сумароковнинг эклогалари шундайки, ҳозир уларни матбуотда кўриш кишига ғалати туюлади. Уларнинг барчаси қуйидаги каби бир қолипда тугалланади:

О ёвуз Перияндир!... ифпатга завол этар,  
Ўзни сенга топширсам... подачи жур'ат этар.  
Ўжарликни тарк этар, Туллия жанжаллашмас,  
Кечаси блан ўчмас унда эҳтирос-ҳавас.  
Токи тонг отиб, шарқда пайдо бўлгунча шафақ,  
У, подачи блан айш қилар хурсанд ва иноқ.<sup>21</sup>

Шунга қарамай, Сумароков бировларни йўлдан уришни ёки уларга одобсизлик қилишни хаёлига ҳам келтирмаган; аксинча, ахлоқ учун жон куйдирган, у эклог поэзиянинг шундай бир турики, у ўз моҳиятига кўра худди мана шундай сюжетлар ва шундай ечимлар талаб қилади деб ишонган. У ўз эклогларини «Россия халқининг гўзал аёл жинсига» бағишлайди ва бу бағишловда поэзиянинг бир тури сифатида эклог назариясини мана шундай баён этади:

Гўзаллар, мен шу асаримни сизларга бағишлайман; агар бирортангизга менинг эклогларим муҳаббат блан ҳаддан зиёда тўлдириб ёборилгандай туюлса, билиб қўйингки, поэзияда муҳаббат етарли (тўла) бўлмаса, у поэзия бўлмайди; яна шуни ҳам тасаввур қилинган олтин аср кунларида на никоҳ, на шунга мансуб расм-русмлар бўлган эмас: у вақтларда оташин эҳтирос блан садоқат жўр бўлган нозик латофатгина ишқий лаззатнинг асоси эди. Сухбатларда ўғирлик, одам ўлдириш, босқинчилик, чақимчилик ҳақида шарм-ҳаёсиз гапираберилади; наҳотки шундай гап-сўзлар изҳори муҳаббатдан, айниқса ҳайвоний ҳирс ва ҳавасга даҳли бўлмаган ҳақиқий муҳаббат ҳақидаги гаплардан олийжаноброқ бўлса? Менинг эклогларимда ахлоқсиз шаҳватпарастлик эмас, балки латофат ва садоқат кўкларга кўтарилади, қулоққа ўқдай қадалучи жирканч сўзлардан эса асар ҳам йўқ. Асосида фақат шаҳватпарастлик ётган муҳаббат нафратга сазовор; заиф аёлларни алдаб йўлдан уришга интилуши ошиқлардан ҳам нафратланиш керак; алдовга учган хотинлар ҳам бир қадар қораланишга лойиқ; муруватсиз шаҳватпарастлик ҳам ла'натга сазовор; броқ соф ишқий латофат ва садоқат

эса олам пайдо бўлганидан бошлаб то оламнинг энг сўнги кунигача ҳурматга сазовор бўлади. Муҳаббат ҳарқандай нафаснинг манбаи ва асосидир, бинобарин поэзиянинг ҳам манбаи ва асосидир; шундай экан, агар шоир аҳмоқона огоҳлантиришлар ва беъмани миш-мишлар қаршисида даҳшатга тушса, эклоглар ёзаоладими. Сиз, гўзаллар, фақат шуни эсда тутингки, ҳақиқий муҳаббат эмас, ахлоқсиз ишқ ва ҳавас уят, ёмон, зарарли ва ҳалокатлидир ва муҳаббатни куйловчи, латофатга асосланган, номус ва садоқатга таянган эклоглар эса гарчи ҳарқандай эзгу иш сунисте'молдан ҳоли бўлмаса ҳам, ўқучи хонимларни тўғридан-тўғри йўлдан ураолмайдилар. Адолатдан му'табарроқ нима бор? Броқ ундан ҳам қанчадан қанча бўҳтон ва миш-мишлар чиқади, бу эса инсонни жабрлайди ва ҳалокатга иторади. Нима му'табарроқ: оташин муҳаббат блан тўла гўзал услубли эклоглар ёзишни ёки бўҳтончиларнинг маккорлик блан тўла ва бемаза услубда ёзилган мактубларими?

Бу сўзбошининг қадимий тилини бир четга қўйингда, унинг асосий фикрини ўқинг: бу фикр ўша асрнинг фикри эди. Дезульерлар, Геснерлар ва Флорианлар ўз эклоглари ва идиллияларини худди мана шу назария асосида ёзган эдилар. Улар ҳечқачон ва ҳечқерда мавжуд бўлмаган воқи'ликни тасвирлаганлар. Улар ифбатлилик ҳолати ҳайвонийлик ҳолатидан ўзга нарса эмаслигини (бунинг шундай эканлигини Африка, Америка ва Австралиядаги барча ёввойи қабилалар исбот қилади) тушунмай, ҳақиқатан ҳам ифбатлиликнинг олтин асри бўлган деб хаёл қилганлар. Улар мана шу гуноҳсиз кўринган одамларга ўзлари яшаб турган даврнинг ширин ҳиссиётларини ёпиштириб қўяр ва биз пастораль ҳаётни тасвирлаяпмиз, Дафинслар, Меналкалар, Титирлар, Коридонлар, Аглайлар, Хлойлар, Амариллар ва Галатеялар жонли ва гуноҳсиз шахслардир деб батамом ишонар эдилар. Ваҳоланки, бу XVIII асрнинг барча поэзияси каби (лекин кенг ма'нодаги адабиёт эмас) шунчаки умумий риторик парчалар эди, холос. Умумий жойларнинг мана шу сан'атини тушунишга ва ундан ўз даври учун фойдаланишга Сумароковнинг ақли ва қобилияти бемалол етар эди, албатта.

Ўз даврининг ҳақиқий танқидчиси бўлган Сумароков ҳамма нарса ҳақида — эзгилик, фалсафа, грамматика, поэзия, тақиқлайдиган савдонинг тор системаси, катта суҳбатлар, романлар ўқиш ва ҳоказолар тўғрисида фикр юритади. Унинг фикрлари орасида жуда чуқур бўлмасда, ҳарқалай соғлом ва уз даврининг жамияти учун фойдали бўлган фикрлар тез-тез учраб туради. Унинг мирзаларга қарши олиб борган жанги ҳақида бутун бошли бир мақола ёзиш мумкин: бу чарчамас жангчи уларни ҳамма ерда ва ҳарқанақасига қоралар, шармандасини чиқарар эди! Мирзалар ҳақида гапирар экан, Сумароков баджаҳл ва кескин бўлиб кетар, илҳоми эса қайнайбошлар эди. Мана шу қабиҳ авлодга (унинг ифодаси блан айтанда) бўлган нафрат унинг қалбининг жонли тори эди; бу нафратнинг олийжанобликдан келиб чиққанлиги ва унинг жамиятга фойда келтирмай қололмаслигига ким рози бўлмайди: ўзига хос поэзиядаги дидактик йўналиш халқнинг антипоэтик характерининг белгисидир; аммо реформа ва янги қондалар туфайли рус тақлидий поэзиясининг биринчи босқичида юз берган дидактик йўналиш ҳаётийлик ва ижтимоийлик белгиси бўлиб жамият учун ҳам, сан'атнинг ўзи учун ҳам фойдали эди; чунки жамият бундай поэзияда ўзи учун фойдали панд-насихатлар топаолгани учунгина унга аҳамият блан қарайбошлади. Дидактик поэзия ўзининг барча мазмунини сарфлаб тугатгандан ва ортиқ олға босолмай қолганидан кейин унга қарши реакция бош кўтарди ва поэзияга ижодий қараш керак, поэзия поэзия учун, деб да'во қилабошлади, лекин поэзиянинг дидактик йўналиши туфайли ўқиш, поэзия блан шуғулланиш аллақачонлар одат бўлиб қолган эди.

Шундан сўнг дидактик поэзияни ҳақиқий сан'атга ёт ва сохта бир поэзия сифатида рад қилмоқ қийин эмас эди. Лекин бу, тўсатдан эмас, секин-аста қилинди. Буни биз кейинги мақолада кўрсатамиз. Аввал поэзияни панд-насихат қилиш мажбуриятидан озод қилмай, унга қаҳрамонона фидокорликларни ва зафарларни куйлашга эрк бердилар, кейин унга фантазия майлининг ифодачиси бўлишга ва ниҳоят форма-

нинг нозиклиги ва жозибадорлиги учун ҳиссиётнинг шўхликларини ҳам, серкўпик винони ҳам, хушчақчақ базмларни ҳам, ёқимли эринчоқликни ҳам куйлашга йўл қўябошладилар. Шундан кейин сан'атнинг мақсади сан'атдан иборат, поэзия ўзидан ташқарида ҳеч қандай мақсадга эга эмас ва эга бўлиши керак ҳам эмас деб э'лон қилдилар ва бу блан адабиётдаги эскилик тарафдорларини бениҳоя қизиқдириб қўйдилар. Бу фикрда ҳақиқатнинг анчагина қисми мавжуд бўлгани сабабли ва бу фикрни онгламай туриб оннинг алоҳида ва мустақил тормоғи бўлган сан'ат ғоясини тушуниш мумкин бўлмагани учун, улар бу фикрни кишилар онги бир томонламалик ва фавқуллодлик даражасига етмай туриб, бу фикр соғлом ақл эгаларини эгаллаб олди ва уларни бема'ниликка олиб борди. Энди танқидчилик олдида янги вазифа туради — ижодиёт эркинлигини замонанинг тарихий руҳга хизмат қилиш блан, ҳақиқатга хизмат қилиш блан келиштириш вазифаси туради. Шундай қилиб, Сумароковнинг дидактик йўналиши унга замондош бўлган жамият учун фойдали эди. Бу жамиятдан унинг эпистоллари ва сатиралари ўзининг нисбий қимматига эга. Ғализ тилига, ифодаларнинг хаёсизлигига қарамай, масалан, қуйидаги мисра'лар баринлик ғурури блан заҳарланган у асрда *кўплар* учун жуда фойдали ва ибратли эди:

Дворянлар, шу ҳажвим юбораман сиз сари:  
Сизга ёзаман, юртнинг биринчи а'золарин.  
Дворянлар ўз бурчин яхши билар менсиз ҳам,  
Аммо нуқул уларни хотирлайди кўп одам.  
У туғилганми оддий хотиндан, сатангдан ё,  
Ҳаммасига ҳам бирдай отадир Одам Ато.  
Дворян эканмизда ҳамма ишлаб биз учун,  
Самарини биз есақ зодагонлигимиз учун?  
Мужикдан баринларнинг айтинг, қандай фарқи бор?  
Ҳар иккиси бир сиқим тупроқдан бўлган жондор.  
Бариндан мужик ақлин расолигин демаса,  
Улар ўртасида фарқ кўрмайман ҳечқанақа.



Мужик ҳам еб ичади, туғилади, ўлади,  
Бойвачча ширинхўр ҳам худди шундай бўлади.  
Қарта ўйнаб ўтириб талай одам тикишини  
Мақтагани мақтаган «бу олийжаноб ишин».  
Оҳ, эгалик қилсинми одамларга қорамол?  
Хўкиз одамни сотса аянч эмасми бу ҳол.<sup>22</sup>

Эпистоллар қаторида биз қуйидагиларни ҳам топамиз. «Ватанга муҳаббат — биринчи фазилатдир». «Адолатсиз судьяларга», «Рус тили ҳақида», «Шоирлик тўғрисида», (Буалонинг L' Art Poétique асарига тузатишлар) ва «Ёзучи бўлишни истаганларга насиҳат». Буларнинг барчасида Сумароков ё сан'ат ва адабиёт ёки ахлоқ танқидчиси сифатида кўзга ташланиб турипти. Ҳар икки ҳолда ҳам Сумароков айниқса ўз даврининг вакили сифатида диққатга сазовордир. Унинг асарларини ўрганмай туриб, унинг даврини тушуниш мумкин эмас. Агар бирорта одам ўша вақтлар ҳақида тарихий роман ёки тарихий повесть ёзишни хоҳлаб қолса,— Сумароков асарларини ўрганиши ўнга ўша давр жамияти ҳақида бой фактлар беради; тарихий роман ма'лум бир даврдаги жамият тарихи эмасми? Ҳа; тарихнинг предмети — инсоният ёки халқдир; тарихий романнинг предмети эса — жамиятдир. Жамиятда ғоялар тараққиётининг изчиллиги олий даражада қизиқарли картинани ташкил этади. Сан'атга фақат сан'атнинг нуқтаи назаридан, унинг ҳаётга бўлган муносабатисиз қараш мумкин эмас: бундай қараш ба'зан тўғри бўлиши ҳам мумкин, бироқ у ҳамавақт, айниқса Россиядаги сан'атга нисбатан бирёқламадир. Қайтариб айтамыз: бизнинг поэзиямиз, бизнинг адабиётимиз, бизнинг маданиятимиз каби Улуғ Петр реформасининг мевасидир. Улар ҳаётсиз формалар блан бошланиб, секин-аста ҳаётга ва ўзига хосликка интилдилар ва ниҳоят тарихий процесс орқали буларнинг ҳар иккаласига ҳам эришдилар. Сумароков ана шу процесснинг ажойиб фактларидан бири эди — бу нарса бизни унинг ҳақида батафсилроқ гапиришга мажбур этди. Кейинги мақо-

лада биз поэзиямиз ва адабиётимизнинг шишковчилар блан карамзинчилар ўртасидаги машхур урушдан бошлаб то классицизм блан романтизм ўртасидаги янада машхурроқ бўлган урушгача ўтган давр ичилиги шаклланиши ва тараққиёт процессининг изчиллигини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз. Уйлаймизки бу, адабиётимиз тарихининг ҳозиргача ҳечким ўз диққатини йўналтирмаган томонини кўрсатиб берар.

### УЧИНЧИ ВА СЎНГГИ МАҚОЛА

Бизнинг «Танқид» ҳақидаги мақоламиз ўзи танланган тарихий йўлни қолдириб, яна ҳозирги даврга қайтиши ва унинг характеристикаси блан тугалланиши керак. Биз мақоламизга тарихий характер бермоқчи ҳам эмас эдик; чунки шундай қилсак рус адабиётининг ҳозирги даврга етиб келгунча, бизга кўпгина мақолалар ёзишга тўғри келар эди. Аввалги мақоламизда журнализмнинг бу бўлимида рус танқидчилигининг тўла тарихини ёзишдан атайин воз кечиб, рус танқидчилигини унинг тарихий тараққиётида қандай қилиб текшириш лозимлигига ишора қилиб ўтишнигина истаган эдик. Шу пайтга қадар рус адабиёти тарихини унинг жамият фикрига кўрсатган таъсири жиҳатидан, яъни кенг маънодаги танқидчилик жиҳатидан ёзиб кўришга уриниш у ёқда турсин, ҳатто мана шундай асар ёзиш учун зарур бўлган материаллар ҳақида бирор кўрсатма беришга ҳам ҳечқандай уриниш бўлган эмас. Лекин шуниси ҳам борки, бундай асарни ёзиш фақат юзаки қарагандагина егил туюлиши мумкин, моҳият эътибори блан эса бу иш жуда мураккаб, қийин ва оғир ишдир. Баъзи ёзучиларнинг асарларини бошдан-оёқ ўқиб чиқишнинг ўзигина кифоя қилмай, шунингдек эски ва янги журналларни ҳам кўриб чиқиш керак бўлади. Бунинг устига, агар биз танқидчиликни унинг умумий маъносида олсак, ўз олдимизга ҳаддан ташқари кенг масала қўйган бўлардик. Биз учун фақат ўз асарларини ёки нафосат назариясини тўғридан-тўғри нафис асарлар танқидига бағишлаган, ёки ўз ижодларида ўзлари-

нинг нафосат ва танқидчилик тўғрисидаги тушунчаларини айтиб ўтган рус ёзучиларигина эмас, балки ўзларининг ахлоқий фикрлари билан замон руҳини ифода қилган ва унга янги йўлланиш бахш этган ёзучилар ҳам муҳимдир. Бу жиҳатдан масалан, ўзининг «Недоросль» ва «Бригадир» каби асарларида эси пастлар ва тентаклар орқали замондош жамиятнинг салбий томонлари ҳақидаги ўша давр тушунчасини баён этиб берган, насиҳатгўй ва саҳоватли кишилар қиёфасида эса жамият интилиши лозим бўлган идеални кўрсатиб берган, ўша даврдаги энг яхши одамлар асос қилиб олган фикр ва ҳаракат қондаларини ифодалаб берган Фонвизин биз учун қанчалик муҳим! Фонвизиннинг тавба-тазарру'лари, унинг майда сатирик мақолалари, унинг *саволлари* ва бошқаларичи? Буларнинг ҳаммасига баҳо бериш шоир сифатида эмас (чунки у шоир бўлмаган), балки ўз даврининг ақлли кишиси, танқидий йўналишга эга бўлган исте'додли ёзучи сифатида диққатга сазовор бўлган Фонвизиннинг ҳамма асарларига тўла баҳо бериш бўлар эди. Новиковнинг «Россия ёзучиларининг луғати» — ўша даврдаги бевосита адабий танқиднинг бой фактидир: рус танқидчилигининг тарихий обзорида уни ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Ундан кейин ўринни ўша давр ёзучилари ва танқидчиларининг энг ажойибларидан бири бўлган Макаров эгаллаши керак. Карамзин номи билан рус адабиётининг бутун бир даври, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидан ҳозирги асрнинг йигирманчи йилларигача бўлган давр ҳақидаги тушунча қўшилиб кетади. Карамзин — порлоқ адабий фаолияти ўттиз беш йиллик давом этган, рус адабиётига ва у орқали рус жамиятига қириқ йил давомида кучли та'сир кўрсатган киши эди. Бу та'сир фақат адабий эмас, деярли ҳартарафлама та'сир эди. Буларнинг барчаси қайтадан ўқиб, кўриб чиқиши керак, бунинг учун эса вақт ва яна вақт зарур. Мерзляков, князь Вяземский, Каченовский ва бошқаларнинг танқидий фаолиятлари, замондошларимизга кўпларининг номи ҳам ма'лум бўлмаган журналларнинг характеристикаси ҳам мана шу тарихий обзорга кириши

ва бинобарин, улар ҳам қайтадан кўриб чиқилиши керак. Карамзинчиларнинг шишковчилар блан бўлган кураши; романтизм ва классицизм ўртасидаги курашга муқаддима бўлган Жуковский немис ва инглиз балладалари устида кўтарилган мунозаралар; сўнгра, классицизм тарафдорлари блан халқчиллик ўрнига тақлидий ва халқчиликка ёт бўлган классицизм тарафдорлари ўртасидаги кураш (бу курашда Катенин, Жандр ва қисман Грибоедовнинг номлари диққатга сазовордир); ниҳоят, классицизм ва романтизм ўртасидаги кураш:— буларнинг барчаси учун қанчадан-қанча китоб, айниқса журналларни қайтадан кўриб чиқиш керак бўлади! Ҳарбир генийнинг пайдо бўлиши одатдаги тартибни қандайдир бузучи ҳодиса бўлади. Одатланмаганлик учун у қандайдир ғайри-қонуний бўлиб туюлади ва мавжуд тартиб-қоидаларини ҳукмрон руҳи блан суғорилган кишилар томонидан қаршилик ва душманлик уйғотади. Генийни ёқлаб ёш авлод оёққа туради ва жанг бошланиб кетади. Натижада ҳамма вақт гений тантана қилади. Мана жанг ҳам тамом бўлади ва қарабсизки, аҳвол буткул ўзгарган: гений энг улуғ ва бенуқсон авторитет деб э'тироф қилинипти; энди унга фақат бир неча харобалар ичидан чиққан бўғиқ товушларгина душманлик қилади, холос. Броқ вақт ўтган сари, янги ғоялар бостириб кираверадилар ва ҳамма нарсани айтиб берадиган, ҳамма нарсани ҳал қиладиган, ҳамма нарсага жавоб берадиган, воқ'ликнинг барча томонларини, бошқа генийларнинг пайдо бўлиш имкониятини, бинобарин халқ ёки инсониятнинг бундан кейинги тараққиёт имкониятларини ҳам йўқ қилиб ташлаш қўлидан келадиган гений бўлмагани ва ҳечқачон бўлмаслиги сабабли, шунча ҳаракат ва жанглардан сўнг ўз замонасининг донишманд ҳукмрони бўлиб олган ҳалиги гений ҳам янги давр талабини қониқтираолмай, энди ўтмишнинг вакилига айланиб қолади. Унга қарши кўпинча адолатсиз ва ўзининг бир томонламалигида кўр бўлиб қолган оппозиция бош кўтаради; ўша гений пайдо бўлгандан сўнг бир қадам ҳам олға силжимаган нарсанинг ҳам-

маси унинг томонини олади — ва яна жанг бошланади! Броқ йиллар ўтади, янгилик ғалаба қозонади, ўз замонаси устидан тинч ҳукмронлик қилади ва ўтмишни хизматларига лойиқ тақдирлайди. Агар биз рус адабиётининг бошланишини Ломоносов ўзининг «Хотин шаҳарининг олинишига» атаб биринчи одасини ёзган 1739 йилдан ҳисобласак (Кантемирнинг сатиралари биринчи марта 1762 йилда нашр этилган эди), атиги юз йил давом этган мана шу рус адабиётида буларнинг барчаси содир бўлган эди. Масалан, Карамзиннинг рус адабиётида Ломоносов томонидан берилган схоластик йўналишга қарши бўлган адабий фаолияти славяно-филларни ва рус тили пуристларини ўзига қарши қўзғатди; вақт ва тафаккур ишни Карамзин реформаси фойдасига ҳал қилди ва Карамзин рус адабиётининг отаси бўлиб қолди; кишилар адабиётдан ҳайдалишдан, ла'нат остида қолишдан қўрқар эдилар, чунки Карамзин асарларидаги бирор сатрга, бирор ҳарфга шубҳа блан қарашга эрк берилмас эди. Броқ шишковчилар оппозицияси Карамзиннинг ўлиmidан кейин уни кутиб турган ҳодисалар қаршисида ҳеч нарса эмас эди. Романтизм деб аталган нарса ақлларни озод қилди, уларни урф-одат, авторитетлар ва умумий риторик парчаларнинг (авваллари булардан машҳур ёзувчилар учун шон-шараф гулчамбарлари тўқилар эди) тор ва сийқа нздан олиб чиқди; янги ғоялар ҳартомондан бостириб кира бошлади! Наполеон ағдариб ташлангач, Европада бошланган адабий, фикрий ўзгаришлар ва янги ҳаёт бизнинг адабиётимизда ҳам акс садо бера бошлади. Ана шунда Карамзинга қарши бош кўтарилди... Лекин бу вақтлар ҳам ўтиб кетди; ҳозир ҳамма тушунадик, агар Карамзиннинг мухлислари унга қилган ишларига нисбатан кўпроқ баҳо берган бўлсалар, унда ҳақиқатда мавжуд бўлган Карамзиндан ортиқроқ бир одамни кўрган бўлсайлар, бунинг учун Карамзин айбдор эмас; масала Карамзиннинг нималар қилмаганида эмас, балки қилган нарсаларининг нималигида, унинг вақтли туғилиб қолиб, ўтган асрдаги адабий ғоялар та'сири остида ма'лумот олгани учун айбдор

эмаслигида<sup>23</sup>. Энди Қарамзиннинг на кўр-кўрона дўстлари, на марҳаматсиз душманлари бор — энди унинг учун холис, хотиржам, унинг шарафли номини иззат қилучи, хизматларини қадрловчи, унга адабиёт ва жамоатчилик тарихида фахрли ўрин берган авлод етишиб чиқди. Пушкин майдонга келди — лекин уни кутиб олиш Қарамзинни кутиб олишга қараганда тамомила бошқача бўлди: завқ ва ғазаб, муҳаббат ва нафрат бунда анча чуқурроқ ва кучлироқ эди. Ба'зиларнинг тилидан Пушкин тушмаса, ба'зилар унинг номини эшитиш бланоқ даҳшат ичида қулоқларини кар қилиб олар эдилар. Даҳшатли ва шиддатли жанглар бўлди, лекин масала ҳамон ҳал қилинган эмас! Бирқанча насллар Пушкин устидан аллақачонлар ўз ҳукмини чиқарди, броқ Пушкин авлоди ҳали етишиб чиққанча йўқ... Давримизнинг элементлари шу қадар мураккаб ва чувалиб кетганки, масалалар шу қадар чуқур ҳаётийки, уларни ҳал қилиш учун кўп нарсани бошдан кечириш, ҳис этиш, идрок этиш керак; бу вақт ва ҳаётнинг иши — уларсиз кишилар ҳечнарсга қилолмайдилар. Ҳали Пушкин ҳақидаги масала ечилгунча йўқ, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ қанчадан-қанча янги масалалар туғилди, туғилганда ҳам аввалдаги каби китоблардан эмас, балки жонли воқиалардан туғилди!.. «Улик жонлар» ҳақида жамиятда бўлаётган мана шу гап-сўзлар ва мунозаралар, Гогольнинг янги асари туфайли журналларда пайдо бўлаётган мана шу завқли мақтовлар ва шиддатли ҳақоратлар — буларнинг барчаси шонли воқиалар эмасми, бу қай даражада адабий масала бўлса, шу даражада ижтимоий масала ҳам эмасми?.. Буни ҳам оз десангиз: бу шовқун-сурон ва қичқириқларнинг ҳаммаси эскилик блан янгилик ўртасидаги тўқиниш натижаси эмаси, икки даврнинг кураши эмасми? Пайдо бўлиши бланоқ дарров муваффақият қозонақоладиган, шак-шубҳасиз мақтовлар блан кутиб олинадиган ва кузатиб юбориладиган нарсаларнинг барчаси муҳим ва улуғ факт бўлмайди; одамларда икки хил фикр ва икки хил қараш туғдирадиган, курашларда чиниқадиган ва улғаядиган, жонли қаршилик устидан жонли ғалаба

қозонадиган нарсаларгина муҳим ва улуғ бўлаолади. Бу қаршиликнинг сабабини фақат бошқаларнинг муваффақиятига ва генийга ҳасад блан қараш деб ўйлаш масалага ғоят тор қараш бўлар эди; унинг сабаби замона руҳининг тўқинишида, эски блан янги ўртасидаги курашдадир. Инсон ўз ҳаётида фақат ма'лум бир ёшгача олдинга томон ақлий ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлади, унинг дидига ма'лум фикрлар сингиб, ўринлашиб қолгач, ма'лум ёшга етгандан кейин у ҳарқандай янги ҳақиқатни кўрмайдиган ва эшитмайдиган бўлиб қолади, бу ҳақиқатни, сохта ва таҳқирли деб билади. Фақат руҳи кучли кишиларгина ўзларига сингиб кетган ва ўрнашиб қолган та'лимотлардан ажралишга қобилдирлар, лекин улар учун ҳам бу ҳаракат жуда оғир, уларнинг барча руҳий ҳаётини ларзага келиши блан боғлиқ бўлади. Бутун бошли бир жамият Корнель ва Расин трагедияларида ўзининг поэзиядаги идеалини кўрган эди, уларнинг ше'рларини ёшликдан башлабоқ ёдлаб олар эди. Жамиятнинг бу шоирлардан завқланиши уларга нисбатан ғоят кучли муҳаббат даражасига, уларга бўлган иззат-ҳурмати эса улуғлаш даражасига бориб етди. Мана шунда тўсатдан худди шу жамиятга сизларнинг шоирларингиз шоир эмас, балки уддабурон нотиклар холос, уларнинг трагедияларида на характерлар, на образлар, на кишилар, на эҳтирос ва ҳиссиётнинг ўйинлари, на чуқур ғоялар бор, хуллас уларда ҳечқандай воқи'лик йўқ, улуғ драматург идеали эса, ниҳоят мана шу жамият ҳамавақт бадмаст ваҳший, сер илҳом, нодон деб ҳисоблашга кўникиб қолган Шекспирда рўёбга чиқди деб айтиб қолишди!.. Жамият қуруқ сўзга ишонаолмас, тушуниши эса янада қийинроқ эди. Бинобарин унинг учун ё ўзининг умр бўйи алданиб келганига ёки ишонтирмақчи бўлаётган нарсани тушунишга қодир эмаслигига иқрор бўлишдан ўзга чора қолмаган эди. Бу эса кишилар учун жуда қийин иш: кишиларнинг кўпчилик қисми учун ўзининг тушунишга қобил эмаслигини э'тироф этишдан кўра, тушунмаган нарсаларини тушуниб олиш енгилроқдир. Лекин янги ҳаёт вужудга

келаётганда ҳали соғлом, озод ва бу янги ҳаётни ўзлаштиришга қобил бўлган ёшлар ўртасида янги гоёларнинг жасур ҳимоячилари майдонга келади. Яна кураш бошланиб кетади; вақт ўтиб боради, эски жангчилар қатордан чиқабошлайди, ёшларнинг эса сафи ўлиб боради. Қарабсизки, сўл томон ўнг томон бўлиб қолипти, марказда эса икки фикрнинг дудмал куйиндиси, қағ'иятсиз, бетайин кишилар қолипти. Бундан сўнг худди шу ҳодисанинг ўзи янгидан содир бўлади. Инсоният, халқлар ва жамиятлар тараққиётининг тарихи худди мана шундай ҳодисалардан иборат бўлади.

Биз танқид ҳақида мақола ёзишга киришир эканмиз, рус адабиётидаги танқидчиликка нисбатан мана шундай вазифани ўз олдимизга қўйсакмикан деб ўйлаган эдик, броқ бундай мақола бизни гоёт узоққа олиб кетиб қолиши мумкин экан. Шундай бўлса-да биз бу масала ҳақида алоҳида мақола тайёрлашга ва уни танқид бўлимидан фан бўлимига кўчиришга қарор бердик. Бунда рус адабиёти тарихига, шу пайтгача ҳали ҳечким диққат-э'тибор қилмаган янги нуқтаи назардан, я'ни адабий, ахлоқий ва ижтимоий асосларининг тараққиёти нуқтаи назардан қаралади. Бу мақола «Отечественные записки» журналининг 1843<sup>24</sup> йилдаги дастлабки сонларидан бирида босилади. Биз унда «Танқид ҳақидаги» мақоламизда айтганларимизни такрорлаб ўтирмаймиз ва танқид ҳақидаги иккинчи мақоламиз сўнггида Сумароков асарларидан тахлил қилганимиз кейинги адабиётни кўриб чиқабошлаймиз. Ҳозир эса бизга яқинроқ масалага, мана шу учта мақолани ёзишимизга сабаб бўлган ж. Никитенко нутқининг мазмунига қайтамыз. Биринчи мақолада биз умуман танқиднинг нима эканлиги ва унинг бизнинг давримизда қандай бўлиши кераклиги ҳақида гапирдик. Энди танқиднинг ба'зан қандай йўлларга кириб кетиши ҳақида гапирамыз. Бизнинг сўзларимизда китобхон ҳозирги замон рус танқидчилигининг характеристикасини кўрадиларми, йўқми, буни биз билмаймыз. Лекин ҳарҳолда, биз ҳечкимнинг номини атамаймыз, ҳечкимга ишора қилмаймыз, майли ишнинг



ўзи кўрсатар, майли бошқалар бизнинг сўзларимизда истаган одамларини қидираберсинлар, лекин биз ҳечкимга теккизмай, умуман гапирамиз... Мулоҳазаларимизнинг предмети танқиднинг танқид идеалидан четга чиқиб кетиши масаласи бўлади..

«Отечественные записки» журналининг ўқучилари бу журналнинг танқиди ўз асослари, характери ва ҳатто тили блан ҳам бошқа ҳамма журналлардаги танқиддан кескин фарқ қилишини сезмай қололмайдилар. «Отечественные записки»нинг душманлари буни унинг энг катта камчилиги деб билганлар ва билмоқдалар, бошқалар эса бунда унинг катта фазилатини кўрадилар. Бизга, ҳечким ўзига ўзи судья бўлаолмайди, журналдаги танқиднинг фазилати ҳақида фақат жамоатчиликка ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга деб айтишлари мумкин... Бунга розимиз, броқ биз ўз танқидимизни мақтаяпмизми? Мутлақо йўқ. Биз фақат айтаяпмизки, бу танқид ҳозирги рус адабиётида алоҳида танқиддир, у ҳозирги бошқа журналлардаги танқид блан ҳечқандай умумийликка эга эмас. Буни эса қанчалик айблаш, деб ҳисоблаш мумкин бўлса, шунчалик мақташ ҳам дейиш мумкин. Қани бунда мақтанчоқлик? Бунда тўғрилигига душманларимиз ҳам, дўстларимиз ҳам рози бўладиган факт бор, холос.

Танқид ўзининг ўрнига бўлган муносабатига қараб, ҳархил турларга бўлиниши мумкин, лекин ҳозир бизнинг диққатимизни жалб қилаётган нарса бу эмас. Танқидни у блан шуғулланучи шахсларга бўлган муносабати жиҳатидан эса ҳаммадан аввал самимий, виждонли танқидга, асосли, э'тиқодли танқидга ва ғаразли, тама'гир танқидга, савдогарлик танқидига ажратиш керак. Буларнинг сўнгиси доимо сохтадир. Чунки у аҳ'ён-аҳ'ёнда ҳақиқатни тилга олишни ўзи учун фойдали топса, бу ҳақиқат инсон онгининг юксак предметларига доир бўлолмас эди, балки, айни чоқда ҳархил ёлғон-яшиқлар, сохталиклар ва қарама-қаршилиқлар орасида кўмилиб кетиб, амалий предметларнинг ба'зи томонларига ақлли қараш блан чекланиб қоларди. Лекин бу ҳам ҳамавақт шундай бўлавермайди. Дили ёвуз сан'аткор ҳечвақт доно бўлмас!

Самимий танқид, э'тиқодли танқид масаласига келсак, уни ҳам вақт ҳам ҳақиқий танқид блан бир деб қабул қилиб бўлмайди: э'тиқод ва ҳақиқат — иккови айна бир нарса эмас; улар фақат бир-бирлари блан қўшилгандагина кучли бўлаоладиган, лекин кўпинча, ўз бошига алоҳида ҳаракат қилганида ҳарбири ҳам ожиз ва самарасиз бўладиган иккита айрим-айрим ва ўзига хос асослардир. Гарчи бизнинг давримизда диний фанатизм намуналари кам учраса ҳам, ҳали ҳам аутодафэ — жонни қутқариш учун зарурий нарса деб, чин юракдан ишонучи кишилар топилиши мумкин. Бундай э'тиқод кучли, чуқур ва беғараз бўлиши ҳам мумкин; лекин шунга қарамай; у сохтадир. Бундан ташқари э'тиқодлар масаласида э'тиқодларнинг манбаига диққат қилиш керак. Ба'зан шундай бўлади: бирон жаноб ҳечким учун янгилик бўлмаган ма'лум эски фикрни қўллаб-қувватлашни ўзи учун хавфсиз ҳам фойдали деб топади. Қарабсизки, у ишни мана шу фикрни улуг бир кашфиёт, мисли кўрилмаган янгилик деб тақдим қилишдан бошлайди; бу фикрни исботлайман деб ҳарқандай, ҳатто бу фикрни тасдиқламайдиган фактларни ҳам тўплайди,— уларни эгади, букади, қийнайди; ғалати, ёввойи тил кашф этади, ўзининг беғаразлиги, ватанпарварлиги ҳақида, ўзининг халққа бўлган оташин муҳаббати тўғрисида дод-вой солади. Унинг устидан кулабошлайдилар, унинг фикри янги эмаслигини, бир томонламалигини, ундан анча бурун ҳам бу фикрдан манфаат кўрмоқни истаб қолган ишқибозлари кўп бўлганини тилида халқчиллик эмас ҳаёсизликнинг ҳиди, қўпол извошчилар ва Кутейкин (Фонвизиннинг «Недоросль» пьесасида қатнашучи шахс) оҳанги сезилиб туришини, унинг ватанпарварлиги ҳозирча фақат мақтанчоқликдан ўзга эмас эканини, чунки ватанпарварлик қуруқ сўзлар блан эмас, балки амалий ишлар блан исбот қилинишини, ватанпарвар деган унвон кишилар ўзича эгаллайдиган эмас, ҳарбир гражданинга халқ ва тарих томонидан бериладиган эканини, унинг халқчиллиги халқ ҳаётининг сирли психияси эмас, бозор майдонидаги ифлос балчиқ эканини унга исбот қилиша-

ди... Буларнинг барчаси, албатта жаноб авторнинг жиғига тегади; унинг иззат-нафси таҳқирланади,—оқланиш истаги унда ўз э'тиқодларига ишониб қолиш заруриятини туғдиради. Моддий манфаатга булган ҳирс ва ҳақоратланган иззат-нафс томонидан туғдирилган бу заруриятни у э'тиқод ўрнида қабул қилади ва ишни шу блан тугаллайдики, у a force de forger on devient forgeron\* деган француз мақолида айтилганидек бирор манфаат кўзлаб таваккалига танлаб олгани та'лимотнинг фанатик муридига айланиб қолади. Қарабсизки, у ўз ёввойи э'тиқодларининг бо'қоғига тобора чуқурроқ ботиб боради; муваффақиятсизлик унинг энергиясини кўзгайди, унинг энергияси фанатизмга айланади; агар у ўз э'тиқодларини ғоз пагининг ёрдамидан бўлак яна бошқа йўл блан баён қилиш имкониятига эга бўлганида, одамларнинг шўри қурирди... брoқ унинг қалами қурқинчли эмас; даставвал у авомни эсанкиратиб қўйиши мумкин, чунки авом ёки бошқа ҳарқандай куч қаршисида ҳардоим чекинади. Лекин бу узоққа чўзилмайди; авом сохталик ёки ҳақиқатни биринчи марта эшитганда унча зийраклик блан қарайвермайди; брoқ унинг дастлабки таажжуби ўтиб кетгач у, ба'зан индамай ва онгсиз ҳолда, масалани ҳарқандай олим ва философлардан ҳам кўра яхшироқ ҳал қилади. Бу ерда гап шундаки, жамият устидан қуруқ сўзлар эмас, балки ғояларгина мустаҳкам ҳукмронлик қилаолади; ғоянинг хусусияти ва унинг, ғояга даҳли бўлмаган бошқа ҳамма нарсадан муҳим фарқи шундаки, у ҳаракат қилади, олға босади,—хуллас тараққий этади; бизнинг «ва'танпарваримиз» эса бир фикрни бирхил сўзларнинг ўзи блан такидлайберади холос; бор-йўқ гапини ўзининг биринчи мақоласидаёқ айтиб қўйиб, кейин мингта мақола ёза ҳам ўзининг чайнала-чайнала сийқаси чиқиб кетган гапларини ҳа деб такрорлайберади, холос... Бунинг устига, ўз системасига манба' бўлаоладиган ҳечқандай мушоҳидага эга бўлмай, ҳечнарсани асосли равишда билмай, ҳозирги замон фанига

\* Темирчилик қилсанг, темирчи бўласан.

таянмай, ҳақиқатнинг фарқига бормай, одобли ифодадан фойдаланмай у бе'манилик даражасига етиб боради. Шуниси ҳам борки, у бу даражага секин-аста, изчиллик блан, мантиқий равишда етиб боради, чунки унинг бема'ни та'лимоти асосида айни шу бема'ниликнинг ўзи ётади. У, масалан, жамиятдаги олий ва ўрта синф вакилларининг ма'рифати — қалбакидир, асл миллий донолик авомда сақланади, ҳатто олий жамият кишиларнинг бола-чақалари она тилини мужик кулбасида, ростовли сабзавотчилардан ва балиқфуруш хотинлардан ўрганиши керак — деб тасдиқлайди... У жамоатчилик блан карвонсарой қорувулларининг тилида гаплашади, бунни оригинал, ва миллий ҳодиса деб билади... У ўзи атрофига ма'лум миқдорда прозелитларни я'ни ўзи бирор нарса ўйлаб чиқаришга тамомила қобилиятсиз бўлгани учун ҳарқандай мақтанчоқ одамнинг қуруқ сўзига ишониб кетаверадиган ва шунинг блан бирга на ше'р, на прозани тушунаолмаслик касалига мубтало бўлган мутлақо лаёқатсиз одамларни тўплаб олади. Ўз даврида ёзган мадригалари, трагедиялари, романлари, болалар учун ёзилган насиҳатгўй китобчалари ва алифбелари блан жамоатчиликнинг кулгисини қистатишгагина яраган эски қаламкашлар ҳам булар қаторига киради. «Ватанпарвар» улар тортиқ қилган мақолалардан, бема'ни сафсаталаридан беҳад хурсанд бўлади, унинг гапларини қулоқ қоқмай такрорлашга тайёр турганларидан шодланади, асарларини ма'қуллайди, мақтайди, ўз мақолаларида эшитилмаган ваҳшиёна номларга мурожаат қилиб, мақолани: «фалончи (дар'ёлар номи) фалон деган, фистончи бундай депти, фалон бетга қаралсин» каби иборалар блан тўлдириб юборади... Бечоралар, шўрлик рицарьлар, роса мақтаниб олиш имкониятига эга бўлганликларидан беҳад шодланиб, мендан кетгунча, эгасига етгунча тарзида мақола устига мақола ёзадилар, бир-бирларини ва эски замонларни мақтайдилар, барча исте'додли ва янги нарсаларни уриб-сўкадилар, генийни — ёвузлик, таланти фаҳш, болаларча ёзилган сентенциялардан танлаб олганларини эса энг соф ахлоқ деб атайдилар.

Бунда кўпинча уларнинг ўз генийлари, ўз талантилари пайдо бўлади. Улар одатда бештача одам бўлиб, доим олдинда борадилар, қолганлари эса уларнинг кетидан эргашади... Афсус! Бизнинг «Танқидчига» ҳечнарсга ёрдам бермайди: энди унинг журнали ва мақолаларини ҳатто мазах ҳам қилмай қўядилар, уларнинг мавжудлигини тамомила унутиб юборадилар... «Танқидчи» энг сўнгги чорани қўллаб кўради: авваллари у жамоатчилик ўртасида катта эътибор қозонгани ва қарашларининг кенг тарқалгани блан «Танқидчимиз»нинг ҳасадини келтириб, унга тинчлик бермаётган журнални нишон қилиб оларди-да, унга қарши дўқ қилиб, шовқун-сурон кўтарар эди, лекин ўзининг кўрлиги ва маҳдудлигидан у бу блан бошқаларнинг журнални яна ҳам обрўйлироқ қилаётганига ақли етмас эди, энди бўлса у ўз-ўзига катта-катта мактублар ёзади (албатта, тўқима ном остида), бу мактубларда ўз журнални ва ўз мақолаларини текширади, ўзининг чечанлигига ҳайрон қолади, гоёларининг чуқурлигидан ажабланади, ўз даҳоси, ўз билимдонлиги қаршисида иззат-эҳтиром блан бош эгади, ўзига душман журналлар ва душман қарашлар устидан қозонган ёлғон ғалабаларини тантана қилади... Йўқ! Бу ҳам ёрдам бермайди: мактублар ўқилмайди, улар ҳатто очилмаганича қолиб кетаверади, журналнинг эса номи ўчиб кетади... Жуда соз, баттар бўлсин!..

Яна бир хил эътиқод бор, у биз юқорида тасвирлаб берган эътиқодга ўхшайди, лекин ундан ўзининг анойи виждонлилиги блан фарқ қилади: бу муътадиллик эътиқоди, муътадиллик мен ҳам талант, лекин ҳасад қилганликлари учун менга одилона тан бермайдилар деган эътиқод... Анойи муътадиллик тарафдори бўлган кишилар ўз душманларининг ноҳақлигини бутун дунёга исбот қилиб бериш учун баъзан журнал нашр қилишга ҳам қарор берадилар. Бу ҳол айниқса филистёрларга ва қаламкаш гофратларга бениҳоя бой бўлган Германияда тез-тез учраб туради. Мана шундай жаноблардан бири тўғрисида биз яқинда бир немис газетасида қуйидагиларни ўқидик: бир кўнгилчанг одам журнал нашр

қилишга киришипти. У ўз танишларига қараб: «Аввал-лари мени сўкишар эди, энди уларни мен сўкаман»— деган. Ваҳоланки, уни ҳечким сўккан эмас, унинг тўғрисида шунчаки индамайин қўяқолишган экан. Ҳаммадан ҳам унга мана шуниси алам қилипти. Ҳаққи рост, қачонлардир унинг поэмалари ва роман-лари ёмон деб ба'зи жойларда айтилган эди, броқ унинг мана шу бема'ни асарларни ёзганига анча вақт бўлиб қолгани учун, аллақачон унутилиб кетган эди. Шуниси ҳам борки, у матбуот мақтовининг лаззати-ни ҳам татиб кўрган: филестёрларнинг журналлари, уни ёқимли ва ахлоқий ёзучи деб э'лон қилдилар, айниқса унинг ҳақиқатан ҳам силлиқлиги бема'нили-гидан заррача қолишмайдиган услуби бу журналлар-га манзур бўлди; ёлғиз серғайрат ёш танқидчилардан биригина ёшларга хос андишасизлик блан ўша жур-налларга ҳам, ёзучига ҳам ҳужум қилди. Ушандан бери шунчалик кўп вақт ўтиб кетдики, серғайрат тан-қидчи қаламкаш гофратни ҳам, журналларда босил-ган ўз мақолаларидан кўпини ҳам унутиб юборди. Янги журналда ўзининг эски мақолаларидан келти-рилган парчаларни ва бу парчаларнинг пичингли изоҳлар блан илова қилинганини кўриб, унинг қандай ҳайратда қолганини бир кўрсангиз эди! У ўз мақола-ларидан олинган парчаларни ҳам, уларга қарши ёзилган аччиқ пичингларни ҳам ўқиб чиқди-да, ҳар иккаласининг устидан оққўнгиллик блан кулиб қўя-қолди... Нашриётга эса му'тадилликни ва ўз-ўзини кўжларга мақташда, талантли нарсаларнинг барчасига қарши курашишда тинмай давом этди. Бу кураш ўз журнаlines тиниб-тинчитиш блан тамом бўлди, чунки нашриётчининг ўзи журналнинг деярлик яккаю-ягона обуначиси ва ўқучиси бўлиб қолган эди... Германияда бунақа ҳодисалар камёб нарсалардан эмас, шунинг учун уни ҳатто мазах қилиб ҳам ўтиришмади, у худ-ди ҳавода ёрилиб кетучи совун кўпиги сингари ўз-ўзи-дан ўтиб кетди. Лекин амин бўлиш мумкинки, бу блан ўша кўнгилчанг одамларнинг хатти-ҳаракатлари тамом бўлмайди; му'тадил қаламкашларнинг иззат-нафси тиниб-тинчимайди; ўз журнали синган экан,

бошқа журналлар унинг мақолаларини қабул қилмас экан — ҳали брошюралар бор. Бу одамлар гўрга киргунча тиниб ўлмайди. Ваҳолангки, буларнинг барчаси ўзининг талантли эканига ва душманларининг унга ҳасад қилишига гўллик блан ишонишдан келиб чиқади...

Умуман, э'тиқодли махдуд кишилар тўғрисида бутун-бошли бир китоб ёзиш, ва бу китоб ажойиб психологик асар бўлиши мумкин. Э'тиқодга эга бўлган исте'додли ва ақлли кишилар блан му'тадилликни э'тиқод қилиб олганлар ўртасидаги энг асосий фарқ шундаки, булардан биринчиларининг э'тиқоди ҳақиқатан иккинчиларининг э'тиқоди эса пасткаш ва кишининг гашига тегучи иззат-нафсдан келиб чиқади. Ақлли киши ҳамавақт шубҳаларга маҳкум бўлади. Бу шубҳалар унинг э'тиқодининг жўшқинлиги ва энергиясини совутади, ва сусайтиради, му'тадил кишилар эса ҳарқандай бўлмағур нарсаларни муқаддас деб билади. Бунинг сабаби ёлғиз шундаки, бу бўлмағур нарсалар шу му'тадил кишиларнинг миясидан чиққан. Бу тентаклар ҳатто ўзлари қўллаб қувватлаётган мана шу бўлмағур нарсаларнинг ҳам ўзлариники эмаслигини, балки уларнинг онгига ўзгалар томонидан сингдирилганлигини кўпинча билмайдилар. Бу ўзгалар ма'лум хилдаги бўлмағур нарса учун, ва бировларнинг қарашлари учун жон-дил блан курашишга тайёр турган соддадил кишиларнинг кўнгилчанг ғайратидан ўз манфаатлари учун фойдаланадилар. Бу соддадил кишилар шу қадар усталик блан мажбур қилинганки, бировларнинг қарашларига худди ўз хусусий қарашлари каби ёпишиб оладилар. Шу тарзда турли «ватанпарварлик» воситалари блан зимдан, киши билмас қилиб, бироз бойлик ортириб олган бирон ватанпарвар, бирон журнал ходимини қўлга олади, уни ишга солиб қўйиб, унинг орқасида ўз ишларини ростлаб олади. Барча ишни журнал ходими қилади, бизнинг «ватанпарвар»<sup>25</sup> эса вақти келганда ўзининг «ватанпарвар» экани, ўз нарсаси учун ўлишга тайёр экани тўғрисида гапириб туриш вазифасинигина ўз бўйнига олади. Соддадил

журнал ходими эса ма'рифат кўп бўлган жойда ҳамма нарсанинг чиришлиги тўғрисидаги ва ота-боболаримизнинг урф-одатлари ҳарқандай ажнабий доноликлардан афзал экани ҳақидаги ўз ғояларини умумлаштиришга бегараз интилади ва молдай ишлайди. Лекин бу соддадил журнал ходими ҳаммавақт ҳам содда бўлавермайди, ба'зан унинг тирноқ остидан кир изловчи талабчанлиги ҳам сезилиб қолади. Бу талабчанлик унинг авторлик иззати-нафсига ёки педантларча догматизмига тегиб кетилган тақдирда, дарҳол юз беради. Қолган вақтларда бу журнал ходими жуда кўнгилчанг одамдир; сиз уни бироз мақтаб кўйсангиз, фикрларига қўшилсангиз, бас, у сизни гений даражасига чиқариб қўяди. Бу унинг учун осон, чунки бунинг учун ҳечқандай қонун-қоида керак эмас; унда фикр сўзларни эмас, балки сўзлар фикрни бошқаради. Унинг сўзлари эса дабдабали бема'ниликнинг, бежирим жумлаларнинг асл намунаси-дир. Агар у кўпдан бери ёзиб келаётган одам бўлса (айниқса бунинг устига бироз билими бўлса, тилларни билса ва кўп ўқиган бўлса), дарров ишнинг кўзини билиб олади ва ҳамма нрсга ҳақида тез ва кўп ёзиш, ёзганда ҳам ифодаларда қандайдир оригиналлик, қандайдир ялтироқлик кўриниб турадиган қилиб ёзиш қобилиятини эгаллаб олади. Броқ бу сун'ий оригиналлик, зар қоғозга ўхшаш ялтироқликдир. Уқиб чиққандан кейин, нимани ўқиганингизни ҳам, нима ҳақида ўқиганингизни ҳам эслаёлмайсиз. Сиз айнақса унинг услубидаги такрорланиш сан'атига қойил қоласиз: у ёғоч столлар ёғочдан ясалади деганга ўхшаш бекорчи ва оддий фикрларни баён қилади; бир фикр узундан-узоқ жумлалар (периодлар), троплар, фигуралар давомида чўзилаберилади; у бу фикрни у ёққа ҳам ағдариб кўради, бу ёққа ҳам, бутун-бутун саҳифаларни шу фикр блан тўлдириб юборади ва унга кўп нуқталарни тўкиб ташлайди. Унинг асаридаги жумлалар шу қадар баланд парвозки, ҳарқайси жумлада турли-туман эпитетлар, амплификациялар шу қадар кўп ишлатиладики, тажрибасиз ўқучи жумлаларнинг тасвирийлигига, ифодаларнинг яққоллиги-



га, услубининг равшанлиги ва рангбаранглигига ҳайрон қолади. Мана шу дадил ва жимжимадор қилиб ёзилган мақоланинг мазмуни мароқланишдан тўхтади; чунки, ўқучи мақолада мазмун ўрнига авторнинг дабдабали иззат-нафсини ва ёлғиз тумтароқли сўзлар, жумлаларнигина кўриб, ажабланади. Бу ҳол Фарбда, айниқса Фарб чирийбошлаганидан бери унда тез-тез учраб туради; бизда, ёзучилик ҳали одат тариқасига кирмаган Русьда ҳозирча бу ҳодисаларнинг содир бўлиши анча қийиндир.

Умуман, мутадил, нодон ва маҳдуд одамларнинг э'тиқодлари қанчали аянчли бўлса, шунчалик кулгили бир картинани ташкил қилади. Бундай кишиларнинг э'тиқоди деярли ҳамавақт қат'ий муваффақиятсизлик ва мутлақо умидсизлик блан тамом бўлади. Лекин, ҳечқандай э'тиқодсиз бўлсалар ҳам эпчил кишилар, қобилият орқасида эмас, муҳтожликдан ёки бирор манфаат кўзлаб танқидчи бўлганлар тамомила бошқача манзарани ташкил қиладилар. Бундайларнинг иши кўпинча ўнгидан келади. Айниқса улар ўз вақтида тилни тийишни, ўрни келганда индамай қолишни билсалар, уларнинг иши яна ҳам соз. Броқ кўпинча шундай вақтда улар шайтоннинг тузоғига илиниб қоладилар. Сўзларини ма'қул деб биладиган бир қисм кишилар фикрини бошқариш одати уларга шу қадар сингиб кетадики, бу одат эғалик қилиш орзусига тенг эҳтиросга айланади. Бу уларни бутун умр давомида айни бир нарсанинг ўзини такрорлашга, я'ни ўз хизматлари ҳақида, ўзларининг халқчиллиги ҳақида, ўз душманларининг ҳасадкорлиги, нодонлиги, жоҳиллиги ва қобилиятсизлиги ҳақида, ўзларининг ҳақиқат учун ўлишга тайёр эканликлари (қоғозда) ҳақида, ўзи роман ёзмаган одам бошқаларнинг романлари ҳақида ҳукм қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги тўғрисида қичқаришга мажбур қилади... Қандай қилиб бу уларнинг жонига тегмас экан! Уларнинг тактикаси жуда оддий ва (вақти соати келгунча) жуда тўғри; жамоатчиликни «му'табар» ва «олий ҳиммат жаноблар» деб улуғлаб

(ошхоналарда бунақа атторчилик муомиласининг бозори чаққон эмиш), унга лаганбардорлик қиладилар ва энг муҳими — ўзларини уятсизларча ва виждонсизларча мақтайдилар. Айни бир китобнинг ўзини улар ҳам сўкадилар, ҳам мақтайдилар, сўнг китобдан топадиган нарсаларига қараб яна сўкадилар ва мақтайдилар... Агар бошқалар уларнинг мақолаларидаги қарама-қаршиликларни фош этсалар, улар бизнинг журнал ўз саҳифаларида ҳарқандай қарашларга ҳам ўрин бераверади, броқ ҳечқайсисининг жавобгарлигини ўз бўйнига олмайди дейишади. Гўёки улар бу ходимни айбдор қилиб кўрсатишади. Ўзларини ҳақли ходимнинг э'тиқодларини чеклашга ўзларини журнал ҳисобламас эмишлар. Бунинг устига улар журнал варақларининг фақат бир кунгина умр кўришини, эртасига эса унутилиб кетишини жуда яхши биладилар; шундай экан, жамоатчилик нашр этучиларнинг барча қилмишларини ва фикрларидаги қарама-қаршиликларни қандай қилиб ҳам эсда сақласин! Уларнинг э'тиқодлар, қонун-қоида, асослар блан заррача иши йўқ; кунни ўтса, чойчақа чиқиб турса — бас. Шунинг учун ҳам ҳар кун уларнинг э'тиқоди янгиланиб туради. Улар фақат бир нарсада — ўзлари иштирок этмаган ҳарқандай моддий ва ма'навий муваффақиятга душманлик блан қарашда ўзларига содиқ қоладилар. Улар талантларни инстинктив равишда севмайдилар, чунки ўзлари бозори чаққон, шанғи талантларга бойдир. Буларнинг барчаси кундалик журналистикаси замонасидаги ҳаётининг барча қизиқшини ўзига қаратиб олган Ғарбда оддий ҳодиса ҳисобланади. Уерда ҳатто шундай газетачилар ҳам бўладики, улар адабий ҳийла-найранглар ҳақида бошқа бир журналдан бирон нарса ўқиб қолсалар дарҳол унга э'тироз билдириб мақола ёзадилар ва шахсни қўллаш каби хунук одатга ҳужум қиладилар. Улар одатда китобнинг муваффақиятини унинг тарқалишига қараб ўлчайдилар: бошқа бирор журналга ҳужум қилар эканлар, унинг обуначиларини бармоқ блан санаб чиқадилар. Агар бир вақтлар шарлатонларча ёзилган бирон асар блан жамоатчиликни қўлга

туширишга муваффақ бўлган бўлсалар, улар айрим китоб нашр этмаган кишиларга кун бермайдилар ва бунинг учун уларни журналга ёзиш ҳуқуқидан маҳрум қиладилар. Агар китоблари аллақачонлар унутилиб кетган бўлса, бу уларнинг парвойига ҳам келмайди, қайтага улар ўз асарларининг фазилатини билишни ҳамма ўқучи ҳам истайбермаслигига иқрор бўлиб, ўзларининг хизматлари ҳақида янада қаттиқроқ қичқирадилар. Броқ бундай одамлар қандай қилиб шу қадар узоқ вақт давомида сақланиб қолаладилар, деб биздан сўрашлари мумкин. Бунинг йўли осон: фаросатли кишилар ўз вақтида, зарур бўлиб турган чоғда журнал нашр этабошладилар, жамоатчилик уларнинг сирини билиб олмасдан бурун журналнинг иши юришиб кетади, рақобатчилар эса шунинг учун пайдо бўлмайдики, четэлларда бирон янги нарсани нашр этабошлаш моддий жиҳатдан жуда қийин ишдир.<sup>26</sup>

Булар майда ҳунармандлардир. Уларнинг танқиди фелъбетондан иборат, пасткаш танқиддир; бу танқид кўпроқ янги китоблар ҳақидаги эълонлардан, одобли нидолардан иборат бўлади. Лекин йирик ҳунармандлар, улгуржи ҳунармандлар ҳам бўлади. Буларга муваффақият қозониш учун эпчиллик ва уддабуронликнинг ўзи кифоя қилмайди, буларга талант бўлмаса ҳам, ақл ва қобилият зарур. Майда уддабуронлик уларга жамоатчиликни от ўйини ва мушакбозликни намойиш қиладиган олимпия циркига чорлаш учунгина керак; броқ бунда уларга бирон ошна-оғайнининг газетаси «обуна бўлмаган одам ватан адабиётини севмайди» деб қичқирйиши блан ёрдам бериши керак бўлиб қолади. Мана, улуғ иш муваффақият блан амалга оширилди ҳам; минглаб обуначилар мисли кўрилмаган му'жизани, журналистика оламида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиботни, я'ни янги журнални ўқиш орзусида ёнадилар. Қизик, янги журнал жамоатчилик ўртасида туғдирилган чексиз мунтазирликни қандай қилиб ва нима блан оқлар экан, у келажакда ўзининг яшаши учун қандай қилиб ва нима блан асос қўяр экан. Ўз-ўзидан ма'лумки,

ҳарқандай журналнинг ҳам жони бўлмиш танқид блан оқлайди. Янги танқиднинг йўналиши нимадан иборат бўлади, унинг бошқа танқидлардан фарқ қилучи характери қандай бўлади? Бизнинг журналистимиз эслик одам: у бирор янгилик блан кўзга ташланиш лозимлигини, оригинал бўлиш кераклигини, одамларни эсанкиратиб қўймоқ даркорлигини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у ўз танқидининг асосига скептицизм ва мазах қилишни қўяди. Хўш, унинг скептицизми ва мазах қилиши нимага қарши йўналтирилади? У нима тўғрисида гапираётган бўлса, шуларга, олам нима блан бой бўлса, шуларнинг барчасига фан, тафаккур, сан'атга қарши йўналтирилади. У, скептицизм авомни илантириш учун энг яхши қармоқ эканини тушунади. Соддадил авом одатда кўп билатуриб (я'ни кўп нарса ҳақида ишонч блан гапиратуриб), ҳечнарсага ишонмайдиган ва ҳамма нарсани бема'налик деб ҳисоблайдиганлар олдида ҳайратда қолади. Ҳамма нарсани мазах қилиш авомни ўйлаш ва масаланинг моҳиятига шўнғиб кириш азобидан халос этади ва уни овунтиради. Бунинг устига авомнинг ҳам иззат-нафси бор; у генийлар, талантлар, турли-туман ма'навий устунликлар қаршисида тиз букади; броқ бу тиз букишлар яширин равишда унинг иззат-нафсига тегаети; бирқанча кишининг ўзи устидан шу қадар баланд туришлигини, бу кишиларнинг инсоният аристократлари эканини, ўзининг эса бечора авом, оддий халқ, plebs гина эканини ўйлаш авом учун унча ёқимли эмас. Авомнинг кўнглини овләш, унинг ўзи очиқ айтишга жур'ат этаолмайдиган яширин ўйларини топиб, унга хушомадгўйлик қилиш лозим, унга ҳамма нарсанинг фақат узоқдангина яхши кўринишини, усти ялтироқнинг ичи қалтироқ эканини, барча улуг нарса фақат шартли равишда улуг эканини гапириш керак. Мана, қарабсизки, янги журналда биография кетидан биография пайдо бўлаберади, броқ булар Плутархнинг «улуг зотлар ҳаётининг тавсифидан» тамоман ўзгача. Соддадил ва олийжаноб грек улуг зотларида ерда илоҳият асосинг намоеън бўлишини, инсон руҳининг тантанаси ва шон-шуҳратини,

инсониятнинг ҳусни ва юпанчини кўрган эди. У ўз қаҳрамонларининг ожиз томонларини ўқучидан яширган эмас, чунки бу томонларсиз уларнинг одам эмас, балки арвоҳ бўлиб қолишини яхши билган; у ожизликдан куч, маҳдудликдан ақл, э'тирослар блан курашдан эзгулик қидирган, чунки буларнинг барчаси воқе'ликнинг ўзида мавжуд эди ва бинобарин бошқа-ча бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Бизнинг биографи-миз тамомила қарама-қарши нуқтаи назарда туриб, иш бошлади: у фидокорликдан эгоизм, ҳақиқатдан адашишни, эзгуликдан аҳмоқлик ва шуҳратпарастлик-ни кидирди. Унда улуг одамлар ҳасадкор, ҳам ғаламис, ҳам суллоҳ, ҳам эгоист, ҳам нодон, ҳам аблаҳ бўлиб чиқади. У улуг одамларни мана шундай хусу-сиятлар блан чулғаб ташлашга шу қадар моҳирки, бу хусусиятларнинг орқасида улуг кишилар кўринмай кетади. Дун'ёдаги улуг нарсалар ҳақида унинг го'ят суб'ектив қарашларига фактларнинг ўзи ҳаддан таш-қари қарама-қарши чиқиб қолса, у дадиллик блан фактлар воқе'лигини синдириб ташлайди, фактларни бузади ёки ўзининг сохта олимлигига таяниб, қулоқ эшитмаган фактларни ўйлаб чиқаради ёхуд қандай-дир кўз кўрмаган янги асарларга суяниб ма'лум ва исбот қилинган нарсалар воқе'лигини инкор қилади. Мана, авом ҳамма нарсанинг уддасидан чиқишига, ўзлари авваллари тотинган собиқ санамлардан ҳеч-қанча кам эмаслиги, улардан тубан эмаслигига, бу санамлар уларни жуда баҳайбат қилиб ишлаган ҳай-калтарошларининг ҳавойи майли туфайлигина улуг бўлиб кетганига шодланадг. Ажойиб журнал! Авом жон дили блан ўқийди ва мақташдан тинмайди!.. Броқ авомни ёлғиз шунинг ўзи блангина овутишмай-ди. Унга фаннинг педантлар кашф этган бема'ни нарса, инсониятнинг фаҳри бўлмиш ақл-идрок киши-ларни аҳмоқ қилучи ва алдовчи нарсадан ўзга эмас-лигини, системалар ҳақиқатни қоронғилатиш учун билимдонлар томонидан ўйлаб чиқарилганини, ҳеч-нарсани ўрганмасдан туриб, ҳаётда ўнғайлик блан қўлланиши мумкин бўлган ана шундай қоидаларни тарғиб қилучи журнални ўқиш блангина ҳамма нар-

сани билиб кетиш мумкинлигини, философларнинг ҳаммаси муттахам эканини, ҳатто Сократ ҳам ўз иблиси блан афиналиларнинг бошини қотирган уста хийлагар бўлганини ва ҳоказоларни исбот қилиб беришга уринишади. «Уҳхў! — дейли авом муғомбирона ҳуштак чалиб,— ҳамма гап бунда эканку! Баракалла! Жуда ҳам соз-а!» Броқ авом генийларсиз яшайолмайди. Генийларнинг авом қаршисидаги устунлиги унинг иззат-нафсига қанчалик қаттиқ ботса, генийларнинг бўлмаслиги ҳам авомнинг иззат-нафсини шунчалик ҳақорат қилади. Эпчил скептик — танқидчи буни тушунади. Қарабсизки, у ўз ҳамтовоқларига, турли-туман му'тадил кишиларга гениальлик шаҳлатномасини улашиб, ўз генийларини яратабошлайди. Бу унинг учун ҳам осон, ҳам хушчақчақ иш; у ўз иродаси блан генийларни тақдирлайолади ёки уларни генийликдан тушириб қўяди; генийлар эса унинг қаршисида дир-дир титрайдилар, унинг закази бўйича ишлайдилар, ўйлаб-нетиб ўтирмай ёзаверадилар-да, ҳаммаёқни романлар, повестьлар, драмалар блан тўлдириб ташлайдилар... Авомга бу генийлар ма'қул келадди, чунки авом улар блан бетакаллуф, тортинмай, ошна-оғайниларча муомала қилиши мумкин, бу генийлар улуг, машҳур, шон-шухратли бўлсалар ҳам айни чоқда камтарин, ўз устунлиги блан ҳечкимни ҳақорат қилолмайдилар, бу генийлар жуда яхши ёзадилар, лекин кибрланишга жур'ат қилолмайдилар, чунки бурятлар ёғоч бутларига ҳаво очиқ пайтларида сиғиниб, қурбонлик қилиб, ёғингарчилик вақтларида эса шафқатсиз равишда калтаклаганлари сингари кибрлансалар буларни ҳам ҳечким андиша қилиб ўтирмаслигини яхши биладилар. Танқидчи ҳақиқий улуг, ҳақиқий исте'додли нарсаларнинг барчасини улардан журнал учун фойда чиққан тақдирдагина мақтайди; броқ шунда ҳам у шу қадар дудмал қилиб мақтайдики, унинг ҳазиллашаётганини ҳам, жиддий гапираётганини ҳам, сўкаётганини ҳам, мақтаётганини ҳам билиб бўлмайди. Унинг сўкишидан ҳам, мақтовидан ҳам мағрур нафратланучи талантли кишилар эса доимо унинг пичинг-кесагишлари ва ошкора сўкиш-

ларига дуч келади. Бу унга шу қадар осонки, у шу қадар дадил ва қат'ийки, қўяберасиз... Бирон китобни таҳлил қилар экан, ўзи ёзган нарсаларни таҳлил қилинаётган асардан олинган парча деб кўрсатади ва «қаранг, қанчалик аҳмоқона ёзилган!» деб қўяди. Бунинг устига у авомни кулдиришга уста,— қаҳқаҳ уриб кулиб юборган кишини мағлуб бўлди деяверинг, унинг ўйлаб кўришга ҳам, суриштириб ма'лумот олишга ҳам вақти йўқ. Буларнинг барчаси скептик-танқидчи учун жуда ҳам яхши: унинг журнали тобора гуллайди, унинг номи машҳур бўлиб кетади, мол-дун'еси эса кўпайиб боради. Броқ муваффақиятининг олий нуқтаси кўпинча хавфли бўлади; юқорироқ чиқиши мумкин бўлмаган киши кўпинча йиқилиб, тушиб кетади... Авом — алдайди, авом одам каби ўлмайди; унинг сафдан чиқиб қолган қаторлари янгини талаб қилучи ва эскини такрорлашни қабиҳлик деб билучи янги соғлом одамлар блан доимий равишда тўлиб туради. Бизнинг скептик-журналистимиз эса беихтиёр бир нарсанинг айни ўзини такрорлаш блан чекланишга мажбур бўлиб қолади, чунки ёлғиз ҳақиқатгина ўз тараққиётида битмас-туганмасдир ва у бир нарсанинг айни ўзи бўлиб турганда ҳам доимо тараққий этаётган бўлади, янги ва оригинал бўлади. Агар скептик танқидчи ўз вақтида тилини тияолса ва ўзи тўғрисида эслатмай, унутилиб кетса, унинг иши жойида. Унутилишлар ичида инсон учун энг таҳқирлиси унутилган одамнинг ҳамон ўз-ўзини мақташдан тинмаслигидир. Ана шунда унга ҳечқандай ҳийла-найранглар ёрдам бераолмай қолади, у ўз журналига сўнги ўзгаришлар ва камолотнинг ҳаёт ва ўлим сувини ҳарқанча пуркамасин, тажрибасиз чайқовчиларни ёрдамга ҳарқанча чақирмасин, барибир, унинг журнали йиқилади...

Скептицизм — ўзининг қандай тушунилишига қараб, улугъ ёки пасткаш сўз бўлиши мумкин. Скептицизм ҳечқачон ўзига ўзи мақсад бўлолмайди. Билим орзусида ёнган руҳнинг жўш уриши ва интилишлари скептицизмдан қаноат ҳосил қилмайди! Аҳмоқлар ва маҳдуд кишиларгина ҳамма нарсага ишонаверадилар,

чунки улар ҳечнарсани текшираолмайдилар. Чуқур мулоҳазали кишилар эса ўз табиатига кўра скептик бўлади, броқ бундай кишиларнинг скептицизми ҳам-ма нарсани совуққонлик блан инкор қилаберишнинг эмас, балки юракнинг билимга чанқоқлигининг белгисидир. Одам ҳақиқатни қанча чуқур севса, у ҳақиқатни шунчали дикқат блан текширади, уни шунча эҳтиётлироқ қабул қилади. Бундай одам ҳақиқатнинг фазилатига, унинг барқарорлигига ишонади; броқ у ҳақиқатни текшириш блан шуғулланучи кишиларнинг қуруқ сўзига ишонмайди. Чунки у инсон блан ҳақиқатнинг айни бир нарса эмаслигини билади, лекин у бевосита ўзига ҳам ишонмайди, чунки у инсон бўлгани учун уни одатлар ҳам, соддадиллик ҳам, ҳиссиёт ҳам, ўз ақли ҳам алдаши мумкинлигини билади. Бундай одамларнинг скептицизми ҳақиқатни инкор қилмайди, балки кишилар томонидан ҳақиқатга аралаштириб қўйилиши мумкин бўлган сохта ва маҳдуд нарсаларнигина инкор қилади. Ўзгариш даврларида, жамиятдаги эскириб қолган кайфиятларнинг бузилиш ва чириш даврида, кишилар учун ёлғиз ўз умрини аллақачонлар яшаб битирган ўтмиш блан ҳали пайдо бўлмаган келажак орзусигина мавжуд бўлиб, ҳозирги давр эса йўқ бўлган пайтларда — скептицизм барчанинг фикрини эгаллаб олади, даврнинг касалига айланади. Ҳақиқий скептицизм азоб чекишга, қийналишга мажбур қилади, чунки, скептицизм ҳақиқат томон интилиб қаноатланмаслик ва бинобарин очлик ва ташналик каби бир касалликдир, лекин бу мақсад эмас, нормал бўлмаган ҳолат, воситадир. Саёз фикрли одамларгина, тубан қалб эгаларигина скептицизм блан янги кийим кийган олифта киши каби, мақтанади. Фақат кичкина улуғ одамларгина, кўз бойловчилар ва бекорчи авомни кулдирадиган масхарабозларгина, ёлғиз шуларгина азобланмай, ҳамма нарсадан жуда осон, хушчақчақлик ва майнавозчилик блан шубҳаланадилар... Ҳамма нарса устидан кулиш, ҳамма нарсани — фанни ҳам, ақл-идрокни ҳам, сан'атни ҳам сўкиш — иш бўлдимиди? Бундай қилган одам на ақлли, на улуғ бўлади.



Бу умумий тушунчалардан яна рус танқидчилиги-  
га қайта мурожаат қилар эканмиз ўзининг ажойиб  
нутқи блан бизнинг мана шу мулоҳазаларимизга  
баҳона бўлган профессор блан бирга унга, я'ни рус  
танқидчилигига «сан'атга нисбатан кўпроқ муҳаббат  
ва ўз-ўзига нисбатан кўпроқ ҳурмат» тилаймиз.





## РУС АДАБИЕТИ ҲАҚИДАГИ УЙ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Адабиётимизнинг аҳволи қандай бўлса ҳам, ҳар ҳолда, унинг аҳамияти биз учун, туюлиши мумкин бўлганга қараганда муҳимроқдир: чунки бутун ақлий ҳаётимиз, ҳаётимизнинг бутун наш'у намоси шунда, фақат шу адабиётдадир. Фақат ана шу адабиётимиз муҳитида бизлар Иванликдан ва Пётрликдан чиқиб, одамлар қаторига кирамиз, одамларга мурожаат этамиз, одамлар билан муомала қиламиз.

Бизнинг жамиятимизда айирмачилик кайфияти кучлидир: бизда ҳарбир тоифанинг ҳамма нарсаси — либоси ҳам, расму таомили ҳам, турмуш тариқи ҳам, одатлари ҳам ҳаттоқи тили ҳам — ўзиники, алоҳида. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун кеча ўтказиб унда ноҳосдан чиновникни, ҳарбийни, помещчикни, савдогарни, мешчанни, мутасаддини ёки иш бошқарувчигани, руҳонийни, студентни, семинаристни, профессорни, рассомни дуч келтириш кифоядир; ана шундай жамоат ичига кириб қолсангиз, тилларнинг ажралишини кўриб турибман, деб ўйлашингиз мумкин... Битта жамиятдаги турли синфларнинг бу вакиллари ўртасида ҳукмрон бўлган айирма шу қадар катта! Айирмачилик кайфияти жамиятга зид кайфиятдир: жамият одамларни бирлаштиради, тоифачилик эса

уларни бўлади. Кўп кишилар, қадим славянлардан қолган думоғдорлик биздаги социабелликни (sociabilite) йўқ қилади, деб ўйлайдилар. Бу гап тўғри бўлган тақдирда ҳам, қисман тўғридир. Айтайлик, дворянин пастки табақадан бўлган кишилар блан тилар-тиламас ҳамсуҳбат бўлади; броқ пастки табақа кишилари дворянин блан ҳамнишин бўлиш учун нималарнинг баҳридан кечмайдилар? Бу уларнинг жону диллари! Броқ ҳамма бало шундаки, бундай ҳамдамлик ҳамиша юзаки, номигагина ҳамдамлик бўлиб, салом-аликдангина иборат танишликка ўхшайди; бой савдогарнинг иззат-нафси ҳатто камбағал дворянин блан ҳам таниш бўлишни ўзи учун шараф деб билади, броқ у бой дворянлар блан танишиб олгандан кейин ҳам ўзининг, я'ни савдогар тоифасининг одатларини, тушунчаларини, тилини, расму таомилини ташламайди. Ана шу хослик кайфияти бизда шу қадар кучлики, ҳатто Буюк Пётр асос солган янги тартиботдан келиб чиққан янги тоифалар ҳам кўп ўтмай ўзларига хос алоҳида хусусиятлар пайдо қилдилар. Дворян савдогарга, савдогар эса дворянга мутлақо ўхшамаса, агар ба'зан олим блан рассом ўртасида ҳам худди шундай тафовут мавжуд бўлса, бунга ажабланиш на ҳожат?.. Бизда сан'ат нима ва у нимага кераклигини тушунмасликка қилган олийжаноб қарорларига бутун умр содиқ бўлиб келаётган олимлар ҳали барҳам еб кетгани йўқ; бизда ўз сан'атларининг фан блан, адабиёт блан, ҳаёт блан жонли равишда боғлиқ эканлигидан беҳабар рассомлар ҳали кўп. Шунинг учун ҳам, *шундай* олимни *шундай* рассом блан қамти қилиб қўйсангиз,— уларнинг ё сукут қилишларини ёки умумий гап қотиш блан кифояланишларини кўрасизки, ўшанда ҳам бу умумий гаплар улар учун эмас, балки амримаҳол бўлади. Биздаги олимларнинг ба'зиси, айниқса агар у ўзини аниқ фанларга бағишлаган олим бўлса, философияга ва тарихга ҳамда шу фанлар блан шуғулланучи кишиларга кинояли табассум блан қарайди, поэзияга, адабиётга, журналистикага эса

---

\* Одамшавандалик — Ред.

беҳуда бир нарса, деб қарайди. Бизнинг «тилчи» деб аталадиган кишиларимиз математикага нафрат блан қарайди, чунки мактабда ўқиган чоғида бу фанга унинг тиши ўтмаган. Буларнинг ҳаммаси айирма кайфияти эмас, балки чала ма'рифатликдан ёки чаласаводликдан дарак беручи аломатдир, дейишлари мумкин. Шундоғу! Броқ бу одамларнинг ҳаммаси ҳам, унча тўла деб бўлмаса ҳам, анча кенг бошланғич ма'лумотга эгадирлар: тилчи мактабга қатнаб юрган вақтида математикани, математик эса тилни ўқиган. Булардан кўплари, хонаси келганда, фанларни сун'ий равишда бир-биридан ажратишгина бор-у, лекин моҳият э'тибори блан ажралмаслиги, негаки ҳамма фанлар фақат бир нарса ҳақидаги — борлиқ ҳақидаги биргина билимдан иборатлиги ҳақида, сан'ат ҳам, фан сингари, борлиқни идрок этишнинг худди ўзи бўлиб, фақат бошқача шаклдадир, адабиёт ўқимишли кишиларнинг. ҳаммаси учун зеҳнга завқ ва роҳат бағишловчи бир нарса бўлиши керак, деб жуда яхши муҳокама ҳам юритадилар. Броқ уларга бу ажойиб муҳокамаларни амалда татбиқ қилишга тўғри келганда, — бундай вақтда улар дарҳол гуруҳларга бўлиниб кетадилар, бу гуруҳлар эса бир-бирларига ё бироз кинояли табассум ва мағрурлик блан ёки қандайдир шубҳа блан қараб-қараб қўядилар... Қандай қилиб бу ерда ҳарбири ўзича ўйлайдиган, ўзича гапирадиган, ўзича кийинадиган, ўзича ейдиган, ўзича ичадиган турли тоифа одамлар ўртасида социабеллик талаб қилиш мумкин?

Броқ шунга қарамай, бизда умуман жамият йўқ, дейиш нотўғри гап бўлар эди. Шу нарса шубҳасизки, бизда жамиятга бўлган иштиёқ ва жамиятга интилиш жуда кучлики, шунинг ўзи ҳам жуда муҳим нарса. Буюк Пётрнинг реформаси эса жамиятда бир синфни иккинчи синфдан ажратиб турган деворларни йўқ ҳам қилмади, бузиб ҳам ташламади; аммо унинг реформаси бу деворларнинг тагини кавлаб бўшаштириб қўйди, қулатишга қулатмади-ю, лекин нуратиб қўйди, — ҳозир энди бу деворлар кундан-кунга тобора қийшайиб кетмоқда, ўз вайроналари, ўз кесақлари ва

ахлатлари тагида қолиб кетмоқдаки, тузатиш бу деворларнинг оғирлигини ошириб юборган бўларди, бу оғирлик эса уларнинг, таги бўшашиб қолганлигидан, шундай ҳам муқаррар бўлган йиқилишини тезлаштирган бўларди, холос. Башарти ҳозир бу деворлар блан бир-бирларидан ажратилган тоифалар бу деворлардан теп-текис тош йўлдан ўтгандай ўтаолмаган тақдирда ҳам, бу деворларнинг кўпроқ абгор бўлган ва йиқилиб тушган жойидан бемалол ирғиб ўтиб кетишлари мумкин. Бундай ирғиб ўтишлар илгари жуда секинлик блан ва сезилар-сезилмас бўларди, ҳозир эса тез ва сезиларли даражада рўй бермоқда,— бас, бу ишлар жуда тез ва тўла равишда амалга ошадиган дамлар ҳам яқинлашмоқда. Темир йўл девор тагидан ҳам, деворни тешиб ҳам, туннеллардан ва кўприклардан ҳам ўтаберади; саноат ва савдо ишлари ривож топиши блан темир йўллар барча тоифа ва синфга мансуб кишиларнинг манфаатларини бир-бирлари блан чирмаштириб юборажак ва уларни ўзаро ҳамма катта ва ортиқча айирмаларни беихтиёр йўқ қилиб юборадиган жонли ва яқин алоқа боғлашга мажбур этажак.

Броқ, таркиб топиб келаётган жамиятнинг бошланиши бўлган тоифаларнинг бу ўзаро яқинлашабошлагани нуқул замонамизнинг хизмати эмас: бу адабиётимизнинг пайдо бўлиши блан боғлиқдир. Фақат моддий манфаатни деб бир тўда бўлиб уюшиб олган қурама жамият аянчли ва инсонга номуносиб жамият бўлган бўларди. Бирон-бир жамиятда ташқи фаровончилик ва ташқи куч қанчалик зўр бўлмасин,— броқ агар унда савдо, саноат, пароходчилик, темир йўллар ва умуман ҳаракатлантиручи ҳамма моддий кучлар ма'рифат ва илму фаннинг равнақига ёрдам берадиган бир воситадан эмас, балки, энг бошланғич, асосий ва биринчи воситадан иборат бўлса,— бундай жамиятга таассуб қилишнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак... Бу жиҳатдан биз толи'имиздан ўпкалайолмаймиз: ижтимоий ма'рифат ва илму фан бизда бошда кичкинагина ва аранг сезиларли шохобча бўлиб оқиб келабошлаган бўлса-да, энг юқори ва олийжаноб

манба'дан — фан ва адабиётнинг худди ўзгинасидан оқиб келабошлади. Фан бизда ҳозир ҳам эндигина томир ёйиб бормоқда, лекин ҳали томир ёйиб кетгани йўқ, ҳолбуки билим ҳали авж олиб кетмаган бўлса-да, аллақачон томир ёйиб кетди. Билим дарахтининг барги ҳали барра ва сийрак, бўйи паст ва ингичка, лекин шу қадар чуқур томир ёйиб кетганки, уни ҳеч-қандай бўрон, ҳечқандай сел, ҳечқандай куч қўпо-раолмас: бу ниҳолларнинг бирон жойини кессангиз, — бошқа жойда яна томиридан кўкариб чиқади ва сиз уни кесишдан чарчасангиз — чарчайсиз-у, лекин у янгидан-янги новда отиб кўкариб чиқишдан чарчамайди...

Биз жамиятимизнинг билими ҳақида гапирар экан-миз, бу — адабиётимизнинг муваффақиятларидан гапирганимиздир, чунки бизнинг билимимиз адабиётимизнинг жамият тушунчаларига ва расму таомилига бевосита кўрсатаётган та'сиридир. Адабиётимиз жамиятимизнинг расму таомилини яратди, бир-бирдан катта фарқ қиладиган бирнеча авлодни тарбиялаб етиштирди, тоифаларнинг ма'навий жиҳатдан бир-бирларига яқинлашишларига асос солди, жамоатчилик фикрининг янги хилини вужудга чиқарди ва жамиятда алоҳида бир синфга ўхшаган бир тоифани вужудга келтирдик, бу тоифа одатдаги *ўртача тоифадан* бош-қача бўлиб, фақат савдогар ва мешчанлардан иборат бўлмасдан, балки бизда нуқул адабиётга қўйилган меҳри блан бирлашган, билим орқали бир-бири блан яқинлашган барча тоифа кишиларидан иборатдир.

Адабиётимизнинг жамиятга қилаётган та'сирини тушунмоқчи ва унга баҳо бермоқчи бўлсангиз, унинг турли даврлардаги намояндаларига бир назар ташланг, улар блан ҳамгап бўлиб кўринг ёки уларни бир-бирлари блан гапга солиб кўринг. Адабиётимиз шу қадар ёш ва яқинда пайдо бўлган адабиётки, жамиятда унинг барча намояндаларини ҳали ҳам учратиш мумкин. Ломоносовнинг тўғри вазнда ёзилган биринчи ажойиб русча ше'ри «Хотиннинг олиниши ҳақида ода» 1739 йилда, роса 107 йил бундан муқаддам пайдо бўлди, Ломоносов эса 1765 йилда, бундан

салкам 80 йил муқаддам вафот этди. Ҳозир, албатта, Ломоносовни ақалли болалик чоқларида кўрган ёки, кўрган бўлсалар ҳам эсларида қолган кишилар йўқ; лекин Ломоносовнинг асарларини ўқиб поэзия блан адабиётни севишни ўрганган ва ҳозир ҳам, уни ўз замоналарида қандай буюк шоир деб келган бўлсалар, шундай буюк шоир деб билучи кишилар Русьда ҳали ҳам кўпдир. Державиннинг қиёфасини ва овозини яхши эслайдиган ва унинг шуҳрати оламга кетган даврни ўз умрларининг энг яхши пайтлари деб биладиган кишилар ҳозир янада кўпроқдир. Кўп қариялар, Херасковнинг поэмалари жуда ҳам яхши поэмалар, деб ҳали ҳам жону дил блан ишонадилар, сўнгра, кекса шоир Дмитриевнинг матбуотда, ёш авлод «Россиада» ва «Владимир» ижодчисининг талантига ҳурматсизлик қилмоқда, деб шикоят қилганига кўп вақт бўлдими? Сумарокснинг трагедияларини завқ блан эсга оладиган ва баҳс чиққанда, «Сохта Димитрий»дан, уларнинг фикрларича, энг яхши бўлган тирадаларни ёддан декломация қилиб бераоладиган чоллар ҳали кўп. Буларнинг ба'зибирлари эса, Сумарокснинг тили ҳақиқатан ҳам эскирган, деган фикрга қўшилиб, зўр эҳтиром блан Княжниннинг трагедия ва комедияларини драматик шавқнинг ва тоза рус тилининг намунаси, деб да'во қиладилар. Сумарокс блан Княжнин ҳақида ҳечнарсга демайдиган, лекин Озеров тўғрисида куйиб-пишиб ва жуда дадиллик блан гапирадиган одамларни ҳозир янада кўпроқ учратиш мумкин. Карамзинга келганда эса,— фақат қариялар эмас, балки қариб бораётган авлод кишилари ҳам, Жуковский, Батюшков, Пушкин, Грибоедов, Гоголь, Лермонтовнинг асарларини ўқибгина қолмасдан, балки буларнинг ҳаммаларидан ҳайратда қолган бўлишларига қарамай, уни жону дилдан севадилар, унинг руҳи блан тирикдирлар, шу руҳда фикр қиладилар ва ҳис қиладилар... Сўнгра ҳозир шундай кишилар ҳам борки, Пушкиннинг номини эшитиб киноя блан табассум қиладилар, Жуковский ҳақида эса зўр эҳтиром ва мамнуният блан гапирадилар, гўё кейингисига нисбатан бўлган

ҳурмат аввалгисига ҳам ҳурматла қараш блан сиғиш  
майдигандай. Гоголь асарларига тушунмайдиган ва  
ўзларининг бу ёзучи ҳақидаги янглиш фикрларига  
Пушкин асарларини тушунишларини сабаб қилиб  
кўрсатадиган кишилар ҳозир қанчаю-қанча!.. Брок  
буларнинг ҳаммасини, соф адабий фактлар, деб ўйла-  
манг: йўқ, агар сиз адабиётимиз турли даврларининг  
ҳамда жамиятимиз турли даврларининг бу намоянда-  
ларини диққат блан кўздан кечирсангиз ва уларнинг  
фикрларига э'тибор қилсангиз,— сиз уларнинг адабий  
тушунча ва э'тиқодлари блан оддий тушунча ва  
э'тиқодлари ўртасида бир қадар жонли алоқа  
борлигини кўрмаслигингиз мумкин эмас. Улар-  
нинг асли адабий билимларига келганда эса,— бу  
одамларнинг ўртасида гўё неча юз йиллик фарқ бор-  
дай, негаки, бизнинг адабиётимиз юз йилдан сал  
кўпроқ вақт ичида бирнеча асрлик масофани босиб  
ўтди. Шунинг учун ҳам тумтароқли мадҳиялар ва оғир  
эпик поэмаларнинг узундан-узоқ жумлаларидан беҳуд-  
лик даражасида мамнун бўлган жамият блан *Лиза*  
*чашмасига* йиғлагани борган жамият ўртасида: «Люд-  
мила»ни ва «Светлана»ни ҳаяжон блан ўқиган, «Ноз  
уйқуда ётган ўн икки пайкар» даҳшатларидан маст  
бўлган ёки «Эола арфаси»нинг сирли оҳанги та'сири  
блан романтик хаёл дар'ёсига чўмиб завқланган  
жамият блан,— «Евгений Онегин»ни деб «Кавказ  
асири»ни ҳам, «Боқчасарой фонтани»ни ҳам, «Ақл-  
лийлик балоси»ни деб Фонвизин комедиясини, «Борис  
Годунов»ни деб Озеревнинг «Димитрий Донской»ини  
(бир замонлар у ана шу «Димитрий Донской»ни деб  
Сумароковнинг «Сохта Димитрий»сини унутганидек),  
сўнгра эса Пушкин блан Лермонтовни деб улардан  
олдин ўтган шоирлардан гўё кўнгли совиган; Гогольни  
деб яқиндагина тахсинда қолиб келгани романчилар  
блан новеллистларни мутлақо унутиб юборган жамият  
ўртасида катта фарқ бор эди... Буни қаранг-а, 1829  
йилда чиққан «Иван Вижигин» блан 1842 йилда чиқ-  
қан «Улик жонлар» ўртасидаги муддат нақадар беқи-  
ёсдир... жамиятнинг адабий билимидаги бу тафовут  
ҳаётга ҳам ўтди ва одамларни турлича хатти-ҳара-



кат қиладиган, турлича фикр қиладиган ва турли маслакда бўлган бўғинларга бўлдики, буларнинг қизгин баҳс-жавоблари ва мунозаралари, моддий манфаатга эмас, балки принципларга асосланган бўлиб, жамиятда пайдо бўлаётган ва юксалаётган ма'навий ҳаёт аломатларидан иборат бўлмоқда. Ана шу улуг иш ҳам бизнинг адабиётимизнинг хизматидир!..

Адабиёт жамиятимиз учун ҳаттоки амалий ма'навий идеяларнинг ҳам қайнаб турган булоғи бўлган эди. Адабиётимиз сатирадан бошланиб, Кантемир орқали эски жамиятда айб эмас, балки ҳаёт қоидалари, хулқу атвор низоми ҳисобланган нодонликка, хурофотга, жанжалкашликка, чақимчиликка, расмиятчиликка, порахўрликка ва давлат мулкига нисбатан хиёнаткорлик қилишга қарши уруш э'лон қилди. Сумароковнинг таланти қандай бўлмасин, унинг «қичитқон уруғига» қилган сатирик ҳужумлари рус адабиётининг тарихчиси томонидан иззату ҳурмат билан тилга олинишга муносибдир. Фонвизиннинг комедиялари адабиёт олдидаги хизматгина эмас, балки янада кўпроқ жамият олдидаги хизмат эди. Қисман Капнистнинг «Чақимчи»си ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Бизда масалнинг сингиб кетганига сабаб шуки, у поэзиянинг сатира хилига мансубдир. Асосан лирик бўлган Державиндай шоир ҳам бирваракай сатирик шоир ҳам эди, бу нарса, масалан, «Фелиц», «Вельможа» ва бошқа пьесалардан кўришиб турипти. Ниҳоят, шундай вақт келдики, адабиётимизда сатира юморга айланиб кетиб, бу нарса ўз ифодасини оддий турмушнинг бадиий тасвирида топмоқда. Сатира, комедия, повесть ёки роман бузуқ одамни тузатади, деб ўйлаш кулгили гап бўларди, албатта; лекин шуниси шубҳасизки, бундай асарлар, жамиятнинг кўзгуси бўлиб, унинг онгининг очилишига ёрдам қилиб, бузуққа нафрат ёғдиради ва уни шарманда қилади. Шунинг учун ҳам бизда кўплар Гоголнинг номини эшитганда нафратланиб кетадилар ва унинг «Ревизор»ини, тақиқлаш керак бўлган «ахлоқсиз» асар, деб атайдилар-да. Худди шунингдек ҳозир

Энди ҳечким ҳам, комедия ёки повесть порахўрни ҳалол қилиши мумкин, деб ўйлаш даражасигача содда эмас,— йўқ, эгри дарахт бўй бериб, йўғон бўлиб қолгандан кейин уни тўғрилаб бўлмайди; броқ порахўрларнинг ҳам соғ одамларга ўхшаб болалари бор: бу болаларнинг ҳар икки хили ҳам, порахўрликнинг яққол тасвир этилган манзарасини ярамаслик деб ҳисоблаш учун сабаб тополмай, бу манзаралардан ҳайратда қолади ва катта бўлиб жамиятнинг чинакам а'зосига айланганда ҳаётида ҳамавақт ҳам натижасиз қолиб кетабермайдиган кўп таассуротларга эга бўлганини ўзи ҳам билмай қолади. Ёшликда олинган таассурот жуда кучли бўлади, шунинг учун ҳам, ҳиссиётига, тасаввурига ва ақлига нимаики биринчи даф'а қаттиқ та'сир қилган бўлса, ёшлик шуни ҳеч шубҳасиз ҳақиқат деб билади. Адабиёт жамоатнинг биргина билимига эмас, балки унинг ма'навий жиҳатдан яхшиланишига ҳам мана шундай тарзда та'сир қилади! Ҳарҳолда, шу нарса шубҳасиз ҳақиқатдирки, ўз маслак ва мақсадларини шахсий манфаатлари зарарига ва жамоатчилик ичида тутган мавқилари зиёнига турмушда амалга оширишга ҳаракат қилаётган одамларнинг сони фақат кейинги вақтларда кўпая бошлади.

Шубҳасизлиги бундан кам бўлмаган яна бир факт бордирки, у ҳам бўлса, адабиёт бизда бошқа кўп жиҳатларда *ботинан* ола бўлган кишиларни бирлаштиручи нуқта бўлиб хизмат қилмоқда. Мешчанин Ломоносов ўз таланти ва олимлиги туфайли зўр мартабага етади, тўралар эса уни ўзларига ҳамнишин қиладилар. Иккинчи томондан, уни камбағал ва энг пачоқ граждандан бўлган кишилар билан яқинлаштирган ҳам адабиётдир. Камбағал дворянин Державин ўз таланти туфайли ўзи тўра бўлди,— ва адабиёт воситаси яқинлашган одамлари орасидан фақат илму адабиёт ҳомиларини эмас, балки дўст бўлган кишиларни ҳам топди. «Громвал» балладасини ёзган қозонлик савдогар Каменев иши тушиб Москвага келганида, танишмоқ учун Карамзин ҳузурига борди, унинг орқали эса масквали адибларнинг ҳаммаси

блан таниш бўлиб олди<sup>1</sup>. Қирқ йил бундан муқаддам, савдогарлар дворянлар даргоҳининг пойгаларигагина бориб юрган, шунда ҳам юмуш блан, мол блан ёки қарз ундириш учун мулоимгина хиралик қилиб бориб юрган вақтлар эди. Ҳозир энди ҳатто номлари ҳам унутилиб кетган биринчи русча журналларни ҳам адабиётга бўлган кучли хирслари туфайли бир-бирлари блан яқинлашган ёшларнинг тўғараклари чиқарган эди. Ма'рифат кишиларни тенглаштиради. Биз кечириб турган ҳозирги пайтда ҳам бойвачча блан различин, савдогар блан мешчанин ҳам топиладиган дўстлар тўғарагини,— а'золари ўзларининг бир-бирларидан ажратиб турадиган ташқи тафовутларни мутлақо унутиб юборган ва бир-бирларини кишилар сифатида шундай ўзаро ҳурмат қиладиган тўғаракни учратиш асло сийрак ҳодиса эмас.<sup>2</sup> Бизда адабиёт вужудга келтирган ўқимишли жамоатчиликнинг чинакам ибтидоси мана шу! Инсон деган номни кўтариб юришга ҳаққи бор кишилардан, бу жамоатчилик, дostonларимиздаги ботирлар сингари, кун сайингина эмас, балки соат сайин ўссин ва кўпайсин, деб ким жону дили блан тиламаслиги мумкин! Ҳамма тириклик мавжудот сингари, жамият ҳам ўзвий бўлмоғи керак, я'ни ўзаро *ботинан* боғлиқ бўлган кўп одамлардан иборат бўлмоғи керак. Пул манфаатлари, савдо-сотиқ, акциялар, баллар, мажлислар, танцалар ҳам алоқадан иборатдир, броқ фақат ташқи алоқадан, демак, гарчи керакли ва фойдали бўлса ҳам, органик бўлмаган жонсиз алоқадир. Одамларни бир-бири блан ботинан боғлайдиган нарса уларнинг ма'навий манфаатларининг бирлиги, тушунчаларининг бир-бирига яқинлиги, ма'лумотларининг тенглиги ва шу блан бирга бир-бирларининг иззат-нафсларига ҳурмат блан қарашдир. Броқ бизнинг барча ма'навий манфаатларимиз, бутун бошли ма'навий ҳаётимиз ҳозиргача бўлгани каби ва бундан кейин ҳам яна узоқ вақтгача нуқул адабиётда мужассам бўлади: адабиёт қайнаб турган бир булоқдирки, ҳамма инсоний ҳислар ва тушунчалар жамиятга қараб шу булоқдан оқиб келмоқдадир...

Афтидан, рус адабиёти ҳақида мақола ёзишдан кўра осонроқ, *аслида* эса қийинроқ ҳечнарсга йўқ. Бунинг сабаби шуки, рус адабиёти ҳали ҳам норасидадир, гарчи Алкид сингари норасида бўлса ҳам, ҳарҳолда норасидадир. Қатта одамлардан кўра болалар ҳақида бирон ижобий, муайян фикр айтиш умуман жуда қийиндир. Яна бунинг устига бизнинг адабиётимиз, жамиятимиз сингари, турли-туман зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, ҳаддан ошириб юборишлар, таажжублар манзарасидан иборатдир. Бунинг сабаби адабиётимизнинг мустақил равишда ўзи бошланмасдан, дастлаб бизга ёт бўлган ўзга заминдан бизнинг заминга ўтказилганлигидир.<sup>3</sup> Шунинг учун ҳам бизнинг адабиётимиз ҳақида ҳаддан ошириб юбориш гапириш ҳеч гап эмас. Бизнинг адабиётимиз бойлик ва етуклик жиҳатдан биронта ҳам Европа адабиётидан қолишмайди ва бизда ўнлаб генийлар ва юзлаб талантлар бор, деб да'во қилиб чиқинг; ёки, бизда мутлақо ҳечқандай адабиёт йўқ, биздаги энг яхши ёзучилар — ё тасодифий бир ҳодиса ёки тўғридан-тўғри ҳечнарсга арзимайдилар, деб да'во қилинг: ҳар икки ҳолда ҳам баҳарнав'и сизнинг муддаонгизни тушунишади ва фикрингиз қизғин пайравларга эга бўлади. Муҳокамада ҳаддан ошириб юборишларни яхши кўриш — ҳали қарор топмаган рус табиатининг хусусиятларидан биридир; рус киши ё ҳаддан зиёд мақтанишни, ёки ҳаддан зиёд камтарлик қилишни яхши кўради. Шунинг учун ҳам бизда бир томондан, дами чиқиб қолган француз беллетристикининг сўнгги фельетон тамға эртаги ҳақида ҳанг-манг блан гапирадиган, ёки париждилар аллақачонлар унутиб юборган янги ҳажвий лапарни амфаз блан айтадиган, — рус шоирининг гениал асарига эса нафрат аралаш бепарволик блан ёки ҳақоратдан иборат шубҳа блан қарайдиган, Россиянинг келажаги йўқ, унда ҳамма нарса ёмон ва тузукроқ нарса бўлиши ҳам мумкин эмас, деб қарайдиган хомкалла европалилар кўп; иккинчи томондан эса, бизда европача бўлган ҳамма нарсадан — ҳаттоки ма'рифатдан ҳам нафратланиш учун ва русча бўлган ҳамма нарсани — ҳаттоки бўзани ва дуэльда ёқала-

шишни ҳам яхши кўриш учун жонлари борича *куча-надиган турш ватанпарварлар* жуда кўпдир. Шу гуруҳлардан бирига ёндашсангиз,— у сизни дарҳол улуғ одам ва гений қилиб қўяди, иккинчиси эса — жуда ҳам ёмон кўриб қолади ва беҳунар, беисте’дод одам деб айтади. Броқ ҳарна бўлса ҳам, душманингиз бўлгач, дўст ҳам ортдирасиз. Бу масалада холис, *тўғри* фикрда бўлсангиз,— ҳар икки томонни ҳам ўзингизга қарши қилиб қўясиз. Улардан бири сизни ўзининг расм бўлиб қолган, тақлидчиликдан иборат бўлган нафрати блан беҳузур қилса, иккинчиси сизни, бесаранжом, хавфли, шубҳали одам, ренегат деб овоза тарқатиши ва сизнинг устингиздан адабий хабар етказиши — албатта, кўпчиликка мурожаат қилиб,— мумкин.<sup>4</sup> Бунда энг хунук нарса шуки, сизнинг муддаонгизни тушунишмайди, сизнинг сўзларингизни эса ё ме’ёрсиз маҳовот, ё ме’ёрсиз сўкиш деб билишадю, лекин ҳақиқатан бор фактнинг, қандай бўлса шу ҳолича, унинг ҳамма яхши ва ёмон томонлари блан бирга, фазилатлари ва камчиликлари блан бирга, унда мавжуд бўлган ҳамма қарама-қаршиликлар блан бирга, тўғри характеристикаси берилганлигини кўрмайди. Бу нарса айниқса бизнинг адабиётимизга тааллуқлидирки, бу адабиётда ҳаддан ошиб кетиб қолишлар, қарама-қаршиликлар жуда кўплигидан унинг ҳақида бирон бир ижобий гап айтгач, дарҳол писанда қилиш ҳам керак бўлади, бу писанда эса, муҳокама қилишдан кўра кўпроқ ўқишнигина яхши кўрадиган кўпчилик одамларга, инкор этишдан ёки қарама-қарши келишдан иборат бўлиб кўриниши ҳеч гап эмас. Мисол учун олганда, адабиётимизнинг жамиятга кўрсатаётган кучли ва ҳаётбахш та’сири ҳақида ва, демакки, унинг биз учун улуғ аҳамияти борлиги ҳақида гапирганда, биз бу та’сир блан аҳамиятни биз ўйлагандан кўра жуда ҳам катта деб билмасинлар учун ва шундай қилиб биз айтган сўзлардан, биз фақат адабиётга эга бўлибгина қолмасдан, балки яна ҳарқандай европача адабиёт блан тенг бўлаоладиган бой адабиётга эгамиз, деган хулоса чиқармасинлар учун, писанда қилишимиз керак. Чунки бундай хулоса

хар жиҳатдан ҳам нотўғри бўлар эди. Бизда адабиёт бор, бор бўлганда ҳам, агар унинг воситалари ва ёшлигини назарга олсак, талантларга ва асарларга бой адабиёт бор,— лекин бизнинг адабиётимиз фақат ўзимиз учунгина бордир: четэллилар учун у ҳали ҳеч ҳам адабиёт эмас, шунинг учун ҳам улар унинг борлигини э’тироф қилмасликка тамомила ҳақлидирлар, чунки улар бу адабиёт воситаси блан бизнинг қандай халқ, қандай жамият эканлигимизни ўргана ва билаолмайдилар. Бизнинг адабиётимиз четэллилар унда ақлу хирад дун’еси бор нарса эканлигини кўраоладиган даражада бўлиш учун хийла ёшлик қилади, чунки у ноаниқ ва кўримсиздир. Яқиндагина у, гарчи исте’одли бўлса ҳам, европа намуналаридан нусха кўчиришни ўзининг катта хизмати деб билган, Европа ҳаёти картиналаридан кўчирилган нусхаларни рус ҳаётининг манзараси деб да’во қилган юраксиз шогирд эди. Бизнинг адабиётимизнинг Кантемир блан Ломоносовдан бошлаб Пушкингача бўлган бутун бошли бир даврининг характери ана шундан иборатдир. Шундан кейингина, кучга тўлганини пайқаб қолиб, адабиётимиз шогирдликдан чиқиб, уста бўлиб қолди, ва Европа ҳаётининг тайёр картиналаридан нусха кўчириб, содадиллик блан бу нусхаларни рус ҳаётининг оригинал картиналари қилиб кўрсатиш ўрнига, у дадиллик блан ҳам Европа, ҳам рус ҳаётининг картиналарини тасвир этабошлади. Броқ ҳали у фақат Европа ҳаётини тасвирлашда уста бўлиб, рус ҳаётини тасвирлашда уста бўлишга интилар ва кўпинча муваффақият қозонар эди. Адабиётимизнинг Пушкиндан Гогольгача бўлган даврининг хусусияти ана шундан иборатдир. Гоголь пайдо бўлди-ю, бизнинг адабиётимиз фақат рус ҳаётига, рус воқи’лигига қараб юз ўгирди. Эҳтимол, бунинг натижасида у бир ёқламароқ ва ҳаттоки бир андазадаги роқ адабиёт бўлиб қолгандир, лекин оригиналроқ, табиийроқ, демакки, ҳақиқийроқ адабиёт бўлиб қолди. Энди рус адабиётининг бу даврларига уларнинг биз учун бўлган аҳамияти жиҳатдан эмас, балки четэллдаги китобхонлар учун аҳамияти жиҳатдан кўз ташлайлик. Ломоносов блан Қарамзин-

нинг аҳамиятлари бизлар учун жуда катта эканлигини исбот қилиб ўтиришнинг ҳечбир ҳожати йўқ; броқ уларнинг асарларини Европа тилларидан истаганингизга таржима қилиб кўрсангиз,— четэл китобхонларининг бу асарларни ўқиши ёки ўқимаслигини, ўқиган тақдирда ҳам улардан ўзларига қизиқ туюладиган нарса топиш ёки топмасликларини кўрасиз. Улар муқаррар равишда: «Биз буларнинг ҳаммасини аллақачон ўз юртимизда ўқиганмиз; бизга рус ёзучилари керак» дейдилар. Дмитриев, Озерев, Батюшков, Жуковскийларнинг асарлари ҳақида ҳам худди шу гапни айтган бўлардилар. Бу даврдаги ёзучилар ичидан уларни қизиқтирадиган ёзучи битта бўларди — у ҳам бўлса масалнавис Қриловдир; броқ унинг асарларини дунёдаги тилларнинг биронтасига ҳам мутлақо таржима қилиб бўлмайди; шунинг учун ҳам фақат рус тилини биладиган ва узоқ вақтлардан бери Россияда истиқомат қилучи ажнабийларгина бу ёзучининг баҳосини, билишлари мумкин.<sup>5</sup> Шу тариқа, рус адабиётининг бутун бир даври Европа учун мутлақо ҳисобга кирмайди. Иккинчи даврига келганда эса,—бу давр Европа учун ҳисобга киради, броқ шунда ҳам маълум даражада ҳисобга киради. Агар Пушкиннинг «Моцарт ва Сальери», «Қизғончиқ рицарь», «Тош меҳмон» каби асарлари биронта европа тилига муносиб равишда таржима қилинганда ажнабийларнинг бу асарларни поэзиянинг юксак маҳсулоти деб билмасликлари мумкин эмас эди, лекин шунга қарамай бу пьесаларнинг рус поэзиясининг маҳсулоти сифатида деярлик ҳечқандай қизиғи бўлмас эди. Лермонтовнинг энг яхши асарлари тўғрисида ҳам шунини айтса бўлади. Минг яхши таржима қилган блан, Пушкиннинг ҳам, Лермонтовнинг ҳам асарлари бирмунча ширасиз бўлиб қолмаслиги мумкин эмас. Сабаби равшан: гарчи Пушкин ва Лермонтов ижодиётида русларга хос юрак, русларга хос соф ва расо ақлу идрок кучли ва чуқур туйғулар кўриниб турган бўлса ҳам,—броқ бу хусусиятларни ажнабийлардан кўра бизлар, руслар яққол кўриб турамиз, чунки рус миллати ҳали унчалик такомиллашгани ва тараққий қилгани йўқки, рус шоири ўз

асарларида, умуминсоний ғояларни ифода этганда, рус миллатининг мана мен, деб турган муҳрини босаолсин. Бу эса табиий нарса: Европа халқларининг миллий руҳи шу қадар ҳам табиий ва уларнинг адабиётларида шу қадар ҳам яққол акс этиб турадики, адабий асар, бадиий жиҳатдан ҳарқанча катта бўлса-ю, лекин яққол кўришиб турадиган миллий хусусиятга эга бўлмаса,— у европали китобхон назарида ўзининг асосий эътиборини йўқотган бўлади. Қандайдир Мариет, Бульвер ёки ундан ҳам кичкинароқ инглиз беллетристи асарларида ҳам худди Шекспир, Байрон, Вальтер Скотт асарларидаги каби инглизни кўришингиз мумкин. Жорж Занд блан Поль-де-Кок французча руҳдаги икки қарама-қарши томоннинг вакиллари дидлар, гарчи буларнинг биринчиси француз миллатидаги гўзалликнинг, инсонийликнинг ва олиймақомликнинг, кейингиси эса — торликнинг ва пастликнинг тимсоли мужассами бўлса-да,— броқ сиз уларнинг иккаласи ҳам бирдай фақат Францияда дунёга келишлари мумкинлигини дарҳол кўрасиз. Гёте блан Шиллер қандай бўлса, қандайдир Клаурен ёки Август Лафонтен ҳам худди шундай немислар дидлар. Бу адабиётларнинг ҳар бирида ёзучи ўз асарлари блан ўз қадрдон миллатининг яхши ёки бўш томонларини акс этдиради, шунинг учун ҳам миллий руҳ унда, худди таможна тамғаси сингари, гениал ёзучи асарида ҳам, ҳунари йўқ чизмачи асарларида ҳам босиғлиқ дид. Французлар жонлари борича греклар блан римлиларга тақлид қилган бўлсалар ҳамки, ўз миллий хусусиятларини ниҳоятда тўла сақлаб қолдилар. Виланд, французларга тақлид қилган бўлса ҳамки, немисликдан тушгани йўқ. Миллат ғовлари европалилар учун ўтиб бўлмас ғовлар дид. Бизнинг барча миллатларни тушунаолишимиз, шоирларимизнинг эса ўз асарларида осонгина ва бемалол грекларга ҳам, римлиларга ҳам, французларга ҳам, немисларга ҳам, инглизларга ҳам, итальянларга ҳам, испанларга ҳам айланиб кетаберишлари, балки, биз учун жуда катта фойда дид; броқ бу келгусидаги фойда бўлиб, миллатимизнинг кенг ва ҳартомонлама такомил топиши кераклигига ишора дид. Ҳозирги вақтда эса бу ҳол



ютуқ эмас, камчиликдир, кенглик ва ҳартомонламалик аломатидан кўра кўпроқ ўзимизнинг асосимизнинг ишланмаганлиги ва муайян эмаслигидир.

Шунинг учун ҳам ажнабийларга Пушкин блан Лермонтовнинг мазмуни рус ҳаётидан олинган ва яхши таржима қилинган асарлари бошқаларидан кўра қизиқроқ бўлар эди. Шундай қилиб, «Евгений Онегин» ажнабийлар учун «Моцарт ва Сальери»дан, «Қизғончиқ рицарь»дан ва «Тош меҳмон»дан кўра қизиқроқ бўлар эди. Гогольнинг ажнабийлар учун энг қизиқ рус шоири эканлигининг сабаби ҳам ана шунда. Бу тахминий гап эмас, балки ҳақиқат бўлиб, бу ёзучининг Францияда таржима қилинган ва ўтган йили Парижда Луи Виардо<sup>6</sup> жаноблари нашр этган бешта повестининг ажойиб муваффақияти блан тасдиқ этилгандир. Бу муваффақият табиийдир: ўзининг зўр сан'аткорлик талантидан ташқари, Гоголь ўз асарларида русча *турмуш* воқи'лиги доирасини маҳкам тутгандир. Ажнабийларга эса ҳаммадан қизиғи ҳам худди шу нарсадир: улар шoirнинг асарлари воситаси блан уни яратган мамлакат блан танишмоқни истайдилар. Бу жиҳатдан Гоголь — рус шоирлари ичида энг миллий шоирдир, шунинг учун ҳам асарлари миллий хусусияти жиҳатдан зўр асарлар бўлганидан, яхши таржима қилинган тақдирда ҳам миллий хусусияти бўшашмай иложи йўқлигига қарамай, унга ўз асарларининг таржима қилинишидан қўрқишнинг ҳожати йўқ.

Броқ бу муваффақиятдан ҳам унчалик талтайиб кетиш бўлмайди. Гениаллигини фақат ватандошлари эмас, балки ҳамма ерда ва ҳамма тан олсин, деган шоир учун миллий хусусият биринчи, лекин бирдан-бир шарт эмас: бундан ташқари у, *миллий* шоир бўлиш блан бирга *бутун дун'ё* шоири ҳам бўлмоғи керак, я'ни унинг ижодиётининг миллий хусусияти жисми йўқ ма'навий дун'ёнинг, умуминсоний го'яларнинг шакли, жисми, жону тани, жамоли, шахсияти бўлмоғи керак. Бошқача қилиб айтганда: миллий шоир фақат биргина ўзининг ватани учун улуғ *тарихий* аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки унинг дун'ёга келиши *жаҳоншумул тарихий* аҳамиятга эга бўлмоғи

керак. Бундай шоирлар инсоният тақдирида оламшумул тарихий роль ўйнамоқдек, я'ни ўз миллий ҳаёти блан бутун инсоният босиб бораётган йўлга ва тараққиётга та'сир қилмоқдек бурчга муяссар бўлган халқларда вужудга келиши мумкин. Шунинг учун ҳам, агар, бир томондан, буюк табиий генийга эга бўлмасдан, жаҳоншумул тарихий шоир бўлиш мумкин бўлмас, иккинчи томондан, буюк генийга эга бўлган блан ҳам ба'зан жаҳоншумул тарихий шоир бўлмаслик ҳам, я'ни фақат биргина ўз халқи учун аҳамиятга эга бўлиш мумкин. Энди бу ерда шоирнинг аҳамияти унинг ўзига, унинг фаолиятига, тутган йўлига, генийсига боғлиқ эмас, балки шоирни дунёга келтирган мамлакатнинг аҳамиятига боғлиқдир. Бу нуқтан назардан, бизларда Европанинг пешқадам шоирлари блан бир қаторга қўйиш учун бизга ҳуқуқ берадиган биронта ҳам шоир йўқ, — ҳаттоки, шоиримизнинг талант жиҳатдан уларнинг биронтасидан қолишмаслигини яққол кўриб турганимиз ҳолда ҳам улар блан бир қаторга қўйиб бўлмайди. Пушкиннинг «Моцарт ва Сальери», «Қизғончиқ рицарь» ва «Тош меҳмон» пьесалари шу қадар яхшики, уларни Шекспернинггина генийсига муносиб асарлар, десак сра муболаға бўлмайди; лекин бундан асло, Пушкин Шекспирга тенгдир, деган хулоса келиб чиқмайди. Шекспир генийси блан Пушкин генийси ўртасида куч ва ҳажм жиҳатдан катта фарқ борлигини айтмасак ҳам бўлади, — Пушкин Шекспирчалик кўп ва шунчалик шоҳона асарлар ёзган тақдирда ҳам, шунда ҳам уни Шекспир блан тенглаштириш жуда ҳам ошириб юборилган тахмин бўлар эди. Ҳозир, унинг энг яхши асарларининг сони ҳам, салмоғи ҳам Шекспирнинг энг яхши асарларига қараганда жуда камбағал эканлигини билиб турганимиз бир вақтда, бу гап айниқса тўғри гапдир. Умуман олганда, адабиётимизда бирнеча асар борки, биз уларни, бадиий қимматига кўра, Европа адабиётининг ба'зибир гениал асарларига тенглаштираоламиз, десак бўлади; лекин биз энг катта-катта Европа шоирларига тенглаштира бўладиган шоирларимиз бор, деб айтаолмаймиз. Бизнинг четэл адабиётидаги улуғ шоирлар блан таниш

бўлишга муҳтожлигимизнинг ва ажнабийларнинг бизнинг улуғ шоирларимиз блан таниш бўлишликка муҳтож эмаслигининг чуқур ма'носи бор. Бизнинг улуғ шоирларимизнинг Европанинг улуғ шоирлари блан нисбатини қуйидагича ифода қилиш мумкин: Пушкиннинг ба'зи пьесалари тўғрисида, уларни ўзиники дейишдан Шекспир ҳам номус қилмаганидек, Лермонтовнинг ба'зи пьесаларини ўзиники дейишдан Байрон ҳам номус қилмас эди; броқ, лақиллаб қолиш хавфи остида қолмасдан туриб, аксинча, я'ни Шекспирнинг ва Байроннинг ба'зи асарларига Пушкин блан Лермонтов ўз номларини қўйишдан номус қилмаган бўлардилар, дейиш мумкин эмас. Биз ўз шоирларимизни, уларнинг бутун ма'рифат олами кўз олдидаги аҳамиятларини эмас, балки фақат уларнинг талантидаги кучни ёки йўлни кўрсатиш учун, фақат шунинг учун уларни Шекспирлар, Байронлар, Вальтер Скоттлар, Гёте, Шиллерлар ва ҳоказолар деб атайоламиз. Ўз номи блан аталмаган, номи блан аталганга тенг бўлолмайди. Байрон Гётедан ва Шиллердан кейин дун'ёга келди,— лекин Байрон бўлиб қолаберди, инглизлар Гёте си ёки инглизлар Шиллери деб аталган эмас. Замони келиб, Россия ҳам оламшумул аҳамияти бор шоирларни вужудга келтирганда,— бу шоирларни ўзларининг ўз отоқли отлари блан атайдилар ва бундай шоирнинг ҳарбир оти, отоқли отлигича қолган ҳолда, шу блан бир вақтда турдош от ҳам бўлади, кўплик сон ма'носида ҳам ишлатиладиган бўлади, чунки *типик* от бўлади.

Улуғ рус шоири, табиий исте'додга эга ва таланти жиҳатдан Европанинг улуғ шоири блан тенг бараваар бўлса ҳам, ҳарҳолда ҳозирги вақтда у блан тенг аҳамиятга эга бўлолмайди, дер эканмиз, бу блан демоқчи бўламизки, улуғ рус шоири Европанинг улуғ шоири блан ўз поэзиясининг *мазмуни* жиҳатдан эмас, балки фақат *формаси* жиҳатдан тенглашаолади. Мазмунни шоир халқининг ҳаётидан олади, демак, бу мазмуннинг яхшилиги, чуқурлиги, ҳажми ва аҳамияти тўғридан-тўғри ва бевосита шоирнинг ўзига ва унинг талантига боғлиқ эмас, балки унинг халқининг ҳаёти эга

бўлган тарихий аҳамиятга боғлиқдир. Россиянинг Полтава жанги суронлари блан ўзининг Европа ҳаёти йўлига кирганини, ўзининг оламшумул тарихий ҳаёт кечириш палласини бошлаганини бутун дун'ёга э'лон қилган тарихий кундан бери атиги бир юз ўттиз олти йил ўтганлигига қарамай, шундай қисқа муддат ичида у муваффақиятларга ва шон-шавкатларга тўла қандай ажойиб йўлни босиб ўтди! Бу бениҳоя улуғ, мисли йўқ, ҳечқачон ва ҳечқерда кўрилмаган бир ҳодисадир! Россия, «подшоликлар устига оғир юк бўлиб турган пирни жарга йиқитиб юбориб», ҳозирги дун'ё тақдирини ҳал қилди, энди эса, Европанинг намунали давлатлари орасидан ўзига муносиб жойни эгаллаб, улар блан бирликда, дун'ёнинг тақдирини ўз куч-қудратининг мезонига солиб тутиб турмоқда... Бу эса шуни кўрсатадики, биз ҳечкимдан орқада қолганимиз йўқ, балки сиёсий-тарихий ма'нода кўплардан ўтиб ҳам кетдик, — бу муҳим томондир, лекин буюк роль ўйнамоғи керак бўлган халқ ҳаётининг бирдан-бир томони, ёлғиз томони эмас. Бизнинг сиёсий шавкатимиз бизнинг келажакда бошқа жиҳатлардан улуғ аҳамиятга эга бўлажагимизнинг гаровидир. Аммо биргина сиёсий шавкат блан буюк халқ ҳаётининг тўлалигини ва мукамаллигини та'мин этиши керак бўлган бошқа томонларнинг ҳаммасига батамом эришилган бўлмайди. Келажакда биз, Европа ҳаётининг мезонига, ғолибона рус шамшеридан ташқари, яна русларнинг тафаккурини ҳам қўшажакмиз... Ана ўшанда бизнинг шундай шоирларимиз бўладики, биз уларни Европанинг энг катта шоирлари блан тенглаштиришга ҳақли бўлажакмиз...

Ҳозир эса, бисотимизда бор нарсаларни, ошириб юбормасдан ҳам, камситмасдан ҳам, бориға шукур қилиб турмоғимиз керак. Муддат жиҳатидан адабиётимиз катта-катта муваффақиятлар қозониб, руслар руҳининг замини баракали эканлигидан шубҳасиз равишда гувоҳлик бермоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ, адабиётимиз деяолмасак ҳам, адабиётимиздаги ба'зи нарсалар ҳатто ажнабийларни ҳам қизиқтирабошламоқда. Бу қизиқиш ҳали ҳозирча бир томонлама қизиқишдир,

негаки ажнабийлар рус шоирларининг асарларида ўзлариникига сра ўхшамайдиган мамлакатнинг маҳаллий хусусиятларини, табиатлар ва урф-одатлар тасвиринигина кўраолдилар...

Гоҳ китобхонларга, гўё улар ўзимизники бўлган нарсаларнинг ҳаммасига, хусусан эса ўз ватанимиздаги талантларга, ватанимиз адабиётига менсимасдан қараганлари учун ҳужум қилиш; гоҳ танқидчиларга, гўё улар рус адабиётининг муносиб ва мутабар намояндаларини ерга уришга уринаётганлари учун ҳужум қилиш; эскидан одат бўлиб қолган. Бу икки да'вони қамти келтирганимиз бежиз эмас: буларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари жуда кўпдир. Гапни биринчисидан бошлайлик. Адабиётимизнинг, камтарлик блан ўзларини «ватанпарварлар» ва «ҳақиқатпарварлар» деб атовчи толмас ҳимоячилари кўпинча бизда китоб бозорининг касодга учраганидан, китобларнинг кам ўтаётганидан шикоят қилмоқдалар. Броқ далиллар бутунлай бошқа нарсани кўрсатиб турипти; бу далиллардан бизда энг яхши китоблар уёқда турсин, ҳаттоки сал-пал бундайроқ китобларнинг ҳам бозори чаққон эканлиги икки карра икки — тўрт сингари равшан кўриниб турипти. «Замонамизнинг қаҳрамони» *олти йил* ичида *уч марта* нашр бўлиб, тарқатилди; Лермонтовнинг ше'рларини тез кунлар ичида учинчи марта нашр қилиш зарур бўлиб қолади, ҳолбуки, бу ше'рларнинг ҳаммаси дастлаб журналларда босилиб чиққан эди; Гогольнинг «Хутор оқшомлари» тўрт марта босилиб чиқди деса бўлади; «Ревизор»нинг уч нашри тарқалиб бўлди; Гоголь асарларининг уч минг нусхалик иккинчи нашри (1842 йил) ҳам тарқатилиб бўлди; «Ўлик жонлар»нинг 1842 йилда босилиб чиққан икки минг тўрт юздан иборат нусхаси аллақачон битта қолмай таланиб кетди. Ҳаттоки граф Соллогубнинг китобхонлар журналларда ўқиган повестьлари аллақачон *икки марта* нашр бўлиб чиқди; «Тарантас» ҳам тез орада иккинчи марта нашр бўлиб чиқса керак. Бу далиллар етиб ортади.

Айтишадики, бизда энг ёмон китобни нашр қилиб чиқарганда ҳам сотилмай қолмайди, шунинг учун ҳам китобфурушлар ёмон китобларни бунчалик кўп босиб чиқармоқдалар. Афтидан, китобларнинг бозори ўтмай қолди, деб шикоят қилаётган «ҳақиқатпарварлар»нинг асарларигина мустасно бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, бу талантида, ақлда ва тушунчада кечикиш нақадар зарарли эканлигини кўрсатади, холос. Ўз ақллари ва афсоналарининг маҳсулоти ўтмай қолганидан қайғуга ва ноумидликка тушган бу жаноблар китоб мато'сининг бозори касод бўлгани учун айбни ҳажми катта журналлар ва Гоголь асос солган, гўё қалбаки бўлган, янги адабий оқим устига тўнкашга қарор қилдилар. Бу да'воларнинг иккиси ҳам бир-биридан қолишмайди. Да'вогарлар, бизнинг адабиётимиз журналларда кўп томлардан иборат бўлган романлар, тарихий асарлар ва ҳоказо шунга ўхшашлар босилиб чиқаётгани учун ҳалок бўлиб кетаётир деб айтмоқдалар. Улар ҳатто, китобхонлар ҳам бундан норози, деб ишонтирмоқчи бўлмоқдалар... Албатта! Алоҳида босилиб чиққанда қарийб беш ҳисса қимматга тушадиган миқдордаги асарларни эллик сўмга бир йили ичида сотиб олиш китобхонлар учун зарардир!.. Шундай бўлгач, китобхонлар нега журналлардан шикоят қилмасинлар! Сизлар, шунга қарамасдан, китоблар ҳам ўз йўли блан чиқиб туриши керак, дейсизларми? — уларни мумкин қадар арзонроқ ва кўпроқ нусхада босиб чиқараберинглар: журналлар сизга халақит бермайди. Китоблар бизда ҳам бундан ўн беш йил илгаригига қараганда (у маҳалда кичкинагина альманахлар, кўримсизгина нашр этилган бўлса ҳам, биттаси қоғоз пул блан ўн сўмдан сотилар эди, Вальтер Скотт романларининг ёмон таржималари ва оригинал рус романлари — биттаси қоғоз пул блан йигирма сўм ва ундан ҳам қимматга сотилар эди) анча арзон бўлиб қолган бўлса ҳам,—шунда ҳам бизда ҳозирги вақтда китоб ниҳоятда қиммат буюмдир. Афсуски, ўз кутубхонасини ҳамма машҳур рус ёзучиларининг асарлари блан тўлдирмоқ ниятида бўлиб юрганлар буни жуда яхши биладилар. Державин асарларининг кумуш пул блан уч сўм

турадиган нашри ўтган йилгина босилиб чиқди,— ҳолбуки бу асарлар аллақачонлароқ бундан ҳам икки барабар арзонга сотилиши керак эди. Батюшков асарларининг Смирдин нашрида чиққани қоғоз пул блан ўнбеш сўм туради. Жуковский асарларининг дастлабки саккиз томини ҳозирги вақтда зўра топиш мумкин, ўшанда ҳам кумуш пул блан ўнбеш сўмга, негаки, нашр бўлиб чиққани тарқаб бўлган, янгидан эса нашр этилгани йўқ. Пушкиннинг ёмон нашр этилган асарлари қоғоз пул блан олтмиш сўмгача туради. Гогольнинг кумуш пул блан уч сўмдан сотилган «Ўлик жонлар»ини ҳозир кумуш пул блан ўн сўмдан камга олиб бўлмайди, янги нашридан эса дарак ҳам йўқ. Қитобхонлар нақадар ташна бўлган блан, сотиб олиш учун китоб бўлмагач, китоб савдоси қандай ривож топсин? Бунга: бизда шундай китобфуруш — нашриётчилар борки, китоб чиқаришдан фойда қилиш ўрнига нуқул синадилар, деб важ келтиришлари мумкин. Тўғри, броқ бу китобфурушлар ичида сотадиган буюмининг ма'нисини тушунадиганлар кўпми?.. Бунда ким айбли — наҳотки катта журналлар айбли бўлса?..

Албатта, бизнинг китобхонларимиз, мисол учун олганда, ўз юртининг талантлари ва ўз юртининг адабиётини севадиган француз китобхонларига унчалик ўхшамайди, деган фикрга қисман қўшилмаслик мумкин эмас. Парижда Гюгонинг асарларининг янги нашри босилиб чиққан (нечанчи марта босилиб чиққанининг ҳисобига етиш ҳам қийин) пайтда француз академияси унга академия а'зоси деган унвон беришни рад этди: китобхонларнинг бунга қарши норозилиги шу бўлдики, бу китобларни бирнеча кун ичида битта қолдирмай сотиб олди... Бизда ҳали бундай ҳодисаларнинг бўлиши мумкин эмас. Ҳарбир ўқимишли француз ўз кутубхонасини жамоатчилик фикри классиклар деб билган ёзучиларнинг ҳаммасининг асарлари блан тўлдиришни зарур деб билади. Шу блан бирга у бу китобларни бутун умри қайта-қайта ўқийди. Бизда — яширишнинг нима кераги бор? — ҳарқандай ёзагон адабиётчи ҳам эски ёзучиларнинг асарларини олиб қўйишни зарур деб билавермайди. Хуллас, умуман,

бизда эскидан кўра янги китобни кўпроқ оладилар; эски ёзучиларнинг асарларини бизда деярлик ҳечким ўқимайди, айниқса уларнинг генийси ва шуҳрати тўғрисида ҳаммадан қаттиқроқ қичқиручилар ўқимайдилар. Қисман бунинг сабаби шуки, бизнинг саводимиз ҳали қарор топгани йўқ, саводга бўлган талаб эса бизда одат ҳукмига кирган эмас. Броқ бунда бу ма'навий ҳолнинг важи бўлибгина қолмасдан, балки унинг табиий эканлигини кўрсатадиган, эҳтимол янада муҳимроқ бошқа сабаб ҳам бор. Французлар, масалан, Рабле ёки Паскалнинг, XVI ва XVII аср ёзучиларининг асарларини ҳалигача ўқийдилар: бунда ажабланишлик ҳечнарсга йўқ, чунки бу ёзучиларнинг асарларини ҳозир ҳам биргина французлар эмас, балки немислар ҳам, инглизлар ҳам, хуллас, ҳамма ма'рифатли миллатларнинг кишилари ўқимоқдалар ва ўрганмоқдалар. Бу ёзучиларнинг, айниқса эса Рабленинг, тили эскириб қолган, лекин уларнинг асарларининг *мазмун*и доимо қизиқарли бўлиб қолаверади, чунки бу мазмун бутун бир тарихий даврнинг ма'носи ва аҳамияти билан боғлиқдир. Бу, гарчи жамиятнинг тили, одатлари ва тушунчалари ўзгариб кетган бўлса ҳам, ёзучини унутилиб кетишдан тил эмас, услуб эмас, балки фақат *мазмун*гина қутқазиб қолиши мумкин, деган ҳақиқатнинг тўғрилигини кўрсатади. Бунда ҳатто талант ҳам, ҳарқанча катта бўлган билан, ожизлик қилиб қолади. Ломоносов кўп улуғ ва гениал одам эди; унинг илмий асарлари ҳечқачон ўз қимматини йўқотмайди; броқ унинг ше'рлари биз учун фақат бир жиҳатдан — туғилиб келаётган адабиётнинг тарихий бир ҳодисаси сифатида қизиқ, холос. Уларни ўқиш ҳам зериктирарли, ҳам қийиндир. Бундай ишни хоҳлаб эмас, заруратдан қилиш мумкин. Державиннинг ажойиб шоирлик генийси бор эди; броқ у яшаган давр унинг ижодига шу қадар кам мазмун бераолган эдики, унинг асарларининг ҳозирги вақтда ҳам ўқилишига сабаб тўғридан-тўғри эстетик ма'нода завқланишдан кўра, кўпроқ рус адабиётининг тарихини ўрганиш мақсадидир, Карамзин рус тилини лотинча — немисча жумла тузиш, славянча — черковча талаффуз ва



шевaлар ҳамда қуруқ дабдабали гапларнинг эскирган, ўнқир-чўнқир ва тоши кўп йўлидан ҳақиқий ва унинг учун табиий бўлган йўлга чиқазди, жамоат блан жамоат тилида гапирди, ҳам адабиёт яратди, ҳам китобхон яратди, деса бўлади: бу жуда улуг ва ўлмас хизматдир! Биз бу хизматни жону дил блан э'тироф қиламиз ва донгги кетган соҳиби ақлнинг номини миннатдорлик блан тилга олишни фақат қарзимиз эмас, балки ҳузур ҳам деб биламиз; броқ бу блан «Бечора Лиза», «Бояр қизи Наталья», «Марфа Посадница» ва ҳоказола мазмунли бўлиб қолмайди, буларни бизнинг давримиз учун мароқли қилаолмайди ва бизни бу асарларни қайта-қайта ўқишга мажбур этаолмайди. Бизнинг кўп ёзучиларимиз ҳақида ҳам шуни айтса бўлади. Бизга: «Уларнинг замони шунақа бўлган, бизнинг замонда эмас, ўша замонда туғилганлари учун улар айбли эмаслар» дейишлари мумкин. Тўғри, мутлақо тўғри; ҳали ҳам биз уларни айблаётганимиз йўқ: биз китобхонларимиздан айбни олиб ташлаяпмиз, холос; бизнинг вазифамиз асло айбладан иборат эмас, балки нуқул оқлашдан иборатдир. Одамларнинг диди устида тортишув қийин нарса; броқ эски ёзучиларимиздан асарлари чинакам завқ блан ўқилиши мумкин бўлган ёзучи Фонвизиндир. Унинг асарлари ўша даврнинг эсдаликларига ва мемуарларига жуда ўхшайди, ҳолбуки улар эсдалик ҳам эмас, мемуарлар ҳам эмас. Фонвизин ажабтовур доно одам эди; у ўз замонасининг дабдабаси, ялтироқ томонига учмасдан, кўпроқ унинг мазмуни, ички томонига э'тибор берган эди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари ниҳоятда қизиқдир. Крилов ҳақида гапириб ҳам ўтирмаймиз: унинг асарларини ҳаммамиз ҳам, ёшлигимизда бир ёдлаб олганимизча, бутун умр эсдан чиқармаймиз.

Бизнинг Ломоносов, Державин ва Карамзин ҳақида айтганларимизни кўплар томонидан *flagrant délit\**, я'ни шуҳрати кетган адибларимизни ғараз блан танқид қилиб ерга уриш, деб тушунилади. Дарҳақиқат, айбимиз очиқ кўриниб турипти — бизга нажот йўқ! Броқ,

\* Очиқдан-очиқ жиноят.— *Ред.*

русларнинг: «Туш даҳшатли бўлса ҳам, худо ҳаллоқ!» деган мақоли бор. Хайриятки, шуҳрати кетган адибларни танқид қилиб ерга урмоқдалар, деган фикр кундан-кунга китобхонларнинг фикри бўлишдан чиқиб бормоқда: ҳозир энди бу фикр танқидчилар деб аталадиган кишиларнинггина ҳиссаси бўлиб қолди, иззатнафсига тегилган, унутилиб юборилган отоқлилар, эътибори тушиб кетган талантлар, пуч бўлиб қолган ясовчиларнинг севган қуроли,— уларга жуда мос келадиган қурол бўлиб қолди!.. Уларни мақташни хоҳламаган кишини, ёки, ундан ҳам ошиб кетиб, уларни назарга олишни хоҳламаган кишини; машҳур ёзучилар тўғрисида гапирганда, бир қолипдаги ва чайналган тайёр гапларни такрорлашни, бошқалар фикрининг акссадоси бўлишни истамасдан, ўз билганича, кучи етганча, мустақил ва эркин равишда баҳо беришни, ҳарбир ёзучининг хизматларини тақдирлашни, унинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатишни,— унинг рус адабиётида тутган ҳақиқий ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб беришни истайдиган кишини: айниқса унинг фикри китобхонларга мақул бўлса, бундай танқидчини нима қилмоқ керак? — У шуҳрат қозонган адибларни ерга урмоқда, Ломоносовни, Державинни, Карамзинни, Батюшковни, Жуковскийни, ҳаттоки Пушкинни қораламоқда, деб мумкин қадар қаттиқроқ ва такрор-такрор қичқиришдан бошқа иш қолмайди!.. Айтмоқчи, у ахлоқсизликни тарғиб қилаётир, ёш авлодни бузаётир, у... ҳеч бўлмаган тақдирда — ренегат, агар бундан ҳам бадтар бўлмаса... деб ишора қилиш ҳам мумкин... Бу ҳам «танқид» дейилади... Наҳотки китобхонлар ичида *шундай* танқидга қулоқ осадиган кишилар эканлиги — бош-топилса?.. Уларнинг қандай кишилар эканлиги — бошқа масала, лекин топилиши жуда мумкин, негаки, жамоатчилигимиз сингари китобхонларимиз ҳам хилма-хил, қурама ва рангбарангдир. Унинг ичида шундай кишилар борки, уларга «Ревизор» блан «Улиқжонлар» — қўпол ҳажв, «Курдюкова хонимнинг олдиқочдилари» эса — энг қизиқ асардир;<sup>7</sup> Шундай кишилар борки, улар, Гоголь айтгандек «адабиёт ҳақида сўз юритишни яхши кўрадилар, Булгаринни, Пушкин-

ни ва Гречни мақтайдилар-у, А. А. Орлов ҳақида нафрат ва чучмал пичинглар блан гапирадилар»<sup>8</sup>. Бундай кишилар ёки бундай қорилар (уларни китобхонлар дейиш гуноҳдир) танқидга ё албатта мақтов, ёки албатта сўкиш деб қарайдилар: улар бундай танқидни жуда осонгина тушунақоладилар, ҳарқандай бошқа танқиддан уларнинг бошлари айланиб кетган бўларди, чунки бунда уларга фикр қилишга тўғри келар эди, фикр қилиш эса улар учун энг оғир ва мушкул ишдир. Ёзучининг асарларини чинакам танқид қилиб ёзилган, автордаги шубҳасиз ютуқларни шубҳаларидан, талант камчиликларини вақт етишмаслигидан ажратадиган мақола чиққанда,— бу мақолани ҳалигидай қорилар ўқиб ўтирмайдилар; броқ уларга танқидчи ҳақида уларнинг қандайдир доимий танқидчилари, қандайдир ҳар балоларни тўқийдиган бир кимса гапириб беради, у бор кучи блан ўзини ҳамда энди ўзи учун хавфли бўлмаган эски ёзучиларни мақтайди, янги етишиб чиққан ёзучилар орасидаги истеъодларнинг ҳаммасини эса срасига ёмонлайди.<sup>9</sup> Бундай танқидчи янги чиққан танқидий мақолани ўз шнавандалари учун ўзича текшириб чиққан бўлади, ундан айрим сатрларни, ҳарбир саҳифасидан биттадан сўзни юлиб олиб: хизматлари кўп улугларни шунчалик ҳам ерга уриб бўладими! деб хитоб қилади. Шнавандалар эса унга ишонадилар, чунки унинг тилига тушунақоладилар: у айнан ана шу шнавандаларнинг таъбига ёқадиган, тушунчаларига тўғри келадиган, кўнгилларига ва дилларига мос келадиган гапларни гапиради — *les beaux esprits se rencontrent\**. Талантли одам ҳақидаги хато фикр унга зарар қилолмагани каби, тўғри гап ҳам уни ерга уролмайди, фақат қалбаки равишда машхур бўлиб олган кишининггина эътиборини тушириш мумкин, демакки, адабиёт ҳақида мустақил фикр юритиш асло зарарли эмас, балки кўпинча фойдали бўлади, деган фикр бу шнавандаларнинг хаёлига ҳам келмайди. Бундай танқидни ўйлаб чиқарадиган кашфиётчи ўз шнавандаларини яна, ҳатто номи ҳам унинг

\* Доноларнинг гапи бир ердан чиқади. — *Ред.*

жонини чиқарадиган танқидчини, фақат ўз дўстларини мақтаяпти, деб ҳам ишонтиради; шнавандалар эса хатга тушган бу гапга ишонаберадилар: бу танқидчининг ўзини ҳайратда қолдирган ёзучиларнинг ҳаёт чоқларида улар блан шахсан таниш бўлганми, ё бўлмаганлигини қаердан билсинлар? — Бу жуз'ий масала; Ломоносов вафот этганда бу танқидчининг ҳали дун'ёга келмаганини, Державин вафот этганда ва Карамзин блан Жуковскийнинг шуҳрати таралган вақтда эса ҳали хат-саводи чиқмаганлигини, унинг бу ёзучиларнинг хизматларига ва генийсига, бошқаларнинг гапига тақлид қилиб эмас ва суриштирмасдан эмас, балки мустақил равишда қойил эканлигини фаҳмлаш бундай шнавандаларга йўл бўлсин? — Ахир фаҳмламоқ учун фаҳмлаш қобилияти ҳам бўлиши керак-да. Яккаш: ўз оғайниларинигина мақтагани-мақтаган.. деб такрорлашдан бошқани билмайдиган кишининг гапига ишонини эса анча осонроқ.

Умуман бизда ақлий ва адабий ма'рифат бобидаги ҳайрон қоларли ва сур'атли муваффақиятлар блан бирга қандайдир хомлик, қандайдир бетайинлик ва ноаниқлик ҳам кўзга ташланиб турипти. Бошқаларнинг адабиётида аллақачонлар аксиомаларга айланиб кетган, аллақачонлардан бери баҳсга сабаб бўлиш-ликдан қолган ва исбот қилиб ўтиришни талаб қилмайдиган ҳақиқатлар, — бизда ҳали ҳам муҳокама қилингани йўқ, ҳали ҳаммага ма'лум бўлган ҳам эмас. Мисол учун, сиз ҳечқандай китоб ёзганингиз йўқ, аммо катта муваффақият қозонган журнал чиқараяпсиз, — муҳолифларингиз эса, сизнинг журналингиз ёмон, негаки сиз ҳечқандай китоб ёзганингиз йўқ, деб қичқираверадилар.<sup>10</sup> Бу «негаки» деган гап жуда тоза гап! Ахир журнал яхши бўлса, унинг ноширининг китоб ёзгани ёки ёзмагани блан сизнинг нима ишингиз бор? — Сиз танқид блан шуғулланмоқдасиз, шуғулланганда ҳам, муваффақиятли равишда шуғулланиб, бошқаларнинг фикрини ёки ҳавасини кўзғотмоқни ва ўзингизга душманлар орттирмоқни истайсиз: ўйла-

мангки, мухалифларингиз сиз баён қилган фикрларни рад қилабошлайдилар, сиз чиқарган хулосалар ҳақида баҳслашабошлайдилар, деб. Йўқ, бунинг ўрнига улар сизга, ўзингиз ҳечнима ёзмагандан кейин, бошқаларни танқид қилишга ҳам ҳаққингиз йўқ; ўзингиз ҳали ёш бўлатуриб, ўзингиздан кекса кишиларнинг асарлари ҳақида муҳокама қиласиз ва ҳоказо шу каби гапларни гапирабошлайдилар. Бундай қилиқлар ҳарқандай кишини ҳам қийин аҳволга солиб қўяди,— бу қилиқларга жавоб қайтариш қийин бўлганидан эмас, балки жавоб қайтариш жуда ҳам осон бўлганидан шундай бўлади. Броқ бундай фикрларни рад қилиб ўтиришга, ўзини жуда сипо тутиб, киши ошпаз бўлмаса ҳам — таомнинг лаззатига тўғри баҳо бериши мумкин; машиначи бўлмаса ҳам — янги фракнинг яхши томонлари ёки каму кўстлари ҳақида янглишмасдан ўз фикрини баён қилиши мумкин; — худди шунингдек, шеър, роман, повесть, драма ёзишни билмаган ҳолда—ёзганларнинг асарлари ҳақида бама’ни ва тўғри фикр изҳор қилишга қодир бўлиш мумкин; сўнгра, модомики, гастронмия соҳасида танлашга усталик ўзича бир талант экан,—бу нарса сан’ат соҳасида айниқса тўғридир, чунки танқид ҳам ўзича алоҳида бир сан’атдир, деб исбот қилиб ўтиришга кимнинг тоқати бор. Шундай ҳақиқатлар борки, худди жуда равшан бўлганликлари учун ҳам бемаза ҳақиқатлардирлар, мисол учун, ёз иссиғу, қиш совуқ, ёмғирда қолганда киши ивийди-ю, олов олдида эса ўзини қуритиши мумкин, каби ҳақиқатлар. Ҳолбуки, бизда ба’зан бундай ҳақиқатларни мантиқ блан диалектиканинг бор кучини сарф қилиб ёқлаш зарур бўлиб қолади... Броқ бу ҳали фақат ё кулгили, ёки қайғули бир ҳолдирки, сизнинг кайфиятингизга боғлиқ; лекин шундай ҳоллар бўладики, кулгингиз келмайди. Жамиятнинг қандайдир бир хусусиятлари тўғри олиб кўрсатилган асарга бизда кўпинча ҳали жамиятни, ҳали табақани, ҳали шахсни мазах қилиш, деб қаралишинигина эсга олиб кўринг. Бизнинг адабиётдан ҳаётда фақат яхшилик қиладиган қаҳрамонлар блан мелодраматик ёзучиларнигина кўриб, жамоат орасида кўп учраши мумкин бўлган

кулгили, таажжуб ва ярамас ҳоллардан беҳабар бўлишни талаб қиладилар. Узи кенг ва эркин кун кўрмоқ учун, қўлидан келса, бошқаларга кун кўришни тақиқлашга тайёр одамлар бор... фриздан шинель кийиб, соқол қўйган қаламкашлар майда китобфурушлардан заказ олиб, бемаза китобчалар ёзадилар: бунинг нимаси ёмон? Нега ҳам қаламкаш бир бурда нонини қўлидан келганча ва билганича ишлаб топма-син?— Броқ бу қаламкашлар китобхонларнинг дидини бузиб қўяптиларми, адабиётни ва адабиётчи деган номни ерга ураяптиларми?— Шундай деб фарз қилайлик; броқ уларнинг китобхонлар дидига ва адабиётнинг муваффақиятларига зарар етказмасликлари учун, журналлар бор, танқид бор.— Йўқ, бизга бу кифоя қилмайди: ихтиёр бизда бўлганда эди — биз қаламкашларга беҳуда нарсалар ёзишни, китобфурушларга эса бундай нарсаларни чиқаришни ман' қилган бўлар эдик... Қаердан, кимдан ҳам чиқади бундай фикрлар?— журналлардан, адабиётчилардан чиқади!.. Улар ичида ёмон тақиқчилар бор: уларга қолса, ўз асарларидан бошқасини ёппасига тақиқлаган бўлардилар... Ба'зилари шунга ҳам қаноат қилмасдан, ўз асарларидан бошқа ҳарқандай товарни,— ҳатто нон блан туз сотишни ҳам тақиқлаган бўлардилар... Бизда бир ёзучи пайдо бўлдики, унинг ҳажв бобидаги таланти бутун адабиётга қаттиқ та'сир қилганидан уни бутунлай янги йўлга солиб юборди. Бу ёзучини ёмонлайбошладилар. Китобхонларни, бу ёзучи — Поль-де-Кок, ифлос, ювуқсиз ва пахмоқ, табиатдан нусха кўчиручи, деб ишонтирмоқчи бўлдилар<sup>10</sup>. Ёзучи бўлса ҳечкимга қия боқмай, ўз йўлидан олга қараб кетаберди. Китобхонлар унга бўлган муносабатлари жиҳатдан иккига ажралдилар, энг кўпчилик бўлган томон эса бу ёзучига кескин равишда қарши чиқди,— лекин, айтмоқчи, бу ҳол ёзучининг асарларини талаб-тортишиб сотиб олишга, қайта-қайта ўқишга халақит бергани йўқ. Ниҳоят, китобхонларнинг кўпчилик қисми ҳам уни ёқлайдиган бўлиб қолди: ёмонловчилар нима қилсин энди? Улар, бу ёзучида, гарчи, уларнинг сўзларича, ғалат йўлдан

бораётган бўлса ҳам, талант ҳаттоки катта талант бор, деб э'тироф қилабошладилар; броқ шу блан бирга у русларга хос хусусиятларнинг ҳаммасини тўғерга ураётир, муҳтарам чиновниклар табақасини ҳақорат қилаётир ва ҳоказолар, деб имо-ишоралар қилабошладилар ва очиқ айтабошладилар ҳам. Ваҳоланки, бу жаноблар мутлақо чиновниклар дардида эмас, балки ўзларининг дардларидадирлар: буларга қолса, китобхонлар, ўқийдиган яхши асар тополмасдан, ноилождан уларнинг асарларини ўқийбошласин ва яна сотиб олабошласин учун ҳозирги замон адабиётини бутунлай бўғиб қўймоқчилар... Буларнинг асарлари ҳам босилиб чиқабереди, китобхонлар эса ўқийберадилар, негаки агар бу асарларни ҳечким ўқимаганда эди, босилиб ҳам чиқмас эди... Бизда ҳарқандай фикр ҳам ўзига ўрин, кенг майдон, э'тибор ва ҳаттоки эргашучилар топаолади. Бу жамоатчилик фикрининг хомлиги ва бетайинлиги бўлмасдан нима, ахир? Аммо буларнинг ҳаммаси блан бирга, ҳақиқат ҳам, тўғри дид ҳам ҳарҳолда дадил одим ташлаб бормоқда ва тартибсиз фикрлар ўртасида бўлаётган бу жанг майдонини эгалламоқда. Бир томондан, қалбаки ва қуруқ бўлса ҳам, лекин ялтираб турадиган талант албатта муваффақият қозонса, чинакам талантнинг ҳам бизда э'тироф қилинмай ва муваффақият қозонмай қолгани каби ҳодиса бўлгани йўқ. Қалбаки э'тиборлар кундан-кунга чиппакка чиқиб бораётир. Гапда найрангбоз бўлган Марлинскийнинг шуҳрати жуда катта бўлиб кўринган вақтлардан бери кўп ўтдимиз?— ҳозир эса уни оғизга ҳам олмайдилар, уни мақтамайдиларгина эмас, ҳатто сўкмайдилар ҳам. Бундай мисоллардан кўпини келтириш мумкин эди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг адабиётимиз ҳам, жамиятимиз ҳам ҳали ёшроқ ва ғўрроқ эканлигини, аммо келажакда гуллаб тараққий қилиб кетишдан дарак берадиган соғлом ҳаётий кучлари ҳам кўплигини кўрсатиб турипти.

Қаерда ҳамдир, бизда беллетристикадан кўра бадий асарлар кўп, талантли кишилардан кўра гениал

кишилар кўп, деган фикр бир айтилган эди. Ҳар қандай ўзича алоҳида ва янги фикр сингари, бу фикр ҳам турли муҳокамаларга сабаб бўлди. Ҳақиқатан ҳам, бу фикр биринчи қарашдаёқ галатироқ бир муболағага ўхшаши мумкин; лекин шунга қарамай бу фикр асос э'тибори блан тўғри фикрдир. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун адабиётимиз босиб ўтган йўлга, аввалдан то ҳозирги давргача, назар ташлашнинг ўзигина кифоя. Беллетрис бир тақлидчи бўлиб бошқа кишининг—гениал кишининг фикри блан кун кўради. Тўғри, адабиётимизнинг биринчи давридаги, я'ни Пушкингача бўлган даврдаги, гениал кишилари, европали ёзучиларга нисбатан олиб қараганда, беллетристларгина бўлиб, ёзишни европали ёзучилардан ўрганган эдилар, шакл жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам намуна олган эдилар; лекин бизнинг адабиётда бу ёзучиларнинг роли бутунлай бошқача эди. Қантемир Горация блан Буалога тақлид қилган бўлса ҳам, шу блан бирга рус адабиёти учун мутлақо янги бир ёзучи, уни *гениал* одам деб қараган замондошларини ҳайратда қолдирган, уни адабиётимизнинг ажойиб намояндаларидан бири деб қараётган авлоднинг иззат-эҳтиромига сазовор ёзучи эди. Ломоносов, Державин ва Фонвизин ҳақида буни айтиб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ: булар ҳақиқатан ҳам гениал кишилар бўлганлар, буларнинг иккинчиси-ку ҳақиқатан ҳам гениал шоир эди. Броқ Сумароков, Херасков, Петров, Богданович ва Княжнин ҳам улар даврида, ҳаттоки улар вафотидан кейин ҳам кўп замонларгача, улуг шоирлар ҳисобланар эдилар. Адабиётимизнинг доимий мухлисларидан бўлган ҳурматли Сергей Николаевич Глинка, ҳозир ҳам уларни улуг шоирлар деб ҳисоблайди. Гарчи бу тўғрида бизнинг замонимиз бутунлай бошқача ўйласа ҳам, лекин Сергей Николаевич Глинка блан унинг замонининг фикри ҳам асосли фикр эканлигига қўшилмасдан қолюлмайд<sup>12</sup>. Ҳарқандай адабиётнинг, айниқса тақлидчиликдан иборат адабиётнинг дун'ёга келган биринчи арбоблари ҳатто миқдор жиҳатдан жуда кўп бўлиб, бу ҳол ҳозир энди, кейинроқ адабиёт муваффақият



қозонган ва тараққий қилган вақтларда дун'ёга келатган худди ўшандай талантларга хос эмас. Замондошларининг фикрига кўра, Сумароков масалнавис Лафонтенни фожианавислар бўлган Корнель блан Расинни жуда ҳам орқада қолдириб Вольтер жаноблари блан тенг бўлиб олган. Херасков бизнинг Гомер, Петров—Пиндар бўлган, Богданович—Зефир унга ўз қанотидан перо берган, у «Жонон» деган суратни ишлаганда эса ҳуру филмон дасгирлик қилган... Броқ бу, айтайлик, шартли гениал кишилар яратган тақлидчилар кўпми? Державиндай киши яратган тақлидчилар кўпми? Тўғри, у яхши замонларда ёзилган ва босилиб чиққан тантанали одаларнинг сони миллионларга етарди; броқ бунинг сабаби шуки, уларни минг-минг қўл ёзган эди, бас агар ҳарбир қўлга биттадан ода тўғри келса — шунда ҳам натижа ваҳимали бўлади. Хўш, адабиётимизга унинг биринчи генийлари бошлаб берган ҳаракат яратган ва номлари бизгача етган таланти беллетристлар кўпми? Сумароков, Херасков ва Петровларнинг таланти тақлидчилари ҳам бўлиши мумкин эмас эди, деб фараз қилайлик; Державинда-чи, бундайлар кўпмиди? Бирнеча ода ёзган киши Дмитрев бўлди-ю, ундан кўра кўпроқ ёзган киши Капнист бўлди — вассалом... Бу икки шоирнинг ёзган одалари, сон жиҳатдан Державин ёзган одаларнинг кўплигига қараганда ҳечнарс эмас. Қолбуки беллетристнинг ўз устозидан кўра кўп ёзиши осонлиги табиийдир; броқ бизда ҳамиша бунинг аксича бўлиб келган. Жуда кам асар ёзган Макаров блан Подшивалов, айниқса Подшивалов, Карамзиндан қат'и назар иш кўрган эдилар; Карамзинга тақлид қилучилар эса Владимир Измайлов блан князь Шаликов бўлдилар, ва, ростини айтганда, яна кимлар бўлганини билмаймиз: бундайлар шунчалик кам эдилар, шунчалик кам бўлатуриб ҳам суслик блан ёзган эдилар! Жуковскийнинг та'сири кенгроқ миқ'ёсда эди: ундан ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам таржима қилишни ўрганиш мумкин, унинг ше'ри ҳам доимо намуна бўлиб қолажак. Қозлов, жаноб Ф. Глинка ва қисман жаноб Туманский Жуковский созининг ако-

садоси эдилар. Пушкиндаги гениаллик янада кўпроқ тақлидчиларни вужудга келтирдик, уларни талантли кишилар эмас деб бўлмайди ва улар ўз даврида жуда катта эʼтибор эгаси ҳам бўлганлар; броқ улар, ҳам-маларини йиғиштириб келганда, фақат Пушкиннинг бир ўзи ёзганининг ярмисича ёзмаган бўлсалар керак, ҳолбуки Пушкин ҳам унчалик кўп ёзган эмас,— ва улар жуда қисқа муддат ичида ўз талантларини ҳам, ўз шухратларини ҳам қўлдан бериб қўйдилар! Ҳозир ҳам ёзаётганлар жуда кўп; бири оёқдан қолиб кетмоқда, яʼни унутилиб кетмоқда (бу ҳол бизда ниҳоят даражада тез содир бўлади), иккинчиси пайдо бўлмоқда, ҳаммасини бирга қўшиб олганда, анчагина (ақалли нисбатан) кўп асар яратишмоқда, броқ ҳар бири алоҳида олинганда жуда кам ёзмоқда. Бунинг устига, кимни олманг, ҳамма нафислик, ижодкорлик даʼва қилади, оддий қиссанавис, ҳикоянавис, беллетрист бўлишни ҳечким хоҳламайди. Ҳамма заказ олиб ёзади, ҳарбир сатр, ҳарбир сўз, ҳарбир вергул қанча даромад келтиришини олдиндан билади, деса бўлади; броқ шу блан бир вақтда ҳамма илҳом блан ёзади. Кўплар ҳали ёзилмаган повестьларни сотмоқдалар, ортиқ даражада кўп ёзаётганлари ва кўп заказ олаётганлари учун эмас, балки ортиқ даражада кам ёзаётганлари учун сотмоқдалар. Биттаси бир йил ичида битта повесть ёзиб қўйдими, бас — кўрибсизки, Аустерлицда бўлган жангдан кейин Наполеон қандай гердайдан бўлса, бу ҳам шундай гердаяди. Бир йилда иккита повесть ёзишга муваффақ бўлдими, тамом: бундай ҳол бутун дунʼё миқʼёсидаги ютуқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бизда беллетристика йўқ, китобхонлар эса китобга зор. Бир йил ичида чиққан унча-мунча дуруст (фақат бир навʼ дуруст бўлганларни ҳам қўшиб олганда) асарлар бармоқ блан санарлидир. Францияда аҳвол бошқача: у ерда биратўла кўп-кўп ёзишаберади, шунинг учун ҳам ҳарбир озми-кўпми машҳур беллетрист бутун бошли томларни, қарийб ўн томлаб асар ёзиб ташлайди-ю, лекин ўзи ҳақида китобхонларнинг нима деб — гениалми ёки фақат талантли кишигинами — қараши блан иши йўқ. Уерда беллетрист

сан'аткор-шоирдан кўра кўпроқ ёзади: Жорж Занд деган ёзучи аёл биздаги кўп йиллардан бери ёзаётган кўп ёзучиларнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ асар ёзди; броқ Жорж Занд ёзган асарлар ҳажми Ежен Сю ёки Александр Дюма ёзган асарлар ҳажмига нисбатан — денгиз қаршисида бир кўл ёки океан қаршисида бир денгиздир. Бу табиий бир ҳолдир: ижод иродага бўйсунмайли, бинобарин ўзига муддао қилиб олган фикр-ни ўз миясида ўйлаб кўрмоқ ва пишитмоқ учун сан'аткорга фурсат керак... Ҳозирги вақтда, бу сўзнинг том ма'носи блан айгганда, бизда учта беллетрист бор эди ва ҳозир ҳам бор: булар — Булгарин, Полевой ва Кукольник каби жаноблардирлар. Буларнинг битмас-туганмас ғайратлари ҳайратда қолдирарлидир...

Бизда поэзиянинг ҳамма хиллари ичида бошқаларга қараганда бўшроқ пайванд бўлгани драма ва айниқса комедиядир. Ҳаттоки, классик трагедия деб аталган нарса ҳам бизда ўз замонида тараққий этган ва муваффақиятларга эришган эди. Сумароковнинг трагедиялари бизнинг дун'ёга келаётган театримизга озиқ берди ва замондошларини ҳайратда қолдирди-гина эмас, «Сохта Димитрий» чекка жойлардаги театрларда ҳозирги асрнинг йигирманчи йиллари бошида ҳам муваффақият қозонди. Княжниннинг трагедия ва комедиялари ўз замонида ҳеч сўзсиз яхши асарлар эди,— сўнгра, умуман айтганда, агар шу кунларда ҳам драматик адабиёт соҳасида, бир вақтлардаги Княжнин каби, дучо ва эпчил тақлидчи пайдо бўлса эди, замонимиз катта ютуққа эга бўлган бўлар эди. Озеров эса Княжниндан ҳам юқори турар эди. Бундан кўриниб турибдики, классик трагедия бизда нақ уч авлод давомида тараққий этган экан. Кейин романтизм пайдо бўлди-ю,— романтик драмалар, қонли, даҳшатли, дабдабали, ниҳоят, ҳаттоки халқбоп, лекин шу блан бирга кўпинча бема'ни ва қуруқ драмалар чиқабошлади. Ҳозирги вақтда шундай асарлар ҳам фақат бенифслар учун ёзилмоқда ва тобора камайиб ҳам кетмоқда. Бундай асарлар ёзиш тез орада бутунлай

қолиб кетади, деган умид бор. Жуда саз! Ажойиб ёки қандай бўлмасин бема'нигарчиликларнинг кўп бўлганидан кўра мутлақо ҳечнарсга бўлмагани яхшироқ!<sup>13</sup> Броқ бизда ҳамма соҳада ҳам талантли одамлардан кўра гениал одамлар кўпроқ (гарчи бундайлар жуда кам бўлса ҳам) деган гап драма соҳасида ҳам бошқа соҳага қараганда кўпроқ тўғри чиқди. Пушкин ўзи «Борис Годунов» асарида бизга халқ драмсининг чинакам ва гениал намунасини кўрсатиб берди: броқ у жуда чин ва гениал сан'аткор бўлганидан ҳам бизнинг драматик адабиётимизга ҳечқандай та'сир қилолмаган бўлса керак<sup>14</sup>. «Борис Годунов»нинг та'сири талант аломати бор ақалли биронта ҳам драматик асарга урган эмас. Бунинг сабаби шуки, талант аломати кўриниб турган биронта ҳам драматик асар бизда ҳечқачон чиққан эмас, дейишлари мумкин. Тўғри! Нега бўлмаса, талантдан, ба'зан ҳатто ажойиб талантдан дарак берадиган, Пушкин блан Лермонтовнинг адабиётимизга та'сири нақадар кучли ва самарали эканлигини кўрсатадиган ше'рлар — поэмалар бизда кўп пайдо бўлиб турди ва пайдо бўлмоқда?.. «Борис Годунов»дан кейин пайдо бўлган халқбоп энг яхши драматик асар бўлган «Русалка» («Сув париси») ҳам яна ўша Пушкинникидир. Унинг драматик поэмалари: «Фаустдан бир парча», «Моцарт ва Сальери», «Қизғончиқ рицарь», «Тош меҳмон» ҳам рус адабиётида ҳечқандай сал-пал дурустроқ тақлидга муясар бўлгани йўқ. Ҳолбуки, Пушкиннинг ҳамма драматик асарлари — буюк бадий асарлардир...

Бизнинг комедиянинг толини ҳам худди шундай: ё мисли йўқ бир асар, ёки — ҳечнарсадан ҳам кам. Фонвизингача бўлган русча комедиялар тўғрисида ҳечнарсга демаса ҳам бўлади: у вақтдаги комедиялар ё таржимадан, ёки ағдармалардан иборат эди (бу жиҳатдан Княжиннинг асарлари ҳурматга лойиқ асарлардир); броқ оригинал русча комедиялар сифатида —бу нарсалар ажаб бир расво нарсалар эди. «Бригадир» блан «Гўдак», бу сўзнинг том ма'носи блан айтганда бадий асарлар бўлмаса ҳам, броқ гениал асарлар эди. Характерига қараб уларни комедия шак-

лидаги жуда яхши ва ўткир сатиралар дейиш мумкин. Уларга тақлид қилиб ёзилган нарсалар ҳам бўлган эди, лекин расво ва бема'ни нарсалар эди. Айтмоқчи, бу асарларнинг та'сири, кечикиб бўлса ҳам, Основья-ненконинг «Дворянлар сайлови» номли, камчиликлари ҳам бор, лекин яхши томонларидан ҳам маҳрум бўлмаган асарида ўз аксини топди. «Бригадир» блан «Гўдак» ўртасида Аблесимов жуда ёқимли ҳалқбоб бир водевиль ёзиб чиққандай бўлди.<sup>15</sup> Гарчи кўп ажойиб бўлса ҳам, бу бир тасодиф эди, шунинг учун бу асарнинг адабиётда оқибатсиз қолиб кетиши ҳам турган гап эди. Капнистнинг «чақимчи»си ишланишидан кўра кўзлаган мақсади жиҳатдан ажойиброқдир. Энди тўғридан-тўғри Грибоедовнинг «Ақллилик балоси»га ўтишимиз керак. Негаки Фонвизиндан Грибоедовгача ўтган давр ичида ше'р ва проза тарзида ёзилган бениҳоя кўп комедиялар тилга олишга ҳам арзимайди. «Ақллилик балоси»—бир жиҳатдан бадий асар, иккинчи жиҳатдан сатирик комедия бўлиб, бу ақллилик, донолик, талант, гениалликнинг аччиқ, заҳарли илҳомнинг юксак намунасидир.— «Ақллилик балоси» ҳозиргача ҳам бизнинг адабиётимизда шундай бир ягона асар бўлиб қолмоқдаки, биронта ҳам талантли одам бу тақлидда ўз кучини синаб кўришга жур'ат қилган эмас.<sup>16</sup> Энди Грибоедов комедиясидан тўғридан-тўғри «Ревизор»га ўтмоқ керак. Жуда ҳам юксак даражали, энг чуқур юмор ва таажжуб ҳақиқатга тўла бу комедиядан ташқари Гоголь яна бир кичкинагина комедия — «Уйланиш»ни ва бирнеча парчалар ёздики, уларни ҳажм жиҳатдан комедия деб бўлмайди, улар блан комедия ўртасидаги нисбат повесть блан роман ўртасидаги нисбатчадир. Бу парчаларнинг ҳаммасида «Ревизор» авторисидаги талантнинг барала кўриниб турган изи бор бўлиб, бу парчалар, авторнинг ўзи сингари, ҳозиргача бизнинг адабиётимизда, дарахт ҳам, қора ҳам кўринмайдиган кенг қум саҳросидаги якка-ёлғиз ёдгор бўлиб қолмоқда... Тўғри, жуда ҳам муваффақиятсиз бўлмаган икки ёки уч уринишлар бўлган эди. Лекин бу уринишлар жуда ҳам ночор, бўш уринишлар эди.

Ҳарбир нарсага нисбатан бирёқлама қараш, гарчи бу қараш чуқур ва ўткир қараш бўлса ҳам, ҳаминша янглиш хулосаларга сабаб бўлади. Ишонч ҳосил қилишга бўлган қобилият инсон табиатининг энг ажойиб қобилиятларидан бўлиб, агар у бирёқлама бўлса, фанатизмга олиб боради. Адабий фанатизм ҳам, ҳарқандай бошқа фанатизм сингари, айниқса агар у фақат назарияни муддао қилиб олган бўлса, кар ва кўр бир нарсадир. Немисларнинг эстетик назариялари бизнинг ҳали ёш илмимизнинг ташна заминига шу қадар яхши сингиб кетганки, бу назарияларнинг биздаги қизгин ва фанатик пайровларига, ҳаттоки Германиянинг ўзида ҳам, айниқса ҳозирги вақтда, назария васвасасининг бир му'жизаси деб қараган бўлардилар. Бу хил тузалмас фанатикларга француз адабиёти ва француз сан'ати тиш ўтмайдиган нарсалардир: бу адабиёт блан сан'атга тушунмасдан ва бунга иқрор бўлишдан зўр бериб бош тортиб, улар бу адабиёт блан сан'атнинг борлигини заррача ҳам тап тортмасдан инкор қилаберадилар. Дарвоқи', бу таажжуб эмас: ахир реставрация замонининг ба'зи тарихчилари, Наполеон Людовик XVIII нинг лашкарбошчисиди, деб да'во қилмаган эдиларми?.. Ҳақиқатан ҳам, эди, деб да'во қилмаган назардан, жонли тарихий мисолга нуқул назарий нуқтан назардан, немис адабиётидан мамнунга мурожаат қилмасдан, немис адабиётидан кам, деган бўлиб, француз адабиётидан яхши нарсалар кам, деган фикрга келиш мумкин. Немислар эстетикаси олимларнинг кабинетидан чиққан бўлса, немисларнинг поэзияси немисларнинг эстетикасидан чиққандир. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун, айтмоқчи, гениал киши бўлган Шиллер қандай ижод қилганини эсга олишнинг ўзигина кифоядир: «Валленштейн»да бутун воқиа автор томонидан фақат олдиндан ўйлаб қўйилгангина эмас, балки исбот ҳам қилинган, ма'қул ҳам топилган, асарнинг бутун мазмуни назариядан келиб чиққан, автор эса бу драмани *саккиз* йил ёзган. Шиллер Буюк Фридрих ҳаётидан эпик поэма ёзмақчи бўлган эди, лекин бу ишга аввал янги замон эпик поэмасининг назариясини философик асосда ривожлантириб, сўнггина киришмоқчи бўлган эди. Хунук дейиш мум-

кин бўлмаса агар, биров ғалати бўлган, Шиллер гений-сига ҳам бошқа немис шоирларининг генийларига қилгандай кўп зарар қилган бу ҳодисаларнинг ҳаммаси тўғридан-тўғри немисларнинг сокинликдан, оилапарастликдан, тамошабинликдан, кабинетмижозликдан иборат ижтимоий аҳволдан келиб чиққандир. Француз адабиёти, аксинча, бутунисила ижтимоий ва тарихий ҳаётдан чиққан ва у блан маҳкам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам француз адабиёти ҳақида тайёр назария асосида ҳукм қилганда, бирёқламаликка берилиб кетмаслик ва ғалат хулосалар чиқаришгача бориб етмаслик мумкин эмас. Тўғри, Корнельнинг трагедиялари ўз классик формаси жиҳатдан жуда хунук, шунинг учун ҳам назарийчилар бу хитойча формага ҳужум қилишга тамоман ҳақлидирларки, Корнельнинг басавлат ва қудратли генийси, адабиётда ҳам биринчи министр бўлмоқчи бўлган Ришельенинг зўрма-зўраки та'сири натижасида бу формага мойил бўлган эди. Броқ агар назарийчилар Корнель трагедияларининг гўё классик бўлган хунук формаси тагидаги даҳшатли ички кучни ва бу трагедияларнинг наш'асини кўрмай қолсалар, қаттиқ хато қилган бўлар эдилар. Бизнинг замон французлари, Мирабо ўз нутқларининг энг яхши илҳоми учун Корнельдан миннатдор, дейдилар. Ана шундан кейин французларга, улар ўзларининг а'ла Шекспир романтик трагедияларини тез эсдан чиқариб, ҳалигача ҳам, бундан кейин ҳам эски Корнельнинг асарларини ўқийдилар, деб ҳайрон бўлаберишг. Уларнинг ҳарбир машҳур ёзуғиси ўзи яшаган давр блан қаттиқ боғлангандир, шунинг учун ҳам биргина француз адабиёти тарихидан эмас, балки Франция тарихидан ҳам ўз ўрнини эгаллашга ҳақлидир. Бу ерда ижод ҳақидаги фикрларнинг ҳаммасининг немис адабиётидагидан кўра бирмунча бошқачароқ ма'носи бор: бу фикрлар ўз ҳукмларини ва кучларини жамият ва унинг тарихий йўли ҳақидаги фикрлар блан баҳам кўришлари керак. Бизда шундай кишилар борки, улар, «Ревизор» чуқур ижодий ва бадий асардир, Мольернинг эса биронта ҳам комедияси *эстетик* танқидга бардош бераолмайди, деган фикрни тушуниб олишга

муваффақ бўлганлар. Улар бу жиҳатдан ҳақли, лекин улар бу фактдан чиқараётган хулосаларида ҳақли эмас. Ҳақиқатан Мольернинг биронта ҳам комедияси эстетик танқидга бардош бераолмайди, чунки бу комедияларнинг ҳаммаси ҳам *яратилишдан* кўра кўпроқ *ишланган* комедиялар, кўпинча масхаравозликка айланиб кетади, ёки бўлмаса масхаравозликка йўл қўяди (мисол учун «Le Bourgeois-gentilhomme»\* даги сун'ий: муфтий, дарвеш ва турклар каби); уларни ҳаракатга келтиручи кучлар доим сун'ий ва сийқа, характерларнинг тайини йўқ (ҳавойи), поэтик ижод формаси тагидан сатира жуда ҳам манаман деб чиқиб турипти ва ҳоказо. Броқ шу блан бирга Мольернинг ўз замонидаги жамоатчиликка та'сири жуда катта эди ва француз театрини баланд даражага кўтарди,— бундай иш эса фақат шунчаки таланти бор эмас, балки генийси бор одамнинггина қўлидан келиши мумкин эди. Унинг комедиялари ҳақида ҳукм чиқармоқ учун уларни ўқиш эмас, балки саҳнада кўриш керак, шунда ҳам албатта француз саҳнасида кўриш керак, чунки уларнинг саҳнавий қиммати драматик қимматидан юқоридир. Французлар Мольернинг айнан у ёки бу комедияси блан фахрланишга ҳақли эмас; лекин Мольернинг комедиялари блан, ёки, дурустроқ қилиб айтганда, Мольернинг театри блан фахрланишга тўла равишда ҳақлидирлар, чунки Мольер уларга бутун бошли бир театр яратиб берди. Скриб ҳақида ҳам шуни айтса бўлади. Унинг, ҳечбир вақт ўз қимматини йўқотмайдиган биронта ҳам драмасини, биронта ҳам водевилини кўрсатиб бўлмайди; лекин, Скриб театри ҳечбир вақт ўз қимматини йўқотмайди, ҳозир эса унинг баҳоси йўқ, деб қат'ий айтиш мумкин: ўқимишли ва ўқимаган, саҳнада ўз аксларини кўрмоқ учун театрга йиғиладиган барча синфлардан таркиб топган ҳозирги замон жамоатчилиги учун бу театр шу қадар аҳамиятлидир...

Бизда бадий жиҳатдан юксак даражада турадиган бирнеча комедия борки, улар, саноқлари жиҳат-

---

\* «Дворянлар қаторига кириб қолган мешчанин» — Мольернинг комедияси. — *Ред.*



дан, театр учун доимий репертуар бўлмайдилар ва, минг яхши бўлганлари блан, агар театрда шулардан бошқа ҳечнарсга кўрсатилмаган тақдирда, ҳамманинг кўнглига теккан бўлардилар, чунки ҳадеб битта нарсани такрорлайбериш жонга тегади..

Французларда биронта ҳам бадий комедия йўқ, дейлик, лекин уларнинг театрлари борки, бу театр ҳаммага баравардир ва бу театрда жамоатчилик ҳам сабоқ олади, ҳам завқ олади..

Кимнинг қўли баланд?..

Буни китобхонлар ҳал қилаберсинлар. Биз аралашмаймиз.

Генийнинг талантдан нима фарқи бор?— Бу жуда муҳим масаладир, чунки бу масалани одамлар доим жуда қизиқ қилиб ҳал қиладилар. Гений блан талант табиий яратилгандир, ҳар иккиси ҳам, чунончи, ёруғлик блан иссиқлик оловнинг хусусияти бўлгани каби, инсон организмнинг хусусиятидир,— бу тўғрида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки бу масала аллақачонлар ҳамма бир фикрга келган масаладир. Масала генийнинг талантдан қиладиган фарқида ва аксинча.

Масалан, ўқишни яхши кўрадиган, адабиёт янгликларини кўздан кечириб борадиган ва у ҳақда ҳукм қилмоқ ниятида бўлган; лекин у ҳақда, ўзларининг ҳеч сўзсиз ишончларига эга бўлган журналнинг бу ҳақдаги муҳокамасини ўқигандан кейингина дадил ҳукм қиладиган, шунинг учун агар журналларида, кўп шовқинларга сабаб бўлган китобга ҳа деганда рецензия ёки танқид чиқабермаса жуда қийин аҳволга тушиб қоладиган кўпгина одамларни ким учратмаган? Ҳамма нарсга ҳақида ҳукм қилишни яхши кўрадиган, лекин, бирон киши уларга қаттиқроқ қарши чиқса, ўша замони ўз фикрларидан қайтиб, қарши чиққан кишининг фикрига қўшилиб кетадиган кишиларни ким учратмаган? Бундай кишилар ўз фикри йўқ кишилар, ўз фикрига эга бўлишга қобилияти йўқ кишилар, фақат бошқалар фикри блангина кучли бўлаоладиган

ва ўзганинг э'тиборини ўзи учун энг биринчи керакли нарса деб биладиган кишилар. Шунини айтиб ўтмоқ керакки, бундай одамларда ўзганинг кучини сезиб туриш ва доим бу куч блан ҳисоблашиш инстинкти жуда кучли бўлади. Ваҳоланки, булар ақлли кишилар бўлишлари мумкин: булар далил-исботни тан оладилар, буларда ҳукм қилиш қобилияти ҳам бор, броқ буларнинг бу қобилиятлари ҳаракатсиз қобилият бўлиб, бирон-бир таянч бўлаоладиган ва сўзи ўтадиган кишига муҳтож бўлади. Авомнинг кўпчилик қисми ана шундай кишилардан иборат бўлиб, унга ҳамшиша ва ҳарерда озми ёки кўпми ўзининг мустақил фикри бор кишилар бошчилик қиладилар. Авомнинг қалбаки ва расво нарсалардан тез кўнгли қолиб, бориб-бориб, барибир, ахир чинакам ва олийжаноб нарсаларнинг қадрига етишига ҳам сабаб шу: унинг учун бошқалар ҳаракат қилади, у эса фақат итоат қилади. Ана шу ма'навий интизом бўлмаганда эди, одамларнинг тушунчаларида бирлик бўлмас эди, лекин жуда катта анархия (тартибсизлик) бўларди.

Талант бирон иш қилиш, ижод қилиш қобилиятидан иборат бўлиб, кўпроқ ижоднинг формасига оиддир, бу нуқтаи назардан эса, талант — ташқи куч бўлиб, одамда ақл, кўнгил ва инсон табиатининг бошқа интеллектуал ва ма'навий томонларидан қат'и назар мавжуд бўлиши мумкин. Броқ формага мазмун керак, — одамдаги ма'навий кучларнинг мустақил иши эса худди ана шунда жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Нарсалар тўғрисида ўз фикрларига эга бўлиш қобилиятдан маҳрум бўлган ва ўзга фикрни, ўйлаб ўтиришининг ҳечбир ҳожати бўлмаган қандайдир бир тайёр нарсасдек бутунисила қабул қилаберадиган кишилар блан бир қаторда шундай одамлар ҳам борки, бир умр ўзгалар фикри блан кун кўрсалар ҳам, уни ўзларига сингдириб олишга, ривожлантириш, ундан янги хулосалар чиқариш, унинг орқали бошқа фикрларни топиш қобилиятига эгадирлар, — бу қобилият эса бу қабила кишиларни шу қадар чалғитадики, улар ўзларининг мустақил мутафаккирлар эканликларига жону диллари блан ишонгандирлар. Бунда

уларни ҳақли деса бўлади: ўзлари ҳаракатчан ва зеҳнлари тез бўлган бу одамлар бирон-бир фикр уларга кимдан ўтганлигини ўзлари билмайдилар ҳам, эсламайдилар ҳам, чунки четдан бўлган нарсаларнинг ҳаммаси уларга осонгина ва тезлик блан деярлик онгсизларча, беихтиёр равишда юқақолади. Улар ақлли одам блан ҳамгап бўлиш бланоқ ёки биронта яхши китоб ўқиб чиқиш бланоқ уларда дарҳол бирқанча янги фикрлар пайдо бўлади, улар эса бу фикрларни ўз фикрлари деб ҳисобламасликлари мумкин эмас. Бундай кишилар бошқалар етакчилигида бўлиб, ўз навбатида, кўпга ҳам катта та'сир қиладилар. Бундайлар жамият ичида хийли тез-тез учраб турадилар. Умуман олганда, жамият нақадар ма'рифатли ва ўқимишли бўлса, унда бу тоифадаги кишилар шу қадар кўп бўлади. Ниҳоят, шундай кишилар борки (бундайлар жуда кам), ҳақиқатан ҳам улардаги заковатда ижодий ташаббускорлик бор. Улар ҳамма нарсага қандайдир бошқача, янгича қарайдилар, ҳамма нарсада ҳам уларсиз бошқа ҳечким кўраолмайдиган томонларни пайқаб оладилар, улардан кейин эса ана шу томонларни ҳамма кўради ва ҳамма ҳам, илгари шуни пайқамаган эканмиз, деб таажжубланади. Бу тоифа одамлар ҳечбир муғомбир ва сирли одамлар эмас: буларнинг ҳаммалари оддий тушунадилар, броқ уларнинг оддий тушунчалари дастлаб ҳаммага ҳам жуда сирли, ба'зан эса телбалик ва бема'нилик бўлиб туюлади, кейинчалик эса шу қадар оддий бўлиб туюладики, қандай қилиб шу нарса *менинг* хаёлимга келмади экан — ахир бу жуда жўн нарса-ку! — деб таажжубланмайдиган нодон йўқдир. Колумб Американи очмоқчи бўлганда, — ҳамма унга ақлдан озган хаёлпараст деб қараган эди, у Американи очгандан кейин эса, бирон киши ҳам бунини ҳатто бир хизмат деб билишни истамаган эди деса бўлади, чунки очилган Американи очиш ҳаммага жуда осон бўлиб кўринган эди!..

Одамларнинг бу уч тоифаси ҳақида сўз очиб, биз авом, талант ва *гений* ҳақида фикр баён қилмоқчи бўлган эдик...

• Кечириб турган давримизда ҳар соҳада ҳам, айниқ-са эса адабиёт соҳасида, талант танқис эмас. Беҳисоб! Кўпинча ҳатто уни гений блан аралаштириб юбордилар. Бу ҳам бежиз эмас, чунки биринчи даф'адаёқ талантни генийдан фарқ қилмоқ учун ҳам алоҳида катта бир талант керак. Шу муносабат блан ҳозирги замонимизнинг машҳур француз ёзучисининг повестидан шундай бир жойи эсимизга тушдики, уерда ёзучи ўз қаҳрамонининг авторлиги тўғрисида қуйидагича ҳикоя қилади. «У, нимаики бошламайин, дастлабки ўн сатрдан, уч ёки тўрт ше'рдан кейин, ҳаммаси бошқа ёзучиларнинг мен ўқиб чиққан асарларига чунон ҳам ўхшаб кетар эдики, мен тақлид қилишгагина қодир эканман, деб қизарар ва иқрор бўлар эди. У менга бирнеча ше'р ва жумлаларни кўрсатдики, Ламартин, Виктор Гюго, Поль Курье, Шарль Нодье, Бальзак ва ҳаттоки Беранже ҳам бу сатрлар тагига имзо чеккан бўлардилар. Брок парчалардан парчалар деб аташ мумкин бўлган бу тажрибаларнинг ҳаммаси бояги ёзучиларнинг асарларида индивидуал идеяларнинг беаги бўларди; Орасда эса ана шу индивидуалликнинг ўзи йўқ эди. У бирон-бир идеяни ифода қилмоқчи бўлиши бланоқ, сиз унинг очиқдан-очиқ ўғрилиқ эканлигини кўриб турар эдингиз (унинг ўзи ҳам ўша заҳоти буни пайқар эди): бу идея уники бўлмас эди; бу идея бояги ёзучиларники бўларди, ҳамманики бўлса бўларди, лекин уники бўлмас эди». <sup>17</sup>

Талантнинг тақдири доим ана шу бўлади! Албатта, унинг тақдири биз далил келтирган авторнинг сўзларида тасвир этилган ҳолга ҳамавақт ҳам айнан ўхшайбермайди; лекин моҳияти шундай бўлади. Талант нақадар катта бўлмасин, у ўз асарига шахсан ўзига хос хусусиятлар тамғасини босаолмайди, шунинг учун ҳам бемисол ва нодир бўлолмайди. Унинг ўзгалардаги идеяларни ўзлаштириб олиш қобилияти нечоғлик катта бўлмасин, у илҳоми вужудининг ич-ичидан булоқдек қайнаб чиқмасдан, балки «асир бўлган фикрнинг бетоқат бўлиши»гина эканлигини узоқ вақт бекитаолмайди. Аксинча, талантнинг доираси нақадар

тор ва чекланган бўлмасин, броқ агар унинг асарларида нодир шахснинг яққол белгиси кўришиб турса ва бу белги унинг асарларини тақлид қилиб бўлмайдиган даражада янги асарларга айлантурса,— бу талант эмас, энди, балки генийдир. Бизнинг адабиётимизда масалчи Крилов *ана шундай* гениал шоирлар жумласидандир.





## АЛЕКСАНДР ПУШКИН АСАРЛАРИ

### САҚКИЗИНЧИ МАҚОЛА

«Евгений Онегин»

Ростини айтганда «Евгений Онегин»<sup>1</sup> каби поэма-ни танқидий нуқтаи назардан қараб чиқишга бир қадар истиола блан киришаётирмиз. Бу истиоланинг эса кўп сабаблари бор. «Онегин» Пушкиннинг энг роҳатбахш асаридир, унинг хаёлининг энг севикли арзандасидир, шунинг учун ҳам Пушкиннинг шахси «Онегин»да шуқадар тўла, аниқ ва равшан акс этдирилганки, шоирнинг шахси ўз асарида шунчалик яққол акс этдирилган асарлар жуда кам дейиш мумкин. Бу асарда Пушкиннинг бутун ҳаёти, жону дили, бутун муҳаббати кўриниб турипти; бу асарда унинг ҳиссиётлари, тушунчалари, орзулари кўриниб турипти. Бундай асарга баҳо бермоқ — шоирнинг ўзига, унинг бутун ижодий фаолиятини тўла равишда олиб баҳо бермоқ демакдир. «Онегин»нинг эстетик қиммати ҳақида сўз юритиб ўтирмоқнинг ҳожати ҳам йўқ, ундан ташқари, бу асар биз руслар учун жуда катта тарихий ва ижтимоий аҳамиятга эгадир. Бу нуқтаи назардан қараганда «Онегин»нинг ҳаттоки ҳозир танқидчилар асосли равишда, заиф ёки эскирган, деб айтишлари мумкин бўлган жойларининг ҳам, ҳаттоки шундай жойларининг ҳам аҳамияти чуқур ва фойдаси каттадир. Бинобарин бизни қийнаб қўяётган нарса бундай асарга баҳо

беришга кучимиз озлик қилишига кўзимиз етганигина эмас, балки шу блан бирга айна бир замонда «Онегин»нинг кўп жойларида, бир томондан, камчиликларини, иккинчи томондан — яхши томонларини кўрмоқ зарурлигидир. Биздаги халойиқнинг кўпчилиги бадиий асарларнинг ё мутлақо камчилик томонларини ёки мутлақо яхшилик томонларинигина кўрадиган ва шартли ҳамда нисбий мутлақнинг формаси эканлигини тушунмайдиган бундай ҳавоий ва бирёқлама танқиддан юқори кўтарилган эмас. Шунинг учун ҳам, биз Державиннинг зўр таланти борлигини айтиш блан айна бир замонда унинг асарлари итидан бир қадар бадиий бўлган ва давримизнинг эстетик талабини бемалол қондираоладиган биронта ҳам асар тополмаганимизда, баъзи танқидчилар соддадиллик қилиб бизни, Державинга ҳурматсизлик қилади, деган фикрда эдилар. «Онегин»га нисбатан эса, бизнинг фикримиз кўпларга янада кўпроқ қарама-қарши фикр бўлиб туюлиши мумкин, чунки «Онегин» форма жиҳатдан юксак даражада бадиий, мазмун жиҳатдан эса унинг камчиликларининг ўзи бу асарнинг энг буюк бир латофати ҳамдир. «Онегин» тўғрисидаги бу мақоламиз, ўқучиларимиз назарида биринчи даф'а қарашда қандай бўлиб кўринмасин, бошдан-оёқ ана шу юқоридаги фикрни ривожлантиришдан иборат бўлади.

Биринчидан, «Онегин»да биз рус жамиятининг тараққиётидаги энг ажойиб моментларидан бирининг манзараси поэтик равишда тасвир этилганлигини кўриб турибмиз. Бу нуқтаи назардан «Евгений Онегин», гарчи унинг қаҳрамонлари ичида биронта тарихий шахс бўлмаса ҳам, бу сўзнинг тўла ма'носила тарихий поэмадир. Бу поэманинг тарихий қиммати шунинг учун ҳам баландки, бу поэма Русьда бу бобда қилинган биринчи порлоқ тажриба ҳамдир. Бу поэмада Пушкин шунчаки фақат бир шоир бўлиб эмас, балки биринчи марта уйғонган ижтимоий онгнинг вакили бўлиб майдонга чиқадики, бу чексиз катта хизматдир! Пушкингача рус поэзияси жуда деганда, европа созининг эсли ва зеҳни тез шогирди эди, — шунинг учун ҳам рус поэзиясининг Пушкингача бўлган асарлари-

нинг ҳаммаси ўзига хос алоҳида хусусияти бор илҳом меvasи эмас, балки кўпроқ этюдларга ва кўчирмага ўхшаб кетар эди. Қанчалик кучли ва нузли бўлса, шунчалик миллий-рус шоири бўлган Криловдай талантли одам ҳам узоқ вақтгача Лафонтеннинг гоҳ таржимони, гоҳ тақлидчиси бўлиш каби арзимаган шарафдан воз кечишга жур'ат қилолмаган эди. Державиннинг поэзиясида рус тили ҳам, рус ақли ҳам ҳар замонда бир ялт этиб кўзга намоён бўлади, лекин фақат намоён бўлади, холос, кейин эса яна риторик ма'нода тушунилган бегона формалар ва тушунчалар дар'ёсига ботиб кетиб қолади. Озеров «Димитрий Донской» деган русча, ҳаттоки тарихий трагедия ёзди, лекин унда «русча» ва «тарихий» бўлган нарсалар — фақат номлар, холос; қолган ҳаммаси қанчалик французча ё татарча бўлса, шунчалик русча ва тарихий дейиш мумкин. Жуковский «Людмила» ва «Светлана» деган иккита «русча» баллада ёзди; броқ булардан биринчиси немисча (у ҳам бўлса жуда оддий) балладанинг ағдармаси, иккинчиси эса, гарчи русча диний урфу одатларнинг чинакам поэтик манзараларини ва рус табиатидаги қиш манзарасини тасвирласа ҳам, шу блан бир вақтда бошдан-оёқ немисча кўнгилчанликдан ва немисча фантазмдан иборатдир. Батюшковнинг илҳоми, мудом ўзгалар осмонида сайр этиб, рус тупроғидан биронта ҳам гул узгани йўқ. Рус ҳаётида ҳечқандай поэзия йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас ва шунинг учун рус шоирлари Пегас отга миниб илҳом излаб ўзга мамлакатларга, Фарбгагина эмас, ҳаттоки Шарққа қараб йўл солишлари керак, деб хулоса чиқариш учун мана шу юқорида келтирилган фактларнинг ҳаммаси кифоя қилар эди. Броқ Пушкин дун'ёга келиши блан рус поэзияси юраксиз шогирдликдан чиқиб, моҳир ва тажрибакор устага айланди. Албатта, бирданига бундай бўлгани йўқ, чунки ҳечбир нарса бирданига қилинмайди. «Руслан ва Людмила» ва «Ака-ука ўғрилар» деган поэмаларда Пушкин, ўзининг устозлари сингари, атиги бир шогирд эди, — броқ уларга ўхшаб биргина поэзияда эмас, балки яна рус воқе'лигини поэтик равишда тас-



вир этишга уриниш жиҳатидан ҳам шогирд эди. «Руслан ва Людмила»да русча хусусиятлар бунчалик камлигининг ва итальянча хусусиятлар кўплигининг, «Ўғрилар»нинг эса сершовқин мелодрамага бунча ҳам ўхшаб кетишининг ҳам сабаби ана шу шогирдликдир. Пушкиннинг 1825 йилда ёзган «Куёв» деган русча балладаси бор, «Онегин»нинг биринчи боби ҳам шу йили босилиб чиққан эди. Бу баллада форма жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам том ма'носила русча руҳ блан суғорилган асардир, шунинг учун «Руслан ва Людмила»дан кўра бу асар ҳақида минг карра кўпроқ дейиш мумкинки:

Бунда руслар руҳи бор, бундан Русь мулкининг ҳиди келиб турипти.

Бу баллада ўша маҳалда ҳам унчалик диққатга сазовор бўлмагани, ҳозир эса ҳамма унутиб юборгани учун, биз ундан совчилик кўринишини келтирамиз:

Келди улар қошига эрталаб  
Бирданига бир совчи,  
Наташани мақтаб кетди,  
Отасига сўз қотди:  
«Сиз сотару, биз олар,  
Йигит деган бир ар-ар,  
Келишган қадду-қомат, бир учар  
Ҳам бама'ни, ҳам камтар.

Ҳам бадавлат, ҳам доно,  
Тиз чўкишга но ошно,  
Маишати бояриндай,  
Қилмас заррача парво;  
Қилғай келинга савғо  
Тулки пўстин-у, дурру якто,  
Қилур ҳад'я олтин узуклар,  
Яна устига заррин либослар.

Сайр этганда кўрмиш уни  
Эшик ортида;  
Бор бараками, олиб чиқинг,

Кетдик черковга бут кўтариб қўлларда?»  
Совчи пирог емоқда,  
Ҳарна гаплар демоқда,  
Қиз бечора эрса,  
Жой тополмас, ўлтирса:

«Хўп бўпти,— деди ота —  
Қани қизим Наташа,  
Кий гул чамбар бошингга;  
Елғизлик тегар жонга  
Бир умр қиз ўтмоқдан не фойда,  
Тинмай куйламоқдан не фойда,  
Вақти келди, уй қурмоқни,  
Қўша-қўша фарзанд кўрмоқни».

Бу баллада бошдан оёқ ана шундайдир! Рус халқ қўшиқларининг ҳаммасидаги рус халқчиллиги бу баллададаги халқчилликдан кўп эмас! Бросқ миллий руҳ блан суғорилган поэтик ижоднинг намунаси-га бундай асарлар муносиб эмас.— шунинг учун ҳам китобхоннинг бу ажойиб балладага унчалик эътибор бермаганлиги бежиз эмас. Бу балладада жуда тўғри ва ёрқин акс этдирилган ҳаётни тасвирлаш ўзига хос хусусияти жуда кўриниб тургани учун ҳам ҳарқандай талантнинг қўлидан келадиган ишдир. Бунинг устига бу ҳаёт шу қадар тор, саёз ва оддий бир ҳаётдирки, чинакам талант эгаси, агар у асарлари, гарчи яхши асарлар бўлган тақдирда ҳам, ҳарҳолда бирёқлама, бир қолипдаги, зериктирарли ва, ниҳоят, бемаза бўлмасин деса, бундай ҳаётни тасвирлашга кўп вақт сарф этиб ўтирмайдди. Шунинг учун ҳам талант эгаси одатда бундай ишларга бир марта ёки, кўп деганда, икки марта уриниб кўриши мумкин: унинг учун бундай иш бу соҳани яхши кўргани учун эмас, балки бу соҳада ҳам ўз кучини шунчаки синаб кўриш учун қилинган бир ишдир. Лермонтовнинг «Подшо Иван Васильевич, ёш опричник ва эпчил савдогар Калашников ҳақида қўшиқ» деган асари Пушкиннинг «Куёв» деган асаридан форма жиҳатдан ошиб тушмагани ҳолда, мазмун жиҳатдан

ундан анча ошиб тушади. Бу поэма шундай поэмаки, Кирша Данилов тўплаб чиқарган ва баҳодирларни куйлайдиган рус-халқ поэмаларининг ҳаммаси бунга қараганда дар'едан бир томчидир. Шундай бўлса ҳам Лермонтовнинг «Қўшиғи» ўз талантини тажриба қилиб кўришдан, ўз қаламини синаб кўришдан бошқа нарса эмас эди ва, эҳтимол, Лермонтов кейинчалик асло бундай асар ёзмаган бўлар эди. Лермонтов бу кўшиқда Кирша Данилов тўплами бериши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасидан фойдаланди; шунинг учун бундай уринишни такрорлаш муқаррар равишда битта нарсани ҳадеб қайтарабериш — эски кўшиқларни янги мақомга солиш бўлар эди. Дун'ёдаги одамларнинг намоён бўладиган туйғу ва ҳиссиётлари шунчалик ҳам камбағалки, дун'ёдаги одамларнинг ижтимоий муносабатлари шу қадар оддий ва жўн муносабатларки, булар ҳаммаси бир кучли талант эгасининг бир асариде жамғариб олиниси мумкин. Туйғуларнинг кўплиги, ҳиссиёт турларининг беҳад кўп нозиклиги, одамларнинг, ҳам ижтимоий, ҳам хусусий жиҳатдан, сон-саноксиз кўп ва ҳартомонлама муносабатлари — поэзия гуллари учун энг бой замин бўлиб, бу заминни кучли равишда ривож топаётган ёки ривож топган тараққиётгина тайёрлаши мумкин. Жорж Занднинг «Жеппе»\* каби асари фақат Францияда пайдо бўлиши мумкин, чунки унда турли-туман элементлари кўп бўлган тараққиёт (цивилизация) барча табақаларни бир-бири блан яқин қилди ва электр кучидек қаттиқ боғлиқ бир муносабатга солиб қўйди. Бизнинг поэзиямиз, аксинча, ўзига керакли материални деярлик фақат, ўз юриш-туриши ва расму одатларига кўра кўпроқ тараққиёт ва ақл бобидаги ўсиш намояндаси бўлган синфдан қидирмоғи керак. Модомики, миллийлик поэтик асарнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланар экан, ҳеч шубҳасиз, чинакам миллий асарларни бизда мазмуни Буюк Петр ислохотидан кейин пайдо бўлган ва ўқимишли ҳаёт формасига одатланиб қолган табақа ҳаётидан олин-

\* «Жанна». — *Ред.*

Ған поэтик асарлар орасидан қидирмоқ керак. Броқ одамларнинг кўпчилиги ҳалигача буни бошқача тушунади. «Руслан ва Людмила» ни халққа яқин ёки миллий асар десангиз,— ҳақиқатан ҳамма сизни қувватлаб, бу ҳақиқатан халққа яқин ва миллий асар, деб ҳисоблайди. Бордию, сиз мужиклар ва хотин-қизлар, серсоқол савдогарлар ва мешчанлар иштирок қиладиган ёки иштирокчилари ўзларининг оддий гапларига русча мақоллар ва масалалар қўшиб гапирадиган ва яна бунинг устига бу гаплар орасида, семинар ўқучиларига ўхшаб, халқчиллик ва ҳоказо шунга ўхшашлар ҳақидаги гапларни ҳам айтиб қўядиган ҳарқандай пьесани халқ ижоди десангиз, сизнинг гапингизни янада кўпроқ тўғри топадилар. Ақли расо ва ўқимишли кишилар жону дил блан (ва жуда асосли равишда) рус халқ поэзияси Криловнинг масалларида, деб биладилар ва ҳаттоки (унча асосли бўлмаса ҳам) бундай поэзия фақат Пушкиннинг эртакларидагина («Султон пошдо ҳақида», «Жонсиз малика ва етти баҳодир ҳақида») эмас, балки (буниси ҳечбир асоссиз) Жуковскийнинг эртакларида ҳам («Соқоли тиззасига тушган Беренде подшо ҳақида» ва «Уйқудаги малика ҳақида») бор, деб биладилар. Броқ агар сиз, ше'р блан ёзилган биринчи чинакам рус миллий поэма — Пушкиннинг «Евгений Онегин»и бўлган эди ва ҳозир ҳам шу ва, бундаги халқчиллик ҳарқандай бошқа рус халқ ижодидагидан кўпроқдир, десангиз, сизнинг гапингизни тўғри топучилар оз бўлади ва бу гаплардан кўплар ҳайрон бўлиб қолади. Ҳолбуки, бу нарса икки қарра икки сингари бир ҳақиқатдир. Бу поэмани кўпларнинг миллий асар ҳисобламаслигининг сабаби шуки, бизда эски замонлардан бери, фрак кийган эркак ёки корсет кийган аёл — рус эмас, руслик хусусиятини фақат зипун, чипта кавш, бўза ва ачиган карам бор жойда сезиш мумкин, деган жуда ҳам таажжуб фикр ўрнашиб қолган. Бундай вақтларда бизда ҳаттоки ўқимишли ҳисобланган кишилар орасидан ҳам кўплар Европадан келган ҳарқандай четэлликни немис деб аташдек рус халқи ичидаги соддаликка беихтиёр равишда тақлид қилади. Ба'зи

кишиларнинг, тагин ҳаммамиз немислашиб кетиб қолмайлик, деб беҳуда ваҳима қилиб юришларининг сабаби ҳам ана шунда. Европали халқларнинг ҳаммаси ҳам, бир халқ сифатида, дастлаб католикларни диний жиҳатдан (папа туфайли) ва фоний жиҳатдан (муқаддас Рим империясининг сайланган бошлиғи туфайли) бирлаштириш шиори остида, сўнгра тараққиёт натижалари сари бўлган яна ўша интилиш та'сири остида ривож топдилар,— лекин шунга қарамай рус блан ҳинд ўртасида қандай катта фарқ бўлса, французлар, немислар, инглизлар, итальянлар, шведлар, испанлар ўртасида жам худди шундай фарқ бор. Бу бир сознинг инсоний руҳнинг торларидир, броқ катта-кичиклиги ҳархил бўлган торлардир, ҳар бири ўзига хос алоҳида оҳанг чиқарадиган торлардир, шунинг учун ҳам бу торлардан тамомила уйғун садолар чиқади. Модомики, Ғарбий Европанинг халқлари, майли, гарчи кўпинча роман қабилалари блан қоришиб кетган улуғ тевтон қабиласидан келиб чиққан бўлсалар ҳам, майли, гарчи бир дин заминида бирхил урф-одатлар ва бирхил ижтимоий тузум та'сири остида етишишган ва сўнгра гарчи қадимги классик замоннинг бой меросидан фойдаланиб қолган бўлсалар ҳам,— модомики, деймиз, биз, Ғарбий Европанинг бир оиладай бўлган халқларининг ҳаммаси шунга қарамай бир-бирларидан катта фарқ қилар эканлар, бошқа заминда, бошқа бир мамлакатда ўсиб-унган, ўзининг Ғарбий Европа халқлариникига ҳечбир жиҳатдан ўхшамайдиган тарихига эга бўлган рус халқининг, европача либос кийишни ва одатларни ўрганиб олган рус халқининг ўз миллий хусусиятини йўқотиб, ҳам жисмоний, ҳам ма'навий қиёфалари жиҳатдан бир-бирларидан катта фарқ қиладиган европа халқларининг ҳарбирига икки томчи сувдек ўхшаб кетиши ақл бовар қиладиган ишми?.. Бу ахир бема'ниликдан ҳам ошиб кетган бема'нилик-ку! Бундан ҳам баттар бема'нилик ўйлаб чиқариш мумкин эмас! Қабила ёки халқдаги хусусиятнинг биринчи сабаби бу қабила ёки халқ яшайдиган мамлакатнинг заминида ва иқлимидадир; хўш, ер шарида геология

ва иқлим жиҳатдан фарқи бўлмаган мамлакатлар кўпми? Бинобарин, европача одатлар ва идеяларнинг таъйиқи русларни уларнинг миллий хусусиятларидан маҳрум қилмоғи учун, бунинг учун, биринчи навбатда Россиянинг тептекис чўллардан иборат материгини тоғли материкка айлантириш керак; унинг поёнсиз ерларини, ҳеч бўлмаганда, ўн марта кичрайтириш керак (Сибирьдан ташқари). Хуллас, қилиб бўлмай-диган ва фақат Маниловга ўхшаган жаноблар бекорчиликда хаёл суриши мумкин бўлган яна алланималарни қилмоқ керак бўлар эди. Сўнгра: бошқа халқ блан ҳаргал яқинлашганда ўз мустақиллигини йўқотиб қўйишдан қўрқиб-писиб турадиган халқ ночор халқдир! Биздаги қалбаки патриотлар, соддалик ва кўнгилчанлик қилиб, муттасил, рус миллатини миллатини қаттиқ ҳақорат қилаётганликларини рус миллатини қаттиқ ҳақорат қилаётганликларини тушунмайдилар. Рус кўшини унга Буюк Петр европача кийим кийгизиб ва уни шу либосга мувофиқ ҳарбий интизомга ўргатгандагина ҳаминиша голиб қўшин бўлмаган бўлса, қачон бўлган эди? Бирнеча полк солдатларнинг, ҳатто урушда муваффақиятсизликка учраган тақдирда ҳам, жанг майдонида мардларча ҳалок бўлаётганлари, ёки қаттиқ интизом сақлаб чекинаётганликлари нақадар табиий бир ҳол бўлса, яхши қуроолланмаган, интизомсизликда эса бундан ҳам баттар бўлган, уруш муносабати блан яқиндагина ватанларидан ва оочларидан бегона қилинган деҳқонлар манзараси ҳам қандайдир бир табиий ҳолдир, уларнинг жанг майдонидан тартибсиз ҳолда қочаётганлари ҳам қандайдир бир табиий ҳолдир. Қизгин славьянпарастлардан ба'зилар бундай дейдилар: «Немисга қаранг,— қаерда бўлмасин, у немислигича қолаберади, Россияда ҳам, Францияда ҳам, Ҳиндистонда ҳам немислигича қолаберади; француз ҳам, шундай, фалакнинг гардиши блан у қаерга бормасин, ҳамма ерда французлигича қолаберади; рус эса Англияда — англизга, Францияда — французга, Германияда — немисга айланади». Дарвоқи', бу гапнинг ҳақиқат томони ҳам борки, буни инкор қилиб бўл-

майди, лекин бу ҳақиқат русларни камситмайди, балки кўкка кўтаради. Ҳарқандай халққа, ҳарқандай мамлакатга боплаб мосланишдан иборат бўлган бу хусусият Россиядаги ўқимишли табақаларгагина хос бўлиб қолмасдан, балки бутун руслар қабиласининг, бутун шимолий Русьнинг хусусиятидир. Рус кишини бошқа славьян қабилаларидан ажратиб турадиган фарқ ҳам ана шудир, бинобарин, эҳтимол, рус киши, бошқа славьян қабилаларидан устун турганлиги учун ўзининг ана шу хусусиятидан миннатдор бўлиши керакдир. Маълумки, бизнинг рус солдатларимиз ажойиб туғма философлар ва сиёсатчилардирлар ва ҳечерда ҳечнарсадан ҳайратда қолмайдилар, аксинча, ҳамма нарсани жуда табиий бир ҳол деб биладилар, гарчи бу ҳамма нарса уларнинг тушунчаларига ва одатларига қарама-қарши бўлса ҳам. Бу гапни жуда ҳам чўзиб юбормаслик учун, қисқа қилиб, Лермонтовнинг, рус кишисидан, унга қайси халқ ичида яшашга тўғри келмасин, унинг одатларига мосланиб олиш каби ҳайрон қоларли қобилият бор, деган мулоҳазасини мисол келтирамиз: «Билмадим (дейди «Замонамиз қаҳрамони»нинг автори), ақлнинг бу хусусиятини ёмонлаш керакми ёки мақташ, фақат шуни биламанки, бу хусусият ақлнинг жуда ҳам ўткирлигидан ва равшан фаҳм-фаросат борлигидан дарак берадикки, бу фаҳм-фаросат, хонаси келиб, ёмонлик зарур бўлиб қолганда ёки уни йўқ қилишнинг иложи топилмаганда, уни кечиради». Бу ерда гап Европа ҳақида эмас, балки Кавказ ҳақида бораётир; броқ рус киши ҳамма ерда ҳам ўша рус кишисидир. Дағалроқ немис блан гўдайганроқ Джон-Буль ўзларининг фе'лу атворлари ва юриш-туришлари бланоқ ҳечвақт ва ҳечбир ерда ўзларининг асллари ким эканлигини яширмайдилар; фақат француз ва ундан кейин рус киши, ташқи кўриниш жиҳатдан, пешонасида миллий тамғаси ёки васиқаси йўқ оддий бир одамдай кўриниши мумкин. Броқ бундан мутлақо, рус кишиси Англияда инглизга, Францияда эса — французга ўхшаб кетишни билиш блан, бир минутга русликдан чиқди ёки бир минутга чинакамига инглизга ёки

французга айланди, деган гап келиб чиқмайди. Шакл блан мазмун ҳамавақт ҳам бир эмас. Яхши шаклни ўрганиш айб эмас, лекин ўз моҳиятидан воз кечиш, охабеньни ташлаб фрак кийиш каби, енгил бир иш эмас асло. Руслар ўртасида кўп галлпарастлар, инглизпарастлар, германпарастлар ва яна бирқанча бошқа «парастлар» бор. Буларга назар солсанг: худди ўзи,— қайси томонига ўтиб қарама: қуйиб қўйган инглиз, француз, немиснинг ўзгинаси. Инглизпараст бўлиб, бунинг устига яна давлати ҳам катта бўлса, унинг отлари ҳам инглизлаштирилган бўлади, жокейлари ҳам, грумлари ҳам, ҳозиргина Лондондан буюртириб олиб келтирилгандай бўлади, парклари ҳам инглизча дид блан ишланган, муттасил портер ҳам ичиб туради, ростбиф блан пуддингни яхши кўради, комфорт жинниси ва ҳаттоки боксда ҳам ҳарқандай инглиз кучеридан қолишмайди. Галлпараст бўлса,— суратдек ясанган, французча гапиришга келганда парижлидан қолишмайди, ҳамма нарсага парво қилмай, нафрат блан қарайди, пайти келганда ҳам хушилтифот, ҳам гапдон бўлишни ўз бурчи деб билади. Германпараст бўлса,— сан'атни нуқул бир сан'ат тариқасида, фанни ҳам нуқул фан деб яхши кўради, романтиклик қилади, қора халққа нафрат блан қарайди, бу дун'ёда бахтли бўлгиси келмайди-ю, у дун'енинг роҳат-фароғатини ҳаммадан юқори қўяди. Лекин бу жанобларнинг ҳаммасини — инглизпарастларни Англияга, галлпарастларни Францияга, германпарастларни Германияга истиқомат қилишга юборинг-у, қаранг қани, инглизлар блан немислар французлар ҳам сизга ўхшаб, жону дил блан, бизнинг инглизпарастларни, галлпарастларни ва германпарастларни ўз элатлари деб билармикинлар. Йўқ, улар бу халқларнинг элати бўлмайдилар, балки фақат улар оғизда гап-сўз бўлиб қоладилар, ҳамма уларга ҳақоратомиз назар блан ва таажжуб блан қарайдиган бўлади. Яна такрор айтмизки, ўзгача шаклга жириш ўз моҳиятингдан воз кечиш эмас асло. Рус кишини четэлда, у қайси мамлакатда бўлса, ўша мамлакатда туғилиб ўсган одам, деб ўйлаш мумкин, чунки кўчада, майхонада, балда,



дилижонда одам ҳақида унинг ташқи кўринишига қараб ҳукм қиладилар; лекин граждaнлик, оилавий ҳаётда, айрим ҳолларда — бошқа гап: бунда ҳарқандай миллат ҳам беихтиёр равишда ўзини билдириб қўяди ва ҳарбир шундай одам ўз юртининг туғишган фарзанди, ўзга юртнинг ўғай фарзанди бўлиб чиқади. Бу нуқтан назардан рус кишига Англиядан кўра Россияда, инглиз, деб ном чиқариш хийли осонроқдир. Броқ айрим шахсларга нисбатан таажжуб истиснолар бўлиши мумкин: халқларга нисбатан эса асло мумкин эмас. Тарихда тақдирлари Ғарбий Европа тақдири блан қаттиқ боғлиқ бўлган славян қабила-лари бунга далил бўлишлари мумкин: Чехия ҳамма томондан тевтонлар қабиласи блан қуршаб олинган; бутун бир аср давомида унинг ҳокимлари немислардан бўлиб келган эди; чехлар немислар блан бирликда католицизм заминида тараққий қилди ва диний ўзгариш соҳасида сўзда ҳам, ишда ҳам немислардан олға кетди — оқибат нима бўлди? Чехлар ҳозиргача ҳам славянлардирлар, ҳозиргача немис эмасликлари уёқда турсин, балки батамом европали ҳам эмаслар...

Юқорида айтганларимизнинг ҳаммаси, адабиёт соҳасида соф русча халқчилликни мазмуни пастки ва илмсиз синфлар ҳаётидан олинган асарлардангина қидирмоқ керак, деган асосий фикрни рад қилмоқ учун қилинган зарурий чекиниш эди. Россияда бўлган энг яхши ва энг ма'рифатли нарсаларнинг ҳаммасини «русча эмас»га чиқарадиган бу таажжуб фикрга кўра, ана шу куракда турмайдиган фикрга кўра мужиклар ва хотин-халажлар ша'нига тўқилган қандайдир бирон дағал ҳажв русча миллий асар ҳисобланадию, «Ақллилик балоси» эса русча-ю, лекин миллий асар ҳисобланмайди; «Савдогарбаччаларнинг Марьяна рошчадаги бошбошдоқликлари» каби қандайдир бепарда роман, гарчи ёмон бўлса ҳам, русча миллий асар-у, «Замонамизнинг қаҳрамони» эса, гарчи жуда яхши бўлса ҳам, тўғри, русча-ю, лекин миллий асар ҳисобланмайди... Йўқ, минг карра такрорлаб айтаминки, йўқ. Ниҳоят бундай фикрга қарши фаҳм-фаросатнинг бутун кучи блан, заволи йўқ тўғри гапнинг бутун

қудрати блан қуролланиш пайти келди! Адабиётимиз-  
даги сохта классик оқим нафис адабиётда фақат юқо-  
ри доирадаги ва илмли табақаларга мансуб кишилар-  
нигина тасвирлашга йўл қўйиб келган ва гарчи ба'зан  
поэмада, драмада ёки эклогда оддий кишиларни  
тасвирлашга йўл қўйса ҳам уларни ювиб, тараб,  
ясантириб ва ўз тилида эмас, бошқалар тили блан  
гапирадиган қилиб тасвирлашга йўл қўйган эски  
роҳатбахш замонлардан биз аллақачонлар ўтиб кетиб  
қолдик. Шундай, биз бу сохта классик замондан ўтиб  
кешиб қолганмиз; лекин бизга, «халқчил» деган сўзни  
эшитиб ва поэмаларда, драмаларда пастки табақадаги  
ҳалол кишиларнигина эмас, балки ҳатто ўғриларни ва  
ғарларни ҳам тасвир этиш мумкинлигини эшитиб,  
суюниб кетиб, чинакам миллий хусусият зипун кий-  
ган кишида, ис босган уйда бўлади ва маст малай-  
нинг муштлашиш вақтида ёрилган бурун қаншари  
чинакам шекспирона хусусиятдир,— энг муҳими эса,  
илмли одамлар орасидан халқчилликка ўхшаган нар-  
санинг нишонини ҳам топиб бўлмайди, деб ўйлайди-  
ган мана бу сохта романтик оқимдан ҳам ўтиб кетиш  
пайти келди. Ниҳоят, аксинча, рус шоири ўз асарла-  
ридан ўқимишли табақаларнинг ҳаётини тасвирлаш  
блангина ўзининг чинакам миллий шоир эканлигини  
кўрсатиши мумкинлигини тушунмоқ керак: чунки  
илгари ярми ўзига ёт бўлган формалар блан буркан-  
ган ҳаётда миллий хусусиятларни топиш учун,—  
бунинг учун шоирда зўр талант бўлмоғи ва уюракдан  
миллий бўлмоғи керак. «Чинакам миллийлик (дейди  
Гоголь) сарафанни тасвирлашдан иборат эмас, балки  
халқдаги руҳнинг ўзида; шоир ҳатто бутунлай бошқа  
ҳаётни тасвирлаб, лекин бу ҳаётга ўз миллий  
шароити кўзи блан, ўз халқи кўзи блан қараганда  
ҳам, элатларига худди ўзларидаги ҳиссиётлар ва  
сўзлардай бўлиб туюладиган қилиб ҳис этганда ва  
гапирганда ҳам миллий шоирлигича қолабериши  
мумкин<sup>2</sup>»: Халқ руҳининг сирини билиб олиш, шоир  
учун,— ҳам қуйи, ҳам ўрта, ҳам юқори табақаларни  
тасвирлаганда воқи'ликни бирдай тўғри тасвирлайби-  
лишдир. Уқимишли кишилар ҳаётининг энг нозик ва

мураккаб томонларни илиб ололмасдан, оддий қора халқ ҳаётига хос қўпол томонларни илиб олишнигина биладиган киши ҳечвақт улуғ шоир ҳам бўлмайди, миллий шоир деган катта унвонга давогар бўлиш учун ҳуқуқи ҳам камроқ бўлади. Улуғ миллий шоир хўжайинни ҳам, мужикни ҳам ўз тилларида гапиртиришга бирдай қобилиятли бўлади. Бинобарин агар мазмуни ўқимишли табақалар ҳаётдан олинган асар миллий асар дейишга арзимаса,— демак у бадиий жиҳатдан ҳечнарсаса арзимади, чунки шоир тасвир қилаётган ҳаётнинг руҳига мос эмас. Шунинг учун фақат «Ақллилик балоси» ва «Ўлик жонлар» каби асарлар эмас, балки «Замонамизнинг қаҳрамони» каби асарлар ҳам, аслида, қанчалик миллий асарлар бўлса, шунчалик ажойиб поэтик асарлар ҳамдир.

Худди ана шундай биринчи миллий бадиий асар Пушкиннинг «Евгений Онегин»и эди. Ёш шоирнинг Россиядаги энг кўпроқ европалашган табақанинг маънавий қиёфасини кўрсатишга жур'ат қилганлиги унинг миллий шоир бўлганлигини ва буни чуқур ҳис этганлигини кўрсатадиган далил эканлигини пайқамаслик мумкин эмас. Пушкин, эпик поэмалар даври аллақачонлар ўтиб кетганини, ҳаёт прозаси ҳаёт поэзиясининг ич-ичига сингиб кетган ҳозирги замон жамиятини тасвирлаш учун эса эпик поэма эмас, роман кераклигини тушунди. Пушкин бу ҳаётни, ундан фақат унинг поэтик лаҳзаларинигина ажратиб олмай, шундай ҳолича олди; бу ҳаётнинг бутун совуқ томонларини, бутун дағалликларини ва ярамас томонларини ҳам олди. Агар роман проза тарзида ёзилганда эди, шоирнинг бундай жур'ати унчалик таажжубланарли жур'ат бўлмас эди: броқ рус тилида прозада ҳам биронта тузукроқ роман бўлмаган бир вақтда ше'р блан бундай роман ёзиш,— зўр муваффақиятга асосланган бундай жасорат шоирнинг гениаллигига шубҳасиз гувоҳ эди. Тўғри, рус тилида ше'р блан ёзилган повестьга ўхшаш бир ажойиб (ўз вақтида) асар бор эди: биз Дмитриевнинг «Ҳаммага расм бўлган хотин» деган асарини айтмоқчимиз; броқ бу асар блан «Онегин» ўртасида ҳечқандай ўхшашлик йўқ, ақалли

шунинг учунки, «Хаммага расм бўлган хотин»га оригинал русча асар деб ҳам қараш қанчалик осон бўлса, французчадан қилинган эркин таржима ёки ағдарма қилиш деб қараш ҳам шунчалик осондир. Пушкин асарларидан ақалли биронтаси Дмитриевнинг «Граф Нулин»га ўхшайди; броқ бунда ҳам ўхшашлик ажойиб ва ўткир эртагига сал-пал ўхшагудай бўлганда ҳам, биз сўнгги мақолада айтиб ўтганимиз каби, «Граф Нулин»га ўхшаш поэтик қимматида эмас. «Онегин»га ўхшаш романларнинг формасини Байрон мутлақо бу икки асарнинг поэтик қимматида эмас. «Онегин»га ўхшаш романларнинг формасини Байрон яратган; ҳеч бўлмаганда, ҳикоят услуби, тасвир этилатган воқи'ликни прозага поэзия аралаштириб баён қилиш, шоирнинг ўзига мурожаат қилиши ва айниқса ўзи яратган асарда шоир шахсининг яққол сезиларли бўлиб кўриниб туриши, — буларнинг ҳаммаси Байроннинг кашфиётидир. Албатта, ўзинг ижод қилган мазмунга биров кашф қилишинг бошқа; шундай бўлса ўзинг форма кашф қилишинг «Онегин»ини Байроннинг «Дон-Хуан» и, «Чайльд Гарольд» и ва «Беппо»си блан солиштириб қараганда, форма блан услубдан бошқа, ҳеч қандай ўхшаш ерини топиш мумкин эмас. Байрон поэмаларининг мазмунигина эмас, балки руҳи ҳам Пушкиннинг «Онегин» и блан Байрон поэмалари ўрта-сида ҳарқандай айтарлик ўхшашликнинг имкониятини йўққа чиқаради. Байрон Европа учун Европани тасвирлаб ёзган эди; бу қудратли ва мазмунли суб'ектив руҳ, бу улкан, мағрур ва жасур бир сиймо, ҳозирги замон башариятини тасвирлашдан кўра, унинг ўтмиш ва ҳозирги тарих устидан ҳукм чиқаришга кўпроқ ҳаракат қилган эди. Такрор айтамыз: бунда ўхшашликнинг заррача асарини ҳам топиб бўлмайди. Пушкин Россия учун Россияни тасвирлаб ёзган эди — биз бўл-сак унинг миллий ва гениал талантининг нишонасини шундан кўриб турибмизки, Байрон табиатига мутлақо қарама-қарши бўлган ўз табиатига, ўзининг бадийй инстинктига содиқ бўлган Пушкин русча роман ёзар-кан, Байронникига ўхшаган бирон нарса ижод қилиш-га ҳавас қилиш ниятидан йироқ эди. Башарти Пушкин шундай ҳавас қилганда эди—кўп ўқучилар уни осмонга

кўтарган бўлар эдилар; бу бир лаҳзалик шуҳрат бўлса ҳам, лекин унинг қалбаки *tour de force*\* си учун улуг мукофот бўлар эди. Броқ такрор айтамыз, Пушкин оддий талантларни мафтун қиладиган бундай кулгили маҳорат кўрсатишдан кўра юқорида турган улуг шоир эди. Пушкин Байронга ўхшашга эмас, балки ўзича алоҳида бир шоир бўлишга ва ҳалигача ҳечким бошламаган ва қўл теккизмаган, унинг қаламига маҳтал бўлиб турган воқиликка яқин бўлишга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам унинг «Онегин»и — юксак даражада оригинал ва русча миллий асардир. Пушкиннинг шеър блан ёзилган романи Грибоедовнинг у блан бир замонда ёзган гениал асари — «Ақллилик балоси»\*\* блан бирга рус поэзиясининг, янги рус адабиётининг мустаҳкам асосини қурди. Биз юқорида айтганимиздек, бу икки асар чиққунгача, рус шоирлари рус воқилигига бегона бўлган нарсаларни ёзганда шоирлик даражасига кўтарилаолар эдилар, русча ҳаётни тасвирлашга уринганда эса шоирлик даражасига кўтарилаолмаган эдилар, деса бўлади. Бундан, биз неча марталар айтиб ўтганимиздек, поэзиясида русча ҳаёт хусусиятларининг учқунлари ҳар замонда бир чақнаб турадиган Державин, Кривов ва, ниҳоят, дарвоқи' комедияларида рус воқилигининг ижодчи тасвирчисидан кўра кўпроқ унинг истеодли нусха кўчиручиси бўлганлиги кўришиб турган Фонвизингина истиснодир. Анча жиддий бўлган камчиликларига қарамай, Грибоедовнинг комедияси,— кучли талант, чуқур ва мустақил ақл эгасининг асари сифатида, биринчи русча комедия бўлиб, унда ҳечнимага тақлид қилиш йўқ, қалбаки ва ғайри табиий мотивлар йўқ, лекин бу асарнинг бутун ўзи

\* Антиқа нарса.— *Ред.*

\*\* «Ақллилик балоси» Грибоедов томонидан, у Тифлисида турган чоқда, 1823 йилгача ёзилган эди, лекин *хомаки* ёзилган эди. 1823 йилда Россияга қайтгач, Грибоедов ўз комедиясини анча ўзгартирди. Биринчи марта бу комедиядан олинган катта парча «Талия» альманахида 1825 йилда босилиб чиққан эди. «Онегин»нинг биринчи боби матбуотда 1825 йилда, эҳтимол Пушкинда бу поэманинг бирнеча боби тайёр бўлган вақтда, пайдо бўлди.

ҳам, тафсилоти ҳам, сюжети ҳам, характерлари ҳам, ихтирослари ҳам, ҳаракатлари ҳам, фикрлари ҳам, тили ҳам — ҳаммаси таг-тугигача чинакам русча воқилликдан иборатдир. «Ақллилик балоси» ёзилган шеърларга келганда,— бу жиҳатдан Грибоедов шеърлар русча комедия ёзилишининг ҳарқандай имкониёни узоқ вақтгача бартараф қилиб қўйди. Грибоедов бошлаган ишни муваффақият билан давом эттириш учун гениал талант керак: Ахиллнинг шамширини кўтаришга Аякслар ва Одиссейларгина қодир. «Онегин»га нисбатан ҳам шуни айтиш мумкин, гарчи айтмоқчи, бу асарга тенг бўлмаса ҳам лекин ҳарқолда ажойиб ҳавасдан иборат бўлган баъзи нарсалар шу асардан миннатдор бўлсалар ҳам, лекин «Ақллилик балоси» эса ҳозиргача бизнинг адабиётимизда ҳали ҳечким ошиб ўтаолмаган Геркулес устунлари бўлиб қолиб келмоқда. Бу — мисли йўқ бир ҳодисадир: бу пьеса Россиядаги жамий саводхонлар асар матбуотда чиқмасдан ўн йил олдин қўл ёзмалик вақтидаёқ ёдла олган асардир<sup>31</sup>! Грибоедовнинг шеърлари мақол ва масалларга айланиб кетди; унинг комедияси кундалик ҳаёт воқиаларига татбиқ қилинадиган битмас-туганмас манба' эпиграфларнинг туби йўқ кони бўлиб қолди! Гарчи Крилов масалларининг тили ва ҳаттоки шеъри Грибоедов комедиясининг тилига ва шеърига бевосита таъсир қилганини исбот қилиш ҳеч мумкин бўлмаса ҳам, шу билан бирга унинг бундай таъсири борлигини мутлақо инкор қилиш ҳам мумкин эмас: адабиётнинг узвий тарихий ривожиди ҳамма нарса бир-бири билан ана шундай чирмашиб ва бирлашиб кетади! Талантли ёзучи ёзган оддий асарлар гениал асарлар олдида қандай нисбатга эга бўлса, Хемницер билан Дмитриевнинг масаллари ҳам Крилов масаллари олдида шундай нисбатга эгадир. Грибоедов ҳам шундай: у Криловдан сабоқ олгани йўқ, унга тақлид қилгани йўқ: Грибоедов ўзи танлаб олган йўлдан ўзича бормоқ учун Криловнинг қўлга киритган ютуқларидан фойдаланди, холос: Рус адабиётида Крилов бўлмаганда эди, Грибоедовнинг шеъри бунчалик эркин, бунчалик озод, бамайлихотир бўлмас эди, хулас, бунчалик кўп олға

қараб кетмаган бўлар эди. Лекин Грибоедовнинг маҳорати бу блангина чекланмайди: Пушкиннинг «Онегин»и блан бирга унинг «Ақллилик балоси», бу сўзнинг кенг ма'носи блан айтганда, рус воқ'лигини поэтик равишда тасвир этишнинг биринчи намунаси эди. Бу жиҳатдан бу икки асар кейинги адабиётга асос солди, Лермонтов блан Гогольни етиштирган мактаб бўлди. «Онегин» бўлмаганда эди «Замонамизнинг қаҳрамони» ҳам бўлмас эди, худди шунингдек «Онегин» ва «Ақллилик балоси» бўлмаганда эди Гоголь рус воқ'лигини бунчалик чуқур ва чинакамига тасвирлашга ўзининг қодир эканлигини ҳис қилмаган бўлар эди. Рус воқ'лигини нотўғри тасвирлаш каби одат, «Онегин» ва «Ақллилик балоси»гача ҳукм сурган одат рус адабиётида ҳали ҳам йўқ бўлиб кетган эмас. Бунга ишоқч ҳосил қилмоқ учун киши ўзини ҳар икки пойтахтнинг рус театрларида кўрсатилаётган янги драматик пьесаларни кўришга ёки ўқишга маҳкум қилса, бас. Бу пьесалар — французча ҳаётни бузиб кўрсатиб, уни ўзбошимчалик блан русча ҳаёт деб аташдан бошқа нарса эмас; бу — французча характерларни расво қилиб, уларни русча номлар блан ниқоблашдир. Русча повестьга Гогольнинг та'сири кучли эди, лекин унинг комедиялари, «Ақллилик балоси» сингари, якка-ёлғизлигича қолди. Демак: ўзимизга жонажон бўлган нарсани, кўз олдимиздаги воқиаларни, бизларни қуршаб турган ҳолларни тўғри тасвирлаш ўзга ҳаётни тасвирлашдан кўра қийинроқ деса бўлади. Бу қийинликнинг сабаби шуки, бизда формани доим моҳият деб, янги мода блан тикилган костюмни — европизм деб билладилар; бошқача қилиб айтганда: *халқчилликни авом халқчиллик* блан аралаштириб юборадилар ва авом халққа мансуб бўлмаган кишини, я'ни бўза эмас, шампан вино ичадиган, кулранг кафтан эмас, фрак кийиб юрадиган кишини ба'зан француз қилиб, ба'зан испанияли қилиб, ба'зан инглиз қилиб тасвирламоқ керак, деб ўйлайдилар. Адабиётчиларимиздан ба'зилари, одамларни бир нав'и тўғри тасвирлашга қобил бўлсалар ҳам, тасвир қилаётган кишиларнинг чинакам қиёфаларини кўришга

қобил эмаслар: шунинг учун ҳам уларнинг тасвирлари асл нусхаларга сра ўхшамайди ва бундай адабиётчиларнинг романларини, повестьларини ва драмаларини ўқиганда, беихтиёр равишда ўз-ўзингдан бундай деб савол қиласан қиши:

Кимларга тақлид этмишлар улар?

Қайдин эшитмишлар бу сўзларни улар?

Эшитган бўлсалар, бордир,

Лекин эшитмак бизга бу сўзларни ордир.

Бундай талантлар — ёмон мутафаккирлардирлар; уларнинг фантазиялари ақл ҳисобига тараққий қилган. Ҳарбир халқнинг *миллийлик* сири унинг кийими ва таомида эмас, балки, унинг, масалан, нарсаларни тушуниш тариқида эканлигини улар тушунмайдилар. Бирон-бир жамиятни тўғри тасвирламоқ учун, аввало унинг моҳиятини, унинг хусусиятини тушунмоқ керак, — бунга эса жамиятни тутиб турган барча қоидаларни яхши билиб олиш ва уни философик равишда мулоҳаза қилишдан бошқа йўл блан эришмоқ мумкин эмас. Ҳарқандай халқнинг икки хил философияси бор: бири илмий, китобий, тантанали ва шавкатли философия, иккинчиси — кундалик, хонаки, турмушдаги философия. Кўпинча бу икки философия бир-бирига бирмунча яқин бўлади; шунинг учун, жамиятни тасвир этмоқчи бўлган киши буларнинг ҳар иккиси блан танишмоғи, лекин кейингисини айниқса ўрганмоғи керак. Худди шунингдек, бирон-бир халқни ўрганмоқчи бўлган киши, аввало унинг оилавий, уй ҳаётини ўрганмоғи керак. Масалан, балки *яшаётгандир*, деган икки сўзнинг аҳамияти йўқдай кўринади, ҳолбуки бу сўзларнинг аҳамияти бор, бас, бу сўзларнинг аҳамиятини тушунмасдан туриб, ба'зан, ўзининг роман ёзишинг уёқда турсин, бирхил романларни ўқиганинда ҳам тушунмайсан киши. Шунинг учун «Онегин» блан «Ақллилик балоси»ни оригинал ва соф русча асарлар қилган ҳам худди ана шу оддий философияни чуқур тушунишнинг ўзидир.

«Онегин»нинг мазмуни ҳаммага ва ҳар кимсага шу қадар яхши ма'лумки, уни батафсил баён қилиб



ўтиришнинг ҳечбир кераклиги йўқ. Броқ унинг тагидаги ғояни қидириб топмоқ учун биз уни қуйидаги қисқа сўзлар блан гапириб берамиз. Жимжит бир қишлоқда тарбияланган ёш, хаёлпараст бир қиз киборларга хос ҳаёт кечиришдан зерикиб, зерикишни ўз қишлоғида давом этдириш учун келган петербургли ёш бир — ҳозирги тил блан айтганда — шерни яхши кўриб қолади. Қиз йигитга содда эҳтирос олови ёниб турган хат ёзишга қарор қилади; йигит эса қизга жавобан, уни севаолмаслигини ва ўзини «оилавий ҳаётнинг роҳати» учун туғилган деб ҳисобламаганлигини оғзаки айтади. Кейин арзимаган бир сабаб блан Онегин бизнинг ошиқ бўлиб қолган қаҳрамон қизимизнинг қаллиғи томонидан дуэлга чақирилади ва уни ўлдиради. Ленскийнинг ўлими Онегин блан Татьянани кўп замонлар бир-бирларидан жудо қилади. Ёшлик орзуларидан кўнгли совиган боёқиш қизгина ўзининг кекса онасининг кўз ёшларига ва ялиниб-ёлворишларига раҳм қилиб *генералга* эрга чиқади, чунки, бошқага чиқишнинг иложи бўлмагач, унинг учун кимга бўлмасин эрга чиқиш барибир эди. Онегин Татьянани Петербургда учратиб зўрға танийди: Татьяна шунчалик ўзгариб кетган, унда оддийгина қишлоқ қизи блан виқорли петербург хоними ўртасидаги ўхшашликдан шу қадар кам асар қолган. Онегинда Татьянага нисбатан ишқ ўти ёниб кетади ва у Татьянага хат ёзади, бу гал эса Татьяна унга, гарчи уни севса ҳам, лекин — яхшиларга хос мағрурлик блан унга ўзини бахш этаолмаслигини оғзаки айтади. «Онегин»нинг бутун мундарижаси мана шундангина иборат. Кўплар бунда ҳечқандай мундарижа йўқ, чунки романинг охирида ҳечнима бўлмайди, деб билган эдилар ва шундай деб юручилар ҳозир ҳам бор. Ҳақиқатан ҳам, бунда барча ва айниқса русча романларнинг, повестьлар ва драмаларнинг ҳаммага ёқадиган охири бўлган на ўлим (на сил касалдан, на ханжардан) бор, на тўю-тамоша. Бунинг устига бунда қанчалик ақлга тўғри келмайдиган нарсалар бор! Татьяна қизлик пайтида Онегин унинг изҳори муҳаббат қилиб айтган оташин сўзларига жавобан совуқ муомала қилган эди,

броқ Татьяна хотин бўлгандан кейин,— у ҳаттоки  
 Татьянанинг севгисига имони комил бўлмаган ҳолда  
 унга ошиғу-беқарор бўлиб қолади. Бу — табиий эмас,  
 мутлақо табиий эмас! Тагин бу одамнинг ахлоқсиз  
 характерлигини айтмайсизми, уни севадиган қизга шу  
 ваҳоти ошиқ бўлиш, сўнгра расму одатга мувофиқ  
 равишда қизнинг қимматли ота-онасидан қўша қариш  
 тўғрисида дуо-ю-фотиҳа олиб қиз блан никоҳи  
 ҳалол ипларила боғланиб, дун'ёда энг бахтли одам  
 бўлиш ўрнига, у қизга совуққонлик блан панд-насиҳат  
 қилади. Сўнгра: Онегин умидлари зўр ва орзулари  
 рангба-ранг бўлган ёш шоир бечора Ленскийни арзи-  
 маган нарсага ўлдиради-ю,— уни эслаб бирон марта  
 ҳам йиғламайди ёки ҳеч бўлмаганда қонга бўялган  
 арвоҳ ва ҳоказо шунга ўхшаш нарсаларни тилга олиб  
 ҳаяжонли сўз айтгани йўқ. «Муҳтарам китобхонлар-  
 дан» кўплари «Онегин» тўғрисида худди шундай ёки  
 қарийб шундай муҳокама қилган эдилар ва ҳали ҳам  
 шу фикрдалар; бошқаларни билмадик, лекин бизга  
 бундай муҳокамаларни кўп эшитишга тўғри келганки,  
 бундай муҳокамалар ўша пайтларда бизнинг ғазз-  
 бимизни қўзгаган бўлса, ҳозир энди кулгимизни қис-  
 татади. Бир улуғ танқидчи ҳатто мақола ёзиб, «Оне-  
 гин»да яхлит бир нарса йўқ, бу — ундан-бундан  
 олинган шунчаки бир шоирона сафсатадан бошқа  
 нарса эмас,<sup>5</sup> деб айтди. Улуғ танқидчи ўзи чиқарган  
 хулосага қуйидагиларни асос келтиради: биринчидан,  
 поэманинг охирида тўй ҳам, жаноза ҳам йўқлиги, ва  
 иккинчидан, бунга шоирнинг ўзи гувоҳлик берган:

Еш Татьяна блан Онегин фақат  
 Олис ва қорамтир, хира рў'ёда  
 Биринчи мартаба кўринган ондан  
 Бу эркин романинг поёнини ман  
 Ҳали ойинаи жаҳоннамода,  
 Равшан сайр этмаган чоқлардан буён  
 Кўп кунлар учдилар, ўтди кўп замон.

Улуғ танқидчининг ақли шу нарсага етмаптики,  
 шоир ўз ижодининг кўзи блан қараб, аввал план ҳам

тузиб ўтирмасдан, тўла ва тугалланган асар ёзиши мумкин эди ва роман ўзидан-ўзи ажойиб равишда тамом бўладиган ва масала ечиладиган ерда — Онегин Татьяна блан очиқ сўзлашиб кўнглини билгач, пинҳон бўлиб кетадиган картинанинг худди ўзида тўхталаолар эди. Броқ биз бу тўғрида, худди шунингдек, романинг аввалидан то охиригача Онегиннинг Татьянага бўлган муносабати жуда табиий муносабат эканлиги ва Онегин, гарчи айни бир вақтда бутунлай яхши сифатларга эга қаҳрамон бўлмаса ҳам, шу блан бирга бутунлай беодоб, ваҳший эмаслиги ҳақида ўрни келганда айтамыз. Пушкиннинг улуг хизматларидан бири шуки, у ё фақат ўтакетган ёмон кишиларни ёки фақат яхшилик қиладиган қаҳрамонларни тасвирлаш каби одатни тарк этиб, улар ўрнига оддий одамларни тасвирлади.

Биз мақолани, «Онегин» рус жамиятининг маълум даврда ҳақиқатга тўғри келадиган манзарасининг шоирона тасвиридир, деб бошлаган эдик. Бу манзара ўз вақтида, яъни тасвирлаш мумкин бўлган нарса жамият пайдо бўлган вақтда майдонга келди. Буюк Петр реформаси натижасида ўз турмуш тартиби жиҳатдан кўпчилик халқдан мутлақо ажралиб турадиган жамият пайдо бўлиши керак эди. Броқ алоҳида мавқига эга бўлишнинг бир ўзи жамиятни вужудга келтирабермайди: бундай жамиятнинг таркиб топмоғи учун бу жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган алоҳида асослар керак эди. Шу блан бирга уни фақат ташқи жиҳатдан эмас, балки ички жиҳатдан ҳам бирлаштирадиган илм ҳам керак эди. Екатерина II 1785 йилда *марҳамат қилинган ёрлик* блан дворянларнинг ҳуқуқ ҳамда вазифаларини белгилаб берди. Бу ҳол Екатерина II даврида ўз тараққиётининг юксак даражасига етган, маърифатли ва илмли табақа бўлган бирдан-бир табақа киборларнинг табиатини бутунлай ўзгартириб юборди. Маънавий ҳаётнинг 1785 йил ёрлиги таъсири блан ўзгариб ва юксалиб бориши натижасида киборлардан кейин ўрта дворянлар табақаси вужудга келабошлади. *Вужудга келмоқ* деган сўзни биз *таркиб топмоқ* деб тушунамиз. Александр Благословенный

подшоҳлик қилган даврда ҳар жиҳатдан а'ло бўлган бу табақанинг аҳамияти тобора ошиб борди, чунки илму ма'рифат помешчиклар мулклари блан тўлиб-тошган бепоён вилоятларнинг ҳамма узоқ пучмоқларига борган сари кўпроқ тарқалаборди. Шундай қилиб, тирикчиликнинг янгидан пайдо бўлаётган ма'навий ҳаёт нишонаси бўлган олийжаноб роҳату ҳаловатлари, зарурий эҳтиёжга айланиб қолган жамият таркиб топди. Энди бу жамият биргина ов блан, дабдабаю базму ишрат блан, ҳаттоки биргина танцлар-у картабозлик блан қаноатланиб қолмасдан, француз тилида сўзлашадиган ва ўқийдиган бўлиб қолди, музика блан расмкашлик ҳам, болаларни тарбиялаш соҳасининг зарурий бир бўлаги бўлиб кирди. Державин, Фонвизин ва Богданович каби шоирлар илгари фақат сарой аҳлига ма'лум бўлган бўлсалар, энди мана шу вужудга келаётган жамиятга ҳам бирмунча таниш бўлиб қолдилар. Лекин ҳаммадан муҳими шуки,— бу жамиятнинг ўзининг қийин, насиҳатчи ва китобий адабиётдан кўра осонроқ, жонлироқ, ҳамабоп ва *дун'ёвий* адабиёти пайдо бўлди. Новиков ҳархил китоб ва журналлар нашр қилиб чиқариш блан китоб ўқишга ҳавас туғдириб, китоб савдосини авж олдирган бўлса ва шу йўл блан китобхонлар сонини кўпайтирган бўлса, Карамзин тилни ислоҳ қилиши блан, ўз асарларининг тутган йўли блан, руҳи ва формаси блан адабий дид яратди ва шинавандалар пайдо қилди. Поэзия ҳам худди ана шу пайтда янги жамиятнинг ҳаётига унинг бир бўлаги бўлиб кирди. Гўзаллар блан ёш йигитлар тўда-тўда бўлишиб, *эзилган юраклардан чиққан кўз ёшлари* блан, ҳирс ва шайдоликнинг аламкор қурбонини хотирлаш учун *Лиза булогига* йўл солдилар. Карамзиннинг прозаси қандай муваффақият қозонган ва қандай та'сир қилган бўлса, Дмитриевнинг оқилона, ёқимли, ўткир ва жилвагор ше'рлари ҳам худди шундай муваффақият қозонди ва та'сир қилди. Булар туфайли пайдо бўлган кўнгилчанлик ва хаёлпарастлик, гарчи бир жиҳатдан кулгили бир нарса бўлсалар ҳам, ёш жамият учун олға қараб қўйилган жуда катта қадам бўлган эди. Озеровнинг трагедиялари бу

Йўлга янада кўпроқ куч ва жило бағишлади. Крилов-нинг масалларини аллақачонлар фақат катталар ўқибгина қолмасдан, балки болалар ҳам ёд билиб олган эдилар. Кўп ўтмай ўспирин — шоир пайдо бўлиб қолди-ю, бу кўнгилчан адабиётга чуқур туйғуларга, фантастик хаёлпарастликка, ажойибот ва ғаройибот оламига қараб телбалик блан интилишга хос романтик элементлар қўшди ва рус илҳом парисини Германия ҳамда Англиянинг илҳом париси блан таништирди ва қадрдон қилди. Адабиётнинг жамиятга қилган таъсири бизнинг кишилар ўйлагандан кўра муҳимроқ бўлган эди: адабиёт дидлари бирхил бўлган ва ҳаётнинг олийжаноб намуналари сари бирдай интилаётган турли табақа кишиларини бир-бирлари блан яқинлаштириб ва дўстлаштириб, *табақани* жамиятга айлантирди. Лекин, шунга қарамасдан, дворянлар синфи жамиятнинг асосий вакили ҳам, бутун жамиятда бўлган илмнинг бевосита асосий манбаи бўлганлиги ҳарқандай шубҳадан холидир. Халқ маорифига ажратиладиган маблағнинг ошириливи, университетлар, гимназиялар, билим юртлари таъсис этиш жамиятни кун сайин эмас, балки соат сайин ўсишга мажбур этган эди. 1812 йилдан 1815 йилгача бўлган давр Россия учун буюк бир давр бўлган эди. Биз бу ерда Россиянинг ўзи учун буюк бўлган бу даврда қозонган зўр ташқи шону шуҳратнигина эмас, балки бу давр натижасида гражданлик ва илму маърифат бобида эришган ички ютуқларини ҳам кўзда тутаётирмиз. Россия Пётр подшолик қилган замондан то 1812 йилгача бўлган даврга қараганда 1812 йилдан ҳозирги вақтгача ўтган давр ичида кўпроқ умр кўрди ва кўпроқ олға қадам ташлади, десак муболаға бўлмайди. Бир томондан, 12-нчи йил бутун Россияни, у бурчидан бу бурчигача ларзага келтириб, унинг ғафлатда ётган кучларини уйғотди ва ундаги ҳалигача номаълум кучларнинг манбаъларини очди, умум бошига келган хавф ҳиссиёти блан тарқоқ манфаатлар туйғусида қотиб ётган хусусий иродаларни ягона ва жуда катта ирода қилиб бирлаштирди, халқ онгини ва халқ ғурурини ҳаракатга келтирди ва мана шуларнинг

Ҳаммасига кўра, жамоат фикрининг бошланиши бўлган жамиятнинг туғилабошлашига ёрдам қилди; бундан ташқари, 12-нчи йил тобора баттар қотиб кетаётган эскиликка жуда қаттиқ зарба берди, бу зарба натижасида ўз қишлоқларида беташвишгина туғилиб ва ўз мулкларининг маълум чизигидан ҳечёққа чиқмай беташвишгина ўлиб кета берган бекорхўжа дворянлар йўқ бўлиб жетишди; хилват гўшалар ва ёввойилик футур кетган эскилик қолдиқлари блан бирга тез сур'ат блан йўқолаборди. Иккинчи томондан, бутун Россия ўзининг ғолибона кўшини блан Европага юз-ма-юз келиб, унинг тупроғидан ғалаба ва тантана йўлларини босиб ўтди. Мана шуларнинг ҳаммаси вужудга келган жамиятнинг ўсишига ва мустақамланишига катта ёрдам берди. Ҳозирги асримизнинг йигирманчи йилларида рус адабиёти тақлидчиликдан хосликка қараб интилди-ю: Пушкин пайдо бўлди. Пушкин рус жамиятининг тараққиётини деярлик бир ўзи акс этдирган ва шоирнинг ўзи ҳам мансуб бўлган табақани севар эди,— шунинг учун ҳам у «Онегин»да бизга бу табақанинг ички ҳаётини, шу блан бирга ўзи танлаган даврда, я'ни шу асрнинг йигирманчи йилларида жамият қандай ҳолда бўлса, уни шу ҳолда кўрсатишга бел боғлади. Бишобарин, бунда рус жамиятининг нақадар тезлик блан ҳаракат қилиб ўсганлигига ҳайрон бўлмаслик мумкин эмас: биз «Онегин» романига биздан анча орқада қолган бир замон романи деб қараймиз. Бу даврнинг идеаллари, интилишлари ҳозир энди бизга жуда ёт, давримизнинг идеаллари ва интилишларидан жуда узоқ бўлиб кўринмоқда... «Замонамизнинг қаҳрамони» янги «Онегин» эди; орадан атиги тўрт йил ўтиши бланок,— Печорин энди ҳозирги идеал бўлмай қолди. Биз бўлсак, «Онегин»даги камчиликларнинг ўзи аслида айни вақтда унинг жуда буюк фазилати ҳамдир, деб мана бу ма'нода айтдик: бу камчиликларни «эски» деган бир сўз блан ифода этиш мумкин; броқ Россияда ҳамма нарсанинг бунчалик тез тараққий қилиб кетаётганлигига шоир айбдорми, ахир? ва шоирнинг жамият ҳаётидаги маълум бир ҳақиқий лаҳзани тўғри топиб кўрсатаолганлиги унинг буюк хизмати эмасми,

ахир? Агар «Онегин»да ҳозир ҳечбир нарса эскирган бўлиб, ёки замонамиздан орқада қолган бўлиб кўринмаганда эди,— бундай ҳол бу поэмада ҳақиқат йўқлигининг, унда ҳақиқат бор эмас, балки тасаввурдаги жамият акс этдирилганлигининг яққол аломати бўлар эди; бу ҳолда у поэма бўлармиди-ю, бу тўғрида оғиз очиб бўлармиди?..

«Онегин»нинг мазмунига юқорида тўхталиб ўтдик; энди бу романда иштирок қилучиларнинг характерларини текширишга кўчайлик. Роман ўз қаҳрамонининг номи блан аталган бўлса ҳам,— романнинг қаҳрамони битта эмас, иккита бўлиб, булар Онегин блан Татьянадир. Буларнинг ҳар иккисини ҳам ўша замондаги рус жамиятининг эркаклари ва аёлларининг вакиллари деб билмоқ керак. Биринчи қаҳрамонни олиб қарайлик. Шоир қаҳрамонни юқори доиралардан олиб жуда яхши иш қилган. Онегин — кибор эмас асло (ҳеч бўлмаганда, бунга сабаб шуки, киборлар даври фақат Екатерина II даври эди); Онегин — а'ёнлар доирасига мансуб киши. Биз биламизки, адабиётчиларимиз, а'ёнлар доирасини ва бу доирага мансуб кишиларни тасвирлашга жуда берилиб кетган бўлишларига қарамай, уларни ёмон кўрадилар. Бизларга келганда, шуни айтмоқ керакки, бизлар мутлақо а'ёнлар доирасидан эмасмиз ва бу доирага аралашмаймиз ҳам; лекин шу блан бирга бизлар бу доирага нисбатан мешчанларча нотўрғи тасаввурга эга эмасмиз. А'ёнлар доирасини Пушкин, Грибоедов, Лермонтов, князь Одоевский, граф Сологуб каби ёзувчилар тасвирлаганда, исте'дод ва моҳирлик блан тасвир этилган ҳарқандай бошқа доирани ва доираси йўқларни қандай яхши кўрсак, олиймақом а'ёнлар доирасининг адабий тасвирини шундай яхши кўрамиз. Фақат бир жиҳатдан бу доирага тоқатимиз йўқ: у ҳам бўлса уни оқсуякларнинг салонларидан кўра кондитерскийлар ва чиновникларнинг меҳмонхоналарига хос расму одатларни кўпроқ биладиган қаламкашлар тасвирлаганда. Яна бир нарсани писанда қилишга рухсат этгайсиз: биз ҳечбир вақт а'ёнлик блан оқсуякликни, гарчи улар кўпинча бирлашиб кетган ҳолда учраса ҳам, бир-бири блан аралаштириб

юбормаймиз. Сиз қайсибир табақа кишиси бўлманг, қандай э'тиқодни тутган бўлманг,—киборлик сизни бузмайди, балки ислоҳ қилади, холос. Киборлар доирасида умр майда-чуйда нарсаларга сарф бўлиб кетади, энг муқаддас туйғулар манфаатпарастликка ва мулозиматга қурбон қилинади, дейдилар. Тўғри; хўш, жамиятнинг ўртача доирасида умр фақатгина улуг ишларга сарф қилинади-ю, туйғулар ва ақлу идрок манфаатпарастликка ва мулозиматга қурбон қилинмайдими? О, йўқ, минг карра йўқ! Уртача доира блан олий доиранинг бир-биридан фарқи атиги шундан иборатки, ўртача доирада бачканалик, манманлик, кибр, таранг қилишлар, бачкана шухратпарастлик, асирлик ва мунофиқлик кўпроқ бўлади. Киборлар доираси ҳаётининг бема'ни томонлари кўп, дейдилар. Тўғри; хўш, киборлар доираси бўлмаган доира ҳаёти нуқул яхши томонлардан иборатми? Киборлар доираси илҳомни сўндиради. Шекспир ҳам, Шиллер ҳам бу доирага мансуб кишилар бўлган эмаслар, дейдилар. Тўғри; броқ улар савдогарлардан ҳам, мешчанлардан ҳам бўлган эмаслар, улар — худди оқсуяк ва киборлар доирасидан бўлган Байрон ўз илҳоми учун кўпроқ оддий бир инсон бўлганлигидан миннатдор бўлганидек — оддий одамлар бўлганлар. Шунинг учун ҳам биз ба'зи адабиётчиларимизнинг улар учун даҳшатли ва сирли бўлган олий доирага нисбатан бадбинликларига тақлид қилишни истамаймиз, шунинг учун ҳам биз Пушкиннинг олий доира кишисини ўз романига қаҳрамон қилиб олганлигидан хурсандмиз.— Хўш, бунинг нимаси ёмон? Жамиятнинг олий доираси у маҳалда ўз тараққиётининг чўққисига чиққан эди; шу блан бирга киборлик Онегинга киборлар доираси кўзига жуда ғалати ва кулгили бир вужуд бўлиб кўринган Ленский блан дўст бўлишга тўсқинлик қилгани йўқ-ку. Тўғри, Ларинлар доираси Онегинга кўпроқ ёт туюлган эди, броқ бунга сабаб бўлган нарса киборлигидан кўра кўпроқ унинг ма'лумотли киши бўлганлиги эди. Ҳеч сўзсиз, Ларинлар доираси, айниқ-са Пушкиннинг ше'рларида жуда ёқимтой доирадир, гарчи биз ҳеч қандай доирага мансуб бўлмасак ҳам,



бизга бу доира суҳбатида иштирок қилиш анча ўнғай-сиз бўлар эди, бунинг устига биз итхона ҳақида, вино ҳақида, пичан ўриш ҳақида, қавму қариндошлар ҳақида бўладиган оқилона гапга аралашингиз мутлақо лаёқатли эмасмиз. Жамиятнинг олий доираси у вақтларда бошқа доираларнинг ҳаммасидан шу қадар йироқ эдики, бу доирага мансуб бўлмаган кишилар беихтиёр равишда бу доира ҳақида, Колумбгача бутун Европада антиподлар ва Атлантида ҳақида қандай гапирилган бўлса, худди шу тахлитда гапирар эдилар. Ана шунинг натижасида романнинг биринчи сатрларидан бошлабоқ Онегинга ахлоқсиз киши деб қаралган эди. Унинг ҳақидаги бундай фикр ҳозир ҳам батамом барҳам еб кетгани йўқ. Кўп китобхонларнинг, Онегин ўз амакиси касал бўлганидан севинадидек қайғуга чўмган қариндош бўлиб кўриниш зарурлигидан даҳшатга келади, деб нафрат изҳор қилганлари эсимизда:

Ва ҳамда хўрсиниб ўйласанг шу он:  
Қачон сенинг жонинг қабз этар шайтон!

Кўплар ҳозир ҳам бундан жуда норози. Бундан Пушкиннинг «Онегин» асари рус китобхонлари учун ҳар жиҳатдан жуда муҳим бўлганлиги ва Пушкин ўз асарига киборлар доирасига мансуб кишини қаҳрамон қилиб олиб жуда яхши иш қилганлиги кўриниб турипти. Айни замонда кўпол ва бема'ни, беғараз ва ҳалол мунофиқликнинг йўқлиги киборлар доирасига мансуб кишиларнинг хусусиятлари жумласига киради. Агар биронта камбағал одам ўлим тўшагида ётган бой амакисининг меросхўри бўлишидан бирдан хабардор бўлиб қолсам,— гарчи бу амаки умри бўйи танишни ҳам, кўришни ҳам истамаган бўлишига ва улар бир-бирларига мутлақо ёт бўлишларига қарамай, бу жиян амакисини не-не кўзёшлари блан, қандай хушомадлар ва эҳтиёткорлик блан парвариш қилади. Броқ бунинг жиян томонидан манфаатпарастлик нуқтаи назаридан қилинган мунофиқлик деб ўйламанг тагин (ўз манфаатини кўзлаб мунофиқлик қилиш жамият-

нинг ҳамма доиралари учун ҳам, юқори доиралари учун ҳам, паст доиралари учун ҳам бир нуқсондир); йўқ, тезда меросга эга бўлиб қолиш имкониятини эшитиб, бу нарса унинг бутун асабини ёқимли ларзага келтириши натижасида бизнинг жиян, гарчи ворислик ҳуқуқини унга амакисининг азму ихтиёри эмас, балки қонун берган бўлса ҳам, чиндан ҳам эриб кетиб қолди ва амакисига нисбатан жўшқин муҳаббат ҳис этди. Демак, бу — оқкўнгил, софдил ва ҳалол кишининг мунофиқлигидир. Броқ, унинг амакиси, бирдан тузалиб қолса: бизнинг жияндаги қариндошлик муҳаббати қаёқда қолиб кетган бўларди-ю, қандай қилиб мунофиқона қайғу ўрнини бирдан чинакам қайғу босган ва актёр одамга айланган бўларди! «Онегин»га мурожат қилайлик. Унинг амакиси ҳамма томондан унга ёт киши бўлган. Ҳақиқатан ҳам:

Модал ва қадим кенг заллар ичра  
Эснашдан ўзгани билмасди сра.

Онегин блан ўзининг хилват бир чекаликдаги қишлоғида,

Қирқ йилча уришиб ходима блан,  
Деразага қараб, пашша эзган.

Ҳурматли помешчик ўртасида қандай яқинлик бўлиши мумкин?

Амакиси Онегиннинг валине'мати бўлган, дейишлари мумкин. Онегин амакисига қарашли имениенин қонуний меросхўри бўлгандан кейин қандай қилиб амакиси унинг валине'мати бўлсин? Бунда — амакиси эмас, балки қонун, меросхўрлик ҳуқуқи валине'матдир. Ўзига мутлақо ёт ва бегона бўлган кишининг ўлим тўшаги олдида қайғу ва изтироб чекаётган нозик қариндош ролини ўйнашга мажбур бўлган кишининг ҳоли қандай кечади? Бундай паст рольни бажаришга уни ким мажбур қилди? Деб сўрашлари мумкин. Ким мажбур қилади? Одоб ва одамгарчилик мажбур қилади. Борди-ю, танишлиги сизга ҳам малол,

ҳам зериктирарли бўлган кишини бирон сабабга кўра қабул қилмаслигингиз мумкин бўлмаса, гарчи ичингизда уни, балога учрагин, десангиз ҳам, юзаки унга нисбатан хушмуомала ва ҳаттоки илтифот қилишга мажбур эмасмисиз, ахир? Онегиннинг сўзларидан қандайдир ҳажвий енгилтаклик сезилиб тургани — ақл ва табиийлик аломатидир, чунки ҳаётнинг оддий масалаларини ифода этишда зўрма-зўранки, оғир тантана блан гапирмаслик ақл нишонасидир. Юқори доира кишиларида бу нарса ҳамавақт ҳам ақл аломати эмас, кўпинча — одатдир, бинобарин бунинг жуда оқилона одат эканлиги шубҳасиздир. Уртача тўғарақларга мансуб кишиларнинг одати, аксинча, *уларнинг фикрича*, бирмунча муҳим бўлган ҳолларда турли-турли чуқур ҳислар кўплигини изҳор этишдир. Бу бойвуччанинг эри блан ит-мушук бўлганини, у ўлган тақдирда хурсанд бўлишини, буни ҳамма билишини ва ўзининг ҳечкимни алдайолмаслигини жуда яхши тушуниб турганини ҳамма билади; шундай бўлса ҳам бу бойвучча янада қаттиқроқ товуш блан оҳ-воҳ қилади, нола-ю фиғон тортади, ҳаммани ва ҳарбир учраган кишини марҳумнинг яхшиликларини, ундан кўрган бахтини та'рифлаб, вафот этгач уни қандай бахтсизликка солиб кетганини гапирабериб безор қилади. Бу ҳали ҳеч гап эмас: бу бойвучча мана шу гапларнинг ҳаммасини худди шу хотиннинг ўйнаши эканлиги ҳаммага ма'лум бўлган, афтидан нияти соф кўринадиган жанобга юз карра қайтариб гапиришга тайёр. Хўш, кейин нима бўлади? — ана шу афтидан нияти соф кишига ўхшайдиган жанобга ўхшаб, шўрлик беванинг ҳамма қариндошлари ҳам, дўстлари ва қариндошлари бу гапларнинг ҳаммасини ма'юслик блан ва қайғуга ботган ҳолда тинглайдилар, башарти ба'зилари ичларида кулиб қўйганда ҳам, бошқалар астойдил қон бўлишади. Бу эса — такрор айтамыз — аҳмоқлик ҳам эмас, манфаатдорликдан желиб чиққан мунофиқлик ҳам эмас: бу — мешчанларга, авом халққа хос ҳулқу атворнинг асосидир, холос. Бундай кишилар хаёлига ўзидан ва ўзгалардан ҳам: Нега бунчалик куйиб-пишасиз?

деб сўраш келмайди. Бу уёқда турсин: улар бундай савол беришни туноҳ деб биладилар, агар борди-ю, шундай савол беришга жур'ат қилганларида ҳам ўзларини-ўзлари масхара қилиб кулган бўлар эдилар. Улар буерда кишини хафа қиладиган нарса нияти яхши мунофиқликнинг ҳамма шунчалик зўр бериб ва чин кўнгилдан ўйнаётган разил комедияси эканлигини тушунмайдилар.

Яна ҳадеб ўша масалага қайтмаслик учун бироз орқага чекинамиз. Пушкиннинг «Онегин»и, фақат эстетик соҳада эмас, бошқа соҳада ҳам бизнинг китобхонлар учун қандай муҳим ҳодиса бўлганлигини ва ундаги энди жуда эскириб қолган ва ҳаттоки қўрқарипа баён қилинган фикрлар илгари қандай янги ва жасурлик блан айтилган фикрлар бўлганини исбот қилиш учун ундан қуйидаги байтларни келтирамиз:

Хўш, менинг қимматли, нодир ўқучим,  
Саломатми сизнинг қавму-қариндош?  
Менга рухсат этинг, лозимдир балким,  
Қариндошлар нима эканини фош  
Этайин, ўрганинг энди сиз мандан.  
Қариндош-уруғлар шундайдир зотан:  
Биз мажбур уларни эркалаш учун,  
Кўнгилдан севарак ҳурматлаш учун,  
Ва яна бўйсуниб халқ одатига,  
Йил боши ҳайтида ҳол-аҳвол сўраш,  
Ё жилла бўлмаса хат ёзиб қутлаш;  
Сабаби шу: йилнинг ўзга фаслида  
Улар бизни сра ўйлаб кўрмасин...  
Гап шу, тангри узоқ умрлар берсин!

Бу беозор байт кўп китобхонларнинг Онегинни эмас, балки шоирнинг ўзини ахлоқсиз, деб та'на қилишига сабаб бўлганини биламиз. Бунга сабаб ҳозиргина биз айтиб ўтган содда ва ҳалол мунофиқлик бўлмай нима бўлар эди? Ака-укалар ҳақи-мерос устида бир-бирлари блан талашадилар, ба'зан ҳатто бир-бирларига шу қадар душман бўладиларки, бундай душманлик бегоналар ўртасида эмас, балки фақат қариндош-

лар ўртасидагина бўлиши мумкин. Қариндошлик ҳуқуқи кўп ҳолларда камбағал қариндошнинг садақа олиш учун бой қариндош олдида мунофиқлик қилиш ҳуқуқидан, бой қариндошнинг — хира камбағалга нафрат блан қараш ва ундан арзимаган нарса бериб қутулиш ҳуқуқидан, худди шунингдек, бой қариндошлар учун — бир-бировининг турмушидаги муваффақиятини кўриб бахиллик қилишдан; умуман олганда — бошқа кишининг ишига аралашиб, кераксиз ва фойдасиз маслаҳатлар бериш ҳуқуқидан иборатдир. Қаердаки сиз хос табияти бор ва ўз қадрини билучи бир кишидай иш қилсангиз, — шуерда сиз қариндошлик принципига иснод келтирган ҳисобланасиз. Уйланмоқчи бўлдингизми — маслаҳат сўранг; сўрамасангиз — сиз қўрқинчли хаёлпараст, эркин ўйчи одамсиз; сўрасангиз — сизга қаллиқ топишади; уйлангандан кейин бахтсиз бўлсангиз: «Ана, биродар, бундай муҳим ишларни орқа-ўнгига қарамай қилсанг, мана шунақа бўлади; мен айтган эдим-ку, ахир...» дейишади. Ўзингиз хоҳлаганча уйлансангиз — яна бир бало. — Хўш, яна қандай қариндошлик ҳуқуқлари бар? Жуда кўпи Мана, мисол учун, Ноздревга ўхшайдиган бу жанобни, агар у сизга бегона бўлса эди, отларимнинг ахлоқини бузиб қўймасин, деб отхонангизга ҳам киргизмас эдингиз; бу жаноб эса сизга қариндош бўлади — сиз уни меҳмонхонангизга ҳам, кабинетингизга ҳам киргизсангиз, у эса ўзининг қариндошлигини қурол қилиб сизни, ҳамманинг олдида шарманда қилади. Қариндошлик бўш вақтни ўтказиш ва кўнгил очиш учун ҳам жуда ажойиб воситадир: сизнинг бошингизга бир мушкул иш тушди, — қариндошларингиз учун эса бу сизникига йиғилишиб олиб, оқ-воҳ қилиш, бош чайқатиш, муҳокама ва мунозара қилиш, маслаҳатлар бериш ва насиҳатлар қилиш, та'налар қилиш, сўнгра бу янгиликни ҳамаёққа тарқатиб, сизни орқа-варатдан ёмонлаш ва койиш учун жуда яхши пайтдир — ма'лумки, кишининг бошига мушкул иш тушганда, у айниқса қариндошлар назарида доимо айбдор бўлади. Булар ҳаммаси ҳечкимга янгилик эмас, броқ буни ҳамма сезиб турган ҳолда, жуда кам кишиларнинг

тушунгани ёмон: соддадилона ва беғараз мунофиқлик қилиш одати идрокни енгади. Шундай кишилар борки, жуда катта оиласи блан марказга келган қариндоши уникига тушмаса, жуда қаттиқ хафа бўлади; бу қариндошлар уникига тушган ҳолда эса — та’би хира бўлади; шунга қарамай, бундай кишилар ҳечкимга эшитдирмай норозилик ва ҳақорат сўзлар айтадилар, кўрган кишиларга шикоят қиладилар-у, яна қариндошлари ҳузурида жуда хуштакаллум бўладилар ва улардан яна келганда, тагин шуерга тушиш ва, қариндошлик қилиб, уй эгаларини нотинч қилиш ҳақида ва’да оладилар. Хўш, бу қандай қариндошлик? Бундай одамларнинг қариндошчилиги *бир принцип* тарзидаги қариндошлик эмас асло, балки фақат *бир факт* тарзидаги қариндошлик бўлиб: чин кўнгилдан, э’тиқод блан уни ҳечким э’тироф қилмайди, лекин одатга кўра, беихтиёр равишда ва мунофиқлик қилиб ҳамма э’тироф қилади.

Пушкин бундай қариндошчилик кўп кишилар ўртасида қандай бўлса, ҳақиқатда қандай бўлса, шу ҳолда та’рифлаган, демак, тўғри ва ҳаққоний та’рифлаган,— бунинг учун ундан хафа бўлдилар, уни ахлоқсиз киши, деб атадилар; демак, агар Пушкин ба’зи кишилар ўртасидаги йўқ қариндошчиликни тасвирлаганда эди, я’ни нотўғри ва ёлғондака тасвирлаганда эди,— уни мақтаган бўлар эдилар. Буларнинг ҳаммаси, фақат ёлғон ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган нарсаларгина одобга мувофиқдир, дейишдан бошқанинг оқибати ахири мана шу бўлади. Йўқ Пушкин биринчи бўлиб ҳақиқат гапни айтиш блан одобли иш қилди, чунки ҳақиқат гапни биринчи бўлиб айтиш учун жасурлик керак. *Онегинда* эса бундай ҳақиқат гаплардан қанча-ю-қанча! Бу ҳақиқат гаплардан кўпи ҳозир янгилик ҳам эмас, ҳаттоки унча ма’нолик ҳам эмас; броқ агар Пушкин бу гапларни *йегирма* йил бундан муқаддам айтмаганда эди, ҳозир улар ҳам янги, ҳам чуқур ма’ноли гаплар бўлар эди. Пушкиннинг хизмати ана шу эскирган ва энди чуқур ма’ноли бўлмаган ҳақиқат гапларни биринчи бўлиб айтгани учун ҳам жуда каттадир. Пушкин булардан ҳам

шубҳасизроқ ва чуқурроқ ҳақиқатларнинг кўпини айтиб ташлаши мумкин эди, лекин бу ҳолда унинг асари ҳақиқатдан маҳрум асар бўлар эди: бу асар рус ҳаётини тасвирлаган ҳолда, унинг ифодаси бўлмас эди. Гениал одам ҳечвақт ўз замонасидан олға ўтиб кетмайди, лекин доимо унинг ҳаммага ҳам кўринабермайдиган мазмун ва маъносини топиб беради, холос.

Китобхонларнинг кўпчилиги Онегинда меҳру муҳаббат, раҳму шафқат борлигини мутлақо инкор қилиб келди, уни табиатига кўра совуқ, қуруқ ва худбин киши деб ҳисоблади. Одам ҳақида хато ва қинғир фикрда бўлиш бундан ортиқ бўлмайди! Бу ҳам етмагандек: кўплар соддадиллик қилиб, шоирнинг ўзи Онегинни совуқ худбин қилиб тасвирламоқчи бўлган деган гапга ишониб келдилар ва ҳозир ҳам ишонмоқдалар. Мана шунинг ўзиёқ—кўз бор бўлгани ҳолда ҳечнарсани кўрмасликдир. Юқори доира ҳаёти Онегиндаги ҳисларни бутунлай маҳв этгани йўқ, балки уни беҳуда эҳтирослардан ва бачкана ўйин-кулгидан совитган, холос. Шоирнинг Онегин блан танишганлигини тасвирлаб ёзган сатрларини эсга олинглар:

Кибор ҳаётининг отиб эмгагин,  
Беҳуда шовқиндан қочиб, у каби  
Дўстлашган эдим мен, у замон лекин  
Менга ёққан эди бор хислатлари.  
*Хаёллар, ўйларга эрксиз садоқат,*  
Тақлид қилиб бўлмас ажиб бир сифат,  
*Фикри, қарашлари совуқ ва кескин,*  
Мен ғазабли эдим, у эди ғамгин.  
Ўйинин билардик хирсининг иккимиз:  
Биз иккимизни-да бездирган ҳаёт,  
Ўчганди қалб ўти иккимизда бот.  
Яна кутар эди худди умримиз  
Тонгларида бизнинг иккимизни ҳам  
Инсонлар, кўр тақдир ғазабни ҳардам.

Яшаб фикр қилган киши ҳар замон  
Руҳида инсондан нафрат эткуси.  
Ҳис этган кимсага солар ҳаяжон  
Қайтиши имконсиз кунлар шарпаси:

Унга қолмас асло фусун, жозиба,  
Уни хотиралар илони ила,  
Яна пушаймонлар ичдан кемирар.  
Буларнинг барчаси кўпинча берар  
Шириин бир нафислик сўзга — матлабга,  
Онегиннинг тили мени даставвал  
Саросима қилди; кейинча мен сал  
Кўникдим ундаги та'нали гапга,  
Заҳар аралашган ҳазилига ҳам  
Чидадим энг ўсал ҳажвига ҳардам.

Ез фасли кўп чоқлар бирга эдик биз,  
Неванинг устида кеча самоси  
Очилар типтиниқ, ёруғ ва чексиз,  
Сувларнинг наш'али ўйноқ ойнаси  
Тўлин ой жамолин акс этмас экан,  
Утмиш қиссасини кечириб ёддан,  
Биз жим эслар эдик кечмиш севгини,  
Биз беғам, бўшаган ҳислар тизгини;  
Бу сўлим кечанинг нафаси бутун —  
Бизларни айларди сархуш, жимгина  
Қамоқдан кўмкўк бир ўрмон ичига  
Ухлаган пайтида элтилган тутқун  
Сингари хаёлда учардик биз ҳам,  
Еш умр баҳори қайда, деб шу дам.

Бу ше'рлардан ҳеч бўлмаганда шуни яққол кўриб  
турибмизки, Онегин совуқ ҳам, қуруқ ҳам, бағри қат-  
тиқ ҳам бўлмаган, унинг кўнгли поэзия маскани бўл-  
ган ва умуман олганда у оддий ва одатдаги кишилар  
жумласидан бўлмаган. Беихтиёр равишда хаёлга  
чўмишлар, табиатнинг гўзал манзараларини тамоша  
қилганда ва ўтиб кетган ошиқлик ва муҳаббатни эсга  
олганда ҳаяжонга келиш ва бепарво бўлиш: булар-  
нинг ҳаммаси совуқлик ва қуруқликдан кўра кўпроқ  
туйғу ва поэзия аломатидир. Гап фақат шундаки,  
Онегин хаёл дар'ёсига чўмиб эриб кетишни ёмон кўрар  
эди. Кам гапириб, кўп ҳис қиларди, шунинг учун ҳам  
сирини ҳаркимга ҳам айтабермас эди. Ақлнинг ғазаб-  
нок бўлиши ҳам юксак табиат аломатидир, чунки ақли



ғазабнок одам фақат бошқа одамлардангина эмас, балки ўзидан ҳам норози бўлади. Оддий одамлар ҳам рози бўладилар. Ҳаёт нодонларни алдамайди; аксинча, нимаики керак бўлса, беради, чунки уларга кўп нарса керак эмас — хашак бўлса, сув бўлса, иссиқ бўлса ва яна разил ва паст худбинликни қаноатлантирадиган ба'зибир ўйинчиқлар бўлса бас. Ҳаётдан, одамлардан, ўз-ўзидан совимоқлик (фақат бундай совимоқ қуруқ гапсиз ва *хўжа кўрсин ма'юслик* блан мақтанишсиз, ҳақиқий ва оддий бўлсагина) «кўп» талаб қилиб, «ҳечнарсга» қаноат қилмайдиган кишиларгагина хосдир. Онегин кабинетининг қандай тасвир этилганлиги (VII бобда) китобхонларнинг ёдларида бордир: бунда Онегин жуда мукамал тасвир этилгандир.

Акс этгандир замон бу асарларда,  
Асрдош инсон ҳам чинлиги ила  
Тасвир этилгандир. Унинг хаёллар  
Кетидан поёнсиз равишда қувган  
Ахлоқсиз, паст, бузуқ ва қовжирган  
Худбин руҳи тамом тасвир этилар,  
Кўринар бўш амал ичинда қайноқ,  
Унинг ғазабланган ақли ярқироқ

икки ёки уч романнинг та'қибдан истисно бўлиши айниқса ҳайрон қоларликдир.

Бу — Онегиннинг сурати, дейишлари мумкин. Шундай бўлиши ҳам мумкин; броқ бу — Онегиннинг ма'навий жиҳатдан устунлигининг далилидир, чунки Онегин ўзини шундай тасвирда кўрдик, бу сурат жуда кўпларга айнан ўхшайди, лекин жуда кам одамлар буни кўраолади, кўпчилик эса «шамғалат қилиб Петрга томон ишора қилади». Онегин бу суратга қараб ўз-ўзига мағрур бўлгани йўқ, балки бу суратнинг ҳозирги замон авлодига ҳайрон қоларли даражада ўхшаб кетганидан руҳан азоб чекар эди. Онегинни бу суратга монанд этган нарса унинг табиати эмас, ихтирослари эмас, ўзи қилган хатолари эмас, балки замонадир.

Китобхонларимизга жуда ма'қул бўлган ёш хаёл-  
параст Ленский блан дўст бўлгани, Онегин бағри тош,  
деган гапни рад қиладиган жуда кучли далилдир.  
Онегин одамларга нафрат блан қарар эди,

Истисносиз йўқдир қоида лекин:  
Ба'зиларни жуда айирар эди,  
*Киши яхшилигин сезаоларди.*

Тинглар Ленскийни табассум ила  
Онегин; шоирнинг ўтли сўзлари  
Муҳокамалари қарорсизгина,  
Ҳамиша илҳом-ла ёнган кўзлари —  
Булар Онегинга эди янгилик;  
Совуқ, дағал сўзни Онегин бекик,  
Дилида сақлашга тиришар бутун  
Ва шундай ўйларди: аҳмоқлик мен-чун  
Бир онлик завқларин кесмоқ, албатта,  
Менсиз ҳам бир куни замон келажак,  
Яшасин у майли ҳозирча андак;  
Иносин дун'ёнинг камолатига,  
Кечирайлик ёшлик жазавасини,  
Ёшликнинг ўтини, талвасасини.  
Улар ўртасида ҳарқандай нарса  
Баҳсга, тафаккурга олиб кирарди;  
Кечмиш қабилалар тузган аҳднома,  
Яхшилик, ёмонлик, фанлар меваси,  
Асрлар чўзилган хурофотлар, ҳам  
Улимдан кейинги сирларки, мубҳам.  
Қолмасди улардан ҳаёт ва тақдир,  
Ҳар мавзу' устида ўйлашар бир-бир.

Масала ўзидан-ўзи равшан бўлиб турипти: Онегин  
мағрурона совуқ ва қуруқ одам, раҳмсиз бир такаб-  
бур, деган гап кўп китобхонларнинг шоир жуда ҳақ-  
қоний яратган характерни тушунишга жуда ҳам ноқо-  
билликларидан келиб чиққандир. Броқ биз бунга  
тўхталиб ўтирмасдан, масалани тамом қилиб қўяқо-  
ламиз.

Малакми, ёки у такаббур мал'ун,  
Нима у? Ажабо тақлидчи забун,  
Кўзга илинмаган шарпа мисоли,  
Ёки у Гарольднинг кийиб либосин,  
Та'бир этмак учун ўзгалар айбин,  
Бутун луғатини танлаб модали  
Сўзлар-ла тўлдирган москвалими?  
Ёки у майнавоз, найранг аҳлими?

. . . . .  
Ҳали ҳам ўшами? Ё шахтдан тушган?  
Ё ўзин телбага соларми яна?  
Айтингиз, қайтмиш у не сифат блан?  
Бу гал бизга нелар қилур иона?  
Қандай кўринмоқчи? Мельмотми ва ё  
Космополитми у, ватанчи гўё?  
Гарольдми, динчими, ёки риёкор,  
Ё ўзга бир ниқоб ила мақтанар?  
Ё сиз ва мен каби, бор жаҳон каби  
Соддача беозор, хушфелдир у?  
Лоақал у учун маслаҳатим шу:  
Эски модалардан чекинмоқ пайти!  
Муҳитни кўпгина алжитди у зот...  
— У сизга танишми? — *ҳам таниш, ҳам ёт.*  
— Нимага шунчалик қаттиқ ва салбий  
Унинг тўғрисида берган фикрингиз?  
Шунинг учунмики тинмай, асабий  
Ҳарнима ҳақида жон койитармиз:  
*Қизгин руҳлардаги эҳтиётсизлик*  
*Худбин пасткашларнинг кўзиба хунук,*  
*Ҳақорат ва ёки кулги саналар,*  
*Кенгликни севган ақл юракни сиқар?*  
Ҳарқандай гап-сўзни жуда кўп замон  
Чинакам амал-иш дея таниймиз,  
Аҳмоқлик, ёмонлик эрур қарорсиз?  
Такаббур шахсларга ярашар ёлғон?  
*Биз учун оддийлик кўп мос келади,*  
*Бу ҳолат эмасми, айтинг, ғалати?*  
Хушбахтдир, ким агар ёшдир — ёшликдан,  
Хушбахтдир, етилса кимки вақтида,  
Ҳаёт изғиринин бардошлик блан

Қимки ўз умрида енгса оҳиста,  
Қим ажиб тушларга бўлмамиш мафтун,  
Қим кибор авомдан товламас бўйин,  
Қим йигирма ёшда фронт, ё олғур,  
Ўттизда манфаат ила уйланур,  
Қим эллик ёшида қутулиб олса  
Хусусий ва ўзга қарзи-қурзидан,  
Қимки осойишта, навбати блан,  
Шухрат, оқча, мансаб қўлга туголса,—  
У бахтли: ҳақинда дерлар бир аср:  
Фалончи жудаям яхши одамдир.

Лекин, ёшлигимиз ўтди беҳуда,  
Хиёнат қилдик биз ёшликка ҳар он,  
Бизнинг қалбимизни алдади у-да,  
Ва бизнинг энг гўзал орзу ва армон,  
Ва бизнинг топтоза хаёлларимиз  
Бир-бирини қувиб тўкилди ёлғиз  
Қуз фасли чириган ҳазон сингари —  
Деб ўйлаб туришнинг битмас дардлари.  
Қўз олдингда бўлса бир сидра таом,  
Ҳаётга қарасанг маросим каби,  
Мансабдор гуруҳнинг на тушунчаси  
Ва на ҳисларига қўшилмай тамом,  
Унинг орқасидан эргашиб юрмак  
Жуда ҳам хунукдир ўйласанг андак.

Бу шеърлар — Онегин характерининг сирини очиб  
берадиган калиддир. Онегин Мельмот<sup>6</sup> ҳам эмас,  
Чайльд Гарольд ҳам эмас, иблис ҳам эмас, пародия ҳам  
эмас, ғалати ҳам эмас, гений ҳам эмас, буюк одам  
ҳам эмас, балки «менга ва сизга», бутун оламга ўхшаш  
оддий яхши йигитдир. Шоир, қаерда бўлмасин, гений-  
ларни ва фавқулудда одамларни топиш ёки қиди-  
ришни «эскириб қолган одат» деб жуда тўғри айтади.  
Такрор айтамикки, Онегин — яхши йигит-у, лекин фав-  
қул'одда одамдир. У генийликка ярамайди, улуғ одам-  
лар жумласидан бўлишга ҳаракат қилмайди, лекин у  
бекорчилик ва ҳаётнинг разолатларидан бўғилади; у  
ҳаттоки, муддаоси нималигини, истаги нималигини ҳам  
билмайди; нима нарса муддаосига зид эканлигини,

Ўзига бино қўйган ўртамиёна кишиларга жуда ёқадиган, уларни хурсанд қиладиган нарсаларга ҳеч ҳуши йўқлигини эса билади, билганда ҳам, жуда яхши билади. Ўзига бино қўйган ўртача одамларнинг уни «ахлоқсиз» дебгина қолмасдан, балки уни юрагида ихтироси йўқ, жононликдан ҳам, яхшилик ва гўзаллик нималигини тушуниш қобилиятидан ҳам маҳрум кишига чиқариб қўйганларига ҳам сабаб шу-да. Онегиннинг қандай тарбия олганини эслангиз, модомики шундай тарбия ҳам уни маҳв этаолмаган экан, демак, унинг табиати жуда яхши табиат бўлган экан, десак, хўп денг. Ажойиб ўспирин Онегин, кўплар сингари, юқори доирага берилиб кетган эди; броқ кўп вақт ўтмай зерикиб қолди ва, камдан-кам кишилар сингари бу доирани тарк этди. Унинг юрагида — беғалва ёлғизликда, табиат бағрида янгидан туғилмоқ ва кўнгил очмоқ умидининг учқуни ёниб турмоқда эди; броқ у, кўп ўтмай истиқомат жойини олмоштириш блан қайтариб бўлмайдиган ва бизнинг ихтиёримизда бўлмаган ба'зибир ҳолларни ўзгартириш мумкин эмаслигини тушунди.

Янгидай кўринди икки кунгина  
Онегинга бекас, танҳо далалар,  
Қоронғу ўрмоннинг салқини, яна  
Булоқлардан учган майин садолар;  
Учинчи кун тепа, дала, чакалак  
Уни овинтираолмади андак;  
Улар сўнг келтирди унинг уйқусин;  
Ва сўнгра кўп равшан кўрди Онегин:  
Қишлоқда ҳам бормиш айни дилгирлик.  
Гарчи на кўча бор, на сарой, на ёр,  
На карта, на баллар, на мунда ше'р бор.  
Хафақонлик уни қўймай бир эллик,  
Пойларди кетидан пояма-поя  
Вафодор хотиндай ё мисли соя.

Биз Онегиннинг совуқ одам эмаслигини, қуруқ эмаслигини, меҳрсиз одам эмаслигини исбот қилиб бордик-у, лекин биз ҳалигача *бахил* деган сўздан қочиб келдик,— ҳиссиётнинг ортиқ даражада кўплиги,

гузалликни яхши кўриш бахилликдан холи бўлмагани учун, биз энди, Онегин — азобда қолган бахилдир, деймиз. Бахиллар икки хил бўлади. Бирхил бахиллар — ҳеч қандай думоғдорлик ёки хаёлпарастлик давосини билмайдиган бўлади; улар одамнинг қандай қилиб ўзидан бошқа кишини яхши кўриши мумкинлигини тушунмайдилар, шунинг учун улар ўзларига бино қўйганликларини яширишга уринмайдилар ҳам; ишларининг мазаси бўлмаса, бундай кишилар котма, рангпар, ёвуз, паст, манфур, хоин, ифвогар бўладилар; ишлари жойида бўлса, семиз, жиққа мой, ранглари қипқизил, вақтлари чоғ, мулойим бўладилар, давлатларини ҳечким блан баҳам кўрмайдилар, лекин, манфаати тегадиган кишилар уёқда турсин, ҳаттоки манфаати тегмайдиган кишиларни ҳам зиёфат қилаберадилар. Бундай бахиллар ё ўз табиатларига кўра ёки ёмон тарбия натижасида бўлган бахиллардирлар. Иккинчи хил бахиллар ҳечбир вақт семиз ва юзлари қипқизил бўлмайди, деса бўлади; бундай кишилар касал ва доим диққат кишилар бўладилар. Булар ўзларини ҳар ёнга уриб, ҳамма ерда ҳам гоҳ бахт, гоҳ овунчоқ излайдилар, ёшлик иштиёқи ўтиб кетган минутдан бошлаб буларнинг ҳечбирини бирон ердан ҳам топаолмайдилар. Бундай кишилар кўпинча ўз яқин кишиларига нисбатан фидокорлик даражасигача борадиган яхшиликлар қилишга орзуманд бўладилар; броқ ҳамма бало шундаки, бундай кишилар яхшилик қилганларида ҳам гоҳ бахтли бўлиш, гоҳ овунниш пайида бўладилар, ҳолбуки улар яхшилик қилганда фақат яхшилик ишташлари керак эди. Агар бундай кишилар, ўз а'золарининг ҳар бирига ўз фаолияти блан ҳақиқат ва яхшилик ҳақидаги орзуларини амалга оширишга тўла имконият берадиган жамиятда яшаётган бўлсалар,— улар ҳақида, ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, тирикчилик ташвишлари ва паст худбинлик улардаги яхшилик куртакларини поймол қилиб, бу одамларни бахил қилиб қўйган, дейиш мумкин бўлар эди. Броқ бизнинг Онегин бахилларнинг ҳечбирига ўхшамайди. Онегинни ноилождан бахил бўлган киши, дейиш мумкин; унинг бахиллигини, қадимги одамлар

айтгандек, «fatim»\* деб билмоқ керак. Ишламоқ — яхшилик, ҳаётбахш ва фойдали нарсадир! Нима учун Онегин ишга берилиб кетмади? Нима учун Онегин ишлаб қаноат ҳосил қилишга ҳаракат қилмади? Нима учун? Нима учун? — Шунинг учунки, муҳтарамлар, доно одамларнинг жавоб беришидан кўра, нодон одамларнинг савол бериши осонроқ бўлади...

Ўз мулки — ерлари ўртасида у  
Епёлғиз; вақтини ўтказиш учун,  
Даставвал Онегин ўйлаб қолди шу  
Мулкида янги бир тартибот курсин.  
Бир четда, кимсасиз оқил Онегин  
Кўҳна баршчинанинг бўйинтуруғин,  
Енгил оброк блан алиштиради;  
Қул ҳам тақдирига шукур қилади,<sup>7</sup>  
Лекин бу нарсада даҳшатли зиён  
Кўрди-да ишбилар унинг қўшнисин  
Бир чеккада солди қош-қовоғини,  
Бошқа бир қўшнисин кулди нақ шайтон,  
Ҳамманинг якоғиз бўлди қарори:  
Онегин жудаям хавфли савдойи.

Дастлаб келар эди қўшнилари қўноқ,  
Лекин катта йўлда уларнинг фақат  
Келаётганини кўриш бланоқ  
Хизматкорлар унга тамоми сур'ат —  
Блан мингизишар бир Дон айғирин,  
У орқа эшикдан қочар яширин.  
Хафа бўлиб шундай муомаладан  
Дўстликни узади ҳамма у блан.  
«Қўшнимиз нодондир, ақлида нуқсон,  
У бир фармазондир, ичади ёлғиз  
Стаканда қизил шароб; хоним-қиз —  
Қўлларин ўпишни истамас бир он.  
Ҳа, дейди, йўқ, дейди; демайди «лаббай» —  
«Буюринг». Умумий фикр нақ шундай.

---

\* Тақдир (лот.). — Ред.

Жамиятда, назария эмас, балки воқи'ликнинг ўзи кўрсатиб бериб турган ижтимоий талаблар асосидагина бирон иш қилиш мумкин; броқ Онегин бундай ажойиб қўшнилardan иборат жамиятда, бундай севили қадрдонлар ўртасида нима ҳам иш қилар эди? Мужикнинг қисматини енгиллаштиришнинг мужик учун аҳамияти катта, албатта, лекин Онегинга бу арзимас бир иш бўлиб кўринган эди. Шундай кишилар борки, агар улар қандай бўлмасин бирон яхшилик қилиб қўйган бўлсалар, жуда талтайиб кетиб, буни бутун оламга овоза қиладилар ва шундай қилиб бутун умр жонлари ҳузурда бўлади. Онегин бундай одамлар жумласидан эмас эди: кўпларга муҳим ва буюк бўлиб кўринган нарса Онегинга жуда аҳамиятсиз нарса бўлиб кўринар эди.

Бир тасодиф Онегинни Ленский блан дуч келтирди; Ленский орқали Онегин Ларинлар оиласи блан танишди. Ларинларникига биринчи марта бориб келганда Онегин, зерикиб кетганидан, эснаб юборади; унинг блан Ленский ўртасида бўлган гапдан биз унинг Татьянани ўз дўстининг қаллиғи деб ўйлаганини, хато ўйлаганини билгач, дўстининг дидига ҳайрон қолганини ва, агар мен шоир бўлсам эдим, Татьянани таплаган бўлар эдим, деганини биламиз. Бепарво, кўнгли совиб қолган бу одам бир ёки икки марта диққат блан назар ташлагач, опа-сингил ўртасидаги фарқни тушунган бўлса,— жўшқин, мамнун Ленский ўз маҳбубасининг ҳечбир мукамал ва шоирона сиймо эмас, балки уни деб ўз дўстини ўлдиришга ҳаракат қилиш ёки ўзини ўлимга мажжум этишга арзимайдиган чиройликкина ва оддийгина бир қизча эканлигини хаёлига ҳам келтирган эмас. Ҳолбуки Онегин буёқда, унинг ўз ибораси блан айтганда, Ларинлар оиласи ҳақида ҳечбир парво қилмасдан, *одати бўйича* зерикиб, эснаётган бир вақтда,— унинг келиши бу оилада даҳшатли ички фожиа чиқишига сабаб бўлди. Онегиннинг Татьянадан хат олгач, қандай қилиб унга ошиқ бўлмаганлигига,— ундан ҳам қизиғи, гўзал бир қизнинг соф ва содда муҳаббатини рад этган яна ўша Онегиннинг кейинчалик бориб, юқори доира кишисига айлан-



ган ажойиб хотинга ошиқ бўлиб қолганлигига китоб-хонларнинг кўпчилиги жуда ҳайрон бўлар эди. Дарвоқи' ҳайрон бўлишга асос ҳам бор. Бу масалани ҳал қилишни ўз устимизга ололмаймиз, лекин бу тўғрида сўз юритаоламиз. Айтмоқчи, бу факт психологик масаладан иборат бўлиши мумкинлигини э'тироф қилсак ҳам, лекин фактнинг ўзини ҳечбир ҳайрон қоларли деб ҳисобламаймиз. Биринчидан, нега ошиқ бўлди ёки нега ошиқ бўлмади, ёки нега ўша маҳалда ошиқ бўлмади, деган саволни,— бундай саволни биз бироз диктаторликдан иборат савол деб ҳисоблаймиз. Кўнгилнинг ўзига хос қонунлари бор—бу тўғри, лекин булар шундай қонунларки, улардан тўла ва мунтазам мажмуа тузиб бўлмайди. Табиатлари, ма'навий қарашлари, тушунчаларининг ўхшашлиги идрокли вужудларнинг муҳаббатда катта роль ўйнамоғи лозим; лекин муҳаббатда нуқул бевоситалик элементи борлигини, беихтиёр, онгсиз равишда берилиб кетиш ҳодисалари борлигини, кўнгил майлини инкор қилучи кишилар,— «иблис гўзал лочиндан ҳам кўра яхшироқ севилиши мумкин» деган бирмунча сийқа, лекин жуда ҳам лўнда рус мақолини қувватлаш учун буларни рад қилучи кишилар муҳаббатнинг ма'нисини билмайдилар. Агар севгини танлаш масаласи фақат ақлу ихтиёр блан ҳал қилинганда эди, муҳаббат туйғу ва ихтиросдан иборат бўлмас эди. Ҳаттоки энг оқилона муҳаббатда ҳам бевоситалик элементи борлиги кўриниб туради, чунки бир-бирига муносиб бўлган бирнеча шахслардан фақат биттаси танлаб олинади, бундай танлаш эса кўнгилнинг ихтиёрсиз майлига асосланади. Броқ шундай ҳодисалар ҳам бўладики, фақат бир-бирлари учун яратилгандай кўринучи кишилар бир-бирларига бепарво бўлганлари ҳолда, ҳарбири ўзига бирмунча лойиқ келмайдиган вужудга муҳаббат изҳор қилади. Шунинг учун ҳам Онегин, танқиднинг жиноий судига тушишдан ҳеч қўрқмасдан, Татьянани қизлик вақтида севмасдан, уни хотин бўлгандан кейин севишга тўла равишда ҳақли эди. Ҳар икки ҳолда ҳам Онегиннинг иши ахлоққа мувофиқ ҳам эмас, номувофиқ ҳам эмас. Уни оқлаш учун шунинг ўзи кифоя қилади; лекин

бунга биз тагин ба'зи нарсаларни қўшимча қиламиз. Онегин шу қадар ақлли, доно ва тажрибали одам эдики, кишиларни ва уларнинг кўнглини шу қадар яхши билар эдики, Татьянанинг хатидан бу қизнинг ўз тақдиридаги талабгорига ташна ихтиросли юрак эгаси эканлигини, унинг кўнгли ёш гўдакларникидай соф эканлигини, унинг ихтироси болаларникидай содда эканлигини, гоҳ енгил, гоҳ сохта ҳислари блан уни безор қилган сернозларга ҳеч ўхшамаслигини тушунмаслиги мумкин эмас эди. Татьянанинг хати унга қатиқ та'сир қилган эди:

Қиз хаёлларининг самимий тили  
Фикрлар галасин учирди бир он;  
Гўзал Татьянанинг ўчиқ юзини,  
Хотирлади унинг ғамгин тусини,  
*Аллақандай ширин, покиза хаёл*  
*Қучоқлади уни, у ботди дарҳол.*  
Эҳтимол қадимги ҳислар қизғини  
Уни эгаллади бир минутгина.  
Лекин истамасди алдашни сра  
Ишонучан, содда қизнинг дилини.

Ўзининг Татьянага ёзган хатида (VIII бобда) Онегин, Татьянада меҳр учқунини кўрган бўлса ҳам, ишонгиси келмаганини (я'ни ўзини ишонмасликка мажбур қилганини), ёқимли одатга бўйин эгмасдан, ўзининг жонга теккан озодлигини тарк этгиси келмаганини айтади. Броқ Онегин Татьянадаги муҳаббатнинг бир томонига мафтун бўлган-у, шу блан бир вақтда у бу муҳаббатнинг бошқа томонини ҳам кўриб турган эди. Биринчидан, бундай гўдакларча ажойиб муҳаббатга мойил бўлиб, унга ҳам муҳаббат блан жавоб бериш истаги даражасигача бориш, Онегин учун уйланишга қарор қилиш демак бўлар эди. Броқ Онегиннинг муҳаббат ихтиросининг шавқига берилиб кетиши мумкин бўлса ҳам, уйланиш шавқи уни қизиқтираолмас эдигина эмас, ҳаттоки ундан безор эди. Онегин воситаси блан ўзига хос кўп хусусиятларни ифода этган шоир, Ленский ҳақида гапирар экан, бу тўғрида бундай дейди:

Унинг тушига ҳам кирмасди ҳатто,  
Оила турмушин сонсиз заҳмати,  
Ҳавсала пир бўлиб эснаш, ҳасрати,  
Ҳолбуки, бундай бир тақдирга душман —  
Бизлар онлада кўрамиз қатор  
Фақат зериктиргич, хунук лавҳалар,  
Лафонтен завқида ёзилмиш роман.

Демак мақсад уйланиш эмас, хаёлий муҳаббат экан, агар бундан ёмонроқ бирон нарса бўлмаса; брок Онегин Татьянанинг ким эканлигини шундай яхши тушуниб олдики, ана шу ёмонроқ нарсани ҳатто хаёлига ҳам келтирмади ва ўзини ўз назарида ерга урмади. Аммо ҳар икки ҳолда ҳам бу муҳаббатда уни мафтун қиладиган нарса кам эди. Хўш! Ихтирос ўтида куйган, турмуш нима эканлигини билган ва ҳархил одамларни кўрган, ўзига унча равшан бўлмаган қандайдир ингилишлари ҳали ҳам қайнаб турган Онегин, — кинояларга бардош бераоладиган бирор-бир вужуд блангина таскин ва қаноат топиши мумкин бўлган Онегин, — турмушга ундан кўра бошқача кўз блан қараётган ўйчан қизчанинг гўдакларча муҳаббатига берилиб кетаолармиди... Бу муҳаббат келажакда унга нима ҳам берар эди? Кейинчалик Онегин Татьянадан нима ҳузур топган бўлар эди? Ё Татьяна Онегиннинг ҳам ҳаётга унга, я'ни Татьянага ўхшаб, болаларча қарайолмаслигидан ва болаларга ўхшаб муҳаббат ўйинига берилиб кетаолмаслигидан йиғлайдиган инжиқ бола бўлар эди, — бунинг эса, зериктирарли нарса эканига шубҳа қилманг; ёки Онегиннинг устунлигига жуда берилиб кетиб, унинг қандай киши эканлигини тушунмаган ҳолда, унга итоат қилишда шу даражагача бориб етган бўлар эдики, бунда унинг на ўз ҳиссиёти, на ўз ма'ниси, на ўз иродаси, на ўз характери қолар эди. Муҳаббат поэзияси ва наш'аси ҳали шуми!..

Ленскийнинг ўлимидан кейин Татьянадан айрилгач, Онегин уни одамлар блан бир қадар боғлаб турган нарсаларнинг ҳаммасидан маҳрум бўлиб қолди.

Дўстини дулда ўлдириб, зотан  
Беғоя, бемеҳнат ҳаёт кечирар;  
Нақ йигирма олти ёшига қадар,  
Танбал, ҳаракатсиз, дили зиқ юрган,  
У ишсиз, хотинсиз, бирон хизматсиз,  
Ҳарқандай юмушга тамоман ожиз.  
Қамраб олган эди бетинчлик уни,  
Макон ўзгартишга уйғонди орзу  
(Ба'зиларнинг ғоят мушкул удуми —  
Кўнгилли равишда тарк дун'ё қилув)

Айтмоқчи, у Кавказда ҳам бўлиб, Ма'шуқ тоғининг  
қайнаб чиқаётган шифо булоқлари бўйида йиғилган  
бенур соялар тўдасини ҳам кўрди:

Ма'юс Ма'шуқ тўғлари аро  
Аччиқ хаёлларга ботиб,  
Онегин афсус кўзи бирла  
Тутундай булутга қарар,  
Қайғуга ботиб; ўйлар:  
Нега кўксимдан ўқ емаганман!  
Мана бу бечора ҳаннотдек  
Нега мискин чол эмасман?  
Нега тулални закунчидек  
Фалажга гирифтор эмас?  
Нега йўқ ақалли курагимда  
Бод касал? — Эй, худойим!  
Ешман, кучга тўлган;  
Тағин нима керак! алам, алам!..

Қандай ҳаёт! Ше'рларда ҳам, прозада ҳам кўп ёзи-  
ладиган, кўплар тўё ҳақиқатан ҳам бу нима эканлиги-  
ни билгандай шикоят қиладиган азоб деб ана шунга  
айтилади; чинакам азоб деб, манманликни, сийқалик-  
ни, ниқобни, баландпарвоз гапларни билмайдиган азоб  
деб, ҳадеб уйқудан ҳам қолдирабермайдиган, ишта-  
ҳани ҳам бўғабермайдиган, соғлиққа ҳам зиён етказ-  
майдиган, лекин, шунга қарамай, даҳшатлироқ бўл-  
ган азоб деб ана шунга айтилади!.. Кечаси ухламоқ,  
кундузи эснамоқ, одамларнинг алланималар учун югу-

риб-елаётганларини, алланималар блан машғул бўлаётганларини, бировнинг — пул деб, бошқа бировнинг — хотин оламан деб, учинчи бировнинг — касалимни тузатаман деб югуриб-елишини, тўртинчи бировнинг — муҳтожлигини ва қон ютиб ишлаётганини кўриб туриб, — атрофингда хурсандчилик блан ғамгинликни ҳам, кулги блан йиғини ҳам кўриб туриб, буларнинг ҳаммасини кўриб туриб, атрофида ҳаяжонга келиб турган ҳаёт ичида ўзини бу ҳаётдан бегона ҳис қилиб, ўлим ҳақида, уни ўзи учун зўр бир фароғат деб билиб, орзу қилучи абадий жуҳудга ўхшаб, ўзингни буларнинг ҳаммасидан бегона ҳис қилмоқ; бу азоб ҳамма ҳам тушунабермайдиган азоб, броқ бу блан даҳшати ҳам камаймайдиган азобдир... Еш бўлсанг, соғлом бўлсанг, бой бўлсанг, бунинг устига ақлинг ҳам бўлса, юрагинг ҳам кенг бўлса: ҳаёт кечирिश ва бахтли бўлиш учун, назаримча, бундан ортиқ яна нима ҳам керак? Зеҳни паст қора халқ бундай азобни шундай деб ўйлайди ва янги расм бўлиб қолган ғалати одат деб атайди. Шунинг учун ҳам, Онегиннинг азоб тортиши қанчалик табиий ва оддий йўсинда бўлса, дабдабадан қанчалик йироқ бўлса, уни китобхонларнинг кўпчилиги шунчалик кам тушунган ва кам қадрига етадиган бўлиши мумкин. Йигирма олти ёшида, турмушнинг лаззатини татиб кўрмай туриб, шунчалик кўп ғурбат чекиш, ҳечбир иш қилмай туриб, шунчалик ҳолдан тойиш, чарчаш, ҳечқандай э'тиқод нималигини билмай туриб, ҳамма нарсани бунчалик инкор қилиш даражасигача бориб етиш: бу — ўлимдир! Броқ ҳаёт косасини ичмай туриб ўлиш Онегиннинг тақдирида йўқ эди: кучли ва чуқур ихтирос унинг руҳининг қайғу-аламлар остида жим ётган кучларини кўп ўтмай уйғотиб юборди. Татьянани Петербургда, балда кўриб қолиб, Онегин уни аранг таниди: Татьяна шунчалик ўзгариб кетган эди!

У хоним шошинчоқ эмасди, яна —  
Эмасди у совуқ ва маҳмадана.  
Унинг қарашлари эмас ҳаёсиз,  
Зафар қозонишга у идносиз,

Кўз ва қошларининг йўқ учирмаси,  
Йўқ эди сохта ноз, сун'ий ифода,  
Туриши-юриши сокин ва содда  
Discomteil faut\* нинг у чин нухаси  
Бўлиб кўринарди.

.....  
Ҳечким бу хонимни гўзал, деб балки  
Айтаолмас; лекин бутун сиймода  
Ҳечким тополмагай бирон нишона,  
Ки уни зўр ҳоким моданинг тили  
Лондонда, энг юксак бир доирада  
Vuegaг деб атайди.

Татьянанинг шоир томонидан бошдан оёқ жуда  
ажойиб ва жуда тўла равишда қуйидаги икки мисра'  
ше'рда та'риф этилган эри:

... Ҳаммадан жуда юқори  
Тутарди унинг-ла бу залга кирган  
Генерал ўзини — у кўп гердайган.

Татьянанинг эри Татьянага Онегинни ўз қариндоши ва  
ўртоғи деб таништиради. Кўп китобхонлар бу бобни  
биринчи марта ўқиганда, Татьяна бор товуши блан оҳ  
деб юборади ва ҳушидан кетади, ўзига келгандан  
кейин Онегиннинг бўйнига осилиб олиши керак, деб  
кутган эдилар. Броқ улар ўйлаганча бўлиб чиқмади!

Княгиня унга қарайди бир дам...  
Қалбини эзмасин шу чоқ қанча ҳис,  
Қанчалик ҳайратга у чулғонмасин,  
Шу чоқда у қандай маҳтал қолмасин,  
Броқ кўринмасди унда ўзгариш,  
Унда сақланганди айни у сиймо,  
Бурунгидай асл та'зими ҳатто.

Татьяна сесканиш, ёки тўсатдан  
Ранг ўчиш, қизариш надир билмади.  
Лабларин бир тишлаб қўймас шошгандан,  
Ҳаттоки қошлари чимирилмади.

\* Назокат. — *Ред.*

Ўткир диққат блан унга боқса-да,  
Эски Татьянанинг изларин яна  
Сезаолмаганди бизнинг Онегин.  
Унинг-ла сўзлашиш истади, лекин  
Гапираолмади. Сўрди Татьяна:  
Кўпданми бунда у, қаердан келди,  
Эҳтимолки улар юртидан елди?  
Сўнг, ҳорғин кўзи-ла эрига қиё  
Қаради; чекилиб кўздан йўқолди...  
Онегин қаққайиб ўрнида қолди.

Бизнинг романимиз бошланғичида  
Юзма-юз унинг-ла қаршилашароқ,  
Энг олис, энг пастқам диёр ичида,  
Ахлоқнинг хайрли ўтинда қайноқ,  
Насихатларини бир вақт тинглаган  
Уша Татьянами шу хоним жиддан?  
Бунда сақланади унинг бир хати,  
Бу хат бошдан оёқ қалб ҳикояти,  
Ҳамма гап аёндир, бутун сир зоҳир,  
Бу ўша қизчами... Ё бу бир рў'ё?  
Бенасиб умрида бир вақтлар асло  
Назар солмадиғи у қизча, ҳозир  
Шу қадар бепарво, шу қадар жасур  
Тутади ўзини, бу мумкинмидир?

.....  
Нима бўлди! Қандай ажиб рў'ёда!  
Унинг совуқ, танбал руҳининг қора  
Ўпқинида бирдан нима мавжланар?  
Ҳасратми? Пуч хаёл? Янгидан ёки  
Ешликнинг ташвиши — муҳаббат балки?

.....  
Уҳ, қандай ўзгариб кетмиш Татьяна!  
Қандай пишиқ кирган ўз ролига ул!  
Мушкул лавозимнинг бутун қонда,  
Йўлларин қандай тез этмишдир қабул!  
Залларнинг парвосиз, кўркем, улуғвор  
Бу маликасини кўриб, у дилдор —  
У нафис қизчани ким эслар қани?  
Онегин ёққанди бир чоқ қалбини!

Онегинни эслаб тун қорасида,  
То уйқу кипригин боскунча, бир чоқ  
Қизларча чекарди ҳасрат ва фироқ.  
Хумор кўзлар қайнар эди ойдинда;  
У хаёл қиларди: Онегин блан  
Ҳаётнинг осойиш йўлини кечаман!

Севгига бўйсунар ҳамма — ёш, қари.  
Лекин, ёш ва тоза қалбларга, баҳор  
Ёмғири қирларни яшнатган каби,  
Ишқнинг жўшишлари гўзал, ҳайркор:  
Севги ёмғирида бўлиб топтоза  
Қалблар янгиланар, етилар роса,  
Ва қудратли ҳаёт бағишлар кўркам,  
Чиройли гуллар ҳам, ширин мева ҳам.  
Еш улғайиб, дармон кетганда лекин,  
Бизнинг умримизнинг бурилишида,  
Улик ихтироснинг изи фожна:  
Совуқ куз фаслида бўрон ва ёғин  
Кўмкўк ўтлоқлардан ботқоқ ясайди,  
Яшил ўрмонларни яланғочлайди.

Биз ўтакетган идеалистлардан бўлмаганимиз учун  
энг юксак ихтиросларда ҳам паст ҳиссиётлар аралаш-  
ган бўлиши мумкинлигига жону-дил блан ишонамиз  
ва шунинг учун ҳам Онегиндаги ихтиросда ўзига яра-  
ша бир миқдор *алам* ва *ташвиш* бор, деб ўйлаймиз.  
Броқ биз шоирнинг жуда тантанали равишда э'лон  
қилинган, қора халққа ма'қул бўлган, унинг айни муд-  
даоси бўлиб чиққан қуйидаги фикрга кескин равишда  
қўшилмаймиз:

Инсонлар! Барчангиз ўхшайсиз экан  
Биринчи онамиз момо Ҳавога:  
Сизга нима қисмат бўлса жалб этмас;  
Илон чақиради сизни ҳар нафас,  
Имлар сирли дарахт, сирли мевага.  
Ман' этилган мева истайсиз фақат,  
Усиз жаннат сизга эмасдир жаннат.

Одамнинг табиати тўғрисида биз яхши фикрдамиз  
ва одамнинг ёмонлик қилиш учун эмас, балки яхши-



лик қилиш учун, жиноят қилиш учун эмас, балки борлиқнинг нозу не'матларидан қонуний равишда идрок ила баҳраманд бўлиш учун туғилганлигига, интилишлари ҳаққоний, инстинктлари олийжаноб эканлигига ишончимиз комилдир. Ёмонликнинг манбаи одамда эмас, балки жамиятдадир; кишилиқ тараққисининг формалари ма'носида тушуниладиган жамиятлар идеал даражага етишдан ҳали йироқ бўлгани учун, бу жамиятларда жиноят ишларни ҳадеб учратабериш ҳайрон қоларли нарса эмас. Қадим замонда жиноят ҳисобланган нарса нима учун янги замонда қонуний ҳисобланишининг ва аксинча, нима учун ҳарбир халқнинг, ҳарбир асрнинг ахлоқ, қонун, жиноят ҳақидаги тушунчаси бошқа-бошқа эканлигининг сабаби ҳам ана шу. Кишилиқ тараққиёти, зотлари ва ақлу идроклари бир бўлган кишилар ҳозироқ, қуёш ер атрофида эмас, балки ер қуёш атрофидан айланади, деган фикрга қўшилиб ва яна жуда кўп математик аксиомаларга ишонганлари каби, ҳақиқат нима-ю, ёлғон нима, адолат нима-ю, адолатсизлик нима, қонуний деб нимага айтилади-ю, қонунсиз деб нимага айтилади, деган нарсалар тўғрисида ҳам бир фикрга келадиган босқичига етишдан ҳали йироқдадир. Ана шу босқичга етгунча жиноят фақат юзаки томондан жиноят бўлиб, мазмун ва моҳият жиҳатдан — бирон-бир қонуннинг адолатли ва ақлга мувофиқлигини э'тироф қилишдан иборат бўлади. Бир замонлар ота-оналар ўз болаларини ўз қуллари деб билиб, уларнинг энг муқаддас туйғу ва интилишларини зўрлик блан поймол қилишга ўзларини ҳақли ҳисоблаган эдилар. Ҳозирги вақтда: агар қиз кўринишидан нияти яхши кишига ўхшайдиган ва мажбуран қуёв қилинмоқчи бўлган жанобдан жирканса ва ундан мажбуран жудо қилинаётган кишини ихтирос блан севиб, ўз кўнглининг ра'йига борса, чўнтагига ёки амалига меҳрибон ота-оналари ошиқ бўлиб қолган кишини эмас, балки ўзи танлаган кишини севса: наҳотки шундай қиз жиноятчи бўлсин? Ташқи шароитларнинг қаттиқлигига ҳечнарсаяракчалиқ итоат қилмайди ва бошқа ҳечнарсаярамчалиқ шартсиз эркинлик талаб қилмайди. Агар ташқи шароитлар

блан мувофиқлаштирилган бўлса, ҳаттоки муҳаббатнинг завқидан нима қолади? Бу булбул ёки тўрғайнинг олтин қафас ичида сайрашидай гап, холос. Фақат кўнгилнинг ҳукмига ва майлига қараб севишнинг завқи қандай завқ?— бу булбулнинг кун ботар чоғида, сув устида эгилиб турган мажнун толнинг пана жойида куйлаётган тантанали навосидир; борлиқни ҳис қилаётганидан маст бўлган, гоҳ ўқдай осмонга парвоз қиладиган, гоҳ пастга тушадиган, гоҳ қанотларини пириллатиб, бир жойда тўхтаб қолиб, кўмкўк ҳавода гўё чўмилаётгандай ва ботиб кетаётгандай бўлаётган тўрғайнинг эркин навосидир... Қуш эркинлик гадосидир; эҳтирос ҳаётнинг поэзияси ва гулшанидир, бас, кўнгилда эрк бўлмаса, эҳтирос эҳтирос бўлармиди?..

Онегиннинг Татьянага ёзган хатидан эҳтирос алангаси чиқиб турипти; бу хатда энди киноя ҳам йўқ, юқори доира кишисига хос вазминлик ҳам, ниқоб ҳам йўқ. Онегин, эҳтимол, одамларнинг бадбинларча хурсанд бўлишлари учун баҳона топиб бераётганлигини билади, лекин эҳтирос ундаги кулги бўлишдан, душман қўлига ўзига қарши ишлатиш учун қурол беришдан қўрқиш ҳиссини бўғиб қўйди. Шунинг учун бунда ақлдан бегона бўлиш ҳам ҳеч гап эмас эди! Татьянанинг ташқи қиёфасига қараб, демак, у тақдирига тан берипти, ташвиш-таҳлика бутига астойдил сажда қилипти, деган хулосага келиш мумкин эди — бу ҳолда, албатта, Онегиннинг роли жуда кулгили ва аянчли бўлиб қолган бўлар эди. Броқ юқори доирада ташқи кўриниш ҳечкимга бирон-бир нарсани исбот қилиб бераолмайди: бу доирадаги кишиларнинг ҳаммаси юрак сиқилиб ёрилиш даражасига етганда ҳам ўзини йўқотмасдан хурсанд бўлиш сан'атини жуда яхши билади. Онегиннинг, Татьяна руҳан илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича қолган, юқори доира эса унга ўзини тутабилиш ва ҳаётга жиддий кўз блан қараш сан'атини ўргатган, холос, деган фикрга келиши учун асос ҳам бор эди. Асли табиати яхши бўлган киши юқори доирада мешчан философларнинг маломат ва надоматларидан маҳв бўлиб кетмайди. Одам-

нинг кўнглини ва юрагини маҳв этмоқ учун юқори доирада қанча восита бўлса, қуйи доирада ҳам шунча восита бор. Ҳамма фарқ моҳиятда эмас, формалардагинадир. Энди ой блан юлдузларга қараб ҳасрат қилу-чи ва кўрган тушларига мартин Задек китобидан та'бир қидиручи ўйчи қиз эмас, балки ўзидаги ҳамма хислатларнинг қадр қимматига етадиган, кўп нарса талаб қилалиган ва кўп ишлар қилиш ҳам қўлидан келадиган Татьяна энди Онегиннинг назарида қайси доирага мансуб бўлиб кўриниши керак эди. Доира аҳлидан бўлиш каби шуҳрат Татьянани Онегин кўзида юксакликка кўтармаслиги мумкин эмас эди: юқори доирада ҳам, ҳамма ерда бўлгани каби, одамлар икки тоифага бўлинади — бировлар расму одатларга ёпишиб оладилар ва бу расму одатларни ўрнатишни ҳаётнинг муддаоси деб биладилар, бу қора жалқ тоифаси; бошқалар эса, доира аҳлидан одамларни ва ҳаётни тушунишни воқи'ликдаги тартибни ва уларга табиат нимаики берган бўлса, шуларнинг ҳаммасидан бемалол фойдаланабилиш қобилиятини ўрганадилар. Татьяна ана шу кейингилар жумласидан эди, шунинг учун ҳам доирага мансуб аёл бўлиш каби шараф, хотин киши сифатида, унинг э'тиборини фақат янада юқорироқ кўтарган эди. Шу блан бирга курашсиз муҳаббат Онегин кўзида ҳечқандай назокати йўқ муҳаббат эди, Татьяна учун курашда ғалаба қозониш эса енгил ишга ўхшамас эди. Шунинг учун ҳам Онегин ғалабага умид боғламаган ҳолда, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, хатининг ҳарбир сўзидан ўт сочиб турган чинакам эҳтирос натижаси бўлган бутун жунуни блан ўзини бу курашга урди:

Сизнигина кўриш ҳар минут сайин,  
 Ҳар ерда соянгиз каби эргашиш.  
 Лаблар табассумин, кўзлар чиройин  
 Севгига тutilган кўзлар-ла илиш,  
 Сизни узоқ туюш ва кўнгил ила  
 Сизнинг камолатни англаш, сўнг албат  
 Олдингизда қотиш, қийноқ ичинда  
 Синиқиш ва сўниш... мана шавқ, лаззат!

. . . . .

Бир он билсангизди нақадар даҳшат,  
 Ишқнинг чанқоғида ҳорғин дард ютиш,  
 Уртаниш ва ақл блан ҳар соат  
 Қондаги ис'енни босиш, тинчитиш;  
**Яна тизингизни кучиш армони,**  
 Сизнинг оёқларда ҳўнграб йиғламоқ<sup>8</sup>,  
 Э'тироф, надомат, ўтинч нидо'ни,  
 Нима айтаолсам — барчасин куймоқ,  
 Ҳолбуки, мен вазмин, ясама бир тур,  
 Бериб сўзимга ҳам, кўзларимга ҳам,  
 Сокин суҳбатлашиш ва сизга ҳар дам,  
 Шод бўлиб қарашга бўламан мажбур<sup>9</sup>!

Броқ бу оташин эҳтирос Татьянага ҳечқандай таас-  
 сурот қолдирмади. Бирнеча нома ёзгандан кейин Оне-  
 гин Татьянани учратганда довдираб ҳам қолмади,  
 тортган азобини ҳам сездирмади, унинг юзида кўз  
 ёшларининг изи ҳам йўқ эди — бу юзда фақат ғазаб-  
 нинг изи намоён эди... Онегин қиш бўйи бекиниб олиб,  
 китобхонликка тушиб кетди:

Нима чиқди? Елғиз ўқиди кўзи,  
 Лекин фикрлари учарди узоқ;  
 Унинг хаёллари, орзу, қайғуси  
 Руҳига, кўнглига берарди қийноқ.  
*Босма сатрларнинг ораларидан*  
*Уқирди ма'навий кўзлари блан*  
*Бошқа сатрларни.* Булар тамоман  
 Онегин дилини қилган эди банд.  
 Булар эса қалбга ёқимли, фақат,—  
 Утмишдан фисункор ҳикоялар-ди,  
 Бепарво ва эркин туш-соялар-ди,  
 Таҳдидлар, та'бирлар, фол ва каромат,  
 Е эртақнинг пучак ҳангомалари  
 Еки бир ёш қизнинг ишқномалари.  
 Ҳислар ҳам, ўйлар ҳам оҳистагина  
 Мадорсизланарди, мудрарди енгил.  
 Унинг кўз олдида хаёл бир лаҳза  
 Манзарасин ёйиб ташларди хил-хил.  
 Гоҳ, кўрар: эриган қорда чўзилиб,

Қимир этмай ётар бир йигит, тиниб,  
 Тош қотиб ухлайди, четда бир йўлдан;  
 Эшитар бир товуш: хўш, нима? ўлган!  
 Гоҳ кўринар эски душманлар бир он,  
 Бўхтончилар ила, разил қўрқоқлар,  
 Бир гала бевафо жононлар ўтар,  
 Ва чиркин ўртоқлар — бир гуруҳ ёмон!  
 Гоҳ бир қишлоқча уй — дарча ёнида  
 Ўтирарди бир қиз... ҳарвақт угина!..

Биз энди Онегин блан Татьянанинг учрашганлари ва дардларини ёрганликлари ҳақида гапни чўзиб ўтирмаймиз, чунки бу учрашувда бош рольни ўйнаган киши Татьяна бўлиб, унинг ҳақида биз ҳали кўп сўз юритмоғимиз лозим. Роман Татьянанинг зарбаси блан тамом бўлади, китобхон эса Онегин блан унинг ҳаётининг энг оғир пайтида видо'лашади... Бу қандай гап? Роман қани бу ерда? Унинг ма'ниси нимадан иборат? Сўнгра, бу қандай романки, охири йўқ? Биз ўйлаймиз, шундай романлар ҳам борки, уларнинг ма'ниси уларнинг худди ана шу охири йўқлигидадир, чунки воқи'ликнинг ўзида ҳам охири нома'лум воқиалар, мақсадсиз кун кечиришлар, бетайин кишилар, ҳечким тушунмайдиган, ҳаттоки, ўзлари ҳам тушунмайдиган кишилар, хуллас, французча қилиб айтганда, *les êtres manqués, les existences avortées\** ҳам бўлади. Лекин бундай кишилар кўпинча ма'навий жиҳатдан анча устун турадилар; кўп ва'далар берадилар, лекин бу ва'дани камдан-кам бажарадилар ёки ҳеч бажармайдилар. Бу уларнинг ўзига боғлиқ эмас; бунда воқи'ликдаги *fatum\*\** бор бўлиб, бундай кишилар ҳаво блан қандай қуршаб олинган бўлсалар, бу *fatum* блан ҳам шундай қуршаб олингандирлар, бу қуршовдан қутулиш эса кишининг қўлидан ҳам келмайди, қутулиш унинг ҳукмида ҳам эмас. Бошқа шоир бизга бошқа Онегинни Печорин номи блан таништирди: Пушкиннинг Онегини қандайдир фидокорлик блан зерикишга берилиб кет-

\* Нотавон кишилар, бурди йўқ тирикчилик.—*Ред.*

\*\* Тақдир. — *Ред.*

ган эди; Лермонтовнинг Печорини ҳаёт блан жон олиб-жон бериб курашади ва ундан ўзига тегишли улушни зўрлик блан тортиб олмоқчи бўлади; буларнинг йўллари — бошқа-бошқа, натижа эса битта: ҳар икки шоирнинг ҳам ҳаёти ва фаолияти тамомига эматгани каби, ҳар икки роман ҳам тамомига етган эмас...

Онегин кейинчалик нима бўлди экан? Унинг ихтироси уни тирилтириб одамгарчилик ша'нига бирмунча тўғри келадиган бир тарзда севадиган қилдими? Ёки бу ихтирос Онегиннинг юрагидаги ўтни батамом сўндирди-ю, унинг тортаётган ғам-ғуссаси ўлик ва совуқ нафратга айланиб қолдими? — Билмадик, сўнгра, биз бу исте'одли вужуднинг кучи ҳечбир нарсага сарф қилинмай қолганини, ҳаёти ма'нисиз бўлиб қолганини, романи эса тамомига етмай қолганини билганимиздан кейин, буни билишнинг бизга нима кераги ҳам бор? Бошқа ҳечнарсани билишни истамаслик учун шунини билсак ҳам кифоядир.

Онегин — шу ма'нола ҳақиқий характердирки, у ҳечбир хаёлий ва афсонавий киши эмас, у фақат воқи'ликда ва воқи'лик туфайли бахтли ёки бахтсиз бўлиши мумкин эди. Пушкин Ленскийда Онегин характерига мутлақо қарама-қарши бўлган характерни, воқи'ликдан мутлақо йироқ, мутлақо ёт бир характерни тасвир этди. Ўша вақтларда бундай характерли кишилар мутлақо янги бир ҳодиса эди, бундай кишилар эса, рус жамиятида ўша вақтларда ҳақиқатан ҳам пайдо бўлабошлаган эдилар:

Кўксида Геттинген руҳи чайқалир,  
Гўзал бир жувонди гуллаган энди,  
Ҳам шоир, ҳам Кантнинг мухлиси эди.  
Келтирмиш туманли Германиядан  
Ленский олимлик самараларин:  
Эркинлик ишқининг кўп хаёлларин,  
Келтирмиш ғалати, қизғин руҳ блан,  
Елкага тушқучи жингал сочини,  
Нутқида қайнаган ҳаяжонини.

.....  
Севгини куйлади, у ишқ боласи,

Унинг қўшиқлари эди соф, ёрқин,  
 Соддадил бир қизнинг ўйлари каби  
 Гўдакнинг тушидек, осмоннинг сокин  
 Чўлида кезучи сир илоҳаси,  
 Нозик оҳ чекишлар дўсти ой каби;  
 Шоир куйлар эди қайғу ва ҳижрон,  
*Сирли узоқликлар ва мажҳул жаҳон,*  
 Романтик гулларни қилди тараннум,  
 Узоқ ўлкаларни куйлар эди у,  
 У ерларда қанча тўкканди қайғу,  
 Сукут оғушига кўзёшин юм-юм;  
*Сағал кам ўн саккиз ёшида шоир,*  
*Куйлар ҳаёт сўлгин гулига доир.*

Ленский ҳам ўз табиатига кўра, ҳам замонасига кўра романтик эди. Ленскийнинг ҳамма ажойиб ва юксак хислатга эга бўлган, қалби тоза ва олийжаноб бир вужуд бўлганлиги ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Лекин шу блан бирга Ленский «кўнгли соф нодон эди», доим ҳаётдан гапирса ҳам, ҳеч маҳал бу ҳаётни билган эмас эди. Воқе'ликнинг унга нисбатан та'сири йўқ эди: унинг шодлиги ҳам, қайғуси ҳам ўз хаёлининг меваси эди. Ленский Ольгани севиб қолди, лекин Ольганинг у қандай киши эканлигини билмаганлиги блан, эрга теккандан кейин онасининг тузатилган иккинчи нашри бўлиши блан, унинг учун шоирга — болалик чоғида бирга ўйнаган дўстига — ҳам ўзига ва отига мағрур бўлган отлиқ аскарга ҳам эрга чиқиш барибир эканлиги блан иши йўқ эди. Ленский Ольгани шундай хислатлар ва фазилатлар блан безатди, уни туйғули ва фикрли бир вужуд деб тасвирладик, буларнинг ҳечбири унда йўқ эди ва бу тўғриларда фикр қилиш Ольганинг ёдига ҳам келган эмас эди. Кўнгилчан, ёқимтойгина, хушчақчақ бўлган Ольга, ҳали «бойвучча» бўлмаган ҳамма «баришналар»га ўхшаб, жуда дилрабо бир қиз эди, Ленский бўлса, уни фаришта деб, нозикбадан деб, романтик бир орзу деб билди-ю, лекин ундан натижада бойвучча чиқишини ҳечбир пайқамади ҳам. Ленский қари Ларинга бағишлаб «марсия» ёзиб, шоир сифатида ҳечқандай киноя

қилмасдан, бу қари кишида ҳам шоирона томонлар борлигини топаолди. Онегин унга фақат ҳазиллашмоқчи бўлганини Ленский ҳам хоинлик, ҳам йўлдан уриш, ҳам қаттиқ хафа қилиш деб билди. Бунинг натижаси эса, Ленскийнинг ўлими бўлдики, шоир ўзининг бу ўлимини туманли романтик шеърларда олдинданок мадҳия қилган эди. Биз шоир айтганидек:

Е қизгин низо'чи ва шўх ўспирин  
Кўрсатмай ўзини, ақл ва номус  
Эгаси бўлиши керакди... Афсус,—

Онегинни ҳечбир ёқламаймиз, лекин доира аҳли ва дағал урфу-одатларнинг зулми-зуғуми шундайки, бундай зулму-зуғумга қарши курашиш қаҳрамонларни талаб қилади. Онегин блан Ленский ўртасида бўлган дуэльнинг тафсилоти — бадий жиҳатдан моҳирликнинг чўққисидир. Шоир Ленский воситаси блан кўрсатиб бергани бу идеални севар эди, шунинг учун ҳам Ленскийнинг ҳалокатига йиғлаб ажойиб сатрлар ёзди:

Эҳтимол шоирга сиз ачинасиз:  
Наш'али умидлар гуллаган пайти,  
Дун'ёга улардан қолдирмай бир из,  
Гўдаклик кийимин ташламай ҳали,  
У сўлди! Қаерда қизгин ҳаяжон,  
Қаерда ёш, юксак, нозик ва мардон  
Ҳислар, фикрларнинг нодир ва асл  
Интилишлари у? Қаерда, айтгин?  
Қани муҳаббатнинг тошқин ҳаваси,  
Билимга, меҳнатга бўлган чанқоқлик,  
Қабиҳ иш, уятдан қўрқув ва поклик?  
Қайда сиз, муқаддас ше'р рў'ёси!?  
Қайда сиз, самовий ҳаёт сояси,  
Қайда сиз, дил суйган хаёл шарпаси?

Эҳтимол, жаҳоннинг сзодати-чун,  
Ёки шуҳрат учун тугилганди у;  
Сукут этган сози оҳангдор куйин  
Ва гўзал садосин дун'ёда мангу  
Юксалтабиларди. Ким билсин, балки



Қиборлар олами нарвонидаги  
Олий бир мартаба, иззат пояси  
Уни кутар эди. Шоир сояси  
Муқаддас сирини ўзи-ла бирга  
Қабрга элтгандур; энди биз учун  
Ҳаёт бағишловчи созни қучди тун.  
Қабрда ётар у, ва унга сра  
Етмас замонларнинг мадҳу-саноси,  
Келгуси насллар ишқи, дуоси.

Бу ҳам бир эҳтимол: шоирни, балки,  
Кутиб турар эди оддий бир тақдир.  
Ўтиб кетгач қизғин йигитлик даври,  
Совурди руҳининг ўти, ким билар?  
Ўзгарарди балки у секин-секин.  
Ижоддан айрилар, оларди хотин,  
Қишлоқда талтайиб яшарди сўқум,  
Эгнида қавилма чопони тўқум,  
Ҳаётни англарди балки чинакам,  
У қирқ ёшида бод касалга учрар,  
Ер, ичар, зерикар, семирар, озар,  
Ниҳоят ётоқда, ажал келган дам  
Улган бўлар эди — бунга не чора,  
Болалар, кампирлар, табиблар ора.

Биз аминмизки, Ленский муқаррар равишда ана шу кейинги тасвирдаги кунга тушган бўлар эди. Унинг кўп яхши томонлари бор эди, лекин энг яхши томони унинг новқирон бўлганлиги ва иззатини қўлдан бермай ўз вақтида ўлиб кетганидир. Ленский яшашдан мурод — ўсмоқ ва олға қараб кетмоқ деб билучи кишилар жумласидан бўлмаган кишилардан бири эди. Бу одам — такрор айтамиз — *романтик* эди, холос. Агар Ленский ўлмаганда эди, Пушкин унинг ҳақида бир байт блан тўла ифода этган нарсасини бир боб қилиб чўзишдан бошқа илож тополмаган бўларди. Ленскийга ўхшаган одамлар, уларнинг шубҳасиз яхши томонлари кўп бўлса ҳам, шу жиҳатдан ёмонки, улар ё уччига чиққан филистёрларга айланиб қоладилар, ёки, башарти ўзларининг дастлабки табиатларини

бутун умр сақласалар, худди қари идеал қизлардек ёқимсиз бўлган, ҳечбир да'воси йўқ оддийгина разил одамлардан ҳам бадтарликларидан ҳарқандай тараққиётга душман бўлган сийқа диндорлар ва хаёлпарастлар бўлиб қоладилар. Бундай кишилар мудом ўзларига бино қўйиб ва ўзларини дун'ёнинг устуни қилиб, дун'ёда бўлаётган ишларнинг ҳаммасини пинакларини бузмай тамоша қиладилар ва, бахт бизнинг дилимизда, ҳаркимса ҳам дили блан хаёл осмонида сайр қилмоғи, очлик, муҳтожлик ва... диёри бўлган ернинг ташвишлари ҳақида ўйлаш ҳам керак эмас, деб жовраб юрадилар. Ленскийлар ҳали ҳам барҳам еб кетгани йўқ; улар фақат айниб, бошқача тусга кириб олганлар. Ҳозирги Ленскийларда у Ленскийдаги ажойиб диловарликдан энди ҳечнарсга қолгани йўқ; буларда унинг кўнглидагидек поклик йўқ, буларда фақат улғулик да'воси ва қоғозни қора қилишга зўр иштиёқ бор, холос. Буларнинг ҳаммаси ҳам шоир, журналларни ҳам бемаза шеърлар блан шулар та'мин қилиб турадилар. Хуллас, булар ҳозир энг ёқимсиз, энг қуруқ ва разил кишилардирлар.

Татьяна... унинг ҳақида биз бундан кейинги мақолада сўз юритамиз.

## ТУҶ ҚИЗИНЧИ МАҚОЛА

«Евгений Онегин»

(о х и р и)

Пушкиннинг ўз романида биринчи бўлиб ўша замон жамиятини шоирона равишда тасвир этгани ва Онегин блан Ленский воситаси блан бу жамиятнинг асосий томонини, я'ни эркаклар томонини кўрсатгани унинг зўр қаҳрамонлигидир; лекин шоиримизнинг Татьяна образи орқали биринчи бўлиб рус аёлини тасвир этганини, бундан ҳам катта қаҳрамонлик деса бўлади. Эркак киши ҳамма ҳолларда, рус жамиятининг ҳамма табақаларида биринчи ўринда туради; лекин биз аёл киши бизда иккинчи ва пастки ўринда туради, деб айтаолмаймиз, чунки у умуман ҳечқандай

ўринда тураётгани йўқ. Бундан фақат юқори доиралар истисно бўлиб, ўшанда ҳам маълум даражада истиснодир. Энди бизлар аллақачонлар, ҳамма соҳада европача ҳаётга тақлид қилишга жуда ҳам иштиёқимиз баланд бўлишига қарамасдан, ўйинлар блан ўтадиган балларимизга қарамасдан, славянпарастларнинг, бутунлай немис бўлиб кетдик, деб умидсизлик изҳор қилаётганликларига қарамасдан,— мана шуларнинг ҳаммасига қарамасдан аллақачонлар, бизлар ҳали ҳам мазаси йўқ баҳодирлармиз, бизларнинг аёл кишига нисбатан қиладиган эʼтиборимиз, бизларнинг аёл кишини деб яшамоққа ва жондан кечмоққа тайёрлигимиз ҳали ҳам қандайдир қалбаки бир нарсадай туюлади ва жамиятда расм-таомил бўлиб қолган, шунда ҳам ўзимиздан чиққан эмас, балки ўзгалардан кўчирма қилиб олинган сийқа гаплар бўлиб эшитилди, деб иқрор бўлсак бўлади. Қибладан кун чиқиб! ҳозир энди муҳтарам савдогарлар ҳам,— карам ва пиёз ҳиди келиб турадиган серсоқол савдогарлар ҳам, ҳатто шундайлар ҳам кўчада хўжайка блан бораётганда уни орқасига тизза блан тепиб, уёқ-буёғингга қараб юр, деб дўқ қилмайди, балки уни қўлтиқлаб олиб юради; уйда эса... Броқ уйда нималар бўлишини гапиришнинг нима ҳожати бор? Уйдаги гапни кўчага чиқаришнинг нима кераги бор? Сийқа бўлиб кетган ва бировларники бўлган гапларни ўрганиб олиб бизлар шеʼрларда ҳам, прозада ҳам: «аёл киши — суҳбатнинг шоҳи; унинг роҳатбахш иштироки суҳбатнинг ҳуснидир» ва ҳоказолар деб қичқирамиз. Броқ биздаги жамиятларга бир назар ташланг (юқори табақалар жамиятидан ташқари): ҳамма ерда эркаклар — ўзларича алоҳида бир жамият, хотинлар — ўзларича алоҳида бир жамият. Энг учига чиққан серилтифот эркак ҳам, аёллар блан бирга ўтирганда, ўз вақтини мулозимат юзасидан ҳайфга кетказаетгандай бўлиб ўтиради; сўнгра гўё оғир бир иш қилган кишидай чарчаган бир қиёфа блан ўрнидан туриб, эркин нафас олмоқчи бўлгандай, эркаклар бўлмасига боради. Европада хотин киши ҳақиқатан ҳам жамиятнинг маликаси: у блан бошқалардан кўра кўпроқ ҳамсуҳбат

бўлган эркак киши шод ва мағрур. Бизда аксинча: бизда аёл киши эркак кишининг суҳбатини садақа тилагандай интизор бўлиб кутади; эркак киши унга э'тибор қилганда у ўзини бахтли деб билади ва фахрланади. Маром ва илтифот деган нарсалар ўрнига бизда қилиқ қилишлар расм бўлиб қолгандан кейин; бизда ҳамма поэзияни фақат китоблардагина яхши кўриб, ҳаётда ундан вабо-қазодан қўрққандан ҳам баттар қўрққандан кейин аҳвол қандай қилиб бошқача бўлсин. Модомики қиз бола то ойисидан ижозат сўрамагунча сизнинг қўлингизга таянаолмас экан, сиз қандай қилиб унга қўл берасиз? Сиз қиз блан кўп ва тез-тез гаплашиб турган тақдирда одамларнинг сизни бу қизнинг ошуғи деб қарашини ва ҳаттоки унинг куёви деб гап тарқатишини билганингиздан кейин сиз у блан кўп ва тез-тез гаплашишга қандай жур'ат қиласиз? Бундай қилиш қизни маломатга, ўзингизни эса балога қолдириш бўлар эди. Агар сизни қизнинг ошуғи деб билсалар, дўстларингизнинг маккорлигидан ва ўткир кесатмаларидан, масхара қилиб кулишларидан, сизга мутлақо бегона бўлган кишиларнинг гўлларча ва оқкўнгиллик блан берадиган саволларидан ҳечқаерга қочиб қутулаолмайсиз. Лекин, агар одамлар сизни у қизга уйланади деган хулосага келишсами, сизга яна ҳам ёмонроқ бўлади: агар қизнинг ота-онаси назарида сиз уларнинг қизи учун етарли даражада бадавлат куёв бўлиб кўринмасангиз, улар сизни уйларига киргизмай қўядилар ва қизларига ҳам бошқаларнинг уйларида сиз блан дуч келганда илтифотли бўлишни қат'ий ман' қиладилар; агар улар сизни бадавлат куёв деб билсалар — аввалгидан ҳам баттар балога қоласиз; минг хил тузоғу, қопқонлар қўябошлайдилар, ва, ажаб эмаски, эсингизни йиғиб олиб, ўз-ўзингиздан: қандай қилиб ва қачон бундай бўлди? деб савол сўрашга улгурмасдан олдин никоҳи-шар'ий блан уйланган киши бўлганлигингизга ишонч ҳосил қиласиз. Агар сиз ўз характерингизга эга одам бўлиб, бўш келмасангиз, бошингизга узоқ вақт эсингиздан чиқмайдиган можаро ортдирасиз Буларнинг ҳаммасига сабаб нима?— Сабаб шуки, биз-

Да аёл киши нималигини тушунмайдилар ва тушунишни ҳам истамайдилар, унга ҳечқандай эҳтиёж сезмайдилар, унга муштоқ ҳам эмаслар ва уни излаб ҳам юрмайдилар, хуллас, сабаб шуки, бизда аёл киши йўқ. Бизда «ажойиб жинс» фақат романларда, повестларда, драма ва элегиялардагина учрайди; ҳақиқий ҳаётда эса бу жинс тўрт туркумга: ёш қизалоқларга, қаллиқларга, куёвга чиққан хотинларга ва, ниҳоят, қари қизлар ва қари хотинларга бўлинади. Биринчи туркум ҳали ёш болалар бўлгани учун ҳечким уларга қизиқмайди, кейинги туркумдагилардан ҳамма кўрқадди ва ёмон кўради (кўпинча жуда ажаб қилади); демакки, биздаги ажойиб жинс икки бўлимдан: эрга тегишлари керак бўлган қизлардан ва аллақачон эрга тегиб олган хотинлардан иборатдир. Рус қизи — бу сўзнинг европача ма'носида хотин киши эмас, одам эмас: у қаллиқдан бошқа ҳечнима эмас. Рус қизи кичкина гўдаклик чоғидан бошлаб ўз уйида кўриб юрадиган ҳамма эркакларни ўзининг куёви деб юради ва кўпинча ўзининг *додасига* ёки ўзининг *акасига* тегишга ва'да ҳам беради; бешикда ётадиган чоқларидан бошлаб онаси ҳам, отаси ҳам, опалари ҳам, акалари ҳам, аялари ҳам, энагалари ҳам, хуллас унинг атрофидаги кишиларнинг ҳаммаси ҳам, унга: сен қаллиқсан, сенинг куёвларинг бўлиши керак, деб айтганлар. Аранг ўн иккига етганида онаси уни ялқовликда, ўзини тутабилмасликда ва ҳоказо шу каби гуноҳларда айблаб: «уят эмасми, бекам: сиз энди *қаллиқсиз*, ахир!» дейди. Шундай бўлгач, қизнинг ўзига хотинлик хусусиятларга эга бўлган бир вужуд, бир инсон деб қарашни билмаганлиги ва қарайолмаслиги ва ўзини фақат *қаллиқ* деб билиши ажабланарли ҳолми? Шундай бўлгач, бундай қизнинг энг кичкиналигидан бошлаб вояга етгангача, ба'зан ҳатто жуда қариган дамларигача бутун фикри-зикри, ўй ва хаёли, бутун истак ва орзулари, бутун тоату-ибодатлари битта *idie fixe\** га: эрга тегишга қаратилиши, эрга тегиш унинг учун бирдан-бир кучли истак, ҳаёт-мамотининг мақсад ва

\* миядан кетмайдиган бир фикр (французча). — *Ред.*

муддаоси эканлиги, унинг бундан бошқа ҳечнарсани тушунмаслиги, бошқа ҳечнарсани хоҳламаслиги ва ҳарқандай бўйдоқ бошқа ҳечнарсани хоҳламаслиги ва ҳарқандай бўйдоқ эркакка бир одам деб эмас, балки яна фақат куёв деб қарашни ажабланарли ҳолми?—Бундай қиз ўн саккиз ёшидан бошлаб ўзини энди ота-онасининг қизи эмас, уларнинг жигар-гўшаси эмас, ўз оиласининг бахт-саодати эмас, ўз хонадонининг зийнати эмас, балки оғир юк, ўтмас товар, исте молдан чиқиб қолай деб турган ва бозори ўтмайдиган бир буюм деб ҳис қила бошлайди. Бас, унинг бор қобилиятини куёвларни ўзига ром қилиш сан'атини эгаллашга сарф қилишдан бошқа нима иложи ҳам бор? Бунинг устига, унинг қобилиятлари, «қимматли ота-оналари», азиз амма-холалари, холавачча-ю, амакиваччалари берган та'лимларига кўра, фақат биргина ана шу томонга қараб ўсиб боради. Ғамхўр она ўзининг қизини кўпроқ нима учун та'на қилади ва қийиёди?—Қизи ўзини яхшилаб тута билмаслиги учун, яхши куёвларга кўзу-қош қоқиб қарай олмаслиги учун ёки ёр бўлишга лойиқ эмас кишилар олдида серилтифот бўлгани учун кўпроқ та'на қилади ва қийиёди. Ғамхўр она қизига кўпроқ нималарни ўргатади?—кишиларга давлатига қараб нозу-карашма қилишни, фариштаи бегуноҳ суратига киришни, мушук панжалардаги ўткир тирноқларни ялтираб турган силлиқ юнглари тагига бекитишни ўргатади. Шунинг учун бояқиш қиз ўз табиатига кўра қандай одам бўлмасин,—беихтиёр равишда ҳаёт унга пеш қилган ва одамлар сирру-асрорини билиш учун жуда қунт блан ва яхшилаб ҳаракат қиладиган рольга кириб олади. Бундай қиз уйда ирkit бўлиб, сочлари пахмоқ ҳолда, киргина, торгина, калтагина ва айнама читдан тикилган кўйлақ кийиб, ямоқ-ямоқ бошмоқ, ифлос ва осилиб ётган пайпоқ кийиб юради: қишлоқда бизни уйдаги хизматкорлардан бошқа кимлар ҳам кўрарди? Йўлнинг бир бошида кутулмаган меҳмондан дарак берадиган экипажнинг қораси кўриндим, бўлди — бизнинг қаллиқ қўлларини кўтариб, бошидан баланд туган ҳолда узоқ вақт тутиб туради ва шоша-пиша: *меҳмонлар келаётир, меҳмонлар келаётир!* деб қичқи-

риб юборади. Бунинг натижасида қўллари қизилдан оққа айланади: бу ҳам қишлоққа хос доноликдан бир шингил! Сўнгра бутун хонадон говурга келади: она қизи блан бирга ювинишга, таранишга тушиб кетадилар, оёқларига кийиб оладилар ва кири чиқиб кетган ички кийим устидан беш йил бурун тикилган шерсть ёки шоҳи либослар кийиб оладилар. Ички кийимнинг тоза бўлишига э'тибор қилиш кулгили бир тап: ички кийим усткининг тагида бўлади-ку ахир, уни ҳечким кўрмайди ҳам, ясанишга келганда — ма'лумки, — киши ўзи учун эмас, бировлар учун ясанади. Мана энди, ахири, бирқанча олдин ёки кейин сирли орзу-ҳаваслар ва қизғин аҳду-паймонлар амалга ошмоққа тайёр: қаллиқликка номзод бўлган қиз энди чинакам қаллиқ бўлиб олган-у, ҳозир фақат куёв тўра учун сарупо киймоқда. Қиз йигитни кўпдан бери билар эди-ю, лекин ўзига йигитнинг диди тўғри келиб қолганидан воқиф бўлган вақтдан беригина унга ошуқа бўлиб қолган. Унга ҳақиқатан ҳам йигитни яхши кўриб қолгандай туюлади. Эрга тегишга интилиш касали ва бу мақсадга эришиш шодлиги жуфтлашиш тўғрисидаги яширин ва рўй-рост орзу-ниятлар туфайли юракда аллақачонлар кўзгатилган севги ҳисларини бир минут ичидаёқ уйғотиб юбориши мумкин. Бунинг устига, иш штоб ва шошилиш бўлса, ҳақиқатан ҳам севасизми, ёки фақат севгандай бўлаяпсизми, деб ўзингиздан савол сўрашга ҳам фурсат тополмасдан, беихтиёр равишда дарровгина севиб қўяқоласиз... Негаки, «қимматли ота-она» ўз қизларига фақат қандай қилиб бўлса ҳам эрга тегиб олиш сан'атини ўргатганлар-у; лекин уни хотинликка тайёрлаш, унга хотинлик оналик вазифасини тушунтириш, уни бу вазифани бажаришга лаёқатли қилиш тўғрисида улар ўйлаб ҳам кўрмаганлар. Шундай бўлгани ҳам дуруст: негаки, агар панду-насиҳатлар, минг яхши бўлса ҳам, шахсий намуна кўрсатиш блан тўлдирилмаса, шогирдни қуршаб олган муҳитдаги жам'и мисоллар блан тасдиқ этилмаса, бундай панду-насиҳатнинг фойдаси бўлмайди ва ҳатто зарари бўлади. Она ўзининг ҳокимона оҳанги блан ўз қизига яккаш: «Мана, мендан ибрат олинг.

бекам!» деб қайтаргани-қайтарган. Қиз ҳам ҳеч парво қилмасдан ўз онасидан нусха кўчириб, ўзидан киборлар доираси ва бўлажак эри учун ўз ойисининг иккинчи нусхасини тайёрлайди. Агар қизнинг эри бадавлат одам бўлса, хотинидан хурсанд бўлади: уларнинг хонадони тўкин-чочин бўлади-ю, лекин ҳамма нарса маза-матрасиз, бема'ни, ифлос, чангга ботган, тартибсиз бўлади, фақат катта байрамлардагина тозаланади (бундай вақтларда хонадонда тўполон кўтарилади, ҳамма саросимага келади); хонадон катта, хизматкорлар беҳисоб, лекин сизга бир стакан сув берадиган, бирор чашка чой тутадиган одам топилмайди... Яқиндагина қаллиқ бўлган қиз энди ёш жувонми? — эҳа, унинг «егани олдида, емагани кетида!», ниҳоят, у ўз муродига етди—энди у етим эмас, асранди эмас, ота-онасининг уйидаги ортиқча юк эмас, энди у ўз уйининг хўжайкаси, ўзига хон, ўзига бек, эрки ўзининг қўлида: истаган вақтида истаган ерига бораолади, хоҳлаган кишисини қабул қилаолади; энди унга гоҳ ювош кўзичоқ суратига, гоҳ бегуноҳ фаришта суратига киришнинг ҳожати йўқ; энди у инжиқлик қилаолади, ҳар замонда бир ҳушидан кетаолади, амр-фармонлар қилаолади, эрини, болаларини, хизматкорларини хуноб қилаолади. Унинг орзу-ҳаваслари беҳисоб: қўша-қўша карета, қўша-қўша шолрўмол, қимматбаҳо ўйинчоқлар сероб; у оқсуяк-бойвучча, ҳечкимдан кам ери йўқ, ҳаммадан ошиб тушади, эри эса имениесини қайта-қайта гаровга қўйишга зўрға улгуради... У янги замона кишиси, шунинг учун ҳам залини ва меҳмонхонасини, гарчи шинам бўлмаса ҳам, мумкин қадар дабдабали қилиб ясатган, бунда сал-пал покизалик, сал-пал озодалик бўлишига бироз э'тибор блан қарайди: чунки бу бўлмалар меҳмонларга аталган, кўз-кўз қилиш учун, хўжа кўрсин учун ясатилган бўлмалар-да; фақат ётиладиган уйда, болалар ётадиган хонада, эрининг кабинетида,— хуллас меҳмонлар кираолмайдиган ички уйлардагина ифлослик тўла тантана қилиши мумкин. Унинг уйдан эса ҳечбир вақт меҳмон узилмайди, унинг ёнида муттасил одам бўла-



ди; лекин у ўз меҳмонларини киборона ақли блан, ўзининг жилвадор хушқилиғи блан, ўз гапларининг ма'нодорлиғи ва нафислиғи блан ром қилмайди,— йўқ, у меҳмонларига ўзининг ҳечнарсадан камчилиғи йўқлиғини, бойлиғини, ҳамма нарсаси — уйларининг жиҳози ҳам, таомлари ҳам, меҳмонлари ҳам, отлари ҳам ҳамманикидан яхшилиғини, ўзининг ҳазилакам лардан эмаслиғини, ўзига ўхшаганлар атиғи битта-яримталиғини кўрсатишга ҳаракат қилади, холос... Гапларининг мазмуни нуқул ғийбат ва ясанишдан, ясаниш ва ғийбатдан иборат. Боладан худо кам кўрмаган — ҳар йили фарзанд кўради. У ўз болаларини қандай қилиб тарбия қиларкин?— унинг ўзини бир вақтлар ойиси қандай тарбия қилган бўлса, худди шундай тарбия қилади-да: кичкиналик чоғида улар болалар бўлмасида аячалар, энагалар орасида, оқсочлар орасида, малайлар бағрида умр ўтказишадики, булар ҳаммаси болаларга ахлоқнинг дастлабки қондаларини ўргатиши, уларда олийжаноб инстинктлар тарбиялаши, ажина блан алвастининг, дев блан сув парисининг фарқини тушунтириши, турли аломатларни ўргатиши, ўликлар ва ҳар суратга кираолучилар ҳақида турли-туман қиссалар сўзлаб бериши, сўкиш ва муштлашишни ўргатиши, ёлғон гапирганда қизармасликни, еб тўймасликни ўргатиши керак. Меҳрибон болалар эса: ўз туриш-турмушларидан жуда рози: хизматкорлар ичида уларнинг яхши кўрадиганлари ҳам, ёмон кўрадиганлари ҳам бор; улар биринчилари блан қалин, кейингиларини ҳақорат қиладилар ва урадилар. Хўш, мана энди улар катта-катта ҳам бўлиб қолдилар: қани, отаси, ўғил болаларни нимаики қилсанг қилабер, қизларга сакрашни ва боғичларни тортиб бойлашни, фортепьянода бироз данг-дунг қилишни, оз-моз французча сўзлашишни ўргатишади-ю, шу блан тарбия тамом; ана шундан кейин битта дарси, битта ғами, я'ни куёвларни илинтириш қолади, холос.

Бордию, агар қаллиғимиз бой эмас-у, лекин усталик блан тежаб сарф қилиб, учини-учига тўғри келтириш натижасида ўз моддий имкониятидан сал юқо-

рироқ турадиган кишига тегса; унинг эрининг шўри курсин! У ўз қишлоғида ҳечвақт бирон-бир иш қилган эмас (чунки *баршина* қандайдир бир *чўри* эмаски, бирон-бир иш қилса), бирон-бир нарса блан машғул бўлган эмас, рўзғор ишини билмайди, уй-жойда тартиб, тозалик, озодалик нима,— бунини у ҳечқерда кўрган ҳам эмас, бу тўғрида ҳечкимдан эшитган ҳам эмас. Унинг учун эрга тегиш — бойвучча бўлиб олиш демакдир; уй хўжаси бўлиш — уйдагиларнинг ҳаммасига амру-фармон қилиш ва ўзи нимаики хоҳласа, шуни қилиш демакдир. Унинг иши — тежаш, ортдириш эмас, балки сарфлаш ва сотиб олиш, ясениш ва олиф-талиқ қилишдан иборат.

Наҳотки ҳали сиз мана шуларнинг ҳаммасини учун уни айбласангиз? Сиз ўзингиз уни шу ҳолга солиб қўйиб, яна ундан бошқача бўлишни талаб қилишга нима ҳаққингиз бор? Ҳаттоки унинг ота-онасини айб-лашга ҳам сизнинг ҳаққингиз борми? Ахир, аёл кишини фақат қаллиқ ва хотин қилиб, бошқа ҳечбир нарсага унга имкон бермаган сиз ўзингиз эмасми? Ҳечбир вақт сиз аёл кишига беминнат, тўппа-тўғри, ҳечқандай тама'сиз, фақат бу гулнинг ҳидидан, хотин кишига хос уйғунликдан, у блан ҳамдам бўлиш каби шоирона завқдан,— эркакларнинг дағал табиатига нақадар мулоим, оромбахш ва дилбарона та'сир қиладиган бу сифатларнинг ҳаммасидан баҳраманд бўлиш учунгина қараганмисиз? Ҳечбир вақт сиз хотин кишини мутлақо севмаган ҳолда унга дўст бўлишни, сизга бегона бўлган хотинни синглингиз деб билишни истаганмисиз?— Йўқ! башарти сиз хотин-қизлар суҳбатига кириб қолсангиз ҳам, бунини фақатгина мулозимат ва расму-қондан бажо келтириш учун қиласиз; хотин-қизлар блан танцага тушаркансиз, сабаб шуки, эркакларнинг бир-бирлари блан танцага тушишлари расм эмас. Бирон-бир хотинга жуда ҳам катта э'тибор қилсангиз, ҳамини бир наф'ни — ё уйланишни, ё судралишни кўзда тутасиз. Сиз хотин-қизларга нуқул наф' қарийб савдо-сотиқ кўзи блан қарайсиз: хотин кишини сиз учун — фойда келтирадиган капитал, даромад берадиган қишлоқ, ҳовли; бу бўлмаса, у сиз

учун, пазанда, кир ювучи, омборчи, энага ва ҳоказо, ваҳоказо; боринг-ки чўри...

Албатта булардан ба'зилар истиснодир; броқ жамият кўпинча унинг танида жароҳатли бир ортиқ бўладиган истиснолардан эмас, балки умумий қоидалардан иборатдир. Бу афсусланарли ҳақиқатни бизнинг «идеал қизлар» деб аталадиган қизлар ҳаммадан кўра яхшироқ тасдиқлайдилар. Одатда бу қизлар китоб ўқишни жону-дил блан яхши кўришади ҳамда кўп ва тез ўқишади. китобни ютишади, деса бўлади. Лекин улар қандай ўқийдилар ва нималарни ўқийдилар, худо ўзинг сақла!.. Идеал қизларнинг, ўқиган нарсаларимизга тушунамиз ва ўқишнинг бизларга катта фойдаси тегаяпти, деб қаттиқ ишонганликлари жуда зўр илтифотдир. Уларнинг ҳаммаси Пушкинга ибодат қилишади,— лекин бу нарса уларга жаноб Бенедиктов талантига ҳам ҳаққоний равишда қойил қолиш учун халақит бермайди; бу қизларнинг ба'зилари ҳатто Гоголни ҳам жону-дил блан ўқишади,— лекин бу нарса уларга Марлинский ва Полевой каби жанобларнинг повестьларидан мароқланишга халақит бермайди. Ҳамма янгилликлар, ҳозирги вақтда ёзилаётган ва муҳокама қилинаётган нарсаларнинг ҳаммаси бу қизларнинг ақлу-ҳушини учиради. Лекин буларнинг ҳаммасини улар ўз кўнгилларидаги фикрлар деб, ўзларининг кайфиятлари, я'ни идеаллари деб биладилар,— ҳатто идеалликдан асар бўлмаса ҳам ёки бу идеал масхара қилинганда ҳам, уни чин деб биладилар. Бу қизларнинг ҳаммасида ўзларига ма'қул бўлиб қолган кичкина ше'рларни, китобда учраган ва уларни ҳайратда қолдирган фикрларни кўчириб ёзиб қўядиган эсдалик дафтарчалари бор. Бу қизлар ойдин кечада сайр этишни, юлдузларни тамоша қилишни, ариқчаларда оқаётган сувга телмуриб ўтиришни яхши кўрадилар. Улар дўст бўлишни жуда яхши кўришади, шунинг учун ҳам уларнинг ҳарбиттаси шу қишлоқда турадиган, ба'зан эса бир ҳовлида-ю, лекин бошқа-бошқа бўлмаларда турадиган дугонасига тез-тез хат ёзиб, хат олиб туради. Бу хатларда (катта-катта дафтарлар тўла) улар бир-бирларига ўз туйғуларини,

уй ва таассуротларини изҳор этадилар. Бундан ташқари, уларнинг ҳарбирида кундалик дафтар бўлиб, бу дафтарлар бошдан оёқ (эркак ва аёл жинсидан бўлган идеал ва ошкора бўлмаган табиатларнинг ҳамма кундалик дафтарларида бўлгани каби) «қўчирма туйғулар» блан тўлдирилган, уларда қуруқ да'водан ва идеалбозликдан бошқа бирон-бир жонли, ҳақиқий нарса йўқ. Улар қора халқни ва бу дун'ени ёмон кўрадилар, материядан иборат бўлган нарсаларнинг ҳаммасига нафрат кўзи блан қарайдилар. Уларнинг бу нафрати кўпинча материядан батамом воз кечиш даражасигача бориб етади. Бунинг учун улар ўзларини очлик блан қийнайдилар, ба'зан бир ҳафталаб овқат емайдилар, бармоқларини шамга тутиб куйдирадилар, кўйлак тагидан кўкракларига қор босадилар, сирка ва сиёҳ ичадилар, ўзларини ухламасликка ўргатиб оладилар,— юксак ва идеал ҳаёт кечиришга ана шундай интилиш блан ўз асабларини шу қадар ишдан чиқарадиларки, ҳадемай фақат бир жонли ва оддий материядан иборат чипқонга айланиб қоладилар... Зиддиятлар ахири бориб бирлашадилар-да! Одамларга ва айниқса аёлларга хос ҳамма оддий туйғулар, масалан, ҳиссиётни кучайтириб юборадиган эҳтирос, оналик муҳаббати, ҳечбир гениаллик жойи йўқ оддий, ҳадеб бахтсизликка учраб юрмайдиган, азоб тортмайдиган, на касал ва на камбағал эркакка меҳр қўйиш,— мана шунга ўхшаш оддий туйғуларнинг ҳаммаси бу қизларга мурдор, паст, кулгили ва ярамас бўлиб туюлади. «Идеал қизлар»нинг муҳаббат ҳақидаги тушунчалари айниқса қизиқдир. Бу муҳаббат пирларининг ҳаммаси фақат муҳаббат тўғрисида ўйлайдилар, орзу қиладилар ва ёзадилар. Броқ улар фақат тоза, самовий, хаёлий, ҳижроний муҳаббатни тан оладилар. Улар назарида никоҳ муҳаббатнинг разилликка айланишидир; мурод ҳосил қилиш — муҳаббатнинг бузуқликка айланишидир. Уларга албатта айрилиқдаги севги керак, шунинг учун ҳам ойдин кечада ўз севгилари ҳақида: «Эҳтимол у ҳам шу топда ойга қараб мени ёд этаётгандир; демак, муҳаббат учун айрилиқ деган нарса бўлмайди!» деб хаёл суриш—улар учун фароғат-

нинг энг баланд чўққисидир. Қони музлаб қолган аянч-ли балиққа ўхшаган бу идеал қизлар ўзларини қуш деб биладилар; сун'ий равишда қўзғатилган асабийликнинг лойқа сувида юзиб юрадилар-у, туйғу ва хаёл осмонида учиб юрибмиз, деб ўйлайдилар. Бундай кишиларга оддий, ҳақиқий, дилкаш, эҳтиросли нарсаларнинг ҳаммаси ётдир; улар, биз фақат «юксак ва ажойиб нарсаларни» севамиз, деб ўйлайдилар-у, лекин ҳақиқатда фақат ўзларини севадилар, муҳаббат ва фидокорликнинг пирлари бўламиз, дейдилар-у, хом хаёл кишилардек сергап масхаравозлик блан ўз бачкана худбинликларини овитаётганликларини пайқамайдилар. Бу қизларнинг кўпчилиги эрга тегишдан ҳам ҳазар қилиб ўтиришмайди, шунинг учун имконият туғилиши бланоқ бирдан лафзларидан қайтишади ва тез орада идеал қизлардан оддий хотинларга айланиб қолишади; лекин ба'зиларида қуруқ хаёл шарпалари блан ўзларини алдаш қобилияти шу қадар кучлики, улар умр бўйи мағрур бокиралар бўлиб қолаберадилар ва шу куйи етмиш ёшгача ортиқ даражада кўнгилчан бўлиш, асабий идеалист бўлиш қобилиятини йўқотишмайди. Бу тоифа хотинларнинг энг а'лолари бориб эс-ҳушини йиғиб олишади; лекин уларнинг илгари кириб кетган хато йўллари улар ҳаётида абадий равишда бир қора дев бўлиб қолади ва яхши даволанмаган касалнинг қолдиғи каби уларнинг оромини ва бахтини заҳарлайди. Идеал қизлардан, никоҳдан қочиш уёқда турсин, балки севган кишиси блан кўшилишни бу дун'ёнинг энг яхши лаззати деб биладиганлари ҳаммадан кўра ёмон: улар ақли қисқалиқлари, ҳарқандай хулқу-одобдан маҳрумликлари ва ўй-хаёлларининг бузуқлиги натижасида ҳамхоналик қилишдек бахт-саодатни ўзларича тасаввур қиладилар,— шунинг учун ҳам ўзларининг бу бема'ни орзуларининг амалга ошуви мумкин эмаслигини кўргач, қайт бўлганликларининг аламини эрларидан оладилар.

Идеал қизлар ҳаммаси ҳам кўпинча ўз ҳолича ўсиб-унган қизлардан бўлади. Бинобарин, улардан жонли одамлар эмас, балки ма'навий жиҳатдан мажруҳ кишилар чиққанда, уларни қандай қилиб айблаб

бўлади? Бундай қизларни қуршаб олган ҳақиқий муҳит аслини олганда жуда разил, шунинг учун ҳам улар беихтиёр равишда, ана шу муҳитга ўхшамайди-ган, бу муҳитга мутлақо қарама-қарши бўлган нарсасигина яхши, деган фикрга қаттиқ шўнғиб кетадилар. Ҳолбуки ҳақиқий ҳаёт заминида, жамият доирасида бўлмасдан, ўз-ўзича алоҳида равишда бўладиган ўсиш ҳамавақт кишини руҳан майиб қилади. Шундай қилиб улар икки хато йўлга дуч келиб қоладилар: ё кўп қатори, бошқаларга ўхшаб, разил бўлмоқ керак ёки ўзгача, мисли йўқ разил бўлмоқ керак. Улар кейинги йўлни танлаб оладилар, лекин ердан осмонга парвоз қилдим, деб ўйлайдилар, ҳолбуки, аслини олганда, улар ижобий разиллик устидан хаёлий разилликка сакраб ўтганлар, холос. Ҳаммадан ачинарлиги шуки, бундай бахтсиз одамлар орасида шундай кишилар борки, улар бирмунча инсонларча ҳаёт кечириш қобилиятига ҳам эга, қисматлари яхши бўлишга ҳам лойиқ.

Броқ ма'навий жиҳатдан майиб бўлган бу одамлар орасида аҳ'ён-аҳ'ёнда чиндан ҳам фавқул'одда шахслар учраб қоладики, улар бундай фавқул'оддалиқнинг азобини тартадилар ва ўз устунликлари туфайли қурбон бўлиб кетадилар. Ўз гениаллигини пайқамайдиган гениал кишилар онгсиз жамият томонидан, ўз гуноҳларини ювучи қурбонлар сифатида, шафқатсиз равишда ўлдириладилар. . . Пушкиннинг Татьянаси ана шундай кишилардандир. Сиз Ларинларнинг ҳурматли оиласи блан қисқача танишсиз. Оталари — унчалик аҳмоқ ҳам эмас, лекин жуда ақлли деб ҳам бўлмайди: одам дейиш ҳам қийин, лекин ваҳший ҳам эмас, айни бир вақтда табиатнинг икки оламига ҳам — ўсимлик оламига ҳам, ҳайвонот оламига ҳам мансуб қандайдир бир махлуққа ўхшайди.

У эди соддадил, мулойим барин,  
Жасади кўмилган жойга ташла кўз,  
Қабр тоши узра ёзилган шу сўз:  
*Ожиз бир гуноҳкор, Дмитрий Ларин,  
Оллоҳнинг бандаси ва бригадир,  
Шул тошнинг тагида ором оладир.*

Тош тагида татилиб ётган бу дун'ё *хушфе'л барин* ҳаёт вақтида татарча чопон кийиб олиб ҳаётнинг роҳатини кўриб юрган ўша дун'ёнинг давоми эди. Дун'ёда шундай одамлар борки, уларнинг ҳаётини ва бахт-саодатини ўлим ҳечбир ўзгартираолмайди. Татьянанинг отаси ана шундай бахтли одамлар жумласидан эди. Онаси эса ўз эрига нисбатан, ҳаётнинг юқори поғонасида турар эди. Эрга теккунча унинг жону-дили Ричардсон эди, унинг асарларини ўқигани учун эмас, москвали жияни Грандисон ҳақида кўп гапириб берганлиги учун яхши кўрар эди. Ларинга унатилган бўлса ҳам, фикри-ёди бошқада эди. Лекин ундан маслаҳат сўраб ўтирмасдан, бошига никоҳ тожи кийгизгани олиб кетдилар. Биринчи вақтларда у эрининг қишлоғида азоби изтироб чекди, кейинчалик эса ўз ҳолига тан бериб кўникиб қолди ва ҳаттоки, ҳоким бўлиб, эрни ўз чизигига солиб олишнинг сирини билиб олгандан кейин эса айниқса, бу ҳолдан хурсанд бўлди.

Иш-кучга қатнашиб турар эди у,  
Қиш учун у тузлар эди кўзиқорин,  
Рўзғор қўлда, қирқар малайлар сочин.  
Одатди ҳар шанба ҳаммомга тушув,  
Урар чўриларни ғазаби қайноқ,  
Барчасин қиларди эрдан бесўроқ.

Бир вақтлар ўз қони блан ёзарди :  
У нозик қизларнинг альбомларига,  
Прасковья-Полина деб чақирарди,  
Сўзларди қўшиқдай у чўзибгина,  
Корсетни жудаям тор кияр эди,  
Рус сўзларин французча сингари  
Айтабилар эди думоғи блан.  
Броқ ўзгарди у тезда тамоман  
Корсетни, альбомни ва князь хоним  
Полинани, ҳиссий ше'р дафтарини  
Унутди, аввалги *Селинасини*  
Энди *Акулька* деб атайди доим.  
Пахталик гуппини ва қалпоқчани  
Биринчи даф'а у кийиб олади.

Хуллас, Ларинлар бу дун'ёда яшаётган миллионларча кишилар сингари, ажойиб умр ўтказмоқда эдилар. Уларнинг бир мақомдаги оилавий ҳаётлари меҳмонлар келганда сал ўзгарар эди:

Ба'зан йиғилишар кечкурунлари  
Қўни-қўшнилардан дилкаш оила,  
Такаллуф билмаган бир тўда жўра,  
Дардлашар, бир қадар ғийбат қилишар.  
Ундан-бундан кулиб қизар ҳангама,

.....  
Уларнинг гаплари ақлга монанд,  
Итхонаси блан, уруғ-аҳрабо,  
Пичан ўриш блан ҳар турли вино  
Ҳақида сўзлашар. Бунда йўқ туйғу,  
Ва на ёлқинлар ше'рий бир оташ,  
На зарофат, на-да чуқур бир қараш,  
На авом сан'ати учун мисол у.  
Суюкли хотинлар гапида аммо,  
Яна ҳам оз эди ақл ва ма'но.<sup>10</sup>

Татьяна туғилган ва ўсиб-унган одамлар доираси мана шундан иборат. Дуруст, бунда бу доирадан кескин фарқ қилучи икки киши — Татьянанинг синглиси Ольга блан, Ольганинг куёви Ленский бор эди. Лекин Татьянанинг қандай сиймо эканлигини тушуниш буларнинг ҳам қўлидан келмас эди. Татьяна уларни, нима учунлигини ўзи ҳам билмагани ҳолда, шундай, бир жиҳатдан одатига кўра, иккинчи жиҳатдан, улар ҳали бегуноҳ бўлганлари учун севар эди; лекин юридаги дардини уларга очиқ сўзламас эди; қандайдир нома'лум, ихтиёр ва иродага боғлиқ бўлмаган бир туйғу унга, улар — бутунлай бошқача олам кишилари, улар сенинг қандай одам эканлигингни тушунмайдилар, дегандай бўлар эди. Ҳақиқатан ҳам шоиртабиат Ленский Татьяна қандай вужуд эканлигини ҳечбир тушунган эмас эди: бундай аёл унинг хушчақчақ табиатига мос эмас, шунинг учун ҳам унга шоирона эмас, балки таажжуб ва совуқ сиймо бўлиб кўриниши мумкин эди. Татьянанинг қандай



вужуд эканлигини тушунишга Ольга Ленскийча ҳам қобил эмас эди. Ольга — содда, очиқ кўнгилли бир киши бўлиб, ҳечбир вақт бирон нарсани муҳокама қилиб кўрган эмас, ҳечбир нарсани сўраб-суриштирган эмас, унга ҳамма нарса одатга кўра равшан ва тушунарли, унинг учун ҳамма нарса одатга боғлиқ. Ленский ўлганда Ольга кўп йиғлади, лекин кўп ўтмай тасалли топди, уланга тегиб, жилвадор ва ёқимли қизчадан оддий бойвуччага айланиб, замона талаб қилган айрим ўзгаришларни айтмаганда, она-сининг худди ўзига ўхшаган бир нусха бўлиб қолди. Татьянанинг характери белгилаш эса енгил иш эмас. Татьянанинг табиати жуда мураккаб эмас, лекин чуқур ва кучли табиат. Татьянада ортиқ даражада мураккаб табиатларнинг касали бўлган бундай ноҳўя қарама-қаршиликлар йўқ; Татьяна худди ҳечқандай улоқсиз ва қўшимчасиз яхлит бир нарсдан қилингандай. Унинг бутун ҳаёти шундай бир яхлитликдан, бирликдан иборатки, бу яхлитлик ва бирлик сан'ат оламида бадиий ижоднинг энг юксак фазилатидир. Оташин севги ўти блан чулганган, кейинчалик юқори доирага мансуб хоним бўлган оддий қишлоқи қиз, — Татьяна ўз ҳаётининг ҳамма ҳолатларида доим бир зайл; унинг шоир томонидан болалик чоғида усталик блан чизилган тасвири, кейинчалик фақат янада яшнаб гуллайди-ю, лекин ўзгармайди.

У камсўз, ёввойи, юзлари дардли,  
Ҳуркакди ўрмоннинг кийиги каби.  
Ўзининг туғишган оиласида  
Кўринар ёт қизча каби Татьяна..  
Билмасди у сра эркаланишни  
На отасига-ю, на онасига;  
Болалар ичида истамас сра  
Ўйинни, сакрашни, ҳарён чопишни;  
Кўпинча дераза ёнида ёлғиз,  
Бутун кун жимгина ўтирарди қиз.

Хаёл суриш бешикда ётган вақтларидан бошлаб унинг одати бўлиб, унинг бир мақомдаги ҳаётини

безаган; Татьянанинг қўллари игна тутган эмас, ҳат-токи у болалик чоғида ҳам қўғирчоқни ёмон кўрган, болаларга ўхшаб шўхлик қилиш нималигини билган эмас; ўйноқи болаларнинг шовқин-сурони ҳам, жарангли кулгиси ҳам унга зерикарли бўлиб туюлган; ҳаммадан кўра кўпроқ у қиш кечалари даҳшатли ҳикоялар эшитишни яхши кўрган. Шунинг учун ҳам у тез орада романга қаттиқ берилиб кетган ва унинг бутун вақти роман ўқиш блан банд бўлган.

Рангсиз самоларда юлдузлар тўпи  
Аста-аста сўниб йўқолар экан,  
Балконда ўтириб, жимгина ўзи  
Шафақ тамошасин севарди қалбан;  
Ернинг бир чеккаси секин нурланар,  
Тонгнинг хабарчиси — шамоллар эсар.  
Сўнгра астагина кўтарилар кун.  
Қиш чоғи, кечанинг зулмати бутун  
Жаҳоннинг нисфини узоқ босганда,  
Туманли пардада ой қилса юриш,  
Бўш, мудроқ сукунат ичида хомуш  
Эринчоқ шарқ узоқ ором олганда,  
Мўлжалли соатда уйғонар эди,  
Шам ёқиб, бир ўзи ўтирар эди.

Шундай қилиб, Татьяна ёз кечаларини хаёл суришга, қиш кечаларини — роман ўқишга бағишлаган, — яна бундай ҳодиса бу маҳалда қаттиқ хуррак отиб ухлаш каби кўп оқилона одати бор муҳитда бўлган! Татьяна блан уни ўраб олган муҳит ўртасида қандай қарама-қаршилиқ бу! Татьяна — тоғ чўққисининг оралигидан тасодифан ўсиб чиққан ажойиб бир гули ноёбдир.

Бир гулки, билинмас қалин майсада  
Асаларига-да, капалакка-да.

Пушкиннинг Ольга ҳақида айтган бу икки байти кўпроқ Татьянага мос келади. Бу гулдан қандай капалаклар, қандай боларилар хабардор бўлаолар ва унга мафтун бўлаолар эди? Наҳотки бунга Пих-

тин,<sup>11</sup> Буянов, Петушков ва шу каби жанобларга ўхшаган ола пашшалар, сўналар ва қўнғизлар қодир бўлсалар? Ҳа, Татьянадай хотин ахлоқ оламининг икки қарама-қарши поғоналарида туручи кишиларни, ёки унинг блан бир даражада туручи ва дун'ёда кам топилучи кишиларнигина, ёки дун'ёда тўлиб-тошиб ётган жуда разил кишиларнигина мафтун қилиши мумкин. Кейингиларга Татьянанинг юзи, қишлоқ кишиларига хос тозалиги ва соғлиги, ҳаттоки бегона-табиатлиги ёқиб қолиши мумкин, бундай кишилар уни жуда мўмин-қобил ва бўлажак эрига итоатли ва тилсиз чўри бўлади деб, я'ни уларнинг ҳайвоний нафслари учун қимматли бўлган сифатларга эга бўлган бир нарса деб биладилар, сепли бўлиш, уруғ-аймоқ ортдириш ва ҳоказоларни айтмаса ҳам бўлади. Бу икки тоифа ўртасида туручи одамлар эса Татьянанинг қадрига унчалик етмаган бўлардилар. Шунини айтмоқ керакки, инсониятнинг энг юксак даражагача кўтарилган кишилари блан қора халқ ўртасида жойлашган бу ўртамиёна кишилар, *гениалликни аламон блан боғлайдиган бу талантларнинг ҳаммаси, кўп ҳолларда,— биз юқорида айтиб ўтганимиз идеал қизлар сингари, «Идеал» кишилардирлар. Бу идеалистлар ўзларини, эҳтирослар, ҳиссиётлар, юксак интилишлар блан тўлиб-тошган кишилар, деб ўйлайдилар, аслида эса ҳамма гап шундаки, уларда бошқа қобилиятларининг ҳаммаси ҳисобига, айниқса ақлу ҳидрок ҳисобига хомхаёллик кўпроқ тараққий қилган. Бундай кишиларда туйғу бор, лекин кўнгилчанлик кўпроқдир, ўз ҳисларини кузатиб боришни яхши кўручилар ва бунга қобилиятли кишилар эса янада кўпроқдир. Буларда ақл ҳам бор, лекин у ўз ақллари эмас, балки китоб ўқиш йўли блан ортдирилган ақл, шунинг учун улар чиройли сўзларни кўп гапирардилар-у, лекин ҳечвақт ишчанлик кўрсатаолмайдилар. Улардаги энг ёмон одат, уларнинг заиф жойи, ахиллес товони шуки,— уларда эҳтирос йўқ, фақат худбинлик бор, холос, у ҳам бўлса жуда майда худбинлик бўлиб, ҳеч иш қилмасдан ва беҳудага ўз ички фазилатларининг тамошасига ғарқ бўлиб кетганликларидир. Булар ёқимли киши-*

лар, лекин қанчалик қизғин бўлмасалар, шунчалик совуқ ҳам эмаслар, улар ҳақиқатан ҳар бир лаҳзада ҳарнарсдан ва бўлмаган нарсдан ўт олиб кетишга қодир. Шунинг учун ҳам улар ҳадеб ўзларининг жўшқин туйғулари ҳақида, жонларини куйдираётган ўт ҳақида, юракларини ғорат қилаётган эҳтирослар ҳақида гапираберадилар-у, лекин буларнинг ҳаммаси денгиздаги эмас, балки атиги бир стакан сувда кўтарилган бўрон эканлигидан беҳабарлар. Чинакам туйғунинг қадрига етиш, чинакам эҳтирос нималигини билиш ва туйғуси чуқур, эҳтироси қалбаки бўлмаган кишини танийбилишга келганда, булардан кўра лаёқатсиз кишиларни топиш мумкин эмас. Бундай одамлар Татьянанинг қандай зот эканлигини тушунмаган бўлар эдилар: бундай кишилар бир оғиздан, Татьяна гарчи разил бир аҳмоқ бўлмаса ҳам, лекин жуда таажжуб зот, ҳарҳолда муздек совуқ, туйғусиз, эҳтирос қўйишга эса лаёқатли эмас, деган қарорга келган бўлар эдилар. Бўлмаса-чи? Татьяна камсухан бўлса, ёввойи бўлса, ҳечнарсанга қизиқмаса, ҳечнарсдан хурсанд бўлмаса, ҳечнарсдан мамнун бўлмаса, ҳамма нарсанга бепарво қараса, ҳечбир кимсага эркаланмаса, ҳечким блан дўст бўлмаса, ҳечкимни севмаса, бирон кишига кўнглини очиб беришга мойил бўлмаса, энг муҳими эса — умуман туйғу ва айниқса ўз туйғуси ҳақида ҳечбир оғиз очмаса... Агар сиз бутун фикру хаёлингизни бир ерга тўплаб олган бўлсангиз-у, юзингизга қараб туриб, ичингизни еб кетаётган ўтни кўриш мумкин бўлмаса,— ажойиб майда ҳиссиётларга бой майда одамлар шу зоҳоти сизни совуқ, худбин киши деб ҳисоблайдилар; айниқса, борди-ю, сиз ўз туйғуларингизни талтайтиришни ҳам, улар блан мақтанишни ҳам ёмон кўриб, фақат ниқоблашдек айби йўқ бир тилак блан бўлса ҳам, масхара қилишга одатланган бўлсангиз,— бу одамлар сизни, ақли бор-у, лекин бағри тош, деб биладилар...

Такрор айтамикки, Татьяна — фавқул'одда зот, чуқур, муҳаббати зўр, эҳтироси кучли зот. Ишқунинг учун ҳаётнинг ё энг зўр роҳат-фароғати ёки энг зўр офати бўлиб, бошқа ҳечқандай ўртача йўл бўлмас

эди. Иккала томон муродга етганда бундай хотиннинг ишқи — текис ёнадиган шу'ладор бир аланга; акс ҳолда бу ишқ жуда кучли алангадир, эҳтимол, ироданинг кучи уни сиртга чиқартирмас ҳам, лекин бу аланга дилга қанчалик чуқурроқ жо бўлган бўлса, шунчалик вайрон қиладиган ва ўртаб кетадиган бўлади. Ишқ муродига етган Татьяна ўз эрини вазминлик блан, лекин кучли эҳтирос блан ва қаттиқ яхши кўрган бўлар эди, ўзини болаларига фидо қилган бўлар эди, ўз оналик бурчига борлиғи блан берилиб кетган бўлар эди, лекин, барибир, буларнинг ҳаммасини ақл кўзи блан қараб эмас, балки яна ўша эҳтирос кучи блан қилган бўларди ва бундай фидокорликдан, ўз бурчини ўрнига қўйиб бажаришдан кўп роҳат, жуда катта фароғат кўрган бўлар эди. Шунда ҳам у бу фидокорликни ва бурчни ма'ноли ва кучли вужудлар сингари қуруқ гап сотмасдан, муҳокама қилиб ўтирмасдан, вазминлик блан, юзаки қараганда бепарво, ичида эса эҳтирос блан ўринлатган бўлар эди. Татьяна ана шундай бир кишидир. Лекин бу унинг шахсининг асосий, айтайлик, умумий хусусиятларидир: энди бу шахсининг қандай шаклга кирганини кўрайлик, унинг характерининг таркиби бўлган хусусиятларга назар ташлайлик.

Одамни табиат яратади, лекин уни ўстирвчи ва салоҳиятли қилучи муҳит — жамиятдир. Жамият та'сиридан одамни ҳаётнинг ҳечқандай ҳодисалари қутқазолмайди ҳам, ҳимоя ҳам қилолмайди, одам ундан ҳечқаерга қочиб ҳам қутулаолмайди. Мустақил равишда, жамиятнинг та'сирисиз ўсиб етишишга ҳаракат қилишнинг ўзи одамнинг табиатини алланечук қилиб қўяди, уни қандайдир бир ҳолга солиб қўядики, бунда ҳам яна шу жамиятнинг та'сири кўриниб туради. Ана шунинг учун ҳам бизда истеодли ва яхши туғма қобилиятлари бор кишилар кўпинча жуда бадҳазм кишилар бўладилар, шунинг учун ҳам бизда гениалликкина одамни разилликдан сақлаб қолади. Бизда чинакам ҳислар, эҳтирос ва интилишлар кам-у, *китобий, ўқишдан ҳосил бўлган* ҳис ва эҳтиросларнинг кўплигига; хуллас ҳисларда,

эҳтирос ва интижишларда ҳақиқат ва ҳаёт кам бўлиб, қуруқ гапнинг кўплигига ҳам сабаб шу. Ҳамма ерда расм бўлиб қолаётган китобхонлик бизга жуда катта фойда келтиради: шу нарса бизни халос қилиши ва келажагимизнинг тақдирини ҳал қилиши мумкин; лекин, иккинчи томондан, унинг ҳозирги вақтда фойдаси ҳам кўп бўлганидек, зарари ҳам кўпдир. Буни тушунтириб ўтайлик. Бизнинг ўқимишли табақалардан иборат жамиятимиз реформанинг самарасидир. Жамият ўзининг қачон туғилганини билади, чунки у ҳозир ҳақиқатан мавжуд бўлса, илгари номигагина мавжуд эди; чунки, ниҳоят, бу жамият узоқ вақтлар руҳан эмас, либос бичимидан, илму-ма'рифатдан эмас, имтиёзлардан иборат эди. Бу жамият ҳам худди бизнинг адабиётимизга ўхшаб четэлларга хос формаларни, унинг ўзидан ҳам, ўзимиздан ҳам мазмун бермасдан, шундайича кечирришдан бошланди, чунки биз ўз мазмунимиздан воз кечдик, ўзганикени эса қабул қилиш уёқда турсин, уни ҳаттоки тушунишга ҳам қодир эмас эдик. Французларнинг трагедияларини кўриб, бизлар ҳам трагедиялар ёзишга киришиб кетдик, жаноб Сумароков бўлса бир ўзи ҳам Корнель, ҳам Расин, ҳам Вольтер бўлиб олди. Французларнинг машҳур масалнависи Лафонтенга тақлид қилиб, яна ўша жаноб Сумароков, унинг замондошларининг сўзига қараганда, ўз мақолалари блан Лафонтендан жуда ҳам ўтиб кетган. Кўп ўтмай худди ана шу тахлитда биз ўзимизнинг хонаки Пиндарларимизга, Горацияларимизга, Анакреонларимизга, Гомерларимизга, Виргилийларимизга ва ҳоказоларимизга эга бўлиб олдик. Четэл асарларининг ҳаммаси муҳаббат туйғулари блан, ишқий саргузаштлар блан тўла бўлганидан биз ҳам ўз асарларимизни шу блан тўлдирабошладик. Броқ уерда китоб поэзияси ҳаёт поэзиясининг акси эди, ше'рдаги севги жамиятнинг ҳаёти ва поэзиясидан иборат бўлган севгининг ифодаси эди: бизда эса севги фақат китобга кириб олганича қолаберган. Бу ҳол озми-кўпми ҳозир ҳам давом этмоқда. Бизлар кучли эҳтирос блан ёзилган ше'рларни, романларни, повестьларни ва ҳоказоларни

Ўқишни яхши кўрамиз, ҳозир эса бундай нарсаларни ўқиш, ҳаттоки қизларга ҳам уят ҳисобланмайди. Ба'зи қизларимизнинг ўзлари ҳам кичкина ва ба'зан дурустгина ше'рлар ёзадилар. Шундай қилиб, бизда севги ҳақида гапиришни, бу ҳақда ўқиш ва ёзишни яхши кўручилар кўп; лекин севишга келганда... Бу бутунлай бошқа нарса! Албатта, ота-она розилиги блан бўлса, эҳтирос қонуний никоҳ блан мустаҳкамланса, нега ҳам севмасин киши! Кўплар буни ортиқча деб билмайдиларгина эмас, балки ҳатто зарур деб биладилар ва уйланаётганда сепни ўйласалар ҳам нуқул севгидан гапирадилар... Брок, кечирасиз қандай қилиб кўнгил севгига ташна бўлгани учунгина севмоқ, уйланиш умиди йўқлигини билатуриб севмоқ, кучли эҳтироснинг ўртаб кетаётган ўтига батамом қурбон бўлмоқ мумкин! ахир, бу — «тарихга» кириб қолмоқ, шарманда бўлмоқ, кўп оғзида афсона бўлмоқ, ҳамманинг ҳақорат кўзи блан қарашига, маломатига, нафратига дуч бўлмоқ демак-ку; бундан ташқари, одоб доираси, ахлоқ қоидалари, ижтимоий ахлоқ... деган нарсалар бор. А! сизлар, кишилар, ана шунақангисизлар, қанчалик эҳтиёткор ва ақл кўзи блан қараб иш кўручи пишиқ одамлар бўлсаларингиз, ахлоқларингиз ҳам шунчаликдир! Бу — яхши; брок нега сизлар ше'рлар ва романларга ўч бўлиб, патетик драмаларга эҳтирос қўйиб ўзингизга-ўзингиз қарама-қаршилиқ қиласиз! Ахир у — поэзия бўлса бу — турмуш-ку: буларни бир-бири блан аралаштиришнинг нима кераги бор, ҳарқайсиси ўз йўли блан кетаберсинда: турмуш лоқайд бўлганича ғафлатда ётаберсин, поэзия эса бу турмушни қизиқ тушлар блан та'минласин.— Мана бу бошқа гап!..

Брок шуниси ёмонки, бу бошқа гапдан муқаррар жуда бема'ни учинчи гап келиб чиқади. Турмуш блан поэзия ўртасида табиий, жонли боғланиш бўлмаса, уларнинг бир-бирига зид равишда алоҳида-алоҳида яшашидан қалбаки поэтик ва ўтакетган даражада нобоп ва бузуқ воқе'лик пайдо бўлади. Жамиятнинг бир қисми жону-дили блан лоқайдликка берилиб кетиб дағал материал тирикчиликнинг ифлос бағрида ухлаб

ётган бўлса, сон жиҳатдан ҳозирча кам бўлса ҳам, лекин ҳарҳолда анчагинани ташкил этган иккинчи қисми кучи борица поэтик ҳаёт кечиришга, поэзия блан турмушни боғлашга ҳаракат қилмоқда. Улар бу ишни жуда жўн ва жуда анойилик блан қиладилар. Улар жамиятда ҳечқандай поэзияни учратмагач, уни китоблардан оладилар ва ўз турмушларини ўшанга қараб мослаб оладилар. Поэзия, севги ҳаётнинг жону дилидир, дейди: демак — севмоқ керак! Бу — тўғри хулоса, бу хулоса юракка ҳам, ақлга ҳам хуш ёқади! Ана шунинг учун бизнинг идеал йигитимиз ёки идеал қизимиз, кимни севсам экан, деб қидиришга тушиб қолади. Уйлаб қараганда, қандай кўзларда поэзия кўпроқ бўлади, — кўк кўзларда ёки қора кўзлардами, ниҳоят, севгили ҳам топилди. Шундан кейин комедия бошланиб кетдимиз — эрмакдан кўраберасиз! Бу комедияда ҳамма нарса бор: оҳу-воҳ ҳам, кўзёшлари ҳам, орзу-умидлар ҳам, ойдин сайри ҳам, умидсизлик ҳам, рашк ҳам, лаззат ҳам, изҳори муҳаббат ҳам, — буларнинг ҳаммаси бор-у, лекин чинакам ҳиссиёт йўқ... Бас, бу масхаравозликдан иборат комедиянинг охири пардаси ҳамиша қайд бўлиш блан, яна нимадан? — ўз ҳисларингдан, севиш қобилиятингдан — қайд бўлиш блан тамом бўлар экан, бунинг нимаси таажжуб бўлсин?.. Ҳолбуки, китобга мувофиқлаштириб иш кўришдек бундай ҳол жуда табиий: мулойим, олийжаноб ва ақлли бўлган манчли помешчикни дон-Кихот деган паҳлавон бўлиб олишга, қоғоздан сипар ясаб олиб, ориқ Россинантга миниб олиб, гўзал Дульцинеяни излаб оламни кезишга ва йўл-йўлакай қўйларга ва шамол тегирмонларига қарши уруш қилишга мажбур қилган нарса китоб эмасми, ахир? Йигирманчи йиллардан бошлаб ҳозирги дамгача ўтган авлодлар орасида бизда ҳархил дон-Кихотлар каммиди? Бизда ишқ, фан, адабиёт, э'тиқод, славянпарастилик ва яна бошқа жуда кўп соҳаларнинг ҳаммасини санаб тамом қилиб бўлмайди — дон-Кихотлари бор эди, ҳозир ҳам бор! Юқорида биз идеал қизлар ҳақида гапирдик; идеал йигитлар ҳақида эса ундан ҳам кўп нарсаларни айтиш мумкин! Броқ бу



мавзу' шу қадар бой ва бепоёнки, Пушкиннинг Татьяна-наси кўздан ғойиб бўлиб қолмасин учун, бу мавзу'га тегмаган яхши.

Татьяна биз юқорида айтган идеал қизлар қисма-тига шерик бўлишдек ачинарли ҳолга тушиб қолиш-дан қочиб қутулаолмади. Тўғри, биз, Татьяна бундай ҳодисалар ичида жуда катта истисно, деб айтдик,— ҳозир ҳам бу гапимиздан қайтмаймиз. Татьяна киши-нинг кулгисини эмас, балки раҳмини келтиради,— лекин «идеал қизлар»га мутлақо ўшшамаганлигидан эмас, бунга сабаб шуки, унинг ма'ноли ва эҳтиросли табиати бу хилдаги идеалликда бўлган кулгили ва разолатдан иборат нарсаларнинг ҳаммасини босиб кетган, шунинг учун ҳам Татьяна атрофдаги воқе'лик та'сири блан ортдирган сун'ий ва хунук форманинг ўзида ҳам табиийлигича ва оддийлигича қолаберган. Бир жиҳатдан —

Бурунги авомий афсоналарга,  
Тушларга, ҳам карта блан фол очиш,  
Ойнинг та'бирига, нишонларга  
Татьяна сезарди чуқур ишбониш.  
Ҳаяжонга солар эди рамазлар,  
Ҳартурли нарсалар бу қизга сирлар  
Аралаш бирнима баён қиларди.  
Алланечук ҳислар қалбин сиқарди.

### Иккинчи томондан, Татьяна

Кўзларида ғамли фикрлар ниқоб.  
Қўлларида тутмиш фарангча китоб

блан далаларда кезиб юришни яхши кўрар эди. Қўпол, дағал хурофотлар, французча китобларга меҳр қўйиш ва *Мартин Задек*нинг ма'носи чуқур ижодига ҳурмат кўзи блан қараш каби майллар фақат рус аёлида ана шундай ажойиб равишда боғланиб кетиши мумкин. Татьянанинг дарди муҳаббатга ташналикдан иборат эди; унинг юрагига бошқа ҳечнима сиғаётгани йўқ эди; унинг ақли маст уйқуда эди, унинг ақлини

кейинчалик ҳаётнинг оғир кулфати уйғотмаса,— ўшанда ҳам эҳтиросни босиб, уни оқилона ахлоққа итоат этдириш учун... — бошқа нарса уйғотаолмаган бўлар эди. Татьянанинг қизлик маҳалларида кечирган кунлари ҳечбир юмуш блан банд бўлган эмас эди; Татьяна навбати блан меҳнат қилиш ва дам олишни, ўқимишли кишиларга ўхшаб ўз ма'навий кучларини бир вазнда тутиш учун зарур бўлган мунтазам машғулот ва хурсандчиликни билмаган. Татьяна ўз майли блан ўсган ёввойи бир ўсимлик сингари ўзича алоҳида бир ҳаёт яратганки, бу ҳаётнинг ёлғизлигида уни куйдираётган юрак ўти борган сари кучлироқ аланга олиб кетмоқда эди, унинг ақли ҳечбирнарса блан банд бўлган эмас эди.

Унинг хаёллари кўп чоқдан буён,  
Қайғу, ишқ ичида секин ёнарди.  
Хатарли видони хаёл қумсарди.  
Қалбий бир узилиш, толиш кўп замон  
Унинг ёш кўкрагин эзар, сиқарди,  
Ким бўлса бирига... қалб интизорди:  
Кутгани келмишди, очилди кўзлар;  
Татьяна айтади: *бу ўша одам!*  
Ҳайҳот! Энди бутун тунлар, кундузлар,  
Қизгин, танҳо уйқу, ҳарбир нарса ҳам  
У блан тўлгандир, бу қизга тагин  
Ҳарнима сиҳрли куч-ла тинмайин,  
Уни ёдлатарди . . . . .

Бу қиз энди қандай зўр диққат блан  
Ўқийди лаззатли бирон романни!  
Қандай сиҳрланиш блан, юракдан  
Берилиб ичади гўзал ёлғонни!  
Хаёлнинг бахтиёр қуввати ила  
Жонлантирилган у шахслар: Юлия —  
Валмарнинг гўзал хуштори дилбар,  
Яна Малек-Адель блан де-Линар,  
Ҳам Вергер — ис'ёнкор, азоб боласи,  
Исми уйқумизни келтирар одам,

Я'ни у мислсиз Грандисон ҳам  
Хаёлпараст қиз-чун булар ҳаммаси  
Якка бир суратни акс этар ҳамон,  
Бари Онегинни эслатар ҳар он.  
Татьяна севгили ижодчиларин,  
Қлариса, Юлия, Дельфина каби  
Қаҳрамонни хаёл қилароқ ўзин,  
Ўрмонларнинг жимжит қўйнида дайди  
Кезади хавfli бир китоб-ла танҳо  
Китобдан қидирар ва топар ҳатто  
Ўз сирли оташин, ўз хаёлларин,  
Юракни тўлдирган орзу-ҳавасин.  
*Қаҳрамонлар янглиғ хўрсинар яна,  
Уларнинг қайғуси юрагига ёр,*  
Қиз шивиллаб ўқиб қилади такрор  
Суйган қаҳрамони учун бир нома...

Буерда эҳтиросни китоб туғдиргани йўқ, лекин, шунга қарамай бунда эҳтирос ҳарҳолда бироз китобий бўлиб кўринмай иложи йўқ эди. Онегинни Вольмар деб, Малек-Адель деб, де-Линар ва Вертер деб (Малек-Адель ва Вертер: бу — барибир, Лазаревичнинг Ерус-лани ва Байроннинг қароқчисидай эмасми) тасаввур қилишнинг сабаби нима эди? Сабаби шуки, Татьяна учун у тушунаоладиган ва кўраоладиган чинакам Онегин йўқ эди; демак, у Онегинга турмушдан эмас, балки китобдан олинган қандайдир бир ма'но бериши керак эди, негаки, Татьянанинг ўзи ҳам турмуш нималигини на тушунар ва на билар эди. Татьянанинг ўзини Қлариса, Юлия, Дельфина деб тасаввур қилишга сабаб нима эди? Сабаб шуки, у Онегиннинг кимлигини қанчалик кам билса, ўзининг ҳам кимлигини шунчалик кам билар эди. Такрор айтамыз: эҳтироси кучли, туйғу-ҳислари чуқур ва шу блан бир вақтда ўсмай қолган, ўз интел-лектуал ҳаётининг қоронғи бўшлигида қаттиқ қама-либ қолган бир вужуд Татьяна, бизнингча, шахс сифа-тида, бутун ички мазмун ташқи гўзаллигида жуда равшан ва яққол намоён бўлган нафис грек ҳайкалига эмас, балки Мисрнинг қотиб қолган, оғир ва тутқин ҳайкалига ўхшайди. Китоб бўлмаганда эди Татьяна

бутунлай тунг бир шахлуқ бўлиб қолган бўлар эди, унинг қуяётган ва қуриётган тили эса биронта ҳам жонли ва эҳтиросли сўз айтаолмас эдики, у ичига сифмай кетаётган ҳисларни сўзлаб юрагини бўшатса. Гарчи унинг Онегинга нисбатан бўлган эҳтиросининг манбаи тўғридан-тўғри унинг жўшқин табиати, хайрихоҳ топишга ташналигининг ҳаддан ошиб кетганлиги бўлса ҳам,— ҳарҳолда бу эҳтирос бирмунча идеал равишда бошланиб кетган эди. Татьяна Ленскийни севаолмас эди, кўрган-билган эркакларидан биронтасини-кў айниқса: Татьяна бу эркакларни шу қадар яхши билар эдики, улар Татьянанинг ҳаяжонга келган аскетик тасавури учун арзимаган озиқ эдилар... Бирдан Онегин пайдо бўлиб қолади. Унинг турган-битгани сирдан иборат: унинг оқсуяклиги, киборлиги, бу беташвиш ва разил одамлар ичида унинг ҳеч сўзсиз юқори туриши, уларга нисбатан чақнаган бир юлдуз эканлиги, унинг ҳамма нарсага бепарво қараши, ғалати ҳаёт кечириши — буларнинг ҳаммаси шундай сирли овозаларга сабаб бўлдики, бу овозалар Татьянанинг фантазиясига та'сир қилмасдан қолмас эди, уни Онегин блан бўладиган биринчи учрашувнинг кескин таассуротига мойил қилмаслиги. тайёрламаслиги мумкин эмас эди. Ҳақиқатан ҳам у Онегин блан учрашди, Онегин унинг кўз олдида ёш, барно, чаққон, ажойиб, бепарво, зерикучи, сирли, тушуниб бўлмайдиган, Татьянанинг камолга етмаган ақли ҳазм қилаолмайдиган бутун бир сирдан, унинг ёввойи фантазияси учун бутун бир ҳавасдан иборат йигит бўлиб намоён бўлди. Шундай вужудлар борки, уларнинг фантазияси юрагига одамлар ўйлагандан кўра кучлироқ та'сир қилади. Татьяна шулар жумласидан эди. Шундай хотинлар борки, уларга мамнун ва эҳтиросли бўлиб кўринсангиз бас, улар сизга шайдо; броқ шундай хотинлар ҳам борки, эркак киши уларнинг э'тиборини ҳаётдан кўп нарсалар талаб қилиш аломатлари ёки ташвиш-таҳликалар блан кечирилган ва мазмунга тўла ҳаёт натижаси бўлган бепарволик блан, совуқ муомала блан ва скептиклик блангина ўзига қаратиши мумкин: бояқиш Татьяна ана шундай хотинлар хилидан эди...

Бетинчдир Татьяна севги туфайли,  
 Боқчага чиқади, қайғуради у;  
 Нарироқ юришга қолмайди майли  
 Хумор кўзларини сузади сулув:  
 Кўкраги қаппайган, яноқлари ҳам  
 Оний ёлқин блан ёнади бир дам.  
 Нафаси қотгандир дудоқларида,  
 Кўзи порлар, шовқин қулоқларида...  
 Тунда ой соқчидай чиқиб айланар  
 Самонинг чеки йўқ кенг гумбазини.  
 Оғочлар қўйнида булбул созини,  
 Жаранг куйларини бошлаб юборар...  
 Қоронғи; ухлამас Татьяна сра,  
 Сўзлашар энага блан жимгина.

Татьяна блан энагасининг бир-бирларига айтган гаплари — бадий етукликнинг му’жизасидир! Бу — чуқур ҳақиқатга тўла бутун бир драматир. Бунда *рус қизи* эҳтирос ўти уни айни ёндираётган бир пайтда ажойиб равишда тўғри тасвир этилган. Кўнгилда сиқилиб ётган ҳис ҳамиша, айниқса эҳтирос ҳали янги ва ҳали тажрибасиз бўлган биринчи вақтларда, ёрилиб юзага чиқади. Юрак дардини кимга ёриш керак? — синглисигами? — броқ синглиси бу дардни кутгандай тушунаолмас эди. Энагаси эса бутунлай тушунмайди; худди шунинг учун ҳам Татьяна сирини энагасига фош қилади,— ёки, тўғриси айтганда, худди шунинг учун ҳам у сирини энагасидан яширмайди.

— «Ҳикоя қилиб бер, сен менга, эна,  
 Сўзла, сен у кўҳна, кечмиш йиллардан:  
 Сен-да у чоқларда ҳеч севганмисан?»  
 — Вой кўзим, Татьяна! У чоқларда биз  
 Севги нималигин эшитмагандик.  
*Марҳума қайин онам мени, шубҳасиз,  
 Дун’ёдан ҳайдарди, қолмасдим тирик.* —  
 «Бўлмаса, сен қандай эр қилдинг, эна?»  
 — *Худонинг буйруғи шундай экан-да.*  
 Мендан ёшроқ эди боёқиш эрим  
 Мен эса у вақтда *ўн учда* эдим,

Қатнади совчилар бир-икки ҳафта  
Бизнинг оилага... ва кейин отам  
Фотиҳа ўқиди, сўнгра иш тамом.  
Қўрқувдан мен зор-зор йиғладим якка..  
Йиғи-сиғи блан сочим ўрдилар,  
Лапар-ла черковга олиб бордилар..  
Мени узатдилар ёт оилага...

Чинакам халқ шоири, чинакам миллий шоир мана бундай ёзади! Энаганинг сийқа ва разилона эмас, оддий ва халққа мансуб бу сўзлари халқнинг ички, оилавий ҳаётининг тўла ва ёрқин манзараси, унинг жинслар муносабатига, муҳаббатга, никоҳга қарашли ифода этилгандир... Буюк шоир эса буни омади гап келганда бир-икки оғиз сўз блан, бир нуқта блан изҳор этган!.. Бу оддий ва содда байтлар қандай яхши:

— Вой қўзим, Татьяна! у чоқларда биз  
Севги нималигин эшитмагандик.  
Марҳума қайин онам мени, шубҳасиз,  
Дун'ёдан ҳайдарди, қолмасдим тирик!

Кўп афсусларки, кўп шоирларимиз ана шундай халқ руҳини бераолмайдилар, халқчиллик тўғрисида кўп ташвишланадилар-у, лекин нуқул сийқаси чиқиб кетган шалақ кўча тили блан ёзишгагина муваффақ бўладилар...

Татьяна бирдан Онегинга хат ёзишга қарор қилади: унинг бу майли анойи ва олийжаноб майл эди: лекин бу илҳомнинг манбаи онгда эмас, балки онгсизликдандир: қиз бечора қилаётган ишидан ўзи беҳабар эди. Кейинчалик, донгдор бойвучча бўлганда, юракнинг соддалик блан бундай сахийлик қилиши каби одатлари учун мутлақо имкон қолмади... «Онегин»нинг учинчи боби чиққанда, Татьянанинг хати рус китобхонларини ақлу ҳушдан бегона қилди. Биз, бошқалар блан бирга, бу хатга хотин кишининг ўз юрак сирини фош этишининг энг юксак намунаси деб қарашни ўйладик. Шоирнинг ўзи ҳам, бу хатни ҳечқандай киноясиз, ҳечқандай эгри гапсиз ёзган ва ўқиган. Лекин ундан

бери кўп сувлар оқиб кетди... Татьянанинг хати, гарчи энди ундан қандайдир болалик, қандайдир, «романчилик» ҳиди келиб тураётган бўлса ҳам, ҳозир ҳам ажойибдир. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди; руҳан қийналиб қолган Татьянага эҳтирослар тили жуда янги ва тушунилиши қийин эдики, агар суриш-тирмасдан ва пала-партиш ўқиган яхши-ёмон романлар қолдирган таассуротлар ёрдамига мурожаат қилмаганида. Ўз ҳисларини на тушунган ва на иёҳор этаолган бўларди... Хатнинг бош қисми жуда ажойиб: унда оддий ҳақиқий ҳис тўлиб-тошиб ётипти; бунда Татьянанинг худди ўзгинаси намоён:

Мен сизга ёзаман; яна не даркор?  
Не дея биламан сизга ман яна?  
Лекин биламанки, сизнинг ихтиёр  
Жазо берсангиз ҳам менга нафрат-ла.  
Қора ёзмишимга бир томчи қадар,  
Марҳамат ва шафқат қилгайсиз лекин.  
Ташлаб кетмагайсиз, янчиб хаёлим;  
Авваллар мен сукут этмоқ истадим.  
Майли жуда сийрак, майли ҳафтада  
Қишлоғимизда мен сизни бир даф'а  
Кўрайин, тинглайин сўзингизни жим,  
Сизга бир оғиз сўз айтай-да кейин  
Янги учрашувга қадар эрта-кеч  
Ўйлайин, ўйлайин унутмасдан ҳеч,  
Деган умид мени қучаркан секин,  
Инонингки, менинг — шу уялганим,  
Ҳечвақтда тасаввур қилмайсиз балким...  
Фақат айтиларким сиз одамсуймас;  
Чет ёқа қишлоқда зерикармишсиз.  
Биз эса... Жозиба эгаси эмас,  
Аммо ташрифингиз биз учун азиз!  
Нега бизнинг уйга келиб кетдингиз?  
Ташландиқ қишлоқнинг бир гўшасида  
Сизни ҳеч кўрмаган бўлардим эссиз...  
Аччиқ азобни-да билмасдим сра:  
Тажрибасиз қалбнинг ҳаяжонини  
Бир куни, ким билур, мен енгиб маҳкам,

Кўнгилга мувофиқ топиб бир ҳамдам  
Вафодор бир хотин, шафқатли она  
Бўлардим, тотмасдан ишқ савдосин.

Хатнинг охиридаги шеърлар ҳам кўп гўзал:

. . . . . Мен ўз қисматим  
Шу замондан бошлаб тақдим қиламан.  
Қаршингда оқизиб ёниқ кўзёшим,  
Ёлвориб ҳимоянг мен ўтинаман.  
Сен бир фараз қил-чи, мен ёлғиз бир қиз,  
Англамайди мени ҳечким бу ерда.  
Тушунчам-да барбод бўлғуси эрта,  
Ҳалок бўлишга-да маҳкумман сассиз...

Татьянанинг хатидаги ҳамма нарса ҳақиқатдан  
иборатдир, лекин ҳаммаси ҳам оддий эмас: биз бир-  
данига ҳам ҳақиқат, ҳам оддий бўлган жойларини  
кўчириб олиб мисол келтирдик. Оддийлик ва ҳақи-  
қийликнинг бир-бири блан боғланиб кетиши туйғунинг  
ҳам, амалий ишларнинг ҳам, ифоданинг ҳам... гўзал-  
лик чўққисидир.

Шоирнинг Татьяна хат ёзишига ва бу хатни юбо-  
ришга жур'ат қилгани учун уни ёқлашга зўр бериб  
ҳаракат қилаётганлиги ажойиб: шоирнинг қандай  
жамиятни кўзда тутиб ёзаётганлигини жуда яхши бил-  
ганлиги кўриниб турипти...

Билардим ёришиб бўлмас, сўз уқмас,  
Қиш каби совуқ, соф жононлар ҳам бор.  
Уларнинг хислати ақлга сиғмас,  
Уларга ялиниш, ёлвориш бекор;  
Ҳайрондим уларнинг модли кибрига,  
Уларнинг табиий фазилатига;  
Қочгандим улардан, қилайин иқрор,  
Даҳшат-ла ўқиган эдим, ёдда бор,  
Улар манглайида дўзах лавҳасин,  
Ҳарқандай умидни сен кескил мудом!  
Севмоқ улар учун офатдир тамом.  
Қўрқитиш уларга шодлик берар чин,



Нева бўйларида шулар сингари  
Хонимларни сиз ҳам кўргансиз балки.

Ювош ошиқларнинг ораларида  
Қилиғи бошқача хонимлар ҳам бор.  
Ёлқинли оҳларга, мадҳияларга  
Улар бепарволик қилар улугвор.  
Хўш, мен не кўрдим, не қолдирди ҳайрон?  
Қаҳрли боқишлар блан ногаҳон,  
Нозик ишқни улар чўчитиб лекин  
Уни жалб этишни биларди тагин.  
Лоақал, уларда бор раҳму-шафқат,  
Лоақал, уларнинг товуши ба'зан  
Туюлади шундай латиф, ва'дачан.  
Ҳовлиққан соддадил ёш ошиқ албат,  
Ўзини унутиб қўяди, шундай  
Ташвишли жононга эргашар тинмай.

Латиф бир соддалик блан қиз бойқиш  
Алдашни билмасдан суяр вафодор.  
Танлаган хаёлга чуқур инониш —  
Татьяна айбими? Билмоқлик даркор!  
Шунинг учунмиким: самимий суяр,  
Ҳиснинг да'ватига фақат бўйсунар,  
Ва қалби инонар шундай тезгина?  
Шунинг учунмиким: Татьянасига  
Тангри бахш этмишдир кенг ақл блан  
Ис'ёнкор хаёлни, инодчи бошни,  
Жонли иродани ва кенг қарашни;  
Юраги ёлқинли ва нозик экан,  
Севги ҳисларининг енгиллигин сиз  
Наҳотки бир марта кечирмасангиз?

Ишвакор хонимлар ўйлар совуқ қон.  
Татьяна ҳеч ҳазил қилмай севади.  
Севгига у мутлақ фидо қилар жон,  
Худди бир ёқимтой бола сингари;  
У асло демайди: қўй, қолдирамиз;  
Шундан ишқ баҳосин кўпайтирамиз,  
Тўрга туширамиз ошиқни қулай,  
Дастлаб умид блан санчамиз шундай

Ернинг иззат-нафсин, сўнг тараддуд-ла  
Кўнглини қўйнаймиз, ва бундан кейин  
Жонлатамиз ёқиб рашкнинг оташин:  
Бўлмаса завқлардан безган вужуд-ла  
Занжирни ҳар соат узиб қочиш-чун  
Шайланар ҳар ошиқ-ҳийлакор тутқун.

Мана «Онегин»дан яна бир парча, бу парчани автор  
поэмадан чиқариб ташлаган ва унинг асарларининг  
IX томида алоҳида равишда босилган (бет 460):

Эй ота-онасиз севганлар,  
Ешлик хаёли-чун, шодлик-чун-лаззат-чун  
Сақланган нозик юраклар —<sup>12</sup>  
Қизлар! Илтифот мактубидан  
Яширин муҳр узишга  
Бўлган эсангиз муяссар,  
Ёки теккан бўлса ботир қўллар эзгу  
Сочлар толасига, ёки аччиқ айрилиқ минутида  
Кўзларда нам, қон қайнаган бир ҳолда,  
Муҳаббатнинг қимматли бўсасин  
Берган бўлсангиз индамай,—  
Қилманг маломат албат  
Менинг *енгил* (!) Татьянами ҳечвақт;  
Такрор қилманг ҳаргиз  
Қибор ҳакамлар сўзин.  
Сиз-чи, *беайб қизлар!*  
Гўё бир илондай  
Ёмон гапдан қўрққанлар,  
Маслаҳатим тингланглар:  
Қим билсин? Алам ўтида  
Балки куйиб, ёнарсиз сиз ҳам —  
Халойиқ эса эртан  
Айлаб маломат бирдан  
Тақар янги қаҳрамонга  
Янги зафар — тантана:  
Сизнинг муҳаббатингиз  
Қерақдир бир худога.

Биз ўзимиздан, топиш гумон, деб проза блан қўшим-  
ча қиламиз, Ўз қаҳрамонини жамият олдида мана шун-

дай ҳимоя қилаётган—тағин нимаси учун? хотин кишининг моҳияти, яшаш учун энг яхши ҳуқуқи — унинг қорсети бекитиб турган қуруқ чуқури эмас, балки юраги борлиги учун ҳимоя қилишга мажбур бўлиб қолган шоирга ачинмаслик мумкин эмас!.. Лекин шоирни ўз романининг қаҳрамонини, аёлсимон қилиб йўнилган ёғоч эмас, балки хотин киши, деб ҳимоя қилишга мажбур этган жамиятнинг ҳолига янада кўпроқ ачинмаслик мумкин эмас. Ҳаммадан ҳам ачинарлиги шоирнинг ўз Татьянасини айниқса хотинлар назарида ҳимоя қилганлигидир... Ҳолбуки, қачон гап кўпчилик ичида учрайдиган ўлимтиклик, совуқлик, манманлик ва қуруқлик устида борганда, ҳамавақт шоир хотинлар ҳақида нақадар ачитиб гапиради! «Онегин»нинг биринчи бобидаги мана бу мисра'лар кўзга қандай ташланиб туради:

Эй серқилиқ кибор нозанинлари,  
Сизни у тарк этди ҳаммадан бурун.  
Рост айтсам, киборлар қилиги бари  
Анча бездиручи бўлибдир бугун.  
Эҳтимол, ба'зибир хоним бир қадар,  
Бентомни ва Сейни изоҳлайолар;  
Лекин улар гапи-сўзи умуман  
Беғубор эса-да маҳрум ма'нодан.  
Яна улар тағин шундай беғуноҳ,  
Ва шундай улуғвор, шундай донишманд.  
Тақводорлик блан юраклари банд,  
Шунчалар субутли, зийрак ва огоҳ,  
Шундай номаҳрамдир уларга эркак,  
Афтларини кўриб хун бўлар юрак.

Бу мисра'лар беихтиёр равишда, поэмага кирмаган ва алоҳида босиб чиқарилган, қуйидаги шеърларни хотиримизга келтиради (IX том, 190 бет):

Изғирину-қуёш — ажойиб кун★  
Хотин-қизларимизга лекин  
Маҳолдир зинадан тушмоқ,  
Нева бўйлаб совуқ хусну —  
Жамол кўрсатмоқ;

Ултириптилар бекор  
— Қумлоққа ҳеч тушмаслар.  
Хўпдир Шарқнинг одати,  
Қариларнинг ҳам тариқи:  
Туғилганлар ҳарам чун  
Еки чўри бўлиш чун...<sup>13</sup>

Броқ Шарқда ҳам ҳаёт поэзияси бор, эҳтирос; ҳарамга ҳам кириб олади... Бизда бўлса, жуда деганда юзаки бўлган қаттиқ одоб ҳукмрондир, ба'зан эса бу одоб тагида ҳаётнинг шоирона бўлмаган шундай поэзияси бўладики, бундан шоир фойдаланган тақдирда ҳам, албатта, поэма ёзиш учун фойдаланмайди...

Биз Пушкин поэмасининг ҳамма гўзал жойларини кўздан кечирмоқчи, юксак бадиий усталикнинг ҳамма томонларини қўрсатмоқчи бўлсак-чи, биз ундан кўчирма келтириб ҳам тамом қилолмас эдик, мақоламиз ҳам битмас эди. Броқ, бизнингча, бу ортиқчадир, чунки бу поэмага китобхонлар аллақачонлар баҳо берган, ундаги яхши жойларнинг ҳаммасини ҳарким ҳам ёд билади. Бизнинг кўзлаган мақсадимиз бошқадир: поэманинг тасвир этилаётган жамиятга нисбатан муносабати қандай эканлигини имкони борича очиб ташлашдир. Бу гал бизнинг мақоламизнинг мавзу'и рус аёлларининг вакили бўлган Татьянанинг характеридир. Шунинг учун ҳам тўртинчи бобни бутунлай ташлаб ўтамизки, унда биз учун энг муҳим бўлган нарса — Татьянанинг хатига жавобан икки ўртада ўтган гапдир. Онегиннинг гаплари Татьянага қандай та'сир қилганлиги — ма'лумдир: бечора қизнинг бор орзу-умидлари барбод бўлди-ю, у ташқи дун'ёдан янада баттарроқ бегона бўлиб, дами ичига тушиб кетди. Броқ барбод бўлган орзу-умидлар уни ўртаб кетаётган ўтни сўндирмади, бу ўт қанчалик ичга урган бўлса ва чиқишга йўл топаолмаган бўлса, шунчалик қаттиқроқ ва шахтамроқ ёнабошлади. Тасаввурлари уйғониб кетган кишиларнинг эҳтиросига бахтсизлик янги куч-қувват беради. Уларининг фавқул'одда бир ҳолат кечираётганликлари уларга ҳатто ёқади: бундайлар ўз қайғусининг ошиғи бўладилар, тортаёт-

ган азобларини ардоқлайдилар, балки, уни ҳатто, кулиб боққан бахтларидан ҳам кўра азиз деб биладилар... Кейин, хилват бир тўқайга ўхшаган бизнинг жамиятимизнинг қаерда ва қачон Татьяна Онегин сингари унинг ақлини шошириб қўядиган ва унинг юрагидаги ўтни бошқа томонга бураоладиган бошқа бир вужудни топаолар ҳам эди? Умуман бахтсизликка учраган, илтифотга олинмаган, лекин ҳеч умид узмайдиган муҳаббат хийли ёмон бир ҳол бўлиб, бунинг сабаби, сийрак учрайдиган ва, афтидан, нуқул физиологик вазларга кўра, кўнгилнинг бошқа қобилиятлари ҳисобига ҳам тасаввурнинг ортиқ даражада тараққий қилиб кетганлигидир. Брок қандай бўлмасин, тасаввурнинг натижаси бўлган азобу уқубатлар юракка оғир юк бўлиб тушади ва баъзан юракнинг ўзи сабаб бўлган азобу уқубатлардан ҳам қаттиқроқ эзади. Татьянанинг дардини ҳечкимга билдирмасдан, ўз ичиди сақлаб тортган азоблари бешинчи бобда ажаб бир ҳаққоний ва оддий қилиб тасвир этилгандир. Татьянанинг Онегин тарк этиб кетган хонадонни келиб кўриши (еттинчи бобда) ва унга ҳарбир буюмида бош олиб кетган хўжайиннинг руҳи ва характерининг манаман деб турган муҳри босиғлиқ бу эгасиз маскан қилган таъсир поэманинг энг яхши жойлари ва рус поэзиясининг энг қимматбахо ҳазинасидир. Татьяна бу масканни бирнеча марта келиб кўрган эди,—

Шу жимжит кабинет ичинда нолон,  
 Дун'ёда барчани унутиб бир он  
 Ниҳоят, қолганди энди бир ўзи,  
 Анча вақт қайноқ ёш қуяди кўзи.  
 Сўнгра, машғул бўлди китоблар ила.  
 Даставвал буларга йўқ эди майли,  
*Лекин китобларда мавзу' туфайли*  
*Уларга қизиқди.* Мутолиага  
 Берилди Татьяна, унинг кўп чанқоқ  
*Руҳига очилди бир олам шу чоқ.*  
 Тушунабошлайди, тангрига шукур,  
 Татьяна, Онегин ким эканини,

Хукмрон тақдир-ла қиз бойқиш бир қур  
У учун ёқмади ўз юрагини?  
Кимдир у, энг хавfli дардкаш савдойи..

Ажабо, бу сирни қиз этдими ҳал?  
Ажабо, топилди керакли бир сўз?

Шундай қилиб, ниҳоят, Татьяна англади; унинг ақли очилди. Ниҳоят, Татьяна, одам учун муҳаббат азоби ва қайғуси каби машғулотдан бошқа машғулот ҳам борлигини, бошқа хил азоблар ва қайғулар ҳам борлигини тушунди. Броқ Татьяна бу бошқа машғулот ва азоблар нимадан иборат эканлигини тушундими, агар тушунган бўлса, бу нарса унинг ўзи тортаётган азобларни енгиллаштирдими? Албатта, тушунди, броқ фақат ақли блан, мияси блан тушунди, чунки шундай идеялар борки, уларни тўла равишда тушуниб етмоқ учун бу идеяларни бутун жону тан блан бошдан кечирган бўлмоқ керак, бу идеяларни китобдан ўқиб ўрганиб олмоқ мумкин эмас. Шунинг учун ҳам қайғу аламларнинг бу янги олами блан китоб орқали танишув Татьянага янгилик бўлса ҳам, бу янгилик уни севинтирмайди ва унда беҳуда бир таассурот қолдирди; бу янгилик Татьянани қўрқитди, даҳшатга солди ва эҳтиросга ҳаётнинг ҳалокати деб қарашга мажбур этди, уни воқи'лик қандай ҳолда бўлса, шу ҳолича унга итоат қилмоқ кераклигига, кўнгил майлига қараш ҳам керак бўлса, ўз ичида, кўнгилнинг тубида, ёлғизлик пайтларда, алам ва изтиробларга, кўз ёши тўкишга бағишланган қоронғу кечаларда бу майлга эрк бермоқ кераклигига ишонтирди. Онегиннинг уйига бориб туриш ва унинг китобларини ўқиш блан машғул бўлиш Татьянани ўзгартириб, қишлоқи қизчадан юқори доира аҳлига мансуб бир хонимга айлантирдики, бундай ўзгариш Онегинни бунчалик ҳайрон ва таажжубда қолдирди. Бундан олдинги мақолада биз Онегиннинг Татьянага ёзган хатига ва унинг Татьянага ёзган ҳамма жўшқин номаларининг натижасига тўхталиб ўтган эдик.

. . . . . Онегин борар  
 Бир куни йигинга; қўяркан қадам  
 Учрашар Татьяна. Юзда ғазаби!  
 Унга оғиз очмас, кўрмаган каби;  
 Уҳ! Қаҳратон қишнинг совуғи блан  
 Татьяна шу чоқда қандайн тўлган!  
 Ушшайган лаблари ғазабларини  
 Қандай тутиб қолиш ила овора,  
 Онегин тикилди — борми деб чора:  
 Паришонлик қани, дардкашлик қани?  
 Қани кўзёш доғи?.. Улар йўқ, ҳеч йўқ!  
 Унинг юзларида ғазаб изи, дўқ..  
 Эҳтимол, сирли иш кўрқуси бордир:  
 Шўхлик, тасодифий заифлик блан  
 Онегинга ма'лум яна қанча сир,  
 Эр ёки жамоат билмасин деган...

Энди тўғридан-тўғри Татьянанинг Онегинга қилган  
 изҳори муҳаббатига ўтамиз. Бу изҳори муҳаббатда  
 Татьянанинг бутун борлиги яққол кўриниб турипти.  
 Бу изҳори муҳаббатда жамият етиштирган бама'ни  
 рус аёлининг моҳияти нимадан иборат бўлса,—  
 шуларнинг ҳаммаси: ёниб турган эҳтирос ҳам,  
 оддий ва чинакам туйғунинг оромбахшлиги ҳам,  
 дилрабо бир вужудга хос гўл ҳаракатларнинг муқад-  
 даслиги ҳам, насиҳатгўйлик ҳам, таҳқир этилган  
 иззат-нафс ҳам, жамоат фикридан қулларча кўрқ-  
 қанини саҳоват номи блан ниқоблаш ҳам, юқори  
 доира атвори воситаси ила кўнгилни олийжаноб  
 ҳаракатлар қилдирмай қўйган ақлнинг айёрона силло-  
 гизмлари ҳам... — мана шулар ҳаммаси бу изҳори му-  
 ҳаббатда ифода этилгандир. Татьянанинг сўзи, таҳқир  
 этилган иззати-нафснинг ўчини олмоқ ихтиёри борли-  
 гини билдирадиган та'на блан бошланади:

Онегин, у соат эсингиздами?  
 Боғда, хиёбонда у замон бизни  
 Тақдир учраштирди, ожизона, жим  
*Тингладим, сиз менга бердингиз сабоқ?*

*Энди менга навбат келмишдир шу чоқ.*  
Онегин, у чоқлар ёшроқдим, яна  
Гўзалроқ ҳам эдим шекилли у чоқ,  
Мен сизни севардим; қани натижа?  
Қалбингиздан нима топдим мен броқ?  
Қандай жавоб олдим! Бир қаҳр ёлғиз.  
Ювош, содда қизнинг муҳаббати сиз —  
Учун янгимасди? Бу эмасми чин?  
Қонимни қоплайди — ёху! — изғирин  
Елғиз эсга тушса у совуқ боқиш,  
Ва'зингиз...

Ҳақиқатан ҳам, Онегиннинг Татьяна олдидаги гуно-  
ҳи шу эдики, Татьяна *ҳозиргидан ёш* ва *яхши* бўлган  
ва уни севган *вақтда* севмади! Ахир, муҳаббатга керак-  
ли нарса ёшлик, гўзаллик ва дилдорликда! Емон ва  
суюқ романлардан кўчириб олинган тушунча ана  
шу-да! Болалик орзу-умидларга тўла-ю, лекин изҳор  
қилаолмайдиган қишлоқи қизча блан юқори доира  
аҳли сонига қўшилиб, ҳаётни кўрган ва азобу уқубат-  
ларни бошидан кечирган, ўз туйғу ва фикрларини ифо-  
да қилиш учун сўзга моҳир бўлган хотин ўртасидаги  
фарқ нақадар катта! Шундай бўлса ҳам, Татьянанинг  
фикрича, у севимли бўлишга *ҳозиргидан* кўра илгари  
кўпроқ лаёқатли бўлган, чунки у маҳалда *ҳозиргидан*  
ёш ва яхши бўлган!.. Воқе'ликка бундай кўз блан  
қарашда рус аёли нақадар яхши намоён бўлиб турип-  
ти! Уша вақтда Онегиннинг фақатгина совуқ муомала-  
сига дуч келганлигини та'на қилганичи? «Беғуноҳ ёш  
қизчанинг муҳаббати сизга янгилик эмас эдими?» Пок  
бир ғунчанинг муҳаббатини қадирламаслик — жиноят-  
корликдан иборат-ку!.. Броқ бу та'надан кейиноқ  
оқлайдиган сўзларга ҳам гал келади:

*. . . . . Лекин мен сизга албатта  
Бирон айб тақмайман: мудҳиш соатда  
Қалбингиз кўп олийжаноблик қилмиш,  
Сиз ҳақли эдингиз менга нисбатан,  
Ташаккур қиламан бутун қалбимдан...*



Татьянанинг та'наларидаги асосий фикр, Онегиннинг уни севмаганига сабаб шуки, бунда унинг учун ҳавасни келтирадиган жозиба йўқ эди; ҳозир эса уни менинг оёғимга бош қўйгани олиб келган нарса уятли шуҳрат қозонишга ташналикдир, деган ишончдан иборатдир... Буларнинг ҳаммасида ўзининг яхши номидан маҳрум бўлишдан қўрқиш манаман деб кўзга ташла-ниб турипти...

У чоқлар, ма'носиз шов-шувдан узоқ,  
Бир четда ёқмаган эдим сизга ман,  
Бу тўғри эмасми?.. Бугун сиз броқ.  
Кетимдан юрасиз, билмам нимадан?  
Нечун мен бир нишон бўлдим сиз учун?  
Сабаби: мен юксак оламда бугун  
Қўриниш бераман, мен энди кибор,  
Мен энди давлатманд ва эрим донгдор,  
Жангларда гавдаси бўлгандир мажақ,  
Бунинг учун бизни эркалар сарой?  
Шунинг-чун хоҳлайсиз шарманда бўлай,  
Билинсин ҳаммага мана бу чатоқ,  
Яна жамиятда келтирсин бу гап  
Сиз учун мақтовли ва ёрқин шараф?

Йиғлайман... Агар сиз Татьянагизни  
Унутмас экансиз шу чоққа қадар,  
Ёдлайсизми совуқ сўзларингизни,  
Қилдингиз та'налар ва ҳақоратлар...  
Аmmo мен уларни бу хат, бу севги —  
Барчасидан а'ло кўрардим, кошки  
Қўлимдан келсайди меним бу нарса,  
Менинг ёш хаёлим учун агарда  
Сезган бўлсангизди у вақт бир шафқат.  
Еки қилсангизди ёшга эҳтиром...  
Бугун-чи! — Сизни на келтирди тамом  
Оёғим остига? Бу қандай зиллат?  
Шундай қалб, ақлга эга бир одам  
Майда ҳисларга қул бўлар шунча ҳам?

Бу ше'рларда Татьянанинг, юқори доира аҳли ўртасида ўз номус-оримдан маҳрум бўлиб қолмайин,

деб қўрқиши баралла кўриниб турипти, бундан кейинги шеърларда эса, юқори доира аҳлига нисбатан нафрати жуда чуқур эканлиги шубҳасиз исбот этилгандир... Қандай қарама-қаршилиқ! Ҳаммадан таассуфли нарса шуки, Татьянадаги бу ҳар икки томон ҳам чин ҳақиқатдир...

Менга-чи, Онегин, ушбу дабдаба —  
Бир совуқ ҳаётнинг йилтироқ тўни,  
Қибор оламида кўрган ғалаба,  
Данғиллаган уйим, зиёфат, тўйи —  
Нима бор буларда? Мен эса ҳозир,  
Жон деб алишардим бутун шу зоҳир  
Зийнатни, қий-чувни, бўғиқ ҳавони  
Бирнеча китобга, ваҳший боғ, ёки  
Бизнинг фақирона эски хонага,  
У масканларгаки, сизни, Онегин,  
Кўргандим биринчи даф'а... Ва тип-тин  
У қабристонгаким, унда бечора  
Менинг энагамнинг устида ҳозир,  
Бир бут бор, дарахтлар соя соладир...

Такрор айтамикки, бундан олдинги сўзлар нақадар чин ва ҳақиқий сўзлар бўлса, бу сўзлар ҳам шу қадар чин ва ҳақиқий сўзлардир. Татьяна юқори доирани ёқтирмайди ва қишлоқни деб, бу доирадан абадий воз кечишни ўзига бир бахт деб билган ҳам бўлар эди; броқ, модомики, ҳозирча у бу доирага мансуб экан — бу доиранинг фикрига бутга сажда қилгандек сажда қилади, бу доира чиқарадиган ҳукмдан қўрқиш эса, ўнинг яхши хислати бўлади...

Бахтга очилганди ажойиб имкон,  
У шунча яқин-ди!.. Тақдирим аммо  
Энди ҳал бўлмишдир. Балки у замон  
Ҳаракат қилганман ўйламай асло:  
Кўз ёшларин тўкиб, ёзғириб она  
Елворди бечора бу Татьянага;  
Барча кўргиликлар менга бир эди...  
Эрга тегдим. Энди тинч қўйинг мени,  
Тамом унутингиз, бу хоҳишим чин,

Қалбингизда бордир — бу менга аён —  
Ҳам ғурур, ҳам асл, қувватли виждон,  
Мен сизни севаман (айёрлик нечун?)  
Лекин мен ўзгага берилганман ортиқ:  
Мен унга абадий қолурман содиқ. \*

Кейинги шеърлар ҳайрон қоларлик даражада гўзал-  
дир — ҳақиқатан ҳам *ишнинг охири муваффақият* блан  
*тамом бўлади!* Бу жавоб Медеянинг: *пой!*<sup>1</sup> деган ва  
кекса Горацийнинг: *qu'il mougit!*<sup>2</sup> деган жавоби блан  
бир қаторда классик «юксакликнинг» мисоли бўлиши  
мумкин. Мана аёл кишига хос яхши хислатнинг чина-  
кам ифтихори! Лекин мен ўзгага *берилганман*, — *ўзим-  
ни бағишладим* эмас, балки *берилганман!* Абадий  
содиқлик — *кимга* ва *нимада*? Бу садоқат туйғуни ва  
хотинлик латофатини хўрлайдиган муносабатларга  
бўлган садоқатдир, чунки муҳаббат даму нафаси  
блан муқаддас муносабатга айлантирилмаган ба'зи  
муносабатлар ўтакетган даражада ахлоқсизликдир...  
Броқ бизда булар ҳаммаси қандайдир бирга  
қўшилиб кетади: поэзия блан ҳаёт, сингари бир  
ёқда муҳаббат — бир ёқда манфаат учун уйланиш,  
бир томондан, кўнгил та'бига қараб иш қилиш-у,  
иккинчи томондан, зимдан ҳар соатда бузилиб  
турадиган расму одатларга ташқи жиҳатдан қаттиқ  
риоя қилиш... Хотин кишининг ҳаёти кўп ҳолларда  
кўнгил ҳаётидан иборатдир; севмоқ — хотин киши  
учун яшамоқ демакдир, фидо бўлмоқ — севмоқ  
демакдир. Табиат Татьяна мана шу рольни бажар-  
иш учун яратган эди-ю; лекин жамият уни қай-  
тадан бино этди... Татьяна беихтиёр равишда бизга  
*Замонамизнинг қаҳрамонидаги* Верани, туйғу жиҳат-  
дан бўшгина, доим Печоринга ён босадиган, лекин  
ўзининг ана шу заифлиги блан ҳам ажойиб ва юқори  
туручи хотинни эслатди. Тўғри, хотин киши бирдани-  
га икки эркакка тан бағишлаб, бирини севса-ю,  
иккинчисини алдаса, ахлоқсизлик қилган бўлади: бу  
ҳақиқатга қарши ҳечқандай да'во бўлиши мумкин

<sup>1</sup> «Мен!» — *Ред.*

<sup>2</sup> «Улсин у!» — *Ред.*

эмас; броқ Веранинг бу гуноҳи ўзининг мушкул бир ҳолга тушиб қолганлигини тушунганидан чекаётган азоби блан ювилиб кетади. Вера истаганича бутун борлигини ҳад'я қилган бўлса ҳам, лекин у кишининг бутунлай ўзиники эмаслигини, гарчи Верани севса ҳам, лекин ҳарҳолда у блан ўз ҳаётини боғлашни хоҳламаганини кўргандан кейин қандай қилиб ўз эрига нисбатан бирон-бир кескин тадбир қилиши мумкин бўлар эди? Ночоргина бир аёл бўлганлигидан Вера ўзини девтабиат бу одамнинг кучли иродаси та'сири остида қолиб кетгандай ҳис қилиб, унга қарши тураолмади. Татьяна ўз табиати ва характери жиҳатидан ҳам Верага қараганда юқори туради, бу икки аёлни бадий жиҳатдан тасвирлашдаги жуда катта тафовутни айтмасак ҳам бўлади: Татьяна — бошдан-оёқ тўла тасвир этилган бир портрет бўлса; Вера — фақат бир соядир. Шундай бўлса ҳам, Верада хотинлик хусусияти кўпроқ... броқ у катта истиснодир, ҳолбуки, Татьяна — рус аёлининг типидир... Ҳаётни ва хотин кишини Марлинскийнинг повестьларини ўқиб ўрганган мамнун идеалистлар мисли йўқ аёлдан жамоат фикрига нафрат блан қарашни талаб қиладилар. Бу — бўлмаган гап: хотин киши жамоат фикрига нафрат блан қарайолмайди, лекин дабдабали гапларсиз, мақтанчоқлик қилмасдан, камтаринлик блан бу фикрнинг баҳридан кечиши, — бундай кечишнинг нақадар катталигини, бошқа олий қонунга — ўз табиатининг қонунига (унинг табиати эса муҳаббат ва фидокорликдир) итоат қилиб, ўз устига олаётган ла'натларнинг нақадар оғирлигини тушуниб тургани ҳолда кечиши мумкин...

Шундай қилиб, Пушкин Онегинни, Ленскийни ва Татьянани мисол қилиб олиб рус жамиятини унинг билими, унинг тараққиёти даврларидан бирида тасвирлади, тасвирлаганда ҳам жуда чинакамига, жуда тўғри, жуда тўла ва бадий қилиб тасвирлади! Шоирнинг бу поэмасига кирган ва юқори ҳамда ўртача рус жамиятининг манзарасини тўлдирадиган кўпдан-кўп қўшимча портретлар ва соялар ҳақида гапириб ўтирмаймиз; қишлоқ баллари ва пойтахт раутларининг манзаралари ҳақида гапириб ўтирмаймиз: буларнинг

ҳаммаси китобхонларимизга жуда таниш ва улар бу манзараларнинг ҳаммасига аллақачон муносиб баҳо берган... Фақат бир нарсани айтиб ўтамиз: Шоирнинг бу поэмада жуда тўла ва ёрқин акс эттирилган к... си поэманинг ҳамма жойида ҳам жуда ажойиб ва жуда инсонпарвар қилиб, лекин шу блан бирга кўпинча артистлардек тасвир этилган. Ҳаммаерда сиз уни тасвир этаётгани синфнинг моҳияти бўлган асосий принципга жону дили блан берилган одам сифатида кўрасиз; қисқаси, ҳаммаерда ҳам рус помешчигини кўрасиз... Шоир бу синфда нимаики инсонпарварликка хилоф бўлса, шунга ҳужум қилади: броқ бу синфнинг принципи унинг учун — абадий ҳақиқатдир... Шунинг учун ҳам унинг сатирасининг ўзида кўп меҳрибонлик бор, унинг инкор этишлари эса кўпинча ма'қуллашга, завқланишга жуда ҳам ўхшаб кетади... Иккинчи бобда Ларинлар оиласининг тасвирини, айниқса Лариннинг ўзининг портретини эслангиз... «Онегин»даги кўп нарсаларнинг ҳозир эскириб қолганига ҳам шу нарса сабаб бўлган эди. Броқ бусиз, эҳтимолки, «Онегин»даги нарсаларнинг ҳозир эскириб қолганига ҳам шу нарса сабаб бўлган эди. Броқ бусиз, эҳтимолки, «Онегин»дан рус ҳаётини бунчалик тўла ва муфассал кўрсатган поэма, шу жамиятнинг ўзида жуда тез ўсиб бораётган фикрни инкор қиладиган муайян факт келиб чиқмаган бўлар эди...

«Онегин» бирнеча йил давомида ёзилган эди,— демак, шоирнинг ўзи ҳам бу поэма блан бирга ўсди, шунинг учун ҳам поэманинг ҳарбир янги боби қизиқроқ ва етукроқ бўлиб чиқаберди<sup>14</sup>. Броқ кейинги икки боби дастлабки олти бобидан кескин равишда ажралиб туради: бу икки боб шоирнинг бадий жиҳатдан ўсиб вояга етган, етилган давридаги ижоди эканлиги яққол кўриниб турипти. Айрим жойларнинг гўзаллигини айтабериб тўймоқ мумкин эмас, бунинг устига бундай жойлари жуда ҳам кўпдир! Татьяна блан энагаси ўртасидаги тунги кўриниш, Онегиннинг Ленский блан дуэльда отишганлари ва олтинчи боб охирининг бутуниси энг яхши кўринишлар жумласидандир. Кейинги икки бобдан кўпроқ нимани мақташни билмай қолдик,

сабабки, бундаги кўринишларнинг ҳаммаси ҳам жуда ажойиб; лекин еттинчи бобнинг биринчи ярми (баҳор тасвири, Ленский ҳақидаги хотира, Татьянанинг Онегин турган уйни кўргани борганлари) туйғунинг ма'юс ва чуқурлиги блан, ажаб гўзал ше'рлар блан бошқа жойлардан қандайдир бир алоҳида равишда фарқ қилиб турипти... Шоирнинг ҳикояни қўйиб, муҳокама-ларга кириб кетиши, унинг ўз-ўзига мурожаат қилиш-лари беназир виқор блан, дилбарлик, меҳрибонлик, донолик ва мутоифалар блан тўладир; бундай жойлар-да шоир жуда сермуҳаббат, жуда одампарвар киши сифатида намоёндр. Шоир ўз поэмасида шу қадар кўп нарсаларга тўхталиб, шу қадар кўп нарсаларга ишора қилиб ўтганки, буларнинг ҳаммаси фақат-гина рус табиати оламидаги, рус жамияти оламидаги нарсалардир! «Онегин»ни рус ҳаётининг энциклопедияси ва энг бориб турган халқий асар деса бўлади. Бас, бу поэманинг китобхонлар томонидан зўр хурсанд-чилик блан қарши олинганлиги, ўз замонидаги ва ундан кейинги рус адабиётига жуда катта та'сир қил-ганлигига ажабланиб бўладими? Унинг жамият хулқи атвориға қилган та'сирини айтмайсизми? Бу поэма рус жамияти учун онг ва идрок бўлди, унинг учун олға қа-раб қўйилган деярлик биринчи қадам бўлса ҳам, лекин жуда буюк қадам эди!.. Бу қадам шу қадар баҳодирона кенг қадам эдики, шундан кейин бир жойда тўхтаб қолиш ҳеч мумкин бўлмай қолди... Майли, замон ўта-берсин ва ўзи блан бирга янги талаблар, янги идеялар келтираберсин, майли рус жамияти ҳам ўсиб, «Онегин»-дан ўтиб кетсин: бу жамият қанчалик узоққа кетмасин, у ҳамиша бу поэмани севади, ҳамиша бу поэмага му-ҳаббат ва ташаккур тўла кўз блан тикилиб қарагуси-дир... Мақоламиз охириға жуда мос келиб, мени ол, деб турган мана бу ше'рларнинг ўзи ўқучининг кўнгли-ға бевосита та'сир қилиб, биз айтмоқчи бўлган нарсани биздан кўра яхшироқ айтиб бергусидир:

Ҳайҳот! Бу ҳаётнинг йўлида оний  
Бир ўрим сингари бутун наслар,  
Сирли бир ирода, қазо ва кадар

Ҳукмича унади, пишиб, тушади,  
Бошқалар уларнинг изин тутади.  
**Шундай, бизнинг енгил, беташвиш бўгин**  
Усади, ҳаяжон ила қайнайди.  
Боболарни қабр сари ҳайдайди.  
Келади бизнинг ҳам вақтимиз бир кун,  
Бизнинг набиралар қутли соатда,  
Бизни-да дун'ёдан сурар албатта!

Дам ғанимат, суринг дун'ё наш'асин,  
Шўх ҳаёт блан маст бўлинг, жўралар!  
Мен эса пайқайман унинг ҳечлигин,  
Берилмайман унга бошқалар қадар.  
Шарпалар учун мен кўзни юмганман,  
Лекин, узоқ, хира умидлар, ба'зан  
Қалбимга ҳаяжон солади ёлғиз,  
Бу ерда озгина қолдирмасдан из  
Дун'ёни тарк этмоқ мен учун хазин.  
Яшайман, ёзаман мадхдан озод.  
Фақат мен, балки-да, истардим ношод  
Насибим-чекимни шонлантирайин,  
Орзу қилардимки содиқ дўст каби  
Лоақал бир садо эслатсин мани.  
Бу садо кимнингдир қалбига етар,  
Эҳтимолки тақдир сақлаб қолади,  
Менинг тўкдигим қўшиқ-қит'алар  
Ботмас унутулиш наҳрига балки...  
Эҳтимол (бу фақат мақтанчоқ армон!)  
Кўрсатиб келгуси чоқда бир нодон  
Меним донгги кетган суратимни-да  
Хўп шоир эди бу! — дейди ичида...  
Эй ше'р парилаин дилбар ошиқи,  
Бу менинг қанотли учар ижодим  
Ўз хотирасида сақлашга ходим,  
Кексанинг бошида шараф тожини  
Лутфикор қўли-ла сийпалайдиган,  
Менинг ташаккурим қабул эткил, сан!<sup>15</sup>





## ГОГОЛЬГА ХАТ

Сиз менинг мақоламни, мендан *жаҳли чиққан* кишининг иши бу, дейишга қисмангина ҳақлисиз: китобингизни ўқиганимда авзойим қандай бўлганини ифодаламоқ учун бу сифат жуда камлик ва юмшоқлик қилади. Лекин сизнинг талантингиз мухлислари ҳақида айтган бирмунча ножўя гапларингизга бу сифатни ҳам қўшишга мутлақо ҳақли эмассиз. Йўқ, бунда бошқа бир муҳимроқ сабаб бор эди. Кишининг иззатнафси ҳақорат қилинса бирмунча тоқат қилиш мумкин ва агар гап фақат шу масала устида борганида, бу тўғрида индамай қўяқолишга менинг ҳам ақлим етар эди, аммо ҳақиқат ва инсонлик фазилати ҳақорат қилинар экан, бунга тоқат қилиб бўлмайди: динни ниқоб ва қамчини паноҳ қилиб ноҳақлик ва бадахлоқликни ҳақиқат ва фазилат, деб тарғиб қилар эканлар, бунга индамасдан туриб бўлмайди.

Дарҳақиқат, мен сизни чин қалбимдан севардим, чунончи ўз юртига жон-дили блан пайванд бўлган киши юртининг орзу-умидини, номусини, шон-шарафини, бу юртнинг онг-билими, ривожини ва тараққиёти йўлида жонбозлик қилучи улуғ раҳнамоларидан бирини қандай иштиёқ блан севса, мен ҳам сизни шундай билиб, шундай иштиёқ блан севардим. Сиз бундай



муҳаббатга сазовор бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлгач, бир дақиқа бўлса-да, руҳингизни койитмоққа ҳақли эдингиз, албатта. Мен бу гапларни ўз муҳаббатимни буюк талант мукофоти деб ҳисобламоқчи бўлиб аксариятини сиз ҳам, мен ҳам кўран эмасмиз ва улар шуки, бу хусусда ёлғиз мен эмас, балки бошқа кўп кишилар ҳам шу фикрдадир ва бу кишиларнинг жуда аксариятини сиз ҳам, мен ҳам кўрган эмасмиз ва улар ҳам сизни ҳечқачон кўрган эмаслар. Сизнинг китобингиз ҳамма соф қалбларда қандай ғазаб ва нафрат қўзғотганлигини ҳамда китобингиз чиқиши блан сизнинг барча душманларингиз,— хоҳ ғайри адабий душманларингиз чичиковлар, ноздревлар, миршаб-бошилар бўлсин... ва хоҳ номлари ўзингизга маълум бўлган адабий душманларингиз бўлсин,— беҳад хурсанд бўлиб на'ра тортиб юрганликларини сизга қандай изҳор қилишимни билмайман, ҳаттоки китобингизнинг руҳи, афтидан, ўз руҳларига тўғри келадиган кишилар ҳам бу китобдан юз ўтирганларини ўзингиз кўриб турибсиз. Агар бу китоб астойдил қаноат ҳосил қилиб ёзилган бўлганда ҳам, халойиққа худди шундай таассурот қолдирган бўлар эди. Агарда ҳамма (бундан бирнечагина киши мустаснодир, чунки уларнинг ма'қуллашига хурсанд бўлмоқ учун уларнинг ўзларини кўрмоқ ва билмоқ лозим бўлар), бу китобни афсона йўли блан чин ҳақиқатга етишмоқ учун муғомбирлик блан, аммо жуда беодоблик блан қилинган бир иш деб билган бўлса, бунга фақат ўзингиз айбли. Бу ҳечбир ажабланарлик бўлмай сиз буни ажабланарлик деб ҳисоблаганингизнинг ўзи ажабланарликдир. Менинг фикримча, бу шунинг натижасидирки, сиз Россияни мутафаккир киши сифатида эмас, балки фақат бир сан'аткор сифатида яхши билганингиз ҳолда ўз хаёлий китобингизда мутафаккир киши вазифасини бажармоқчи бўлиб жуда беҳуда уринибсиз. Бунинг сабаби мутафаккир киши бўлмаганингизда эмас, балки бирнеча йилдан бери *йироқдаги гўзал жойингизда* туриб Россияга қарашга одатланиб қолганингиздадир; маълумки, бирон нарса-ни йироқдан туриб қай тарзда кўрмоқчи бўлсангиз,

шу тарзда кўраверасиз, бундан осон иш йўқ, чунки йироқдаги бу гўзал жойда турар экансиз, кўрмоқчи бўлган нарсангизга тамоман бегона бўлиб яшайсиз, фақат ўзингизни биласиз, ўз-ўзингиз блан бўласиз ёки сиз блан бир руҳда бўлиб, сизнинг та'сирингизга берилмасликка ожизлик қилучи кишилар тўдасида бўласиз. Шунинг учун сиз, Россия мистицизмни эмас, аскетизмни эмас, пиэтизмни эмас, балки маданият, ма'рифат ва одампарварлик соҳасида эришилган ютуқларни ўзининг нажот йўли деб билаётганини пайқамай қолибсиз. Россияга ва'з-насиҳатларнинг кераги йўқ (у бундай ва'з-насиҳатларни жуда кўп эшитди), Россияга тоат-ибодатларнинг кераги йўқ (у бундай тоату-ибодатларни жуда кўп талқин қилди!); балки халқда инсонлик фазилатини, я'ни бирнеча асрлардан буён ахлат ва нажасга қорилиб келган инсонлик фазилатини билиш, черков китобларида айтилган ҳуқуқ ва қонунларни эмас, балки ақл-идроқка ва адолатга мувофиқ келадиган қонунларни билиш ҳиссини уйғотмоқ керак ҳамда бу ҳуқуқ ва қонунларнинг мумкин қадар қаттиқ амалга оширилишига эришмоқ фикрини туғдирмоқ керак. Аммо шундай бўлиш ўрнига Россия мудҳиш манзара мамлақати бўлиб, бу мамлакатда одамфурушлик қиладилар, лекин бунга ҳечбир важ-сабаб кўрсатолмайдилар; лоақал негр одам эмас, деб да'во қилучи Америка катта ер эгалари фрибгарлик блан дастмоя қилиб юрган важ-сабабларни ҳам кўрсатаолмайдилар, бу мамлакатдаги одамлар ўзларини ўз номлари блан эмас, балки Ванька, Васька, Стёшка, Палашка деган лақаблар блан атайдилар; ниҳоят бу мамлакатда шахсни, номусни ва мулкни амин сақлаш йўқлиги уёқда турсин, ҳаттоки полиция тартиби ҳам йўқдир, бунда фақат турли хизматда бўлган ўғрилар ва таловчилар тўпланган катта-катта ширкатлар бор, холос! Россияда ҳозирги вақтда бутун мамлакат учун аҳамияти бўлган, ҳаммани қизиқтирган масалалар: крепостной ҳуқуқни йўқ қилиш, тан жазосини бекор қилиш, лоақал ҳозир амалда мавжуд бўлган қонунларни мумкин қадар қаттиқ бажаришни жорий қилиш

каби масалалардан иборат. Ҳукуматнинг ўзи ҳам буни сезмоқда (помешчиклар ўз қарамоқларидаги деҳқонларга қандай муомала қилишларини ва деҳқонлар ҳар йили қанча помещчикни чавоқлаб ташлаётганликларини ҳукумат яхши билади) ҳукуматнинг оқ негрлар манфаатини кўзлаб, қўрқа-писа ва натижасиз кўраётган чала-чулпа чоралари ҳамда бир тигли қамчи ўрнига уч қаватлик дарра жорий қилиб масхара бўлаётганлиги бунга далилдир.

Бутун Россия гафлат босиб мудраб ётган ҳолда ҳаяжон блан машғул бўлаётган масалалари ана шулардир! Ажаб яхши бадийй ва жуда ҳаққоний асарлари блан Россиянинг онгини очишга катта ёрдам қилиб, Россияга ўзини, ойнада кўргандай, равшан кўришга имкон берган улуғ бир ёзувчи айни шундай бир вақтда ўз китоби блан майдонга чиқади-да, бу китобида Исо блан черковни шафи' келтириб, ваҳший помещчикка деҳқонлардан кўпроқ пул юлқиб олишни ўргатади ва деҳқонларни, *ювуқсиз башара* деб сўқади. Бас, бу ҳол мени ғазабга келтирмаслиги мумкинмиди, ахир? Агарда сиз менинг ҳаётимга суийқасд қилганингизда ҳам, мен сизга бу қадар нафрат блан қарамас эдим, аммо бу шармандаларча ёзилган сатрлар учун сизга нафратим жуда зўрдир... Шунча шармандаликни қилиб қўйгандан кейин ҳам, сиз китобингизнинг идеяси тўғрилигига ишонтирмоқчи бўласиз-а! Йўқ. Агарда сиз шайтон йўлини эмас, балки чинакам ҳақ йўлни тутишга азм қилганингизда, помещчик муҳлисингизга тамоман бошқа нарса ёзган бўлар эдингиз. Сиз унга ёзган бўлар эдингизки, сенинг деҳқонларинг ҳам Исонинг умматлари бўлиб, сенинг биродарларингдир; демак, биродарнинг биродарга қул бўлиши мумкин эмас, бинобарин, сен ўз биродаринг деҳқонларни ё озод қўйишинг керак ёки, ҳеч бўлмаганда, деҳқонларнинг меҳнатидан уларга бирмунча имтиёз бериб фойдаланишинг керак ва чин виждонинг блан ўйлаб, деҳқонларга нисбатан ўзингни баланд олиб юришинг ноҳақ эканлигини билмоғинг керак.

Хўш «қараб тур, сен ювуқсиз башара!» деган гапингизчи! Хўш, шундай ҳам ўз хўжайинларининг сўзига

ишюниб ўзларини одам қаторида ҳисобламовчи ва шу сабабдан ювинмасдан юручи мужикларга бу гапни ибрат ва панду насиҳат бўладиган катта кашфиёт деб бутун халойиққа етказмоқ учун қайси Наздрёв ва қайси Собакевичдан эшитган эдингиз? Хўш, Россиядаги суд ва жазо ҳақидаги тушунчангиз-чи! Бу суднинг идеали қилиб Пушкин повестидаги бир аҳмоқ хотиннинг сўзларини олибсизки, унинг фикрича, гуноҳсизни ҳам, гуноҳқорни ҳам бараварига калтаклаш лозим бўлар\*. Дарвоқи, бизнинг мамлакатда кўпинча шундай қилинади, хусусан кўпроқ фақат гуноҳсиз киши жазоланади. Агар у бирон нима блан ўзини жиноятдан халос қилаолмаса — айбсиз айбдор бўлиб қолаверади! Хўш, шундай бир китоб виждоннинг қаттиқ қийналишидан, ақлу хушнинг жуда равшанлигидан ҳосил бўлиши мумкинми? Мумкин эмас! Ё сизнинг тобингиз қочибдир, шунинг учун тезроқ даволанишингиз лозим бўлар ёки... фикримни тамом айтишга жур'атим етмаётир!..

Калтак ва зулм апостоли, нодонлик ва жоҳиллик муҳтиси, ма'рифат душманлари ва мутаассибларнинг ҳомиси, ваҳшиёна жабру зулм одатларига ҳамду сано айтучи — қиладиган ишингиз шу бўлдимиз энди! Оёнгиз остига бир қарангчи, тагсиз жар ёқасида турибсиз-ку, ахир... Бундай та'лимотни православ черковига таяниб тарғиб қилишингизнинг сабабику менга ма'лум, чунки православ черкови ҳамиша зулм, калтак таянчи бўлиб, мустабид ҳокимиятга лаганбардорлик қилиб келган, лекин сиз Исони бунга нега аралаштириб юрибсиз? Черков блан, хусусан православ черкови блан Исо орасида бирон алоқа борлигини кўрдингизми? Исо озодлик, тенглик ва биродарлик та'лимотини одамларга энг олдин башорат берган эди ва азоб-уқубатлар тортиб ўз та'лимотининг ҳақиқатли-

---

\* Гогольнинг «Қишлоқ суди ва жазо» деган боби Пушкиннинг «Капитан қизи» деган асарида ёзилган қуйидаги сўзларни далил келтириш блан тамомланади: «Иван Игнатъич! — деди капитан хотини филай чолга қараб. — Прохоров блан Устиньяни текшириб кўр, ким ҳақ, ким гуноҳқор эканини билу, икковига ҳам жазо бер».

тини дилларга жо қилган эди. Бу маслак то черков шаклига кириб, дин ақидаларини тузишга асос бўлганга қадаргина одамларга *халоскор* бўлиб келди. Черков эса, бир-бирига фармонбардорлик қилучи руҳонийлар идораси бўлиб, бинобарин, тенгсизлик ҳомиси, ҳокимлар лаганбардори, одамлар орасидаги биродарлик душмани ва бу биродарликни йўқ қилучи бўлиб майдонга чиқди ва ҳозирга қадар ҳам у шундай бўлиб келмоқда. Аммо ўтган асрда фалсафа соҳасида бўлган ҳаракат Исо сўзларининг ма'носини очиб берган эди. Ҳажв-мазах қуролини ишга солиб Европада мутаассиблик ва жоҳиллик алангасини сўндирган Вольтер каби киши, албатта, жону тани ва бутун вужуди блан Исонинг мухлиси бўлиб, сизнинг шарқ ва ғарбдаги попларингиз, архиерейларингиз, митрополитларингиз ва патриархларингизга қараганда унинг Исога ихлоси баландроқдир! Наҳотки сиз буни билмасангиз? Ахир, бу ҳозир ҳарбир гимназия ўқучиси учун ҳам янгилик эмаску... Сиз «Ревизор» ва «Ўлик жонлар» нинг автори бўлатуриб, наҳотки манфур рус руҳонийларини католик руҳонийлардан беқийёс даражада юқори қўйсангиз-да ва уларга чин қалбдан муножот ўқисангиз? Масалан, католик руҳонийлари бир замонларда 'унча-мунча иш қилганидан, аммо рус руҳонийлари эса киборлар ва золагонлар ҳокимиятига лаганбардорлик ва қулликдан бошқа ҳечбир иш қилмаганидан сизнинг хабарингиз йўқ, деб фараз қилайлик; аммо рус жамияти ва рус халқи бизнинг руҳонийларимизга ёппасига нафрат блан карашларини наҳотки сиз ҳақиқатда билмасангиз-а? Рус халқи кимлар ҳақида энг қабиҳ эртақларни айтади? У бундай эртақларни поп ҳақида, попнинг хотини ҳақида, попнинг қизи ва хизматкори ҳақида айтади. Рус халқи, воти бузуқ, қорни катта айғирлар, деб кимларни айтади? Попларни... Россиядаги барча руслар еб тўймасликка, хасисликка, лаганбардорликка ва шарм-ҳаёсизликка мисол қилиб попларни олмайдиларми, ахир? Гўёки, буларнинг ҳечбири сизга ма'лум эмас? Ғалати! Сизнингча рус халқи дун'ода энг диндор халқдир, ёлғон! Диндорликнинг асоси пиэтизм, тоат-ибодат, художўйлик ва худодан қўрқишдан иборат.

Рус кишиси эса орқасини қашилаб худони тилга олади. Рус кишиси бут ҳақида: *керагида чўқинамиз, керакмаганда хурмагага қопқоқ қиламиз* дейди.

Яхшироқ зеҳн солиб қарасангиз, бу халқ зоту зурриёти блан атеистик халқ эканига ишонасиз. Бу халқда ирим-чирим, бид'ат-хурофот кўп, аммо диндорликдан асар ҳам йўқ. Маданият самаралари кучайган сари бид'ат-хурофот йўқолаборади-ю, аммо диндорлик кўпинча маданият самаралари блан бирлашиб кетади; бунга Франция равшан мисолдир; Франциядаги ма'рифатли ва ўқимишли кишилар орасида ҳозир ҳам кўпгина ихлосманд католиклар бор, унда кўп кишилар христиан динидан қайтган бўлсалар-да, ҳали ҳам қандайдир худога қаттиқ э'тиқод қилиб юрадилар. Рус халқи бундай эмас, динга шайдо бўлиш унинг мижозига тўғри келмайди; бу хусусда унинг ақл-идроки жуда баланд, фикри равшан ва мияси соғломдир; келажакда унинг ҳаётида жуда катта тарихий воқиялар бўлиши, балки, шундандир. Рус халқида ҳатто руҳонийликка одатланиш ҳам бўлмаган, чунки хилватда маскан қилиб хомуш ва ма'юслик блан тақводорлик қилучи бирнеча айрим шахслар бунга сра далил бўлаолмайди. Биздаги руҳонийларнинг кўпчилиги эса ҳамиша қорни катта, қуруқ ақидапараст ва ўтакетган нодон кишилар эди, холос. Биздаги руҳонийларни динга беқарорлик ва фанатизмда айб-лаш хато; аммо уларни, динга беқайд ва бепарво бўлганлари учун мақтамоқ мумкин. Бизда диндорлик ажралишиб айрим-айрим э'тиқод йўлига кириб кетган мазҳаблардагина кўринар эди; бу мазҳаблар халқ оммасига руҳан жуда қарама-қарши бўлиб, улардаги диндорлар сони халқ оммасига нисбатан ниҳоятда кам эди.

Рус халқи ўз ҳукмдорлари блан меҳрибондир, деб айтган мадҳияларингиз тўғрисида сўзлаб ўтирмайман. Очигини айтсам, бу мадҳиянгни ҳечбир киши ма'қул топмади ва у, ҳаттоки бошқа жиҳатлардан сизнинг фикрингизга жуда яқин бўлган кишилар олдида ҳам сизни бевурд қилиб қўйди. Шахсан ўзим эса, муста-бид ҳукуматнинг илоҳий жамолини тамоша қилиб,

маҳлиё бўлиб юришни виждонингизга ҳавола қиламан (мустабид ҳукумат ювошдир ва айтишларича, унинг сизга манфаати ҳам бордир), бу ҳукуматни фақат *йироқдаги гўзал жойингизда* туриб оқилона тамоша қилаверинг; яқиндан қараганда у, унчалик гўзал ҳам, унчалик беҳатар ҳам эмас... Фақат шу нарсани айтиб ўтаманки, европали кишида, айниқса католик динида бўлган кишида диний ҳиссиёт хуруж қилган тақдирда у, ер юзидаги зўравонларнинг жабру зулмини фош қилган яҳудий пайғамбарлари сингари, ноинсоф ҳокимиятини фош қилучи бўлади. Бизда эса бунинг тескарисини қилинади. Чунончи: бизда бирон киши (ҳатто кўзга кўринган киши) психиатор врачлар орасида *religeosa mania\** номи блан машҳур бўлган касалга йўлиқиб қолса, шу ондаёқ у осмондаги худодан кўра ердаги худога тан беради ва ҳатто мақташни жуда ҳам ҳаддан ошириб юборадик, жону жаҳди блан бу қадар лаганбардорлик қилгани учун ердаги худо уни мукофотламоқчи бўлади-ю, броқ жамоат олдида ўз эътиборини йўқотиб қўйишдан қўрқиб, бу фикридан қайтади... Жуда ҳам айёр бўлиб кетибмиз биз руслар!

Ҳа, айтгандай, сиз ўз китобингизда катта ва шубҳасиз бир ҳақиқатни айтган бўлиб оддий халққа хатсаводнинг фойдаси эмас, балки фақат зарари тегади, дебсиз. Бу гапингизга яраша сизга нима демоқ керак? Агар сиз бу фикрни фақат қоғозга ёзиб берган бўлсангизу, лекин нима деганингизни ўзингиз пайқамай қолган бўлсангиз, у ҳолда бу византияча фикрингиз учун Византиядаги худоингизнинг ўзи кечирсин... Эҳтимол, сиз айтарсизки: «балки, мен янглишган бўлай ва менинг фикрларим ҳам нотўғри бўлсин, хўш, мени нега янглишмоқ ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчи бўладилар ва менинг янглиш йўлга кирганлигимнинг беғаразлигига нега ишонгулари келмайди?» Сизга жавобан шуни айтаманки, бундай таълимот Россияда янгилик бўлмай қолганига анча вақт бўлди. Бурачёк\*\* ва унинг муридлари ҳатто яқиндагина бу

\* Диний васваса касали.

\*\* *Бурачёк* — «Маяк» журналининг муҳаррири.

та'лимотни жуда такомилига етказиб қўйган эдилар. Бурачёклар асарларига нисбатан сизнинг китобингизда ақл ва ҳатто таланг бирмунча ошироғу, лекин жуда ҳам кўп эмас. Аммо Бурачёклар сиз блан улар учун бир бўлган талантни катта ғайрат ва сабот блан ривожлантириб, дадиллик блан оқибат натижаларига бориб етдилар, топган-тутганларининг ҳаммасини Византия худоларига ҳад'я қилиб, шайтонга ҳечнима қолдирмадилар. Сиз эса Византиядаги худойингизга ҳам, шайтонга ҳам биттадан шам ёқмоқчи бўлиб, саркалавангизни йўқотиб қўйибсиз. Масалан, сиз Пушкинни, адабиётни ва театрни ёқлаб келган эдингиз, сизнинг фикрингизча (агар сизда саботли бўлмоқ учун виждон бўлса эди) улар жонни халос қилишга сра ёрдамлашаолмайдилар, балки жоннинг қийналишига кўпроқ ёрдамлашадилар... Ахир, Гогольни Бурачёк блан бараварлаштириш фикри кимнинг миясига сигаоларди? Сиз ўзингизга жуда ҳам ортиқча ишониб, бу хил фикрлар беғаразлик блан айтилган десам, рус халқи менга ишонаверади, деб ўйлабсиз. Тентакларга табиий бўлиб кўринган нарса ақлли кишига шундай бўлиб кўриниши мумкин эмас. Ба'зилар сизнинг китобингизни мия айниб, ақлдан озиш даражасига етганлиги натижасидир, деб ўйламоқчи ҳам бўлдилар. Лекин улар тезда бу фикрдан қайтдилар, чунки бу китоб бир кун, бир ҳафта, бир ой ичида эмас, балки бир-икки йил ёки уч йил ичида ёзилган бўлиши аниқ; унда фикрлар бир-бирига боғланган; пала-партиш тарзда ёзилган гаплар орасида чуқур ўйлаб ёзилган фикрлар ҳам учрайди; ҳукмдорлар ша'нига айтилган муножот эса худопараст авторнинг бу дун'ёда мартабасини улуғ қилади. Шунинг учун Петербургда, Гоголь тахт ворисининг ўғлига мураббий бўлмоқ мақсадида шу китобини ёзган эмиш, деган овоза ҳам тарқалди!... Бундан аввал Петербургда сизнинг Уваровга ёзган хатингиз ма'лум бўлган эди. Бу хатингизда Сиз, Россия тўғрисидаги асарларимга бошқача ма'но бермоқдалар, деб афсус-надомат қилибсиз; сўнгра илгари ёзган асарларингиздан норозилигингизни билдириб, менинг асарларимдан фалон киши қаноат



ҳосил қилган тақдирдагина мен ҳам қаноат ҳосил қиламан ва ҳоказолар, дебсиз. Энди ўзингиз ўйлаб кўрингчи, бу китобингиз халойиқ олдида сизнинг ёзучилик ва айниқса одамгарчилик э'тиборингизни тушириб қўйганига ажабланиш мумкинми?

Назаримда Сиз рус халқининг кимлигини яхши билмайдиганга ўхшайсиз. Рус халқи хусусиятининг қандай тарзда бўлиши рус жамиятининг қандай аҳволда бўлишига боғлиқ; бу жамиятда янги навқирон кучлар қайнаб отилиб чиқишга уринмоқда; аммо уларни оғир зулм эзмоқда; ҳечбир нажот тополмагач, улар умидсизланиб, ғамгин бўлиб, оқ тортиб ётмоқдалар. Фақат адабиёт, ваҳшиёна цензура бўлишига қарамай, ҳали жон сақлаб, олға қараб ҳаракат қилмоқдадир. Ёзучи деган номнинг бизда бу қадар ҳурматга сазовор бўлишининг сабаби ҳам шудир, ҳатто андак таланти бўлган кишининг ҳам адабиёт соҳасида жуда тез ном чиқаришининг сабаби шудир. Шоирлик номи, адиблик унвони бизда заррин эполетлар ва ранго-ранг мундирлар шуҳратини аллақачон босиб кетган. Шунинг учун ҳам бизда ҳарқандай либераллик йўлини тутган киши, гарчи унинг таланти кам бўлса-да, умумнинг бу қадар кўп э'тиборини қозонмоқда; шунинг учун ҳам православиани истибдод ҳукуматини ва халқдаги мутаассиблик одатларини ҳимоя қилиш йўлида самимият билан ёки холисона хизмат қилмоқ учун жонбозлик қилаётган буюк талант эгаларининг шуҳрати пасайиб бормоқдадир. Бир-иккита лаганбардорлик ше'рларини ёзгани, камер-юнкер либосини кийгани учун халқ муҳаббатидан маҳрум бўлган Пушкин мисоли жуда ибратли эмасми! Агар сиз чиндан ҳам менинг китобим маслағи бузуқлигидан эмас, балки мен томондан барчага ва ҳарбир кишига қарата айтилган ачиқ ҳақиқатлардан э'тиборини йўқотди деб ўйласангиз, катта хато қиласиз. Айтайлик, ёзучи биродарлар ҳақида Сиз шундай деб ўйлашингиз мумкин эди, аммо бу қаторга халойиқ нега қўшилиб қолди? Ажабо, Сизнинг «Ревизор» ва «Ўлик жонлар» деган асарларингизда бу халойиққа қарата айтган гапларингиз бунчалик қаттиқ, бунчалик тўғри, бунчалик ачиқ ва ўткир

эмасмиди? Бу асарларингиз учун халойиқ ҳақиқатан ҳам Сиздан ниҳоятда хафа бўлган эди; лекин «Ревизор» блан «Ўлик жонлар» бу блан э'тиборини йўқотмади: ҳолбуки сўнги китобингиз расвоси чиқиб ер қа'рига кириб кетди. Бу ўринда халойиқ ҳақли, албатта, чунки халойиқ рус ёзучиларини ўзининг ягона йўлбошчилари деб, рус истибдод ҳукуматидан, православиядан ва халқдаги мутаассиблик одатларидан бизни ҳимоя қилучилар деб билади ва шунинг учун, у, ёмон китоб ёзган ёзучининг гуноҳини ҳамиша кечираолади-ю, аммо қасддан зарарли китоб ёзган ёзучининг гуноҳини сра кечирмайди. Бу ҳол бизнинг жамиятимизда, гарчи эндигина туғилиб келаётган бўлса-да, нечоғлиқ тоза ва соғлом туйғу борлигини кўрсатади ва бу ҳол унинг истиқболи очиқлигидан дарак беради. Агар сиз Россияни севсангиз, менга қўшилиб хурсанд бўлинг, китобингиз э'тоборини йўқотганига хурсанд бўлинг!

Бирмунча манманлик қилиб бўлса-да, Сизга айтиб қўяйки, мен рус халқини оз-моз биламан, деб ўйлайман. Мен Сизнинг китобингиз халққа эмас, балки ҳукумат блан цензурага ёмон та'сир қилиши мумкин, деб қўрққан эдим. Петербургда ҳукумат Сизнинг китобингизни бирнеча минг нусха қилиб босиб чиқармоқчи ва жуда арзон нарх қўйиб сотмоқчи эмиш, деган овоза тарқалгач, менин дусларим қайғириб афсусланган эдилар, лекин мен ўша вақтдаёқ уларга нима қилинса ҳам, бу китоб муваффақият қозонолмайди ва тез орада хотирдан чиқиб кетади, деган эдим. Ҳақиқатан ҳам, ҳозир китобнинг ўзи эмас, балки унинг тўғрисида ёзилган мақолалар кўпроқ эса қолган. Дарвоқи', рус кишисида ҳақиқатни сезиш туйғуси, гарчи ривож топган бўлмасада, ҳали анча маҳкамдир.

Сизнинг мурожаатингиз, балки, самимийдир; броқ уни халойиққа ма'лум қилиш тўғрисидаги фикр жуда фожиали бир фикр эди. Соддафаҳмлиқ блан тақводорлик қилиш замонлари бизнинг жамиятимиз учун ҳам аллақачонлар ўтиб кетган. Ибодат қилмоқ ҳамаерда бирдайлигини, Исони ё ҳечқачон ўз кўкрагида тақиб

юрмаган, ёки уни йўқотиб қўйган кишиларгина уни Иерусалимдан қидиришларини бизнинг жамиятимиз энди билади. Бировларнинг тортаётган азобларини кўрганда виждони азобланадиган ва бегона одамларнинг эзилиш даҳшатини кўриб юраги эзиладиган киши Исони кўкрагига тақиб юради ва унга пиёда юриб Иерусалимга боришнинг ҳожати ҳам йўқ<sup>2</sup>. Сизнинг ювош бўлмоқ, итоат қилмоқ тўғрисидаги панду насиҳатларингиз, биринчидан, янгилик эмас, иккинчидан эса, бу панду насиҳатлардан бир томондан катта гурур ва ифтихор сезилиб турган бўлса, иккинчи томондан, одамгарчилик ша'нига иснод келтириб ерга уриш сезилиб турипти. Қандайдир нома'лум ювошлик, итоаткорлик йўли блан ҳаммадан юқори бўлмоқ хаёли ё гурурлик ёки ақли пастлик натижаси бўлиши мумкин,— бу ҳолнинг иккаласи ҳам мунофиқлик, риёкорлик ва лўттибозликка олиб боради. Бунинг устига сиз яна фақат бошқалар тўғрисида беҳаё ифлос сўзларни айтиб қолмай (бу фақат беодоблик бўлар эди, холос), балки ўз тўғрингизда ҳам шундай ифлос сўзларни айтишни лозим топибсизки, бу разилона бир ишдир; чунки ўзига яқин кишининг юзига шапалоқ урган киши фақат ғазабни кўзғотади, аммо ўз-ўзини шапалоқ блан урган киши нафратни кўзғотади. Йўқ, сиз ма'рифат олган киши эмас, балки фақат жаҳолатда қолган кишисиз, холос; сиз ҳозирги замон христиан динининг руҳини ҳам, шаклини ҳам тушунмабсиз. Китобингиздан чин христианлик та'лимоти эмас, балки ўлимдан, шайтондан ва дўзахдан ўлгудек қўрқиш анқиб турипти!

«Ҳарбир киши ҳозир латтаю-лутта бўлиб қолибдир» деган гапингиз нима ва бу қанақа тил? Наҳотки сиз «Всякий» дейиш ўрнига «всяк» десам библия тили блан сўзлаган бўламан деб ўйласангиз? Агар киши бутун вужуди блан сохта ва нотўғри йўлга кириб кетса, ақл ҳам, талант ҳам ундан қочади, деган гап улуг бир ҳақиқат экан! Китобнинг устига номингиз ёзиб қўйилмаганда ва ёзучи сифатида ўз ҳақингизда айтган сўзларингиз ундан чиқариб ташланганда, бу бемаза, уйдирма сўзлар ва дабдабали иборалар

«Ревизор» ва «Улик жонлар»ни ёзган кишининг аса-ри, деб ким ўйлар эди?

Шахсан ўзим тўғримда сизга яна қайтариб айтаманки, менинг мақоламни танқидчиларингиздан бири сифатида менинг ҳақимда айтган гапларингизнинг алаmidан ёзилган, деб билиб хато қилгансиз. Менинг ҳақимда айтган гапингиздан жаҳлим чиққанда, фақат шу тўғридагина жаҳл блан сўзлаб, бошқа хусусларда вазминлик блан холисона сўзлаган бўлар эдим. Сизнинг ўз муҳлисларингиз ҳақида айтган гапларингиз ҳақиқатда жуда ва жуда ёмон гап. Бирон аҳмоқ мени мақтаб менга қойил қолмоқчи бўлиб мени кулгили бир аҳволга солиб қўяр экан, бундай аҳмоқни баъзан турткилаб қўйиш зарурлиги бошқа гап, аммо бу турткилаш ҳам оғир бир нарса, чунки ҳатто ёлгон-дакам меҳрибонлик қилган кишига адоват қилиб юриш ҳам одамгарчилик нуқтаи назаридан ўнғай эмас. Броқ сиз кўзда тутган кишилар гарчи жуда ақлли одамлар бўлмасада, ҳарҳолда аҳмоқлар ҳам эмас эди. Бу кишилар ўз ишлари ҳақида айтилган фикрларга нисбатан эҳтимол сизнинг ижодларингизга таажжубланиб, кўпроқ шов-шув солгандирлар: лекин шундай бўлса-да, уларнинг сизга бўлган шавқ-завқи соф ва асл чашмалардан чиқади, шунинг учун бу кишиларни уларга ҳам, сизга ҳам баббаравар душман бўлган кишиларга тутиб беришингиз ва бунинг устига уларни сизнинг асарларингизга нотўғри ма'но беришда айблашингиз мутлақо лозим эмас эди. Сиз, албатта, бу ишни ўз китобингизнинг асосий мазмунига маҳлиё бўлиб пухта ўйламасдан қилгансиз, аммо аристократияда князу, адабиётда қул бўлган Вяземский эса сизнинг фикрингизни қувватлаб, сизнинг муҳлисларингизга (демак, айниқса, ҳаммадан кўпроқ менга) нукул туҳматдан иборат мақоласини бостириб чиқарди<sup>3</sup>, у, эҳтимолки, бу ишни сизга миннатдорлик юзасидан қилгандир, чунки сиз нўноқ қофиябозни, янглишмасам, «аталадай суюқ ше'ри» учун улуғ шоир деб мақтаган эдингиз. Бу ишларнинг ҳаммаси ножўя. Сизнинг талантингиз муҳлисларига ҳам тан берадиган (мағрурона итоаткорлик блан ўз душманларингизга тан берган-

дан кейин) пайтингиз келишинигина кутиб турганингизни мен билмабман ва била ҳам олмас эдим, тўғриси айтсам билгим ҳам келмас эди. Менинг кўз олдимда сизнинг қандай ниятингиз борлиги эмас, балки сизнинг китобингиз турган эди, мен уни ўқиб ва юз марта қайта-қайта ўқиб чиқсам, унинг ичида ёзилгандан бошқа ҳечнарсга тополмадим, унинг ичида ёзилганлар эса, менинг кўнглимга қаттиқ ҳақорат бўлиб туюлди ва мени газабга келтирди.

Агар мен ўз туйғуларимни эркин қўйиб юборганимда, бу катта бир дафтар бўлиб кетарди. Гарчи виждоним қийналиб сизга шу ҳақда ёзмоқни жуда истаган бўлсам-да ва сизга ҳечбир такаллуф қилмай, фақат ҳақиқатни андиша қилиб, ёпиқ хат ёзиш ҳуқуқи ҳаммага ва ҳарбир кимсага берилган бўлса-да бу нарса тўғрисида сизга хат ёзишни ҳечвақт хаёлимга келтирмаган эдим... Россияда турганимда мен бу ишни қилаолмасдим, чунки у ердаги «Шпекинлар»<sup>4</sup> бировларнинг хатини фақат ўқиб кўриш учун эмас, балки ўз вазифаларини бажармоқ учун, яъни хабаркашлик қилиш учун очиб ўқийдилар. Лекин бу йил ёзда бошланган сил касали мени чет элга кетишга мажбур қилди, сизнинг хатингизни Некрасов менга Зальцбруннга юборди. Бугун мен Зальцбрунндан Аненков билан бирга Майн бўйидаги Франкфурт орқали Парижга жўнайман. Кутилмаганда хатингизнинг келиб тегиши китобингиз важдан сизга қарши юрагимда тўлиб ётган гапларнинг ҳаммасини сизга айтишга имкон берди. Мен гапни чала айтиб ярмини ютишни ҳам, муғомбирлик қилишни ҳам билмайман: бу менинг мижозимга тўғри келмайди. Майли, сизнинг тўғрингизда айтган фикрларим хато эканлигини сизми ёки замоннинг ўзими менга исбот қилиб берсин. Мен бунга биринчи хурсанд бўламан-у, аммо сизга айтган гапларимга пушаймон бўлмайман. Бунда гап менинг ёки сизнинг шахсиятингиз устида эмас, балки мендан ва ҳаттоки сиздан азизроқ бўлган нарса устида бораётир; бунда гап ҳақиқат устида, рус жамияти устида, Россия устида бораётир.

Охирда айтадиган сўзим шуки, модомики сиз мағ-

рурона бўйсуниб, ҳақиқатан улуғвор асарларингиздан  
воз кечиш каби бахтсизликка учраган экансиз, бас  
эндиликда самимият блан бўйсуниб сўнгги китобингиз-  
дан ҳам воз кечишингиз ҳамда бу китобни бостириб  
чиқариб қилган оғир гуноҳингизни ювмоқ учун илга-  
риги ижодкорлигингизга ўхшаган янги ижодлар қил-  
моғингиз лозим.

1847 й. 15 июль.  
Зальцбрунн



# ИЗОҲЛАР





### ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ

*«Ватан мактублари», 1840, X том, VI китоб, V бўлим, 1—38 бет  
(1840 йил 14 июньда цензура рухсат этган). И м з о с и з.*

Лермонтовнинг тарихий ёлғизлиги тўғрисидаги афсонани совет адабиётшунослари ечиб берди. Лермонтов — Белинский, Огарев, Герценнинг замондоши, 30—40-нчи йиллар авлодининг шоиридир. Лермонтов ва унинг поэзияси — декабристлар блан Чернишевский, Некрасов даври ўртасида боғловчи ҳалқадир. Белинский биринчи бўлиб, Лермонтовнинг ҳақиқий тарихий ўрнини ва унинг поэзиясидаги гражданлик пафосини тушуниб олди. П. В. Анненковнинг кузатишича, Лермонтов Белинскийнинг такомиллашувига жуда катта таъсир кўрсатган. Унинг «мудҳиш россия воқи'лиги»га нафрат блан тўлган поэзиясида актив норозилик учун жўшқин эҳтирос бор эди ва ана шу поэзия Белинскийга ўзидаги «келишучиликни» енгилга ёрдам қилди. Бу тўғрида Анненков бундай деб ёзган эди: «Лермонтов поэзиясининг характери танқидчининг вақтинчалик бўлган кайфиятига зид келганлигига қарамай, ёш шоир ўз талантининг кучи ва дадил ифодаси блан тинмай танқидчини ҳаяжонлантирар, кураш майдонига чақирар ва ғашига тегар эди. Лермонтов Белинскийни ўзи блан курашга тортар эди ва бу кураш бизнинг кўз олдимизда воқи' бўлиб турар эди» («Адабий хотиралар», 1928, 247 бет)

1840 йил 16 апрельда Белинский Боткинга бундай деб ёзган эди: «...Айтгандай, Лермонтовнинг повести чиқди. Ажойиб талант! Ёш-ғўр, аммо, лекин бадий элемент ёш поэзиянинг кўпиклари

орасидан, турмушга суб'ектив-киборлик назар блан тор қарашдан ана шу тариқа ёриб ўтмоқда. Яқинда мен у қамалиб ётган жойга бордим (Барант блан дуэль қилгани учун Лермонтов Ордо-нанс-Гаузда гауптвахда ётиб чиқди) ва биринчи марта у блан самимий сўзлашдим. Унинг руҳи шундай зўр ва жуда кучли! У сан'атга жуда тўғри қарайди, нафосатга бўлган ва бевосита соф диллини айтмайсизми! О, Буюк Ивандан бошлаб у рус шоири бўлади!»

Реакцион танқидчилар Лермонтовнинг романини қаҳр-ғазаб ва ҳужум блан қарши олдилар, улар Печорин образини ҳозирги авлодга туҳмат деб қарар эдилар. Булгарин сиртдан романга ижобий баҳо берган бўлиб, бундай деб ёзган эди: «Романнинг асосий иштирокчиси Печорин янги ва илгари кўрилмаган шахс эмас: Печорин рус турмуши ва рус жамияти учун типик эмас. Ғарб бу совуқ вужудларни юзага чиқарган ва уларга эгоизм маразини юқтирган! («Северная пчела» 1840, № 246). Бу фикрни Шевиров «Москвитянин»да ва кейинроқ Сенковский «Ўқиш кутубхонаси»да такрорлаган эди.

Белинский айтган эдики, Печорин — замоннинг ҳақиқий қаҳрамонидир. Лермонтовнинг романи — «замонамиз тўғрисидаги қайғули ўйдир» деб ёзган эди Белинский. Унинг фикрича, Лермонтов «ҳозирги замоннинг муҳим масалаларини ажрим қилучи» бўлиб майдонга чиқади. Белинский, Лермонтов, Печорин образида «асримизнинг» танқидий руҳини гавдалантиради, деган фикрни ишора қилиб ўтади.

Шуниси ажойибки, бу пайтда Белинский ижобий қаҳрамон проблемасини Россиядаги озодлик ҳаракатининг тақдири масаласи блан маҳкам боғлайди. У ёзадики, Печориннинг қайғу-ҳасрати, унинг теварак-атрофидагилардан қаноатланмаслиги «руҳнинг ўткинчи ҳолатидир, киши бундай ҳолатда бўлганида унинг кўзига ҳамма эски нарса емирилиб кетган, янги нарса эса ҳали мавжуд эмасдек кўринади, бу янги нарсада киши фақат келажакдаги воқе'ий бир нарсанинг имкониятидир, холос...»

Бу мақола бу даврда танқидчининг дун'ё қарашида анчагина силжиш рўй берганлигини кўрсатади. Унинг ўзи, мен ўз позицияларимнинг ўткинчилиги ва ноаниқлиги туфайли «ўртача йўл» тутишга ҳаракат қилдим, деб кўрсатади; лекин мақоланинг иккинчи ярмида асарни ижтимоий планда талқин қилабошлайди, буни биз қуйида кўрамыз: «...Менинг Лермонтов ҳақидаги

2-нчи мақолам (я'ни «Замонамиз қаҳрамони» тўғрисидаги мақо- ланинг иккинчи ярми) сенга ёққан бўлса, жуда хурсандман, деб ёзади у 1840 йил 12 августда В. Боткинга. — Мақоланинг юмшоқроқ оҳангда ёзилганлиги — руҳий ҳолатимнинг натижаси- дир. Мен ҳечнимани на тасдиқлайоламан, на инкор қилаоламан ва чор-ночор ўртача йўл тутишга ҳаракат қиламан. Зотан, менинг келгусида ёзиладиган мақолаларим илгаридан яхшироқ бўлиши керак: Лермонтов ҳақидаги 2-нчи мақолам уларнинг бошланишидир. Мен сан'ат назариясидан яна ҳаётга юз ўгириб, ҳаёт тўғрисида сўзламоқчиман...»

<sup>1</sup> Асарларнинг «беллитристик» ва «бадий» асарга бўлиниши Белинскийнинг сан'атнинг ижтимоий йўналишини тушунишида олға қараб қўйилган янги қадамдан дарак беради. Орадан бир- неча йил ўтгандан кейин Белинский «натурал мактаб» учун курашда бу фикрни янада кўпроқ ривожлантиради.

<sup>2</sup> Загоскиннинг «Юрий Милославский» деган асари. Белин- ский Загоскиннинг расмий-ватанпарастлик романларига И. И. Лажечниковнинг тарихий романларини қарама-қарши қилиб қўйган. «Торквато Тассо» — Кукольникнинг драмаси.

<sup>3</sup> Гоголь мақолаларидан ташқари, 1836 йилда «Современ- ник»да «Коляска», «Ишлик кишининг эртаси», «Бурун» деган асарларини, 1837 йилда эса «1836 йилги Петербург хотиралари», деган асарни бостириб чиқарди. Гогольнинг ўзи Плетневага, Пушкин вафот қилгандан кейин, мен «Улик жонлар»ни ёзишга жуда зўр бериб киришдим, деб ёзган («Н. В. Гогольнинг хат- лари», I том, 432 бет). Белинский айтган миш-миш гаплар «Улик жонлар»га тааллуқли эди; Гоголь бу асарни 1841 йил- нинг сентябрида Россияга келтирган эди.

<sup>4</sup> «Алоҳида мақола» — эҳтимол, «1840 йилдаги рус адабиёти»- нинг обзори бўлса керак.

<sup>5</sup> Кольцов тўғрисидаги кириш мақолага қаралсин. Кольцов- нинг асарлари «Телескоп», «Московский наблюдатель», «Совре- менник» ва бошқа нашрларда босилган.

<sup>6</sup> В. Красов — Станкевич ва Белинский тўғрагида иштирок қилган шоир; кўп асарлари «Телескоп», «Молва» ва «Московский наблюдатель»да босилган.

<sup>7</sup> Станкевич тўғрагида иштирок қилган шоир И. П. Ключ-ников «Ө(фита) фирмаси остида» ёзар эди. Унинг ше'рлари «Московский наблюдатель»да (1828—1839), «Ватан мактублари»- да (1839—1840) ва «Современник»да (1840) босилган. Унинг бу

тахаллуси феос» (худо) деган ҳазил лақабдан келиб чиққан, бу лақаб унга тўгарак а'золари томонидан берилган.

<sup>8</sup> Бирмунча кейинроқ, 1842 йилда, Белинский бундай деб ёзган эди: «Айтгандай, И. П. Ключников тўғрисида»: у пиетист эмас, нуқул балиқнинг ўзгинаси... Гапимга ишонсанг, Боткин, бу одам ба'зан жуда жирканч бир киши бўлиб қолади» (1842 йил 14 мартда ёзилган), 1843 йилда эса, у яна қаттиқроқ қилиб, бундай деб ёзган эди: «...Менинг олдимга ким келса, фақат Ключниковнинг бемаза ше'рларидан зорланади, ўзи ҳам жуда галати табиатли киши» (1843 йил 3 апрельда Боткинга ёзилган хат).

<sup>9</sup> Жуковскийнинг «Ғолиблар тантанаси» деган асаридан олинган цитата (Шиллердан таржима).

<sup>10</sup> Бунда Белинский янглишади. Лермонтовнинг асарлари матбуотда дастлаб 1835 йилда босилган («Ҳожи Абрик» асари «Ўқиш кутубхонаси»да босилган, 1835, XI том). 1837 йилда «Современник» да «Бородино» асари босилиб чиқди. 1836 йилда Бернетнинг «Елена» деган поэмасига берган рецензиясида Белинский бундай деб ёзган: «Бу қўшиқ авторининг номини билмаймиз («Подшо Иван Васильевич, навқирон ясовул ва азамат савдогар Қалашников тўғрисида қўшиқ» устида сўз боради)... лекин адабиётимиз кучли ва ўзига мустақил исте'додга эга бўлмоқда десак, ёлғончи фолбинлар аҳволига тушамиз деб қўрқмаймиз» (Асарларнинг мукамал тўплами, III том, 394 бет).

<sup>11</sup> «М. Лермонтовнинг ше'рлари» ярим йилдан кейин босилиб чиқди ва бу тўғрида Белинский катта мақола ёзди.

<sup>12</sup> 1839 йилда «Московский наблюдатель»да Белинский «Ватан мактублари»да босилиб чиққан «Бэла»га гоят катта баҳо берди: «Жаноб Лермонтовнинг ажойиб повестини ўқиш кўп кишиларга яна фойдалироқ бўлиши ва жаноб Марлинскийнинг повестларини ўқишга зидди-заҳар бўлиши мумкин» (Асарларнинг мукамал тўплами, IV том, 272 бет). «Ватан мактублари»нинг дастлабки икки китобида 1839 йилда «Ўй» ва «Шоир» деган ше'рлар босилган.

<sup>13</sup> Белинский мунофиқ ва савдогар Америкага жуда салбий назар блан қарар эди. У Бакунинг бундай деб ёзган эди: «Пятигорскда турганимда мен жуда кўп романларни қайтадан ўқиб чиқдим ва улар орасида Купернинг бирнеча романини ўқидим. Шу романлардан Шимолий Америка жамиятларининг касалини тамоман тушуниб олдим: менинг балчиқ ва чалчиқ ҳидидан

қотиб қолган, лекин ҳали совумаган қоним бу разил-эҳсон-кор ва ҳалол савдогарлар жамиятига қаҳр-ғазабимнинг зўридан жўшга келди...» («Хатлар» I қисм, 114 бет).

14 Прозаик сифатида Пушкинга етарли баҳо бермаслик Белинский учун характерлидир.

15 Янглиш фикр: Лермонтов 30-нчи йиллардаёқ, ўзининг «Ешлик драмалари»ни ёзган эди: «Испанлар», „Menschen und Leidenschaften“, «Ғалати одам», «Икки оғайни». 1835 йилда «Маскарада» ёзилган (1842 йилда босилиб чиққан). Лекин, Лермонтов «драмагача етиб бориши» мумкин, деган тўғри фикр характерлидир.

16 Вальтер Скотт романларининг номи («Ивангое» — «Айвенго»).

17 Белинский, афтидан Вернернинг прототиби доктор Мейер блан учрашганига ишора қилади; бу доктор блан у Пятигорскда танишган.

18 Пушкиннинг «Фаустдан саҳналар» деган асаридан цитата.

19 Белинский Марлинскийга ва унинг повестлар тўпламига ишора қилади.

20 «Евгений Онегин»дан цитата (VIII боб, XXVII строфа).

21 «Евгений Онегин»дан цитата (VIII боб, XI строфа).

22 «Евгений Онегин»дан цитата (VII боб, XVII строфа).

23 Бунда сўз Булгариннинг қайғули «машхур» мақоласи устида боради («Северная пчела», 1830, №35); бу мақолада Булгарин Пушкиннинг таланти бутунлай тушиб кетди, деб жар солган эди.

24 «Евгений Онегин»дан цитата (VII боб, XXIV строфа).

25 «Евгений Онегин»дан цитата (VIII боб, VIII строфа).

26 Варнгаген фон Энзенинг Пушкин тўғрисидаги мақоласидан олинган цитата деярлик айнан олинган («Ватан мактублари»да, 1839, III том, илова 17—18 бетлар).

#### П О Э З И Я Н И Н Г Х И Л В А Т У Р Л А Р Г А Б У Л И Н И Ш И <sup>1</sup>

«Отечественные записки», 1841, XV том, № 3 11 бўлим, 13—64 бетлар.

(Цензура рухсати — 28 февраль, 1841.) Имзо — В. Белинский.

Белинский 1841 йилда «Рус адабиётининг назарий ва танқидий курсини» ёзмоқчи бўлди. Тарихий-назарий курсни ёзиш нияти танқидчини аллақачонлардан бери ҳаяжонга солиб юрар эди. Белинскийнинг бу-планлари унинг адабий-танқидий кураши

<sup>1</sup> Бу изоҳли *Рустам Комилов* таржима қилган.

блан чамбарчас боғлиқдир. Унинг немислар учун адабиёт тарихи ёзиш нияти ҳам худди шундайдир. Бу асар ўз олдига Кенигинг «Рус адабиётида образлар» китобидаги рус адабиёти тарихига «Шевиров — Мельгуновча» қарашни фош этиш вазифасини қўйган эди.

Худди шунинг учун Белинский ўзининг бу мақоласида ҳам классицизм ва романтизм сарқитларига қақшатғич зарба беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Белинский 1841 йил биринчи мартаги Боткинга юборган хагида шу мақолани баҳолаб қўйидагиларни ёзган эди: «Агарда мен поэзия назариясини бермасам, эскиликни ҳалок этаман, бизнинг риторика, пиитика ва эстетикамизни бир отишда ўлдирган бўламан,— ахир, бу ҳазил эмасми. Шунинг учун ҳам ўзимнинг номусли исмиمنى мамнуният блан ҳақоратларга рўпара қиламан».

Белинский ўз асарининг ба'зи бўлимлари учун Рётшер мақолаларининг материалларидан, Катковнинг «дафтарчалар»идан фойдаланди, уларда Гегель эстетикасининг конспектлари бор эди. (Булардан «лирик поэзия» ҳақида деган бўлими учун фойдаланди). Аммо буларнинг ҳаммаси Белинскийнинг умумий концепцияси руҳида бутунлай қайтадан ишлаб чиқилган эдики, Белинский бу концепциясини шу даврдаги мақолаларида ривожлантирмоқда эди.

Белинскийнинг ўзи кўрсатишича, «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» мақоласининг вазифаси классицизм поэтикасининг догматик ва формалистик томонларини танқид қилишдан иборат эди. Классицизм поэтикаси учун хил ва жанрларга бўлиниши — абадий ва тарихдан ташқарилик романтик поэтикага ҳам хосдир. Шеллинг ҳамма жанрларни ўз ичига олучи «синтетик» сан'ат ҳақидаги та'лимотга асосланган эди. Белинский поэтик хил ва турларга тарихий нуқтан назардан қарашни унга қарама-қарши қилиб қўяди. Белинский бу мақолаларни шу қадар кенг қўламда қўйиши диққатга сазовордир.

Поэзиянинг лирика, эпос ва драмага мавҳум равишда бўлиш Белинскийга бегонадир. У адабиёт турларининг бири иккинчисига ўтиб туришини та'кидлайди: масалан, лиризм—драманинг ҳам, эпоснинг ҳам, лириканинг ҳам умумий хусусиятидир. Иккинчи тсмондан, грекларнинг драмаси ўзининг эпик характери блан ажралиб туради, янги замон драмалари эса кўпроқ лиризм блан ажралиб туради. Белинскийда буларнинг ҳаммаси ё у ё бу давр блан боғлиқдир.

Белинский эпоснинг пайдо бўлишини қадимги ижтимоий муносабатнинг хомлиги блан боғлайди. У лирикага айрим шахс блан коллектив ўртасида махсус муносабат пайдо бўлиши сифатида қарайди.

Белинский учун драма сан'атнинг энг олий жинси бўлиб қолишига қарамай, у қисса жанрларини, хусусан роман жанрини алоҳида уқдириб ўтади. У роман жанрига «янги даврнинг эпопеяси» сифатида қарайди. Белинский сан'ат чегараларининг борган сари кенгайиши ва янги жанрларнинг равноқ топиши назариясини сан'атнинг ҳалок бўлиши ҳақидаги романтик да'вога қарши кўяди.

1 (135-бет). Жан Поль — немис ёзучиси Рихтернинг адабий таҳаллуси. Уттизинчи йилларда унинг асарлари жуда шуҳрат қозонган эди. Цитата Рихтернинг «Vorschull der Aesthetik» асаридан.

2 (136-бет). Цитата Шекспир «Гамлет»ининг Н. Полевой томонидан қилинган таржимасидан.

3 (136-бет). Дездемона қўшиғи (Шекспирнинг Отеллоси). И. Қозловнинг эркин таржимаси.

4 (137-бет). Пушкиннинг лицейда ёзган ше'ри.

5 (147-бет). «Иваное — Вальтер Скоттнинг «Айвенго» романи

6 (149-бет). Белинский бу ерда Гамлет «иродали шахс» деб берган баҳосидан чекинади («Гамлет» деган мақоланинг изоҳига қаралсин. Шекспир драмаси. «Мочалов Гамлет ролида». Шу нашрнинг биринчи томида).

7 (155-бет). Белинскийдаги «суб'ектив бошланиш» тушунчаси ёзучининг дунё қараши проблемаси блан боғлиқдир.

8 (159-бет). Белинский бу романга зўр э'тибор берганига қарамай, мақсадини амалга оширмади (шу нашрнинг 1 томига қаралсин).

9 (165-бет). Гёте «Фауст»ининг иккинчи қисмига баҳо беришда Белинскийнинг эстетик фикрининг мустақиллиги айниқса равшан ифодаланди. «Фауст»нинг иккинчи қисми э'тиқодли гегельчилар учун сан'ат намунаси ҳисобтанарди. Белинский унда «жонсиз, бемаза символика»ни кўрди. (Хатлар I том, 266, 334—335 бетларга қаралсин).

10 (172-бет). Ором ол, азиз жасад, шодон тонггача». Карамзин ше'ри

11 (179-бет): Белинский Пушкиннинг бадий прозасига

қайтадан баҳо берди. Илгари уларга баҳо беришда сиполик қилган эди.

<sup>12</sup> (186-бет). Белинский Москва университетининг профессори Мерзляковнинг фаолиятини умуман жуда юқори баҳоларди. «Пушкин асарлари» деган VI мақоласида унинг ижодига жуда тўлиқ ва тарихий жиҳатдан аниқ баҳо берди. (Шу нашрнинг III томига қаралсин.)

<sup>13</sup> (193-бет). Белинскийнинг Кольцовга нисбатан бўлган муносабатини билиш учун «А. Кольцов ше'рлари» деган мақоланинг сўзбошисига қаралсин. (Шу нашрнинг I томи.)

<sup>14</sup> (199-бет). Бу жой цензура томонидан бузилган ва Н. Х. Кетчер томонидан қўл'ёзмага қараб тузатилган эди (Солдатников нашрида).

<sup>15</sup> (200-бет). Бу мақоладан бир варағи сақланиб қолган, ўша варақда шу жой сал бошқачароқ ўқилади. (Ленин номидаги Бутуниттифоқ кутубхонасининг қўл'ёзмалар бўлими.)

<sup>16</sup> (205-бет). Белинскийнинг Грибоедовга бўлган муносабатини билиш учун «Ақллилик балоси» мақоласининг муқаддимасига қаратсин (шу нашрнинг I томига қаралсин).

<sup>17</sup> (208-бет). Цитата Жан Поль Рихтернинг «Апалог» Ибратли асарларидан олинган.

<sup>18</sup> (213-бет). Цитата В. Ф. Одоевскийнинг «Бал» асаридан олинган.

#### ТАНҚИД ҲАҚИДА НУТҚИ

Биринчи мақола. «Отечественные записки», 1842 йил, XXIV том, № 9, V—бўлим, 1—16 бетлар. (Цензур рухсати 31 август 1842-йил).

Иккинчи мақола. «Отечественные записки» 1842-йил, XXIV том № 10 V—бўлим, 17—42 бетлар. (Цензура рухсати тахминан 30-сентябрь 1842 йил). Учинчи мақола. «Отечественные записки» 1842 йил, XXV том, № 11, V—бўлим 1—12 бетлар. (Цензура рухсати октябрь 1842 йил) и м з о с и з.

Белинский учун адабий танқид рус жамоатчилик фикрининг юзага чиқишининг энг ёрқин ва энг актив шаклларида бири эди. У кўпинча рус танқидининг «обруйи» ва «кудрати»ни, унинг жамоат ҳаёти ва адабиёт тараққиётига зўр та'сир этажигини та'кидлар эди.

<sup>1</sup> Бу изоҳни Рустам Комилов таржима қилган.



Танқид ўзининг омма ўртасидаги буюк э'тбори учун дастлаб Белинскийдан миннатдор бўлиши керак. Белинский сан'ат ҳодисаларига суб'ектив, формал-эстетик нуқтаи назардан қарашнинг бутунлай асоссиз эканлигини биринчи бўлиб исбот қилди. Белинский танқидга ижтимоий нафас киритди ва уни илғор ғоялар органига айлантирди. У, танқид шахсий ва тасодифий фикрларнинг ифодасидир, деган да'вони пучга чиқариб, танқидга илмий асос солди ва бир бутун эстетик нуқтаи назар системасини ишлаб чиқди.

«Танқид ҳақида нутқ» Белинскийнинг 40-йилларнинг бошларидаги назарий мақолалари ичида энг ёрқинларидан бири деса бўлади. Бу мақола — танқидчининг фалсафий ва эстетик тараққиётида юз бераётган жиддий силжишларнинг равшан далилидир. Белинский мақоланинг бош қисмида авваллари ўзи қайта-қайта такрорлаб юрган фикрини та'кидлайди: «Даврнинг руҳи замонамизнинг танқидида бошқа бирон нарсага нисбатан кўпроқ ифодаланган». Аммо шарҳланаётган мақолада бу ҳодисанинг сабаби янгича изоҳланади. 1836 йилда сан'ат нафислик ҳақидаги фанни яратдими ёки, аксинча, нафислик фани сан'атни яратдими? деган масалада Белинский Шевырев блан қаттиқ мунозара олиб борди. Белинский ўша вақтда худди сан'атнинг ўзи махсус фанни — я'ни нафислик назариясини» яратди деб ёзган эди. («Танқид ва адабий фикрлар ҳақида», «Московский наблюдатель»). Бу мақолада эса Белинский масалани бошқача ҳал қилади. «... Сан'ат танқидни яратган эмас, шунингдек танқид ҳам сан'атни яратган эмас, лекин униси ҳам, буниси ҳам даврнинг бир руҳидан келиб чиққан. У ҳам, бу ҳам даврнинг онги блан бирхилдир». Бундан бирнеча йил бурун Белинский сан'ат блан танқид ўртасида чуқур зиддият бор деб да'во қиларди. Энди бўлса «унинг ҳам, бунинг ҳам мазмуни бирхил» деб исботлайди. Шунинг учун ҳам Белинский авваллари қилгани сингари танқид ҳақидаги мулоҳазасини сан'ат ҳақидаги мулоҳазасидан ажратмайди. Энди бўлса танқид блан сан'ат Белинский учун бир биридан ажратилган икки параллель ҳодиса эмас, балки битта органик процесс.

«Ўзидан ташқари мақсади бўлмаган «об'ектив» сан'ат» ҳақидаги идеалистик назарияни қат'иян рад этиб, Белинский «тафаккур элементи»ни «бадий» элемент блан қўшилиши ҳақида ёзади. Сан'ат асарининг асосида «қудратли суб'ектив истак» ётиши керак, бу истакнинг бошланиши «даврнинг энг муҳим»

орзусида ётади. Бадий асар ҳаётни фақат тасвир этибгина қолмай. «савол ёки саволга жавоб» бўлиши ҳам керак.

Сан'ат вазифасини янгича тушуниш Белинскийнинг адабий танқидчилик проблемаларига янгича қаршига сабаб бўлди.

Танқидчининг фаолияти деб та'кидлайди Белинский, кўпроқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлаборади: «Ҳозирда буюк асар тўғрисида нима дейишлари, буюк асарнинг ўзига қараганда камроқ аҳамиятга эга». Белинский бунинг сабабини рус воқи'лиги тарихий шароитининг специфик вужудга келишида кўради. Бу шароитда жамиятимизнинг интеллектуал онги фақат сан'ат ва адабиётда, бинобарин, эстетик ва адабий танқидда ифодаланади. Тарихий шароит вужудга келиши натижасида рус танқидчилиги ҳаётга жуда яқин бўлиб қолди. Танқид ҳам худди сан'ат сингари воқи'ликка та'сир кўрсатиши, уни «муҳокама қилиши» керак.

Белинский бу мақолада қатор айрим проблемаларни ҳам анализ қилади. Масалан, бу мақолада у сан'атда «гўзаллик» проблемасини янгича қўяди. У ўзининг аввалги гўзаллик—сан'атда мустақил ва абсолют элементдир деган тушунчасини қаттиқ танқид қилади: «Сан'атда гўзаллик мустақил ва абсолют бўлолмайди» дейди. Танқиднинг муайян вазифаси ана шундан келиб чиқади. Бу вазифа сан'ат ходимларини «сан'атнинг ўз доирасида қарашдан иборат бўлмай, балки унинг ҳаётга ва тарихга бўлган муносабатидадир». Белинскийнинг фикрича, рус адабиётига баҳо беришда тарихий танқид принципини қўллаш айниқса катта аҳамиятга эгадир. Буюк танқидчи бунда жаҳоннинг энг «сермазун», «энг ижтимоий» адабиёти бўлган рус адабиётининг ўзига хослиги ҳақидаги фикрга асосланди.

Белинский «Оқилона мазмун» сан'аткорни «эркин ижод қилиш» ҳуқуқидан маҳрум қилиб қўймасмикан? деган яна бир масалани қўяди. У дейди: «Эркин ижод қилиш замонага хизмат қилиш блан енгил мослашади; бунинг учун ма'лум мавзуда ёзиш ва фантазияни зўрлашнинг ҳожати йўқ; бунинг учун фақатгина граждан бўлиш, ўз жамияти ва ўз даврининг фарзанди бўлиш лозим, холос. Жамият манфаатларини ўрганиб, ўз орзуларини жамият орзуларига бириктириш керак...»

Шарҳланаётган мақолага сабаб бўлган «нутқ» тўғрисида бироз тўхтаб ўтиш керак. Белинскийнинг ўзи А. Никитенконинг «Танқид ҳақида нутқи» унинг учун «сабаб»гина бўлиб хизмат қилганини қайта-қайта э'тироф қилади. «Танқид ҳақида нутқ»

профессор А. Никитенко томонидан 1842 йил 25 мартда Петербург университетининг тантанали мажлисида сўзланган эди. Салдан кейин алоҳида китобча бўлиб босилиб чиқди. Белинский «нутқнинг» баъзи бир ижобий сифатларини: «ифодасининг ёрқинлиги», фасоҳат, авторнинг танқидга нисбатан юксак ҳурмати, принципсиз шахсий танқидни қоралашини қайд этади. Университет кафедрасидан туриб шундай ажойиб мавзуда сўзлаш фактининг ўзи ҳам Белинскийнинг хайрихоҳлигига сазовор бўлмай қолиши мумкин эмас эди. Никитенко томонидан илгари сурилган асосий фикрлар масаласига келганда, Белинский деярлик улардан бирортасига ҳам қўшилмайди. 1842 йилда Никитенконинг танқид «ақлни назорат қилучи орган» деган фикрлар ёки ижодни «умумий ва одатдагича» гармоник равишда бирлаштириш ҳақидаги ва шунга ўхшаш идеалистик ва «муросасозлик» идеялари Белинскийга бегона эди. Белинскийнинг ўз таъбирича, у «Нутққа», «иш ҳақида гапиришга қулай фурсат» сифатида ёндашди, холос.

Белинский аҳён-аҳёнда нутқнинг у ёки бу фикрига қўшилади, аммо шунда ҳам уларга шундай тафсилот ва изоҳлар киритадики, бу тафсилот ва изоҳлар Никитенконинг фикрларини тубдан ўзгартириб юборади. Масалан, Никитенко «аналитик танқид» лозимлиги ҳақида тезисни илгари суради. Белинский умумий шаклда авторнинг фикрига қўшилади, броқ, бу тушунчани «тарихий танқид» деган термин билан олмаштиришни таклиф этади, кейин эса «тарихий танқид»нинг моҳияти ҳақида вазифаларининг анализини берадики, бу Никитенко томонидан дастлаб илгари сурилган фикрлардан бутунлай фарқ қилади.

Белинский Никитенко томонидан танқидни уч турга, яъни шахсий, аналитик ва бадий турларга бўлиш ҳақида киритилган таклифни рад қилади. Шунинг учун шахсийки, у бутунлай танқид тури бўлмай, «танқидни сунистеъмол қилиш», холос. Шунинг учун аналитик ва бадийки, «танқидни ҳархил турларга бўлиш ақлга тўғри келмайди». Эстетик танқид «аналитик» танқидсиз мустақил яшаёлмайди ва аксинча. Ҳар бири ёлғиз ҳолда олинганда, бирёқлама, бинобарин, нотўғри танқид бўлади. Белинский айниқса соф эстетик танқиднинг беҳудалигини таъкидлайди.

Белинский ўзининг шу мақоласида рус танқидчилиги тарихининг асосий этапларини мукамал текширишни назарда тутган эди. Броқ, бу тўғрида тузган дастлабки режаси қисмангина амалга оширилди, холос.

<sup>1</sup> (223-бет) «Отечественные записки»да битта сўз тушириб қолдирилган. Никитенкода: «Доимий ташрифларига муяссар этиб...» дейилган. Ба'зан Белинский Никитенконинг нутқидан келтириладиган цитаталарни унча аниқ кўчирмайди. Ноаниқ кўчирилган цитаталардан энг муҳимларини изоҳда кўрсатиб ўтамиз.

<sup>2</sup> (230-бет). Гётенинг «Jch singe wie der Vogel singt» («Мен худди куш сингари сайрайман») деган ше'рига ишора.

<sup>3</sup> (231-бет). Булгаринга ишора.

<sup>4</sup> (232-бет). Белинский Бальзакни «шиддатли» француз мактабининг романтиги деб тушунарди ва унга нисбатан салбий муносабатда эди (масалан, шу томдаги «Париж сирлари» мақо-ласига қаралсин).

<sup>5</sup> (233-бет). 40-йилларда Белинский учун Жорж Зандни завқ-шавқ блан мақташ, ба'зан ҳатто муболиға қилиб юбориш характерлидир.

<sup>6</sup> (235-бет). Булгарин ва унинг муҳитига ишора:

<sup>7</sup> (235-бет): Сенковский назарда тутилган.

<sup>8</sup> (239-бет). Никитенкода: «Шулар воситаси блан ёзучи ўз идеясини талқин этади» (23—24 бетлар).

<sup>9</sup> (248-бет). Белинский «Адабий орзулар» деган мақола-сидан бошлаб рус адабиётининг Пушкингача бўлган даврининг «тақлидчилиги» ва «сун'ийлиги» ҳақидаги хато фикрини тез-тез такрорлайди.

<sup>10</sup> (251-бет). Державин ҳақида шу томдаги мақолага қарал-син.

<sup>11</sup> (253-бет). «Арфа» — Державиннинг оригинал ше'ри: Белинский «Шиллернинг бир пьесасини қайта ишлаш» ҳақида гапирганда, у Державиннинг «Арфа чалучи қиз» (1805) деган бошқа бир ше'рини назарда тутди. Державин Шиллернинг «Lanга аеп Klavier» деган дастлабки ше'рини эркин равишда қайтадан ишлаб чиққан эди: Державиннинг бу ше'ри дастлаб «Клавесин чалучи қиз» номи блан «Вестник Европада» босил-ган эди.

<sup>12</sup> (253-бет): Белинскийнинг «Шиллер ва Гёте тўғрисида шубҳали овозалар» деган сўзи аниқлашни талаб қилади. Ҳар иккала немис ёзучиси Россияда XVIII асрдаёқ машҳур бўлади-лар. Масалан, 1780 йилда Гётенинг «Клавиго» драмасининг тар-жимаси икки марта нашр этилди. (О. П. Козодавлев таржи-маси). Бу асар Москва ҳам Петербург саҳналарида қўйилди.

1781-йилда «Вертер» таржима қилинди («Еш Вертернинг эҳтироси». Ф. Голченков таржимаси). Шиллер асарларининг дастлабки таржималари Россияда 90-йилларда пайдо бўлди. (1793-йилда Шиллернинг «Босқинчилар» пьесаси Н. Сандунов томонидан таржима қилинди).

13 (254-бет). Сутей-Роберт Соути, инглиз шоири (1774—1843).

14 (254-бет). Минвана куйчиси — Жуковский. (Минвана — Эола арфаси) балладасининг қаҳрамони).

15 (257-бет). «Отечественные записки»да опечатка бўлса керак: «шароит» Солдатенков блан Шчепкиннинг нашрида «зўр бериш» деб тўғри ёзилган (VI бўлим, 232-бет).

16 (258-бет). «Лўлилар» поэмасидан.

17 (259-бет). Лермонтов назарда тутилади.

18 (260-бет). Шевиревнинг «Рус адабиётининг ҳозирги замондаги йўналишига назар» деган машҳур асарига ишора. («Педант» мақоласининг муқаддимасига қаралсин).

19 (283-бет). Цитата Ломоносовнинг «На день восшествия на всероссийский престол ее величество государьни Елисаветы Петровны, 1747-года» деган одасидан.

20 (289-бет). Бу жойда бутун жумланинг мазмунига путур етказадиган опечатка тўғриланган. Бу «Отечественные записки» текстига кириб қолган («Улар блан суҳбатлашади») деган гап. Белинскийнинг кўп нашрларида шу ҳолда ўтиб кетган.

21 (293-бет). Цитата «Туллия» деган эклогадан.

22 (297-бет). «Олижаноблик ҳақида» деган сатирадап.

23 (302-бет). «Отечественные записки»даги текстнинг шу жойида хато кетган. Биз бу жумланинг конструкциясини Солдатенков блан Шчепкин нашрлари асосида тиклаймиз.

24 (304-бет). Шу томдаги 148-изоҳга қаралсин.

25 (311-бет). «Ватанпарварлик» ниқоби остида анча жир битиб қолган «ватанпарвар» — Погодин «Москвитянин» нашри; журнал ходими — Шевирев.

26 (315-бет). Булгарин, Греч ва уларнинг органи «Северная пчела»нинг характеристикаси. Қўйида Сенковский ва унинг журнали «Библиотека для чтения» тўғрисида гапирилади.

*«Петербургский сборник, Н. Некрасов нашр қилган», СПб, 1846,  
515—560 бетлар (Цензура 1846 йил 12 январьда рухсат берган).*

*Имзо: В. Белинский*

Адабиётнинг жамият учун аҳамияти жуда катта деган фикр бу мақоладаги энг асосий нарсadır.

Белинский рус адабиётини шу нуқтаи назардан қараб чиқиб, унинг жадал тараққий қилаётганлигини кўрсатиб ўтади, унинг тарихининг асосий даврларини белгилаб беради ва унинг буюк истиқболига назар ташлаш блан тамомлайди.

Танқидчи «турш патриотларга» ла'нат айтади ва «шашти қайтиб қолган француз беллетристининг фельетоннома қилиб ёзилган паст эртаги ҳақида ҳайратда қолиб гапирадиган... рус шоирининг гениал асарига эса нафратомуз бепарволик блан қарайдиган калласи бўш европалиларга» ҳам бундан қолишмайдиган шиддат блан ҳужум қилади. Белинский халқчилиғни ўзи қандай тушунишини очиб беради, бу тушунчада миллий ва умуминсоний манфаатлар узвий равишда боғланиб кетади.

Мақолада бошқа жуз'ийроқ масалалар: рус адабиёти тараққиётида сатира ва юморнинг аҳамияти, комедия ва драматик адабиёт тараққиётининг хусусиятлари, бадний адабиёт блан беллетристиканинг ўзаро муносабати, немис ва француз эстетикасининг баҳоси, француз классицизмнинг роли ва бошқалар тўғрисида ҳам кўп қимматли фикрлар бор.

<sup>1</sup> (331-бет). Белинский бу мусолни Н. И. Второвнинг мақоласида («Кеча ва бугун» деган тўплам, 1 китоб, 1845) Г. П. Каменев тўғрисида берилган биографик ма'лумотлардан фойдаланиб келтиради.

<sup>2</sup> (331-бет). Адабиётнинг разнoчин Белинский теварагида бирлашган пешқадам арбобларининг тўгараги худди ана шундай тўгарак эди, бу тўгаракнинг иштирокчилари эса дворянлардан Герцен, Тургенев, Некрасов, Кавелин, савдогар Ботки, мешчанин Кетчер ва бошқалар эди.

<sup>3</sup> (332-бет). Танқидчининг «Адабий хаёллар» (1834)дан бошлаб бирқанча мақолаларида учрайдиган ва рус адабиётининг сун'ий «келиб чиқиши»дан иборат бўлган фикр Белинскийнинг схематик ва хато та'рифларидан бири бўлиб, бунини у бориб-бориб енгиб кетган эди. Лекин шунини айтиб ўтмоқ керакки, бундай хато фикр блан бир қаторда Белинский дворянлар мадания-

тининг халқдан ажралиб қолганлигини, четэл олдида сажда қилганлигини ажойиб равишда танқид қилган эди. Белинский рус адабиётининг тарихий тараққиётидаги ма'но унинг аста-секин халқ блан яқинлашиб боришининг худди ўзгинасида деб қарар эди.

<sup>4</sup> (333-бет). Белинский тўғрисида турли вақтларда адабий (кўпинча эса адабий бўлмаган) ма'лумотни қарийб унинг ҳамма мухлифлари: Ф. Булгарин, Б. Федоров, С. Шевирев, П. Вяземский тўқиган.

<sup>5</sup> (335-бет). Бу фикрнинг хатолигини шу нарса кўрсатиб турибдики, Крилов ҳаёт вақтидаёқ, 1844 йилгача, унинг масаллари 10 тилга таржима қилинган эди, ҳозирги вақтда эса — 53 тилга таржима қилинган (С. Бабинцевнинг Крилов тўғрисида Д. Д. Благой ва Н. Л. Бродский таҳрири остида 1947 йилда Москвада чиққан тўпламдаги «Криловнинг оламга машҳурлиги» деган мақоласига қаралсин).

<sup>6</sup> (337-бет). 1845 йили Л. Виардо, И. С. Тургенев ёрдами блан, Гогольнинг бош повестини француз тилига таржима қилган эди.

<sup>7</sup> (346-бет). «Курдюкова хонимнинг четэлдаги доврўқлари ва мулоҳазаларидан л'этранж» — И. П. Мятлевнинг юмористик поэмаси бўлиб (уч том, 1840—1844), «Макоронча» деб аталадиган тақлидда ёзилган (рус тилининг четэл тили блан пойма-пой қилиб, кулгили бир тарзда аралаштирилиши).

<sup>8</sup> (347-бет). Н. В. Гогольнинг «Нева проспекти» повестидан.

<sup>9</sup> (348-бет). «Донмий танқидчи», «Ҳар балони ўйлаб чиқаручи» — Ф. В. Булгарин бўлиб, у «Северная пчела»да ўз фельетонларини системали равишда «Журналбоп ҳар балолар» деган сарлавҳа остида бостириб чиқарган эди.

<sup>10</sup> (350-бет). «Северная пчела» бундай та'наларни муттасил, «Отечественные Записки»нинг ношири бўлган, А. А. Краевскийга қаратар эди.

<sup>11</sup> (352-бет). «Северная пчела»да Гоголь ҳақида бундай гапларни ёзиш доимий одат бўлиб қолган эди. Мисол учун, Булгарин «Янги Хлестаков» водевилини тавсифлаб бундай ёзган эди: «Бу водевилда ҳам «Ўлик жонлар», «Ревизор» ва бошқалардаги каби ўша русча табиатнинг я'ни ювуқсиз, пахмоқ, юпун, маст ва виждонсиз бир вужуднинг худди ўзгинаси кўриниб турипти». («Северная пчела», 1845, 27).

<sup>12</sup> (352-бет). С. Н. Глинканинг «Александр Петрович Сумароков ҳаётининг очерки ва танланган асарлари» номли машҳур китоби (уч қисмдан иборат, Сиб., 1841) тўғрисида Белинский «Отечественные Записки»да 1841 йили (том XVIII, № 9 ва том XIX, № 12) кескин салбий назар блан қараб ёзилган иккита рецензия бостириб чиқарди. Китоб Сумароковнинг С. Глинка томонидан панегирик тарзида шарҳлаб берилган сайланма асарларидан иборатдир. Адабиётимизнинг беллетристика асарга камбағаллиги тўғрисидаги юқорида айтиб ўтилган фикрни Белинскийнинг ўзи «Петербургнинг физиологияси» ёзилган «Муқаддима»да баён қилган эди (Белинский. Уч томдан иборат асарлар тўплами, II томга қаралсин; Москва 1949).

<sup>13</sup> (356-бет). 30—40-нчи йилларда рус адабиётини ва рус саҳнасини эгаллаб олган романтик драмаларни Белинский ўзининг театр ҳақида ёзган кўпгина рецензияларида ва «Александринский театр» мақоласида («Петербургнинг физиологияси» деган тўпلامнинг II қисми) қаттиқ танқид қилган эди.

<sup>14</sup> (356-бет). Белинский Пушкиннинг «Борис Годунов» асари ҳақидаги бу қисқагина мулоҳазасида шу тўғрида Пушкинга бағишланган ўнинчи мақоладаги тафсилий муҳокамадан кўра кўпроқ ҳақлидир (Белинский. Уч томдан иборат асарлар тўпلامининг III томига қаралсин; Москва, 1848).

<sup>15</sup> (357-бет). Г. Ф. Квитка-Основьяненкoning «Дворянлар сайлови» номли комедияси (икки пардалик) 1829—1830 йилларда чиққан эди.

Белинский «Жуда ёқимли халқ водевили» деб А. Аблесимовнинг «Тегирмончи, жодугар, алдоқчи ва совчи» (1779) деган қизиқ операсини атайди.

<sup>16</sup> (357-бет). «Ақллилик балоси» деган мақоланинг кириш қисмини Белинскийнинг 1948 йилда Москвада босилиб чиққан уч томдан иборат асарлар тўпلامининг I тоmidан қаралсин.

<sup>17</sup> (364-бет). Жорж Занднинг «Орас» романидан. Бу романинг Белинский цитата олаётган русча таржимаси «Отечественные Записки»нинг 1842 йилги 8 ва 9-нчи сонларида босилиб чиққан эди.

#### АЛЕКСАНДР ПУШКИН АСАРЛАРИ

*Саккизинчи мақола*

<sup>1</sup> (366-бет). «Евгений Онегин» 1823 йил 9 майда Кишиневда бошланган ва 1830 йил 25 сентябрьда Болдинда тамом қилин-



ган. Белинскийнинг кейин келадиган ба'зи муҳокамаларини тушунмоқ учун, аввал бошда романи ўн бобдан иборат қилиш мўлжалланганлигини эслатиб ўтиш ёмон бўлмас. Энг сўнги таҳрирда охириги ҳисобланган саккизинчи боб, бошда тўққизинчи эди. Саккизинчи бобни Пушкин чиқариб ташлади (бу боб «Онегиннинг саёхатномасидан парчалар» номи блан машҳурдир). Уткир сиёсий киноялар блан тўла ва шунингдек чала бўлган ўнинчи бобни Пушкин 1830 йил 19 октябрда Болдинда куйдирди. Бу бобдан алоҳида ҳарфлар блан ёзилган айрим фрагментлар қолган бўлиб, бу фрагментларни атиги 1910 йилда П. О. Морозов топди («Пушкин ва унинг замондошлари», XII китоб).

<sup>2</sup> (378-бет). Н. В. Гоголь, «Арабески», Спб, 1835, I қисм, 216—217 бетлар.

<sup>3</sup> (382-бет). «Ақллилик балоси» алоҳида нашрда 1833 йилда чиқди.

<sup>4</sup> (384-бет). Лермонтовнинг «Журналист, ўқучи ва ёзучи» деган ше'ридан (1840).

<sup>5</sup> (386-бет). «Евгений Онегин»нинг еттинчи боби тўғрисидаги мақоласида бу асарни «ҳангама гаплардай аҳамиятга» эга «шоирона латифалар», «Ошиқ-машуқлик манзаралари» блан тўла «рама» деб атаган Н. И. Надеждин кўзда тутилади («Вестик Европы», 1830, № 7).

<sup>6</sup> (404-бет). Мельмот — Матюреннинг «Сайёҳ Мельмот» романининг қаҳрамони (1821).

<sup>7</sup> (407-бет). Белинский 1841 йилги нашридан айнан цитата олган, лекин унда цензурани алдаш учун ҳйла ишлатилганлиги яққол кўриниб турипти, бўлиши керак: «Қул тақдирга тан берди» (I том, 37 бет).

<sup>8</sup> (420-бет). Пушкинда: «Йиғлаб оёғингиз узра» (I том, 224 бет).

<sup>9</sup> (420-бет). Пушкинда: «Сизга кулиб боқсам» (I том, 224 бет).

#### Тўққизинчи мақола

<sup>10</sup> (440-бет). Пушкинда 1841 йил нашрида: «Ақли анча кам эди» (I том, 42 бет).

<sup>11</sup> (443-бет). Ларинларнинг меҳмонлари орасида Пихтин тилга олинмайди.

<sup>12</sup> (458-бет). Пушкинда: «Шодлик учун, ширин ҳаловат учун».

<sup>13</sup> (460-бет). 1841 йил нашрида, бу ерга нуқталар қўйилган. СССР Фанлар академиясининг нашрида, VI томда бу ше'р қуйидагича ўқилади: «Е боёрларнинг кўшклари учун» (437 бет).

<sup>14</sup> (469-бет). 3-нчи изоҳга қаралсин.

<sup>15</sup> (471-бет). «Евгений Онегин», II боб, XXXVIII байт.

## ГОГОЛЬГА ХАТ

*Белинскийнинг Гогольга хати «Полярная Звезда», 1855, 1 қисм  
текстига мувофиқ қайтадан босилди. А. И. Герцен бу хатни биринчи  
марта шу журналда босиб чиқарган эди.*

Герцен хат блан бирга Гогольнинг унга жавобини ҳам э'лон қилди. Гоголь ўз жавобида Белинский томонидан унга қўйилган айбларнинг тўғрилигини э'тироф қилди. Герцен хат блан жавобни қуйидаги муқаддима блан босиб чиқарди: «нома'lум бир киши бизга Белинскийнинг Гоголь блан ёзишган хатларини юборди. Бу хатларни биз илгари Белинскийнинг ўзидан эшитган эдик, улар 1847 йилда бирмунча шов-шувга сабаб бўлган эди. Ҳарҳолда бу хатлар босиб чиқарилса, ҳечқандай ўринсиз иш бўлмайди, бу хатлар бирнеча қўлдан, ҳатто полициячилар қўлидан ҳам ўтди, бинобарин, уларни босиб чиқариш блан ҳаммага ма'lум нарсани босиб чиқарган бўламиз. Белинский блан Гоголь энди йўқ, Белинский блан Гоголь рус тарихига кирди, улар ўртасидаги мунозара — жуда муҳим ҳужжатдир, бу ҳужжатни халққа э'лон қилмасдан назокат қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ» (Асарлар ва хатларнинг мукамал тўплами, М. К. Лемка таҳрири остида, VIII том, 172 бет).

Белинскийнинг Гогольга хати фақат рус адабиётининг икки улур арбобининг шахсий муносабатлар тарихига доир эпизод бўлмай, балки шу блан бирга Белинскийнинг ғоявий эволюциясида муҳим бир даврдир ва Россиядаги озодлик ҳаракатининг ёрқин ҳужжатидир. В. И. Лениннинг 1914 йилда Белинский ҳақида айтган сўзлари ма'lум: «Унинг машҳур «Гогольга хати» Белинскийнинг адабий фаолиятига яқун ясади, бу хат ҳозиргача ғоят катта, муҳим аҳамиятини сақлаб келган цензурасиз демократик матбуотнинг энг яхши асарларидан бири эди» (Асарлар XVII том, 34 бет).

Бу хат 1847 йилнинг июлида (15 июль деб қўйилган) Зальцбруннда (Силезия), Белинский даволаниб ётган жойда ёзилган эди. Гоголь 1847 йил 20 июньда Белинскийга ёзган хатида

танқидчига та'на қилиб, «танланган ўринлар» китобига жуда қаттиқ баҳо берилганини айтади: «Сиз менинг китобимга жаҳли чиққан киши кўзи блан қарабсиз» дейди.

Зальцбруннда Белинский блан бирга бўлган П. В. Анненков ҳам Гогольдан хат олган. Кейинчалик Анненков ўз хотирасида бундай деган эди: «Мен Гогольнинг хатини баланд овоз блан ўқиганимда, Белинский уни бутунлай бепарво ва паришонлик блан тинглади,— лекин Гогольнинг хатида Белинскийнинг ўзига тегишли ўринларини у кўздан кечирар экан, бирдан тутоқиб кетиб, бундай деди: «одамлар ундан нима учун жаҳли чиқаётганлигини тушунмайди,— буни унга тушунтироқ керак — мен унга жавоб қайтараман». Анненков бу хат қандай вазиятда ёзилганини ҳам тасвирлаб кўрсатган. «Белинский сурункасига уч кун сувдан қайтиб, менинг уйимнинг пешайвонига чиқмасдан, тўғри ўзининг, омонат кабинетига ўтиб кетди. Шундай пайтда у сра сўзламас ва хаёлчан бўлиб юрарди. Ҳаркун эрта блан у кабинетида кандасиз турган бир чашка кофени ичасолиб, ёзги сюртугини кияр ва диванга ўтириб, столга эгилиб ёзгани ёзган эди. Бу иш биз овқат қиладиган соатгача давом этарди; обеддан кейин у ишламас эди. У, Гогольга хат ёзишга уч эртани сарф қилгани таажжуб туюлмаса керак; бунинг устига шуни ҳам қўшмоқ керакки, у ҳаяжонининг зўрлигидан хатни қўйиб, диванга суяниб тез-тез дам олар ва яна ёзар эди. Бундан ташқари, хатни ёзиш процессининг ўзи ҳам сермашаққат эди. Белинский дастлаб хатни қалам блан парча-парча қоғозларга ёзди, сўнгра диққат блан чиройлик қилиб оққа кўчирди, ундан кейин тайёр текстдан яна ўзига копия ҳам кўчириб олди» («Адабий эсдаликлар», 1929, 580—581 бетлар), хат Остендега Гогольга юборилди. Бу вақтда Гоголь шунда турарди. Белинский блан Анненков Парижга келганлар. Бунда Белинский хатни Герценга ўқиб берган. Герцен бу хатни улуф танқидчининг «васияти» деб билган.

Гоголь бирнеча марта Белинскийга жавоб қайтаришга ҳаракат қилган. У ўзини оқлашга уриниб, билмасдан хато йўлга кирганлигини назарда тутишни сўраган ва ҳоказо, аммо ҳарсафар жавоб хатини йиртиб ташлаган; афтидан, ўзини ҳимоя қилиш ўринсизлигини сезган. Ниҳоят 1 августда Гоголь Белинскийга жавоб қайтарган, бу жавобида у ҳақиқатнинг «бир қисмини» тўғри деб топган. У бундай деб ёзган: «мен Россияни билмасдан туриб, миямга туюлган нарсани чин ҳақиқат деб

ўйлаган эканман; мен Россиядан чиқиб кетганимдан бери унда кўп нарса ўзгариб кетибди; унда ҳозир мавжуд бўлган нарсаларнинг ҳаммасини мен янгидан билиб олишим лозим экан».

«Хат»да Белинский ўзининг философ-эстетик идеяларини ривожлантирган, рус адабиётининг буюк прогрессив ролини таъкидлаб ўтган, ёзувчининг маънавий обрўсини баланд кўтарган ва крепостной ҳуқуққа қаттиқ ҳужум қилган.

Ҳақиқий революцион демократ Белинский крепостной ҳуқуқни дарҳол тугатишни ёқлаб чиқди. «Тиниб-тинчиб турмайдиган Виссарион»нинг бу хатида рус халқига, унинг равшан ва зийрак ақл-идрокига, буюк ижодий қобилиятига зўр ишонч ифодаланган. Белинский рус адабиётининг асосий вазифасини халққа билим бериш, халқни ўз озодлиги учун курашга тайёрлашдан иборат деб билар эди. Унинг Гогольга муносабати ҳам ана шундан келиб чиққан эди. Белинский Гогольни «Ревизор» ва «Ўлик жонлар» каби асарларнинг автори сифатида илгаридек катта ҳурмат қилиш блан бирга, «Ёзишмалар»нинг автори сифатида уни шафқатсиз танқид қилади.

Белинскийнинг Гогольга хати жуда кўп рўйхатлар орқали бутун Россияга тарқалди. Бу хат «петрашевчилар»дан тортиб то рус социал-демократиясининг арбобларигача революционерларнинг бирнеча авлодини тарбиялади.

Бу хат Россияда бирнеча марта В. Чижовнинг «Гогольнинг сўнгги йиллари» деган асарида эълон қилинди («Вестник Европы», 1872, № 7). Чижов хатни «Полярная Звезда»нинг текстидан олиб босган эди.

<sup>1</sup> (480-бет). «Тахт ворисининг ўғли» — яъни Александр III, унинг отаси Александр II ўша йилларда тахт вориси эди.


<sup>2</sup> (483-бет). Гоголь Иерусалимни бориб зиёрат қилиш нияти борлигини айтган эди. Бу сафарни у кейинроқ, 1848 йилда қилди.

<sup>3</sup> (484-бет). Князь Вяземскийнинг «Язиков ва Гоголь» деган мақоласи назарда тутилади («Санктпетербургские Ведомости», 1847, № 90—91). Гогольнинг китобини Вяземский мавжуд тартибни танқид қилишни Гоголь номи бекитиб юручи кишиларнинг ниқобини йиртиб ташлаш учун «керакли» китоб деб ҳисоблар эди. Белинский буни шахсан менинг устимдан қилинган чақимчилик деб ҳақ гапни айтган эди.

<sup>4</sup> (485-бет). Шпекин — Гогольнинг «Ревизор»ида почтахона мудир. Бировларнинг хатини очиб ўқийдиган киши.

## М У Н Д А Р И Ж А

Н а ш р и ё т д а н . . . . .	3
Замонамиз қаҳрамони, М. Лермонтов асарлари. <i>Р. Абдурахмонов</i> таржимаси . . . . .	5
Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши. <i>Ойбек</i> тар- жимаси . . . . .	131
Танқид ҳақида нутқ. . . . .	214
Биринчи мақола . . . . .	214
Иккинчи мақола . . . . .	245
Учинчи ва сўнгги мақола. <i>Озод Шарафуддинов</i> ва <i>М. Воҳидов</i> таржимаси . . . . .	298
Рус адабиёти ҳақида ўй ва мулоҳазалар. <i>Зиё Аминов</i> таржимаси . . . . .	322
Александр Пушкин асарлари . . . . .	3·6
Саккизинчи мақола . . . . .	363
Тўққизинчи мақола. <i>Зиё Аминов</i> таржимаси . . . . .	426
Гогольга хат. <i>Р. Абдурахмонов</i> таржимаси . . . . .	472
Изоҳлар . . . . .	487



*На узбекском языке*

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ

Перевод с издания  
Государственного издательства  
Художественной литературы,  
т. т. I—III, 1948

*Госиздат УзССР—1955—Ташкент*

*Редактор С. Муҳамедов  
Рассом А. К. Ошейко  
Техн. редактор Я. Б. Пинхасов  
Корректорлар:  
М. Рустамов ва Ш. Қўшбоева*

\* \* \*

*Босмахонага берилди 22. VII. 1955. Босишга  
рухсат этилди 31/X 1955. Формат  
84×108<sup>1/2</sup>. 16, 1 босма листи. 25,24 шартли  
босма листи. Нашр. л 26 о. Тиражи 15000.  
Р 08841. Индекс: н/а. Ўзбекистон ССР  
Давлат Нашриёти. Тошкент. Полиграф  
кучаси, 74. Договор № 353—52 й.*

\* \* \*

*ЎзССР Маданият министрлиги  
Ўзглавиздатининг 1-чи босмахонаси.  
Тошкент. Ҳамзи кучаси, 33. 1955 й.  
Заказ № 314. Баҳоси 8 с. 50 т.*